

## MUNDARIJA

## • ANIQ VA TABIIY FANLAR

<b>Renat R.L., Ramazanov A.Kh., Shirinov Kh.Kh.</b> Applications of plasmonic nanoparticles in medicine.....	2
<b>Джураев Д.Р., Тураев А.А.</b> Особенности ключевых параметров полевых транзисторов.....	7
<b>Aliyev R., Alinazarova M.A.</b> Amorf kremniy asosli quyosh elementlarining qisqa tutashuv toki zichligiga noideallik koeffitsientining ta'siri.....	10
<b>Икрамов Р.Ғ., Жалолов Р.М., Исманова О.Т., Турдалиев У.В.</b> Кристалл бўлмаган яримўтказгичларнинг рухсат этилган зоналари чегарасидаги электрон ҳолатлари зичлиги тақсими ва оптик ютилиш спектрлари.....	14
<b>Бегматов А.Х., Очилов З.Х., Хусанов А.З.</b> Задача интегральной геометрии вольтерровского типа с весовой функцией специального вида.....	18
<b>Алимов Ҳ.Н.</b> Ночизикли бошқарувли каср тартибли дифференциал ўйинлар.....	22
<b>Тошмуродов Ё.К., Бекназарова З.Ф., Туропова Д.У., Кодиров А.У.</b> Электрофизические и спектрометрические характеристики разных типов кремниевых детекторов ядерного излучения больших размеров.....	26
<b>Varatov V.S.</b> Separabel kubik stoxastik operatorlar.....	29
<b>Рахмонов Қ.С., Равшанов С.С., Тўлаганов Р.Ш., Тошмуродов И.А., Суннатов Б.У.</b> Бугдой дониға гидротермик ишлов беришни ультратовуш таъсирида жадаллаштириш.....	37
<b>Кодиров Б., Тухтаева Н.Б., Худайкулов С.И.</b> Моделирование возмущения оседающих частиц дисперсной смеси.....	40
<b>Зарипов Г.Т., Бешимов Ю.С., Нормуродов Б.Р.</b> Маҳаллий хом ашёлардан ярим тайёр қоғоз материаллари ишлаб чиқаришда ишқор эритмалари концентрациясининг таъсири.....	45
<b>Хужанова Д.Ш.</b> Яримўтказгичли квантланган ипларда ёруғликнинг комбинацион сочилиши.....	50

## • TILSHUNOSLIK

<b>Ўраева Д.С., Кахорова И.С., Қаҳҳорова Г.Ш.</b> Инглиз ва ўзбек тилларида ҳис-ҳаяжон гапларнинг шаклланишида эмотив сўзларнинг ўрни .....	54
<b>Ширинова Р.Х.</b> Аудиовизуал луғат яратиш тажрибасидан.....	62
<b>Чориев Т.Р.</b> Алишер Навоий ижодидаги форс-тожикча воситаи ташбеҳ морфемаларнинг лингвопоэтик хусусиятлари.....	68
<b>Ahmedov B.Y.</b> Rus va o'zbek tillarida boshqaruv kategoriyasi.....	74
<b>Kilichev V.E., Safarova M.Z.</b> Xalq va millat nomlari asosida shakllangan etnotoponimlar.....	77
<b>Раджабов Н.Н.</b> Инглиз ва ўзбек тилларида унлилар интерференцияси.....	81
<b>Одилова Г.К.</b> Ўзбек миллий таом номинантларининг стилистикасига оид.....	89
<b>Сагдуллаева Д.К.</b> Рабғузийнинг “Сулаймон бин довуд алайҳи-с-салом қиссаси”даги арабий ўзлашмаларнинг морфологик хусусиятлари.....	93
<b>Салахидинова З.О.</b> Проблема синонимии и вариантности фразеологизмов в русском языкознании.....	97
<b>Рахматова М.М.</b> Гўзаллик концептининг бадий матнларда воқеланиши ва унинг концептуал таҳлили.....	101
<b>Гулямова Ш.К.</b> Гендер тушунчаси ва унинг лингвистикада тутган ўрни.....	107
<b>Муқимова З.Р.</b> Ўткир Ҳошимов асарларида поэтонимлар олами.....	114
<b>Кахарова И.С., Қаҳҳорова Г.Ш.</b> Ҳис-ҳаяжон гапларни шакллантирувчи омиллар ва уларнинг когнитив хусусиятлари.....	119
<b>Хонхўжаева А.С.</b> Келин тўйи маросимига мансуб этнографик сўзлар ва терминларнинг қўлланилиши.....	124
<b>Ortiqova N.M., Nurboeva M.V.</b> “Buloq” stimulining assotsiativ maydoni.....	127

## ADABIYOTSHUNOSLIK

<b>Умурова Г.Ҳ.</b> Таниш туйғулар тасвири.....	132
<b>Юлчиев Қ.В.</b> Рауф Парфи учликларида макон ва вақт категорияси.....	135
<b>Мирзоев Х.Т.</b> Сайфий Бухорий шахсияти ва ижодини ўрганишда ўз даври манбаларининг ўрни.....	139
<b>Аҳмедова Ҳ.Ш.</b> “Эмма” романида портрет яратиш маҳорати.....	144
<b>Орипова Г.М.</b> Мустақиллик даври ўзбек шеърлятида фикр ва туйғу уйғунлиги.....	149
<b>Турсунова Ф.Ғ.</b> Ҳажвий қаҳрамон ташқи қиёфасини тасвирлашда монологик нутқнинг ўрни (Абдулла Қодирий асарлари мисолида).....	155
<b>Qobulova N.V.</b> Qahramon xarakterini yoritishda biografik metodning roli.....	159

## MUNDARIJA

## • NAVOIY GULSHANI

**Ражабова М.Б.** Ошиқ изтиробларининг навоиёна талқини.....165

## • FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

**Хамидов О.Х., Раҳимов К.** Бухорони “қуббат ул-ислом” этган аллома.....168

**Надинова З.П., Амиркулов Р.Х.** Илмий билишда интуициянинг ўзига хос хусусиятлари.....176

**Акрамов М.М.** Ёшлар жиноятчилигининг олдини олишда кино санъатининг роли (“Scorpion” номли тўлиқ метражли миллий бадиий фильм мисолида).....183

**Нажмиддинов Б.М.** Сиёсий партиялар моҳиятига доир замонавий ёндашувлар ва уларнинг аҳамияти.....186

**Исабаев М.Б.** Худудий вакиллик органлари тизимини такомиллаштириш - давлат бошқарувини модернизация қилишдаги муҳим вазифа.....191

**Джураев Ш.Ф.** Философская система как специфичный индикатор развития общества в древности и средневековья.....196

**Шарипова Д.Ш., Абулова З.А.** Нақшбандия тариқати орифларининг фазилятлари ва силсиласи.....199

## • TARIXSHUNOSLIK

**Ҳайитов Ш.А.** Россия федерациясидаги ўзбеклар: тарихий таҳлил (1991-2015 йиллар).....204

**Раҳмонов Т.Э., Шодиева Ш.С.** Ўрта осий ва Марказий Осий атамаларининг келиб чиқиши ҳақида илмий мулоҳазалар.....207

**Бобожонова Ф.Х.** Бухоро мадрасаларининг қурилиши, моддий-ҳўжалик таъминоти ва фаолиятини ташкил қилиш масалалари.....211

**Ҳайитов Ж.Ш.** Туркистонда картошка экин навларининг тарқалиш тарихидан (XIX аср охири – XX аср бошлари).....217

**Jumayeva N.A.** Buxoro vohasi aholisining yer – suvdan foydalanishi bilan bog'liq an'analar (XIX asr oxiriXX asr boshlari).....221

**Zaripov J.G., Ahmadov A.A.** Buxoro amirligi diplomatiyasida Afg'onistonning o'rni(XVIII-XIXasrlar).....226

## • IQTISODIYOT

**Navruz-zoda B.N., Najmiddinov S.N.** Buxoro hududining turistik salohiyatini ko'tarishda ziyorat turizmining ahamiyati va roli.....231

**Хамраев З.М., Қаҳҳоров О.С.** Ўзбекистонда ташқи савдо ривожланиши жараёнлари таҳлили.....235

**Qayimova Z.A., Narziyeva D.M.** Korxonalarda innovatsion jarayonlarni tashkil etish yo'llari.....245

**Шомуродов Р.Ш.** Инновацион стратегик бошқарув тушунчасининг моҳияти.....249

## • PEDAGOGIKA

**Voltayev T.B., Murodov Sh.A.** Preparing the educational materials using lms platform.....253

**Ташпўлатов Ф.А.** Ўқувчи ва талаба-ёшлар ўртасида ўтказиладиган спорт мусобақалари тизимини янада такомиллаштириш йўллари.....256

**Турдиева Г.С.** Google сайт хизматлари ёрдамида талабаларнинг мустақил ишларини ташкиллаштириш технологияси.....261

**Избуллаева Г.В., Расулова З.Д.** Меҳнат таълимида тўғараклар фаолиятини интерфаол усуллар ёрдамида уйғунлаштириш.....266

**Назаров А.М., Файзиева У.А.** Замонавий раҳбар кадрлар тайёрлашдаги психологик муаммолар.....273

**Зокирова Г.В.** Ўзбекистонда хотин-қизлар нашрлари: типологик жиҳатлари, мавзулари кўламининг янгиланиши.....277

## • SAN'ATSHUNOSLIK

**Муратов Ш.К., Кўкиев Б.Б., Облоқулова Л.Ф.** Яққол тасвирлар қуришда қийшиқ бурчакли аксонометрик проекциялардаги ўзгариш коэффициентларининг ўзаро боғлиқлиги.....282

**Абдуллаев С.Ф., Ядгаров У.Т.** Методы перспективного изображения гипсовых античных голов и бюстов.....286

## • QUTLOV

**Жумаев Ж.** Болтаев Телмаен Бакаевич 60 ёшда.....292

## • E'LON

“Buxoro davlat universiteti ilmiy axboroti” jurnalida maqola e'lon qilish talab va shartlari...293-294

УДК: 620.3. УДК: 6.

ТИБИЁТДА ПЛАЗМОН НАНОЗАРРАЧАЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ  
 ПРИМЕНЕНИЕ ПЛАЗМОННЫХ НАНОЧАСТИЦ В МЕДИЦИНЕ  
 APPLICATIONS OF PLASMONIC NANOPARTICLES IN MEDICINE

**Renat Rifgatovich Letfullin**

*professor, Department of Physics and Optical Engineering, Rose-Hulman Institute of Technology*

**Ramazanov Asror Khamroevich**

*professor, Department of Physics, National University of Uzbekistan*

**Shirinov Khurshid Khasanovich**

*instructor, Department of Physics, National University of Uzbekistan*

**Tayanch soʻzlar:** nanozarralar, metall nanozarralar, optikmateriallar, kompozitmateriallar, shakllarva oʻlchamlar, nanooʻtkazgichlar, dori, fulleren, uglerod nanotrubkalar, kvant nuqtalar, tashxis, DNK, nanorobotlar.

**Ключевые слова:** плазмонные наночастицы, металлические наночастицы, оптические материалы, композитные материалы, формы и размеры, нанопроволока, лекарство, фуллерен, углеродные нанотрубки, квантовые точки, диагностика, ДНК, нанороботы, наномедицина.

**Key words:** plasmonicnanoparticles, metallic nanoparticles, optical materials, composite materials, shapes and sizes, nanowires, drug, fulleren, carbon nanotubes, quantum dots, diagnostics, DNA, nanorobots, nanomedicine.

*Nanozarralar – turli xil materiallardan hosil boʻladigan, har xil shakl va strukturadagi 1-100 nm atrofidagi oʻlchamga ega zarralardir. Nanozarralar deyarli har qanday materialdan, jumladan: yarim oʻtkazgichlar, metallar va hattoki organik tabiatli strukturalardan ham tuzilgan boʻlishi mumkin. Tibbiyotda istalgan materialdan tuzilgan nanozarralardan foydalanishda ularning dizaynidagi uchta komponentdan foydalaniladi: 1) dori mahsulotlarini saqlab turish va boshqarishda – yadrodan, 2) zarrachani dorini yoʻnaltirish nazarda tutilmagan organlardan himoya qilishda – qoʻbiqdan, 3) dori yoki boshqa vositalarning tana boʻylab uzoq masofalarni bosib oʻtishida – sirtini qoplovchi qatlamdan. Quyida biz nanotibbiyotda qoʻllanishi mumkin boʻlgan turli xil nanozarrachalarga misollar keltirib oʻtamiz. Ushbu qisqacha sharh yaqinda eʼlon qilingan Letfullin&George hammuallifligidagi kitobda asoslangan[1].*

*Наночастицы – частицы, отличающиеся разнообразием форм и структур в диапазоне размеров от 1 до 100 нм. Наночастицы могут быть изготовлены практически из любого материала, включая полупроводники, металлы и даже органические структуры. Плазмонные наночастицы, используемые в медицине, имеют три основных компонента в дизайне: (1) ядро, которое заполняется лекарственным препаратом; (2) оболочка, которая защищает частицу от взаимодействия с иммунной системой пациента, (3) и поверхностное покрытие в виде агента распознавания или лекарства, обеспечивающее более долгое обращение наночастиц в теле. Ниже мы приводим несколько примеров плазмонных наночастиц разных типов, которые могут быть полезны для наномедицинских процедур. Этот краткий обзор основан на недавно опубликованной книге Letfullin&George [1].*

*Nanoparticles are particles made of different materials and come in variety of shapes and structures in a size range 1 – 100 nm. Nanoparticles can be made from almost any material, including semiconductors, metals, and even structures that are organic in nature. Through various processing techniques, nanoparticles can be multi-layered, or even hollow, allowing for a variety of uses. Plasmonic nanoparticles used in medicine have three distinct components in their design: (1) the core which is used to hold the drug, (2) the shell which protects the particle from being rejected by the immune system of the body, (3) and a surface covering of a targeting agent or drug to allow longer circulation in the body. Below we provide a few examples of plasmonic nanoparticles of different types, which can be practical for nanomedical procedures. This short review is based on a book recently published by Letfullin&George [1].*

**Types of Nanoparticles Used in Medicine.** Inorganic nanoparticles can be used to induce hyperthermia of cells [1,2]. The magnetic fields can be used to guide magnetic nanoparticles once injected into the body. A hyperthermia treatment is the placement of nanoparticles on tumor cells followed by an energizing of the particles via electromagnetic waves [3,4]. The nanoparticles effectively burn the tissue, and this can be used as either a method to kill tumor cells or as a means to increase the uptake of therapeutic drugs used in the treatment [5,6]. The examples of most commonly used inorganic particles are: metallic nanoparticles, nanowires, fullerenes, carbon nanotubes, silica shells, and quantum dots.

*Metallic nanoparticles* are mostly made of noble metals, like gold, silver and platinum, or metal oxides, like iron oxide, nickel oxide and cobalt oxide, and have a wide variety of applications in diagnostics and therapy [1].

*Fullerene* is the fourth allotrope of carbon, consisting of 60 carbon atoms forming a specific spherical shape, buckyball. Its unique properties, such as heat resistance and superconductivity, enable applications in high-temperature superconducting materials, high-power optical materials, high-performance catalyst, and high-strength composite materials [1].

*Carbon nanotubes* are arrangements of planar carbon lattices into cylinders of various chiralities, with sizes reaching several millimeters in length and only a few nanometers wide. In biology, the ability of nanotubes to get inside cell nuclei makes them invaluable in the diagnosis, imaging and treatment phases of cancer therapy. Carbon nanotube can be used to recognize target DNA sequences, as a drug delivery system, used in artificial heart valves, tooth roots, bones, blood vessels, artificial ligaments and tendons [1].

*Silica-based nanoparticles (SiNPs)* made of silicon dioxide have uniform morphology, adjustable pore volume, controllable diameter, modifiable surface potential, easy functionalization and synthesis [1].

*Quantum dots* are another example of inorganic nanoparticles that can be used for the purpose of increased imaging ability. The dots are small semiconductor crystals that can be fine-tuned to have very specific spectral bands, allowing differentiation between the location of the quantum dot (on the tumor cell) and the healthy tissue beside it, with a level of precision not possible before. The labeling of multiple disease markers with quantum dot-based barcodes could pave the way towards more sensitive and accurate disease detection systems. Quantum dot-based probes may be used to study the heterogeneity of disease markers and link them to prognosis for improved diagnostic strategies [1].

*Organic particles* are used primarily for drug delivery or as a coating on inorganic particles to assure they are not rejected by the body's immune system [1]. The debate between using organic or inorganic particles isn't simply a matter of what works best, but also a matter of what hurts less – the toxicity level of nanoparticles vary widely and must be taken into consideration when determining what treatment diagnosis route to take. Examples of organic particles include *polymer-based nanostructures, dendritic nanoparticles, liposome nanoparticles, polymersome nanoparticles, lipid formulations, micelle nanoparticles, nanoemulsions, alginates, biological nanoparticles, etc.*

*Polymer-based nanostructures* are created from conjugating several functional units and soluble macromolecules or by co-polymer self-assembly. Many of these structures are loaded with therapeutic or imaging agents, which through diffusion or stimulation of local environment control the release [1]. Polymeric nanoparticles are a class of nanocarriers established for numerous drug delivery applications. Polymeric cores are shielded by materials, such as polyethylene glycol (PEG), to guarantee the structure's stability. Targeting molecules can easily be added to the surface of polymer-based nanoparticles.

*Dendrimer nanoparticles* are a type of polymeric nanostructure. They can be synthesized as well-defined spherical structures over 1-10 nm in diameter. Multiple types of these can be created based on the core structure from the polymerization process. A single dendrimer is able to sense, image and perform therapeutic functions [1]. To achieve this, multiple function groups have to be coupled to the surface of a dendritic polymer.

*Polymersome nanoparticles* are drug delivery carriers having structural similarity to liposomes and made of synthetic polymer amphiphiles. When hydrated and extruded, they form polymer shell vesicles of about 100nm by self-assembly. The ratio of

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

hydrophilicity/hydrophobicity can be used to regulate the morphology of the nanoparticle. These drug delivery systems have higher stability and higher fluidity on the sides/surface than liposomes [1].

*Micelle nanoparticles* are drug delivery carriers made up lipids. They are self-assembled into small nanoparticles having a hydrophobic core (drug) within size range of 10 – 200nm [1].

*Biological nanoparticles* are unicellular microorganisms with different shapes and sizes. For example, a biological nanoparticle called “nanocell” consists of globular bacteria having no nucleus, which is impeccable, as it wouldn’t lead to mutations. A nanocell can be filled by drugs and used as a drug delivery system [1].

*Hybrid nanoparticles* are nanocarriers made up of the metallic and polymeric materials for the central core, which is coated with single or multiple layers of lipid to create a protective (surrounding) membrane. The hybrid nanoparticles are used as delivery systems with considerable high drug-carrying capacity, and the lipid layer on the surface of a nanoparticle is able to direct drug-releasing kinetics [1]. They are also able to serve as imaging agents.

**Applications of Nanoparticles in Medicine.** The application of nanotechnology to medicine promises to bring both incremental and breakthrough improvements [1-6]. Most incremental improvements are the result of miniaturizing current processes which nonetheless can have a huge impact. Lab-on-a-chip technology, which has grown dramatically in the last two decades, now allows researchers to miniaturize multiple assays into a single small package. A single drop of blood can now be used to run multiple tests without the need for a fully stocked analytical laboratory, making the screening and diagnosis of diseases cheaper and easier, thus allowing doctors to make better decisions for the care of their patients. Breakthrough improvements create new avenues for prevention, diagnosis or treatment by capitalizing on properties or mechanisms unique to the nanoscale.

*Nanomedicine* is capable of treating any sites and organs of human body at the molecular level against (eventually) all diseases. Let us here briefly discuss a few current and potential applications of the nanoparticles in nanomedicine. Some of them are still in the research-and-development stage. This short review is based on a book recently published by Letfullin & George [1].

*Drug Delivery.* Nanoparticles (nanoshells, nanotubes) can delivery very strong drugs directly to a tumor site without causing any side effects to the body. Using the nanoparticles as drug delivery systems decreases the toxicity and side effects of chemotherapy, since drug dosage is limited. The drugs used in chemotherapy, or other cancer-killing drugs, are dissolved and either put into capsules, entrapped or attached to a matrix of nanoparticles.

*Nanoparticle drug delivery systems* come in many shapes and sizes. For example, researchers have found that mesoporous silica nanoparticles are very effective for controlled drug delivery. The nanopore openings of these nanoparticles can be easily controlled. Three-dimensional DNA crystals can be used as molecular containers to build biochips, nanorobots, biosensors or drug delivery systems.

*Polymersome nanoparticles* are drug delivery carriers having structural similarity to liposomes and made of synthetic polymer amphiphiles. These drug delivery systems have higher stability and higher fluidity on the sides/surface than liposomes.

*Lipid-based drug delivery systems* include many different types. Such vehicles typically comprise a digestible lipid with (in the case of more complex self-emulsifying formulations) a blend of surfactants, co-surfactants and potentially co-solvents. The ability of a self-emulsifying drug delivery systems to be diluted is essential for its use as a drug delivery vehicle since, after administration, it will be diluted by intestinal media.

*Micelle nanoparticles* are drug delivery carriers made up of lipids. They are self-assembled into small nanoparticles having a hydrophobic core (drug) within the size range 10–200 nm.

*Nanoparticles* (especially gold nanospheres and gold nanorods) could be used themselves as drugs. They can be delivered to the tumor, selectively attach to the cancer cells, and then heated by radiation to cause ablation of cancer cells. This technology is called selective nanophotothermolysis of cancer cells, which we will discuss in more detail later.

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

The advantages of nanoparticles, as such, is that they “can improve the stability of drugs and control their targeted delivery, allowing for a constant and uniform concentration at the site of a tumor and facilitating drug extravasation into the tumor system, thus reducing side effects”.

*Metallic nanoparticles* have a wide variety of applications in diagnostics and therapy. They are used as contrast agents for imaging modalities like MRI, CT, PET and optical imaging. They are also used in the therapy of cancer. Two therapies, nanophotothermolysis and nanophotohyperthermia, both utilize molecular-targeting to deliver nanoparticles to the localized area, and then use the unique light-absorption properties of the metallic nanoparticles to generate heat in the targeted region to ablate the tumor.

*Silica-based nanoparticles* have been successfully used for drug delivery because of unique mesopores and nanochannels which allow for a high payload of the drug and easy stimulated release. The silica-coated gold nanoparticles are ideal for imaging.

*Carbon nanotubes* have the ability to penetrate inside cell nuclei, making them invaluable in the diagnosis, imaging and treatment phases of cancer therapy. These nanotubes can be used to recognize target DNA sequences, as a drug delivery system, in artificial heart valves, tooth roots, bones, blood vessels, artificial ligaments, tendons, and so on.

*Organic particles* are used primarily for drug delivery or as a coating on inorganic particles to assure they are not rejected by the body’s immune system. Examples of organic particles include polymerbased nanostructures, dendritic nanoparticles, liposome nanoparticles, polymersome nanoparticles, lipid formulations, micelle nanoparticles, nanoemulsions, alginates, and biological nanoparticles.

*Polymer-based nanostructures* are a class of nanocarriers established for numerous drug delivery applications. Polymeric cores are shielded by materials such as polyethylene glycol to guarantee the structure’s stability. Targeting molecules can easily be added to the surfaces of polymer-based nanoparticles.

*Nanovalves* can open and close to release and trap drugs in response to pH factor changes. Thus, by plugging the pores of the mesoporous silica nanoparticles filled with a strong drug by nanovalves, a drug can then be released by changing the pH level. Researchers have found that a pH factor of normal cells differs from tumor cells. This can be used for selective delivery of drugs to abnormal cells only.

*Improved imaging.* The metal nanoparticles have the property of plasmon-resonance scattering at the visible and near-IR spectra of radiation, which we will study later in this book. By attaching these particles to the cancer cells or DNA, they become visible, providing much earlier diagnostics at the single cellular and molecular levels. The metallic nanoparticles (gold nanoshells, nanospheres and nanorods; iron, cobalt and nickel oxides) are used as the contrast agents in CT and MRI scans and optical imaging techniques.

*Hybrid nanoparticles* are made up of metallic and polymeric materials for the central core, which is coated with single or multiple layers of lipid to create a protective (surrounding) membrane. These nanoparticles are able to serve as imaging agents.

*Quantum dots* are small semiconductor crystals that can be fine-tuned to have very specific spectral bands. The labeling of multiple disease markers with quantum dot-based barcodes could pave the way towards more sensitive and accurate disease detection systems. Quantum dot-based probes may be used to study the heterogeneity of disease markers and link them to prognosis for improved diagnostic strategies.

*Gene therapy.* Nanorobots can be used to repair different mutations of DNA. Delicate surgeries. A major application of nanomedicine would be in surgery. Cell repair machines can be used to perform genetic surgery.

*Aging.* The aging process involving cell damage could be repaired by nanorobots from the inside out.

*Diagnosis and treatment of diabetes.* Nanomachines are capable of controlling and monitoring glucose levels in diabetic patients.

*Treatment of kidneys.* Medical nanomachines could be designed for destroying kidney stones.

*Cleaning nanorobots.* Artery-cleaning nanorobots could remove extra fat and bad proteins from the walls of blood vessels and arteries. The size of these nanomachines is very small. They

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

can easily swim in blood vessels and penetrate into any organs, and even be placed inside the cells through the porous membrane. Artery-cleaning nanorobots can be used for prevention of a heart attack and can be applied in the treatment of atherosclerotic plaques. Medical nanomachines can help find atherosclerotic lesions in blood vessels and help in their removal.

*Lung-cleaning nanorobots* are inhaled, where nanorobots can collect foreign particles like fibers of asbestos and toxic particles from the lungs.

*Teeth cleaning nanorobots* may collect harmful bacteria in the mouth and can help to detect different oral diseases.

*Improving brain capability.* A nanostructured data storage system may store a nanocomputer and an amount of information equivalent to an entire library. These nanochips/nanomemory then can be attached to brain cells to create an extra network of memory in the brain. Thus, in the future we may be able to browse our brain in searching information instead of browsing the Internet.

*Superior implant materials.* Creating new allows and discovering new nanomaterials can provide much stronger and lighter implant materials for dentistry and artificial body parts.

*Artificial tissues and organs.* Researchers hope to regenerate skin, bone and more sophisticated organs by means of nanotubes and nanomaterials. Nanorobots can be used as support devices for regeneration of skin, bone and injured organs.

*Body surveillance.* Nanorobots can be used to continuously monitoring vitals inside the human body. This can be an effective tool for cancer prevention. If any bacteria or cancer cells invade the body, they will be destroyed by the nanorobots patrolling the body, since the bacteria or mutated DNA do not match the blueprint recorded in the nanomachine.

**Conclusions.** In conclusion, nanomedicine is revolutionizing the way we treat the patients. We have discussed here only a few current and potential applications of nanomedicine recently published in the book by Letfullin & George [1]. Rapid detection and treatment at the cellular level are very important to many life threatening diseases. For cancer, early detection would cure the cancer and save lives instead of just extending the patient's life. As seen in this paper, nanodevices/nanoparticles will play a very large role in the future of medicine, taking part in many new advances in the fields of diagnostics and treatment of diseases.

Nanoparticles can provide very good solutions for some medical problems we face and improve currently used methods. Nanorobots and nanomachines as discussed here are the new molecular technologies that have gradually developed over the years, creating robots or machines made up of parts that are at or close to the scale of nanometers.

These new technology fields have evolved through several developmental stages and are still under research and development. These small devices have opened a new world of discoveries and feasibilities in nanomedicine.

### REFERENCES

1. **Letfullin R.R., T.F. George.** "Computational Nanomedicine and Nanotechnology: Lectures with Computer Practicums".– Switzerland: Springer, 2016.– 700 p.
2. **Letfullin R.R., George T.F.** "Plasmonic Nanomaterials in Nanomedicine," in Springer Handbook of Nanomaterials, edited by R. Vajtai (Springer, 2013).– P. 1063-1097.
3. **Letfullin R.R., George T.F.** "New Dynamic Modes for Selective Laser Cancer Nanotherapy," in Computational Studies of New Materials II: From Ultrafast Processes and Nanostructures to Optoelectronics, Energy Storage and Nanomedicine, edited by T. F. George, D. Jelski, R. R. Letfullin and G. P. Zhang (World Scientific, Singapore, 2011).– P. 131-172.
4. **Letfullin R.R., C.E. W. Rice\*, George T.F., Murzagulova K.** "Nanoparticle-Enhanced X-Ray Therapy of Cancer," International Journal of Theoretical Physics, Group Theory and Nonlinear Optics 17, 133-145 (2014).
5. **Letfullin R.R., C.E.W. Rice\*, George T.** "Bone Cancer Therapy by Plasmonic Nanoparticles". Therapeutic Delivery 2, 1259-1273 (2011).
6. **Letfullin R.R., Iversen C.B.\* and George T.F.** "Modeling nanophotothermal therapy: kinetics of thermal ablation of healthy and cancerous cell organelles and gold nanoparticles," Nanomedicine: Nanotechnology, Biology and Medicine 7, 137-145 (2011).

УДК: 621.383.52:535.243

**МАЙДОН ТРАНЗИСТОРЛАРИ АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ  
ОСОБЕННОСТИ КЛЮЧЕВЫХ ПАРАМЕТРОВ ПОЛЕВЫХ ТРАНЗИСТОРОВ  
FEATURES OF KEY PARAMETERS OF FIELD TRANSISTORS**

**Джураев Даврон Рахманович**

профессор кафедры физики БухГУ

**Тураев Акмал Атаевич**

старший преподаватель кафедры трудового обучения, доктор философии (PhD) БухГУ

**Таянч сўзлар:** динамик қаршилиқ, паст ёруғлиқдаги затвор токи, канал ёпилиш кучланиши, майдон транзистори, канал ёпилиш режими.

**Ключевые слова:** динамическое сопротивление, темновой ток затвора, напряжение отсечки, полевой транзистор, режим запираения канала.

**Key words:** dynamic resistance, dark gate current, cut-off voltage, field-effect transistor, channel locking mode.

*Ушбу мақолада майдон транзисторининг асосий параметрлари бўлган (стокнинг) динамик қаршилиғи ва канал ёпилиш режимида сток тоқининг канал ёпилиш кучланишига боғлиқлиғи тадқиқ этилган.*

*В данной работе исследована зависимость тока источника от напряжения закрытия канала в основных параметрах полевого транзистора (сток), динамического сопротивления и режима закрытия канала.*

*In this paper, the dependence of stock current on the channel closing voltage in the main parameters of the field transistor (stock), dynamic resistance and channel closing mode has been investigated.*

**Введение.** Исследования статических характеристик полевого транзистора осуществляются в схеме с общим истоком. Рабочее напряжение прикладывается между стоком и истоком, а запирающее - к переходу исток-затвор. Путем увеличения запирающего напряжения до отсечки создается семейство выходных стоковых характеристик.

Ключевыми параметрами полевого транзистора являются динамическое сопротивление канала (стока), ток стока в режиме запираения, напряжение запираения (отсечки), напряжение пробоя.


**Основная часть.** Передаточная и стоковая вольт-амперные характеристики полевого транзистора приведены на рис.1. Из рис.1 видно, что от приложенного напряжения между стоком и истоком ток стока увеличивается, приобретая насыщающийся характер. При нулевом смещении на затворе ток стока имеет максимальное значение и по мере увеличения запирающего напряжения затвора канал охватывается областью объемного заряда, уменьшая толщину непокрытой части канала. При достижении напряжения отсечки ток стока становится минимальным.

Зависимости тока стока от запирающего напряжения формируют передаточную характеристику (рис.1, левый квадрант), где его наклон отражает крутизну, которую можно описать следующей формулой (1):

$$S = \frac{I_{2cu} - I_{1cu}}{U_{2zu} - U_{1zu}} = \frac{\Delta I_{cu}}{\Delta U_{zu}} \quad (1)$$



## ANIQ VA TABIIY FANLAR




**Рис. 1. Передаточная и стоковая вольт-амперные характеристики полевого транзистора**

Выходное динамическое сопротивление определяется из наклона стоковой характеристики, которая выражается формулой (2):

$$R_{\text{дин}}^{cu} = \frac{U_{2cu} - U_{1cu}}{I_{2cu} - I_{1cu}} = \frac{\Delta U_{cu}}{\Delta I_{cu}}. \quad (2)$$

Прямая ветвь вольт-амперной характеристики перехода затвора полевого транзистора приведена на рис.2. Характеристика перехода затвор – исток, то есть p-n-перехода, подобна характеристикам полупроводникового диода. Из рис. 2 видно, что зависимость прямого тока от напряжения затвора носит экспоненциальный характер. В области напряжений до 0.5В ток минимален, и далее при напряжениях свыше 0.65В ток линейно возрастает.



**Рис. 2. Прямая ветвь вольт-амперной характеристики перехода затвора полевого транзистора**

Динамическое сопротивление канала определяет усилительные свойства полевого транзистора и степень стабилизации тока в режиме ограничителя, который представляет собой отношение приращения напряжения стока к приращению тока стока:

$$r_{\text{дин}} = \left. \frac{\Delta U_{cu}}{\Delta I_{cu}} \right|_{U_{зи} = \text{const}}. \quad (3)$$

Для полевого транзистора с напряжением отсечки 0.6В и током стока 580 мкА (рис. 2) динамическое сопротивление при нулевом смещении составляет 164 кОм, по мере

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

увеличения запирающего напряжения до 0.4В его величина увеличивается до 625 кОм. Как будет показано ниже его коэффициент усиления будет улучшаться с увеличением запирающего напряжения за счет увеличения выходного сопротивления.

Соответственно, чем выше будет динамическое сопротивление, тем выше будет уровень сигнала, поскольку выходное сопротивление усилительной схемы определяется сопротивлением нагрузки  $R_H$  динамическим сопротивлением стока  $R_D$ , как параллельно включенным:

$$R_{\text{вых}} = \frac{R_D R_H}{R_D + R_H} \cdot (4)$$

Коэффициент усиления по напряжению равен  $K_H = \frac{S_{\text{макс}} R_D R_H}{R_D + R_H} = \frac{\mu R_H}{R_D + R_H}$  (5), где  $\mu$

- собственный коэффициент усиления транзистора по напряжению:

$$\mu = S_{\text{макс}} \cdot R_D \cdot (6)$$

Обычно собственный коэффициент усиления полевого транзистора рассчитывается из статических стоковых вольт-амперных характеристик как произведение статической крутизны на сопротивление нагрузки или выходное сопротивление.

Темновой ток затвора должен быть как можно малым в пределах пико – наноампер, тогда регистрируемый полезный сигнал будет на уровне десятков наноампер.

Напряжение отсечки должно быть порядка контактной разности потенциалов выпрямляющего p-n-перехода, то есть в пределах 0.5-1.0 В.

Если напряжение отсечки принимаем на уровне 1.0 В, тогда по расчетным данным [1] его приращение от внешнего воздействия будет определяться с учетом контактной разности потенциалов:

$$U_{\text{отс}} = \frac{N_{\text{кан}} q a^2}{2 \varepsilon \varepsilon_0} \left( 1 + \frac{N_{\text{кан}}}{N_{\text{зам}}} \right) - U_{\text{к}}, (7)$$

где  $q = 1.6 \cdot 10^{-19}$  Кл - заряд электрона;  $a$  - толщина канала;  $\varepsilon_0 = 8.84 \cdot 10^{-14}$  Ф/см - диэлектрическая проницаемость вакуума;  $\varepsilon = 11$  – диэлектрическая проницаемость полупроводника – базы,  $n_i$  - собственная концентрация носителей материала базы.

Для одного из полевых транзисторов с напряжением отсечки 0.6 В и током стока 580 мкА (рис. 2.) со значением напряжения отсечки  $U_{\text{отс}} = 2U_D$  по экспериментально расчетным данным, определяемым выражением формулы (4), при нулевом смещении имеем толщину объемного заряда равную 0,65 мкм с контактной разностью потенциалов 0.61 В. Тогда для напряжения отсечки 0.61 В  $x2 = 1.22$  В или для запирающего канал обратного напряжения  $U_{\text{обр}} = 0.6$  В имеем толщину  $W_{\text{оз}} = 0.90$  мкм. То есть при увеличении напряжения в два раза область объемного заряда увеличивается в  $\sqrt{2}$  раза, что соответствует оптимальной толщине канала.

Для данного полевого транзистора напряжение отсечки (0.6В) канала практически совпадает с контактной разностью потенциалов, что обеспечивает однозначное изменение толщины канала от внешнего воздействия.

**Таблица 1**

**Данные толщины слоя объемного заряда от обратного напряжения**

$U_{\text{обр}}, \text{В}$	0	0,1	0,2	0,4	0,6	0,8	1	1,3	1,6
$W_{\text{оз}}, \text{мкм}$	0,65	0,70	0,74	0,83	0,90	0,97	1,04	1,13	1,22

Именно полевой транзистор с низким напряжением отсечки представляет интерес также для использования в качестве датчика температуры в режиме ограничения прямого тока [2-6], в котором пропусканием фиксированного прямого тока через p-n-переход регистрируют падающее напряжение, линейно меняющееся с изменением температуры.

Однако, еще больший практический интерес представляет возможность использования температурной зависимости обратного тока запираемого перехода для

измерения температуры.

**Заключение.** Таким образом, в результате проведенных исследований выявлено отличие р-n-перехода затвора от классического диодного перехода, то есть они имеют меньшее дифференциальное сопротивление и влияние сопротивления базы на падение напряжения исключается. Именно исходя из этих позиций, в качестве датчиков выбраны не диффузионные, а эпитаксиальные структуры.

Определены оптимальные значения толщины канала в зависимости от толщины области объемного заряда р<sup>+</sup>-n-перехода затвора и концентрации носителей, обеспечивающих высокую чувствительность.

Выявлено, что в зависимости от режимов включения полевого транзистора его фотоэлектрические и температурные характеристики меняются существенным образом. Они преимущественно используются для измерения температуры, однако практически остается неизученной возможность использования температурной зависимости обратного тока запираемого перехода для измерения температуры или светового излучения.

#### ЛИТЕРАТУРА

1. Тураев А.А., Саидов К.С. Динамик юкламали схемада майдоний транзисторнинг кучайтириш хоссалари //Buxoro davlat universiteti ilmiy axboroti. 2016/4(64).– Б. 31-35.
2. Каримов А.В. Многофункциональные арсенидгаллиевые тонкопереходные структуры. – Ташкент: ФАН, 1992. – С.94-99.
3. Huque M.A., Tolbert L.M., Blalock B.J., Islam S.K. A high temperature, high-voltage SOI gate driver IC with high output current and on-chip low-power temperature sensor, IMAPS International Symposium on Microelectronics.2009.– P. 220-7.
4. Степаненко И.П. Основы теории транзисторов и транзисторных схем. –Москва: Энергия, 1977. –С. 142-143.
5. Karimov A.V., Yodgorova D.M., Kamanova G.O. Photovoltaik silicon structures with two Schottky barriers. Appliedsolarenergy. –2013. -V.49. -№2. –P.67-89.
6. Karimov A.V., Dzhuraev D.R., Kuliev Sh.M., Turaev A.A. Distinctive features of the temperature sensitivity of a transistor structure in a bipolar mode of measurement //Journal of Engineering Physics and Thermophysics.Vol. 89.No. 2.March. 2016. – P.514-517.

УДК: 621.315.592

#### AMORF KREMNIY ASOSLI QUYOSH ELEMENTLARINING QISQA TUTASHUV TOKI ZICHLIGIGA NOIDEALLIK KOEFFITSIENTINING TA'SIRI

#### ВЛИЯНИЕ ПЛОТНОСТИ ЗАМЫКАНИЯ ТОКА НА КОЭФФИЦИЕНТ НЕИДЕАЛЬНОСТИ В СОЛНЕЧНЫХ ЭЛЕМЕНТАХ НА АМОРФНОКРЕМНИЕВОЙ ОСНОВЕ

#### THE EFFECT OF CURRENT DENSITY DENSITY ON THE NON-IDEAL COEFFICIENT IN SOLAR ELEMENTS ON AMORPHO SILICON BASIS

Aliyev Raimjon

AnDU fizika kafedراسi professori

Alinazarova Mahfuza Alisherovna

NamDU huzuridagi xalqta`limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish markazi fizika fani o`qituvchisi

**Tayanch so`zlar:** amorf kremniy, quyosh elementi, qisqa tutashuv toki zichligi, fotoVAX ning noideallik koefitsienti, temperatura, yarimempirik usul, salt ishlash kuchlanishi, potensial to'siqning balandligi, to'yinish toki, fotogalvanik xarakteristikalar.

**Ключевые слова:** аморфный кремний, солнечный элемент, плотность тока короткого замыкания, коэффициент неидеальности фотоВАХ, температура, полуэмпирический метод, напряжение холостого хода, высота потенциального барьера, ток насыщения, фотогальванические характеристики.

**Key words:** amorphous silicon, solar element, current density short circuit, coefficient photovoltaic non-ideality, semi empirical method, temperature, open circuit voltage, height of the potential barrier, saturation current, photovoltaic characteristics.

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

*Maqolada amorf kremniy asosli quyosh elementlari uchun yarimempirik usulda keltitib chiqarilgan ifoda asosida quyosh elementlarining qisqa tutashuv toki zichligiga fotoVAXning noideallik koeffitsientining ta'siri o'rganilgan. Hisoblashlardan quyosh elementini fotoVAX ning noideallik koeffitsienti ortib borishi bilan qisqa tutashuv toki zichligi kamayishi ko'rsatilgan.*

*В данной статье исследована зависимость плотности тока короткого замыкания от коэффициента неидеальности вольт-амперной характеристики солнечных элементов, изготовленных на основе аморфных полупроводников. Показано, что с увеличением значения коэффициента неидеальности вольт-амперной характеристики плотность тока короткого замыкания солнечных элементов снижается.*

*The article analyzes the research of the semi-empirical method, the dependence of the short circuit current density on the non-ideal coefficient of the current-voltage characteristics of solar cells prepared on the basis of amorphous semiconductors. It is shown that with an increase in the value of the nonideality coefficient of the current-voltage characteristic, the short-circuit current density of solar cells decreases.*

**Kirish.** Bugungi kunda jahonda yarimo'tkazgichlarining fotoelektrik va optik xarakteristikalarini yaxshilash orqali nisbatan arzon va tashqi ta'sirlarga chidamli quyosh elementlari (QE) ni yaratish muhim ahamiyat kasb etmoqda. Energiyaning qayta tiklanuvchi manbalarini topish uchun olib borilayotgan izlanishlar quyosh energiyasini to'g'ridanto'g'ri elektr energiyasiga aylantiruvchi gidrogenizatsiyalangan amorf kremniy (*a-Si:H*) asosidagi QE lariga qiziqishni keltirib chiqardi. Bunday manbalarga bo'lgan qiziqishning ortishi foydali qazilmalar zaxiralarning cheklanganligi, ekologik holatning yomonlashganligi, ya'ni qazilma manbalari yonganda hosil bo'ladigan mahsulotlar tomonidan atrof-muhitning ifloslanish darajasini doimo ortib borishi va elektr energiyasini olish uchun atom energiyasidan foydalanishda xavfsizlikni ta'minlash uchun sarflanayotgan xarajatlarning ko'payishi bilan tushuntiriladi.

QE larining hamma sinfini alohida xususiyati shundan iboratki, quyosh nurlanishi energiyasini aylantirish jarayonida qandaydir harakatlanuvchi qismlar yoki tabiiy yoqilg'idan foydalanishni talab etmaydi. Bundan tashqari ularda hech qanday chiqindilar hosil bo'lmaydi. Shu bilan birga inson evolyutsiyasining vaqt masshtablari nuqtayi nazaridan quyosh cheksiz energiya manbai hisoblanadi.

Gidrogenizatsiyalangan amorf kremniy asosidagi QE larining asosiy xususiyatlari noideallikda: ularni katta yuzalarda tayyorlash mumkinligi va bu materialning ishchi qatlamining monokristall yarimo'tkazgichlarnikiga nisbatan optik yutilish koeffitsienti va fotosezgiriligining katta ekanligini ko'rsatish mumkin. *a-Si:H* ning optik yutilish koeffitsienti va fotosezgiriligining kattaligi bu material strukturasiining tartibsizligi va unda vodorodning mavjudligi bilan belgilanadi. Bu borada maqsadli ilmiy tadqiqotlarni amalga oshirish, jumladan, gidrogenizatsiyalangan amorf kremniy asosli QElarini;

fotogalvanik xarakteristikalarining haroratga bog'liqligini tahlil qilish va ularni optimallashtirish;

ularni samarali ishlash, harorat intervalini aniqlash shu sohaning dolzarb muammolaridan hisoblanadi.

**Asosiy qism.** Ushbu ishda qisqa tutashuv toki zichligini haroratga bog'lanishi uchun keltirib chiqarilgan yangi ifoda asosida, QE larini qisqa tutashuv toki zichligini ularni fotovolt-amper xarakteristikasini to'ldirish koeffitsienti ga bog'lanishini nazariy tadqiq qilish maqsad qilib qo'yilgan.

Adabiyotlarda yarimo'tkazgich asosli quyosh elementlarini fotogalvanik xarakteristikalarini haroratga bog'lanishini ko'rsatuvchi tajriba natijalari keltirilgan. Ularda quyosh elementlarining qisqa tutashuv toki zichligi  $t=-100\text{ }^{\circ}\text{C} \div +100\text{ }^{\circ}\text{C}$  oraliqda haroratga kuchsiz bog'langanligini ko'rsatilgan [1].

QElarini fotovolt-amper xarakteristikasining va to'yinish toki zichligining haroratga bog'lanish formulasidan foydalanib, salt ishlash kuchlanishi uchun

$$U_{si} = \frac{n'kT}{q} \left[ \ln j_{qt} - \ln(q\mu_c N(E_c)E_s) \right] + n' \varphi \quad (1)$$

ifoda olingan. Bu yerdagi  $n'$ – fotovolt-ampere xarakteristikasining noideallik (noideallik) koeffitsienti,  $k$  – Boltsman doimiysi,  $\mu_c$ –o'tkazuvchanlik zonasidagi zaryad tashuvchilarning harakatchanligi,  $N(E_C)$ –o'tkazuvchanlik zonasidagi elektron holatlarining effektiv zichligi,  $E_S$ – quyosh elementlari sirtidagi elektr maydon kuchlanganligi,  $j_{qt}$ – qisqa tutashuv toki zichligi,  $U_{si}$  – salt ishlash kuchlanishi,  $\varphi$  – QE laridagi potensial to'siqlarning balandligi bo'lib, ular haroratga deyarli bog'liq bo'lmaydi, ammo ularning qiymatlarini bevosita volt-ampere xarakteristika yoki fotovolt-ampere xarakteristikalardan o'lchash mumkin emas [2].

(1) formuladan qisqa tutashuv toki zichligi haroratga kuchsiz bog'liq bo'ladigan sohada salt ishlash kuchlanishini haroratga bog'lanishi chiziqli bo'lishi va bu chiziqni haroratni 0 qiymatiga ekstrapolyatsiyasidan  $T \approx 0$  da  $U_{si} \approx n'\varphi$  ga teng bo'lishi kelib chiqadi. Buni hisobga olib [2] ishda keltirilgan *a-Si:H* asosida tayyorlangan Shottki to'siqli QElarining salt ishlash kuchlanishini haroratga bog'lanishini ko'rsatuvchi tajriba natijalari 1 - rasmda keltirilgan, bu natijalaridan foydalanib,  $(0, n'\varphi)$  va  $(T_0, U_{0si})$  nuqtalardan o'tuvchi to'g'ri chiziq tenglamasini yozsak

$$U_{si} = (U_{0si} - n'\varphi) \frac{T}{T_0} + n'\varphi \quad (2)$$

ifodani olamiz. Bu yerda  $U_{0si}$ –xona haroratidagi ( $T_0 = 300$  K) salt ishlash kuchlanishi.

To'yinish toki zichligining haroratga bog'lanishi ifodasidan  $T_0 = 300$  K dagi to'yinish toki zichligi  $j_{00}$  ga teng bo'ladi deb hisoblansa,

$$j_0 = j_{00} \exp \left[ \frac{q\varphi}{k} \left( \frac{1}{T_0} - \frac{1}{T} \right) \right] \quad (3)$$

ifoda hosil bo'ladi [3]. QE larini fotovolt-ampere xarakteristikasining formulasida

$$j_f = j_0 \left[ \exp\left(\frac{qU}{n'kT}\right) - 1 \right] - j_{qt} \quad (4)$$


$U = U_{si}$  bo'lganda  $j_f = 0$  bo'lishidan

$$j_{qt} = j_0 \left[ \exp\left(\frac{qU_{si}}{n'kT}\right) - 1 \right] \quad (5)$$


tenglikni olish mumkin. Bunga (2) va (3) larni qo'ysak, qisqa tutashuv toki zichligini haroratga bog'lanishi uchun

$$j_{qt} = j_0 \left[ \exp\left(\frac{qU_{si}}{n'kT}\right) - 1 \right] \quad (6)$$

ifoda hosil bo'ladi. Amorf yarimo'tkazgichlarasosida tayyorlanadigan Shottki to'siqli quyosh elementlarining noideallik koeffitsienti  $n' \approx 1,0-2,5$  oraliqda yotadi [2]. Tajriba natijalariga asoslanib,  $\varphi = 0,97$  V,  $U_{si} = 0,31$  V va  $j_{00} = 1,28 \cdot 10^{-5}$  A/sm<sup>2</sup> qiymatlar uchun bajarilgan hisoblashlar (6) formula tajriba natijalarini hamma qiymatlarini tushuntira olmasligi aniqlandi.



1-rasm. *a-Si:H* asosli QE i salt ishlash kuchlanishining temperaturaga bog'lanishini ko'rsatuvchi tajribadan olingan natija



2-rasm. Quyosh elementlarining qisqa tutashuv tokizichligiga fotovolt-ampere xarakteristikaning sifat koeffitsientining ta'sirini aniqlash bo'yicha bajarilgan hisoblash natijalari. Hisoblashlarni  $U_{0si} = 0,31$  V,  $\varphi = 1,16$  V,  $j_{00} = 1,28 \cdot 10^{-4}$  mA uchun bajarildi.

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

Agar salt ishlash kuchlanishining haroratgabog'lanishidagi ekstrapolyatsiya shartida  $T \approx 0$  da  $U_{si} \approx \varphi$  tenglik bajariladi deb hisoblasak [4], ikki nuqtadan o'tuvchi chiziq tenglamasidan ifodani

$$U_{si} = (U_{0si} - \varphi) \frac{T}{T_0} + \varphi \quad (7)$$

olamiz. Bu ifoda fotoVAX ni  $U=U_{si}$  ga teng bo'ladigan nuqtasida  $n'=1$  shart bajariladigan hol uchun (2) formula bilan bir xil ma'noga ega bo'lishi ko'rinib turibdi. (7) dan foydalanib qisqa tutashuv toki zichligini haroratga bog'lanishni hisoblasakko'rinishdagi ifoda hosil bo'ladi.

$$j_{qt} = j_{00} \exp\left[\frac{q\varphi}{k} \left(\frac{1}{T_0} - \frac{1}{T}\right)\right] \left[ \exp\left[\frac{q\varphi}{n'kT_0} \left(\frac{U_{0si}}{\varphi} - 1 + \frac{T_0}{T}\right)\right] - 1 \right] \quad (8)$$

Bu ifodalardagi  $j_{00}$ -xona haroratidagi to'yinish toki zichligi,  $T_0$ -xona harorati va  $U_{0si}$  - xona haroratidagi salt ishlash kuchlanishlari bo'lib, ular haroratga bog'liq bo'lmaydi.  $n'$  - QE i fotoVAXning noideallik koeffitsienti ham  $100 < T < 500$  K harorat intervalida haroratga deyarli bog'liq bo'lmasligi [5] ishda ko'rsatilgan.  $\varphi$  - QE ining potentsial to'sig'i balandligini haroratga bog'lanishi yarimo'tkazgichlarning ta'qiq zonasini haroratga bog'lanishi bilan bir xil bo'lib, uni juda past bo'lmagan haroratlar uchun quyidagi ko'rinishda yozish mumkin [6].

$$\varphi = \varphi_0 - \gamma T \quad (9)$$

Bu yerda,  $\varphi_0$  - QE ining  $T=0$  Kharoratdagi potentsial to'sig'i balandligi bo'lib, (7) formuladan ko'rish mumkinki, uning qiymatini, salt ishlash kuchlanishini haroratga bog'lanishini ( $U_{si}(T)$ ),  $T=0$ K ga ekstrapolyatsiya qilib aniqlash mumkin.  $\gamma$  - potentsial to'siq balandligini harorat koeffitsienti bo'lib, uning qiymati  $10^{-3}$ - $10^{-4}$  V/K oraliqda yotadi. (9) ni (8) ga qo'yilsa, bu fotogalvanik xarakteristikalarda, o'zgaruvchi noideallikda faqat harorat qoladi.

[1] ishda  $U_{si}, j_{qt}$  va  $n'$  lar bir-biriga bog'liq bo'lmasligi va shuning uchun ulami bir-biriga bog'lanishlarini alohida o'rganish mumkin ekanligi ko'rsatilgan.

**Xulosa.** Yuqoridagilarni hisobga olib, ushbu ishda QE larning qisqa tutashuv tokini fotovolt-ampere xarakteristikaning noideallik koeffitsientiga bog'lanishi alohida tadqiq qilindi.

2 - rasmda QE larining qisqa tutashuv tokiga fotovolt-ampere xarakteristikaning noideallik koeffitsienti ning ta'sirini aniqlash bo'yicha bajarilgan hisoblash natijalari keltirilgan.  $U_{0si}=0.31$  V,  $\varphi=1.16$  V,  $j_{00}=1.28 \cdot 10^{-4}$  mA uchun bajarildi. Hisoblashlar bu bog'lanish fotoVAX ning noideallik koeffitsienti ortib borishi bilan qisqa tutashuv toki zichligi kamayib borishini va bu bog'lanish juda kuchli bog'liq bo'lishini ko'rsatdi.

### ADABIYOTLAR

1. **Фаренбрух А., Бьюб Р.** Солнечные элементы: теория и эксперимент. – М.: Энергоатомиздат, 1987. – 278 с.
2. Аморфные полупроводники/ Под ред. М. Бродски. – М.: Мир, 1982. – 418 с.
3. **Aliev R., Ikramov R.G., Alinazarova M.A., Ismanova O.T.** Influence of Temperature on Photocurrent of Amorphous Semiconductor-Based Solar Element. Applied Solar Energy. – 2009, Vol.45. No.3. – P. 148-150.
4. **Алиев Р., Икромов Р.Г., Исманова О.Т., Алиназарова М.А.** Полуэмпирическое уравнение для температурных зависимостей фотоэлектрических параметров a-Si:H солнечных элементов// Гелиотехника. - 2011.- №1.- С. 61-64.
5. **Джоунопулос Дж., Люковски Дж.** Физика гидрогенизированного аморфного кремния /Вып. 2: Электронные и колебательные свойства. – М.: Мир, 1988. – 448 с.

УДК: 537.311.322

**КРИСТАЛЛ БЎЛМАГАН ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАРНИНГ РУХСАТ ЭТИЛГАН ЗОНАЛАРИ  
ЧЕГАРАСИДАГИ ЭЛЕКТРОН ҲОЛАТЛАРИ ЗИЧЛИГИ ТАҚСИМОТИ ВА ОПТИК  
ЮТИЛИШ СПЕКТРЛАРИ**

**СПЕКТРЫ ОПТИЧЕСКОГО ПОГЛОЩЕНИЯ И РАСПРЕДЕЛЕНИЯ ПЛОТНОСТИ  
ЭЛЕКТРОННЫХ СОСТОЯНИЙ НА РАЗРЕШЕННЫХ ЗОНАХ НЕКРИСТАЛЛИЧЕСКИХ  
ПОЛУПРОВОДНИКОВ**

**OPTICAL ABSORPTION SPECTRA AND DENSITY DISTRIBUTION OF ELECTRON STATES  
IN THE ALLOWED ZONES OF NONCRYSTALLINE SEMICONDUCTORS**

Икрамов Рустамжон Ғуломжонович

НамМТИ доценти, ф.-м.ф.д.

Жалолов Равшанбек Махмутханович

НамДУ физика кафедраси катта ўқитувчиси

Исманова Одинахон Тўлқинбоевна

НамДУ физика кафедраси катта ўқитувчиси, ф.-м.ф. PhD

Турдалиев Улуғбек Валижон ўғли

НамДУ магистри

**Таянч сўзлар:** яримўтказгич, оптик ютилиш коэффициенти, валент зона, ўтказувчанлик зонаси, фундаментал ютилиш соҳаси, зона думлари.

**Ключевые слова:** полупроводник, коэффициент оптического поглощения, валентная зона, зона проницаемости, фундаментальная зона поглощения, хвосты зон.

**Key words:** semiconductor, optical absorption coefficient, valentine, permeability zone, fundamental absorption zone, tails area.

*Кристалл бўлмаган яримўтказгичларнинг рухсат этилган зоналари чегарасидаги электрон ҳолатлари зичлиги тақсимоти ва оптик ютилиш спектрларини Дэвис-Мотт яқинлашиш усулига кўра Кубо-Гринвуд формуласидан фойдаланилган ҳолда ҳисобланган.*


*В статье рассчитаны спектры оптического поглощения и распределения плотности электронных состояний на краях разрешённых зон на основе формулы Кубо-Гринвуда по методу приближения Дэвиса-Мотта для некристаллических полупроводников.*

*The optical absorption spectra and the density of electronic states at the edges of the allowed bands were calculated using the Kubo-Greenwood formula using the Davis-Mott approximation method for noncrystalline semiconductors.*

**Кириш.** Маълумки, кристалл бўлмаган яримўтказгичлар ютилиш коэффициенти спектрал характеристикаси ютилган фотонларни энергиясига мос равишда соҳаларга ажратиб тадқиқ этилади. Ана шу соҳалардан бири фундаментал ютилиш чегараси соҳасидир. Бу соҳада электронларнинг оптик ўтишларини рухсат этилган зоналардаги электрон ҳолати иштироки билан амалга оширилади [1].

**Асосий қисм.** [2] ишда валент ва ўтказувчанлик зоналарининг чегарасида электрон ҳолатлари зичлиги тақсимоти даражали боғланишга эга бўлиши кўрсатилган ва улар қуйидаги кўринишда келтирилган: ўтказувчанлик зонаситубияқинида;

$$g(\varepsilon) = \text{const}(\varepsilon - \varepsilon_A)^S \quad (1)$$



1-расм 1-формуладан олинган фундаментал ютилиш коэффициенти спектрал характеристикаси 1– (9), 2– (10), 3– (11).

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

валент зона юқориси (шипи) яқинида:  $g(\varepsilon) = \text{const}(\varepsilon_B - \varepsilon)^P$  (2)

Бу ерда  $p$  ва  $s$  лар  $\frac{1}{2}$  ва  $1$  қийматларини олишлари мумкин [3].

$$y = \frac{\varepsilon_A - \hbar\omega - \varepsilon}{\varepsilon_A - \hbar\omega - \varepsilon_B} \quad (3)$$

кўринишдаги белгилаш киритиб, оптик ютилиш коэффициентининг фундаментал ютилиш соҳаси чегараси учун қуйидаги ифода олинган:

$$\alpha(\hbar\omega) = A \left\{ \int_0^1 (1-y)^p y^s dy \right\} \frac{(\hbar\omega - E_g)^{p+s+1}}{\hbar\omega} \quad (4).$$

Бу ерда  $E_g$ -ҳаракатчанлик тирқишининг (тақиқланган зона) энергетик кенглиги [4] ишда бу ифодани,  $A=2,5 \cdot 10^5 \text{ см}^{-1}$  га тенг бўлиши кўрсатилган, (4) даги интеграл қуйидаги ифода билан аниқланиши

$$\int_0^1 (1-y)^p y^s dy = \frac{\Gamma(s+1)\Gamma(p+1)}{\Gamma(s+p+2)} \quad (5)$$

кўрсатилган.

Аммо гамма функциядаги  $S$ ,  $P$ ларни қиймат  $\frac{1}{2}$  га тенг бўлганда (5) ни ҳисоблаш мураккаб масала ҳисобланади. Шунинг учун (5) даги интегралнинг аналитик кўринишини даражаларнинг аниқ қийматларида гамма-функцияни ҳисобга олмасдан келтириб чиқариш мумкин эканлигига эътибор берилмаган. Даража кўрсаткичларини ҳисобга олиб (4) ифодадаги интегрални ҳисоблашлардан қуйидаги ифодалар олинди:

$p=1/2$  ва  $s=1/2$  бўлганда

$$\int_0^1 (1-y)^{1/2} y^{1/2} dy = \left( \frac{(2y-1)\sqrt{y-y^2}}{4} - \frac{1}{8} \arcsin(1-2y) \right) \Big|_0^1 = \frac{\pi}{8} \quad (6)$$

$p=1$  ва  $s=1/2$  бўлганда

$$\int_0^1 (1-y)^1 y^{1/2} dy = -\frac{4}{15} \sqrt{(1-y)^5} \Big|_0^1 = \frac{4}{15} \quad (7)$$

$p=1$  ва  $s=1$  бўлганда

$$\int_0^1 (1-y)^1 y^1 dy = \left( \frac{y^2}{2} - \frac{y^3}{3} \right) \Big|_0^1 = \frac{1}{6} \quad (8)$$

Айтиш жоизки, гамма-функция бўйича ҳисоблашлар ҳам худди шундай натижага олиб келади, мисол учун  $p=1$  ва  $s=1$  бўлганда

$$\int_0^1 (1-y)^p y^s dy = \frac{\Gamma(s+1)\Gamma(p+1)}{\Gamma(s+p+2)} \cdot 1/6;$$

(6)-(8) ва (4) лардан фундаментал ютилиш чегараси соҳасидаги спектрлари учун қуйидагиларга эга бўламиз:

$$\alpha(\hbar\omega) = A \frac{\pi (\hbar\omega - E_g)^2}{8 \hbar\omega}, \quad (9)$$

$$\alpha(\hbar\omega) = A \frac{4 (\hbar\omega - E_g)^{5/2}}{15 \hbar\omega}, \quad (10)$$

$$\alpha(\hbar\omega) = A \frac{1 (\hbar\omega - E_g)^3}{6 \hbar\omega}. \quad (11)$$

1-расмда (9), (10), (11) формулаларга асосан топилган оптик ютилиш коэффициентининг фундаментал ютилиш соҳаси чегараси учун олинган спектрлар ( $\alpha(\hbar\omega)$ ), кўрсатилган. Ҳисоблашлар тақиқ зонасининг энергетик кенглиги ( $E=1,8 \text{ эВ}$ ) гатенг бўлган ҳол учун бажарилган. Айтиб ўтиш керакки, бу спектрларни ҳисоблашларда ютилиш коэффициентини тажрибаларида ўлчаш усулига асосланган ҳолда, репер нуқтаси



## ANIQ VA TABIIY FANLAR

сифатида ютилган фотонларни энергияси таққ зонанинг энергетик кенглигига ( $\hbar\omega = E_g$ ) тенг бўлганда ютилиш коэффициентининг қиймати учун  $\alpha(\hbar\omega) = 10^5 \text{ см}^{-1}$  тенг бўладиган қиймат танлаб олинган.

Тажриба натижалари кристалл бўлмаган яримўтказгичларнинг фундаментал ютилиш соҳаси чегарасидаги спектрлари қовариқ эканлигини ва унинг қиймати электрон ҳолатлар зичлиги тақсимоти даражаси ортиши билан ошиб бориши кераклигини кўрсатади. Бироқ 1-расмдан кўринишича, юқоридаги спектрлар учун бу икки шарт бажарилмаслиги кўриниб турибди. Бундан (4) формулани чиқаришда танланган шартлар етарлича тўғри бўлмаган, деб хулоса чиқариш мумкин.

Маълумки, ютилган фотонларнинг энергияси ҳаракатчанлик тирқишидан катта бўлганда, бир вақтнинг ўзида кузатиладиган электронларнинг оптик ўтишлари уч хил бўлади. Шунинг учун [3] ишда Дэвис-Мотт яқинлашиш усулига кўра Кубо-Гринвуд формуласидан фойдаланилган ҳисоблашларда ютилиш коэффициентини ҳисоблаш учун бу формула мос равишда уч қисмга ажратилган:

$$\alpha = A \int_{\varepsilon_0 - \hbar\omega}^{\varepsilon_0} g(\varepsilon)g(\varepsilon + \hbar\omega) \frac{d\varepsilon}{\hbar\omega} = A \int_{\varepsilon_C - \hbar\omega}^{\varepsilon_0} g(\varepsilon)g(\varepsilon + \hbar\omega) \frac{d\varepsilon}{\hbar\omega} + A \int_{\varepsilon_V}^{\varepsilon_C - \hbar\omega} g(\varepsilon)g(\varepsilon + \hbar\omega) \frac{d\varepsilon}{\hbar\omega} + A \int_{\varepsilon_0 - \hbar\omega}^{\varepsilon_V} g(\varepsilon)g(\varepsilon + \hbar\omega) \frac{d\varepsilon}{\hbar\omega} = \alpha_1 + \alpha_2 + \alpha_3, \quad (12)$$

бу ерда  $g(\varepsilon)$  ва  $g(\varepsilon + \hbar\omega)$  – мос равишда,  $\hbar\omega$  энергияли фотонлар ютилганда оптик ўтишда иштирок этувчи электронларни бошланғич ва охириги ҳолати зичликларининг тақсимотлари, яъни валент ва ўтказувчанлик зонасидаги электрон ҳолатлари зичлигининг тақсимотлари,  $\varepsilon_0$  - эса валент ва ўтказувчанлик зоналари думларининг кесишиш нуқтасининг энергетик вазияти.

(12) формуладаги биринчи ҳад, электронни валент зона думидан ўтказувчанлик зонасига, иккинчи ҳад зоналараро ва учинчи ҳад эса валент зонадан ўтказувчанлик зонаси думига оптик ўтишлари билан аниқланадиган парциал ютилиш коэффициентлари спектрлари.

Юқорида таъкидланганидек, электрон ҳолатлар зичлиги тақсимоти рухсат этилган зоналарнинг чегараларида даражали бўлади [3]. Ишда рухсат этилган зоналарнинг думларидаги электрон ҳолатлар зичлигининг тақсимоти экспоненциал боғланишга эга бўлиши кўрсатилган. Шунинг учун уларни қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

валент зона учун:

$$g(\varepsilon) = N(\varepsilon_V) \left( \frac{\varepsilon_C - \varepsilon}{E_g} \right)^s, \quad \varepsilon < \varepsilon_V, \text{ бўлганда} \quad (13)$$

ўтказувчанлик зона учун:

$$g(\varepsilon) = N(\varepsilon_C) \left( \frac{\varepsilon - \varepsilon_V}{E_g} \right)^p, \quad \varepsilon_C < \varepsilon, \text{ бўлганда} \quad (14)$$

валент зона думи учун:

$$g(\varepsilon) = N(\varepsilon_V) \exp(-\beta_1(\varepsilon - \varepsilon_V)), \quad \varepsilon_V < \varepsilon < \varepsilon_0, \quad \text{бўлганда} \quad (15)$$

ўтказувчанлик зонаси думи учун:

$$g(\varepsilon) = N(\varepsilon_C) \exp(\beta_2(\varepsilon - \varepsilon_C)), \quad \varepsilon_0 < \varepsilon < \varepsilon_C \quad \text{бўлганда} \quad (16)$$

бу ерда  $N(\varepsilon_V)$  ва  $N(\varepsilon_C)$  мос равишда валент зона ва ўтказувчанлик зоналаридаги ҳолатлар зичлигининг эффектив қийматлари,  $\beta_1$  ва  $\beta_2$  - мос равишда валент ва ўтказувчанлик зоналари думларининг эгрилигини аниқловчи параметрлар.

(13) ва (14) ни инобатга олган ҳолда зоналараро оптик ўтишлар учун (12) дан қуйидагига эга бўламиз:

## АНИҚ ВА ТАБИИЙ ФАНЛАР

$\rho=1/2$  ва  $s=1/2$  учун


$$\alpha_2 = \frac{A}{4E_g \hbar\omega} \left( 2(\hbar\omega - E_g) \sqrt{E_g \hbar\omega} - (E_g + \hbar\omega)^2 \arctg \left( \frac{E_g - \hbar\omega}{\sqrt{4E_g \hbar\omega}} \right) \right) \quad (17)$$

$\rho=1$  ва  $s=1/2$  ёки  $\rho=1/2$  ва  $s=1$  учун

$$\alpha_2 = \frac{2A}{15\sqrt{E_g^3 \hbar\omega}} \left( 5(E_g + \hbar\omega) \left( \sqrt{\hbar^3 \omega^3} - \sqrt{E_g^3} \right) - 3 \left( \sqrt{\hbar^5 \omega^5} - \sqrt{E_g^5} \right) \right) \quad (18)$$

Агар  $\rho=1$  ва  $s=1$  бўлса,

$$\alpha_2 = \frac{A}{6E_g^2 \hbar\omega} (\hbar\omega - E_g) (E_g^2 + 4\hbar\omega E_g + \hbar^2 \omega^2) \quad (19)$$



**2-расм. 1– (17), 2– (18), 3– (19) формулалардан олинган фундаментал ютилиш коэффициенти спектрал характеристикаси**

**Хулоса.** Бу ифодалардан кўринадик, оптик ютилиш коэффициентининг спектрал характеристикалари рухсат этилган зоналардаги ҳолатлар зичлигининг кўринишига кучли боғлиқ бўлар экан.

2-расмда (17)-(19) формулаларга асосланиб, ҳисобланган ютилиш коэффициентининг спектраль характеристикалари кўрсатилган. Кўришиб турибдики, барча спектрлар қавариқ  $\rho$  ва  $s$  нинг қийматлари ошиши билан спектраль тасниф юқорига кўтарилмоқда. Бундан кристалл бўлмаган яримўтказгичларни фундаментал ютилиш соҳаси чегарасидаги спектрларни ҳисоблашда Куба-Гринвуд формуласидан фойдаланиш кераклиги келиб чиқади.

### АДАБИЁТЛАР

1. Бродский М. Аморфные полупроводники. – М.: Мир, 1982. – 419 с.
2. Мотт Н., Дэвис Э. Электронные процессы в некристаллических веществах. – М.: Мир, 1982. – 368 с.
3. Зайнобидинов С., Икрамов Р.Г., Жалалов Р.М., Нуритдинова М.А. Распределения плотности электронных состояний в разрешенных зонах и межзонные поглощения в аморфных полупроводниках // Оптика и спектроскопия. – Санкт-Петербург, 2011. – Т.110 – № 5 – С. 813-818.
4. Zaynobidinov S., Ikramov R.G., Jalalov R.M. Urbach energy and the tails of the density of states in amorphous semiconductors. Journal of Applied Spectroscopy, 2011, Vol. 78, No. 2. – P. 223-227. (If: 0.673)

УДК: 517.946

МАХСУС КЎРИНИШДАГИ ВАЗН ФУНКЦИЯЛИ ВОЛТЕРРА ТИПИДАГИ ИНТЕГРАЛ  
ГЕОМЕТРИЯ МАСАЛАСИ

ЗАДАЧА ИНТЕГРАЛЬНОЙ ГЕОМЕТРИИ ВОЛЬТЕРРОВСКОГО ТИПА С ВЕСОВОЙ  
ФУНКЦИЕЙ СПЕЦИАЛЬНОГО ВИДА

THE PROBLEM OF INTEGRAL GEOMETRY OF VOLTERRA TYPE WITH A WEIGHT  
FUNCTION OF A SPECIAL TYPE

**Бегматов Акрам Хасанович**

СамГУ, доктор ф.-м. н.

**Очилов Зарифжон Хусанович**

СамГУ, канд. ф.-м. н.,

**Хусанов Абдурозик Зарифжон угли**

студент СамГУ

**Таянч сўзлар:** интеграл геометрия масалалари, кучли ва кучсиз нокорректлик, ягоналик ва турғунлик.

**Ключевые слова:** задача интегральной геометрии, слабая и сильная некорректности, единственность и устойчивость.

**Key words:** The problem of integral geometry, weak and strong incorrectness, uniqueness and stability.

*Мақолада махсус кўринишдаги вазн функцияли волтерра типдаги интеграл геометрия масалаларининг янги синфи ўрганилган. Интеграл геометрия масаласи ечимининг мавжудлиги ва ягоналиги теоремалари исботланган. Соболев фазоларида турғунлик баҳоси ва тескариланиш формулалари олинган бўлиб, интеграл геометрия масаласи кучсиз нокоррект масала эканлиги кўрсатилган.*

*В работе рассматривается новый класс задач интегральной геометрии вольтерровского типа с весовой функцией специального вида. Доказаны теоремы единственности и существования решения, получены оценки устойчивости и формула обращения в пространствах Соболева, тем самым показана слабая некорректность решения задачи интегральной геометрии.*

*A new class of Volterra type integral geometry problems with a special-weight function is considered. Theorems of uniqueness and the existence of a solution are proved, stability estimates and the inversion formula in Sobolev spaces are obtained, thereby showing the weak incorrectness of the solution of the integral geometry problem.*

**Введение.** Интегральная геометрия – это интенсивно развивающаяся область современной математики. Она является одним из крупных направлений в теории некорректных задач математической физики и анализа.

Приведем общую постановку задачи интегральной геометрии [1].

Пусть  $u(x)$  - достаточно гладкая функция, определенная в  $R^n$  и  $\{S(y)\}$ , семействе кусочно-гладких многообразий в этом пространстве, зависящих от параметра  $y = (y_1, y_2, \dots, y_n)$ .

Пусть от функции  $u(x)$  известны интегралы 
$$\int_{S(y)} g(x, y)u(x)ds = f(y), \quad (1)$$

где  $g(x, y)$  - заданная весовая функция,  $ds$  - элемент меры на  $S(y)$ . Требуется по функции  $f(y)$  восстановить функцию  $u(x)$ .

Основные вопросы, возникающие при исследовании этой задачи, следующие:

1. Определяет ли однозначно задание функции  $f(y)$  функцию  $u(x)$ ?
2. Как найти по функции  $f(y)$  функцию  $u(x)$ ?

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

3. Как получить аналитическую формулу, выражающую  $u(x)$  через  $f(y)$ ? Что возможно не во всех случаях.

4. Вопрос, связанный с теоремой существования решения задачи: каковы необходимые и достаточные условия принадлежности  $f(y)$  классу функций, представленных через интеграл (1).

Задачами интегральной геометрии вольтерровского типа называются задачи, которые могут быть сведены к исследованию операторных уравнений Вольтерра в смысле определения, данного М.М. Лаврентьевым [1].

Достаточно общие результаты по единственности и устойчивости решения задач интегральной геометрии в случае, когда многообразия, по которым ведется интегрирование, имеют вид параболоидов, весовые функции и многообразия инвариантны относительно группы всех движений вдоль фиксированной гиперплоскости, получены В.Г. Романовым [3]. Слабо некорректные задачи интегральной геометрии вольтерровского типа с весовыми функциями, имеющими особенность, исследовались в работах [9-14]. Теоремы единственности, оценки устойчивости и формулы обращения слабо некорректных задач интегральной геометрии по специальным кривым и поверхностям с особенностями вершинах получены в [15-18].

Единственность решения значительно более широких классов задач интегральной геометрии в полосе, рассматриваемых как сильно некорректные, была установлена В.Г. Романовым [4]. В работах А.Л. Бухгейма [5,6] получены формулы обращения для задачи восстановления функции через интегралы от неё по параболоидам в полупространстве  $y > 0$ , причем формула обращения, приведенная в [5], содержит только конечное число производных от данных. В [6] с помощью техники шкал банаховых пространств доказана теорема единственности решения задачи интегральной геометрии в полосе на параболах с весовой функцией, аналитической по части переменных.

В своей работе [2] М.М. Лаврентьев показал единственность решения сильно некорректной задачи интегральной геометрии в полосе на параболах с возмущением достаточно общего вида.

В работах [7-8] рассматриваются некоторые классы возмущенных полусингулярных интегральных уравнений в трехмерном пространстве, возникающие при исследовании ряда задач интегральной геометрии. Здесь доказаны теоремы единственности и в слабо некорректном случае теорема существования решения таких уравнений.

В статье рассматривается задача интегральной геометрии с весовой функцией специального вида по полуплоскости  $y > 0$ . Доказаны теоремы единственности и существования решения в классе гладких финитных функций, получены оценки устойчивости решения задачи в пространствах Соболева, что показывает её слабую некорректность, а также формулы обращения.

**Основная часть.** Введем обозначения, которые будем использовать в этом пункте:

$$(x, y) \in R^2, (\xi, \eta) \in R^2, \lambda \in R^1, \mu \in R^1,$$

$$\Omega = \{(x, y): x \in R^1, y \in (0, l), l < \infty\}$$

$$\bar{\Omega} = \{(x, y): x \in R^1, y \in [0, l]\}$$

Постановка задачи. В полосе  $\bar{\Omega}$  рассмотрим семейство кривых, которое однозначно параметризуются с помощью координат своих вершин  $(x, y)$ , произвольная кривая семейства  $P(x, y)$  определяется соотношениями:

$$P(x, y) = \left\{ (\xi, \eta): \eta = (\xi - x + \sqrt{y})^2, 0 \leq \eta \leq y, x - \sqrt{y} \leq \xi \leq x \right\} \cup$$

$$\cup \left\{ (\xi, \eta): \eta = (x + \sqrt{y} - \xi)^2, 0 \leq \eta \leq y, x \leq \xi \leq x + \sqrt{y} \right\}$$

**Задача 1.** Определить функцию двух переменных  $u(x, y)$ , если для всех  $(x, y)$  из полосы  $\bar{\Omega}$  известны интегралы от функции  $u(\bullet)$  по кривым  $P(x, y)$ :

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

$$\int_{x-\sqrt{y}}^x g(x-\xi)u\left(\xi, (\xi-x+\sqrt{y})^2\right)d\xi + \int_x^{x+\sqrt{y}} g(x-\xi)u\left(\xi, (x+\sqrt{y}-\xi)^2\right)d\xi = f(x, y) \quad (2)$$

где

$$g(x-\xi) = \sqrt{\frac{\eta}{y}} \cdot \chi(x-\xi), \quad \chi(x-\xi) = \begin{cases} 1, & \text{если } x-\xi > 0, \\ 0, & \text{если } x-\xi < 0. \end{cases} \quad (3)$$

функция Хэвисайда.

Функция  $u(x, y)$  – функция из класса  $u$ , которая имеет все непрерывные частные производные до второго порядка включительно и финитна с носителем в  $R_+^2$ :

$$\text{supp } u \subset D = \{(x, y) : -a < x < a, 0 < a < \infty, 0 < y < l, l < \infty\}.$$

Доопределим правую часть уравнения (2) при  $y < 0$ .

Введем функцию

$$f^*(x, y) = \begin{cases} f(x, y), & y \geq 0, \\ 0, & y < 0. \end{cases} \quad (4)$$

Как следует из постановки задачи 1 и условий, наложенных на функцию  $u(\bullet)$ , к функции  $f^*(x, y)$  можно применить преобразование Фурье по  $y$ . Рассмотрим преобразование Фурье по переменной  $y$  функции  $f^*(\lambda, y)$ .

Учитывая, что  $f^*(x, y) \equiv 0$ , при  $y < 0$ , имеем  $\varphi(\lambda, \mu) = \int_{-\infty}^{\infty} e^{i\mu y} \hat{f}^*(\lambda, y) dy$ , а интеграл в

правой части последнего соотношения равен  $\int_{-\infty}^{+\infty} e^{i\mu y} \hat{f}(\lambda, y) dy = \int_0^{+\infty} e^{i\mu y} \hat{f}(\lambda, y) dy$ .

Таким образом, доопределив  $f(x, y)$  в нижней полуплоскости нулём, к обеим частям уравнения (2) можно применить преобразование Фурье по  $y$  и интеграл Фурье будет иметь вид:

$$\int_0^{+\infty} e^{i\mu y} \hat{f}(\lambda, y) dy.$$

Введем следующие функции:

$$I(\lambda, \mu) = \int_0^{\infty} e^{i(\mu h^2 + h(2\mu\sqrt{\eta} + \lambda))} dh, \quad (5)$$

$$I_1(\lambda, \mu) = \int_{-\infty}^{+\infty} e^{-i\mu y} \frac{d\mu}{(1 + \mu^2) I(\lambda, \mu)}, \quad (6)$$

$$I_2(\lambda, y) = \int_{-\infty}^{+\infty} e^{-i\lambda x} I_1(\lambda, y) d\lambda. \quad (7)$$

Справедлива нижеследующая теорема.

**Теорема 1.** Пусть функция  $f(x, y)$  известна для всех  $(x, y)$  из полосы  $\bar{\Omega}$ . Тогда решение задачи 1 в классе  $u$  единственно. Имеет место представления

$$u(x, y) = \int_{-\infty}^{+\infty} \int_{-\infty}^{+\infty} I_2(x-\xi, y-\eta) \left( \frac{\partial^2}{\partial \xi^2} - \frac{\partial^4}{\partial \xi^2 \partial \eta^2} \right) f(\xi, \eta) d\xi d\eta \quad (8)$$

и выполняется неравенство  $\|u\|_{L_2(\Omega)} \leq C_1 \|f\|_{W_2^{2,2}(\Omega)}$ , где  $C_1$  – некоторая постоянная.

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

Ответ на вопрос о существовании решения задачи интегральной геометрии дает нижеследующая теорема.

**Теорема 2.** Пусть правая часть уравнения (2) удовлетворяет следующим условиям:

- 1)  $f(x, y)$  финитна по переменной  $x$ ;
- 2)  $f(x, y)$  имеет все непрерывные частные производные до второго порядка включительно;

$$3) \frac{\partial^m}{\partial y^m} f(x, y) \Big|_{y=0} = \frac{\partial^m}{\partial y^m} f(x, y) \Big|_{y=l} = 0 \quad (0 \leq m \leq 2).$$

Тогда существует решение уравнения (2) в классе непрерывных функций, финитных по аргументу  $x$ , определенное формулой (8).

Таким образом, можно выделить следующие основные результаты данной работы:

- изучен новый класс задач интегральной геометрии вольтерровского типа с весовой функцией специального вида;
- доказана теорема единственности решения;
- получена оценка устойчивости в пространствах конечной гладкости и тем самым показана слабая некорректность задачи;
- получено аналитическое представление решения;
- доказана теорема существования решения.

### ЛИТЕРАТУРА

1. Лаврентьев М.М., Савельев Л.Я. Теория операторов и некорректные задачи. – Новосибирск: Изд-во Ин-та математики, 1999. – 702 с.
2. Лаврентьев А.М., Шабат Б.В. Методы теории функций комплексного переменного. – М.: Наука, 1986.
3. Романов В.Г. О восстановлении функции через интегралы по эллипсоидам вращения, у которых фокус неподвижен // Доклады АН СССР. – М., 1967. – Т. 173. – № 4. – С. 766-769.
4. Романов В.Г. О восстановлении функции через интегралы по семейству кривых // Сибир. матем. журнал. – 1967. – Т. 8. – № 5. – С. 1206-1208.
5. Бухгейм А.Л. О некоторых задачах интегральной геометрии // Сибир. матем. журнал. – 1972. – Т. 13. – № 1. – С. 34-42.
6. Бухгейм А.Л. Об одной задаче интегральной геометрии // Матем. проблемы геофизики. – Новосибирск: ВЦ СО АН СССР, 1973. – Вып. 4. – С. 69-73.
7. Бегматов А.Х. О некоторых классах полисингулярных интегральных уравнений // Сибир. матем. журнал. – 1994. – Т. 35. – № 3. – С. 515-519.
8. Бегматов А.Х. О единственности решения задачи интегральной геометрии вольтерровского типа на плоскости // Доклады РАН. – М., 2009. – Т. 427. – № 4. – С. 439-441.
9. Бегматов А.Х. Слабо некорректные задачи интегральной геометрии вольтерровского типа // Доклады РАН. – Москва, 1996. Т. 349. – № 3. – С. 297-298.
10. Бегматов А.Х. Задачи интегральной геометрии для семейства конусов в  $n$ -мерном пространстве // Сибир. матем. журнал. – 1996. – Т. 37. – № 3. – С. 500-505.
11. Бегматов А.Х. Новые классы слабо и сильно некорректных задач интегральной геометрии // Тезисы докладов II-го Сибир. конгресса по прикладной и индивидуальной математике. Часть III. – Новосибирск: Институт математики СО РАН, 1996. – С. 298.
12. Бегматов А.Х. Некоторые новые классы задач интегральной геометрии. – Новосибирск, 1997. Препринт / РАН. Сибирское отделение. Институт математики. – № 40. – 30 с.
13. Бегматов А.Х. Вольтерровские задачи интегральной геометрии на плоскости для кривых с особенностями // Сибир. матем. журнал. – 1997. – Т. 38. – № 4. – С. 723-737.
14. Бегматов А.Х. Задачи интегральной геометрии по специальным кривым и поверхностям с особенностями в вершине // Доклады РАН. – М., 1998. – Т. 358. – № 2. – С. 151-153.
15. Бегматов А.Х. Теоремы существования решения двух слабо некорректных задач интегральной геометрии // Доклады РАН. – Москва, 2002. – Т. 386. – № 1. – С. 1-3.

16. **Бегматов А.Х., Очиллов З.Х.** Задачи интегральной геометрии с разрывной весовой функцией // Доклады РАН. – Москва, 2009. 429. – № 3. – С. 295-297.

17. **Begmatov A.H., Ochilov Z.H.** Recovering of function set by integrals along a curve in the plane // III-Pozed and Non-Classical Problems of Mathematical Physics and Analysis, M.M. Lavrent'ev et al., Eds., Proceedings of International Convergence, VSP. – Utrecht-Boston, 2003. – С. 191-197.

18. **Бегматов А.Х., Очиллов З.Х.** Задачи интегральной геометрии вольтерровского типа с весовой функцией специального вида // Continuum: Математика. Информатика. Образование. – Россия, 2017. - № 2. – С. 11-15.

УДК: 517.977.56

**НОЧИЗИҚЛИ БОШҚАРУВЛИ КАСР ТАРТИБЛИ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ҲИСОБЛАШ  
ДИФФЕРЕНЦИАЛЬНЫЕ ИГРЫ С НЕЛИНЕЙНЫМ УПРАВЛЕНИЕМ ДРОБНОГО  
ПОРЯДКА**

**DIFFERENTIAL GAMES WITH NONLINEAR FRACTIONAL ORDER CONTROL**

**Алимов Ҳаким Нематович**

*ЖизДПИ математика ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** қочувчи, қувувчи, қувиш масаласи, каср тартибли дифференциал тенглама, моментлар методи.

**Ключевые слова:** убегающий, преследующий, задача преследования, дифференциальное уравнение дробного порядка, метод моментов.

**Key words:** runner, chaser, chasing problems, fractional differential equation, moments method.

*Мақолада каср тартибли дифференциал тенгламалар билан ифодаланувчи қувиш масаласини тадқиқ қилишда моментлар методини қўллаш имкониятлари ўрганилди.*

*В статье изучаются возможности применения метода моментов при рассмотрении задачи преследования, описываемой дробными дифференциальными уравнениями.*

*The article studies the possibilities of applying the method of moments when considering the pursuit problem described by fractional differential equations.*

**Кириш.** Касрли ҳисоб 1695 йил Г. Лопиталь ва Г. Лейбниц томонидан  $\frac{1}{2}$  тартибли

ҳосиланинг маъноси ҳақидаги саволнинг муҳокамасидан бошланди. Касрли ҳисобни қуришга биринчи қадам 1738 йилда даражали функциянинг  $\alpha$  тартибли ҳосиласини ҳисоблаш натижаси бутун бўлмаган  $\alpha$  учун маънога эга бўлишини сезган Л. Эйлер томонидан қўйилган. Ушбу йўналиш бўйича тадқиқотлар Г. Лаплас, С. Лагранж ва Ж. Фурье томонидан ҳам олиб борилган. Улар 1822 йилда каср тартибли ҳосил таърифи тарихида биринчи марта ихтиёрий етарли даражада силлиқ  $f(x)$  функциядан ихтиёрий мусбат бутун бўлмаган  $\alpha$  тартибли ҳосилани қуйидаги интеграл тенглик асосида киритишни таклиф қилдилар

$$\frac{d^\alpha f(x)}{dx^\alpha} = \frac{1}{2\pi} \int_{-\infty}^{+\infty} \lambda^\alpha d\lambda \int_{-\infty}^{+\infty} f(t) \cos(tx - t\lambda + \frac{\alpha\pi}{2}) dt$$

бунда  $t$  ва  $\lambda$ –интеграллаш ўзгарувчилари.

**Асосий қисм.** Касрли ҳисобнинг XX асрнинг ярмигача бўлган бой тарихи жуда кўп манбаларда ёритилган [4,5,6,7,8]. XX асрнинг 20 йилларидан, нафақат фундаментал математик характердаги тадқиқотлар, балки касрли ҳисоб аппаратурини қўллаш асосида физик тизимларни моделлаштириш ва уларнинг хоссаларини асослаш билан боғлиқ тадқиқотлар яратила бошлади. Шунинг таъкидлаш кераки, бундай тадқиқотларга биринчи уринишлар Ж. Лиувиль ва Н. Абель томонидан ҳам амалга оширилган, улар каср тартибли

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

ҳосилаларни интеграл тенгламалар ёки интеграллардан ва каср тартибли ҳосилалардан иборат муносабатлар келиб чиқадиган классик масалаларни ечишда қўллаган.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида О. Хевисайд томонидан электр схемаларининг ҳисоб-китобини амалга ошириш имконини берувчи операцион ҳисоб курилди. О. Хевисайд ва Т. Бромвич томонидан ярим чексиз резистив-ҳажмли чизиқ каби тақсимланган тизимлар учун ўтказувчи функция  $\frac{1}{2}$  тартибли ҳосилдан иборат интегралли

дифференциал оператор орқали ифодаланиши кўрсатилган. XX асрнинг 30-40 йилларида А.Гемант (A.Gemant), А.Н. Герасимов, Г.Скотт-Блэр (G.W. Scott-Blair) ва Ю.Н. Работнов томонидан эгилувчан материалларнинг хусусиятларини кенг тадқиқоти олиб борилган. Бу тадқиқотлар давомида толали полимерларда кучланиш каср-даражали функциянинг свёрткалари ва деформациялари ёки деформациялардан олинган ҳосила сифатида қаралиши намоён этилган. Шу билан бирга даражали функцияларда касрли кўрсаткич иштироки юқорида келтирилган материалларнинг ҳақиқий физик хоссалари билан асосланган. XX асрнинг ўрталарида Ф. Майнарди ва М. Капуто термоёпишқоқ эгилувчанлик масалаларида моделларни қуриш учун каср тартибли дифференциал тенгламаларни қўллаш физика нуқтаи назаридан самаралироқ ва экспериментал кузатиш маълумотларининг ҳисоб-китобларини аниқ бажариш имконини беришини кўрсатди.

$R^m - m$  ўлчовли Евклид векторли фазоси  $z$  нуқтасининг ҳаракати

$$D^\alpha z = Az + f(u, v) \quad (1)$$

дифференциал тенглама орқали ифодалансин, бунда  $D^\alpha - \alpha$  тартибли касрли дифференциаллаш оператори,  $n-1 < \alpha \leq n$ ,  $n \in N$ ,  $t \in [0, T]$ ,  $A - m \times m$  - ўзгармас матрица,  $u, v$  - бошқарилувчи параметрлар,  $u$  - қувувчи ўйинчининг бошқарув параметри,  $u \in P \subset R^m$ ,  $v$  - қочаётган ўйинчининг бошқарув параметри,  $v \in Q \subset R^m$ ,  $P$  ва  $Q$  - бўш бўлмаган компакт тўпламлар;  $f - P \times Q$  тўпламни  $R^m$  га узлуксиз акслантириш. Каср ҳосилани Капуто маъносида тушунамиз. Эслатиб ўтамизки  $z(t) \in AC^{[\alpha]+1}(a, b)$ ,  $a, b \in R^1$  функциядан Капунининг ихтиёрий бутун бўлмаган  $\alpha > 0$  тартибли ҳосиласи

$$D^\alpha z(t) = \frac{1}{\Gamma(1-\{\alpha\})} \int_0^t \frac{d^{[\alpha]+1} z(\xi)}{d\xi^{[\alpha]+1}} \frac{d\xi}{(t-\xi)^{\{\alpha\}}}$$

ифода орқали ифодаланади. Гамма-функция қуйидагича аниқланади  $\Gamma(\theta) = \int_0^\infty r^{\theta-1} e^{-r} dr$ .

Гамма-функциянинг асосий хоссаси  $\Gamma(\theta+1) = \theta \Gamma(\theta)$  пасайтириш формуласи билан ифодаланади. Агар  $\theta$  - бутун мусбат сон бўлса,  $\Gamma(\theta) = (\theta-1)!$ ;  $\Gamma\left(\theta + \frac{1}{2}\right) = \frac{1 \cdot 3 \cdot \dots \cdot (2\theta-1)}{2^\theta} \sqrt{\pi}$

бўлади.  $0 < \theta < 1$  бўлганда қуйидаги формула ўринли  $\Gamma(\theta)\Gamma(1-\theta) = \frac{\pi}{\sin \pi\theta}$ . Сўнг  $R^m$  да

бўш бўлмаган ёпиқ  $M$ -терминал тўплам ўйиннинг тугатилиш тўплами белгиланган.

(1) ўйинда терминал тўплам  $M = M_0 + M_1$ , кўринишга эга деб қараймиз, бунда,  $M_0 - R^m$  нинг чизиқли қисм фазоси,  $M_1 - M_0$  нинг  $R^m$  га ортогонал тўлдирувчиси  $L$  қисм фазонинг қисм тўплами.  $P$  орқали эса  $R^m$  дан  $L$  га ортогонал проекциялаш матричасини белгилаймиз.

Агар  $z \in M$  шарт бажарилса ўйин тугаган ҳисобланади. Қуваётган ўйинчининг мақсади  $z$  ни  $M$  тўпламга тушириш, қочаётган ўйинчи умуман олганда унга ҳалақит беришга интилади.

**Таъриф.** (1) дифференциал ўйин  $z^0 = (z_0^0, z_1^0, z_2^0, z_3^0, \dots, z_{n-1}^0)$  бошланғич ҳолатдан  $T = T(z^0)$  вақт ичида тугатилиши мумкин дейилади, агар ихтиёрий ўлчовли



### ANIQ VA TABIIY FANLAR

$v(t), \nu(t) \in Q, 0 \leq t \leq T$ , функция учун шундай ўлчовли  $u(t) = u(z^0, t, v(t)) \in P, t \in [0, T]$  функция мавжуд бўлсаки, уларга мос

$$D^\alpha z = Az + f(u(t), v(t)), \quad z \in R^m, \quad n-1 < \alpha \leq n, \quad z(0) = z^0, \quad (2)$$

тенгламининг ечими  $z \in M$  шартни қаноатлантирса, яъни  $\Pi z$  вектор  $t_1 \leq T$  моментда  $M_1$  тўпламга тегишли бўлса.  $E_\eta(G; \mu) = \sum_{k=0}^{\infty} \frac{G^k}{\Gamma(k\eta^{-1} + \mu)}$  – Миттаг-Лефлер [1] нинг умумлашган

матрицали функцияси бўлсин, бунда  $\eta > 0, \mu \in C$  ( $C$  – комплекс сонлар тўплами)  $G$  –  $m$  тартибли ихтиёрий квадрат матрица. Қуйидаги

$$z^{(k)}(0) = z_k^0, \quad k = 0, 1, \dots, n-1, \quad (3)$$

бошланғич шартли, (1) динамикали тизимни қараймиз.

У ҳолда (2) тенгламининг (3) бошланғич шартидаги ечими қуйидаги кўринишга эга: [2],[3]

$$z(t) = \sum_{k=0}^{n-1} t^k E_{\frac{1}{\alpha}}(At^\alpha; k+1) z_k^0 + \int_0^t (t-r)^{\alpha-1} E_{\frac{1}{\alpha}}(A(t-r)^\alpha; \alpha) f(u(r), v(r)) dr. \quad (4)$$

Энди  $r \geq 0$ , учун  $\hat{w}(r) = \bigcap_{v \in Q} \Pi r^{\alpha-1} E_{\frac{1}{\alpha}}(Ar^\alpha; \alpha) f(P, v)$

$$W(t) = \int_0^t \hat{w}(r) dr, \quad t > 0, \quad W_1(t) = -M_1 + W(t), \quad (5) \text{ларни аниқлаймиз.}$$

Қулайлик учун қуйидаги белгилашни киритамиз:  $h_z(z^0, t) = \sum_{k=0}^{n-1} t^k E_{\frac{1}{\alpha}}(At^\alpha; k+1) z_k^0$ .

**Теорема.** Агар (1) ўйинда бирор  $t = t_1$  да

$$- \Pi h_z(z^0, t) \in W_1(t), \quad (6)$$

тегишлилик бажарилса, қувишни  $z^0$  дастлабки ҳолатдан  $T = t_1$  вақт ичида тугатиш мумкин.

**Теорема исботи.** Икки ҳол бўлиши мумкин. 1)  $t_1 = 0$ ; 2)  $t_1 > 0$ ; 1) ҳол тривиал, чунки  $t_1 = 0$ ; (5) ва (6) тегишлиликдан  $-\Pi h_z(z^0, t) \in -M_1$  ёки  $\Pi z_0^0 \in M_1$  га эга бўламиз, бу эса  $z^0 \in M$  га эквивалент.

Энди 2)  $t_1 > 0$  ҳол ўринли бўлсин. Теореманинг (6) шартига кўра  $-\Pi h_z(z^0, t_1) \in W_1(t_1)$ , у ҳолда шундай  $d \in M_1$  ва  $w \in \int_0^{t_1} \hat{w}(r) dr$  векторлар топиладики, улар учун

$-\Pi h_z(z^0, t_1) = -d + w$  тенглик бажарилади ((5),(6) ларга қаранг). Сўнг  $\int_0^{t_1} \hat{w}(r) dr$  интегралнинг

таърифига кўра шундай  $w(r), 0 \leq r \leq t_1, w(r) \in \hat{w}(r)$ , интегралланувчи функция мавжудки  $w = \int_0^{t_1} w(r) dr$ . Ушбу тенгликни ҳисобга олган ҳолда фиксирланган

$r \in [0, t_1]$  ва  $v \in Q$  лар учун  $u \in P$  га нисбатан

$$\Pi(t_1 - r)^{\alpha-1} E_{\frac{1}{\alpha}}(A(t_1 - r)^\alpha; \alpha) f(u, v) = w(t_1 - r), \quad (7)$$

тенгламани қараймиз.  $w(r) \in \hat{w}(r)$ , бўлгани учун (7) тенглама ечимга эга. Шу тенгламининг барча ечимлари ичидан лексикографик маънода энг кичигини танлаб оламиз ва уни  $u(r, v)$  орқали белгилаймиз. Филипповнинг леммасига [83] асосан  $u(r, v(r)), 0 \leq r \leq t_1, v \in Q$ ,

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

функция ихтиёрий ўлчовли  $v = v(r)$ ,  $0 \leq r < \infty$ ,  $v(r) \in Q$  функция учун ўлчовли бўлади.  $u(r) = u(r, v(r))$ ,  $0 \leq r \leq t_1$  деб фараз қиламиз ва параметрни бундай усулда бошқаришда  $z(t)$  троектория  $T = t_1$  дан ошмаган вақт ичида  $M$  тўпламга тушишини кўрсатамиз.

Хақиқатдан ҳам (4) ва (7) га асосан

$$D^\alpha z = Az + f(u(t), v(t)), \quad z^{(k)}(0) = z_k^0, \quad k = 0, 1, \dots, n-1,$$

тенгламининг  $z(t)$ ,  $0 \leq t < \infty$ , ечими учун қуйидагига эга бўламиз

$$\begin{aligned} \Pi z(t_1) &= \Pi h_z(z^0, t_1) + \int_0^{t_1} \Pi(t_1 - r)^{\alpha-1} E_{\frac{1}{\alpha}}(A(t_1 - r)^\alpha; \alpha) f(u(r), v(r)) dr = \\ &= \Pi h_z(z^0, t_1) + \int_0^{t_1} w(t_1 - r) dr = d - w + \int_0^{t_1} w(t_1 - r) dr = \\ &= d - \int_0^{t_1} w(r) dr - \int_{t_1}^0 w(r) dr = d - \int_0^{t_1} w(r) dr + \int_0^{t_1} w(r) dr = d \in M_1, \end{aligned}$$

$$\Pi z(t_1) = d \in M_1, \quad \Pi z(t_1) \in M_1.$$

Чунки  $d - w = \Pi h_z(z^0, t_1)$ . Сўнг  $\Pi z(t_1) \in M_1$  га, бундан эса  $z(t_1) \in M$  га эга бўламиз. Теорема исботланди.

### АДАБИЁТЛАР

1. Самко С.Г., Килбас А.А., Маричев О.И. Интегралы и производные дробного порядка и некоторые их приложения. – Минск: Наука и техника, 1987. – 244 с.
2. Джрбашян М.М., Нерсисян А.Б. Дробные производные и задача Коши для дифференциальных уравнений дробного порядка //Изв. АН Армянской ССР. - 1968. - Т. 3. Вып. 1. – С. 3. 3-29.
3. Чикрий А.А., Матичин И.И. Игровые задачи для линейных систем дробного порядка //Труды института математики и механики УрО РАН. - 2009. - Том 15. - №3. – С. 262-278.
4. Сатимов Н.Ю. О двух методах преследования в линейных дискретных играх //ДАН УзССР. – Ташкент, 1979. – № 11. – С. 3-4.
5. Учайкин В.В. Метод дробных производных. – Ульяновск: Артишок, 2008.
6. Machado T.J., Kiryakova V. Mainardi F. Recent History of Fractional Calculus//Commun. Nonlinear Science and Numer. Simulat. 2011. V. 16. – P. 1140-1153.
7. Miller K.S., Ross B. An introduction to the fractional calculus and fractional differential equations. – NewYork: Wiley& Sons, 1993. – 384 p.
8. Monje C.A., Chen Y.Q., Vinagre B.M., Xue D., Feliu V. Fractional-order Systems and Controls: Fundamentals and Applications. – London: Springer-Verlag, 2010. – P. 400 с.
9. Алимов Х.Н., Маматов М.Ш. Озадачепреследования, описываемойдробными дифференциальнымиуравнениями//НаучныйвестникСамГУ. –2016.- №1. – С. 5-8.
10. Алимов Х.Н. Об одной задаче преследования, описываемой дифференциальными уравнениями дробного порядка//Вестник НУУз.– Ташкент, 2016. - № 2. – С. 8-14.

УДК: 621.376.234

**КАТТА ЎЛЧАМЛИ ЯДРОВИЙ НУРЛАНИШЛИ ҲАР ХИЛ ТУРДАГИ КРЕМНИЙЛИ ДЕТЕКТОРЛАРНИНГ ЭЛЕКТРОФИЗИК ВА СПЕКТРОМЕТРИК ХУСУСИЯТЛАРИ****ЭЛЕКТРОФИЗИЧЕСКИЕ И СПЕКТРОМЕТРИЧЕСКИЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ РАЗНЫХ ТИПОВ КРЕМНИЕВЫХ ДЕТЕКТОРОВ ЯДЕРНОГО ИЗЛУЧЕНИЯ БОЛЬШИХ РАЗМЕРОВ  
ELECTROPHYSICAL AND SPECTROMETRIC CHARACTERISTICS OF DIFFERENT TYPES OF SILICON DETECTORS OF NUCLEAR RADIATION OF BIG SIZES****Тошмуродов Ёркин Кахрамонович***доцент кафедры физики и химии Ташкентского института ирригации и инженеров механизации сельского хозяйства***Бекназарова Замира Фармоновна***старший преподаватель кафедры физики и химии Ташкентского института ирригации и инженеров механизации сельского хозяйства***Туропова Дилобар Усмоновна***ассистент кафедры физики и химии Ташкентского института ирригации и инженеров механизации сельского хозяйства***Кодиров Абдукайим Усарович***ассистент кафедры физики и химии Ташкентского института ирригации и инженеров механизации сельского хозяйства*

**Таянч сўзлар:** яримўтказгичли Si (Li) p-i-n детектор, монокристалл кремний, диффузия, дрейф, сирт-тўсиқли детектор, гетероструктура асосидаги диффузион детектор.

**Ключевые слова:** полупроводниковый Si(Li) p-i-n детектор, монокристаллический кремний, диффузия, дрейф, поверхностно-барьерный детектор, диффузионный детектор на основе гетероструктур.

**Key words:** semiconductor Si (Li) p-i-n detector, single-crystal silicon, diffusion, drift, surface-barrier detector, heterostructure based diffusion detectors.

*Ушбу мақолада ядровий нурланишли яримўтказгичли детекторларнинг ҳар хил катталиклари, шунингдек, юза-барерли детектор, нейтрон билан бириктирилган детектор ва p-i-n детектор, шунингдек, гетероструктуралар асосида детекторлар тасвирланган. Уларнинг электрофизик ва спектрометрик катталиклари таҳлил қилинган.*

*В данной статье рассмотрены характеристики разных полупроводниковых детекторов ядерного излучения, в частности, поверхностно-барьерных, нейтронно-легированных детекторов, детекторов p-i-n типа, а также детекторов на основе гетероструктур.*

*Показаны особенности их электрофизических и спектрометрических характеристик.*

*This article describes the characteristics of different semiconductor detectors of nuclear radiation, in particular, surface-barrier detectors, neutron-doped detector and p-i-n detectors, as well as detectors based on heterostructures. The features of their electrophysical and spectrometric characteristics are shown.*

**Введение.** Известно, что производство полупроводниковых детекторов (ППД) на основе кремния находит широкое применение в науке, технике и других сферах. Относительно большая ширина запрещенной зоны в кремнии относительно германия позволяет резко уменьшить при комнатной температуре обратные токи в электронно-дырочных переходах. В настоящее время можно выделить три типа детекторов ядерного излучения [1-3], различающиеся по способу получения p-n-перехода, по характеристикам, а также по их назначению: 1) поверхностно - барьерные детекторы (ПБД); 2) нейтронно-легированные детекторы; 3) детекторы p-i-n типа.

В последние годы появились детекторы на основе гетероструктур. Эффективность всех типов детекторов связана с проявлением эффектов, обусловленных взаимосвязью

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

параметров исходного кристалла с изготовлением на их основе детекторов ядерного излучения. Создание таких детекторных структур связано с более подробным и глубоким пониманием электрофизических свойств исходного кремния и установлением их взаимосвязи с требованиями формирования на их основе высокоэффективных типов детекторов ядерного излучения [3]. Для создания детекторов ядерного излучения требуется исходный материал кремния с удельным сопротивлением  $\rho \sim 3\text{-}5 \text{ кОм}\cdot\text{см}$ , временем жизни носителей заряда  $\tau \geq 300 \text{ мкс}$  и концентрацией кислорода  $N_{O_2} \sim 10^{16} \text{ см}^{-3}$  в виде пластины диаметром  $\sim 50 \text{ мм}$  и толщиной  $2\text{-}2,5 \text{ мм}$ . Технология изготовления полупроводниковых детекторов ядерного излучения достаточно сложна и состоит из механической, химической и температурной операций, конструкционных оформлений. Каждая из них имеет свое назначение и требует определенных специфических подходов [4].

В работе рассмотрены новые физические явления и процессы, которые свойственны детекторам больших размеров. Создание таких детекторных структур связано с более подробным и глубоким пониманием электрофизических свойств исходного кремния большого диаметра и установлением их взаимосвязи с требованиями получения на их основе высокоэффективного поверхностно-барьерного детектора, нейтронно-легированного детектора, Si(Li) детектора на основе p-i-n структур, детектора на основе гетероструктур. Эти научные результаты имеют важное значение для понимания физических процессов для различных полупроводниковых приборов больших размеров, а также практическое значение для совершенствования их характеристик.

**Основная часть.** ПБД кратко обозначают химическими символами исходного полупроводника и золотого электрода. Например, в Si-Au-детекторе n-полупроводником служит кремний. Толщина чувствительного к излучению слоя n-p-перехода не превышает  $0,2\text{-}0,5 \text{ мм}$ . Для крепления кристалла после формирования поверхностного барьера разработано два варианта конструкции отправки. Первый - из металлизированного с двух сторон стеклотекстолита, что обеспечивало хорошую адгезию любого эпоксидного компаунда в процессы монтажа и достаточную механическую прочность крепления кристалла. Омический контакт к поверхности входного и выходного «окна» в этом случае осуществлялся тонкой золотой проволокой, приклеенной проводящей пастой типа «контактол», с удельным сопротивлением  $10^{-4} \text{ Ом}\cdot\text{см}$ . Внешние выходы припаивались предварительно к металлизированным участкам корпуса. Второй - из двух металлических колец, изолированных между собой органическим компаундом типа БКФ. Такая изоляция, выполняя одновременно роль защиты перехода кристалла, обеспечивала возможность эксплуатации ПБД при более высоких температурах ( $60 \text{ }^\circ\text{C}$ ).

Диффузию ионов лития проводили в вакууме на глубине  $50 \text{ мкм}$ . Разработка способа диффузии с программным охлаждением подложки позволила нам воспроизводимо получать небольшие глубины диффузионного профиля легко подвижных ионов лития. Отличие от дрейфовпроводили в более мягком режиме при температуре  $500 \text{ }^\circ\text{C}$  и напряжении  $80 \text{ В}$ . Выбор такого режима основан на ранних исследованиях, согласно которым низкотемпературный режим имеет ряд преимуществ: он позволяет получать более однородную степень компенсации, высокое удельное сопротивление компенсированной области, а также меньший градиент концентрации ионов лития [5-6]. После дрейфа кристаллы путем двухстороннего плоскопараллельного травления приводились в вышеуказанную форму с толщиной чувствительной области  $50\text{-}60 \text{ мкм}$ .

Одной из важных особенностей предлагаемой гетероструктуры Al-aGe-pSi-Au является то, что у германия  $Z=32$ , а у кремния  $Z=14$ , то есть число электронов в атомной оболочке германия более чем в два раза больше, чем у кремния. Поэтому такая гетероструктура более чувствительна к альфа, бета-излучениям, относительно кремниевых структур. Сочленение термоохлаждающей системы таких гетеропереходных структур позволяет существенно повысить эффективность предлагаемых полупроводниковых детекторов. Для получения гетероструктуры на поверхности p-Si методом вакуумного напыления при давлении  $3 \cdot 10^{-5} \text{ мм.рт.ст.}$  наносили контакты на основе аморфного aGe ( $300 \text{ \AA}$ ) и Al ( $300 \text{ \AA}$ ). На обратную тыловую сторону наносили слой Au ( $\sim 200 \text{ \AA}$ ), который является контактом. Затем готовые детекторные гетероструктуры помещали в корпус.


## ANIQ VA TABIIY FANLAR

Нейтронно-легированные детекторы получили по технологии ионного легированного на базе промышленного кремния *p*-типа с удельным сопротивлением 5 кОм·см, временем жизни 500 мкс. Непосредственно перед ионным легированием применялся способ химической обработки поверхности, широко используемый в планарной технологии: кипячение кристаллов в азотной кислоте и двухкратная перекисно-аммиачная обработка; ионное легирование лития при энергии ионов – 30 кэВ, дозе  $N \approx 10^{15} \text{ см}^{-3}$ , отжиг в вакууме  $10^{-5}$  топ при температуре 500 °С.

В отличие от указанных типов детекторов технология ионного легирования позволила применять в качестве пассивации и защиты поверхности перехода органический полимер с температурой полимеризации ~170-180 °С. Это не только существенно повысило коэффициент выхода и стабильность прибора, но и расширило эксплуатационные возможности детектора в экстремальных условиях работы.

Ионно-легированные детекторы при сравнительно близких электрофизических и более совершенных поверхностных характеристиках имели несколько худшие спектрометрические параметры, чем поверхностно-барьерные, – 1,2:1,3 %. При измерениях в вакууме с коллимированным источником энергетическое разрешение разработанных детекторов будет значительно лучше. Ухудшение спектрометрических характеристик ионно-легированных детекторов, по-видимому, связано с изменением свойств исходного материала из-за термообработки структур в вакууме, а также относительно большей толщины «мертвого слоя». Однако детекторы с ионным легированием весьма стабильны во времени. Таким образом, можно отметить, что некоторое усовершенствование конструкции и технологии кремниевых детекторов позволяет получать на базе промышленного кремния полупроводниковые детекторы с большим коэффициентом выхода, пригодные для регистрации нейтронов.

На рис.1. приведены вольт-амперные характеристики разных полупроводниковых детекторов ядерного излучения больших размеров чувствительной области. Исследования были проведены при комнатной температуре. Из сравнительного анализа следует то, что характер зависимости вольт-амперных характеристик всех типов детекторов практически одинаков. Однако величина тока, текущего в обратном смещенной Si(Li) *p-i-n* структуре, в среднем по обратному току в 2 раза отличаются относительно 1- и 4- типов детекторов. Это объясняется наличием поверхностных компонентов тока и формированием инверсионного слоя изготовленных на основе высокоомного кремния, полученных бестигельной зонной плавкой.



**Рис. 1. Вольт-амперные характеристики полупроводниковых детекторов.**  
**1. Поверхностно-барьерный детектор. 2. Нейтронно-легированный детектор.**  
**3. Si(Li) детекторы на основе *p-i-n* структур. 4. Детекторы на основе гетероструктур Al-aGe-pSi-Au.**

На рис. 2. представлены счетная и амплитудная характеристики разных полупроводниковых детекторов при регистрации ЭВК от источников  $^{226}\text{Ra}$ ,  $^{207}\text{Bi}$ ,  $^{241}\text{Am}$  и  $^{238}\text{Pu}$ . Как видно, счетная характеристика постоянна в широком диапазоне напряжений обратного смещения, а энергетическое разрешение достаточно высоко (38-45 кэВ) при комнатной температуре ( $U_{\text{обр}}=200\text{В}$ ).




Рис. 2. Энергетические спектры полупроводниковых детекторов: Si(Li) p-i-n детектора  $\alpha$ -частиц  $^{226}\text{Ra}$  ( $E_{\alpha}=7,65$  МэВ); детектора на основе гетероструктур Al-aGe-pSi-Au  $\beta$ -частиц  $^{207}\text{Bi}$  ( $E_{\beta}=976$  кэВ); поверхностно-барьерного детектора  $\gamma$ -частиц  $^{241}\text{Am}$  ( $E_{\gamma}=5$  кэВ); нейтронно-легированного детектора  $\alpha$ -частиц  $^{238}\text{Pu}$  ( $E_{\alpha}=5,5$  МэВ).

**Заключение.** Таким образом, на основе исследований вольт-амперных характеристик четырех разных типов детекторов установлено, что все типы по своим основным характеристикам не уступают традиционным детекторам больших размеров площадей чувствительной области, полученных на базе промышленных высокоомных монокристаллов кремния. На основе учета особенностей методов получения исходного монокристаллического кремния, а также способов формирования на его основе соответствующих детекторных структур больших площадей и толщин чувствительной области, показаны возможности по обеспечению высокой эффективности их электрофизических характеристик.

#### ЛИТЕРАТУРА

1. Муминов Р.А., Раджапов С.А., Тошмуродов Ё.К., Раджапов Б.С. Особенности технологии формирования Si(Li) p-i-n детекторов ядерного излучения больших размеров // Computational nanotechnology. – 2016. - № 1. – С. 62-66.
2. Акимов Ю.К., Игнатъев О.В., Калинин А.И., Кушнирук В.Ф. Полупроводниковые детекторы в экспериментальной физике. – М.: Энергоатомиздат, 1989. – 271 с.
3. Акимов Ю.К. Кремниевые детекторы излучения // ПТЭ. – Москва, 2007. - №1. – С. 5-34.
4. Азимов С.А., Муминов Р.А., Шамирзаев С.Х., Яфасов А.Я. Кремний - литиевые детекторы ядерного излучения. – Т.: Фан, 1981. – С. 257.
5. Radzhapov S.A. A Versatile Spectrometer Based on a Large-Volume Si(Li) p-i-n Structure // Instruments and Experimental Techniques. – New York, 2007, Vol. 50, No. 4. – P. 452-454.
6. Toshmurodov Yo.K. Position-sensitive detectors of nuclear radiation and a study of their current-voltage characteristic // Instruments and Experimental Techniques. - New York, 2017. Vol. 60, No. 4. – P. 605–607.

УДК:519.2

#### SEPARABEL KUBIK STOCHASTIK OPERATORLAR

#### СЕПАРАБЕЛЬНЫЕ КУБИЧЕСКИЕ СТОХАСТИЧЕСКИЕ ОПЕРАТОРЫ

#### EPARABLE CUBIC STOCHASTIC OPERATORS

Baratov Bahodir Soyib o'g'li  
QarDU mustaqil izlanuvchisi

**Tayanch so'zlar:** qo'zg'almas nuqta, stoxastik matritsa, separabel kubik operatorlar.

**Ключевые слова:** неподвижная точка, стохастическая матрица, сепарабельные кубические операторы.

**Key words:** fixed point, stochastic matrices, separable cubic operators.

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

*Ushbu maqolada uch o'lchovli simpleks fazoda, separabel kubik operatorning barcha qo'zg'almas nuqtalari topilgan. Bunday operatorlarning ba'zi bir qism sinflari uchun limitik to'plamining trayektoriyalari keltirilgan.*

*В данной работе для сепарабельного кубического оператора в трехмерном симплексе найдены все неподвижные точки. Дано описание предельного множества траекторий для некоторых подклассов таких операторов.*

*In the given work, for the separable cubic operator in the three-dimensional simplex all fixed points are found. A description is given of the limit set of trajectories for some subclasses of such operators.*

**Kirish.** Hozirgi fan va texnika rivojlanayotgan bir vaqtda biomatematika muammolarni o'rganishda muhim ahamiyatga ega bo'lgan, kubik stoxastik operatorlar nazariyasi, operatorlar nazariyasining jadal rivojlanishidagi markaziy bo'limlaridan biri hisoblanadi. Bu fanning rivojlanishida bir qancha olimlarning hissasi mavjud. Jumladan: Kolmogorov A.N., Fomin S.V., [9], Любич Ю.И. [7], Vallander S.S., Devaney R.L. [1], Hofbauer J., Sigmund K. [8], G'anixo'jayev N.N., G'anixo'jayev R.N. [4], Rozikov U.A. va boshqalar. Bu olimlarning ishlarida kvadrat stoxastik operatorlarning dinamikasi to'la o'rganilgan. Separabel kvadratik stoxastik operatorlarning dinamikasini o'rganish masalalari Rozikov U.A., A. Zada. [3], Rozikov U.A., S. Nazir. [5] va boshqalarning ilmiy ishlarida o'z aksini topgan.

Separabel kubik stoxastik operatorlarning dinamikasini o'rganish masalalari nisbatan kam o'rganilgan.

Bunga Rozikov U.A., Hamrayev A.Yu.[2]; [6] ishlarini ta'kidlab o'tishimiz lozim. Bugungi zamonaviy biomatematikaning asosiy maqsadi biologik turlarning, o'zaro chatishtirish orqali olingan natijalari asosida eng maqbul, sermahsul, kasalliklarga bardoshli, iqlimga tez moslashuvchan va bir qancha afzalliklarga ega bo'lgan turlarini matematik modellar asosida o'rganishdir.

Ma'lumki, bunday biologik populyatsiyalarni o'rganish diskret vaqtli dinamik sistemani berib, buning matematik modeli ayirmali tenglamaga keltiriladi. Turlar avloddan avlodga o'tishida har bir o'rganilayotgan genning dinamik strukturasi bir qancha ichki va tashqi faktlarga bog'liq hollari analizini soddalashtirish maqsadida hisobga olinmagan bo'lishi mumkin.

Masalan: quyonlardan har doim ham bir populyatsiya jarayonlarida bir xil nasl bera olmasligi ma'lum yoki genetik muammolar ham bor.

Kubik operatorlarning dinamikasini to'la o'rganish juda ko'p murakkabliklarga va qiyinchiliklarga olib kelmoqda. Bunday qiyinchiliklarni bartaraf etish, kubik stoxastik operatorlarni 1-tur separabellik sharti ostida, 1-tur separabel kubik stoxastik operatorlar sifatida o'rganish asosida o'tishidir.

Biz quyidagini:

$$S^{m-1} = \left\{ x = (x_1, x_2, \dots, x_m) \in R^m : x_i \geq 0, \sum_{i=1}^m x_i = 1 \right\} \quad (1)$$

$(m-1)$  o'lchovli simpleks fazo deb ataymiz.

**Ta'rif 1.** Quyidagi  $W : S^{m-1} \rightarrow S^{m-1}$  akslantirish,

$$W : x'_l = \sum_{i,j,k=1}^m P_{ijk,l} x_i x_j x_k, \quad l \in E = \{1, 2, \dots, m\}, \quad (2)$$

bu yerda:

$$P_{ijk,l} = P_{kij,l} = \dots = P_{jik,l} \geq 0, \quad \sum_{l=1}^m P_{ijk,l} = 1, \quad (3)$$

kubik stoxastik operator deyiladi.

**Ta'rif 2.** (2) kubik stoxastik operator 1-tur seperabel kubik stoxastik operator deyiladi, agar (2) kubik stoxastik operatordagi,  $P_{ijk,l}$  koeffitsientlar quyidagicha

$$P_{ijk,l} = a_{il} b_{jl} c_{kl}, \quad (4)$$

**ANIQ VA TABIIY FANLAR**

$$\sum_{l=1}^m P_{ijk,l} = 1, \quad \forall i, j, k, l = 1, 2, 3, \dots, m, \quad (5)$$

bo'lsa, bu yerda  $a_{il}, b_{jl}, c_{kl} \in R$  shunday sonlarki(4)uchun, (5) shart bajariladi.

**Ta'rif 3.** (2) kubik stoxastik operator 2-tur separabel kubik stoxastik operator deyiladi, agar (2) kubik stoxastik operatordagi,  $P_{ijk,l}$  koeffitsientlar quyidagicha:

$$P_{ijk,l} = a_{il} Q_{jk,l}, \quad \forall i, j, k, l = 1, 2, 3, \dots, m, \quad (6)$$

bo'lsa, bu yerda  $a_{il}, Q_{jk,l} \in R$  shunday sonlarki (6) uchun (5) shart bajarildi.

2-tur separabel kubik stoxastik operatorning ko'rinishi, (2) kubik stoxastik operatorga ko'ra quyidagicha bo'ladi:

$$x'_l = \left( \sum_{i=1}^m a_{il} x_i \right) \left( \sum_{j,k=1}^m Q_{jk,l} x_j x_k \right), \quad l \in E. \quad (7)$$

1-tur separabel kubik stoxastik operatorning ko'rinishi, (2) kubik stoxastik operatorga ko'ra quyidagicha bo'ladi:

$$x'_l = \left( \sum_{i=1}^m a_{il} x_i \right)_l \left( \sum_{j=1}^m b_{jl} x_j \right)_l \left( \sum_{k=1}^m c_{kl} x_k \right)_l, \quad l \in E. \quad (8)$$

Asosiy maqsadimiz,  $\forall x^{(0)} \in S^{n-1}$  uchun,

$$x^{(1)} = Wx^{(0)}, \quad x^{(2)} = Wx^{(1)}, \dots, x^{(n)} = Wx^{(n-1)}, \dots, \quad (9)$$

dinamikani o'rganishdan iborat, ma'lumki (9) ketma-ketlikka diskret tipdagi dinamik sistema deb ataladi.

$$P \equiv P(W) = \left\{ P_{ijk,l} \right\}_{ijk,l=1}^m, \quad (10)$$

(10) kubik matritsaga mos  $W$  operator berilgan bo'lsa, (9) iteratsiya orqali  $x^{(0)}$  boshlang'ich nuqtaning trayektoriyasini belgilaymiz.

(4)koeffitsient uchun (1) simpleks fazoni e'tiborga olib  $a_{il}, b_{jl}, c_{kl} \in R$  dan, quyidagi matritsalarini hosil qilamiz.

$$A = (a_{il}), \quad B = (b_{jl}), \quad C = (c_{kl}).$$

U holda, (8) operatorning ko'rinishi quyidagicha bo'ladi,

$$x'_l = (W(x))_l = (A(x))_l (B(x))_l (C(x))_l \quad (11)$$

bu yerda:

$$(A(x))_l = \sum_{i=1}^m a_{il} x_i, \quad (B(x))_l = \sum_{j=1}^m b_{jl} x_j, \quad (C(x))_l = \sum_{k=1}^m c_{kl} x_k, \quad l \in E, \quad (12)$$

(8) operator 1-tur separabel kubik stoxastik operatorning umumiy ko'rinishidir.

Biz (2) kubik stoxastik operatorni (1) simpleks fazoning holda qaraymiz, ya'ni  $W: S^2 \rightarrow S^2$  operator bo'lsin, bu yerda:

$$S^2 = \left\{ (x; y; z) \in R^3 : x \geq 0, y \geq 0, z \geq 0, x + y + z = 1 \right\}. \quad (13)$$

Biz quyidagi 1-tur separabel kubikstoxastik operatorga qaraymiz:

$$W : \begin{cases} x' = x(x+z) \left( x + y + \frac{1}{2}z \right), \\ y' = y(x+y)(2x+y+z), \\ z' = z \left( \frac{3}{2}x + y + z \right) (x + 2y + z). \end{cases} \quad (14)$$

(14) separabel kubikstoxastik operatorga mos matritsalar quyidagicha:



### ANIQ VA TABIIY FANLAR

$$A = \begin{pmatrix} 1 & 0 & 0 \\ 0 & 1 & 0 \\ 0 & 0 & 1 \end{pmatrix}, \quad B = \begin{pmatrix} 1 & 1 & \frac{3}{2} \\ 0 & 1 & 1 \\ 1 & 0 & 1 \end{pmatrix}, \quad C = \begin{pmatrix} 1 & 2 & 1 \\ 1 & 1 & 2 \\ \frac{1}{2} & 1 & 1 \end{pmatrix}. \quad (15)$$

**Eslatma:** (15) matritsalarining determinanti noldan farqli.

**Operatorning qo'zg'almas nuqtalari**

(14) separabel kubikstoxastik operatorning qo'zg'almas nuqtalarini aniqlaymiz. Ya'ni

$$W(x; y; z) = (x; y; z)$$

tenglamadan,

$$\begin{cases} x(x+z)\left(x+y+\frac{1}{2}z\right) = x, \\ y(x+y)(2x+y+z) = y, \\ z\left(\frac{3}{2}x+y+z\right)(x+2y+z) = z, \end{cases} \quad (16)$$

$M_1(1,0,0)$ ,  $M_2(0,1,0)$ ,  $M_3(0,0,1)$  nuqtalarni ko'rish mumkin.

**Lemma 1.** (14) separabel kubikstoxastik operatorning (13) simpleks fazoda ichki qo'zg'almas nuqtasi mavjud emas.

**Isbot.** Faraz qilaylik  $x \cdot y \cdot z \neq 0$  bo'lsin. U holda

$$\begin{cases} (x+z)\left(x+y+\frac{1}{2}z\right) = 1, \\ (x+y)(2x+y+z) = 1, \\ \left(\frac{3}{2}x+y+z\right)(x+2y+z) = 1, \end{cases} \quad (17)$$

$x+y+z=1$  tenglikdan quyidagi natijani olamiz:

$$\begin{cases} (1-y)\left(1-\frac{1}{2}z\right) = 1, \\ (1-z)(1+x) = 1, \\ \left(\frac{1}{2}x+1\right)(1+y) = 1. \end{cases}$$

(17) tenglamalar sistemasining 3-tenglamasini chap tomoni  $x > 0$  va  $y > 0$  da 1 dan qat'iy katta bo'ladi, (17) tenglamalar sistemasining o'ng tomoni esa 1 ga teng. U holda bu yechim, yuqoridagi farazimizga ziddir. Demak, (14) separabel kubik stoxastik operatorning ichki qo'zg'almas nuqtasi mavjud emas. **Lemma isbot bo'ldi.** Qo'zg'almas nuqtalar to'plami quyidagicha

$$T = \{M_1, M_2, M_3\}$$

bo'ladi.

(14) separabel kubik stoxastik operatorning qo'zg'almas nuqtalarining tipini aniqlash uchun Yakobian determinantidan foydalanamiz. (14) separabel kubik stoxastik operatorning Yakobiani quyidagicha aniqlanadi:

$$J(x) = \begin{vmatrix} x'_x & x'_y & x'_z \\ y'_x & y'_y & y'_z \\ z'_x & z'_y & z'_z \end{vmatrix}, \quad (18)$$

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

u holda:

$$|J - \lambda E|_{M_1} = \begin{vmatrix} 1 - \lambda & -1 & -\frac{1}{2} \\ 0 & 2 - \lambda & 0 \\ 0 & 0 & \frac{3}{2} - \lambda \end{vmatrix} = 0,$$

$$(1 - \lambda)(2 - \lambda)\left(\frac{3}{2} - \lambda\right) = 0,$$

$$\lambda_1 = 1, \lambda_2 = 2, \lambda_3 = \frac{3}{2},$$

demak,  $M_1(1,0,0)$  qo'zg'almas nuqta **o'zidan itaruvchi** nuqta.

$$|J - \lambda E|_{M_2} = \begin{vmatrix} -\lambda & 0 & 0 \\ 1 & 1 - \lambda & -1 \\ 0 & 0 & 2 - \lambda \end{vmatrix} = 0,$$

$$(-\lambda)(1 - \lambda)(2 - \lambda) = 0,$$

$$\lambda_1 = 1, \lambda_2 = 0, \lambda_3 = 2,$$

demak,  $M_2(0,1,0)$  qo'zg'almas nuqta **egar** vazifasini o'taydi.

$$|J - \lambda E|_{M_3} = \begin{vmatrix} \frac{1}{2} - \lambda & 0 & 0 \\ 0 & -\lambda & 0 \\ \frac{1}{2} & 1 & 1 - \lambda \end{vmatrix} = 0,$$

$$\lambda \left(\frac{1}{2} - \lambda\right)(1 - \lambda) = 0,$$

$$\lambda_1 = 1, \lambda_2 = 0, \lambda_3 = \frac{1}{2},$$

demak,  $M_3(0,0,1)$  qo'zg'almas nuqta – **o'ziga tortuvchi** nuqta.

U holda (14) separabel kubik stoxastik operatorning qo'zg'almas nuqtalarining tipini ifodalovchi quyidagi jadvalni keltiramiz:

Qo'zg'almas nuqta	Xos sonlar			Qo'zg'almas nuqtaning tipi
$M_1(1, 0, 0)$	1	$\frac{3}{2}$	2	Itaruvchi
$M_2(0, 1, 0)$	1	0	2	Egar
$M_3(0, 0, 1)$	1	0	$\frac{1}{2}$	Tortuvchi

### Trayektoriyani qirralarda o'rganish

**Lemma2.** (14) separabel kubik stoxastik operatorning har bir tomoni (13) simpleks fazoda invariant bo'ladi.

**Isbot:** isbotni  $M_1M_2$  qirra uchun beramiz, (qolgan holarda isboti o'xshash bo'ladi)

$\forall x^{(0)} \in M_1M_2 = \{(x, y, z) \in S^2, z = 0\}$  bo'lsin, u holda  $W(x^{(0)}) \in M_1M_2$  ekanligini ko'rsatamiz. (14) separabel kubik stoxastik operatorning uchinchi tengligi, ya'ni  $z' = z\left(\frac{3}{2}x + y + z\right)(x + 2y + z)$  bunda,  $z = 0$  dan  $z' = 0$ , ekanligi kelib chiqadi. Demak, (14)

separabel kubik stoxastik operator  $M_1M_2$  qirrada invariant bo'ladi. **Lemma isbot bo'ldi.**

### ANIQ VA TABIIY FANLAR

**Lemma 3.** Agar  $\forall x^{(0)} \in M_2M_3 = \{(x, y, z) \in S^2, x=0\}$  bo'lsa, u holda  $\lim_{n \rightarrow \infty} Wx^{(n)} = M_3$  bo'ladi.

**Isbot:** (14) separabel kubik stoxastik operatorning  $M_2M_3$  qirradagi ko'rinishi quyidagicha bo'ladi:

$$\begin{cases} y' = y^2, \\ z' = z(2-z). \end{cases} \quad (19)$$

(19) sistemaning birinchi tengligini  $f(y) = y^2, y \in [0;1]$ , deb belgilab olsak, u holda  $f'(y) = 2y$  bo'ladi.

**1-hol:**  $|f'(0)| = 0 < 1$  demak,  $M_3(0,0,1)$  nuqta tortuvchi.

**2-hol:**  $|f'(1)| = 2 > 1$  demak,  $M_2(0,1,0)$  nuqta itaruvchi.

**3-hol:**  $f''(y) = 2 > 0$  demak, funksiya botiq. U holda  $n \rightarrow \infty$  da  $f^{(n)}(x^{(0)}) \rightarrow 0$ .

Demak, uchala holdan  $\forall x^{(0)} \in M_2M_3 = \{(x, y, z) \in S^2, x=0\}$  bo'lsa,  $\lim_{n \rightarrow \infty} Wx^{(n)} = M_3$  o'rinli bo'lishi kelib chiqadi. **Lemma isbot bo'ldi.**

**Lemma 4.** Agar  $\forall x^{(0)} \in M_1M_3 = \{(x, y, z) \in S^2, y=0\}$  bo'lsa, u holda  $\lim_{n \rightarrow \infty} Wx^{(n)} = M_3$  bo'ladi.

**Isbot:** (14) separabel kubik stoxastik operatorning  $M_3M_1$  qirradagi ko'rinishi quyidagicha bo'ladi:

$$W : \begin{cases} x' = \frac{1}{2}x(x+1), \\ z' = \frac{1}{2}z(3-z), \end{cases}$$

sistemani birinchi tengligini,  $f(x) = \frac{1}{2}x(x+1), x \in [0;1]$  deb belgilab olsak, u holda  $f'(x) = x + \frac{1}{2}$  bo'ladi.

**1-hol:**  $|f'(0)| = \frac{1}{2} < 1$ , demak,  $M_3(0,0,1)$  nuqta tortuvchi.

**2-hol:**  $|f'(1)| = \frac{3}{2} > 1$ , demak,  $M_1(1,0,0)$  nuqta itaruvchi.

**3-hol:**  $|f''(x)| = 1 > 0$ , demak, funksiya botiq. U holda  $n \rightarrow \infty$  da  $f^{(n)}(x^{(0)}) \rightarrow 0$ .

Demak, uchala holdan,  $\forall x^{(0)} \in M_1M_3 = \{(x, y, z) \in S^2, y=0\}$  bo'lsa,  $\lim_{n \rightarrow \infty} Wx^{(n)} = M_3$  o'rinli bo'lishi kelib chiqadi. **Lemma isbot bo'ldi.**

**Lemma 5.** Agar  $\forall x^{(0)} \in M_1M_2 = \{(x, y, z) \in S^2, z=0\}$  bo'lsa, u holda  $\lim_{n \rightarrow \infty} Wx^{(n)} = M_2$  bo'ladi.

**Isbot:** (14) separabel kubik stoxastik operatorning  $M_1M_2$  qirradagi ko'rinishi quyidagicha bo'ladi:

$$W : \begin{cases} x' = x^2, \\ y' = y(2-y). \end{cases}$$

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

Bu operator, (19) operatorga o'xshash, shu sababli **lemma 5** ning isboti **lemma 3** ning isbotiga o'xshash bo'ladi. Endi ixtiyoriy boshlang'ich  $x^{(0)}$  nuqtani simpleks ichidan olib, (14) separabel kubik stoxastikoperatorning dinamikasini o'rganamiz.

**Teorema 1.** Agar  $\forall x^{(0)} \in \text{int } S^2$  bo'lsa, u holda  $\lim_{n \rightarrow \infty} Wx^{(n)} = M_3$  bo'ladi.


**Isbot:** (14) separabel kubik stoxastik operatorning ko'rinishini quyidagicha yozib olamiz:

$$\begin{cases} x' = x(1-y)(1 - \frac{1}{2}z), \\ y' = y(1-z)(1+x), \\ z' = z(\frac{1}{2}x+1)(1+y). \end{cases} \quad (20)$$

(20) separabel kubik stoxastik operatorning birinchi tengligidan,  $1-y < 1$ ,  $1 - \frac{1}{2}z < 1$  va  $x' < x$  tengsizlik kelib chiqadi. Demak,  $x^{(m+1)} < x^{(m)}$  va  $\exists \alpha \in [0,1) x^{(m)} \rightarrow \alpha, m \rightarrow \infty$ , bu yerda  $m = 0,1,2,\dots$   $x^{(m)}$  kamayuvchi va quyidan 0 bilan chegaralangan shu sababli  $\lim_{m \rightarrow \infty} (x^{(m)}) = \alpha \geq 0$ ,  $\alpha < 1$  mavjud.

(20) separabel kubik stoxastik operatorning uchinchi tengligidan,  $1 + \frac{1}{2}x > 1$  va  $1+y > 1$  va  $z' < z$  tengsizlik kelib chiqadi. Demak,  $z^{(m+1)} > z^{(m)}$  va  $\exists \gamma \in (0,1] z^{(m)} \rightarrow \gamma, m \rightarrow \infty$  ekanligini bilish mumkin.  $z^{(m)}$  o'suvchi va yuqoridan 1 soni bilan chegaralangan, shuning uchun  $\lim_{m \rightarrow \infty} (z^{(m)}) = \gamma \leq 1$  mavjud.  $x^{(m)} + y^{(m)} + z^{(m)} = 1$  ekanligidan,  $\alpha + \beta + \gamma = 1$  deb belgilasak, u holda  $\lim_{m \rightarrow \infty} (y^{(m)}) = \beta = 1 - \alpha - \gamma$  kelib chiqadi. Endi  $\lim_{m \rightarrow \infty} (x^{(m)}, y^{(m)}, z^{(m)}) = (\alpha, \beta, \gamma)$  nuqtalar  $W$  operator uchun qo'zg'almas nuqtalar to'plami bo'ladi, ya'ni  $(\alpha, \beta, \gamma) \in T$ . U holda  $(\alpha, \beta, \gamma) = (0,0,1) = M_3$  ekanligi kelib chiqadi. Demak,  $\forall x^{(0)} \in \text{int } S^2$  uchun  $\lim_{n \rightarrow \infty} Wx^{(n)} = M_3$  bo'ladi. **Teorema isbot bo'ldi.**

Shunday qilib, (14) separabel kubik stoxastik operatorning trayektoriyasini quyidagi vektorlar oqimi bo'yicha tasvirlaymiz.



Xulosa o'rnida shuni aytish lozimki, bugungi zamonaviy biomatematikada biologik turlarni o'zaro chatishtirish orqali olingan natijalar asosida sermahsul, kasalliklarga bardoshli, iqlimga tez moslashuvchan va bir qancha afzalliklarga ega bo'lgan turlarning matematik modellarini hosil qilish asosida o'tishidir. Biomatematikaning muammolarni yechishda muhim ahamiyatga ega

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

bo'lgan, kubik stoxastik operatorlar nazariyasi, operatorlar nazariyasining jadal rivojlanishidagi markaziy bo'limlaridan biri hisoblanadi.

Kubik stoxastik operatorlarning dinamikasini o'rganishda bir qancha murakkabliklar mavjud. Shuning uchun kubik stoxastik operatorni separabel kubik operator sifatida o'rganish mavjud murakkabliklarni hal etishga yordam berdi.

Biz aniqlab olingan separabel kubik stoxastik operatorning trayektoriyasini o'rganib toiremaning isboti hosil qilindi.

Bundan tashqari, (14) separabel kubik stoxastik operatorning dinamikasi o'rganilganda, diskret tipdagi matematik model hosil bo'ldi. (14) separabel kubik stoxastik operatorning dinamikasiga biomatematikaning, ya'ni alohida bir tur chatishishlari natijasi sifatida urg'u berganimizda, bu olingan natija shuni bildiradiki, har bir sohadagi boshlang'ich nuqta holatiga, uning trayektoriyasiga bevosita bog'liq bo'lar ekan. Agar boshlang'ich nuqta qo'zg'almas nuqta bo'lsa, uning trayektoriyasi o'zgarmas bo'ladi (o'ziga qaytishi).

Qo'zg'almas nuqtani biologik nuqtayi nazardan izohlasak, biologik tur chatishishining o'ziga qaytishini ifodalaydi. Bu qaytish ma'lum ma'nodagi davriy ham bo'lishi mumkin. Bu davriy qo'zg'almas nuqtalarni o'rganish ushbu maqolada kiritilmagan. Shu jumladan, 1-tur va 2-tur separabel kubik stoxastik operatorlarning dinamikasini o'rganish va bu sinflar o'rtasida umumiy nazariyani qurish muammosi ham bor.

## ADABIYOTLAR

1. **Devaney. R.L.** An introduction to chaotic Dynamical systems. Department of Mathematics. Boston University, Westview Press. 2003. – P. 134-146.
2. **Розиков У.А., Хамраев А.Ю.** О кубических операторах, определенных конечно мерном симплексе //Ukrainiya Mathematics Journal.- 2004. - Т.56. - №10.– С. 1418-1427.
3. **Rozikov U.A., Zada A.** On a class of separable quadratic stochastic operators.Lobachevski Journal, Mathematics. 2011, V. 32, No. 4.– P. 397-406.
4. **Ganikhodzhaev R. N., Rozikov U.A.** Quadratic stochastic operators: results and open problem sar Lobschevski Journal. Mathematics. 3, (2012). – P. 497-503.
5. **Rozikov U.A., Nazir. S.** Separable quadratic stochastic operators. LobachevskiJournal, Mathematics. 2010, V. 31, No. 3. – P. 214-220.
6. **Хамраев А.Ю.** Поведение траекторий одного кубического оператора над двумерном симплексе //ЎзМЖ.– 2013. - №1. – С. 130-137.
7. **Любич Ю.И.** Математические структуры в популяционной генетике. – Киев: Науково Думка, 1983. – С. 148-157.
8. **Hofbauer J., Sigmund K.** The theory of evolution and dynamical systems. – Cambridge University. Press, 1988. – P. 89-96.
9. **Колмогоров А.Н., Фомин С.В.** Элементы теории функций и функционального анализа. – Москва, 1976. – С. 175-203.
10. **Розиков У.А., Жамилов У.У.**  $F$ -квадратичные стохастические операторы // Математика, заметки. – 2008. - Т.83.- №4.– С. 606-612.
11. **Хамраев А.Ю.** Об одном кубическом операторе вольтеревского типа//УзМЖ.- 2009. - №3. – С. 65-71.
12. **Хамраев А.Ю.** Поведение траекторий одного кубического оператора на двумерном симплексе//ЎзМЖ. - 2013. - №1.– С.130-137.
13. **Rozikov U.A., Zhamilov U.U.** Volterraquadraticstochasticoperatorsofatwo-sexpopulation, Ukrainian Mathematics. Journal.63 (2011), no. 7. –P. 1136-1153.
14. **Ganikhodzhaev R.N., Mukhamedov F.M., Rozikov U.A.** Quadratic stochastic operators and processes: results and open problems.УзМЖ.- № 3. 2011. – P. 279-335.
15. **Ulam S.M.** A collections of mathematical problems. Los Alamos Sci. Labor. – New Mexico: 1967. – P. 103-156.

УДК: 664.72:54

**БУҒДОЙ ДОНИГА ГИДРОТЕРМИК ИШЛОВ БЕРИШНИ УЛЬТРАТОВУШ ТАЪСИРИДА  
ЖАДАЛЛАШТИРИШ**

**ВЛИЯНИЕ ВЛАГО-СОРБЦИОННЫХ СВОЙСТВ СЕМЯН ПШЕНИЦЫ НА ПРОЦЕСС  
ГИДРОТЕРМИЧЕСКОЙ ОБРАБОТКИ**

**INFLUENCE OF WATER-SORPTION PROPERTIES OF WHEAT GRAIN ON THE  
HYDROTHERMAL TREATMENT PROCESS**

**Рахмонов Қахрамон Саноқулович**

*БухМТИ озиқ-овқат технологияси ва саноат экологияси кафедраси ассистенти*

**Равшанов Суванқул Сапарович**

*Тошкент кимё-технология институти озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси кафедраси доценти*

**Тўлаганов Равшан Шухрат ўғли**

*Тошкент кимё-технология институти магистранти*

**Тошмуродов Искандар Алибоевич**

*Тошкент кимё-технология институти талабаси*

**Суннатов Бахромжон Учқунович**

*Тошкент кимё-технология институти талабаси*

**Таянч сўзлар:** буғдой дони, навли ун, вибрацион таъсир, буғдой дони навлари, маҳаллий буғдой, физик таъсир.

**Ключевые слова:** пшеничная мука, мучная смесь, вибрационное воздействие, сорта пшеницы, местная пшеница, физические воздействия.

**Key words:** wheat flour, graded flour, vibration effects, wheat varieties, local wheat, physical effects.

*Maqolada bug'doy urug'ining ho'l shilimshiq xususiyatlarining gidrotreatik tozalash jarayoniga ta'siri o'rganiladi. O'rganilgan navlar "Brigada", "Pervitsa", "Sila", "Gazgon" va "Astana-2" davrlarida elektron mikroskopida 1000-2000 marta kattalashtirilgan endosperm vaqtlari va makrokapilyarlari aniqlandi. Markaziy endospermda infiltratsiya jarayoni aniqlandi.*

*В статье исследованы влияние влажно-сорбционных свойств семян пшеницы на процесс гидроочистки. В изученных сортах «Бригада», «Первица», «Сила», «Газгон» и «Астана-2» определен время и макрокапилляры эндосперма с 1000-2000-кратным увеличением на электронном сканирующем микроскопе. Выявлен ход инфльтрации в центральном эндосперме.*

*In article influence moisture - sorption properties of seed of wheat on process of hydroheat treatment is investigated. In the studied grades of «Brigada», «Pervitsa», «Sila», «Gazgon» and «Astana-2» wheat a time and macrocapillaries endosperm in 1000-2000 multiple increase on the electronic scanning microscope are defined. The course of infiltration in the center endosperm is revealed.*

**Кириш.** Тадқиқотлар ёрдамида донларнинг технологик хоссалари, дон массасини ажратишнинг назарий асослари ва унинг ажралувчанлигини аниқлаб баҳолаш, тегирмон ва ёрма заводларида доннинг юзасига қуруқ ишлов бериш жараёнининг ташкил қилиниши ва самарадорлигини баҳолаш, донга гидротермик ишлов бериш жараёни, тегирмон ва ёрма заводларида донга гидротермик ишлов бериш жараёнининг усуллари, тегирмонда ун тортиш учун буғдой аралашмаси партияларини тайёрлаш, донларни майдалаш, майдаланган маҳсулотларни саралаш, қобиқ ажратиш, ёрмаларни қайроқлаш ва силлиқлаш жараёнлари, ун тортиш ва ёрма олишни умумий ва хусусий технологиялари ҳақидаги маълумотлар келтирилган ва буғдой донини навли ун тортишга тайёрлашда, гидротермик ишлов бериш босқичида намлаш жараёни вибрацион қурилмада ўрганилиб, унинг димлаш вақтини қисқартириш мумкинлиги кўрсатилган. Буғдой донини ун тортишга тайёрлашда, буғдойни сув муҳитида хона ҳароратида бир суткага яқин вақт давомида намланиши ўта муҳим бўлиб, бундай гидротермик ишлов бериш тегирмонда донни қобиқ

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

қисмидан осон ажралиши ва ундан юқори сифатли ун тортилиши учун зарур бўлган технологик босқич ҳисобланади.

**Асосий қисм.** Бу жараён донни қуритишда ва донга гидротермик ишлов беришда жуда ҳам интенсив ривожланади. Иссиқликни ун кўчиши доннинг намлиги ва температурасига боғлиқ бўлган ҳолда доннинг солиштирма иссиқлик сиғими, иссиқлик ўтказувчанлиги ва температура ўтказувчанлиги билан аниқланади. Одатда гидротермик ишлов бериш буғдой нави ва доннинг сортига боғлиқ бўлиб, намлашнинг оптимал режимини топиш ва жадаллаштириш талаб этилади. Ҳозирги кунда республикамизда узок йиллар давомида фойдаланиб келинаётган катта ҳажмли тегирмонларда, асосан, Россия ва Қозоғистон буғдой навлари учун ишлаб чиқилган гидротермик ишлов бериш режимлари қўлланилмоқда. Бундай ёндашиш, яъни маҳаллий буғдой донларини ўзига хос тузилиши, таркиби ва сифат кўрсаткичларини инобатга олмаслик, улардан юқори сифатли ун тортиш имкониятларини бермаяпти. Шу боис маҳаллий буғдой донларининг ўзига хос жиҳатларини инобатга олиб, гидротермик ишлов бериш жараёнини оптималлаштириш ва намланиш вақтини камайтириш учун ташқи физик таъсирлар воситасида сувни дон таркибига диффузион сингишини жадаллаштириш долзарб илмий-технологик вазибалардан ҳисобланади. Мазкур иш шу йўналишда бажарилган бўлиб, унда “Сила”, “Первица”, “Бригада” каби маҳаллий буғдой навлари Россиянинг “Газгон” ва Қозоғистоннинг “Астана-2” каби буғдой навлари донларининг физик-кимёвий тавсифлари қиёсий таққосланган ҳамда маҳаллий буғдой донларига гидротермик ишлов бериш жараёнини жадаллаштиришда қисқа ва кучли импульсли физик таъсирлар, жумладан, ультратовуш ёрдамидаги вибрацион (титратиш) таъсирнинг имконияти ўрганилган.

Юқори таъкидланган донларнинг физик-кимёвий тавсифларини аниқлаш бўйича олиб борилган изланишлар ва қиёсий таққослаш натижалари 1-жадвалда келтирилган [1-3]. Маҳаллий “Сила” навининг натура оғирлиги ГОСТ 10840-64 бўйича 760 г/л ва 1000 дон донининг вазни ГОСТ 10842-89 бўйича 37 г эканлиги ҳамда Қозоғистонда етиштирилган “Астана-2” навининг натура оғирлиги 803 г/л ва 1000 дон донининг вазни 36 г ни ташкил этиши аниқланган. Бунда буғдой дони навларида натура оғирлиги ва 1000 дон дон вазнининг кўрсаткичлари номутаносиб бўлиши уларнинг шаклларидаги фарқлар билан изоҳланади. Таққослашлар буғдой донларининг шакли қанчалик шарсимон кўринишга эга бўлса, уларнинг натура оғирлиги шунчалик камайиб боришига олиб келишини кўрсатди. Буғдой навларнинг 1000 дон донларини вазни билан эндосперм миқдорлари таққосланганда мутаносибликни кўриш мумкин. Тегирмонда донни ун тортишга тайёрлашда дон хона температурасидаги ёки қиздирилган сув билан ёки нормал атмосфера босимидаги тўйинтирилган сув буғи билан намланади. Ёрма ишлаб чиқаришда донга гидротермик ишлов бериш режимлари қуйидагиларни ўз ичига олади: буғлаш, қуритиш, совутиш, баъзида донни қиздирилган сувда бўктириш. Гидротермик ишлов беришнинг ҳамма вариантларида дон қаватларига эмас, балки ҳар бир донга ишлов берилади.


Донларни бошқа физик-кимёвий тавсифлари билан таққосланганда айрим номутаносибликлар кузатилган. Унинг асосий сабаблари буғдой навлари донларининг шишасимонлик, клейковина, ИДҚ, намланиш каби физик-кимёвий факторлар ва буғдой етиштирилган ҳудуд шароити билан боғлиқ деб эътироф этилган [2, 4]. Вибрацион таъсирнинг донларни намланишини жадаллаштиришдаги аҳамияти ҳақидаги дастлабки маълумотлар Л.В. Устиновнинг илмий мақоласида қисман ёритилган [5]. Бундай ёндашишни маҳаллий буғдой донларига жорий этиш мақсадида гидротермик ишлов бериш технологик жараёни имкониятлари доирасида вибрацион таъсирни амалга оширувчи ультратовуш режимини аниқлаш, ун ишлаб чиқаришда дон ва дон маҳсулотларини майдалаш даражасига умумий янчилиш И катталиги билан тавсифланади ва бунинг қийматига нафақат валларнинг геометрик тавсифи (диаметри, тишларнинг юзаси ва ўзаро жойлашуви, ишчи юзанинг ғадир-будурлик даражаси), балки валларнинг кинематик кўрсаткичлари (валларнинг айланма ва нисбий тезлиги) ҳам солиштирма юклама катталиги ва бошқа омиллар таъсир кўрсатиши бўйича экспериментал тадқиқотлар олиб борилди.

## Буғдой навлари донларининг физик-кимёвий тавсифлари

№	Буғдой навлари	Шишасимонлиги, %	Натура оғирлиги, гр/л	Намлиги, %	Эндосперм миқдори, %	1000 дон вази, гр	Кулдорлиги, %	Клейковина миқдори, %	ИДК кўрсаткичи,	Дон ҳажми, мм <sup>3</sup>	Доннинг ташқи юзаси, мм <sup>2</sup>
1	“Сила” (Ўзбекистон)	45	760	10,2	82,35	37	1,74	27	86	25,09	58,60
2	“Первица” (Ўзбекистон)	38	770	10,0	82,56	43	1,65	24	85	29,39	67,57
3	“бригада” (Ўзбекистон)	46	782	9,2	82,84	39	1,72	26	66	26,89	60,62
4	“Газгон” (Россия)	41	720	10,4	82,22	38	1,63	28	82	26,31	61,85
5	“Астана-2” (Қозғоғистон)	40	803	12,8	82,87	36	1,69	26	75	26,11	58,84

Тадқиқотлар ультратовуш УЗДН-2Т қурилмасида 20 °С ли сувли муҳитда турган буғдой донларига 1 мин давомида 22 кГц частотали вибрацион таъсирлар кўрсатиш орқали амалга оширилган. Кузативлар икки босқичда амалга оширилган:

- биринчи босқичда, берилган кучли физик таъсир остида донлар таркибига қай даражада сув молекулалари диффузион сингиб борганлиги бевосита дон намуналарини кўнгдаланг кесиб, микроскоп ёрдамида синган сув сатҳи қалинлигини ўлчаш орқали аниқланган. 1-расмда келтирилган тасвирдан маҳаллий буғдой дони (а) ва Россия буғдой дони (б) таркибига сувнинг сингиб боришида маълум фарқ мавжудлиги кўриниб турибди. Бунга асосан вибрацион таъсир остида маҳаллий буғдой дони сувни нисбатан яхшироқ сингдиради деган хулосага келиш мумкин ва дон эндоспермаси ва қобиғини бир-бирдан ажратишда уларнинг мустаҳкамлигини ҳар хил бўлишини таъминлаш керак. Бунга гидротермик ишлов беришнинг махсус режимларини танлаш билан эришилади. Шунинг учун ун ишлаб чиқаришда гидротермик ишлов берганда қобиқларнинг мустаҳкамлиги оширилади, эндоспермнинг мустаҳкамлиги камайтиради. Ёрма ишлаб чиқаришда тескариси, яъни гул қобиқнинг (ёки мева қобиғининг) мустаҳкамлиги 28% камайтиради, эндоспермнинг мустаҳкамлиги оширилади. Бу ун тортишда эндоспермни кўпроқ майдаланишини, қобиқларни камроқ майдаланишини таъминлайди.




1-расм. Маҳаллий “Сила” буғдой дони (а) ва Россия “Газгон” буғдой дони (б) нинг вибрацион таъсир остида намланиш тасвирлари (x200 мкм)

- иккинчи босқичда, ультравуш таъсирида ишлов берилган донлар гидротермик талаблар даражасида намланишини вақтга (t) давомида сув сорбцияси кўрсаткичини (P/Po) ўзгариши кўрсаткичи бўйича таҳлил қилинган. 2-расм да “Сила” буғдой дони учун олиинган натижалар келтирилган.



## ANIQ VA TABIIY FANLAR

Графикдан ультратовуш ёрдамида донларга кўрсатилган вибрацион таъсир натижасида донларнинг намланиши, яъни сувни ютилишини 1,5 – 2,0 баробарга тезлашганлиги кўриш мумкин. Демак вибрацион таъсир дон ҳажмига сув молекулаларни жадал сингиб боришига йўл очиб бериши аниқланган.



**2-расм. Дон ҳажмига сувни сорбцион ютилиши кўрсаткичи (P/P<sub>0</sub>) нинг вақтга (t) боғланиш графиги**

**Хулоса.** Ўтказилган тадқиқотлар асосида, донни вибрацион таъсир остида намлаш натижасида димлаш вақтини 1,5-2,0 баробарга қисқартириш мумкинлиги ва бунда доннинг таркибига сув молекулалари бир текис сингиб бориши ҳамда унинг асосий структураси сақланиб қолиши кўрсатиб берилган.

### АДАБИЁТЛАР

1. **Егоров Г.А.** Управление технологическими свойствами зерна. – Воронеж, 2000. – 348 с.
2. **Нетребский А.А.** Моделирование движения газодисперсного потока в центробежном вальцовом станке //Хранение и переработка зерна. – М., 2007.- №4. – С. 26-30.
3. **Наумов И.А.** Совершенствование кондиционирования и измельчения пшеницы и ржи. – М.: Колос, 1975. – 175 с.
4. **Гез В.И.** Теоретическое обоснование и разработка технологии сокращенного хлебопекарного помола пшеницы.: Автореф. дисс... канд. техн. наук. - Краснодар: КГТИ, 2001. – 24 с.
5. **Устинова Л.В.** Вибрационное увлажнение зерна//Хранение и переработка зерна. – М., 2011. - №12. – С. 62-63.

УДК: 532.5

## ДИСПЕРС АРАЛАШМА ЗАРРАЧАЛАРИНИНГ ТЕБРАНИШИ ВА ЧЎКИШИ МАСАЛАСИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

### МОДЕЛИРОВАНИЕ ВОЗМУЩЕНИЯ ОСЕДАЮЩИХ ЧАСТИЦ ДИСПЕРСНОЙ СМЕСИ

#### MODELING OF VIBRATION OF PARTICLES IN DISPERSIVE MIX

**Кодиров Бахтиёр**

*доцент кафедры физики и химии Ташкентского института ирригации и инженеров механизации сельского хозяйства*

**Тухтаева Назира Бердиевна**

*преподаватель кафедры физики и химии Ташкентского института ирригации и инженеров механизации сельского хозяйства*

**Худайкулов Совет Ишонкулович**

*преподаватель кафедры физики и химии Ташкентского института ирригации и инженеров механизации сельского хозяйства*

**Таянч сўзлар:** тебраниш жараёни, ҳақиқий зичлик ва ўзгаришлар концентрацияси, пулсация, тузга чидамли аралашма.

**Ключевые слова:** процесс возмущения, истинная плотность и концентрация фазы, пульсация, соленосная примесь.

**Key words:** process of disturbance, true density and phase concentration, pulsation, salt-bearing impurity.

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

Мақолада диспераралашмадаги майда заррачаларнинг тебраниш ва чўкиш қонуниятлари аралашма концентрацияси ўзгаришига боғлиқ равишда кўп фазали ўзаро киришувчан ва ўзаро таъсирланувчан модель орқали ўрганилади.

В статье рассматривается процесс возмущения и осаждения дисперсных смесей в одномерной постановке за счет сил тяжести и взаимодействия частиц, в модели многофазных взаимопроникающих сред.

The article examines the vibration and deposition of small particles in a dispersed mixture using multiphase interacting and interacting models, depending on the concentration of the compound.

**Введение.** Рассматривается моделирование возмущения оседающих частиц дисперсной смеси жидкости с различными примесями, или как задача об осаждении солей и мелких наносов в широких водоёмах. Для движения оседающих частиц уравнение вертикальных движений жидкости имеет вид:

$$\begin{aligned} \rho_{li} \left( \frac{\partial w_1}{\partial t} + w_1 \frac{\partial w_1}{\partial z} \right) &= -\rho_{li} g - \frac{\partial P}{\partial z} - \frac{k}{f_1} (w_1 - w_2) + \frac{\mu_1}{f_1} \frac{\partial}{\partial z} \left( f_1 \frac{\partial w_1}{\partial z} \right) \\ \rho_{2i} \left( \frac{\partial w_2}{\partial t} + w_2 \frac{\partial w_2}{\partial z} \right) &= -\rho_{2i} g - \frac{\partial P}{\partial z} - \frac{k}{f_2} (w_2 - w_1) + \frac{\mu_2}{f_2} \frac{\partial}{\partial z} \left( f_2 \frac{\partial w_2}{\partial z} \right). \end{aligned} \quad (1)$$

А уравнение неразрывности запишем следующим образом:

$$\begin{aligned} \frac{\partial f_1}{\partial t} + \frac{\partial (f_1 w_1)}{\partial z} &= 0 \quad (2) \\ \frac{\partial f_2}{\partial t} + \frac{\partial (f_2 w_2)}{\partial z} &= 0 \end{aligned}$$

Известно, что объёмные концентрации обеих фаз удовлетворяют условия:

$$f_1 + f_2 = 1, \quad (3)$$

где  $w_1, w_2$  - вертикальные скорости частиц жидкости и примеси,  $\rho_{li}, \rho_{2i}$  - истинные плотности жидкости и примеси.

Уравнения (1) и (2) написаны для несжимаемой двухфазной жидкости (т.е.  $\rho_{ni} = const$ ).

Для решения задач имеем следующие начальные условия:

$$w_2(z, 0) = w_H \psi_1(z), \quad f_2(z, 0) = f_{20} \psi_1(z), \quad (4)$$

где  $\hat{z} = \frac{z}{H}$ . Граничные условия:

$$\begin{aligned} w_1(0, \tau) = 0, \quad f_2(0, \tau) &= \begin{cases} f_{20} \varphi(\tau), & 0 < z < 1 \\ 0, & 1 < z < \infty \end{cases} \\ w_2(H_0, \tau) = 0, \quad f_2(H_0, \tau) &= 0, \end{aligned} \quad (5)$$

где  $\tau = t \sqrt{\frac{g}{H_0}}$ .

Учитывая уравнение неразрывности, будем иметь равенство  $\frac{\partial (f_1 w_1 + f_2 w_2)}{\partial z} = 0$ ,

откуда находим  $f_1 w_1 + f_2 w_2 = f_{10} w_{01} + f_{20} w_{20}$ . (6)

Условие задачи:  $C(t) = 0$ .

Значит зависимость между скоростями обеих слоев имеют зависимости вида:

$$w_1 = \frac{1}{1 - f_2} [f_{10} w_{01} + f_{20} w_{20} - f_2 w_2] \quad (7)$$

Тогда уравнения (1) и (2) принимают вид:

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

$$\begin{aligned} \rho_{2i} \left( \frac{\partial w_2}{\partial t} + w_2 \frac{\partial w_2}{\partial z} \right) &= - \frac{\partial P}{\partial z} - \frac{k}{f_2} \left( \frac{w_2}{1-f_2} \right) + \frac{\mu_2}{f_{2i}} \frac{\partial}{\partial z} \left( f_2 \frac{\partial w_2}{\partial z} \right) \\ \rho_{1i} \left[ \frac{\partial}{\partial t} \left( - \frac{f_2 w_2}{1-f_2} \cdot \frac{f_{20} w_{20}}{1-f_2} \right) \right] &+ \frac{f_{10} w_{01} + f_{20} w_{20} - f_2 w_2}{1-f_2} \frac{\partial}{\partial z} \left( \frac{f_{10} w_{01} + f_{20} w_{20} - f_2 w_2}{1-f_2} \right) = \\ &= - \rho_{1i} g - \frac{\partial P}{\partial z} - \frac{k}{f_1} \left( w_2 - \frac{f_2}{1-f_2} w_2 \right) + \frac{\mu_1}{f_1} \frac{\partial}{\partial z} \left[ f_1 \frac{\partial}{\partial z} \left( \frac{f_{10} w_{01} + f_{20} w_{20} - f_2 w_2}{1-f_2} \right) \right] \end{aligned}$$

Учитывая граничные и начальные условия (4), примем, что  $w_{10} = 0, w_{20} = 0$ . Осаждение начинается при  $t=0$  и скорости частиц  $w_1(z,0)=0, w_2(z,0)=0$ , т.е.  $w_{10} = 0, w_{20} = 0$ . Учитывая это, из полученной системы исключим слагаемое давление путем вычитания второго уравнения из первого. Тогда получим уравнение для определения концентрации  $f_2(z,t)$  и скорости осаждения частиц  $w_2(z,t)$  в виде:

$$\begin{aligned} \frac{\partial w_2}{\partial t} + \rho \frac{\partial}{\partial t} \left[ \frac{f_2}{1-f_2} w_2 \right] + w_2 \frac{\partial w_2}{\partial z} - \rho \frac{f_2}{1-f_2} w_2 \frac{\partial}{\partial z} \left( \frac{f_2 w_2}{1-f_2} \right) &= g(1-\rho) + \\ + \frac{\mu_2}{f_2 \rho_{2i}} \frac{\partial}{\partial z} \left( f_2 \frac{\partial w_2}{\partial z} \right) + \frac{\mu_1}{f_2(1-f_2) \rho_{2i} \rho} \frac{\partial}{\partial z} \left[ (1-f_2) \frac{\partial}{\partial z} \left( \frac{f_2 w_2}{1-f_2} \right) \right] - \frac{k w_2}{f_2(1-f_2)^2 \rho_{2i}} \end{aligned} \quad (8)$$

а уравнение неразрывности:

$$\frac{\partial f_2}{\partial t} + \frac{\partial f_2 w_2}{\partial z} = 0. \quad (9)$$

Таким образом, получили два уравнения для искоемых концентраций  $f_2(z,t)$  и скорости осаждения примеси жидкости.

**Экспериментальная часть.** При интенсивном переносе большого количества солей следует учитывать взаимное влияние несущей среды и несомых частиц (солей и соленосных примесей). С этой целью рассмотрим задачу о распространении дисперсных частиц в модели многофазных взаимопроникающих сред. Расчёты показывают при концентрации  $f_2 \geq 0,15$  несомой фазы необходимо учесть наличие другой фазы. Ниже рассматривается одномерная задача.

Предположим, что имеется поток двух вязких жидкостей с различными скоростями и концентрациями над плоской поверхностью, которые вдали имеют скорость  $V_{n0}$  и концентрацию  $f_{n0}$ . Когда каждая фаза несжимаема и отсутствует фазовое превращение между фазами, уравнения движения, уравнения неразрывности и зависимости концентрации фаз имеют следующий вид:

$$\begin{cases} \rho_{ni} \left[ f_n \frac{\partial u_n}{\partial t} + f_n u_n \frac{\partial u_n}{\partial x} + f_n w_n \frac{\partial u_n}{\partial z} \right] = - f_n \frac{\partial P}{\partial x} + \mu_n \frac{\partial}{\partial x} \left( f_n \frac{\partial u_n}{\partial x} \right) + \\ + \mu_n \frac{\partial}{\partial z} \left( f_n \frac{\partial u_n}{\partial z} \right) - k(u_n - u_p); \\ \rho_{ni} \left[ f_n \frac{\partial w_n}{\partial t} + f_n u_n \frac{\partial w_n}{\partial x} + f_n w_n \frac{\partial w_n}{\partial z} \right] = - f_n \frac{\partial P}{\partial z} + \mu_n \frac{\partial}{\partial z} \left( f_n \frac{\partial w_n}{\partial z} \right) + \\ + \mu_n \frac{\partial}{\partial x} \left( f_n \frac{\partial w_n}{\partial x} \right) - \rho_{ni} g - k(w_n - w_p) \end{cases} \quad (10)$$

$$\frac{\partial f_n}{\partial t} + \text{div}[f_n \vec{V}_n] = 0 \quad f_1 + f_2 = 1 \quad \rho_n = f_n \rho_{ni} \quad (11)$$

где  $\rho_{ni}, f_n$  - приведенные истинные плотности и концентрации фаз;  $u_n, w_n$  - горизонтальные и вертикальные скорости фаз;  $k$  - коэффициент взаимодействия фаз.

Для решения систем уравнений (1), (2) имеем начальные и граничные условия:

### ANIQ VA TABIIY FANLAR

$$\vec{V}_n(x, z, 0) = \vec{V}_{n0} \varphi_n(x, y) \quad f_n(x, z, 0) = f_{n0} \varphi_n(x, z),$$

$$V_n(x, 0, t) = V_{n0} \rho_n(x, t) \quad f_n(x, 0, t) = f_{n0} l_n(x, t)$$

и условия на бесконечности  $\vec{V}_n \Big|_{\sqrt{x^2+z^2} \rightarrow \infty} = 0$ .

Из уравнения (2) имеем  $\vec{V}_1 = \frac{f_2}{1-f_2} \vec{V}$ .      12)

Это равенство установлено при решении задачи об осаждении частиц в покоящейся жидкости  $\vec{V}_n(x, z, 0) = 0$  [6].

Предположим, что в процессе распространения примесей происходят малые изменения скоростей и концентрация второй фазы сред имеют малые возмущения (пульсации):

$$u_2 = u_{20} + u'_2 \quad w_2 = w_{20} + w'_2 \quad f_2 = f_{20} + f'_2 \quad f_{10} + f_{20} = 1. \quad (13)$$

Тогда, исключая градиент давления из системы уравнений (1) и учитывая малость возмущений  $u'_2, w'_2$  и  $f'_2$ , а также введя безразмерные переменные  $u'_2 = u_{20} \hat{u}_2, w'_2 = u_{20} \hat{w}_2, t = \frac{L}{u_{20}} \tau$ , получим следующую систему уравнений для скорости и концентрации второй фазы соли или соленосных примесей в виде:

$$a \frac{\partial u_2}{\partial \tau} + b \frac{\partial u_2}{\partial x} + b \frac{w_{20}}{u_{20}} \frac{\partial u_2}{\partial z} = c_2 \nabla^2 u_2 - k_0 u_2$$

$$a \frac{\partial u_2}{\partial \tau} + b \frac{\partial u_2}{\partial x} + b \frac{w_2}{u_{20}} \frac{\partial u_2}{\partial z} = c \nabla^2 w_2 - k_0 w_2 - \frac{1-\rho}{Fr_2} \quad (14)$$

$$\frac{\partial f_2}{\partial \tau} = c \nabla^2 f_2 - k_1 f'_2$$

где

$$c_2 = \frac{1}{Re_1} \left( 1 + \rho \frac{f_{20}^2}{(1-f_{20})^2} \right) c_0 = \frac{1}{Re_1} \frac{f_{20}}{1-f_{20}} k_0 = \frac{kL}{\rho_{2i} u_{10} (1-f_{20})^3}$$

$$k_1 = k_0 (1-3f_{20}) \quad a = 1 + \rho \frac{f_{20}}{1-f_{20}} \quad b = 1 - \rho \frac{f_{20}^2}{(1-f_{20})^2} \quad \rho = \frac{\rho_{1i}}{\rho_{2i}}$$

$L$  - характерная длина.

Для решения полученных уравнений имеем начальные условия:

$$u_2^*(x, z, 0) = \tilde{\varphi}_1(x, z)$$

$$\tilde{w}_2(x, z, 0) = \left( \frac{w_{20}}{u_{20}} - \frac{1-\rho}{k_0 Fr} \right) \tilde{\varphi}_2(x, z)$$

$$f_2'(x, z, 0) = 0$$

$$u_2^*(x, 0, \tau) = 0$$

и граничные условия:  $\tilde{w}_2(x, 0, \tau) = -\frac{1-\rho}{k_0 Fr} \psi_2(x, \tau);$

$$f_2(x, 0, \tau) = \psi_3(x, \tau)$$

Введя функции  $F_n(x, z, \tau)$  в виде

$$\tilde{u}_2(x, z, \tau) = F_1(x, z, \tau) \cdot \exp(\alpha_1 \tau + \beta_1 x + \gamma_1 z)$$

$$\tilde{w}_2(x, z, \tau) = F_2(x, z, \tau) \cdot \exp(\alpha_2 \tau + \beta_2 x + \gamma_2 z)$$

$$f_2 = F_{20}(x, z, \tau) \cdot \exp(\alpha_3 \tau + \beta_3 x + \gamma_3 z)$$

принимая

$$\alpha_1 = \alpha_2 = - \left[ \frac{b}{4ac_2} \left( 1 + \frac{w_{20}^2}{u_{20}^2} \right) + \frac{k_0}{a} \right] \quad \beta_1 = \beta_2 = \frac{b}{2c_2} \quad \gamma_1 = \gamma_2 = \frac{b}{2c_2} \frac{w_{20}}{u_{20}}$$

$$\alpha_3 = -k_1 \quad \beta_3 = 0 \quad \gamma_3 = 0$$

## MUNDARIJA

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

Тогда система уравнений (9) и (11) приводится к виду:

$$\begin{aligned} \frac{\partial F_1}{\partial \tau} &= c_2^* \nabla^2 F_2 \quad \frac{\partial F_2}{\partial \tau} = c_2^* \nabla^2 F_2 \\ -\infty < x < \infty \quad -\infty < z < \infty \quad \tau < \infty & \quad (15) \\ \frac{\partial F_3}{\partial \tau} &= c_0 \nabla^3 F_3 \quad -\infty < x < \infty \quad -\infty < \hat{z} < \infty \quad 0 < \tau < \infty \end{aligned}$$

где  $c_2^* = \frac{c_2}{a}$ .

Для искомым функций  $F_1(x, z, \tau)$ ,  $F_2(x, z, \tau)$  и  $F_3(x, z, \tau)$ , согласно равенствам (9) и (10), будем иметь следующие начальные и граничные условия:

$$\begin{aligned} F_1(x, z, 0) &= \varphi_1(x, z) \exp(-\beta_1 x - \gamma_1 z) \quad \text{при } -\infty < x < \infty; \quad 0 < z < \infty \\ F_1(x, 0, \tau) &= 0 \quad \text{при } -\infty < x < \infty; \quad 0 < z < \infty \\ F_2(x, z, 0) &= \left( \frac{w_{20}}{u_{20}} - \frac{1-\rho}{k_0 Fr} \right) \varphi_2(x, z, 0) \quad \text{при } -\infty < x < \infty; \quad 0 < z < \infty \\ F_2(x, 0, \tau) &= -\frac{1-\rho}{k_0 Fr} \psi_2(x, \tau) \quad \text{при } -\infty < x < \infty; \quad 0 < \tau < \infty \\ F_3(x, z, 0) &= 0 \quad \text{при } -\infty < x < \infty; \quad 0 < z < \infty \\ F_3(x, 0, \tau) &= f_{20} \psi(x, \tau) \quad \text{при } -\infty < x < \infty; \quad 0 < \tau < \infty \end{aligned}$$

Учитывая эти начальные и граничные условия и пользуясь методом интегральных представлений, получим аналитические выражения для искомым функций:

$$F_n(x, z, \tau) \quad (n = \overline{1,3}).$$

Тогда, пользуясь равенствами (11), получаем распределения  $u_2(x, z, \tau)$  - горизонтальной,  $w_2(x, z, \tau)$  - вертикальной скоростей и концентрации  $f_2(x, z, \tau)$  примесей в области течения

$$\begin{aligned} u_2(x, z, \tau) &= \frac{1}{2(\sqrt{c_2^* \pi \tau})^3} \int_{-\infty}^{\infty} d\xi \int_0^{\xi} \varphi_1(\xi, \eta) \exp[-\beta_1 \xi - \gamma_1 \zeta] \left[ \exp\left[-\frac{(x-\xi)^2 + (z-\zeta)^2}{4\tau c_2^*}\right] - \right. \\ &\quad \left. - \exp\left[-\frac{(x-\xi)^2 + (z+\zeta)^2}{4\tau c_2^*}\right] \right] d\zeta \\ w_2(x, z, \tau) &= \frac{a}{4\pi c_2 \tau} \left( \frac{w_{20}}{u_{20}} - \frac{1-\rho}{k_0 Fr} \right) \int_{-\infty}^{\infty} d\xi \int_0^{\xi} \varphi_1(\xi, \tau) \exp[-\beta_1 \xi - \gamma_1 \zeta] \left[ \exp\left[-\frac{(x-\xi)^2 + (z-\zeta)^2}{4\tau c_2}\right] a - \right. \\ &\quad \left. - \exp\left[-\frac{(x-\xi)^2 + (z+\zeta)^2}{4\tau c_2^*}\right] \right] d\zeta + \frac{(1-\rho)az}{4\pi c_2 k_0 Fr} \left\{ \int_0^{\tau} \frac{dt}{(t-\tau)^2} \int_{-\infty}^{\infty} \exp\left[-\frac{(x-\xi)^2 + z^2}{4c_2(t-\tau)} a\right] \times \right. \\ &\quad \left. \times \psi_2(\xi, t) \exp(-\alpha_1 t - \beta_1 \xi) d\xi \right\} \exp(\alpha_1 \tau + \beta_1 x + \gamma_1 z) \\ f_2(x, z, \tau) &= \left\{ \frac{za}{4\pi c_2} \int_0^{\tau} \frac{dt}{(t-\tau)^2} \int_{-\infty}^{\infty} \exp\left[-\frac{(x-\xi)^2 + z^2}{4c_0(t-\tau)} a\right] \times \right. \\ &\quad \left. \times \psi_2(\xi, t) \exp(-\alpha_3 t - \beta_3 \xi) d\xi \exp(\alpha_1 \tau + \beta_1 x + \gamma_1 z) \right\} f_{20} \end{aligned}$$

**Заключение.** Пользуясь полученными решениями к равенствам (2) и (3), распределение скоростей и концентрации несущей жидкости  $u_1(x, z, \tau)$ ,  $w_1(x, z, \tau)$  и  $f_1(x, z, \tau)$  определяются из равенств:

$$\begin{aligned} u_1(x, z, \tau) &= -\frac{f_2(x, z, \tau)}{1 - f_2(x, z, \tau)} u_2(x, z, \tau), \quad (16) \\ w_1(x, z, \tau) &= -\frac{f_2(x, z, \tau)}{1 - f_2(x, z, \tau)} w_2(x, z, \tau). \end{aligned}$$

## ЛИТЕРАТУРА

1. Бызова Н.Л. Рассеяние примесей в пограничном слое атмосферы. – М.: Гидрометеоздат, 1975.– С. 175-177.

2. Рахматулин Х.А. Основы физикохимии вязкопроницающих движений многокомпонентных сред. Ташкент, 1966. - №2. - С.45-46.
3. Рахматулин Х.А., Шульгин Д.Ф. К теории взаимопроницающих движений многокомпонентных сред // Доклады АН Уз. - 1966. - №2. - С.45-46.
4. Бегматов А., Маматова Н. К расчету переноса солей и соленосных песков с бассейна Аральского моря // Проблемы механики. - 2002. - №6. - С.50-52.
5. Хамидов А.А., Худайкулов С.И. Теория струй многофазных вязких жидкостей. – Т.: ФАН, 2003. –С.18-21.
6. Тихонов А.Н., Самарский А.А. Уравнения математической физики. – М.: Наука, 1977. – С. 155-167.

УДК: 676.164

**МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАРДАН ЯРИМ ТАЙЁР ҚОҒОЗ МАТЕРИАЛЛАРИ ИШЛАБ  
ЧИҚАРИШДА ИШҚОР ЭРИТМАЛАРИ КОНЦЕНТРАЦИЯСИНИНГ ТАЪСИРИ**

**ВЛИЯНИЕ КОНЦЕНТРАЦИИ ЩЕЛОЧНЫХ РАСТВОРОВ ПРИ ПРОИЗВОДСТВЕ  
БУМАЖНЫХ ПОЛУФАБРИКАТОВ ИЗ МЕСТНЫХ ВИДОВ СЫРЬЯ**

**EFFECT OF CONCENTRATION OF ALKALINE SOLUTIONS IN PRODUCTION OF PAPER  
SEMI-FINISHED PRODUCTS FROM LOCAL RAW MATERIALS**

**Зарипов Гулмурот Тохиорович**

*БухДУ илмий тадқиқот ва илмий- педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи*

**Бешимов Юсуф Саидович**

*БМТИ озиқ-овқат технологияси ва саноат экологияси кафедраси катта ўқитувчиси*

**Нормуродов Бобомурод Рўзимуродович**

*БМТИ озиқ-овқат технологияси ва саноат экологияси кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** гидромодуль, концентрация, бўктирувчи, натрий гидрооксид, целлюлоза, ғўзапоя, қамиш, бошоқли донлар сомони.

**Ключевые слова:** гидромодуль, концентрация, соединения, приводящие к набуханию, гидрооксид натрия, целлюлоза, стебли хлопчатника, злаков и камыша.

**Key words:** hydromodule, concentration, compounds leading to swelling, sodium hydroxide, cellulose, cotton stalks, cereals and reeds.

*Ушбу мақолада маҳаллий хом ашё ҳисобланган пахта ғўзапояси, бошоқли экинлар сомони ҳамдасув ўсимлиги ҳисобланган қамишларни маълум ўлчамгача майдалаб улардан қовушқоқ масса ҳосил қилиш ва бу қовушқоқ массанинг кимёвий жараёндаги гидромодулини белгилаш тўғрисида кенг ёритилган. Шунингдек, мақолада кимёвий бўктирувчилар ҳолати, концентрациясининг целлюлозали хом ашёга таъсири, хом ашё ва бўктирувчининг қайси нисбатларда қовушқоқ бирикма ҳосил қилиш даражасини белгиловчи далиллар аниқ келтирилган.*

*В данной статье подробно освещаются получение вязкой массы из измельченных до определенного размера стеблей хлопчатника, злаков и камыша, относящихся к местным видам сырья, а также определение гидромодуля химического процесса образования вязкой массы. Наряду с этим в статье глубоко изучено влияние состояния и концентрации химических соединений, приводящих к набуханию, на целлюлозное сырье, приведены ясные факты, определяющие степень зависимости вязкости вязких соединений от пропорции взаимодействия местного сырья и соединений, приводящих к набуханию.*

*This article details the production of viscous mass from crushed to a certain size cotton stalks, cereals and reeds related to local types of raw materials, as well as the determination of the hydromodule of the chemical process of formation of a viscous mass. Along with this, the article deeply studied the effect of the state and concentration of chemical compounds leading to swelling on cellulosic raw materials, gives clear facts determining the degree of viscosity of*

**Кириш.** Жаҳон бозорида целлюлоза-қоғоз маҳсулотларини ишлаб чиқариш доимий ошиб бормоқда. Дунё бўйича йилига 403 млн тоннадан ортиқ қоғоз ва картон ишлаб чиқарилади. 2025 йилга қадар бу кўрсаткич ўртача ўсиши 2,1% ни, ишлаб чиқариш эса 500 млн тоннагача ўсиши прогноз қилинмоқда[1]. Бугунги кунда бутун дунёда ёғоч ресурслари тақчиллиги чуқурлашиб бормоқда, шу сабабли толали чиқиндилардан фойдаланиб сифатли қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларни матбаа соҳасига жорий этиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бу соҳада АҚШ, Хитой, Хиндистон, Бразилия, Жанубий Америка, Шарқий Европа давлатларида маълум ютуқларга эришилган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин ўтган йиллар мобайнида хомашёни тайёр маҳсулот ҳолатигача комплекс қайта ишлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Республикада маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиб янги қоғоз ва картон маҳсулотларини яратишга оид кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Жумладан, ёғоч целлюлозаси танқислигини ҳисобга олиб қоғоз тайёрлаш учун ипакнинг калта толали чиқиндиларидан, топинамбур, терак дарахти, қизилмия целлюлозаси, кенаф, буғдой сомони целлюлозасидан қоғоз олиш ва босма сифатини прогнозлаш бўйича қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорда миллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш вазифалари Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган. Шу муносабат билан маҳаллий толали чиқиндилардан фойдаланиб қоғоз, картон, целлюлоза-композицион материалларни ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш энг переспектив услубларидан ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида муқобил ва иккиламчи хом ашёдан қоғоз олиш бўйича тадқиқотларни такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этиб бормоқда. Бу борада: қимматбаҳо целлюлоза хомашёсини тежаш мақсадида қоғоз композицияси таркибига корхоналарида юзага келадиган толали чиқиндилардан фойдаланиб, қониқарли физик-механик хоссаларга эга бўлган янги қоғоз олиш технологиясини яратиш, турли толаларнинг ўзаро, полимерлар ва босма бўёқлари билан таъсирлашув қонуниятларининг назарий асосларини ишлаб чиқиш каби йўналишларда мақсадли илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистонда қоғозга бўлган талаб йилига 140-150 минг тоннани ташкил этади. Лекин ҳозирги кунда қоғоз ишлаб чиқариш 60-70 минг тоннани ташкил этмоқда. Ушбу ишлаб чиқариладиган қоғозлар сифатли хом ашёлар асосида, ваҳоланки, валюта ҳисобига келтириладиган хом ашёлар туркумига киради. Ушбу муаммони маҳаллий хом ашёлар асосида ишлаб чиқариш илмий ишнинг долзаблиги ҳисобланади. Қоғоз ва картон тушунчалари орасига аниқ чегара қўйиш қийин.

Қоғоз-целлюлоза асосида таёрланган, 1 м<sup>2</sup> массаси 250 граммгача бўлган материал. Картон–ўсимлик толаларидан иборат бўлиб, қоғоздан қалинлиги ва 1 м<sup>2</sup> майдонининг массаси билан фарқ қилади. Шартли равишда картон бу 1 м<sup>2</sup> майдонининг массаси 250 г ва ундан кўп, қалинлиги 0,5 мм ва ундан қалин бўлган материал. ГОСТ 17586–80 ва ГОСТ 17926-80 бўйича маҳсулот тури (ассортименти) классификация гуруҳларига бўлинган.

Қоғоз ишлатилиш мақсадларига қараб ҳар хил турга бўлинади: босма қоғози, газета, матбаа, офсет, чуқур босиш учун, бўрланган, картографик, ҳужжат, муқова, афиша, чипта, ёрлиқ, гул қоғоз (обой), ўйин карта. Чизмачилик, расм ва хат учун қоғози: акварел, табиий қоғоз, калка, ватман, верже, картатека ва почта ҳужжатлари учун, нусха кўчириш, сиёҳ билан хат ёзиш учун, тиниқ чизмачилик, расм дафтар, рангли ёзув, чизмачилик. Ҳужжатлар учун қоғоз: аерографик, бахмал, ҳужжат учун крепирланган, ялтироқ, ялтироқ силлиқланган, шагренли, муқовалашда елимланувчи. Электротехника қоғози: изоляция, шимдирилган изоляция, кабел, телефон қоғозлари, электротехника учун конденсаторли, электр ўтказувчи, сепараторли, ўров ва тахлаш учун қоғоз: занглашга қарши, графитланган, бандерол, чой, қанд, хўл меваларни қадоқлаш, шиша идишларни ўраш, қоп, парафинланган, сигарет ва папиросларни ўраш, кинофотоматериал учун нур ўтказмайдиган, мой ўтказмайдиган, битумланган, икки қаватли ўрашда ишлатиладиган,

## MUNDARIJA

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

ёрутсизгир калка, оқ кучириш, автограф, қопланган нусха кучириш. Папирос ва сигарет тайёрлаш учун қоғоз: чекиш, мунштук, филтрловчи мунштук, папирос, сигарет. Шимувчи қоғоз: хроматография ва электрофорез учун ионалмашувчи, томчи анализлар учун, филтрловчи, тез филтрловчи, ўртача филтрловчи, секин филтрловчи, лабораторияда филтрловчи, ацетилцеллюлоза эритмасини филтрловчи, мойловчи ва совитувчи суюқликларни филтрловчи. Ҳар хил мақсадлар учун саноат-техник қоғози: конструктив элементлар, кимёвий электр ток манбалари учун, каландрлаш, шпуляр, шпагат, гофрлаш учун, нусха кўчириш, бактериоцид, инсектицид, фунгицид, траферт, абажур, фотоалбомлар, санитар-гигиена ва тиббиёт учун қўлланилади.

Қоғоз ишлаб чиқаришнинг кенг тарқалган усули ёғоч целлюлозасини қайта ишлашга асосланган. Ёғоч целлюлозанинг асосий турлари бу сульфитли, сульфатли, натронли (ишқорий), нейтрал усулда олинган целлюлозалар ҳисобланади. Баъзи ҳолатларда бир йиллик ўсимликлардан олинган целлюлоза (ярим тайёр целлюлоза)ни ёғочдан олинган целлюлозага аралаштириб қоғоз ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистонда пахта целлюлозасидан қоғоз ишлаб чиқариш 1994 йилдан бошланган. Икки усулда ишлаб чиқарилади: пахта момигидан ва соф пахта целлюлозасидан.

Пахта момигидан қоғоз олиш. Пахта момиги таркибида икки турдаги чиқиндилар мавжуд. Биринчиси – механик аралашмалар (ғўза чаноғи ва гули, бутун чигит ва чигит бўлаклари, қуриган похол, чанг ва б.), иккинчи тур қўшимчалар йўлдош қўшимчалар–пахта толалари таркибидаги сахароза, лигнин ва елимсимон моддалар. Биринчи гуруҳга кирган механик аралашмалар ва йўлдош қўшимчалар махсус технология ёрдамида тозаланади [2]. Шу тариқа олинган пахта целлюлозасидан қоғоз ишлаб чиқарилади. Пахта целлюлозасидан қоғоз ишлаб чиқаришнинг навбатдаги усули соф пахта целлюлозасидан қоғоз ишлаб чиқаришдир. Қоғоз ишлаб чиқариш саноатида пахта целлюлозаси хом ашёсидан турли хил қоғозлар ишлаб чиқарилади. Ўзбекистонда пахта целлюлозаси ГОСТ 595-79 ва ТШ 6.19:39-2003 бўйича ишлаб чиқарилади. Қоғоз ишлаб чиқаришда пахта целлюлозасини асосан 70–150 маркалари қўлланилади [3].

Қоғоз масса тайёрлаш. Майдалагичда целлюлозали хом ашё майдалик даражаси 0,1 дан 1 мм гача 4800 айланиш тезлигига эга бўлган майдалагичда майдаланади. Майдалаш жараёнида хом ашёларнинг ўлчамлари келтирилган маълумотлар куйидаги 1-жадвалда келтирилган.

Маҳаллий хом ашёлардан юқори сифатли қоғоз ишлаб чиқариш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Ҳозирги даврда анъанавий технологиялар асосида қоғоз ишлаб чиқариш иқтисодий самара бермаяпти. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2018 йилда ишлаб чиқарилган қоғоз ва картоннинг миқдори 540 млн тоннага яқинлашган. Булардан 41% босма қоғоз (14% газета, 27% оқ қоғоз), 53% қадоқлашга мўлжалланган қалин қоғоз, картон, 6% санитар-гигиена ҳамда маиший қоғоз. Қоғозга бўлган талаб йилига ўртача 3-4% га ортиб бормоқда. Изланиш натижалари шуни кўрсатадики, қоғоз хом ашёларини тайёрлаш жараёни куйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

- қишлоқ хўжалик чиқиндилари ҳисобланган пахта ғўзапояси, бошоқли донлар сомони, турли хил дуккакдилар ва кунгабоқар танаси, ёввойи ҳолда шўрланган сувларда ўсадиган қамиш ўсимликлари массалари сараланади.

- хом ашёларни майдалаш, ювиш ва турли хил эритувчиларда қовушқоқ биомасса ҳосил қилиш жараёнларининг технологик режимлари ўрнатилади;

- тажрибавий изланишлар асосида целлюлозанинг бўкиш жараёнларига таъсир қилувчи натрий гидроксидининг концентрацияларини ўрганиш;

- бир жинсли масса ҳосил қилиш режимлари ишлаб чиқарилади;

- тайёр маҳсулотни қуритиш жараёнини ишлаб чиқиш ва қуритиш режимларини ўрнатишдан иборат.



## ANIQ VA TABIIY FANLAR

### Қоғоз ишлаб чиқаришда хом ашё ўлчамларининг ўзгариши, % 1-жадвал

№	Хом ашё маҳсулотлари	Хом ашёлар майдаланган элақдонлар ўлчамлари, мм		
		ϕ0,1	ϕ0,5	ϕ1,0
1.	Пахта ғўзапояси, %	67	76	87
2.	Бошоқли донлар сомони, %	82	93	96
3.	Қамиш, %	74	87	94

Юқоридаги жадвалдан кўришиб турибдики, майдалаш жараёни целлюлозанинг ҳолати билан белгиланади. Хом ашё таркиби қанчалик мустаҳкам бўлса, майдалаш жараёнига салбий таъсир кўрсатади. Олинган намунада ғўзапояннинг мустаҳкамлигидан кўринадик, диаметри 0,1 мм га эга бўлган элақдон 67 % ўтиши бу кам самара бериши мумкин. Энг яхши натижа бериши мумкин. Қолган намуналарни ҳам таҳлил қилганимизда натижаларнинг бир мунча юқори эканлигини кўришимиз мумкин. Бошоқли донлар сомонининг майдаланиш кўсаткичлари юқори бўлганлиги сабабли уларнинг бўтқа ҳосил қилиш хусусияти жуда юқори бўлади.

Майдаланган масса, масса тушиб турадиган кичик бак орқали юқори концентрацияли масса сақловчи ҳавзага берилади. Бу ҳавзага елимловчи канифол суспензияси, тўлдирувчи пигмент каолин суспензияси, целлюлозали хом ашёларни тўр устига чўктиришни осонлаштирувчи алюминий сульфат тузи эритмаси ва тегишли бўёқли эритмалар қўшилади. Кимёвий моддалар қоғоз массасига қўшилгач, масса яна бир марта тегирмондан ўтказилади, чунки кимёвий моддалар таркибидаги пигмент заррачалар қоғоз хом ашёларининг ўлчамларидан катта бўлиши мумкин. Бу ҳолат қоғоз сифатига таъсир қилади, шунинг учун майдалаш конус шаклидаги тегирмонда бажарилади. Шундан сўнг масса композицион ҳовузга берилади. Қоғоз масса қоғоз қуйиш машинасига берилишидан олдин масса 2–3% дан 0,5–0,6% га қадар суюлтирилади[4].

Хом ашёларнинг бўқиши учун гидромодул танлаш асосий вазифалардан бири қилиб қўйилган. Хом ашё ва бўтқа ҳосил бўлишида хизмат қиладиган натрий гидросидининг 20 % ли эритмаси танлаб олинishi хом ашёларга таъсири ўрганилган. Бунда гидромодул 1:3, 1:4, 1:5, 1:6 нисбатда олинган. Гидромодул қоғоз ярим тайёр маҳсулотларининг бўқиш қобилиятини таъсирини белгилайди. Бўқиш қобилиятининг 1:3 ҳолатидаги қовушқоқ масса ҳосил қилиш қобилияти 2-жадвалда келтирилган.

### Қоғоз ишлаб чиқаришда хом ашёлар ўлчамларининг гидромодул 1:3 бўлган натрий гидроксиди 20 % концентрацияли эритмасидан боғлиқлиги қуйидаги жадвалда келтирилган 2-жадвал

№	Хом ашё маҳсулотлари	Хом ашёларнинг вақт бирлигидаги бўқиши, соат		
		12	18	24
1.	Пахта ғўзапояси	67	78	84
2.	Бошоқли донлар сомони	76	87	96
3.	Қамиш	72	83	92

Маҳаллий хом ашёлар асосида қоғоз ишлаб чиқаришнинг асосий параметрларидан бири бу гидромодул ҳисобланади. 2-жадвалда маҳаллий хом ашёлар асосида олинadиган қоғоз ярим тайёр маҳсулотларининг натрий гидроксиди 20 % концентрацияли эритмаси билан бўктирилганда аралашманинг бир хилдаги масса ҳосил қилиши жадвалда келтирилган. Натрий гидроксиди 20 % концентрацияли эритмаси биринчи намунага нисбатан қолганларида 24 соат вақт мобайнида яхши таъсир этганлигидан далолат бермоқда. Шундан айтиш мумкинки, пахта ғўза поясига нисбатан қолган хом ашёларда бўктирувчининг таъсири юқори бўлади. Бу шу билан асосланадики, целлюлозали бирикмалар ғўзапояда жуда зич жойлашган. Бундай хом ашёлардан қоғоз ярим тайёр маҳсулотларининг чиқими жуда кўп бўлади.

Тадқиқот натижаларини яна бир маротаба синаб кўриш мақсадида гидромодулни бир неча бор ошириш ва целлюлозали масса билан натрий гидроксиди 20 % концентрацияли эритмаси ўртасидаги ўзгаришни кузатиш мақсадга мувофиқ эканлиги мақсад қилиб қўйилди. Тажиба синовларни 1:4 гидромодулда амалга оширилди. Тажиба натижалари 3-жадвалда келтирилган.

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

**Қоғоз ишлаб чиқаришда хом ашёлар ўлчамларининг гидромодул 1:4 бўлган натрий гидроксиди 20 % концентрацияли эритмаси боғлиқлиги куйидаги жадвалда келтирилган**

**3-жадвал**

№	Хом ашё маҳсулотлари	Хом ашёларнинг вақт бирлигидаги бўқиши, соат		
		24	48	72
1.	Пахта ғўзапояси	76	87	93
2.	Бошоқли донлар сомони	85	96	99
3.	Қамиш	78	92	96

3-жадвалдан кўриб турибдики, гидромодул вақт бирлиги оралиғида бўқиш жараёнига ижобий таъсир кўсатади. Натижаларга натрий гидроксиди 20 % концентрацияли эритмасидан фойдаланишнинг ўзи билан кифояланмасдан концентрацияни бир неча маротаба кўтариш мақсадга мувофиқ деб топилди. Агар натрий гидроксиди эритмасининг концентрацияси кўтарилиши назарий жиҳатдан олиб қаралганда хом ашёларнинг қовушқоқлик даражаси ва бўқиш қобилияти янада бир неча бор оширилади. Шунингдек, жараёнга сарф бўладиган вақтни бир неча маротаба тежашга эришилади. 4-жадвалда натрий гидроксиди эритмаси концентрациясининг хом ашёлар қовушқоқлигининг ошишига ва бўқиш жараёнига таъсири келтирилган.

**Натрий гидроксиди эритмаси концентрациясининг маҳаллий хом ашёлар қовушқоқлиги ва бўқиш жараёнига таъсири**

**4-жадвал**

№	Хом ашё маҳсулотлари	Натрий гидроксиди эритмасининг концентрациялари, %				
		10	20	30	40	50
1.	Пахта ғўзапояси	Жуда кам	Сезиларли	Ярим тайёр бўтқа ҳолатида	Бўтқа ҳолатида	Целлюлоза деструкция ҳолатида
2.	Бошоқли донлар сомони	Жуда кам	Ярим тайёр бўтқа ҳолатида	Бўтқа ҳолатида	Целлюлоза деструкция ҳолатида	Целлюлоза деструкция ҳолатида
3.	Қамиш	Жуда кам	Сезиларли	Ярим тайёр бўтқа ҳолатида	Бўтқа ҳолатида	Целлюлоза деструкция ҳолатида

4-жадвалдан кўриниб турибдики, натрий гидроксиди эритмасининг концентрацияси қанча юқори бўлса целлюлоза сақлаган хом ашёларнинг қовушқоқлиги ва бўқиш жараёни шунчалик ошиб боради. Бошоқли донлар сомони ва ёввойи ҳолда шўрланган сувларда ўсадиган қамиш ўсимликларига 30 % концентрацияга эга бўлган натрий гидроксиди катта таъсир кўрсатади. Бу ҳолда ушбу хом ашёларга ишқор концентрациясини ошириш целлюлозанинг деструкция ҳолатида бўлишлигини таъминайди. Аксинча, пахта ғўзапояси эса концентрланган натрий гидроксиди 50% ли эритмасигача бўтқа ҳосил қилиш ҳолатида бўлиши мумкин.

### АДАБИЁТЛАР

1. **Jaakko P.** World paper markets up to 2020. Executive report 2005 / Jaakko Pöyry consulting, 2005. <http://www.Газета.uz>
2. **Ешбаева У.Ж., Рафиқов А.С.** Бумага из альтернативного и вторичного сырья. Монография. –Ташкент: Tafakkur gulshani. – 2015.–112 с.
3. **Ешбаева У.Ж., Рафиқов А.С., Аскарров.М.А.** Влияние степени помола на прочностные свойства бумаг из отходов синтетического волокна // Доклады АН РУз. – Ташкент. – 2013. - №5. – С. 37-39.(05.00.00. №9)
4. **Ешбаева У.Ж.** Влияние волокнистых отходов на технологические свойства бумаги //Экологический вестник – Ташкент. –2012. – №8. –С.51–53. (04.00.00. № 01)

УДК: 621.315.592

## ЯРИМУТКАЗГИЧЛИ КВАНТЛАНГАН ИПЛАРДА ЁРУҒЛИКНИНГ КОМБИНАЦИОН СОЧИЛИШИ

### КОМБИНАЦИОННОЕ РАССЕЙАНИЕ СВЕТА В ПОЛУПРОВОДНИКОВЫХ КВАНТОВЫХ ПРОВОЛОКАХ

#### COMBINATION SCATTERING OF LIGHT IN SEMICONDUCTOR QUANTIZED WIRES

**Хужанова Дилафрўз Шакарбековна**

*ТАТУ Самарқанд филиали табиий фанлар кафедраси ассистенти*

**Таянч сўзлар:** ёруғлик, сочилиш, яримўтказгич, частота, дифференциал кесим, квант ип, цилиндрик, тўғри бурчакли, спектр, уйғониш, чиқариш, конфигурация, резонанс.

**Ключевые слова:** свет, рассеяние, полупроводник, частота, дифференциальное сечение, квантовая проволока, цилиндрический, спектр, возбуждения, испускания, конфигурация, резонанс.

**Key words:** light, scattering, semiconductor, frequency, differential cross section, quantum wire, cylindrical, spectrum, excitation, emission, configuration, resonance.

*Яримўтказгичли квант иплар учун ёруғликнинг комбинацион сочилиш дифференциал кесими (ЁКСДК) ҳисобланган. ЁКСДК анизотропик эканлиги кўрсатилган. Сочилишнинг дифференциал кесимининг частотага боғлиқлигини таҳлил қилганимизда, яримўтказгичли квантланган ипнинг қаралаётган моделида ёруғликнинг сочилиш жараёни энергиянинг сақланиш қонунига мувофиқ дискрет қийматлар қаторини ҳосил қилиши кўрсатилган.*

*Показано, что комбинационное рассеяние света размерно-квантовой полупроводниковой проволокой анизотропно. Анализ частотной зависимости дифференциального сечения рассеяния показывает, что в процессе рассеяния света в рассматриваемой модели квантовой полупроводниковой проволоки принимает, согласно закону сохранения энергии, дискретный ряд значений.*

*It is shown that the raman scattering of light in a size-quantized semiconducting wire is anisotropic. Analysis of the frequency dependence of the differential scattering cross-section shows that in the process of light scattering in our considered model of a size-quantized semiconducting wire, and according to the law of energy conservation, the frequency of the scattered light takes discrete values.*

**Кириш.** Сўнги ўн йилликлар давомида паст ўлчамли тизимларнинг электрон хоссаларини ўрганишда оптик усуллар кенг қўлланилиб келинмоқда. Бундай тизим билан электромагнит тўлқин ўзаро таъсирлашганидан сўнг электрон ва панжара тизимчалари структуралари ва бу тизимчаларнинг бир-бирлари билан ўзаро таъсир механизмлари, хусусан, электрон ва экситон спектрлари, уйғонган ҳолатлар яшаш вақти ва сочилиш механизмлари тўғрисида маълумотларга эга бўламиз [1, 5].

Охирги йилларда ёруғликнинг комбинацион сочилиши паст ўлчамли структура (метал-диэлектрик-ярим ўтказгич тизимидаги ярим ўтказгич юзасига яқин қатлам(инверсион ва аккумуляцион)лар, квант ўра, квант ип, гетероструктура ва устпанжара)ларнинг электрон хоссаларини ўрганиш учун самарали фойдаланилмоқда [6].

Сочилишнинг дифференциал кесимининг частотага боғлиқлигини анализ қилганимизда ўлчамли квантланган ярим ўтказгичли ипнинг қаралаётган моделида оралик ҳолатга ўтиш орқали ёруғликнинг сочилиш жараёни иккала (цилиндрик ва тўғри бурчакли) шакл учун ҳам энергиянинг сақланиш қонунига мувофиқ дискрет қийматлар қаторини ҳосил қилиши кўрсатилган [7].

Цилиндрик шаклдаги ипдаёруғликнинг комбинацион сочилиш дифференциал кесими (ЁКСДК) учун қуйидаги ифода олинган:

$$\left[ \frac{d^2\sigma}{d\omega_s d\Omega} \right] = \left[ \frac{d^2\sigma}{d\omega_s d\Omega} \right]_{e_s^z} + \left[ \frac{d^2\sigma}{d\omega_s d\Omega} \right]_{e_s^+} + \left[ \frac{d^2\sigma}{d\omega_s d\Omega} \right]_{e_s^-} \quad (1)$$

бу ерда

$$\left[ \frac{d^2\sigma}{d\omega_s d\Omega} \right]_{e_s^z} = \frac{9\sigma_0}{2\sqrt{2}} \sum_{n_e m_e n_h m_h} \sqrt{g^2 + \sqrt{g^4 + \delta_f^4} \Delta(n_e - n_h) \Delta(m_e - m_h)} |e_s \tilde{Z}|^2 \quad (2)$$

$$\left[ \frac{d^2\sigma}{d\omega_s d\Omega} \right]_{e_s^\pm} = \frac{9\sigma_0}{4\sqrt{2}} (\hbar\omega_s/E_0)^2 + \left( \frac{1}{1+\beta} \right)^2 \left| \frac{Y^\mp(n_h, m_e, m_h)}{p_h + i\delta} \right|^2 \Delta(n_e - n_h - 1) \left\{ \frac{g^2 + \sqrt{g^4 + \delta_f^4}}{g^4 + \delta_f^4} \right\}^{1/2} |e_s \sigma_\pm|^2. \quad (3)$$

ЁКСДК учта ҳаддан иборат (1). Бу ҳар бир ҳаднинг сочилишга ҳиссаси сочилиш конфигурациясига боғлиқ. Масалан: тескари сочилишда сочилган ёруғликнинг тўлқин вектори  $\mathbf{k}$  бирлик вектори  $\mathbf{Z}$  га параллел бўлса, ЁКСДК (1)-ифодадаги иккита кейинги ҳадлардан (3) иборат бўлади. Сочилган ёруғликнинг тўлқин функцияси қутбланиши  $e_s || \hat{z}$ , яъни  $\tilde{Z}(e_l, e_{sz})X$  билан  $x$  ўқига параллел бўлган ҳолда ЁКСДК (1)-ифоданинг 1-ҳади билан аниқланади.


$\tilde{Z}(e_l, \sigma_\pm)Z$  конфигурациясида квант ипдаги ёруғликнинг комбинацион сочилиши (ЁКС) спектри қуйидаги частоталарда максимум бўлади.

$$\omega_s \rightarrow \omega_e(n_e; m_e, m_h) = \frac{\mu E_0}{m_e^* \hbar} (x_{n_h m_h}^2 - x_{n_e m_e}^2), \quad (4)$$

$$\omega_s \rightarrow \omega_h(n_e; m_e, m_h) = \frac{\mu E_0}{m_h^* \hbar} (x_{n_e m_e}^2 - x_{n_h m_h}^2). \quad (5)$$

Энди ЁКС жараёнларига мос келувчи уйғотиш ва чиқариш спектрларини иккиламчи ёруғликнинг маълум қутбланиш  $\vec{e}_s$  ҳолатларини сон ҳисобига оид таҳлил қиламиз. Бизнинг формулаларда келтирилган параметрларнинг қийматлари учун GaAs учун параметрларнинг қийматларидан фойдаланамиз:  $E_g = 1,43$  эВ;  $m_e^* = 0,0665m_0$ ;  $m_h^* = 0,45m_0$ , [8].


$(1/V)[d^2\sigma/d\omega_s d\Omega]$  нинг  $(\hbar\omega_l - E_g)/E_0$  га боғлиқлигини “уйғониш спектри” деб атаймиз.  $(1/V)[d^2\sigma/d\omega_s d\Omega]$  нинг  $(\hbar\omega_s/E_0)$  боғлиқлик спектрини “чиқариш спектри” деб атаймиз.  $(1/V)[d^2\sigma/d\omega_s d\Omega]$  ни “сочилиш коэффициенти” деб атаймиз.



1-расм


1-расмда  $\tilde{Z}(e_l, e_{sz})X$  сочилиш конфигурациясида GaAs квант ипи учун (ихтиёрий ўлчов бирликларда) ЁКС кўрсатилган. Узлуксиз чизиқлар  $r_0 = 4$  нм ( $r_0$ –квант ип радиуси), нуқтали чизиқлар эса  $r_0 = 3$  нм.  $\Gamma_f = 1$  мэВ ва  $\Gamma = 3$  мэВ. (a) Сочилиш коэффициенти  $[(\hbar\omega_l - E_g)/E_0]$ нинг функцияси сифатида киритилган (уйғониш спектри).  $\hbar\omega_l = 2,8$  эВ, (b) Сочилиш коэффициенти  $[(\hbar\omega_s)/E_0]$  нинг функцияси сифатида киритилган (чиқариш спектри).  $\hbar\omega_s = 2,3$  эВ. Стрелка билан валент зонасидаги ва ўтказувчанлик зонасидаги турли хил зоначалар орасидаги ўтишлар бўсақалари кўрсатилган ( $n, m$ )

ANIQ VA TABIIY FANLAR



2-расм.

2-расмда  $\tilde{Z}(e_l, \sigma_-)Z$  сочилиш шакли учун GaAs квант ипи учун  $(\hbar\omega_s)/E_0$  нинг функцияси сифатида сочилиш коэффициенти кўрсатилган. Бу ерда ҳам 1-расмдагидек параметрларнинг қийматларидан сонли ҳисоблашда фойдаланилган. Электрон ва ковакларга мос келувчи зоначалар орасидаги резонансли ўтишлар мос равишда  $\omega_e(n_e; m_e, m_h)$  ва  $\omega_h(n_e; m_e, m_h)$  лар билан кўрсатилган.



3-расм.

3-расм.  $\tilde{Z}(e_l, \sigma_-)Z$  сочилиш шакли учун GaAs квант ипи учун  $(\hbar\omega_l - E_g)/E_0$  (сочилиш спектри) нинг функцияси сифатида сочилиш коэффициенти кўрсатилган. 1-расмдагидек параметрларнинг қийматларидан сонли ҳисоблашда фойдаланилган. Электрон ковакларга мос келувчи зоначаларо резонансли ўтишлар  $\omega(n_e; m_e, m_h)$  кўринишда кўрсатилган.

1a – расмда  $\tilde{Z}(e_l, e_{sz})X$  сочилиш конфигурациясида GaAs квант ипи учун уйғониш спектри кўрсатилган. Улар поғона кўринишга эга бўлиб,  $(\hbar\omega_l - E_g)$  нинг минимал қиймати  $x_{nm}$  нинг минимал қиймати (яъни  $x_{01}$ ) орқали аниқланади.  $(\hbar\omega_l - E_g)$  нинг каттароқ қийматларида юқорироқ зоначалар ўз ҳиссаларини бера бошлайдилар. 1a – расмда сочилишнинг худди шундай конфигурацияси учун чиқариш спектрлари келтирилган. Иккиламчи фотонларни чиқариш учун  $\hbar\omega_l - \hbar\omega_s - E_g > E_0 x_{nm}^2$  шарт бажарилиши зарур.

## ANIQ VA TABIIY FANLAR

$\hbar\omega_l$ ,  $E_g$  va  $E_0$  ларнинг берилган қийматлари учун бўсаға нуқталари  $x_{nm}$  нинг қийматлари билан аниқланади. 2-расмда  $\vec{Z}(e_l, \sigma_-)Z$  конфигурация учун сочилиш спектрлари келтирилган. Бу ҳолда сочилиш коэффицентининг сингулярлик хоссалари кўзга ташланади. 3-расмда 2-расмдагидек сочилиш конфигурация учун сочилиш спектрлари кўрсатилган. Сингулярлик хоссалари кузатишган ва бу сингулярликларнинг аниқ ҳолатлари акс этган. Яна  $(\hbar\omega_l - E_g)/E_0$  нинг кичик қийматлари учун  $x_{n_e m_e}$  ва  $x_{n_h m_h}$  минимал қийматлар қабул қилганида бўсаға нуқталари кўзга ташланади.

Паст ўлчамли электрон тизимлари оптик хоссалари хусусиятларини ўрганишда ўтказилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин: Электронларнинг валент зонасидаги зоначалардан ўтказувчанлик зонасидаги зоначаларга ўтишлари мос келувчи частоталарда тўғри бурчакли ва цилиндрик шакллардаги ўлчамли квантланган ярим ўтказгичли ипларда ёруғликнинг зоналараро комбинацион сочилишининг изчил назарияси яратилган. Тўғри бурчакли ва цилиндрик шакллардаги ўлчамли квантланган ярим ўтказгичли ипларда ёруғликнинг комбинацион сочилиши (ЁКС) анизотропик эканлиги кўрсатилган. Электроннинг ўтказувчанлик зонасидаги  $n_1 = 2$  ва  $n_1 = 3$  ўлчамли квантланган сатҳлар орқали ўтишлари ёки ковакнинг валент зонасидаги  $n_2 = 2$  ва  $n_2 = 3$  сатҳлар орасида ўтишлари ҳолида иккиламчи нурланиш чизиқлари шакли Лоренц кўринишига эга. Квантланган ипнинг зоналараро ёруғликнинг комбинацион сочилиш кесими  $[\omega_s - \pi^2(E_0/\hbar) \left(\frac{m_0}{m^*}\right) (n_1^2 - n_2^2)]^2$  частоталарда резонансга эга.

Сочилишнинг дифференциал кесимининг частотага боғлиқлигини таҳлил қилганимизда, иккала шаклдаги квант ипининг қаралаётган модели учун энергиянинг сақланиш қонунига мувофиқ ёруғликнинг оралиқ ҳолатлари орқали сочилиш жараёнида қийматларнинг дискрет қаторга эга эканлигини кўрамиз. Агар ўтишлар ўлчамли квант сони ўзгармасдан, яъни  $n_1 = n_2 = n$  ва  $m_1 = -m_2 = m$ , у ҳолда сочилган ёруғлик частотаси қуйидаги тенгликни қаноатлантиради

$$\omega_s(n, m) = \omega_l - (E_g/\hbar) - \frac{\pi^2 \hbar}{2\mu d^2} n^2 - \frac{\pi^2 \hbar}{2\mu l^2} m^2, n = 1, 2, \dots, m = 1, 2, \dots$$

### АДАБИЁТЛАР

1. Павлов С.Т., Ланг И.Г., Коровин Л.И. Аналог формулы Кубо для электропроводности в случае пространственно неоднородных сред и электрических полей // Физика твердого тела. - 2003. - Т.45. - №7. - С.1316-1324.
2. Поздняков Д.В., Борздов В.М. Интенсивность междуподзонного рассеяния электронов на полярных оптических фонах в полупроводниковом квантовом проводе с учетом уширения энергетических уровней // Физика твердого тела. - 2003. - Т.45. - №12. - С. 2238-2241.
3. Ланг И.Г., Коровин Л.И., Павлов С.Т. Упругое рассеяние света полупроводниковыми точками произвольной формы // Физика твердого тела. - 2007. - Т.49. - №7. - С.1304-1309.
4. Коровин Л.И., Ланг И.Г., Павлов С.Т. Резонансное прохождение электромагнитного импульса сквозь квантовую яму // Физика твердого тела. - 2008. - Т.50. - №2. - С.328-335.
5. Ковалев В.М., Чаплик А.В. Магнетополярное состояние частиц в квантовых кольцах конечной ширины // Журнал экспериментальной и теоретической физики. - 2005. - Т.128. - №4. - С.796-802.
6. Воробьев Л.Е., Ивченко Е.Л., Фирсов Д.А., Шалычин В.А. Оптические свойства наноструктур. - М.: Наука, 2002. - 188 с.
7. Эшпулатов Б., Арзикулов Э.У., Хужанова Д.Ш. Комбинационное рассеяние света в полупроводниковых проволоках // Электронная обработка материалов. - 2010. - №1. - С. 90-96.
8. Маделунг О. Физика полупроводниковых соединений элементов III и V групп. - М.: Мир, 1967. - С. 111-115.

УДК 81'367.33

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ҲИС-ҲАЯЖОН ГАПЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШДА  
ЭМОЦИОНАЛ СЎЗЛАРНИНГ ЎРНИ

ЗНАЧЕНИЕ ЭМОЦИОНАЛЬНЫХ СЛОВ В ФОРМИРОВАНИИ ВЫРАЖЕНИЙ НА  
АНГЛИЙСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ

MEANING OF EMOTIONAL WORDS IN THE FORMATION OF EXPRESSIONS IN ENGLISH  
AND UZBEK LANGUAGES

**Ўраева Дармон Саидахмедовна**

*БухДУ ўзбек адабиёти кафедраси профессори, ф.ф.д.*

**Қаҳарова Ирода Сидиковна**

*БухДУ мустақил изланувчиси*

**Қаҳҳорова Гулрух Шавкатовна**

*БухДУ мустақил изланувчиси*

**Таянч сўзлар:** нофонематик товушлар, когнитив, интенсив, эмотив, номинализация, адвербиализация, вербализация, синтактик ассимиляция, синхрон, диахрон.

**Ключевые слова:** нефонематические звуки, когнитивный, интенсивный, эмоциональный, номинативный, наречие, вербализация, синтаксическая ассимиляция, синхронный, диахронический.

**Key words:** non-phonemicsounds, cognitive, intensive, emotional, nominalization, adverbialization, verbalization, syntactic assimilation, synchronous, diachronic.

*Мақолада эмоционал сўзлар онгда идрок этилиши ва тушунча ҳосил қилишини инглиз адиби Сомерсет Моэмнинг йигирмадан ортиқ ҳикояларидаги мисоллар орқали таҳлил асосида ёритилган. Бунда эмоционал сўзлар онг ва тил тизимига тааллуқлилиги аниқланган.*

*В статье анализируется эмоциональное восприятие и понимание эмоций в сознании на примерах из более чем двадцати рассказов английского автора Сомерсета Моема. Установлено, что эмоциональные слова связаны со системой разума и языка.*

*The article analyzes the emotional perception and understanding of emotion in the mind through examples from more than twenty stories by the English author Somerset Maugham. It has been established that emotional words are related to the system of mind and language.*

**Кириш.** Эмоционал сўзлар воқеликни билиш, идрок этиш воситаларидан биридир. Улар лисоний бирлик сифатида ўзида ахборотни йиғади, сақлайди ва узатади, авлоддан авлодга ўтади. Шу маънода улар когнитив жараён кечишида алоҳида ўрин тутади.

Эмоционал сўзлар гарчи лексик (аташ) маъносини ифода этмаса-да, онгда идрок этилади ва тушунча ҳосил қилади. Лисоний моддийлашгани туфайли хотирадан ўрин эгаллаган. Бизнингча, бунга уларнинг онг ва тил тизимига дахлдорлиги замин яратган. Бундан уларнинг турли маъновий гуруҳлари пайдо бўлади. Уларни гуруҳлантириш учун эса бу каби лисоний бирликларнинг маъно ифодалаш услубларига таянилади. Бир сўз билан айтганда, эмоционал сўзлар онг ва тил тизими ўртасидаги ҳамкорликнинг маҳсулидир. Айтайлик, тана лаззатни ҳис қилса, кўпинча онг ва тилда бу ҳолат “оҳ” ундови орқали ифода этилади (Оҳ, бунча маза!). Лекин баъзан айнан шу ундов сўз танада бирдан ҳосил бўлган оғриқни ифодалашда ҳам қўлланади (Оҳ, қўлим!). Демак, ҳис-ҳаяжон гаплар инсоннинг билиш қобилияти, унинг лисоний қобилияти билан бирга ҳиссий кечинмаларига ҳамоҳанглигини кўрсатади.

**Асосий қисм.** А.И. Смирницкий ундов сўзлар фикрлаш орқали ифодаланмаслиги сабабли уларнинг эмоционал мазмунини тушунарсиз, англаб ва таҳлил қилиб бўлмайди, деб ҳисоблайди [1]. Ҳолбуки, ҳар қандай тилнинг луғатида эмоционал мулоқотнинг ҳамма ҳолатлари учун катта ҳажмдаги ундов сўзлар мавжуд бўлиб, сўзловчи уларни қўллаш қоидабини билади ва бир-биридан маъносига кўра фарқлай олади. Эҳтимол, бу вазиятда А.И. Смирницкий нофонематик товушлар (қичқириқлар, инграш ва ҳ.к.)ни назарда тутган бўлиши мумкин.

## TILSHUNOSLIK

Ҳозиргача эмоцияни ифодалашда сўзнинг маъноси эмас, вазифаси муҳим, деган қараш етакчилик қилиб келмоқда. Эмоционал сўзларнинг вазифаси эса муомала шароитида ва матнда акс этади [2]. Эмотив маъно билан боғлиқ бўлган мураккаб вазифалар унинг қай ҳолатда денотатив ёки экспрессив маъно компоненти билан боғланиши, тилда, турли даражада интенсив акс этишида намоён бўлади.

Эмотив номинация дескрептив жиҳатдан қиёслаганда, эмоционал сўзларнинг ўзига хос морфологик хусусиятлари, синхрон ва диахрон таркибий компонентлари, эмотив муносабатни амалга ошириш меъёрлари, воситалари ва усуллари, тиллараро таржимада ўзгариш ҳолатлари англашилади.

Ундов сўзларнинг семантик маркировкаланганлиги ҳақидаги фикрлар, уларнинг турлича услубий маъно ифодаланиши илгаридан бир қатор ишларда кўрсатилган ва асосланган [3].

Умуман, ундовлар, шубҳасиз, сўз ҳисобланади, чунки улар тил бирликларининг мезонларига жавоб беради. Фақат улар умумлашган маънога эга. Маънодаги умумийлик ундов сўзлар, хусусан, ҳис-ҳаяжон ундовларининг энг характерли хусусиятларидан биридир. Ундов сўзларнинг барча учун умумий ҳолда адекват тушунилиши уларга хос яна бир муҳим жиҳатдир.

Тўсатдан пайдо бўлган ҳаяжон, ҳайрат, руҳий таъсирланиш маҳсули бўлган ундов сўзлар ихтиёрсиз фикр (мулоҳаза) ифодаси учун хизмат қилиши туфайли нутқда автоматик тарзда қўлланади. Шунинг учун ундов сўзларда онг ва хоҳиш иштирок этмаслиги, нутқ автоматизми қўринишида акс этиши уларга хос муҳим хусусиятлардан биридир. Мана шу жиҳатдан ундов сўзлар нутқ сигнал тизимидан ўрин олади, фикрлаш ва истакдан холи бўлади, уларни англаш қийин кечади. Бунга уларнинг бевосита фикрлаш орқали ифодаланмаслиги, фақат эмоционал рефлексия даражасини кўрсатиши замин яратади. Ундов сўзларга хос бу каби муҳим хусусиятлар И.С. Торопцев томонидан ҳам кўрсатиб ўтилган [4].

Ўзбек тилида ундовлар даставвал икки гуруҳга бўлинади: 1) эмоционал ундовлар; 2) буйруқ-хитоб ундовлари.

Эмоционал ундовлар, ўз навбатида, яна уч гуруҳни қамраб олади: а) ҳис-ҳаяжон ундовлари; б) от характеридаги эмоционал ундовлар (масалан: “Аёл атрофга **дод** (нима? – овоз) солди”); с) тингловчига қаратилган ёки феъл характеридаги эмоционал ундовлар (масалан: “Йигит кўшнисига **“Хорманг”** деб кўйди).

Ҳис-ҳаяжон ундовлари воқеа-ҳодисанинг бевосита таъсири натижасида туғиладиган руҳий ҳолатни, ҳис-ҳаяжонни ва субъектнинг объектга муносабатини англатади, лекин ўша руҳий ҳолатни атаб кўрсатмайди.

Ҳис-ҳаяжон ундовларининг эмоционал маъноси объектив дунёдан олинган таассуротнинг киши онгида умумлаштирилишидан ҳосил бўлади. Ҳис-ҳаяжон ундовлари кўпинча сўзловчининг маълум шароитда ўз фикрини умумий мазмунда англатиш эҳтиёжи туфайли ишлатилади.

Ундов орқали ифодаланган умумий фикр, ҳамма вақт тингловчини ҳам, сўзловчини ҳам қаноатлантира олмаслиги боиси кўпинча ундовдан кейин (баъзан аввал) бошқа гаплар билан бу фикр аниқлаштирилади. Бунда ундов ўша гапларнинг эквивалентига ўхшаб қолади ва уларга эмоционал ранг берувчи воситага айланади.

Бир ундовнинг ўзи турли ўринда турли хил оттенкадаги кайфиятни, руҳий вазиятни англатиши мумкин. Маълумки, эмоционал маънони ифодалаш, одатда, оҳанг (интонация) ва унлиларнинг узун-қисқалиги, талаффузнинг суръати билан ҳам боғлиқ бўлади.

Ҳис-ҳаяжон ундовлари, асосан, қуйидагидир: **и, э, а, о, ў, их, их, эҳ, эҳ, оҳ, оҳ, уҳ, ҳм (ҳим, им), бе, хо, ҳе, ҳа, уф, фу, туф, дод, вой, хаҳ, оббо, ура, ўхў, ўххў, оҳо (оҳҳо), аҳа, эҳа, эҳе (эҳҳе), ие** ва бошқалар.

Ҳис-ҳаяжон ундовлари кўринишига кўра уч хил намоён бўлади:

1. Товуш кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундовлари: **и, э, а, о, ў, ё.**
2. Бўғин кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундовлари: **их, эҳ, аҳ, оҳ, уҳ, ўҳ, бе, ҳе, фу, хо, уф, эй, хаҳ** каби.
3. Сўз кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундовлари: **ие, туф, эҳҳе, ҳим, оҳҳо, ўхху, кишт, пишт, чух, дод, вой, оббо, ура, салом** сингари.



## TILSHUNOSLIK

Товуш кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундовларнинг бир тизимга мансуб бўлмаган икки тил, яъни инглиз ва ўзбек тилида қўлланишини бадиий матнларнинг таржимаси мисолида кузатганимизда, **ў** товушидан иборат ҳис-ҳаяжон ундови инглиз тилида учрамадлиги ўзидан аён бўлди. Лекин инглиз тилидан ўзбек тилига амалга оширилган таржима матнларида унинг учраши кузатилди. Бунда у кўпроқ **оҳ** ундовининг ўрнида қўлланилгани кўзга ташланади: *Oh! (S.M. Rain, 19) – Ў-ҳў! (A.O. Ёмғир, 14)*.

Ўзбек тилида **ў** ундови ҳайрат, нописандлик, менсимаслик, инкор этиш сингари маъно оттенкаларини ифодалашга хизмат қилади. Агар у юқоридаги мисолдагидек **ў-ҳў** кўринишида қўлланса, кучли ҳайратни билдиради.

Бирон киши томонидан илгари сурилаётган фикр ёки хулосани кескин инкор қилишда кўпинча у **ў-ў** кўринишида такрор ишлатилади: *У-ў, бунга шиша бутилка сабаб бўлган (A.O. Чандиқли киши, 76)*.

**А** товушидан иборат ҳис-ҳаяжон ундови инглиз ва ўзбек тилларида, асосан, эътироз билдириш, тахмин қилиш маъноларида қўлланади. Жумладан, *А-а, назаримда, бугунги кун сизга бир оз нохушроқ бошланганга ўхшайди, – деди чол, оталарча жилмайиб (M.O. Омади чопган мусаввир, 19)* мисолида унинг тахмин, чама маъносида ишлатилгани сезилади.

Шуниси борки, таржима жараёнида аслиятда бўлмаса-да, таржимада ундов сўзлардан фойдаланилади. Ёхуд, аксинча, аслиятда мавжуд ундов сўз таржима матнидан тушириб қолдирилади. Бу ҳолат уларга хос ҳиссий ва модал муносабат ифода этиш хусусияти билан боғлиқдир. Айтайлик, *You ought to have been up before dawn like me. Lazy beggar (S.M. Mackintosh, 107)* гапида **а** ундови мавжуд бўлмаса-да, шу гапнинг таржимасида ундан фойдаланилган: *Менга ўхшаб тонг отмасдан, эрта саҳарда ўрнингиздан турсангиз бўлмайдими, а, ишқмас танбал! (M.O. Макинтош, 146)*. Шу асосда инглиз тилидаги дарак гап ўзбек тилига ҳис-ҳаяжон гап кўринишида ўгирилган.

**О** ундов товушидан иборат ундов сўз ўзбек ва инглиз тилларида тасдиқ (O, yes, yes); ҳайрат ва завқ *О! Мэйбл хонимни айтасизми? У жудаям аломат аёл (M.O. Мэйбл хоним, 87); О, мсье, сиз бағоят саховатпеша ва меҳрибонсиз! – ҳайқариб юборди Чарли (M.O. Омади чопган мусаввир, 22); қониқиш ва мамнунлик О, мсье Леур. Марҳамат, ичкарига киринг (M.O. Омади чопган мусаввир, 15); огоҳлантириш О, азизим, биласизми, сиз каби бугунги авлод ёшлари ниҳоятда бесабр (M.O. Омади чопган мусаввир, 15); норозиликни О-о... жин урсин... тагин нималар қилиб юрибсиз, мсье? (M.O. Омади чопган мусаввир, 31)* ифодалаб келади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, таржима жараёнида аслиятда бўлмаган ундовларни қўшиб таржима қилиш ушбу ундов товуши мисолида ҳам кузатилади. Жумладан: *She had been a pretty little thing (S.M. The Taipan, 570)* гапининг ўзбекча *О, нақадар ажойиб, офатижон қиз эди у (M.O. Тайпан, 75)* таржимасини кузатар эканмиз, унга мутаржим томонидан қўшилган “о” ундови эътиборни тортади. Бу билан таржимон ушбу гапнинг таъсирчанлигини кучайтиришга тиришгани англашилади. Баъзан бундай ҳолатларда таржимонларнинг товуш ундовларини такрор келтириш орқали интенсивликка эришгани кузатилади: *You're quite a stranger, Mr Mackintosh (S.M. Mackintosh, 120)* Кўриняптики, асл матнда **о** ундови йўқ, лекин унинг таржимасида мавжуд. Қолаверса, такрор ҳам қўлланган: *О-о, жаноб Макинтош, биз тарафларда умуман кўринмай кетдингиз (M.O. Макинтош, 196)*. Шу орқали таржима матни таъсирчанлигининг орттирилишига эришилган.

**Э** товушидан иборат ҳис-ҳаяжон ундови инглиз ва ўзбек тилларида эътироз қатори маъқуллаш, ҳайрат, завқланиш, нописандлик, инкор қилиш, иккиланиш сингари маъно оттенкаларини ифодалаб келадиги, шунинг учун таржима жараёнида гарчи аслият матнида бўлмаса-да, таржимада уларга ўрин бериш хатолик сифатида қабул қилинмайди. Масалан, *That's what I'm always telling her. I can't get her to enjoy herself (S.M. Louise, 259) – Э, буни унга доим айтаман. Дўстларинг билан ўйнаб кулиб юр деб, ҳеч кўндиролмадим (A.O. Луиза, 96); Well, you know what she is. She sits there and smiles to herself (S.M. Home, 106) – Э, унинг қанақалигини биласиз-ку. Ўрнида ўтирганича ўзича жилмаяди (A.O. Хонадон, 120)*.

Кўриняптики, мисол қилиб олинган инглизча учала гап таркибида ҳам **э** ундови мавжуд эмас, лекин уларнинг ўзбекча таржимасида бу ундов воқеланган. Бунга, албатта,

## TILSHUNOSLIK

келтирилган гапларнинг э ҳис-ҳаяжон ундови мазмунига мослиги, яъни биринчи гапнинг эътироз ва инкор, иккинчи ва учинчи гапларнинг эса норозилик маъноларини англатаётгани асос бўлган.

Э ундови кучли ҳайратни ҳам ифодалайди: Э, ҳа, ҳали бу кўчирма нусха денг? – даярли қичқириб юборди чол (М.О. Омади чопган мусаввир, 24) Агар у такрор қўлланса, кучли ҳайрат баробарида кучли қониқиш ҳиссини ҳам ифодалай олади: Э-ээ... Офарин. Қойил сизга-эй... (М.О. Омади чопган мусаввир, 30).

Ё товушидан иборат ҳис-ҳаяжон ундови ўзбек тилида ҳам (“Ё, Оллоҳ, ўзинг қўлла!”. “Ё, қудратингдан!”), инглиз тилида (You men!) ҳам учрайди ва ҳар иккала тилда ҳам кучли ҳайратни ифодалайди.

Кузатилган матнлар мисолида айтиш мумкинки, товуш кўринишидаги ундовлар ўзбекча матнларга нисбатан инглизча матнларда жуда кам кузатилди. Бўгин кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундовларидан **оҳ(oh)** ва **аҳ (ah)** ундовлари инглизча матнларда кўп учрайди.

**Оҳ** бўгин кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундови инглиз ва ўзбек тилларида шаклан ва мазмунан мослик ҳосил қилиши алоҳида эътиборни тортади. Ҳатто бу мослик таржима матнларида *Oh, with her heart it was out of the question* (S.M. Louise, 257) – Оҳ, бу юрагим билан эрга тегиш ҳақида ўйлашга ҳам ботинолмаيمان (А.О. Луиза, 94) яққол кўзга ташланади.

Ҳар иккала тилда ҳам **о** унлисига **ҳ** юмшоқ бўғиз товушининг бирикишидан ҳосил бўлган **оҳ** ундови инсоннинг ич-ичидан отилиб чиққан, бўғзигача келган оҳ-ноласи, дарди, надомати, алам-ҳасрати, қалб қийноқлари, ҳадик ва қўркувини очиб беришга ҳизмат қилади. Қуйидаги мисол худди шу жиҳатдан фикримизга ёрқин далил бўла олади: *Oh, monstrous, she cried. Monstrous! Monstrous!* (S.M. The Creative Impulse, 354) – Оҳ, бу қандай хиёнат!? Қандай даҳшат! – деб қичқириб юборди (А.О. Ижодий парвоз, 125).

Шунингдек, **оҳ** ундови кишиларнинг пушаймонлик *Oh, you poor things, have you had no tea? she cried brightly* (S.M. The Creative Impulse, 363) – Оҳ, бечорагиналар, мен сизларни шунча вақт куттириб қўйдимми? (А.О. Ижодий парвоз, 130), илинж-истак **Оҳ...** *Шунча таҳқирлардан сўнг озодлик нима эканлигини билсангиз эди! Озодлик!* (М.О. Ажал таъқиби, 54), ачиниш **Оҳ, нақадар даҳшат! Қария Чарли ўлибдими, ўлибди-я... Чарли ўлибди... ?!** (М.О. Одамови Гарри, 65), ғазаб-нафрат, имконсизлик *He would like to kill him* (S.M. Mackintosh, 118) – Оҳ, қани энди имкон топсам-у, бу ярамас чолни ўз қўлларим билан бўғиб ўлдирсам... Қандай завқ билан ўлдирган бўлардим-а, уни... (М.О. Макинтош, 191) сингари туйғуларини ифодалашда қўлланиб келади.

Инглиз тилидаги **oh** бўгин кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундови ўзбек тилига ўгирилган матнлар таркибида э товуш кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундови билан берилиши кузатилади: *Oh, it was nothing. I guess my back's broad enough to bear a few hard words* (S.M. Rain, 33) – Э, ҳечқиси йўқ. Мен бунақа ҳақоратларга парво ҳам қилмайман (А.О. Ёмғир, 39).

Шунингдек, инглиз тилидаги **oh** бўгин кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундовини ўзбекча таржима матнларида **о** товуш кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундови билан берилгани ҳам кўзга ташланади: *Oh, no, I'm not hungry; you see, I don't eat luncheon* (S.M. The Luncheon, 98) – О, йўқ, мен оч эмасман. Кўриб турибсиз, мен нонуштага ҳеч нарса емайман (А.О. Нонушта, 85).

Инглиз тилидаги **oh** ҳис-ҳаяжон ундови ўзбекчага **ҳой** хитоб ундови орқали ҳам таржима қилинган: *Oh, there, Tangatu, your son left his knife in a tree last night* (S.M. Mackintosh, 116) – **Ҳой, Тангату!** Кеча ўғлинг бизнинг қишлоқда ханжарини унутиб қолдирибди (М.О. Макинтош, 181).

Шуни айтиш керакки, ундов сўзларнинг қайси маънода келаётганини англашда уларнинг ёнида қўлланаётган сўзларга эътибор қаратиш ўзига хос аҳамият касб этади. Масалан, юқоридаги гапда **оҳ**, **о** ундовларининг ёнида келаётган **йўқ** инкорни билдирувчи модал сўзи орқали бу ундовларнинг ҳам инкорни билдириб келаётгани англашилади.

**Эй** бўгин кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундови ўзбек тили матнларида инкор қилиш, эътироз билдириш, аламзадалик, пушаймонлик тушунчаларини ифодалаш учун қўлланади: *Эй, бундай рассом бўлгандан кўра, кўча супурадиган фаррош бўлганим мине қарра авлороқ эди-я!* – хитоб қилди у аламзадалик билан (М.О. Омади чопган мусаввир, 16).

## TILSHUNOSLIK

Эй, эллик йиллик дарбадарлигимдан сўнг менга Франция ёки Корсикада бало бормиди?! (М.О. Ажал таъқиби, 56) гапида эй ундови орқали пушаймонлик ҳолати ифода этилмоқда.

Эй ундовининг Э-э-эй шаклидаги интенсив кўриниши ҳам учрайди ва ўзида қойил қолиш, кучли ҳайратланиш маъноларини ифодалайди: Э-э-эй, жасоратингизга қойилман-эй! – деди у кулеусидан нафаси тиқилеудай бўлиб (М.О. Омади чопган мусаввир, 30).

Шуниси ҳам борки, инглизча матнларнинг ўзбекча таржималарида Oh ундовининг Эй ундовига алмаштирилгани кузатилади: Oh, my God,' he cried, 'if I were only safely back in England (S.M. The Taipan, 572) – Эй, Худойим! – ҳайқирди у. – Ишқилиб, эсон-омон Ангелияга қайтиб бора олсам бас! (М.О. Тайпан, 83).

Шунингдек, инглизча матнларнинг ўзбекча таржималарида Oh ҳамда Ah ундовларининг Ие ҳис-ҳаяжон ундови билан алмаштирилганига гувоҳ бўлиш мумкин:

Oh, there's Wilson back again (S.M. The Lotus Eater, 799) – Ие, ие... Анавинга қара, яна Уилсонни кўряпман! – деб қолди (М.О. Нилуфар гулининг томи, 113).

Ah, and here was little Mrs Turner, Violet Turner (S.M. The Taipan, 570) – Ие, ана, назокатли, кичкина Тёрнер хоним ҳам шу ерда эканлар-ку, Вайолет Тёрнер (М.О. Тайпан, 74).

Лекин таржима жараёнида ўзбек тилига хос ие ҳис-ҳаяжон ундови инглиз тилидаги hullo сўзига мос эквивалент сифатида ўгирилгани ҳам кузатилади: Hullo, Mac; up at last? I don't know how you can waste the best part of the day in bed (S.M. Rain, 107) – Ие, Мак! Нихоят уйқудан турибсиз-да, а? Сизнинг деярли кун бўйи тўшакда думалаб ётишингизга ҳеч тушунолмайдиман-да! (М.О. Макинтош, 146).

Ие ҳис-ҳаяжон ундови орқали, асосан, тингловчининг сўзловчи томонидан билдирилган фикрга кучли эътирози ифода этилади. Масалан: Ие, нималар деяпсиз, мсье! Бошқа қиладиган ишингиз йўқми? (М.О. Омади чопган мусаввир, 25).

Баъзи гапларда ие ҳис-ҳаяжон ундови такрор қўлланиб, кутилмаган учрашув ёки янгиликдан шодланиш туйғусини ифодалайди: Ah, Mr Mackintosh, this is a joyful surprise (S.M. Mackintosh, 120) – Ие, ие, жаноб Макинтош! Бормисиз, азизим! Қандай ажойиб сурприз! (М.О. Макинтош, 197).

Айрим гапларда ие ҳис-ҳаяжон ундовининг қониқиш, маъқуллаш, мотивация бериш вазифаси кузатилади: Lucky dog. Most men wish their wives would too (S.M. Mackintosh, 113) – Ие, хотинингдан қутулган бўлсанг, сен дунёдаги энг бахтли одам экансан-ку, галварс! Хотининг сени ташлаб кетган бўлса, бу бахтинг-ку! Агар билсанг, хотини Худонинг берган кун миёсини пармалайдиган ҳар қандай эркак сенга ҳавас қилади! (М.О. Макинтош, 169).

Ўзбек тилида кенг қўлланиладиган Эҳ бўғин кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундови кўпинча ачиниш, киноя маъноларини ифодалашга хизмат қилади ва у шу мазмунда таржима матнларида ҳам учрайди. Масалан: Эҳ, ёшлар... ёшлар... Сизда на сабру қаноат бор... на кунту иштиёқ... (М.О. Омади чопган мусаввир, 16); Эҳ, азизам, ҳалиям ақлсиз ёш болаларнинг гапини гапирасиз-а! (М.О. Омади чопган мусаввир, 25) мисоллари бу жиҳатдан фикримизни далиллайди.

Баъзан у жаҳлланиш ҳолатини ифодалаб келса Эҳ, билсайдинг, беҳудага қанчалар асабийлашибман-а? (М.О. Мэйбл хоним, 94), баъзида хоҳиш-истакни ҳам англатади I wish he'd turn round (S.M. The Lotus Eater, 798) – Эҳ, биз томонга ўгирилса, яхши бўларди-да... (М.О. Нилуфар гулининг томи, 108).

Ундовларнинг қайси маъно-мазмунда қўлланганини улар учрайдиган гапларнинг кесимини ифодалаб келган феъллар орқали ҳам англаса бўлади: Good cards come to good players,' retorted Walker (S.M. Mackintosh, 123) – Эҳ, Мак, Мак... яхши қарталар яхши одамларнинг қўлига тушади-да, – эътироз билдирарди Уокер (М.О. Макинтош, 206).

Айтилганидек, ушбу гапнинг кесими бўлиб келган “эътироз билдирарди” феъли орқали эҳ ундовининг эътироз маъносини янада кучайтиришга хизмат қилгани англашилади.

Ундовларнинг қайси маъно-мазмунда қўллангани улар учрайдиган гапларнинг таркибидаги модал сўзлардан ҳам билиниб туради: If people only knew! It's the most priceless thing a man can have and they're such fools they don't even know it's something to aim at (S.M. The Lotus Eater, 801) – Эҳ, агар одамлар мана шу нарса, яъни бекорчилик ва

## TILSHUNOSLIK

халоват инсон ўз умрида ҳаётдан олиши мумкин бўлган энг улуғ неъмат эканлигини билганларида, англаганларида эди... Лекин афсуски, билишмайди... (М.О. Нулуфар гулининг томи, 118).

Ушбу матнда қўлланган **афсуски** модал сўзи **эх** ундовининг ҳам афсусланиш маъносида қўлланганига ишора қилиб туради.

**Эх** ундови афсусланиш ва ачиниш маъноларида жуда кенг қўлланади: *It's rather a grim story (S.M. The Lotus Eater, 805) – Эх... Бунисини сўрама, ниҳоятда аянчли воқеа (М.О. Нулуфар гулининг томи, 135).*

**Эх** ундови чексиз ҳайратланиш ва завқланиш маъноларида ҳам қўлланилади. Эҳтимол, шу хусусияти унинг таржима жараёнида инглиз тилидаги **oh** ундовига муқобил вариант сифатида танланишига йўл беради. Чунки ҳар иккала тилда ҳам бу ундовлар ҳайратланиш ва завқланиш маъноларини ифодалаш учун хосланган.

*By George, it's like the garden of Eden (S.M. Mackintosh, 111) – Эх, жин урсин! Бунча сўлим бўлмаса... нақ жаннатнинг ўзи-я! (М.О. Макинтош, 162).* Кўриняптики, бу гапда **эх** ундови орқали ҳайратланиш ва завқланиш маънолари ифода этилмоқда.

Айрим ҳолатларда сўзловчининг тингловчини ўзига ўта яқин олаётгани, унга тўғри йўл кўрсатувчи маслаҳатлар беришга уринаётганини билдириш мақсадида **эх** ҳис-ҳаяжон ундовидан фойдаланиши англашилади. Бунинг исботини куйидаги мисоллар тасдиқлайди: *That was only a bluff. They wouldn't hurt me (S.M. Mackintosh, 122) – Эх, азизам, бу гапларни қўйинг... Улар шунчаки мени чўчитиб қўйишмоқчи бўлишди, холос... (М.О. Макинтош, 203); You'll have to grow a little bit older before you stand much chance against me, Mac (S.M. Mackintosh, 123) – Эх, азизим Мак, – дерди у, – сиз ҳали мен билан баҳслашишга жуда ёшлиқ қиласиз (М.О. Макинтош, 206).*

Ўзбек тилига мансуб **эх** ҳис-ҳаяжон ундови инглизча матнлар ўзбекчага ўгирилаётганда инглиз тилидаги **oh** ҳамда **you** ундовларига муқобил вариант сифатида танлангани аёнлашди. Масалан:

*Oh, if you wait for that, you'll wait a long time (S.M. Rain, 17) – Эх-ҳе, қуёшни ҳали узоқ кутасиз (А.О. Ёмғир, 12).*

**Эх-ҳе** кўринишида келган ҳис-ҳаяжон ундовида интензивлик, маънони кучайтириш ҳолати намоён бўлади: *I read a great deal (S.M. The wash-tube, 809) – Эх-ҳе, қанчадан-қанча китобни ўқиб чиқдим (А.О. Куртоғора, 112).*

*You men! Ана You filthy, dirty pigs! You're all the same, all of you. Pigs! Pigs! (S.M. Rain, 39) – Эх, эркалар! Сенларнинг сассиқ тўнғиздан фарқинг йўқ! Ҳамманг бир гўрсан. Тўнғизлар! (А.О. Ёмғир, 50).*

**Ўх-хў-ў** кўринишида қўлланилган ҳис-ҳаяжон ундови кутилмаган катта хурсандчилик ҳолатини англашишга хизмат қилади. Масалан: *Ўх-хў-ў, бу Ватоннинг иши-ку! – дея хурсандчилигини ошкор этди у (М.О. Омади чопган мусаввир, 22).*

**Ўх-ху** кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундови чексиз ҳайратни ифодалашга хизмат қилади: *Ўх-ху, орадан шунча йил ўтиб кетибди-я, даҳшат... (М.О. Ажал таъқиби, 53).*

Ўзбек тилида сўз кўринишидаги ҳис-ҳаяжон ундовларининг алоҳида ўрни бор. **Илло** шундай ундов сўзлардан биридир: *Илло, сиздек шотлондиялик бундай нозик ҳазилни тушунмоғи учун уни аввал операция столига ётқизиш керак бўлади! Ха-ха-ха! (М.О. Макинтош, 157).* Таржимада берилаётган ушбу гап аслида аслиятда куйидагича ифодаланган: *There's only one way to make a Scotchman see a joke and that's by a surgical operation (S.M. Mackintosh, 110).*

Кўпинча буйруқ-хитобни англаиб келувчи **ҳой** сўзи тингловчини огоҳлантириш, хушёрлантириш, тўғри йўлга ундаш *You dirty dog (S.M. Mackintosh, 112) – Ҳой, пандавақи итвачча, оғзинга қараб гапир! (М.О. Макинтош, 166)* ёхуд уни нимагадир чорлаш, даъват қилиш, эътиборини жалб қилиш мақсадида қўлланилади: *Come here (S.M. Mackintosh, 119) – Ҳой, Манума! Қани, бери кел-чи (М.О. Макинтош, 194).*

**“Воҳ”** сўзи иштирок этган ундов гаплар мазмунида сўзловчининг кўрқуви, ваҳимаси акс этиб туради: *By George, if he hadn't missed me I'd have been in a nice state (S.M. Mackintosh, 115) – Воҳ, жин урсин! Агар ўша ярамас, салгина янглишмаганда, мени нақ асфаласофинга жўнатаркан... (М.О. Макинтош, 179).*

## TILSHUNOSLIK

**Вой** сўзи қатнашган куйидаги ундов гапда сўзловчининг ёзғириши (сўқиниши ва қарғаниши) юзага чиққан: *The devil, the impudent devil* (S.M. Mackintosh, 115) – **Вой, иблис-ей! Вой, сурбет, ярамас, пандавақи-ей!** (М.О. Макинтош, 179).

Умумлаштириб айтганда, ҳис-ҳаяжон ундовлари куйидаги маъноларни ифодалаши мумкин:

**Севинч, мамнунлик:** *This is very sudden* – **Вой**, бу мен учун кутилмаган совға-ку! [18].

**Қайғу-ҳасрат ва хафагарчилик:** *It's so humiliating to have to beg for love. Misery, misery* – **Сенинг ишқингни сўраб ялиниш шу қадар ҳақоратлики! Эҳ, нақадар бахтсизман!** [44].

**Кўрқув:** *It's dreadful. I can't bear the thought* – **Даҳшат!** Буни ўйлашнинг ўзи кўрқинчли! [93].

**Чақирик:** *Oh, my dear, remember what we've just heard* – **Эҳ**, жонгиним, у тўғрисида сенга айтиб беришган гапларни эслаб кўр [62].

**Ачиниш, афсусланиш ва безовталаниш:** *Ah, I wish I could make you see the enchantment of that spot, a corner hidden away from all the world, with the blue sky overhead and the rich, luxuriant trees* (S.M. The Moon and Sixpence, 206) – **Эҳ**, мен оламнинг кўзидан яширин бу овоқ жойларнинг бутун ўзаллигини, беғубор осмони-ю, айқуриб ўсиб ётган дарахтларини **чиза олганимдайди!** (Р.И. Ой ва чақа, 206).

**Таажжуб ёки ажабланиш:** *There wasn't any need to insult her that I can see, I said. After all, it was rather a compliment she was paying you* (S.M. The Moon and Sixpence, 54) – Уни ҳақорат қилишнинг нима зарурати борлигига тушунмайман. **Ахир** у кўп одамлар орасидан сизни танлаган эди-я... (Р.И. Ой ва чақа, 54).

**Ҳайрат:** *A fruit-piece! I exclaimed in surprise* (S.M. The Moon and Sixpence, 229) – **Беадаб! Ахир** бу натюрморт-ку! – ҳайронликдан хитоб қилиб юбордим (Р.И. Ой ва чақа, 229).

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, таажжуб, ажабланиш ва ҳайрат маъноси, асосан, икки муносабат билан туғилади: а) иш-ҳаракат ёки бирор белгининг сўзловчи кутганидан ортик бўлгани, яъни миқдор жиҳатидан кўплиги; б) иш-ҳаракатнинг кутилмаган пайт ёки ўринда содир бўлиши.

**Эътироз ва норозилик:** *It's impossible to leave him in that wretched hole* (S.M. The Moon and Sixpence, 99) – **Ахир** уни лаънати каталакда қолдириб бўлмайди-ку! (Р.И. Ой ва чақа, 99).

**Воқеага ишончсизлик билан қараш, иккиланиш, тезда эспай олмай тараддудланиш:** *Do you mean to say you've had nothing to eat or drink for two days? It's horrible* (S.M. The Moon and Sixpence, 96) – **Наҳотки** сиз икки кундан бери бирор нарса емай ва ичмай ётибсиз? **Даҳшат-ку!** (Р.И. Ой ва чақа, 96).

**Қаноатланганлик:** *Oh, nothing. She forced a smile to her ashy lips. I haven't been sleeping very well the last two or three nights* – **О**, ҳеч қандай кўрқинчли ери йўқ, қони қочган лабларида изтиробли табассум пайдо бўлди [114].

**Нохушлик, истамаслик:** *Oh, you mustn't. Michael shouldn't have asked you. I won't have it* – **О**, Майкл сиздан буни сўрамаслиги керак эди. Мен буни хоҳламайман [51].

**Огоҳлантириш:** *Damn you, don't hold that girl as if she was a sack of potatoes* – **Жин урсин сизни**, қизни гўё бир қоп картошкани тутгандек ушламанг! [16].

**Ғазаб, нафрат ва жирканиш:** *You brute. You rotten hound to hit a woman* – **Ярамас! Ифлос ит!** Аёл кишига қўл кўтаришини-чи! [36].

**Мағрурлик:** *You don't understand, said Julia haughtily* – **Эҳ**, сиз тушунмайсиз! – деди мағрурлик билан Жулия [39].

**Ғурурланиш:** *Oh, my love, don't you know there isn't anything in the world I wouldn't do for you? It'll be so wonderful; it'll bring us so close together and I shall be so proud of you* – **Оҳ**, менинг муҳаббатим, ахир сиз учун дунёда ҳамма нарсага тайёр эканлигимни билмасмидингиз! Бу бирам ажойиб бўлади, бизни шу қадар яқинлаштирадики... Мен сиз билан ниҳоятда ғурурланаман! [51].

**Пушаймонлик:** *The blasted fool, why does he talk all that rot?* – Қандай қилиб шунақа аҳмоқликка йўл қўйдим! [82].

**Менсимаслик ва камситиш:** *You bloody swine, how dare you talk to me like that? It's you theham – Жин ургур, чўчка! Мен билан шу тариқа гаплашишга қандай ҳаддине сиғди?! Узинг истеъдодсиз нўноқсан!* [163].

Ҳис-ҳаяжон ундовлари сўзловчининг ички руҳий ҳолати-ҳаяжонини ифодалаши билан бирга, унинг жисмоний сезгиси билан боғлиқ бўлган эмоционал “кичқириқлари”ни ҳам ифодалайди. Бундай ундовларнинг шаклий томони ҳам одатдаги эмоционал ундовлар каби дир. Ўз навбатида, улар қуйидаги эмоционал оттенкаларни ифодалайди: а) руҳий кечинмалар билан боғлиқ руҳий ҳолатларни; б) жисмоний чарчаш билан боғлиқ бўлган руҳий ҳолат ва вазиятларни; в) жисмоний тана оғриқларини.

Ундовларнинг бир қисмини кўрсатиш (демонстратив) ундовлари ташкил этади. Бунга **хув, ху, хў, ҳо, ҳов, ҳав** ва ҳоказони мисол қилиш мумкин. Улар нарса-предмет ёки воқеа-ҳодисанинг ўрин ва вақтга муносабатини умумий тарзда англатади. Бунда ўрин ва вақт, нарса-предмет ёки воқеанинг ўзидан ажратилмаган ҳолда тасаввур қилинади. Шунинг учун кўрсатиш ундовларининг маъносида маълум даражада субстантив оттенка мавжуддир.

Ундовларнинг яна бир қисмини **ҳа, ҳа-ҳа, ху, ғув, ҳов, хўп** таъкид ва жавоб ундовлари ташкил этади. Улар аввал баён қилинган фикрни таъкидлаб, унинг мазмунини кучайтириш ёки тасдиқлаш, маъқуллаш каби маъноларни ифодалайди.

Тингловчига қаратилган эмоционал ундовлар сўзловчининг адресатга бўлган талаби, хоҳиши, истаги каби муносабатларни ифодалайди. Бу ундовларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: 1) вокатив ундовлар; 2) императив ундовлар; 3) расм-одат ундовлари; 4) табрик ундовлари.

Вокатив ундовлар нутқнинг тингловчига қаратилгани ёки унинг чақирилаётганини ифодалайди: **Ҳой, полковник, менга ишқий ўйинлар қилмаганингиз маъқул!** [30].

**Ҳай, ай, ҳей, эй, ҳой, алла** каби вокатив ундовларнинг тингловчи ҳақида тасаввур туғдирса ҳам, уни ажратиб, атаб кўрсатмайди.

**Ма, тисс, марш, бас** ва бошқа императив ундовлар сўзловчининг тингловчига нисбатан буйруғи, истак-хоҳишини ифодалайди: “Бас, бақирманг!”.

Расм-одат ундовлари кишиларнинг учрашиши, айрилиши вақтида сўзловчининг тингловчига бўлган муносабатини ифодалайди. Булар бошқа сўз туркумларидан кўчган **ҳорманг – бор бўлинг** (феълдан); **эсонмисиз-омонмисиз** (сифатдан); **хайр, марҳамат, салом** (отдан) сингари янги ундовлардир. Улар нутқда ўзлари тааллуқли бўлган сўз туркумларига хос семантик ва синтактик хусусиятларига кўра ҳам қўлланилади, бироқ ундов сифатида ишлатилганида, ўзига хос хусусиятларини йўқотади.

Табрик ундовлари ҳам расм-одат ундовлари каби янги ундовлардан бўлиб, сўзловчининг бирор киши ёки унинг ишини маъқуллаши, табриклашини ифодалайди. Бунга **баракалла, офарин, балли, раҳмат, ташаккур** каби сўзлар киради. Бундай ундов сўзларни қўллашда кишиларнинг ёши ва тажрибасидан келиб чиқилади. Негаки, **баракалла, балли** ундовларини этик нуқтаи назардан ҳар доим катталарнинг кичикларга айтиши белгиланган.

Ўзбек тилида мавжуд бўлган **чуҳ, чих, чўк, пишт, кишт, беҳ-беҳ, баҳ-баҳ, ти-ти, ту-ту, куч-куч, пиш-пиш, хих, их, ишш, хўш, чурей-чурей, турей-турей** сингари сўзлар буйруқ-хитоб ундовлари қаторига киритилади. Улар, асосан, ҳайвонларни чақириш, тўхтатиш, даъватлантиришга қаратилганлиги билан ҳис-ҳаяжон ундовларидан фарқланади.

А.С.Дибовский ундов сўзларнинг номинализация, адвербиализация, вербализация, синтактик ассимиляция хусусиятларига қодирлигини таъкидлайди [5]. Дарҳақиқат, айнан номинализация хусусиятига эга бўлгани учун ундов сўзлар гапда эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол вазифаларида кела олади. Масалан:

Ундов сўзнинг **эга** вазифасида келиши: **Дод** солманг.

Ундов сўзнинг **кесим** вазифасида келиши: Иши **оҳ-воҳ**, бошқасини билмайди.

Ундов сўзнинг **аниқловчи** вазифасида келиши: Ниҳоят, **ура** товуши янгради.

Ундов сўзнинг **тўлдирувчи** вазифасида келиши: Боланинг аламли **вой-войига** тоқат қилиш қийин эди.

Ундов сўзнинг **ҳол** вазифасида келиши: Унинг гапига **туф** деб, қўл силтади.

**Хулоса.** Демак, эмоционал ундовлар от, равиш, феъл характерида бўлиб, шунга кўра учга бўлинади. Шундан келиб чиқиб, баъзан синтактик вазифа ҳам бажаради. Ундов

## TILSHUNOSLIK

сўзлар синтактик вазифасига кўра гапда (гап ичида) ва гапдан ташқарида ишлатилиши мумкин.

Шуни айтиш керакки, ундов сўзлар синтактик вазифа бажариши, хусусан, эга, аниқловчи ва тўлдирувчи вазифасида келиши учун отлашиши лозим бўлади. Ундовлар фақатгина отлашган ҳолатда турланади. Бошқа ҳолатда эса улар турланмаслиги билан қолган сўз туркумларидан фарқланиб туради. Ундовлар махсус грамматик кўрсаткичларга ҳам эмас. Улар синтактик қўшимчалар (алоқа-муносабат шакллари)ни қабул қилолмаслиги ҳамда лексик (аташ) маъносининг мавжуд эмаслиги сабабидан гап таркибида бошқа бўлақлар билан боғлана олмайди ва бундай ҳолатда гап бўлаги сифатида тан олинмайди.

Ўзбек тилидаги ундовларнинг энг характерли синтактик вазифаси бир таркибдан иборат бўлган айрим гап сифатида буйруқ, истак, ҳис-ҳаяжон каби туйғуларни ифодалашида намоён бўлади.

Ундовларнинг гап сифатида ишлатилиши уларнинг семантик жиҳатдан гуруҳланиши билан бевосита боғланади. Масалан, тингловчига қаратилган эмоционал ундовлар билан буйруқ-хитоб ундовлари феъл кесимли гаплар каби ўз ундалмасига эга бўлиши мумкин. Аммо ҳис-ҳаяжон ундовлари, одатда, ундалма олмайди.

## АДАБИЁТЛАР

1. Смирницкий А.И. Значение слова // Вопросы языкознания. – М. 1955. – № 2. – С. 80.
2. Henie P. Language, thought and culture. Ed. – USA: University of Michigan Press, 1958
3. Травничек Фр. Некоторые замечания о значении слова и понятия. – Вопросы языкознания. – 1956. – №1; Искос А.М., Ленкова А.Ф. Выражают ли междометия понятия? Уч. зап.ЛГУ.Сер.филол.наук. – 1958. – Вып. 48. – № 260; Виноградов В.В. Русский язык.
4. Грамматическое учение о слове. Учебное пособие. — 2-е изд. – М.: Высшая школа, 1972. – С.601
5. Торопцев И.С. Язык и речь. – Воронеж, 1985. – С.101.
6. Дыбовский А.С. Универсальные свойства междометий и их лингвистическое описание. – Владивосток, 1983. – С.29.

УДК: 811.116

**АУДИОВИЗУАЛ ЛУҒАТ ЯРАТИШ ТАЖРИБАСИДАН  
ИЗ ОПЫТА СОЗДАНИЯ АУДИО ВИЗУАЛЬНОГО СЛОВАРЯ  
FROM THE EXPERIENCE OF CREATING AN AUDIOVISUAL DICTIONARY**

**Ширинова Раима Хакимовна**

*ЎзМУ француз филологияси кафедраси профессори, ф.ф.д.*

**Таянч сўзлар:** электрон луғат, визуал, аудиовизуал луғат, компьютер дастурлари, амалий-назарий босқич, синов-экспремент босқич, техник босқич.

**Ключевые слова:** электронный словарь, визуальный, аудиовизуальный словарь, компьютерные программы, этап практического уровня, тестовый примерный этап, технический уровень.

**Key words:** electronic dictionary, visual, audiovisual dictionary, computer programs, practical-level stage, test-exemplary stage, technical level.

*Мазкур мақолада замонавий луғатларнинг янги авлоди, яъни визуал ва аудиовизуал луғатлар яратиш хусусида сўз боради. Аввало, бу борада олиб борилган илмий тадқиқотлар ўрганилади, луғат яратиш принциплари таҳлил қилинади. Хорижда яратилган электрон визуал луғатлар ўрганилди. Тадқиқот натижасида яратилган миллий-маданий сўзларнинг аудиовизуал луғати ва уни яратиш усуллари тўғрисида маълумот берилди.*

*Эта статья посвящена созданию нового поколения современных –визуальных и аудиовизуальных-словарей. В первую очередь изучены научные исследования по данному предмету и проанализированы принципы формирования словаря, а также произведен обзор создания зарубежные электронных визуальных словарей. Результаты исследования предоставляют информацию об аудиовизуальном словаре национальных и культурных слов и принципах их создания.*

## TILSHUNOSLIK

*This article is devoted to the creation of a new generation of modern dictionaries, that is, visual and audiovisual dictionaries. Firstly, the principles of the formation of the dictionaries are studied, next research outcomes are discussed. Electronic visual dictionaries which are created by foreign scholars are analyzed. The research results provide information on the audiovisual dictionary of national and cultural texts and their principles.*

**Кириш.** Замонавий фан - таълимни луғатсиз тасаввур этиб бўлмайти, шунинг учун ҳам бугунги кунда луғатларнинг янги авлоди, яъни электрон луғатлар, овозли луғатлар, визуал луғатлар, автоматик таржима луғатлари каби бир қанча луғатлар яратилмоқда. Д.М. Юнусова “Роль электронного словаря в современном мире” мақоласида электрон луғатларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, уларнинг иш-фаолият самарадорлигини оширишда тезкор восита бўлиб хизмат қилишини эътироф этиб, “XXI аср – лексикографиянинг олтин асри”га айланди, дея таъкидлайди [13,74].

Хорижий манбалар тадқиқи шуни кўрсатдики, луғатшуносликда “визуал луғат” ва “аудио луғат” тушунчалари мавжуд бўлиб, ушбу тушунчалар ўзаро умумийликда, яъни “аудиовизуал луғат” шаклида қўлланилади. Интернет тизимида хорижий тилни ўргатувчи сайтларда маълум бир мавзуга оид сўзлар жамланмаси расм, ёзув ҳамда сўзнинг талаффуз қилиниши билан бирга келтирилади. Масалан, [www.francaisfacile.fr](http://www.francaisfacile.fr), [www.tv5monde.com](http://www.tv5monde.com) каби сайтларда шу ҳолат кузатилади. Мазкур дастурлар ва ўқув қўлланмалар компьютер имкониятлари орқали яратилгани боис дастурловчи мутахассислар уларга электрон луғатлар ёки таржима қилувчи махсус дастур деб таъриф беришади. Шунингдек, интернет тармоқларида маълум бир йўналишни қамраб олувчи бир қанча дастурлар мавжуд бўлиб, расмий рўйхатларда ўзининг махсус номи билан аталади. Масалан, “Larousse” ва “Le Robert” каби электрон дастурлаш тизимида берилган луғатларни олайлик, уларда келтирилган сўзларнинг баъзилари тасвирий ифодалар ҳамда махсус талаффуз қилиш механизмига эга, бироқ бундай луғатлар фақат ўз номи остида берилади.

**Асосий қисм.** “Аудиовизуал” тушунчасининг истилоҳий моҳиятини аниқлаб олишда, даставвал, луғатшуносликда узоқ йиллик тажриба ва ютуқларга эга “Larousse” луғатларига мурожаат қилдик. Луғатнинг расмий сайтида “аудиовизуал” тушунчасига куйидагича таъриф берилган:

1. Se dit d'une technique ou d'une œuvre associant l'image et le son (расм ва товушга асосланган техника ёки асар-ишланмага айтилади).

2. Se dit d'une méthode d'enseignement fondée sur la sensibilité auditive et visuelle de l'élève (ўқув фаолияти давомида ўқувчининг эшитиш ва кўриш сезгисига асосланган усулга айтилади) [18].

Тушунчага берилган таъриф-тавсифлар шуни кўрсатдики, тасвир ҳамда товушга эга маълум техник асосдаги ишланма аудиовизуал хусусиятга эгадир. Башарти тузилажак луғатда сўзларнинг таржимаси, ўқилиши ҳамда тасвири келтирилган экан, демак, бундай луғатларни “аудиовизуал луғат” деб аташ мумкин. Аудиовизуал ишланмалар XIX аср ўрталарида пайдо бўлган ва XX асрнинг 40йилларида луғатларда ахборот технологиялари атамаси сифатида истеъмолга киритилган. Айни пайтда эса аудиовизуал ишланмаларнинг кўплаб турлари мавжуд. Биринчидан, бундай ишланмалар турига бугунги кунда ўта мураккаб тузилишга эга телевизион ишланмалар киради. Шунингдек, таълимда фойдаланиладиган, товуш ва тасвирга эга содда ўқув дастурлар ҳам аудиовизуал ишланмалар қаторида берилади. Француз олими Жилл Делавод тадқиқотлари шуни кўрсатдики, аудиовизуал ишланмалар кенг қамровли бўлиб, товуш ва тасвирга эга барча ишланмалар унинг таркибидан ўрин олиши мумкин. Бироқ олимнинг таъкидлашича, Бейлот, Жак Омонт ҳамда Мишел Шинон каби бир қанча лексикографлар мазкур тушунча юзасидан турли қарашларга эга бўлиб, улар ўз луғатларида “аудиовизуал” атамасига ўзаро фарқли таъриф-тавсифлар беришган. Жумладан, Le Grand Robert луғатида келтирилишича, бир пайтнинг ўзида эшитиш ва кўриш мумкин бўлган ўқув дастури аудиовизуал дастур бўлиши мумкин. Бироқ баъзи киношунос олимлар аудиовизуал ишланмалар луғатини тузишар экан, ушбу рўйхатга электрон ўқув қўлланмаларни киритишмайди. 2010 йилда Францияда *Journal officiel* матбуотида фаолият юритувчи бир гуруҳ тадқиқотчилар томонидан чоп этилган аудиовизуал луғат ана шундай луғатлар сирасига киради.



Юқорида таъкидланганидек, компьютер дастурлари тизимида маълум мавзуга оид сўз, тасвир ва товушга эга бир қанча дастурлар мавжуд бўлса-да, ушбу қўлланмалар расман “аудиовизуал луғатлар” деб номланмаган. Бунга мазкур дастурлар лексикограф тадқиқотчилар томонидан эмас, балки ахборот технология соҳаси мутахассислари томонидан тузилгани, шунингдек, барча жабҳаларда кенг қўлланилувчи бундай ишланмаларнинг турли соҳа вакиллари томонидан турлича номда қабул қилинганлиги ҳам сабаб бўлиши мумкин. Масалан, америкалик олим Э.М. Дюран ўз тадқиқотида хорижий тилларни ўрганишда фойдаланиладиган тинглаш, кўриш ва ўқиш-ўрганиш мумкин бўлган ўқув қўлланмаларни “аудиовизуал ишланмалар” деб номлайди. Унинг таъкидлашича, таълимда аудиовизуал ишланмалар нафақат ўқувчини жалб қилиш, балки социокультурологик мавҳумликларни очиб беришда ҳам муҳим восита саналади. Тадқиқотда, шунингдек, Руиперезнинг статистик маълумотлари ҳам келтириб ўтилган бўлиб, унга кўра, инсон 10% аудио (яъни эшитиш) манбалар, 20% визуал (яъни кўриш) манбалар ва ниҳоят 65% аудиовизуал (яъни эшитиб кўриш) манбалар орқали ўрганади [14]. Демак, ўқиб ўрганишда манбани бир пайтнинг ўзида ҳам кўриб, ҳам эшитиш самарали натижани беради.

Эстер Дюран тил ўрганишда интернет ва аудиовизуал ишланмалардан фойдаланишнинг ижобий ҳамда салбий жиҳатларини санаб ўтар экан, миллатлар ўртасидаги маданий хилма-хилликни тушуниш ва уни тўғри қабул қилишда аудиовизуал ишланмаларнинг ўрни беқиёс эканини алоҳида таъкидлайди. Мақоланинг эътиборга молик жиҳатларидан бири шундаки, тадқиқотчи таълим тизимида фойдаланиладиган товушли кўргазма воситаларини айнан “аудиовизуал материаллар” деб атаган.

Буа-де-Болонг коллежи ахборот технологиялари мутахассиси Розалин Дюфолт электрон манбалаш тартиби хусусида кўрсатмалар бериб ўтган қўлланмасида, аудиовизуал ҳужжатлар тўпламини алоҳида келтириб, ушбу рўйхатга тинглаб ўқиш мумкин бўлган, яъни CD ёзувли китоблар, видео дарсликлар, шу билан бирга кинофильмларни ҳам киритади [17]. Страсбург университети мутахассислари кино ва видео таржималарини аудиовизуал таржима деб аташган бўлса, Россия университетининг олими Н.Ф.Хилько умуман телевидение оламида мавжуд атамалар луғатини “Аудиовизуальная культура” деб номлаган [12, 149]. Мазкур луғатда ОАВ, кино санъати ҳамда телевидениеда қўлланилувчи термин ва тушунчалар бир қанча жумлалар воситасида шарҳланган бўлиб, француз терминологиялар луғатидан фарқли ўлароқ, инглиз тилидаги таржималари берилмаган.

Рус тадқиқотчиларидан бири А.В. Хуторской ўзининг «Средства обучения» ўқув қўлланмасида таълимда фойдаланиладиган аудиовизуал воситалар жумласига қуйидагиларни киритиб ўтади: расм, видеотасвир, аудиоқўчирма, мавзунини ёритиб берувчи барча турдаги мультимедиялар, кўргазмали ифодалар, дастурий амаллар ҳамда компьютер воситасида фойдаланиладиган турли информация [13, 541].

Интернет саҳифаларидаги ўзбек тилининг изоҳли луғатида эса “аудиовизуал асар” тушунчасига қуйидагича таъриф бериб ўтилган: “Ўзаро боғлиқ кадрларнинг (товуш жўрлигида ёки товуш жўрлигисиз) белгиланган тартибдан иборат бўлган, тегишли техник воситалар ёрдамида кўриш ёки эшитиш (товуш жўрлигида бўлса) орқали қабул қилиш учун мўлжалланган асар. Аудиовизуал асарлар ичига, уларнинг дастлабки ёки кейинги сақланишидан қатъий назар, кинематографик асарлар ва кинематография воситалари орқали тақдим этиладиган барча асарлар (теле- ва видеофильмлар, диафильмлар, слайдфильмлар ва шу кабилар) киради [21]. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг расмий сайтларида хабар берилишича, Қорақалпоғистон Республикасининг бир гуруҳ педагоглари 2013 йилда Дарменбай Қўнарбаев раҳбарлигида инглиз-ўзбек-қарақалпоқ-рус тилларидаги аудиовизуал луғатини ишлаб чиққан [22].

Бугунги кунда ушбу қоидалар инкор этилмаган ҳолда янги имкониятлар тақдим қилинмоқда. XX аср аввалида шаклланган расмий энциклопедик луғатлар бугунги кунга келиб “визуал” – янги авлод луғатларининг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилди [17, 56]. Бу эса тил ўрганувчи ҳамда луғатлардан фойланувчилар учун қўшимча имкониятлар яратиб, тушуниш ва тасаввур қилиш қийин сўзларнинг тасвирий ифодасини луғатларда акс эттиради.

Россияда электрон луғатлар тузиш масаласига қаратилган Н.А. Агапова, Н.Ф.Картофелеваларнинг “О принципах создания словаря лингвокультурологического

## TILSHUNOSLIK

типа: к постановке проблемы” мавзусидаги тадқиқотида компьютер лексикографияси бугунги кундаги долзарб соҳаларидан бўлиб, уларни ишлаб чиқишда кўплаб соҳаларга мурожаат қилиниш кераклиги таъкидланади. Шунингдек, олималар электрон луғатлар тузишнинг асосий босқичларини назарий асосларда тақдим этадилар. Улар қуйидагилар:

биринчи босқич - керакли сўзларни жамлаш ва уларнинг лингвомаданий хусусиятларини ўрганиш;

иккинчи босқич - луғатнинг умумий концепциясини техник таъминотчи билан биргаликда ишлаб чиқиш;

учинчи босқич - асосий талабларни аниқлаштирган ҳолда техник имкониятлар билан мувофиқлаштириш;

тўртинчи босқич - сўзни электрон луғатдан излаш масалаларини компьютер технологияси асосида ишлаб чиқиш;

бешинчи босқич - луғатнинг лингвокультурологик имкониятларини техник имкониятлар билан умумлаштирган ҳолда қулай таҳлил қилиш дастурини ишлаб чиқиш;

олтинчи босқич - тайёр бўлган дастурни илмий ва лингвокультурологик жиҳатдан қайта текшириб чиқиш [1, 6-10].

Мазкур ишда Россияда ишлаб чиқилган АБВҲҲ ва DSL электрон луғат программалари хусусида ҳам тўхтаб ўтилган бўлиб, улар асосан икки тилли луғатлар тузишга мўлжалланган. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, бугунги кунда компьютер тараққиёти сўзни тез ва осон топиш билан бирга, сўз ҳақида қўшимча маълумотлар тақдим этади. Айни дамда талаффузи, расми ва видеосини кўриш имкониятини ҳам беради. Бироқ ушбу мақолада бугунги кунда электрон луғатларнинг илмий асослари заиф экани танқид остига олинган. Бунга сабаб электрон луғатлар тузиш жараёнида техник-ташкилий ишлар, яъни дастурий таъминот бош омил бўлиб, сўзларнинг маъносини тўлиқ очиб бериш иккинчи ўринга тушиб қолганлигидадир.

Электрон луғатлардан фойдаланиш, айниқса, Ғарбда кенг тарқалган бўлиб, электрон сўровлар ва электрон каталоглар ҳам шулар жумласидандир. Инглизча электрон луғатларнинг асосий, машҳур манбаларидан бири Encyclopedia Britannica энциклопедиясидир [14, 75]. Бугунги кунда “Lingvo” номли замонавий электрон луғати ҳам мавжуд бўлиб, изоҳли луғатларга нисбатан ушбу кўп тилли луғат таржимада кенг фойдаланиб келинмоқда [5, 26].

Француз луғатшуноси Ален Рей француз тили маданиятига оид луғатининг ҳам электрон шакли ишлаб чиқилган. Яъни луғатни электрон китоб дастурида кўриш мумкин. Бироқ бу бошқа дастурлардан батамом фарқ қилади. Электрон луғатлар сўзни тез топиш ва тез таржима қилиш имконини бериши билан биргаликда, маданий сўзларнинг берилишида бир қанча принципларга асосланган.

Ўзбек лексикографиясида эса таржиманинг лексикографик муаммоларига бағишланган махсус тадқиқотлар олиб борилмаган бўлса-да, илмий журналлар ва конференция материалларида бу борада илмий мақолалар кўзга ташланиб турибди [8, 8-10; 11, 11-13; 7, 49-52].

Ҳар бир тилнинг негизи, асоси унинг фонетик тузилиши, грамматик қурилиш ва луғат манбаидан ташкил топади. Тилнинг қурилиши, луғат манбаи ва фонетик унсурларнинг ҳар бири алоҳида системани ташкил қилганидек, тилнинг ўзи ҳам яхлит ҳолда бутун бир макротизимни ташкил қилади. Ушбу тизимни тилнинг бир қанча индивидуал хос хусусиятлари бирлаштириб турибди. Тилдаги бу ўзига хосликлар халқнинг миллий қадриятлари ва урф-одатлари билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Чунинчи, миллий маданиятни ифодаловчи сўзлар шу қадриятлар асосида шаклланган бўлиб, улар тил луғат таркибининг энг асосий бойлиги ҳамда бошқа тиллардан ўзбек тилини фарқлаб туривчи бош манба саналади.

Рахимов Н. “Немисча-ўзбекча овозли электрон луғат тузиш принциплари ҳақида” сўз юритар экан, у махсус овозли луғатлар тузиш замон талаби эканини таъкидлаб, бундай луғатларни тузишни тўрт босқичга бўлишни таклиф қилади [10]. Яъни:

1. Таҳлилий-назарий босқич.
2. Амалий босқич.
3. Техник босқич.

## 4. Синов-эксперимент босқичи.

Тадқиқотчи овозли таржима луғатини яратиш борасида П.Н. Денисов, Э. Агрикола, В.М. Андрющенко, Э.Я. Алянскаяларнинг назарий фикрларига таянади. Айниқса, немис лексикографи Э. Агриколанинг луғатнинг макро ва микро структурасини кўриб чиқиш кераклиги тўғрисидаги фикрини қўллаб-қувватлайди [2,73; 6,205-217; 3,6-7;4,71-78].

Аслида аудиовизуал ишланмалардан барча соҳа вакиллари кенг фойдаланишса-да, ҳар бир мутахассис ушбу тушунчага ўз фаолият тури доирасига мувофиқ ёндашади. Жумладан, бу жараёнда информатика ва ахборот технологиялари мутахассислари учун кўриш ва эшитиш мумкин бўлган дастур аудиовизуал ишланма турига кирса, педагоглар расми, товушли барча ўқув қўлланмаларни, киношунос олимлар телевизион ишланмаларни, ахборот ресурс маркази мутахассислари эса барча видео ишланмалар ҳамда тинглаб кўриш мумкин бўлган электрон дастурларни назарда тутишади. Масалан, Россиянинг Ижевск вилоятидаги тил марказининг ўқув-услубий қўлланмалар бўлими мутахассиси Т.С. Привалова аудиовизуал қўлланмалар рўйхатига қуйидаги дастурларни киритган: **LONGMAN EXAMS COACH, JUST GRANDMA AND ME, ANDROMEDA CLASSIC LIBRARY, TOTAL ENGLISH [STARTER], HACHETTE MULTIMEDIA, LES 3 PETITS COCHONS, LES PAYS D'EUROPE PAYS [9].**

Юқорида берилган материаллар электрон дастурлар бўлиб, улардаги ҳар бир мавзу асосий тушунча ва сўзлар тасвирий ифода, товуш ҳамда машқлар билан тўлдирилган. Бугунги кунга келиб Ўзбекистонда замонавий технологияларга йўналтирилган кўплаб таълим муассасаларида ёш кадрлар томонидан инновацион ўқув дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Шунингдек, халқаро доираларда ҳам дастурловчи мутахассислар томонидан хорижий тилни ўргатувчи бир қанча ўқув дастурлари яратилган бўлиб, уларнинг аксарияти фақат сўзнинг таржимаси ва талаффузи, баъзан сўз, тасвир ва талаффуз ёки фақат сўз ҳамда тасвир билан чегараланади.

Афсуски, бугунги кунда ўзбек лексикографиясида миллий-маданий сўзларнинг изоҳли визуал икки тилли луғатлари мавжуд эмас. Ўзбек халқининг миллий маданиятига хос сўзнинг таржимаси, тасвири, ўқилиши ва таҳлилини қамраб оладиган бундай луғатни тузилишига кўра “аудиовизуал луғатлар” қаторига киритиш мумкин. Аудиовизуал луғатлар мавзу кўлами, сўзлардаги чуқур илмий-таҳлилий шарҳ, тасвирий ифода, шунингдек, талаффуз қоидалари билан таъминлангани билан бошқа дастурлардан ажралиб туради. Таржиманинг лингвомаданий муаммоларни ҳал этишда аудиовизуал луғатлар муҳим аҳамиятга эга. Зеро, айнан таржимада баъзи хатоликлар, яъни ўзбек миллатининг ўзига хос жиҳатларини очиб берувчи сўзлар хорижий тилларга нотўғри ўгирилгани кузатилади. Бундай сўзларни чет тилида бериш учун илмий-назарий тамойил асосида замонавий талабларга мос келувчи махсус луғат яратиш заруратини келтириб чиқаради. Зарурат давр талаби ушбу тадқиқот доирасида қайсидир даражада ўз ечимини топди. Юқорида таҳлил этилган аудиовизуал луғатлар ҳамда луғатларнинг компьютер дастури сифатида келтирилган намуналарида кузатилган камчиликларни инобатга олган ҳолда янги тузилган луғат қуйидаги тамойиллар асосида ишлаб чиқилди:

1) ўзбек миллий маданиятига хос сўзлар жамланиб, маъно-моҳиятига кўра гуруҳлаб чиқилди;

2) гуруҳланган сўзлар “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, “Ўзбек тилининг этимологик луғати”, тарихий ҳамда маҳаллий манбалар (асарларда учрайдиган баъзи миллий-маданий сўзлар ёзма манбаларда келтирилмаган) асосида шарҳланди;

3) ўзбек тилида берилган шарҳлар француз тилига таржима қилинди ва луғатга киритилди;

4) луғатга киритилган ўзбек миллий маданиятига хос ҳар бир предмет ва тушунча француз тилидаги транскрипция, яъни ўқилиш қоидаси билан берилди;

5) сўз шарҳига аниқлик киритиш, тасаввур ҳосил қилиш мақсадида уларнинг рангли тасвири (фотосурати) жойлаштирилди;

6) луғатда сўзларнинг қисқача грамматик (род ва сон) категориялари ҳам келтириб ўтилди;

7) ҳар бир сўзнинг айтилиши аудио тасмага ёзилиб, дастурловчи мутахассислар билан ҳамкорликда электрон луғат кўринишида ишлаб чиқилди.

## TILSHUNOSLIK

Яратилган луғатнинг тузилишига мувофиқ уни ҳақли равишда “аудиовизуал луғат” деб аташ мумкин. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, лексикография тарихида миллий-маданий сўзларнинг хорижий тилдаги шарҳи билан берилган бундай аудиовизуал луғат мавжуд эмас. Мазкур миллий-маданий сўзларнинг аудиовизуал луғати Ўзбекистон Миллий университети хорижий филология факультети “Француз филологияси” кафедрасида халқаро ҳамкорлик доирасида фаолият олиб борган волонтер-ўқитувчи, яъни тил соҳибни Франсуа Раблье номидаги Тур университети ўқитувчиси Жанатан Ле Конт билан ҳамкорликда тайёрланди. Миллий-маданий сўзларнинг ўқилиши аудитасмага туширилиб дастурлаштирилди. Ушбу аудиовизуал луғат ўзбек лексикографияси ва таржимашунослигида илк бор ишлаб чиқилган мультимедиа луғат турларидан ҳисобланади. Келажакда бу луғатнинг тузилиши ва ҳажмини қуйидаги тамойиллар ва қўшимчалар асосида кенгайтириш кўзда тутилади:

1. миллий қўшиқлар (маҳаллий қўшиқлар);
2. миллий ва маҳаллий рақслар ;
3. миллий ва маҳаллий таомлар;
4. миллий ва маҳаллий маросимлар;
5. фауна, флора, ҳайвонот дунёси;
6. рамз ва ранглар тўғрисидаги маданий маълумотлар ва бошқалар.

Шу билан бирга миллий-маданий сўзларнинг ички хусусиятларидан келиб чиқиб уларнинг тўлиқ этимологиясини киритиш мумкинлиги таклиф қилинади. Чунки таржиманинг лексикографик муаммолари ва ечими бу алоҳида мавзу бўлгани учун бошқа махсус тадқиқотни талаб этади. Юқорида таъкидланганидек, луғатнинг бадиий асослари ҳам мавжуд бўлиб, аудиовизуал луғатнинг тўлиқ шаклланган намунасида берилган миллий-маданий сўзлар таржима асарлардан келтирилган мисоллар ёрдамида шакллантирилади. Бунда, албатта, мисолларнинг энг тўғри ва таржима қонуниятларига мувофиқ келувчи варианты назарда тутилади.

**Хулоса.** Лексикография соҳасида илмий тадқиқотларни кўпайтириш, таржимашунослар билан ҳамкорликда луғатлар ёзиш, айниқса, таржимонлар учун махсус луғатлар яратиш каби вазифаларни ҳал қилиш лозим. Келажакда бундай таржима луғатларни икки ва кўп тилли луғатларга айланттириш мумкин. Бу эса ўзбек лексикографиясини жаҳон лексикографияси билан рақобатлашиш даражасига кўтарилишига пойдевор бўлади.

Таъкидлаб ўтганимиздек, таржиманинг долзарб муаммоларини ҳал этиш мақсадида тузилган ушбу луғат намуна тариқасида берилган бўлиб, келажакда мазкур амалиёт кенгайтирилган ҳолда бир қанча қонуниятларга мувофиқ ишлаб чиқилади. Маълумки, ҳар бир яратилажак янги манбалар ўзининг ҳуқуқий, илмий ҳамда бадиий асосига эга. Масалан, таълим тизимига янги инновацион луғатнинг жорий этилиши давлат томонидан белгиланган кўплаб қонуний ҳужжатларга таянади.

“Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури”да баркамол шахс тарбияси давлат аҳамиятига молик муҳим масала, устувор йўналиш сифатида белгиланди. Бу мақсадга эришишнинг самарали воситаларидан бири ўқитишнинг илғор шакллари ва янги педагогик технологияларни, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига жорий этишдан иборат.

## АДАБИЁТЛАР

1. **Агапова Н.А., Картофелева Н.Ф.** О принципах создания словаря лингвокультурологического типа: к постановке проблемы. – Томск, 2014. –С.6-10.
2. **Агрикола Э.** Микро -, медио- и макроструктуры как содержательная основа словаря //Вопросы языкознания. – 1984. - №2. – С. 73.
3. **Алянская Э.Я.** К проблеме отражения многокомпонентных терминов и терминологических сочетаний в отраслевых словарях //Проблемы общей и терминологической лексикографии. – Баку, 1978. – С.6-7.
4. **Андрющенко В.М.** Автоматизированные лексикографические системы//Теоретические и прикладные аспекты вычислительной лингвистики. –М., 1981. –С.71-88.
5. **Гринштейн Э.М.** Использование словарей в работе переводчика. – М., 2010. – С. 26.
6. **Денисов П.Н.** Об универсальной структуре словарной статьи // Актуальные проблемы ученой лексикографии. – М., 1977. – С. 205-217.

7. **Исмоилов Ю.Н.** Немис тилига хос сўзлар ва уларнинг икки тилли луғатларда ифодаланиши //Лексикография ва фразеологиянинг долзарб муаммолари. – Т., 2014. – Б. 49-52.
8. **Каримов Ш.** Луғатшуносликда лингвомаданий жиҳатлар. – Т., 2014. – Б. 8-10.
9. **Привалова Т.С.** Каталог учебно-методических материалов. – Ижевск, 2012.
10. **Рахимов Н.** Немисча-ўзбекча овозли электрон луғат тузиш принциплари ҳақида //Лексикография ва фразеологиянинг долзарб муаммолари. – Т., 2016.
11. **Рахимов Х.Р.** Таржима луғати: дефиниция, классификация ва иллюстрация //Лексикография ва фразеологиянинг долзарб муаммолари. – Т., 2014. – Б.11-13.
12. **Хилько Н.Х.** Аудиовизуальная культура. Словарь. – Омск.: Изд-во Омск. гос. ун-та, 2000. – 149 с.
13. **Хуторской А.В.** Практикум по дидактике и современным методикам обучения. – СПб., 2004. – С.541.
14. **Юнусова Д.М.** Роль электронного словаря в современном мире //Лексикография ва фразеологиянинг долзарб муаммолар. – Т., 2014. – Б. 74.
15. **Esther Mediero Durán.** Les matériels audiovisuels dans l'apprentissage d'une langue étrangère et le rôle prépondérant des étudiants et des professeurs., Kentucky Board of Education, KY (États-Unis) – P. 87-102.
16. **Delavaud G.** De la création à l'exposition: les impermanences de l'oeuvre audiovisuelle, Professeur en sciences de l'information et de la communication, Université Paris 8., 2010. – P. 1-4.
17. **Jean Claude Corbeil.** Ariane archambault. Le Nouveau Dictionnaire visuel, version électronique. – Montréal, Québec Amérique, 2004.
18. **Roseline Dufault.** Comment rédiger une médiagraphie?, Collège de Bois-de-Boulogne, 2013. – P. 122-145.
19. [www.larousse.com](http://www.larousse.com)
20. [medieroesther@hotmail.com](mailto:medieroesther@hotmail.com)
21. [http://dic.zy.uz/uz\\_latn/resource/termview/130/uz\\_latn#uz\\_cyrl](http://dic.zy.uz/uz_latn/resource/termview/130/uz_latn#uz_cyrl) .
22. <http://eduportal.uz/uzb/info/article1298.html>

УДК: 808.1

**АЛИШЕР НАВОЙ ИЖОДИДАГИ ФОРС-ТОЖИКЧА ВОСИТАИ ТАШБЕҲ  
МОРФЕМЛАРНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**ЛИНГВОПОЭТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПЕРСИДСКО-ТАДЖИКСКИХ МОРФЕМ В  
ЛИРИКЕ АЛИШЕРА НАВОИ**

**LINGVOPOETIC PECULIARITIES OF PERSIAN-TAJIC SIMILE MORPHEMES  
IN THE WORKS OF ALISHER NAVOI**

**Чориев Таваккал Равшанович**

*БухДУ бошланғич таълим назарияси кафедраси профессори, филол.фан.номз.*

**Таянч сўзлар:** ташбеҳ, воситаи ташбеҳ, ташбеҳ турлари, лингвопоэтика, лингвопоэтик хусусият, лисоний ва услубий вазифа, ўхшатиш, ўхшатма, маънодош, маънодошлик катор.

**Ключевые слова:** “ташбеҳ” (сходства, сравнени), средства сравнения, виды “ташбеҳ”, лингвопоэтика, лингвопоэтические свойства, лингвостилистические задачи, синонимичность, синонимический ряд.

**Key words:** simile, means of simile, simile types, lingvopoetics, lingvopoetic peculiarity, linguistic and stylistic tasks, synonymy, synonyms.

*Мақолада Алишер Навоий ижодида учрайдиган “гун”, “ваш”, “фом”, “осо” форс-тожикча воситаи ташбеҳ морфемаларнинг лингвопоэтик, эмоционал-экспрессивлик бўёқдорлиги, услубий-бадий маънодошлик вазифалари ёритилган.*

*В статье освещены лингвопоэтические, эмоционально-экспрессивные окраски, художественно-стилистические оттенки лингвопоэтических персидско-таджикских морфем “гун”, “ваш”, “фом”, “осо”, использованные в лирике Алишера Навои.*

*The article expands on lingvopoetic, emotional-expressive means of lingvopoetical-persian-tajic morphemes “gun”, “vash”, “fom”, “oso” used in lyrics of Alisher Navoi.*

**Кириш.** Ўзбек ва тожик адабий тилларида морфемалар сон жиҳатидан бениҳоя кўп бўлиб, серунум, камунум, унумсиз хусусиятларидан қатъи назар ҳар иккала тилнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини ойдинлаштиришда восита сифатида хизмат қилади. Тадқиқотларга кўра, ўзбек адабий тилида форс-тожик тилидан кириб келган -бин (фол+бин), -бон (боғ+бон), -гир (фазо+гир), -ков (гўр+ков), -гор (талаб+гор), -кор (пахта+кор), -дор (пул+дор), -шунос (тил+шунос), -фуруш (чай+фуруш), -каш (арава+каш), -боз (дор+боз), -хўр (чай+хўр), -паз (ош+паз), -хон (китоб+хон), -навис (мақола+навис), -нома (таклиф+нома), -истон (Ўзбек+истон), -зор (гул+зор) каби сўнг, бад- (бад+нафс), ҳам- (ҳам+фикр), бар- (бар+ҳаёт), -бахш (шифо+бахш), -зада (алам+зада), -манд (давлат+манд), сер- (сер+унум), хуш- (хуш+феъл), -бин (калта+бин) каби олд кўшимчалар янги сўзларнинг юзага келишида хизмат қилиб келмоқда. Ушбу морфемаларнинг сўз ясаш омилларини тожик ва ўзбек адабий тиллари мисолида ойдинлаштиришни истиқболли ишларимиздан бири сифатида белгиладик.

**Асосий қисм.** Ўзбек ва тожик адабий тилларининг морфемик имкониятларидан чуқур хабардор бўлган зуллисонайн шоир Алишер Навоий шеърини ўхшатишларга бой. Ҳазрат ижоди мисолида ташбеҳни юзага келтирган форс-тожикча морфемалар ва уларнинг лингвопоэтик жиҳатлари хусусида фикр юритмоқчимиз. -гун, “-ваш”, “-фом”, “-осо” морфемалари X–XV асрларда тожик ва ўзбек тилларида серунум морфемалардан бири бўлган. Вақт ўтиши билан унумсиз ҳисобланиб, ўзбек ва тожик тилларининг морфемик захирасида архаик аффиксга айланган. Кейинчалик бу кўшимчаларнинг ўрнини ҳар иккала тилнинг нутқ услубларида, айниқса, ўзбек тилининг бадий услубида “-дек” (-дай) кўшимчаси ҳамда “каби”, “ўхшаш”, “сингари”, “худди”, “гўё”, “бамисоли”, “мисли”, “андоққи”, “чу”, “янглиғ” сўзлари, тожик тилининг бадий услубида “гўё”, “мисли”, “монанди”, “чун”, “чунон” ўхшатма воситалар эгаллаган. Таниқли назарийчи олимлар Иззат Султон “Адабиёт назарияси” [5], Анвар Ҳожиаҳмедов “Мумтоз бадиият луғати (Адабий жанрлар, шеър санъатлари, аруз ва қофия)” [6], Ёқубжон Исҳоқов “Сўз санъати сўзлиги” [7] номли китобларида юқорида қайд этилган морфемаларни ташбеҳ воситалари сифатида қайд этишган. Мисол: Зухра бегим олти йилдан бери тўшақда ёлғиз ётади. Унинг гулдай умри бевалиқда сўлиб боряпти (Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” асаридан).

Тожик ва ўзбек адабий тилларининг лингвопоэтик имкониятларини обдон билган Алишер Навоий форс-тожик воситаи ташбеҳлар билан биргалиқда бугунги кунда ҳам назмий ва насрий асарларда учрайдиган воситаи ташбеҳларни қўллаб, ташбеҳи муфассал, мужмал, муяққад, жамъ, тавсия, мафруқ, малфуф, акс, измор, маршрут, мутлақ, тавсия, тафсилнинг шаклланиши, ривож топиши ва барқарорлигига ҳисса қўшган. Қуйидаги байтда икки ўринда қўлланилган воситаи ташбеҳ “дек” биринчи сатрда файз-шукуҳ истаган инсоннинг сарв дарахти каби сарбаланд бўлиши, иккинчи сатрда паришон нақшларни дилкаш гул каби чиройли шаклга келишини таъмин этган ва ўхшатиш, ўхшатмали сўзларда “ташбеҳи мутлақ” (барқарор)ни юзага келтирган. Воситаи ташбеҳ “сарв”, “гул” сўзларига қўшилиб, бадий нутқнинг бўёқдорлигини, экстралингвистик ва лингвопоэтик таъсирчанлигини оширган. “Наводир уш-шабоб”дан байт:

Эйки, файз истарсен, ўзни **сарвдек** озода эт,

Ҳар паришон нақшдин сафҳангни **гулдек** сода эт [55].

Шоир ижодида “ташбеҳи мутлақ” воситалари алоҳида, бирин-кетин, жамулжам (бир неча воситаи ташбеҳни яхлитлиқда қўллаш) қўлланилганлигида ҳам намоён бўлади. “Ғаройиб ус-сиғар” дан мисол:

Истамас бўлсанг мени, **булбул киби** шайдо недин,

Юзни **гулгун бода** бирла **гулга монанд** айладинг [332].

“Булбул” каби изҳори дил баён этган маъшукнинг каломидан жамоли “гулгун бода” дек рангда намоён бўлган, қалбида муҳаббат куртаклари ниш урмаган дилдорнинг ҳолати воситаи ташбеҳ “киби” ва “гун” орқали тасвирланган. Ушбу ўхшатма усул воситаи ташбеҳларнинг бир неча кўринишларини бирин-кетин қўллаш натижасида юзага келган. “Насойим ул-муҳаббат”дан танланган мисол жамулжам воситаи ташбеҳнинг тақрир тасвиридир: “Мен ани бийму умид била парастиш қилмасмен **муздорлардек**, анинг муҳаббати даъвосиға дағи парастиш қилмасменким, парастишким, анинг сазоси бўлмағай...” [36].

## TILSHUNOSLIK

Аффиксация усулидаяхлит кўринишга эга бўлган “муздорлардек” семаси жамулжам воситаи ташбеҳнинг вазифадош шакли ҳисобланади. Бири иккинчиси билан алмаштирилса ҳам мазмунан ўз асл ҳолатида қолади. “-вор”, “-дек” морфемалари “хизмат ҳақи олувчилардек”, “бадал олувчилардек”, “мукофот олувчилардек” муносабатда бўлиш мақсадларини англатади. Навоий замонида ҳар иккала воситаи ташбеҳ серунум, замонавий назм ва наср гулшанида биринчиси камунум, иккинчиси серунумлик хусусиятига эга бўлган. Шоир ижодида “вор” воситаи ташбеҳи юқоридаги ва бошқа семаларда қўлланилганлигида намоён бўлади: байзавор (олтин доналари каби, олтиндай), барқвор (чақмоқдай, чақмоқдек), гардунвор (осмондек тез юрувчи, чархдек тез айланувчи), мардумаквор (кўз қорачиғига ўхшаш, кўз қорачиғидек), Жамшидвор (Жамшиддек, Жамшид каби), мубталовор (мубтало бўлган каби, мубталолик, ғамгинлик), муштоқвор (муштоқларча, муштоқлар сингари, орзумандларча), шефтавор (шайдо сифат, мафтунвор, гирифтордек), каломовор (сўз келтирувчидек). “Садди Искандарий” дostonидан танлаган ушбу байтлар фикримизнинг ҳаққонийлигига туртки беради:

Қилиб наргис ўз ғунчасин **байзавор**,  
Ки кўзиндан эрди рамиддин ғубор [378].

Юзу **мардумаквор** ҳолим сўзи,  
Дегил гул уза тушти булбул кўзи [415].

Кириб боргоҳ ичра **Жамшидвор**,  
Бўлуб бахту давлатдин уммидвор [439].

Тўпланган мисолларни эътиборга олиб айта оламизким, Абу Абдуллоҳ Жаъфар Рудакий, Абулқосим Фирдавсий, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва уларнинг замондошлари яшаб ижод қилган даврда “-гун”, “-ваш”, “-фом”, “-осо” нафақат морфема, инчунин ташбеҳсанъати воситаси сифатида хизмат қилган. Ушбу жиҳатдан олиб қаралганда, “-гун”, “-ваш”, “-фом”, “-осо” морфемика илмига мансублиги билан морфема, адабиёт илмига алоқадорлиги билан ташбеҳ санъати воситаси вазифасини бажарган. Тожик ва ўзбек тилларининг китобий-бадий услубига алоқадор мазкур морфемалар от сўз туркумига қўшилиб, сифат сўз туркумини ҳосил қилиш хусусияти билан лингвопоэтик тасвирда ҳақиқий ва мажозий ташбеҳларнинг юзага келишига, ўхшатиш ва ўхшатмаларнинг мушаххас англанишида восита сифатида хизмат қилган. “Лолагун”, “гулгун”, “гулгуна”, “гулгунӣ”, “гулгункафан”, “гулгунқабо”, “гулгунрухсор”, “гулгунсавор” сўзлари таркибидаги “-гун” қўшимчаси ўхшатиш вазифасини адо этганлиги билан аҳамиятлидир. Этимологик жиҳатдан форс-тожик тилига мансуб бўлган “лола” сўзи тожик ва ўзбек адабий тилларида турдош от сифатида гул номини, ботаника илми истилоҳи сифатида “лоладошлар оиласига мансуб, йирик, чиройли гулли кўп йиллик ўсимлик; манзарали экма гул ва унинг қизил, сариқ ёки тарғил гули”, атоқли от сўз туркуми сифатида қизларнинг номи (Лола)ни англатади. Ушбу байтда “лолагун” сўзи қип-қизил, қирмизи бўлиб, тўла очилган гул маъносини эмас, дилдорнинг нигоҳи изтироблари, маъшукнинг ранжу азобларини ниҳоят ортиб борганлиги, “лолазор” сўзи эса тоғ бағрида ўсиб-унган қип-қизил гул каби қалбларни мунаввар этгучи “тийғ” маъносини ифодалаб, ўхшатиш ва ўхшатмаларнинг яхлитлигини таъминлаган. “-гун” қўшимчаси “лолагун” сўзида воситаи ташбеҳ вазифасини, “-зор” қўшимчаси “гулзор” сўзида гул экилган майдонда ранг-баранг гуллар борлигини ифода этишга хизмат қилган. “Ғаройиб ус-сиғар” дан байт:

**Лолагун** бўлмиш сурарда қатлима дилдор тийғ,  
Ё бало тоғидин этмиш **лолазор** изҳор тийғ [323].

“**Лолафом**”, “**лолагун**”, “**лолавор**” ўхшатмаси ҳам ўзига хосдир. Шакли турлича бўлган бу ўзакдош сўзлар лингвопоэтик тасвирда жамолга етиш ниятида бўлган интизорлик ранжини чеккан лирик қаҳрамоннинг кўз қарочиғи лола рангидек қип-қизил кўринишда айлангани ва ул қарочиғ атрофидан томаётган “ашки лолафом” (қонли кўзёш) нурафшон гавҳарни хиралашитираётгани “лола янглиғ”, “лолафом” ўхшатмалар “кўз қароси”, “эврлган ашк” ўхшатишлари орқали ифодаланган. Лирик қаҳрамон ҳолатига кўра жамолга етишни ўзи бўлмас экан. Унинг учун хуноб ранж-у машаққат чекишга тўғри келади, бизнинг назаримизда. “Хазойинул-маоний”дан мисол:

Юзунгнинг ҳажрида бу кўз қароси **лола янглиғ** бил,

## TILSHUNOSLIK

Қароси даврида эврулган ашки **лолафомдин** [191].

Теграмда оҳдинки эрур, эй Навоий, ўт,  
Кўз қонидин дема этагим **лолавордур** [192].

Дема **лолагун** ҳулла ичра қуюбмен,  
Ки ишқнинг шаҳидига қонлиғ кафандур [193].

Шоирнинг “Ким экин майдонда, ё раб, ул тўни гулгун йигит, / Ким, ғамидин тош урар кўксига юз маҳзун йигит” матлаъси билан бошланадиган, “Эй Навоий чун қари бўлдунг ибодат кунжи тут, / Элга хор айлаб ўзингни бўлмағингдур чун йигит” мақтаъси билан интиҳо топадиган “йигит” радифли ғазалида “тўни гулгун”, “юз маҳзун”, “юзи гулгун”, “рўзафзун”, “дахри дун”, “юз мажнун”, “тўқуз гардун”, “афсун”, “мамнун” лексик бирликлари турли хил ғоявий-бадий, эмоционал-экспрессивлик ҳосил қилиб, баён таъсирини кучайтирган. “Тўни гулгун йигит”, “юзи гулгун йигит” лексик бирликлари оддий маъно (гулдор тўн кийган йигит, юз бор лол гул каби қизарган йигит)да келмаган. Тўни гулгун йигит майдонда-ю, ёр ғамида кўксига тош билан юз бор ураётган ҳазин йигит ҳолати ўхшатиш ва ўхшатма компонентлар орқали тасвирланган. “Наводир уш-шабоб”дан байт:

Ким экин майдонда, ё раб, ул **тўни гулгун** йигит  
Ким, ғамидин тош урар кўксига юз маҳзун йигит.

Не ажаб ҳам қад била сарғарса рухсоримки, бор  
Дилбарим бир қомати раъно, **юзи гулгун** йигит [51].

“**Кофургун**”, “**кофирваш**” ўхшатмаси ҳам шеърятда ўзига хос поэтик вазифа бажаради. Ушбу ўхшатмалар бадий тасвирдоқ рангли, оқ тусли, оппоқдек (“кофургун”), ислом динини инкор этувчи, ғайри дин, динсиз (“кофирваш”) маъноларини англатган. Шоир биринчи ўхшатма ёрдамида оқ рангли хитой матоси билан ҳашаматли қасрни шинамлик даражасида зеб берганлигини, иккинчи ўхшатма ёрдамида ғайри дин бўлган соҳибжамолни тасвирлаган. Қўшма ва ясама ўзакдош сўзлар (кофур – оқ хушбўй, оқ, оппоқ; кофурбиз – хушбўй ҳид таратувчи, қор ёғдирувчи; кофурбор – оппоқ қор ёғдирувчи; кофурий – кофур тусли, оқ рангли; кофуркирдор – кофур кўринишлари, оппоқ; кофурпош – нур сочиш, ёришиш; коффа – барча одамлар)ни қўллаш натижасида жонли ва адабий ўзбек тилида шундай лексемалар борлигини эслатган. Ассимиляция ҳодисаси ёрдамида “кофур” ва “кофир” лексикамаларини изоҳлаб, этник мансубликни идрок этишга даъват қилади. “Фарҳод ва Ширин”, “Хазойинул-маоний” дан байт:

Яна бир қасрни айлаб шитойи,  
Тўшаб **кофургун** жинси хитойи [38].

Чиқти соғар тўлдириб **кофирваш** моҳпайкари,  
Нақди дин олиб ичимга солди майдин озори [683].

“**Қаҳрабоваш**”, “**қаҳрабогун**” ўхшатмаси. Арабча “қаҳрабо” ўзлашма сўзи тожик ва ўзбек адабий тилларида “устки кийим”, “чакмон”, “узун ва кенг устки кийим” маъноларини англатади. Биринчи ўхшатма образли нутқда узун ва кенг чакмон кийган меҳру муҳабати беғубор само каби пок, товусхиром санамнинг зебанда либоси зоҳирий гўзаллигини ифода этган. Иккинчи ўхшатма танҳо ва қаҳрабопўш санам дилфиреб ағёрни жунунлик куйига солганлик ҳолатини тушунишга йўналтирилган. Мисоллар “Фарҳод ва Ширин” дан келтирилган:

Санамлар жилвагар меҳри **самоваш**,  
Аёғдин бош либоси **қаҳрабоваш** [46].

Чу қилди **қаҳрабогун** меҳргардун,  
Йиғочлар барги рангин **қаҳрабогун** [343].

“**Ирамваш**”, “**Ирамосо**” ўхшатмаси. Тасаввуфий ва адабий-бадий манбаларда “Эрам боғи”, “Жаннат боғи” ниҳоят гўзал гулшан сифатида тараннум этилган. Шоирнинг бадий тасвирида шоҳ Искандарнинг кўним топиши лозим бўлган “Эрам боғи” каби маъқул тушган барҳаволи манзил қиёс этилган:

Сикандар чу бу мулки дилкаш кўриб,  
Фазову ҳавосин **ирамваш** кўриб.

Тасвирни юзага келтиришда “ваш” воситаи ташбеҳи муҳим аҳамият касб этган.



## TILSHUNOSLIK

“Кавсаросо”, “кавсардек” ўхшатмаси. Жаннат булоғи, моддий ва маънавий тўқлик маъносини ифодаладиган “Кавсар” лексемаси илм аҳлига маълум ва машҳурдир. Тасаввуф илми пешвоси Навоий “кавсардек” сўзи ёрдамида маънавий-маърифий камолот сари интилаётган, “жаннат булоғи”дан гўё барҳаётлик суви ичиб, маърифат гулшанида қўним топаётган инсонни ўзлик образи мисолида баён этган. “Оби кавсар” – “кавсар суви” рамзий маъно касб этиб, жаннат суви ҳисобланади. Навоий таъбирича, фақат жаннат мақомига эришган инсонларгина “кавсар суви”дан ичиб, ўзини ҳур (беҳиштосо)ҳис қилади. “Хазойинул-маоний”, “Сабъаи сайёр” дан келтирилган байтлар мазмунига эътибор берайлик:

Нақд жаннатдур Навоий **кавсардек** май ичиб,  
Ўзни зору волаи бир сарви ҳуризода [92].

**Кавсаросо** сўйи далили анинг,  
Ҳар тараф салсабили анинг [128].

“**Коҳваш**”, “**коҳийваш**” ўхшатмаси. Биринчи ўхшатма сомон каби, сомонранг, иккинчи ўхшатма сариқ рангли ҳолат маъноларини билдирганлигини мушоҳада этиш мумкин. Шоирнинг поэтик тасвири ушбу мақсадни назарда тутган:

Гар қуёш эрмас юзунг, невчун нашотим мазраин,  
Табидин айлаб қуруқ, рангимни қилди **коҳваш** [252].  
Сомонға гар бериб ранжи ниҳоний,  
Ҳамул **коҳийваш** айлаб қаҳрабони [172].

“**Лаългун**”, “**лаълваш**” ўхшатмаси. Биринчи байтда ўхшатма ва ўхшатиш компонентлари “оташин лаъл” (эзгу амал ва ният) измида бўлган, вале унга эришолмаганидан бисот ва пайкарида гирдобдай ҳаракатланаётган “лолагун” қон унга осийишталик ва ором бермаслигидан афсус ва надоматланаётган лирик қаҳрамоннинг ҳолати; иккинчи байтда “гулноргун қасрда” “лаългун май” ичиш билан банд бўлган ва боданўшликка ружу қўйган, маънавий-маърифий қашшоқлашиш остонасига яқинлашаётган “олий тоифали” шахсларнинг асл қиёфаси ва хулқ-атворлари; учинчи байтда аъзои бадани “лаългун” қонга гирифтор бўлган, ҳаракатсизликдан устунга суянган жароҳатманд шахс ҳолати; тўртинчи байтда қофиядош “обкашдин”, “лаълвашдин” сўзлари ёрдамида кўзланган асл мақсад – ғам-андухга гирифтор бўлган барҳаёт кишининг юзида “ашки лаългун” шашқатор бўлган ҳолатлар ўхшатма ва ўхшатиш сўзлари ҳамда воситаи ташбеҳ “гун”, “ваш” орқали баён этилганлиги кузатилади:

Оташин лаълнинг ғамидин ўртаниб қон йиғласам,  
Гоҳ қондин, гоҳ ўтдин **лаългундур** пайкарим [414].

Алар **гулноргун** қаср ичра гулпош,  
Кўтармай **лаългун** майдин даме бош [49].

Синон ўнг қўлинда нечун ким сутун,  
Сўл эгнида қалқон келиб **лаългун** [262].

Сариғ варақ ул обкашдин,  
Ошиқ юзи ашки **лаълвашдин** [92].

Шоир ижодида воситаи ташбеҳларнинг форс-тожикча, форс-тожикча-ўзбекча, ўзбекча-ўзбекча синоним қатори мавжудлиги кузатилади. “вор”, “ваш”, “осо”, “фом” воситаи ташбеҳлари муайян ифодаларни рўёбга чиқаришда форс-тожикча синонимик қаторни ташкил этган. Ушбу синонимик қаторнинг юзига келишида “барқ” ва “хуршид” семаларига вобасталик қилган воситаи ташбеҳлар алоҳида ўрин тутган. Барқвор, барқваш, барқосо, барқфом семалари чақмоқдай, яшиндай, яшинга ўхшаш, чақин тусли; хуршидваш, хуршидвор, хуршидфом семалари қуёш каби, қуёшдай, қуёш ранг, порлоқ, товланувчи маъноларини англатади. Форс-тожикча синонимик қатор форс-тожикча-ўзбекча, ўзбекча-ўзбекча синонимик қаторга нисбатан кўпроқ. “Сабъаи сайёр”, “Ғаройиб ус-сиғар”, “Бадоеъ ул-бидоя”дан байт:

Ҳамул кундин сариғ чеҳрамда гулгун ашқдур, эй шайх,  
Ки бир зарбофти гул**фомий** кийиб чиқти гуландме [532].

Мени ишқдин ўртаган муғбача

## TILSHUNOSLIK

Ки, девонавашдур, парийвор ҳам [517].

Деди: Шахридур ул биҳиштосо,  
Нахли тўби мисоли гардуносо [241].

Форс-тожикча-ўзбекча воситаи ташбеҳларнинг синонимик қатори:

Тавойид чунки бўлди мухталифваш,  
Бу ердек паст, ул ўтдек тунду саркаш [51].

Воситаи ташбеҳларнинг эмоционал-экспрессивлик вазифаси салбий ва ижобий оттенкаларнинг мужассамлашганидир. Архаизмга айланган “қаттол” семаси “қаттолваш” композицион кўринишда жаллодсифат, қотилга ўхшаш, қаттолдек маъшуқа каби салбий амалларни; шафаққа ўхшаш, қизил маъноларни англашда “шафақваш” семаси, Исо-Масиҳо нафасидек, Масиҳ “куф-куф” қилганидек ҳис этишда “Масиҳоваш”, Юсуфдек, Юсуф пайғамбардек маъноларини идрок этишда “Юсуфваш” семаси ижобий белгиларни ифодалаган. Фикримизга далил сифатида “Наводир ун-нихоя”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр”, “Саддий Искандарий”дан мисол келтириш мумкин:

Қатл учун ол айлади тўн, йўқса ул қаттолваш,  
Ғарқа бўлмиш қанча баским бўлди қон тўқлик фани [546].

Меҳрин шафақваш этса қоним,  
Ер остини айлағай маконим [169].  
Масиҳоваш алқисса юзда тузуб,  
Кеча андоқ ўлтурганин тургузуб [225].

Шоҳиди бошидан – аёқ дилкаш,  
Ҳусн бозори ичра юсуфваш [31].

Қуёш сингари, офтоб монанд, қоронғиликникетказувчидек, бениҳоя маъноларини ифодаловчи “хуршидсон” семаси таркибидаги “сон” воситаи ташбеҳ поэтик нутқда кўшимча услубий маъно вазифасини ҳам бажарган. Бундай функционаллик белги, ранг-тусни ифодаловчи мақсадларни англашга йўналтирилган. “Фавойид ул-кибор”дан байт:

Топиб мақсуд шабгарди самовий бу уружидин,  
Ёридин зарра бориб, қайтибон хуршидсон анда [32].

**Хулоса.** Кўринадики, воситаи ташбеҳ ҳисобланган морфемалар сафи кенг. Уларни идрок этган ҳолда ўрганиш, лексик-семантик, лингвопоэтик жиҳатдан тадқиқ этиш шоирлар маҳоратига баҳо беришда муҳим аҳамият касб эта олади.

## АДАБИЁТЛАР

1. **Алишер Навоий.** Хазойин ул-маоний. Биринчи девон. Ғаройиб ус-сиғар. – Т.: Тамаддун, 2011. – 786 б.
2. **Алишер Навоий.** Хазойин ул-маоний. Иккинчи девон. Наводир уш-шабоб. – Т.: Тамаддун, 2011. – 740 б.
3. **Алишер Навоий.** Хазойин ул-маоний. Учинчи девон. Бадоеъул-васат. – Т.: Тамаддун, 2011. – 732 б.
4. **Алишер Навоий.** Хазойин ул-маоний. Тўртинчи девон. Фавойид ул-кибар.– Т.: Тамаддун, 2011. – 780 б.
5. **Иззат Султон.** Адабиёт назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – 408 б.
6. **Ҳожиаҳмедов А.** Мумтоз бадиият луғати (Адабий жанрлар, шеър санъатлари, аруз ва қофия). – Т.: Янги аср авлоди, 2008. – 196 б.
7. **Исҳоқов Ё.** Сўз санъати сўзлиги. – Т.: Зарқалам, 2006. – 128 б.
8. **Манзар Абдулхайр.** Навоий асарларининг изоҳли луғати /Қ.Содиқов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2018. – 569 б.

УДК: 81'371:130.122 [=111/=512.133]

RUS VA O'ZBEK TILLARIDA BOSHQARUV KATEGORIYASI

КАТЕГОРИЯ УПРАВЛЕНИЯ В РУССКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ

THE CATEGORY OF SUPREMACY IN THE RUSSIAN AND UZBEK LANGUAGES

Ahmedov Bahodir Yaxshimurodovich

Buxoro viloyat XTXQTMOHM tillarni o'qitish metodikasi kafedrasida dotsenti

**Tayanch so'zlar:** boshqaruv, bosh va tobe so'z, kategoriya, flektiv til, ko'makchi, predlog, qo'shimcha.

**Ключевые слова:** управление, главное и зависимое слово, категория, флективный язык, падеж, предлог, окончание.

**Key words:** management, main and subordinate word, inflectional language, auxiliary, preposition, ending.

*Maqolada rus va o'zbek tillarida boshqaruv kategoriyasi shakllanishida kelishik qo'shimchalarining ishlatilishi, bosh va tobe so'zlarning o'zaro bog'lanish xususiyatlari qiyosiy tahlil qilinadi.*

*Статья посвящена анализу особенностей способов выражения грамматической категории управления в русском и узбекском языках.*

*The article is dedicated to the comparative analysis of typical features of grammatical categories of supremacy in Russian and Uzbek languages.*

So'z birikmalarining yasaliş usuli xilma-xil bo'lib, turli tillarda jiddiy farqlanadi. Har xil qurilishga mansub tillardagi so'zlarning grammatik bog'lanishini qiyosiy o'rganish esa ham nazariy, ham amaliy ahamiyatga molik. Binobarin, "so'z birikuvini qoidalarida va turli tip hamda xildagi so'z birikmalarining paydo bo'lish qonuniyatlarida tilning milliy xususiyati yaqqol namoyon bo'ladi" [3,11].

So'zlarning tobe aloqa turlari ichida boshqaruv aloqasi ancha murakkab hisoblanadi. Rus va o'zbek tilida boshqaruv deganda, odatda, shunday tobe aloqa tushuniladiki, unda tobe so'z (ot, olmosh) hokim so'z talab qilgan kelishikda bo'ladi yoki ko'makchi bilan birga keladi [5, 7].

Tobe bog'lanishning bir turi bo'lgan boshqaruv aloqasi o'zbek tilshunosligida sintaksisga doir ayrim ishlarda ma'lum darajada o'rganilgan [1,2,5]. Ularda tobe so'zning kelishik shakllari yoki ko'makchilar yordamida bosh so'z (fe'l, ot, sifat, son, undov va modal so'zlar) bilan sintaktik aloqaga kirishi va so'z birikmalari komponentlari o'rtasida hosil bo'ladigan sintaktik munosabatlar tahlil qilinadi.

Mazkur maqolada rus va o'zbek tillarida boshqaruv aloqasiga ta'sir etuvchi asoslarni chog'ishtirib o'rganish natijasida so'zlarni bir-biriga bog'lovchi sintaktik aloqa vositalari, birikma komponentlari qurilishi va semantikasi, ular o'rtasidagi sintaktik munosabatlardagi o'xshashlik hamda tafovutlarni aniqlashga harakat qilamiz.

Har bir tilda boshqaruv munosabati bilan bog'lanib kelgan so'zlar o'ziga xos sintaktik aloqa vositalariga ega. Rus tilida so'zlarning sintaktik aloqalari tobe so'zning shakli, yordamchi so'zlar va so'z tarkibi ko'magida ifodalanadi.

Masalan: *преданность Родине, держать рукой, дружба между народами.*

O'zbek tilida so'zlar kelishik qo'shimchalari, yordamchi so'zlar, so'z tartibi vositasida sintaktik aloqaga kirishadi. Masalan, *Vatanga sadoqat, qo'l bilan ushlamoq, xalqlar o'rtasidagi do'stlik.*

Ko'rib o'tilganidek, boshqaruv komponentlariaro sintaktik aloqa vositalari rus va o'zbek tillarida o'zaro mos tushadi. Lekin mazkur tillarning Grammatik qurilishini tadqiq qilish natijasida shu narsa oydinlashadiki, bu shakily o'xshashliklar ortida tub farqlar ham yotadi.

Flektiv til bo'lmish ruschada tobe so'zning shakli, uning padejlardagi o'zgarishlari so'zlarning birikma hosil qilishida katta rol o'ynaydi. Tobe so'z padej shaklining o'zgarishiga esa grammatik rod bilan bog'liq uch xil turlanish sabab bo'ladi. Bundan tashqari, bir padejning o'zida kelgan otlar, negizning yumshoq, qattiqligiga qarab, turlicha qo'shimcha oladi, мужской va сред-

## TILSHUNOSLIK

ний roddagi otlarning винительный padejdagi qo'shimchalari иминительный hamda родительный padejlarning qo'shimchalari bilan predmetning jonli va jonsizligiga ko'ra mos tushadi.

Rus tilidan farqli ravishda o'zbek tilida tobe so'zning kelishik qo'shimchalari qat'iy bir tizim bo'yicha o'zgaradi: har bir kelishik muayyan qo'shimcha oladi. Taqqoslang:

*Помочь другу- do'stga yordam bermoq;*  
*Помочь судье- sudyaga yordam bermoq;*  
*Помочь обществу- jamiyatga yordam bermoq;*  
*Помочь герою- qahramonga yordam bermoq;*  
*Помочь студентке- talaba qizga yordam bermoq.*


Har ikkala tilda boshqaruv ikki turga bo'linadi: vositasiz (ruschada -predlogsiz; o'zbekchada - ko'makchisiz) va vositali (ruschada - predlogli, o'zbekchada - ko'makchili).

Predloglar bilan birga tobe so'zlarning shakl o'zgarishi ham ishtirok etadigan rus tilidagi "vositali" boshqaruvdan farqli ravishda, o'zbek tilidagi ko'makchi-otlar boshqaruvida tobe so'zlarning kelishik shakli qatnashmaydi, o'z leksik ma'nosini saqlagan holda, ko'makchi boshqaruvchi so'z talab qilgan kelishik qo'shimchasini oladi (*deraza oldiga kelmoq, stol tagiga qo'ytoqva* h.k.).

Grammatik boshqaruv komponentlarining joylashish tartibi bo'yicha ham bu ikki til bir-biriga o'xshamaydi. Boshqaruv aloqasi bilan yuzaga keladigan rus tilidagi so'z birikmalarida odatda tobe so'z hokim so'zdan keyin o'rin oladi.

O'zbek tilida esa bunga teskari tartibda, birikmaning birinchi komponenti tobe, ikkinchisi bosh so'z tarzida joylashadi.

Taqqoslang:



Ma'lumki, rus tilida boshqaruv aloqasiga uch asos: 1) bosh so'zning leksik-semantik xususiyatlari; 2) uning so'z yasovchi elementlari; 3) tobe so'zning leksik-grammatik tabiati va uning gapdagi vazifasi sabab bo'ladi. O'zakning umumiyliigi va so'z yasalishi bilan bog'liq har xil so'z turkumlari, ko'p hollarda, boshqaruvning ayni shaklini saqlab qoladi:

*работать над рукописью – работа над рукописью,*  
*работать со словарём – работа со словарём,*  
*заведовать кафедрой – заведующий кафедрой,*  
*управлять машиной – управляющий отделением.*

Lekin so'z yasalishi jihatidan bir-biri bilan o'zaro aloqador so'zlar turli padejlarni boshqarishi ham mumkin. Bu hodisa tobe aloqaga kiruvchi so'zlarga grammatik ta'sir bilan izohlanadi.

Qiyoslang:

*Защищать Родину – защита Родины*  
*интересоваться наукой – интерес к науке,*  
*наградить героя – награда герою.*

O'zbek tilida juda kam hollarda boshqaruvchi so'zning ot yoki otdan yasalgan fe'l ekanligiga qarab, tobe so'z turli xil kelishik qo'shimchalarini oladi. Masalan,

*Космонавтга mukofot – kosmonaftini mukofotlamoq,*  
*Dushmanga nafrat – dushman dan nafratlanmoq.*

Ko'p hollarda bir o'zakli boshqaruvchi so'zning u yoki bu so'z turkumiga mansubligidan qat'l nazar, boshqarilayotgan so'z shakli o'zgarishsiz qoladi. Masalan,

*kitob o'qimoq – kitobga qarash,*  
*binoga qaramoq – binoga kirish,*  
*deputatlikka saylanmoq – deputatlikka saylov.*

Rus tilida boshqaruv xarakteri ba'zan boshqaruvchi so'zning morfologik tuzilishiga, jumladan, undagi u yoki bu old qo'shimchani mavjudligiga bog'liq bo'ladi. Bu bog'liqlik old qo'shimcha va predloglar o'rtasidagi muayyan munosabatga asoslanadi, bunda ayrim predloglar ham ma'no, ham shakl jihatidan old qo'shimchalarga o'xshab ketadi. (masalan, *добраться*

## TILSHUNOSLIK

*достанции* va h.k.) yoxud faqat ma'no tarafidan old qo'shimchalar bilan aloqador bo'ladi (*выйти из дома, подойти к столу переехать через реку* va h.k.).

O'zbek tilida old qo'shimchalar bilan so'z yasash hodisasi mavjud emas. Shu bois turli old qo'shimchalar ko'magida yasalgan ruscha so'zlarning leksik ma'nosi o'zbekchada tamoman boshqa-boshqa so'zlar bilan ifodalanadi. Taqqoslang:

*Ходить в комнате* – *хонادا yurmoq*,

*Выходить из комнаты* – *хонадан chiqmoq*,

*Отходить от комнаты* - *хонадан nari ketmoq*,

*Входить в комнату* – *хонادا kirmoq*.

Rus tilining xarakterli xususiyati bo'lgan tobe so'z shakliga bosh so'z morfologik tuzilishining ta'siri, shuningdek, ayrim old qo'shimcha va predloglarning o'zaro munosabati natijasida yuzaga kelgan birikmalar o'zbek tilida boshqa o'zakli so'zlar bilan beriladi va tobe so'z ko'makchisiz qo'llaniladi.

Daraja kategoriyasi fe'lning shaklini va leksik ma'nosini o'zgartirib, boshqaruv aloqasiga ta'sir qiladigan asoslardan biridir. Fe'l darajalari subyekt va obyektning bajarilayotgan (yoki bajarilmayotgan) harakatga bo'lgan munosabatini bildirib, u boshqarilayotgan so'zning shaklini ham o'zgartirishi mumkin. Misol,

*Дочь обняла мать* – *Она обнялась с матерью*.

*Меня восхищает его знание* – *Я восхищаюсь его знанием*.

O'zbek tilida bir fe'lning o'zi daraja shakli o'zgarishi bilan turli xil kelishiklarni boshqara oladi, ba'zan fe'l darajalari shakllari belgisiz qo'llanilib, bosh darajaga mansub bo'lgan boshqaruv shakliga teng bo'lib qolishi ham mumkin. Masalan,

*Хат yozmoq, do'sti bilan xat yozishmoq.*

o'quvchiga *xat yozdirmoq*.

Boshqaruv aloqasi tobe so'zning leksik ma'nosiga ham bog'liq bo'ladi. Turli leksik ma'nolarga ega otlar bir bosh so'z bilan aloqaga kirishib, birikma komponentlari orasida sintaktik munosabatni o'zgartirishi mumkin.

*на кого?*

↓  
*Наступать на противника* (obyekt munosabati),

*куда?*

↓  
*Наступать на юг* (holat munosabati)

*на что?*

↓  
*опоздать на поезд* (obyekt munosabati)

*на сколько?*

↓  
*поздать на час* (holat munosabati)

O'zbek tilidagi boshqariluvchi so'zlar kelishiklarga standart qo'shimchalar qo'shilishi bilan shakllanadi va bu qo'shimchalarga ma'lum bir grammatik ma'no yuklatiladi. Shuning uchun bir umumiy boshqaruvchi so'zlarga bog'lanadi, turli ma'nodagi tobe so'zlar o'zbek tilida birikma tarkibi orasidagi sintaktik munosabatni kam o'zgartirish imkoniyatiga ega bo'ladi. Boshqaruvchi so'zning leksik ma'nosi ko'p hollarda boshqariluvchi so'z shaklining qanday bo'lishi, shuningdek, ular o'rtasidagi o'zaro sintaktik munosabatni aniqlab keladi. Shunday qilib, boshqaruvda aloqaga kirishgan ikki so'zning bog'lanishi har ikkala tilda ham faqat boshqaruvchi va boshqariluvchining semantik va grammatik umumiyligida sodir bo'lishi mumkin.

Yuqorida boshqaruv boshqariluvchi so'zning kelishik o'zgarishlari bilan uzviy bog'liqligini aytib o'tdik. Shuni qayd qilish lozimki, o'zbek tilida fe'llar rus tilidan farqli ravishda, hech qachon tobe so'zni qaratqich kelishigida boshqarmaydi. Rus tilidagi родительный падеж shaklida boshqarilgan otlar o'zbekchaga qaratqich kelishigidan boshqa barcha kelishik shakllarida tarjima qilinadi. Yana shuni hisobga olish kerakki, ikki tilning kelishiklar tizimi bir xil emas (rus tilida chiqish va o'rin-payt kelishigi bo'lmaganidek, o'zbek tilida творительный va предложный падежи yo'q), o'zaro mos tushadigan kelishiklarning grammatik ma'no chegaralari ham turlichadir.

## TILSHUNOSLIK

Ma'lumki, har bir tilning rivojlanishi nafaqat uning ichki imkoniyati, balki boshqa aloqador tillarning ta'siri bilan bog'liq. Tillarning o'zaro ta'siri va rivojlanishi so'z birikmasida ham o'z aksini topgan, chunki so'z birikmasining ma'no birligi ancha aniq va harakatchan, undagi o'zgarishlar, birinchidan, so'zdagi semantik o'zgarishlar bilan bog'liq bo'lsa, ikkinchidan, ularning rivojlanishiga o'zaro bog'liqlik va o'xshashlik jarayonlari ham ta'sir qiladi.

Hozirgi o'zbek tilining so'z birikmasi yasashida rus tili ta'sirini ham uchratish mumkin. Bu hodisani ommaviy axborot vositalari materiallari asosida tahlil qilamiz. Hozirgi o'zbek tilida boshqaruv asosida yasalgan so'z birikmalarida tillarning o'zaro ta'sirini ko'rishimiz mumkin. Masalan, "rus tiliga qiziqmoq" so'z birikmasi o'zbek tili sintaksisi qoidalari asosida qurilgan, "rus tili bilan qiziqmoq" birikmasi ham shu ma'noda qo'llanilishi mumkin. O'zbek tilida **qiziqmoq** fe'li odatda jo'nalish kelishigini talab qiladi, uning ko'machili birikma tarzida ishlatilishida, fikrimizcha, rus tilidagi "интересоваться" fe'lining ta'siri mavjud (Интересоваться русским языком).

So'nggi paytlarda o'zbek tilida otli so'z birikmalarining faollashishi kuzatilmoqda. Ularning tuzilishida "**qilmoq**", "**etmoq**", "**bo'lmoq**" fe'llari bilan yasalgan qo'shma fe'llar katta o'rin tutadi. Yordamchi fe'llarning tushirib qoldirilishi munosabati bilan otli so'z birikmalari hosil bo'ladi.

**Va'daga vafo qilmoq – va'daga vafo**

**Do'stga yordam bermoq – do'stga yordam**

O'zbek tilshunosligida "**bo'yicha**" ko'makchisi bilan hosil bo'lgan so'z birikmalarining ancha faollashgani qayd etilgan.

*Hisoblash texnikasi bo'yicha muhandis.*

*Futbol bo'yicha O'zbekiston birinchiligi.*

*O'zbek tili bo'yicha olimpiada va. h.k.*

Qayd etilgan so'z birikmalari o'zbek tilining leksik va morfologik materiallari asosida tilning o'ziga xos jihatlari inobatga olib tuzilgan.

Xullas, boshqaruv vositasida hosil bo'ladigan so'z birikmalari rus va o'zbek tillarida qator umumiylik kasb etishiga qaramasdan, bu aloqali qurilishlar har ikki tilda aniq nutqiy vaziyatlarda farqlanadi va ular har bir til uchun o'ziga xosdir.

### ADABIYOTLAR

1. **Abdurahmonov D.** So'zlarning boshqaruv munosabatlari //O'zbek tili va adabiyoti, 2011. 1-son. – 66 b.
2. **Abdullayev F.** So'zlar o'zaro qanday bog'lanadi? – T., 1974.
3. Грамматика русского языка. Синтаксис. – М., 1980. – Т. II. - Ч. I. – С. 11.
4. **Komilova X.** Gapda so'zlarning bog'lanishi. – T., 2001.
5. **Скобликова Е.С.** Согласование и управление в русском языке. – М., 2001. – С. 26.
6. **Виноградов В.В.** Грамматика русского языка. – М., 2005. – Т. II. – Ч. II. – С. 22.
7. O'zbek tili grammatikasi. Sintaksis. II tom. – T., 1976.

УДК:811.512.133, УДК: 39

### XALQ VA MILLAT NOMLARI ASOSIDA SHAKLLANGAN ETNOTOPONIMLAR

#### ТОПОНИМЫ, ОБРАЗОВАННЫЕ ОТ НАЗВАНИЙ НАРОДА И НАЦИИ

#### FORMATION OF TOPONYMS ON THE BASIS OF THE NAMES OF PEOPLE AND NATION

**Kilichev Bayramali Ergashaliyevich**

*BuxDU o'zbek tilshunosligi kafedrasida dotsenti*

**Safarova Maftuna Zoir qizi**

*BuxDU magistri*

**Tayanch so'zlar:** millat tili, millat nomlari, arab, mo'g'ul, qozoq, turkman, afg'on, etnonim, etnotoponim.

**Ключевые слова:** язык нации, название нации, араб, монгол, казак, туркмен, афганец, этноним, этнотопоним.

**Key words:** language of the nation, names of the nation, arab, mongolian, kazakh, turkman, afghan, ethnonyms, toponyms.

## TILSHUNOSLIK

*Maqolada Buxoro viloyati hududidagi millat nomlari asosida shakllangan va bugungi kunda joy nomi sifatida xalq tilida saqlanib qolgan etnotoponimlar xususida fikr yuritilgan.*

*В статье на основе материалов по Бухарской области рассмотрено формирование названия нации и их роль в создании топонимов.*

*The article examines the formation of names of the nation and their role in the creation of toponyms based on materials from the Bukhara region.*

**Kirish.** Etonimlar har bir davrda ma'lum bir hududda yashab kelayotgan etnik guruhlar haqida ma'lumot beruvchi lisoniy birlik sanaladi. Enotoponimlar esa elat va qavmlar yashab kelgan joylar, hududlarni muayyanlashtirish va aniqlashga xizmat qiladi. Shuning uchun etnotoponimlarni to'plash, tadqiq etish tilshunoslik, tarix, etnografiya, arxeologiya, geografiya sohalari uchun qimmatli ma'lumotlar beribgina qolmay, madaniyat va ma'naviyatimizning turli yo'nalishlari doirasida keng qamrovli izlanishlar olib borishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Etonim va etnotoponimlarni o'rganish borasida o'zbek nomshunosligida ko'pgina ilmiy izlanishlar amalga oshirilgan hamda bugungi kunda davom etmoqda. Jumladan, K.Marqayev Janubiy O'zbekiston hududi materiallari asosida o'zbek tili etnonimlarining lisoniy tadqiqini amalga oshirdi. A. Otajonovning "Xorazm etnotoponimlari va ularning lug'aviy asoslari", A. Turobovning "Samarqand viloyati etnonim va etnooykonimlarining tahlili", K. Marqayevning "O'zbek tili etnonimlarining tahlili", D. Madrahimovning "Namangan viloyati etnonimlari va etnotoponimlarining lisoniy tadqiqi", A. Ergashevning "Andijon viloyati etnotoponimlarining areal-onomastik tadqiqi" va boshqa tadqiqot ishlarida ushbu sohaning yanada rivoj topib borayotganini ko'rish mumkin.

Enotoponimlar ko'p asrlar mobaynida tabiiy holda yuzaga kelgan nomlardir. Ularning ijodkori, yaratuvchisi esa oddiy xalq hisoblanadi. Enotoponimlar, bir tomondan, ma'lum obyektning atoqli oti, juda qadimiy so'z bo'lsa, ikkinchi tomondan, xalqning tarixini aniqlashtirishga yordam beradi. Enotoponimlar sifatida bugungi kunda saqlanib kelayotgan millat nomlari xalqlarning moddiy va madaniy aloqalarini ham o'zida aks ettiradi. Millat nomlari asosida shakllangan etnotoponimlar tarixiy ma'lumot tashishdan tashqari, mahalliy millat tiliga ham o'z ta'sirini ko'rsatadi. Bunday etnotoponimlarni Buxoro viloyati miqyosida ham kuzatishimiz mumkin. Masalan, **turkon** (Buxoro tuman Ko'chkumar QFY, Turkon MFY, Yurinbolo QFY), **o'zbek** (Olot tuman; o'zbekon – Buxoro tuman Qo'shxodim MFY, Shergiron QFY; Romitan tuman; Quyi O'zbekon – 64-sonli "Otbozor" QFY; O'zbekobod – Kogon tuman) kabi bir qancha millat nomlari asosida yuzaga kelgan etnotoponimlarni uchratishimiz mumkin.

Bulardan tashqari, tarixiy vaziyat sababli O'zbekiston hududiga ko'chib kelgan va shu yurt xalqiga singib ketgan millatlarni ham uchratamiz. Bulardan biri sifatida arab millatini ko'rsatishimiz mumkin.

**Arab millati asosida shakllangan etnotoponimlar.** Arablar Osiyoning Fors qo'ltig'i bilan O'rta dengiz oralig'idagi qismida va Shimoliy Afrikada yashovchi, somiy tillaridan birida so'zlashuvchi xalq nomi [1, 50].

VI-VII asrlarda ayrim arab elatlari birlashdi va Arab xalifaligi tashkil etildi. Ular bosqinchilik yurushlari natijasida boshqa xalqlar hududiga ham tarqalib ketdi. Shulardan biri O'rta Osiyo arablaridir. Ular shu hududda yashab, o'zlarini arab deb nomlovchi etnik guruh bo'lib, ajdodlari VII-XIV asrlar davomida kelib o'nashib qolgan. O'zbek, turkman va tojik millatining tarkibiga kirgan. O'rta Osiyo arablarining asosiy qismi O'zbekistonning Buxoro, Samarqand va Qashqadaryo viloyatlarida, shuningdek Farg'ona vodiysi shimoliy-sharqiy qismida yashaydi [2, 388-389].

Har qanday etnomadaniy aloqalar tilda o'z aksini topmay qolmaydi. Arablarning O'rta Osiyoga, xususan, Buxoro hududiga kirib kelishi tufayli uzoq davom etgan etnik-migratsion jarayonlardan so'ng voha aholisining etnik shakllanishi yanada murakkablashdi, arab tiliga xos so'zlar tilimizga o'zlasha boshladi. Shu asosda arab etnonimi ham keng tarqaldi. Arab etnonimi bilan bog'liq nomlar viloyatning markazi Buxoro shahri va 8 ta tuman hududida uchraydi: Bular quyidagilar:

**Arabon** – Buxoro shahri Jalol Ikromiy nomli 9-son MFY; Romitan tumani;

**Arablar** – Jondor tumani Mirzayon MFY; Shofirkon tumani; G'ijduvon tumani;

## TILSHUNOSLIK

**Arabxona** – Buxoro tumani So'fikorgar QFY; Turkon MFY, Guliston MFY, Arabxona MFY; Vobkent tumani Oromgoh MFY; Kogon tumani; Kogon shahri Do'stlik MFY; Olot tumani; Romitan tumani; Jondor tumani;

**Katta Arablar** – Vobkent tumani;

**Katta Arabxona** – Shofirkon tumani;

**Qal'ayi Mir Arab** – Shofirkon tumani;

**Yuqori Arabxona** – Vobkent tumani Sho'robod MFY; Romitan tumani;

**Arabsaroy** – Vobkent tumani; Jondor tumani;

**Tarob-Arabxona** – Jondor tumani;

**Arabguzar** – Peshko' tumani Zandane MFY;

**Arabdiyoy** – Peshko' tumani Xo'lbor MFY;

**Arababdol** – Shofirkon tumani kabi.

**Mo'g'ul etnonimi asosida shakllangan etnotoponimlar.** T.Nafasov B.Karmisheva fikriga tayanib, mo'g'ul – qadimgi turkiy qabilalardan biri ekanligi, keyinchalik o'zbek xalqi tarkibiga singib ketligi haqida ma'lumot bergan hamda mo'g'ul istilosi davrida Mo'g'ilistondan kelib O'zbekistonda o'troqlashib qolgan turkiy qabilalar alohida etnik birlik sifatida mo'g'ul deb atalganligini qayd etgan [5, 173].

Turli etnik munosabatlar natijasida hozirgi O'zbekistonning ma'lum bir qismlarida mo'g'ullar yashaydigan ba'zi hududlar paydo bo'lgan. Mahalliy aholi ularning o'z xalqi nomi bilan atay boshlashgan va bu keyinchalik mo'g'ullar istiqomat qilayotgan joyga nisbatan ham qo'llanilgan. Mo'g'ullar kelib o'rnatilgan joy shu nom bilan atala boshlangan va bugungi kunda bu hududlarda mo'g'ul millatiga mansub kishilar istiqomat qilishmasa-da, xalq nomi etnotoponim sifatida saqlangan. Bular jumlasiga quyidagilarni kiritish mumkin:

**Mug'alon** – G'ijduvon tumani;

**Mugolon** – Buxoro tumani, Qavola Mahmud QFY;

**Mo'g'ilon** – Olot tumani; Shofirkon tumani; Peshko' tumani Zandane MFY.

Etnotoponimlar tarkibidagi –on qismi ko'plikni ifodalab kelgan. Mazkur qo'shimcha o'zbek tilidagi –lar ko'plik shakliga mos keladi.

**Qozoq millati asosida shakllangan etnotoponimlar.** Qozoqlar bugungi kunda Qozog'iston Respublikasi tub aholisi, turkiy tillardan birida so'zlashuvchi xalqning nomi [3, 593]. Ularning etnogenezi turli ko'chmanchi qabilalarning uzoq muddat davomida aralashuvi sharoitida kechgan. Qozoqlarning qadimgi ajdodlari saklar, usunlar, albanlar, vikinglar va boshqalardan iborat bo'lgan. VI-VII asrlarda Qozog'istonning janubi-sharqida yashagan qabilalar G'arbiy Turk xoqonligi tarkibiga kirgan. XII asr boshlarida Qozog'iston hududiga qoraxitoylar bostirib kirgan va ular mahalliy aholi bilan aralashib ketgan. XIII asrda qozoqlar nayman xoni boshchiligida birlashib hozirgi qozoq yerlaridan tashqari Mo'g'ul va Rossiya yerlarini bosib oladi hamda Oltin O'rda nomli yirik imperial davlatni tashkil etadi. Oltin O'rda davlati XV asr o'rtalarida parchalanadi. XVI asr boshlarida qozoq qabilalari Qozoq xonligiga birlashadi (ilgari Qozoq xonligi hududida yashagan o'zbek qabilalari Shayboniyxon boshchiligida hozirgi O'zbekiston hududiga ketadi). Qozoqlarning qabila-urug'lari tarixan 3 guruhga bo'linib, alohida hududlarda yashaganlar. Ular juzlar deb atalgan (Katta juz, O'rta juz, Kichik juz) [4, 46].

Xullas, qozoq millati siyosiy tarqoqlik oqibatida Markaziy Osiyoning O'zbekiston va boshqa davlatlarida jon saqlab qolish maqsadida kelib o'rnatilgan qolgan, shuning natijasida Buxoro viloyatida ham qozoq millati asosida etnotoponim shakllangan deyish mumkin. Bunday etnotoponimlarning quyidagi shakllari mavjud:

**Qozoqon** – Jondor tumani;

**Qozoqovul** – Kogon shahri Beruniy MFY.

Birinchi etnotoponim tarkidagi –on, yuqorida qayd etilganidek, ko'plikni ifodalagan. Ikkinchi etnotoponim esa qo'shma gap shaklida bo'lib, [etnonim+ovul] qolipida yasalgan. Ovul mo'g'ul va turkiy tillarga oid qadimiy so'z bo'lib, mo'g'ulcha *ayl* – *yurtlar to'dasi*; *oila*, *xonadon*; *qora uy*, *uy*, *hovli*, *xo'jalik* ma'nolarini o'zida jamlagan [5, 189]

**Turkman millati asosida shakllangan etnotoponimlar.** Turkmanlarham siyosiy jarayonlar natijasida bizning hududlarga kelib o'rnatilgan qolgan. Turkmanlarning etnogenezida mahalliy daxmassagetlar, shuningdek, sarmatlar, alanlar qabilalari, qisman qadimgi Marg'iyona, Parfiya va Xorazm davlatlari aholisi qatnashgan. 1-ming yillik o'rtalarida Kaspiy bo'yi cho'llarida



## TILSHUNOSLIK

turkiy qabilalar, IX asrda o'g'uzlar paydo bo'lgan. Ular turkmanlarning etnogenezida muhim rol o'ynagan. O'g'uzlarning asosiy guruhi XI asrda shimoli-sharqdan kelib, mahalliy aholi bilan aralashib ketgan. XV asrda turkman elati shakllangan. XX asrgacha turkmanlarda qabila-urug'larga ajralish saqlangan. Ulardan eng yiriklari: takalar, yovmutlar, ersari, solurlar, sariklar, gyoklan va choudorlar bo'lgan. Turkman xalqi hozirda O'zbekiston, Shimoliy Kavkaz, Astraxon viloyati va Rossiya Federatsiyasining bir nechta shaharlarida, Afg'oniston, Eron va Turkiyada yashaydi [6,668].

Shu jumladan, Buxoro viloyatining ba'zi hududlarida ham turkman xalqining istiqomat qilganligi haqidagi ma'lumotlarni bugungacha saqlanib kelinayotgan etnotoponimlar orqali bilish mumkin. Biz izlanishlarimiz natijasida turkman millati asosida shakllangan quyidagi etnotoponimlarni uchratdik:

**Turkmanlar** –Buxoro shahri Mirzo Ulug'bek nomli 20-son MFY; Kogon tumani; G'ijduvon tumani.

**Turkman o'g'li** – Kogon tumani Yangihayot QFY.

**Qoraqalpoq millati asosida shakllangan etnotoponimlar.** Qoraqalpoqlarning eng qadimgi etnogenezi Amudaryo deltasi va Orol Kaspiybo'yi cho'llarida miloddan avvalgi VII-IV asrlarda yashagan sak-massaget qabilalari bilan bog'liq. VI-VIII asrlarda mahalliy aholi bilan turkiy qabilalar qisman aralashib ketgan. VIII-X asrlarda bijanak (pecheneg) va o'g'izlar muhitida qoraqalpoq millati shakllana boshladi. Chingizxonning bosqinchilik harakatlari vohani cho'lga aylantirgan, bu Amudaryo quyi oqimi atroflarida yashagan aholining ko'plab ko'chib ketishiga sabab bo'lgan. Qoraqalpoqlar g'arbga, O'zbo'y, Volga va Ural tomonga ko'chib o'tganlar. U yerda Oltin O'rda tarkibida bo'lganlar. Ular Rashididdin asarida "qavmi kulohi siyoh" deb atalgan.

Qoraqalpoqlarning aksariyat qismi XVI-XVIII asrning o'rtalarida Sirdaryoning o'rta va quyi oqim bo'ylari hamda bir qismi Orol mintaqasida yashashgan.

Ma'lumotlarga ko'ra, qoraqalpoq – turkiy xalqlardan biri. O'zbek xalqining ham qoraqalpoqurug'i bo'lgan, shuningdek kenagas tarkibidagi urug'lardan birining nomi – qoraqalpoq [5, 388]. Bu etnonim asosida shakllangan etnotoponim Buxoro viloyatida **Qoraqalpoq** shaklida *Peshko' tuman Qoraqalpoq MFY* hududida uchraydi.

**Afg'on millati asosida shakllangan etnotoponimlar.** Tarixan Afg'oniston hududi beqaror va siyosiy jihatdan tarqoq bo'lib, ushbu hududda yashovchi aholining kundalik turmushi ham shunga muvofiq ravishda beqaror edi. Garchi bitta urug'dan tarqalmagan yoki til jihatdan bitta guruhga mansub bo'lmasa-da, afg'onlarning tarixiy taqdiri o'zbeklar bilan chambarchas bog'liq. Qadimdan iqtisodiy, madaniy aloqalar ikki millat o'rtasida rivojlanib borgan. Yuqoridagi faktorlarni inobatga olsak, afg'onlar O'zbekiston hududiga ko'chib kelib, mahalliy aholi bilan aralashib, ushbu hududlarda o'troqlashib qolgan. Tarixning turli davrlaridagi o'zaro savdo-sotiq aloqalari natijasida o'zbeklarning afg'on hududlariga o'tishi, afg'onlarning esa o'zbeklar yashovchi hududlarga o'tishi kuzatiladi. Ushbu millat vakillari Buxoro viloyati hududlariga ham kelib o'rnatilganligi haqida quyidagi etnotoponim orqali axborot olish mumkin: **Afg'onon** (*Buxoro tumani Amirobod Guliston MFY*).

**Xitoy etnonimi asosida shakllangan etnotoponimlar.** T. Nafasov nomidan xitoy etnonimi xususida quyidagi ma'lumotlar keltirilgan: qishloqlar nomining Xitoy Xalq Respublikasi nomidagi xitoy so'zi bilan daxli yo'q, o'xshashlik yuzaga kelgan. Xitoy – turkiy, mo'g'ul xalqlariga mansub qabila, tovush shakli o'zgargan. Qadimiy shakli -kidar/ kidon/kidan. Kidar/kidanlar qadimgi xunlarning avlodi sanalib, milodning V-asrida Qashqadaryo hududini zabt qilgan. Mo'g'ullar tarkibidagi kidar/kidan/kidonlar XII-asrda Turkiston hududiga ko'chib o'tishgan. Qadimgi kidar/kidan/kidonlar bir necha turkiy, jumladan, o'zbek, qozoq, qoraqalpoq, qirg'iz, boshqird xalqlari tarkibiga kirib, singishib ketgan. Qozoq, qoraqalpoq, qirg'izlarda қытай/қтай, boshqirdlarda хтай-аргын, ктай-кыпчак, хыпчак-ктай, кузгун-қатай, карача-хитой, катай, хытай, кытай, хитой, ктай, хтой kabi qabila, urug'lar bo'lgan. Umumturkiy etnonim faqat joy (qishloq, mahalla, guzar, ko'cha, soy, tepa...) nomi sifatida saqlangan. Bu qishloqlarda yashovchilar etnik mansubligini unutishgan. Xitoy – xitoy (kidar/kidan/-kidon) qabilasiga mansub bo'lgan aholining qishlog'i.

Buxoro viloyati hududida xitoy etnonimi **Xitoyon** (xitoylar) shaklida *Buxoro tuman Istiqbol MFY* tarkibida kuzatiladi. Aytish mumkinki, viloyat hududida ko'plab etnotoponimlar mavjud. Ular

## TILSHUNOSLIK

turli davrlarda, turlicha sharoitlar asosida paydo bo'lib, bugungi kunga qadar tilimizda faol qo'llanib kelinmoqda.

Demak, millat nomlari asosida shakllangan etnotoponimlar tarixiy muhit, shart-sharoit haqida axborot tashish bilan bir qatorda, millat leksikasiga ham o'z ta'sirini o'tkazadi va mahalliy aholini etnik tarkibini ifodalovchi nomlar – etnonimlar jamiyat taraqqiyoti ta'sirida yo'qolib borsada, aholi manzillarining maxsus atoqli nomi sifatida toponimik leksikonda saqlanib qoladi.

## ADABIYOTLAR

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик, 1-том. – Москва: Рус тили, 1981. – 506.
2. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 12жилдлик, 1-жилд. – Т.: ЎзбМЭ ДИН, 2000. – Б. 388-389.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик, 2-том. – Москва: Рус тили, 1981. – 593 б.
4. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 12 жилдлик, 11-жилд. – Т.: ЎзбМЭ ДИН, 2005. – 46 б.
5. **Нафасов Т.** Қашқадарё қишлоқномаси. – Т.: Муҳаррир, 2009. – 430 б.
6. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 12жилдлик, 8-жилд. –Т.: ЎзбМЭ ДИН, 2004. – 668 б.
7. **Раҳматуллаев Ш.** Ўзбек тилининг этимологик луғати (туркий сўзлар). – Т.: Университет, 2000. – 600 б.
8. **Дўсимов З., Эгамов Х.** Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – 174 б.
9. **Асқаров А.** Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент: ТДПУ нашри, 2007. – 340 б.
10. **Дониёров Х.** Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. – Тошкент: Фан, 1968.

УДК: 811.111'342.41

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА УНЛИЛАР ИНТЕРФЕРЕНЦИЯСИ**  
**ИНТЕРФЕРЕНЦИЯ ГЛАСНЫХ В АНГЛИЙСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ**  
**VOWEL INTERFERENCE IN THE ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES**

**Раджабов Насир Насимович**

*Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Ҳарбий-техник институти Хорижий тиллар кафедраси катта ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

**Таянч сўзлар:** вокализм тизими, фонема, интерференция, унлиларнинг позицион кўринишлари, урғусизлик, монофтонг, дифтонг, дифтонгоид.

**Ключевые слова:** система вокализма, фонема, интерференция, позиционные варианты гласных, монофтонг, дифтонг, дифтонгоид.

**Key words:** system of vocalism, phoneme, interference, positional variations of vowels, the state of being unstressed, monophthong, diphthong, diphthongoid.

*Мақолада инглиз ва ўзбек тиллари унлилар тизимида юзага келадиган интерференция ҳолатлари тадқиқ қилинган. Унда унлиларнинг фонетик ва фонологик интерференциясига олиб келадиган лингвистик омилларнинг икки тури фарқланган. Улар вокализм тизими билан бевосита боғлиқ лингвистик омиллар ҳамда вокализм тизими билан билвосита боғлиқ лингвистик омиллардир. Мазкур лингвистик омилларнинг таснифи ишонарли мисоллар билан изоҳланган.*

*В статье рассматривается лингвистическая интерференция, появившаяся в системах гласных английского и узбекского языков. В статье различаются два типа лингвистических факторов, которые приводят к фонетической и фонологической интерференции гласных. Это лингвистические факторы, которые непосредственно связаны с системой гласных, и лингвистические факторы, которые косвенно связаны с системой гласных. Классификация этих лингвистических факторов рассмотрена на фактических примерах.*

*The article deals with the linguistic interference appeared in the vowel systems of the English and Uzbek languages. Two types of linguistic factors, which lead to the Phonetic and*

## TILSHUNOSLIK

*Phonological interference of vowels are distinguished in the article. They are the linguistic factors which are directly connected with the vowel system and the linguistic factors that are indirectly connected with the vowel system. And the classification of these linguistic factors of vowel interference has been explained with factual examples.*

**Кириш.** Интерференция термини тил соҳасига дастлаб Прага тилшунослик мактаби вакиллари томонидан киритилган [3, 147] бўлиб, унинг тилшуносликда кенг қўллана бошлаши XX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. 1953 йилда У.Вайнрайхнинг “Тилларнинг алоқага киришуви” (“Languages in Contact”) номли асари нашрдан чиқади [14]. Мазкур монографиянинг эълон қилиниши лингвистик интерференцияни янада оммалашишига туртки берди. Тил ўрганиш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган лингвистик интерференцияни аниқлаш ва уни бартараф этиш мақсадида тилнинг ҳар бир ярусига алоҳида - алоҳида тадқиқот ишлари олиб бориш жадал тус олди. Пировардида, лингвистик интерференциянинг фонетик - фонологик [7], лексик [4; 11], грамматик [10; 12], стилистик [6] орфографик [13; 8], лингвокултурологик [9] ҳамда таржимага оид интерференция [2] каби турлари юзага келди. Лингвистик интерференциянинг мазкур турлари орасида фонетик ва фонологик интерференция ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Уни илмий тадқиқ қилиш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

**Асосий қисм.** Лингвистик интерференция турли тадқиқотларда турлича талқин қилинади. М.Джусуповнинг таъкидлашича, интерференция ҳодисаси икки томонлама жараён ҳисобланади. Унингча, чет тил ўрганиш жараёнида юзага келадиган талаффузга оид хатоликларга она тилини ва ўрганилаётган чет тили товуш системаларининг ўзаро таъсири сабаб бўлади [3, 149]. О.Ю.Инькова интерференцияни икки тил системаларининг ўзаро таъсири туфайли икки ёки бир нечта тилларда мулоқот қиладиган кишилар нутқида мазкур тил меъёрларининг бузилиши сифатида намоён бўлувчи ҳодиса, деб таърифлайди [4, 3]. В.И. Черемисин *интерференция* термини остида бир тилнинг бошқа тиллар билан алоқага киришуви натижасида шу тил тузилишида (структурасида) юз берадиган барча ўзгаришларни тушунади [11, 6]. Т.С. Федорованинг таърифлашича, интерференция тилларнинг ўзаро алоқага киришуви оқибатида икки тилли кишилар нутқида юзага келадиган тил меъёрларидан оғиш ҳолатларидир [10, 3]. У. Юсупов тиллараро интерференцияни она тилининг ўрганилаётган чет тилига таъсири натижасида чет тили меъёрларининг бузилишига ёки сўзловчининг нутқдан беихтиёр тўхтаб қолишига (интерференция в форме молчания) олиб келувчи лингвистик ҳодиса сифатида таърифлайди [12, 108]. Бизнингча эса, лингвистик интерференцияни ўрганилаётган чет тили ва она тили системалари ўртасидаги номутаносиблик маҳсули сифатида ўзлаштириш жараёнига салбий таъсир қиладиган барча ҳолатлар мажмуи, деб таърифлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро, лингвистик интерференция умумий тушунча сифатида интерференциянинг фонетик, лексик, морфологик, синтактик, стилистик каби бир нечта турларини ўз ичига қамраб олади. Бу эса унинг чет тил ўрганиш жараёнига салбий таъсир қилувчи барча ҳолатлар мажмуи эканлигидан далолат беради.

Чет тил ўрганиш жараёнида лингвистик интерференциянинг нисбатан кўп учрайдиган тури *фонетик ва фонологик интерференция* ҳисобланади. Фонетик ва фонологик интерференция чет тили талаффузини мукамал ўзлаштиришда “лингвистик тўсиқ вазифасини бажарадиган” энг долзарб муаммодир. Мазкур муаммо инглиз тили унли фонемаларининг талаффузини ўзбек аудиториясига ўқитишда ҳам бир қатор қийинчиликларга сабаб бўлади. Бу қийинчиликларни бартараф этиш аввало, инглиз ва ўзбек тиллари вокализм системасидаги фонетик ва фонологик интерференцияга сабаб бўлувчи лингвистик омилларни илмий тадқиқ қилишни тақозо қилади. Бизнингча, чоғиштирилаётган тилларда унлиларнинг фонетик ва фонологик интерференциясига олиб келувчи лингвистик омилларнинг икки турини фарқлаш лозим: 1) *вокализм тизими билан бевосита боғлиқ лингвистик омиллар*, 2) *вокализм тизими билан билвосита боғлиқ лингвистик омиллар*.

Вокализм тизими билан бевосита боғлиқ ҳолда унлиларнинг фонетик ва фонологик интерференциясига сабаб бўлувчи лингвистик омилларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

## TILSHUNOSLIK

- а) унлилар тизимининг тузилишидаги тафовут;
- б) унлиларнинг артикуляцион-акустик хусусиятига кўра ўзига хослиги;
- в) урғусизлик ҳодисасининг турлича намоён бўлиши;
- г) унлиларнинг позицион кўринишларидаги номуносивлик.

Унлилар тизимининг тузилиш жиҳатидан кескин фарқланиши инглиз ва ўзбек тиллари вокализм тизимида интерференцияга сабаб бўлувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Инглиз ва ўзбек тилларида сўзлашувчи кишилар нутқда *монофтонг*, *дифтонг* ва *дифтонгоид* каби унлиларнинг кичик гуруҳларидан ташкил топган инглиз тили вокализм тизими фақат монофтонглардан иборат бўлган ўзбек тили вокализм тизими билан алоқага киришади. Бу каби содда ва мураккаб вокализм тизимларининг алоқага киришуви натижасида уларнинг фарқли жиҳатлари бўлган *дифтонг* ва *дифтонгоидлар*, шунингдек, *монофтонглар* талаффузида бир қатор интерференция ҳолатлари юзага келади. Маълумки, ўзбек тили вокализм тизимида *дифтонг*, *дифтонгоид* каби унли фонемалар мавжуд эмас. Бироқ ўзбек адабий тилида икки унли бирикмалари аниқланган бўлиб, улар сўздаги ўрнига кўра қуйидагича тасниф қилинади:

- а) сўз бошида: *ао, ио, аи, ои, уи, ае, ие, ау*;
- б) сўз ўртасида: *аа, ао, иа, еа, уа, ао, оо, ио, ео, уо, аи, ои, ии, еи, уи, ае, ое, ие, ее, уе, ау, оу, иу, еу, уу, аў, оў, еў*;
- в) сўз охирида: *аа, оа, иа, еа, уа, ао, ио, ео, уо, ои, ое, ау, оу* [5, 22].

Кўринишидан дифтонгларни эслатадиган бу унли бирикмаларнинг бўлинувчан характерга эга эканлиги уларни дифтонглардан фарқлайдиган асосий жиҳат ҳисобланади. Унли ҳарф бирикмалари ва дифтонглар ўртасидаги фарқни А.Абдуазизов шундай изоҳлайди: "... унли товуш бирикмалари икки элементдан иборат бўлса ҳам дифтонг (грекча "di" - икки, "fon" - товуш) бўла олмайди. Чунки бу унли бирикмалари бўгин бўлинишида икки бўгинга, морфема чегарасида ҳам иккига бўлиниб кетади. Дифтонг, одатда бир бўгин ва морфемада бўлиб, иккига бўлинмай, ҳар иккала элементи бирга талаффуз қилинади ва шу сабабли баъзи тилларда улар алоҳида фонема ҳисобланади. Масалан, инглиз тилида boat [boʊt], going [ɡoʊɪŋ], saying [seɪ-ɪŋ], making [meɪ-kiŋ]" [1, 80]. Демак, унли товуш бирикмалари талаффузда бўлинувчан, дифтонглар бўлинмас характерга эга бўлади. Унли товуш бирикмаларининг талаффузда бўлинувчан характерга эга бўлиши уларни ва шу бирикмаларни ташкил қилган монофтонгларни талаффуз қилиш жараёнида нутқ органларининг ҳолати деярли фарқланмаслигини кўрсатади.

Дифтонг ёки дифтонгоидларни талаффуз қилишда нутқ органларининг ҳолати уларнинг монофтонгларни талаффуз қилишдаги ҳолатидан бутунлай фарқ қилади. Табиийки, ўзбек тил соҳибларининг нутқ органлари дифтонг ёки дифтонгоид каби товушларни талаффуз қилишга мослашмаган. Ўзбек тил соҳибларининг нутқ органлари фақат монофтонгларни талаффуз қилишга мослашганлиги боис улар инглиз тилидаги дифтонг ва дифтонгоидларни талаффуз қилишда беихтиёр ўзбек тилидаги унли товушлар талаффузига хос тарзда ҳаракатланади. Натижада инглиз тилидаги дифтонг ва дифтонгоидларнинг талаффузида хатоликлар юзага келади. Масалан, она тили таъсирида ўзбек тилида унли товуш бирикмалари талаффузига хос бўлган бўлинувчанлик инглиз тилидаги дифтонглар талаффузига кўчиши, дифтонгоидларни монофтонгларга хос тарзда талаффуз қилиш ҳолатлари юзага келиши мумкин. Дифтонг ва дифтонгоидлар билан бир қаторда, чоғиштирилаётган тилларнинг бирида бор, лекин иккинчисида мавжуд бўлмаган монофтонглар фонетик ва фонологик интерференцияга сабаб бўлади. Чунки ҳар бир тил соҳибларининг нутқ органлари фақат шу тилдаги товушларни талаффуз қилишга одатланган бўлиб, бошқа тилга хос янги товушларни талаффуз қилиш кўникмасига эга бўлмайди. Натижада чет тилидаги янги товушларнинг талаффузида уларни рисоладагидек талаффуз қилиш кўникмаси пайдо бўлгунга қадар она тилининг таъсири сезилиб туради. Масалан, инглиз тилидаги /ə/, /æ/, /ɑː/, /ɔː/, /zː/ каби монофтонглар ўзбек тилида учрамайди. Ўзбек тил соҳибларининг нутқ органлари мазкур монофтонгларни талаффуз қилиш кўникмасига эга эмаслиги туфайли уларнинг талаффузини рисоладагидек ўзлаштиришида маълум муддат (уларни рисоладагидек талаффуз қилиш кўникмаси пайдо бўлгунга қадар) қийинчиликларга дуч келади.

## TILSHUNOSLIK

Инглиз ва ўзбек тиллари вокализм тизимида фонетик ва фонологик интерференцияга сабаб бўлувчи асосий омиллардан яна бири *унлиларнинг артикуляцион-акустик хусусиятига кўра ўзига хослигидир*. Мазкур тилларда акустик жиҳатдан ўхшаш бўлган унлиларга /ɪ/, /e/, /ʌ/, /ɒ/, /ʊ/ фонемаларини мисол келтириш мумкин. Бу фонемаларнинг акустикаси (*эшитилиши*) ҳар икки тилда ўхшаш бўлса-да, уларнинг артикуляцияси (*ҳосил бўлиш ўрни*) ўзаро фарқланади. Инглиз ва ўзбек тилларида /ɪ/, /e/, /ʌ/, /ɒ/, /ʊ/ фонемаларининг артикуляциясидаги (*ҳосил бўлиш ўрнидаги*) тафовут 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

## Инглиз ва ўзбек тилларида /ɪ/, /e/, /ʌ/, /ɒ/, /ʊ/ фонемаларининг артикуляцияси

Унли фонемаларнинг артикуляцияси (ҳосил бўлиш ўрни)		Инглиз тили	Ўзбек тили
/ɪ/	Тилнинг ётиқ (горизонтал) ҳаракати	тил олди, бироз орқага силжиган (front-retracted)	тил олди
	Тилнинг тик (вертикал) ҳаракати	юқори кўтарилиш: кенг шакли (close or high: broad variation)	юқори кўтарилиш
/e/	Тилнинг ётиқ (горизонтал) ҳаракати	тил олди (front)	тил олди
	Тилнинг тик (вертикал) ҳаракати	ўрта кўтарилиш: тор шакли (mid-open or mid: narrow variation)	ўрта кўтарилиш
/ʌ/	Тилнинг ётиқ (горизонтал) ҳаракати	тил орқа, бироз олдинга силжиган (back-advanced)	тил олди
	Тилнинг тик (вертикал) ҳаракати	ўрта кўтарилиш: кенг шакли (mid-open or mid: broad variation)	қуйи кўтарилиш
/ɒ/	Тилнинг ётиқ (горизонтал) ҳаракати	тил орқа (back)	тил орқа
	Тилнинг тик (вертикал) ҳаракати	қуйи кўтарилиш: тор шакли (open or low: narrow)	қуйи кўтарилиш
/ʊ/	Тилнинг ётиқ (горизонтал) ҳаракати	тил орқа, бироз олдинга силжиган (back-advanced)	тил орқа
	Тилнинг тик (вертикал) ҳаракати	юқори кўтарилиш: кенг шакли (close or high: broad variation)	юқори кўтарилиш

Мазкур тафовут ўзбек тили соҳибларининг инглиз тилидаги /ɪ/, /e/, /ʌ/, /ɒ/, /ʊ/ фонемаларини талаффуз қилишида интерференцияга олиб келади. Чунки ўзбек тили соҳибларининг нутқ органлари /ɪ/, /e/, /ʌ/, /ɒ/, /ʊ/ фонемаларини ўзбек тилига хос тарзда талаффуз қилишга одатланган бўлади. Бу ҳолат уларнинг инглиз тилидаги /ɪ/, /e/, /ʌ/, /ɒ/, /ʊ/ фонемаларни талаффуз қилишида ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Масалан, ўзбек тил соҳиби она тилининг таъсири туфайли инглиз тилидаги /ɪ/ фонемасини *тил олди, бироз орқага силжиган (front-retracted)*; *юқори кўтарилишнинг кенг шакли (close or high: broad variation)* тарзида эмас, *тил олди*; *юқори кўтарилишдаги* унли тарзида талаффуз қилиш билан хатоликка йўл қўяди. Шунингдек, ўзбек тил соҳиби инглиз тилида *тил орқа, бироз олдинга силжиган (back-advanced)*; *ўрта кўтарилишнинг кенг шакли (mid-open or mid: broad variation)* ҳолатида талаффуз қилинадиган /ʌ/ фонемасини она тили таъсирида *тил олди*; *қуйи кўтарилиш* унлиси тарзида хато талаффуз қилади. Ўзбек тили таъсирида инглиз тилидаги /e/, /ɒ/, /ʊ/ фонемаларининг талаффузида ҳам юқоридаги каби “носозликлар”нинг юзага келиш салмоғи ўта юқори бўлади.

Инглиз ва ўзбек тиллари вокализм тизимида фонетик ва фонологик интерференцияга сабаб бўлувчи навбатдаги омил *урғусизлик ҳодисасининг турлича намоён бўлишидир*. Урғусизлик ҳодисасининг қиёсланаётган тилларда интерференцияга олиб келувчи жиҳати, асосан, урғусиз унлиларнинг сифат ва миқдор (чўзиқ-қисқа) белгиларидаги ўзгаришда намоён бўлади. Инглиз тилида унлилар урғусиз ҳолатда сифат ва миқдор (чўзиқ-қисқа) белгиларининг ўзгариш даражасига кўра уч хил тарзда учрайди: а) кучсиз унлилар (weak vowels). Мазкур ҳолатда унлилар сифат ва миқдор (чўзиқ-қисқа) белгиларини тўлиқ йўқотиб, бутунлай бошқа товушга айланиб кетади; б) ярим кучсиз унлилар (semi-weak vowels). Бу тарздаги унлилар бошқа товушга ўзгарса-да, ўзининг сифат ва миқдор (чўзиқ-қисқа) белгиларини қисман сақлаб қолади; в) тўлиқ ифодаланадиган унлилар (full formation). Бу ҳолатда унлиларнинг сифат ва миқдор (чўзиқ-қисқа) белгилари деярли ўзгармайди ва улар урғули ҳолатдагидек тўлиқ ифодаланади. Инглиз тилида унлиларнинг урғусиз ҳолатда сифат ва миқдор (чўзиқ-қисқа) белгиларини

## TILSHUNOSLIK

тўлиқ йўқотиб, янги товушга ўзгариб кетиши қолган икки ҳолатга нисбатан устувор кўрсаткичга эга бўлади. Ўзбек тилида унлиларнинг урғусиз ҳолатда ўзгариши инглиз тилидаги каби даражаланиш касб этмайди. Улар фақат бир хил ҳолатда, яъни ўзининг сифат ва миқдор белгиларини деярли тўлиқ сақлаган тарзда учрайди. Урғусиз ҳолатда унлиларнинг сифат ва миқдор (чўзиқ-қисқа) белгиларидаги ўзгариш ўзбек тилида унлини бошқа товушга ўзгартириб юбориш даражасида бўлмайди. Чоғиштирилаётган тилларда урғусизликнинг энг муҳим ўзига ҳослиги унлини бошқа товушга ўзгариш ёки ўзгармаслиги билан белгиланади. Инглиз тилида урғусизлик аксарият ҳолларда унлини бутунлай бошқа товушга ўзгартириб юборса, ўзбек тилида унинг бундай хусусияти йўқ. Бу ҳолат ўзбек тили соҳибларининг инглиз тилидаги урғусиз унлилар талаффузини ўзлаштиришида интерференцияга сабаб бўлади. Урғусизликнинг она тилидаги тамойилларига одатланган ўзбек тили соҳиблари инглиз тилидаги урғусиз унлиларни уларнинг сифат ва миқдор белгиларини сақлаган ҳолда талаффуз қилишади. Натижада инглиз тилидаги about [ə'baʊt], eject [i'dʒekt], editor ['edɪtə(r)] каби сўзларнинг урғусиз унлиларини талаффуз қилишда она тилининг салбий таъсири яққол намоён бўлади.

Инглиз ва ўзбек тиллари вокализм тизимида фонетик ва фонологик интерференцияни юзага келтирувчи омиллардан яна бири *унлиларнинг позицион кўринишларидаги номутаносибликдир*. Инглиз тилида аксарият унлилар, асосан, беш хил; /ɔ:/, /aʊ/ унлилари, асосан, тўрт хил; /e/, /i:/, /aɪ/, /ɪə/, /ɛə/ унлилари, асосан, олти хил позицион кўринишда намоён бўлади. Ўзбек тилида улар, асосан, уч хил позицион кўринишда учрайди.

## 2-жадвал

## Унли фонемаларнинг позицион кўринишлари

Инглиз тили		
/e/, /i:/, /ɪ/, /aɪ/, /ɪə/, /ɛə/ фонемалари, асосан, олти хил позицион кўринишда воқеланади:	/ɒ/, /ʊ/ /ʌ/ /æ/ /ɑ:/, /ɔ:/, /ɜ:/, /ə/, /u:/, /eɪ/, /əʊ/, /ʊə/ фонемалари асосан, беш хил позицион кўринишда ифодаланади.	/ɔ:/, /aʊ/ фонемалари, асосан, тўрт хил позицион кўринишда воқеланади.
<b>инвариант</b> (фонеманинг асосий кўриниши), <b>вариация</b> (жарангли ундош билан тугаган ёпиқ бўғинда инвариантга нисбатан қисқа-роқ), <b>вариация</b> (жарангсиз ундош билан тугаган ёпиқ бўғинда инвариантга нисбатан анча қисқа), <b>вариация</b> (урғусиз бўғинда қисқароқ ва кучсизроқ), <b>вариант</b> (урғусиз ҳолатда бошқа товушларга ўзгариши).	<b>инвариант</b> (фонеманинг асосий кўриниши), <b>вариация</b> (жарангли ундош билан тугаган ёпиқ бўғинда инвариантга нисбатан қисқароқ), <b>вариация</b> (жарангсиз ундош билан тугаган ёпиқ бўғинда инвариантга нисбатан анча қисқа), <b>вариация</b> (урғусиз бўғинда қисқароқ ва кучсизроқ), <b>вариант</b> (урғусиз ҳолатда бошқа товушга ўзгариши).	<b>инвариант</b> (фонеманинг асосий кўриниши), <b>вариация</b> (жарангли ундош билан тугаган ёпиқ бўғинда инвариантга нисбатан қисқароқ), <b>вариация</b> (жарангсиз ундош билан тугаган ёпиқ бўғинда инвариантга нисбатан анча қисқа), <b>вариация</b> (урғусиз бўғинда қисқароқ ва куч-сизроқ).
Ўзбек тили		
Ўзбек тилида мавжуд 6 та унли фонеманинг ҳар бири асосан уч хил позицион кўринишда ифодаланади:		
<b>инвариант</b> (фонеманинг асосий кўриниши).	<b>вариация</b> (урғусиз бўғинда қисқароқ ва кучсизроқ).	<b>вариация</b> (CVC, CV-CV тузилишга эга бўғинлардаги икки жарангсиз ундош орасида жуда қисқа талаффуз қилинади).

Инглиз тилида унлиларнинг ўзбек тилига нисбатан кўпроқ позицион кўринишларга эга бўлиши уларнинг талаффузини ўзлаштириш билан боғлиқ қийинчиликларнинг салмоғи ортишига замин яратади. Урганилаётган чет тилида унлиларнинг турли хил позицион кўринишларга эга бўлиши она тилида учрамайдиган фонемалар билан бир қаторда, ҳар икки тилда акустик жиҳатдан ўхшаш бўлган товушларнинг талаффузини ўзлаштиришда ҳам қатор қийинчиликларга сабаб бўлади. Инглиз тилидаги /ɪ/, /e/, /ʌ/, /ɒ/, /ʊ/ фонемалари акустик жиҳатдан ўзбек тилидаги /ɪ/, /e/, /ʌ/, /ɒ/, /ʊ/ унлиларига ўхшайди. Шундай бўлса-да, мазкур фонемалар бир типдаги товушлар мажмуи сифатида қиёсланаётган тилларда тўлиқ эквивалент бўла олмайди. Бунга уларнинг позицион кўринишларидаги тафовут йўл

## TILSHUNOSLIK

бермайди. /ɪ/, /e/, /ʌ/, /ɒ/, /ʊ/ фонемаларининг жарангли ундош билан тугаган бўғиндаги вариациялари ҳамда вариант кўринишлари ўзбек тилида ўзларининг муқобилига эга эмас. Бу фонемаларнинг инвариант кўринишлари, шунингдек, жарангсиз ундош таъсиридаги ва урғусиз ҳолатдаги вариациялари бир қарашда ўзбек тилида ўз муқобилига эгадек туюлади. Бироқ /ɪ/, /e/, /ʌ/, /ɒ/, /ʊ/ фонемалари чоғиштирилаётган тилларда чўзиқ-қисқа белгиси жиҳатдан ўзаро фарқ қилади. Улар инглиз тилида қисқа, ўзбек тилида на чўзиқ, на қисқа бўлган ўрталикдаги товушлар ҳисобланади. Бу эса /ɪ/, /e/, /ʌ/, /ɒ/, /ʊ/ фонемаларининг инвариант ҳамда урғусиз ҳолдаги вариация кўринишлари қиёсланаётган тилларда қисман эквивалент бўлишини кўрсатади. Инглиз ва ўзбек тилларида унли фонемаларнинг позицион кўринишларидаги тафовут туфайли ўзбек тил соҳиблари инглиз тилидаги унли фонемаларнинг позицион кўринишларини чалкаштириб талаффуз қилади. Масалан, улар инглиз тилидаги /ʌ/ фонемасининг инвариант кўриниши ўрнида жарангли ёки жарангсиз ундош билан тугаган бўғиндаги вариацияларидан бирини ёки урғусиз ҳолатдаги вариациясини, шунингдек, она тили таъсирида ўзбек тилидаги /ʌ/ фонемасининг инвариантини ёки вариациясини талаффуз қилиш билан хатога йўл қўйишади. Қайд этилган чалкашликлар инглиз тилидаги бошқа унли фонемалар талаффузини ўзлаштириш жараёнида ҳам юзага келиши мумкин. Айниқса, инглиз тилидаги чўзиқ унлилар, дифтонглар каби ўзбек тилида учрамайдиган унлиларнинг талаффузини ўзлаштиришда мазкур муаммо янада жиддий тус олади. Бу унлиларни талаффуз қилишда ўзбек тил соҳиблари бир томондан, уларнинг позицион кўринишлари кўплиги ва аксарияти ўхшашлигидан, иккинчи томондан, бундай товушларни талаффуз қилишга уларнинг нутқ органлари мослашмаганлигидан “азият чекишади”. Натижада ўзбек тили соҳиблари инглиз тилидаги чўзиқ унлиларнинг инвариант кўринишлари ўрнида уларнинг вариацияларини, ёки қисқа унлиларнинг инвариант кўринишларини, ёки ўзбек тилида уларга акустик жиҳатдан яқинроқ бўлган унлиларнинг инвариантини талаффуз қилиб; дифтонглар талаффузида уларнинг инвариант кўринишлари ўрнида вариациялари ёки ўзбек тилида уларга акустик жиҳатдан яқинроқ бўлган унли товуш бирикмаларини талаффуз қилиб хатога йўл қўйиши мумкин. Бундай чалкашликларга бир томондан, ўзбек тил соҳибларининг она тили меъёрларига одатлангани, иккинчи томондан уларда инглиз тилидаги унли фонемаларнинг ҳар бир позицион кўринишини рисоладагидек талаффуз қилиш кўникмаси йўқлиги сабаб бўлади. Бу каби хатоларнинг юзага келиши унли фонемалар талаффузини ўзлаштиришда уларнинг позицион кўринишларини ҳам назардан четда қолдирмаслик лозимлигидан дарак беради. Маълум муддат (уларни рисоладагидек талаффуз қилиш кўникмаси пайдо бўлгунга қадар) давом этувчи мазкур хатоларни бартараф этиш унли фонемалар талаффузини уларнинг позицион кўринишлари билан биргаликда ўзлаштиришни тақозо қилади.

Вокализм тизими билан билвосита боғлиқ ҳолда унлиларнинг фонетик ва фонологик интерференциясига олиб келувчи лингвистик омил чоғиштирилаётган тилларда *унли фонемалар орфографиясидаги ҳамда унли ҳарфлар орфоэпиясидаги тафовутдир*. Ўзбек адабий тили товуш тизими “*бир фонема - бир ҳарф*” тамойилига; инглиз адабий тили товуш тизими “*бир фонема - бир нечта ҳарф*” тамойилига асосланганлиги чоғиштирилаётган тилларда фонетик ва фонологик интерференцияни юзага келтирувчи лингвистик омил ҳисобланади. Ўзбек тилида бир унли фонема ёзувда бир ҳарф билан ифодаланади. Инглиз тилида бир унли фонема ёзувда бир нечта ҳарф ёки ҳарф бирикмалари билан воқеланади (3-жадвалга қаранг).

### Инглиз ва ўзбек тилларида унли фонемаларнинг ёзувда акс этиши

#### 3-жадвал

Инглиз тили		Ўзбек тили	
Унли фонемалар	Ёзувда ифодаланиши (асосан қуйидаги ҳарф ва ҳарф бирикмалари билан ифодаланади)	Унли фонемалар	Ёзувда ифодаланиши
/ɪ/	“i”, “y”, “e”, “a”, “u”, “o”, “ee”, “ie”.	/ɪ/	“i”
/e/	“e”, “a”, “ea”.		
/æ/	“a”, “ai”.		
/ɑ:/	“ar”, “al”, “aff”, “ass”, “au”, “er”, “ear”, “oir”, “age”.	/e/	“e”
/ɒ/	“o”, “a”, “ou”, “ow”, “au”, “ach”.		

## TILSHUNOSLIK

/ɔ:/	"aw", "au", "or", "a", "ou", "ore", "oar", "oor", "our".		
/ʊ/	"u", "o", "oo", "ou".	/ʌ/	"a"
/ʌ/	"u", "o", "ou", "oe", "oo".		
/ɜ:/	"er", "ir", "ur", "yr", "ear", "or", "our", "olo", "err", "urr".		
/ə/	"a", "e", "i", "o", "u", "oar", "or", "er", "ough", "ai", "ou".	/ʊ/	"u"
/i:/	"e", "i", "ee", "ea", "ei", "ie", "ey", "uay", "eo", "ae", "oe".		
/u:/	"u", "o", "oo", "ou", "ew", "oe".		
/eɪ/	"a", "ai", "ay", "ei", "ea", "ey", "eigh", "ua", "ue".	/o/	"o"
/aɪ/	"i", "y", "ie", "ei", "uy", "ye", "igh".		
/ɔɪ/	"oi", "oy".		
/aʊ/	"ou", "ow", "ough".		
/əʊ/	"o", "ou", "ow", "oa", "oo", "ew".	/o/	"o"
/ɪə/	"eer", "ear", "ere", "eir", "ier", "ea".		
/ɛə/	"air", "ear", "are", "ere", "ar".		
/ʊə/	"ure", "oor", "our", "oer", "ue", "ewer".		

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, инглиз ва ўзбек тилларида унли фонемалар сон жиҳатдан жиддий тафовутга эга бўлса-да, ёзувда улар ҳар иккала тилда ҳам 6 та унли ҳарф билан ифодаланади, аммо бу унли ҳарфларнинг орфоэпияси (ўқилиши) ўзаро кескин фарқланади. Инглиз тилида ҳар бир унли ҳарф тўртта бўғин турида (*Iturochiq бўғин, I тур ёпиқ бўғин, II тур очик бўғин (r+унли бўғин), II тур ёпиқ (r+ундош) бўғин.*) тўрт хил фонема билан талаффуз қилинади. Масалан, "a" ҳарфи I тур очик бўғинда /eɪ/ (take [teɪk]), I тур ёпиқ бўғинда /æ/ (fat [fæt]), II тур очик (r+унли) бўғинда /ɛə/ (rare [rɛə]), II тур ёпиқ (r+ундош) бўғинда /ɑ:/ (hard [hɑ:d]) фонемалари билан ифодаланади. Ўзбек тилида эса бир унли ҳарф ҳар қандай бўғинда ҳам бир фонема билан ўқилади (4-жадвалга қаранг).

## Инглиз ва ўзбек тилларида унли ҳарфлар орфоэпияси

4-жадвал

Инглиз тили					Ўзбек тили	
Унли ҳарфлар	Унли ҳарфлар орфоэпияси				Унли ҳарфлар	Унли ҳарфлар орфоэпияси
	I тур очик бўғин	I тур ёпиқ бўғин	II тур очик бўғин	II тур ёпиқ бўғин		
"i"	[aɪ] <i>fine</i> [faɪn]	[ɪ] <i>pin</i> [pɪn]	[aɪə] <i>tire</i> [taɪə]	[z:] <i>bird</i> [bɜ:d]	"i"	[ɪ] товуши билан ўқилади: <i>кий</i> [kɪy], <i>қир</i> [qɪr].
"a"	[eɪ] <i>pale</i> [peɪl]	[æ] <i>pat</i> [pæt]	[ɛə] <i>care</i> [kɛə]	[ɑ:] <i>hard</i> [hɑ:d]	"a"	[ʌ] товуши билан ўқилади: <i>пат</i> [pat], <i>сана</i> [sʌn].
"e"	[i:] <i>scene</i> [si:n]	[e] <i>ten</i> [ten]	[ɪə] <i>here</i> [hɪə]	[z:] <i>per</i> [pɜ:]	"e"	[e] товуши билан ўқилади: <i>эрк</i> [ɛrk], <i>сени</i> [senɪ].
"o"	[əʊ] <i>hope</i> [həʊp]	[ɒ] <i>pot</i> [pɒt]	[ɔ:] <i>core</i> [kɔ:]	[ɔ:] <i>corn</i> [kɔ:n]	"o"	[ɒ] товуши билан ўқилади: <i>бор</i> [bɒr], <i>момо</i> [mɒ'mɒ].
"u"	[u:] / [ju:] <i>cube</i> [kju:b]	[ʌ] <i>but</i> [bʌt]	[ʊə] / [jʊə] <i>pure</i> [pjʊə]	[z:] <i>turn</i> [tɜ:n]	"u"	[ʊ] товуши билан ўқилади: <i>тур</i> [tʊr], <i>туриб</i> [tʊ'ɪb].
"y"	[aɪ] <i>deny</i> [dɪ'naɪ]	[ɪ] <i>myth</i> [mɪθ]	[aɪə] <i>lyre</i> [laɪə]	[z:] <i>myrtle</i> ['mɜ:tl]	"o"	[o'] товуши билан ўқилади: <i>тўр</i> [to'r], <i>тўри</i> [to'ɪ].

Инглиз тилида ҳар бир унли ҳарфнинг бир нечта фонема билан ўқилиши ўзбек тили учун ноодатий эканлиги чоғиштирилаётган тизимларда интерференцияга сабаб бўлади. Шунингдек, инглиз тилида бир унли ҳарф бирикмаси ҳам талаффузда бир нечта унли фонема орқали ифодаланиши мумкин. Масалан, "ea" ҳарф бирикмаси *head* [hed] сўзида [e], *east* [i:st] сўзида [i:], *great* [greɪt] сўзида [eɪ] тарзида талаффуз қилинади. Она тили



## TILSHUNOSLIK

талаффуз меъёрларига кўра бир унли ҳарфни оғзаки нутқда бир хил талаффуз қилишга одатланган ўзбек тил соҳиблари инглиз тилида фонетик контекстга боғлиқ ҳолда турли хил ўқиладиган бир унли ҳарф ёки ҳарф бирикмасини барча ҳолатларда бир хил товуш билан талаффуз қилишлари табиий. Масалан, инглиз тилидаги “а” ҳарфини она тили таъсирида ўзбек тил соҳиблари барча ўринларда бир хил – [æ] ёки [eɪ] тарзида талаффуз қилиб хатога йўл қўйишлари мумкин. Шунингдек, инглиз ва ўзбек тилларида аксарият унли ҳарфларнинг орфографияси ўхшашлиги ҳам ўзбек тил соҳибларининг инглиз тили унли ҳарфларини оғзаки нутқда нотўғри талаффуз қилишларига олиб келади. Ўзбек тил соҳиблари “а” ҳарфи орқали /ʌ/ фонемасини, “i, e, o, u” ҳарфлари орқали /ɪ/, /e/, /ɒ/, /ʊ/ фонемаларини тасаввур қилади. Натижада улар инглиз тилидаги “a, i, e, o, u” унли ҳарфларини турли фонетик контекстларда ҳам она тили таъсирида бир хил – /ʌ/, /ɪ/, /e/, /ɒ/, /ʊ/ тарзида нотўғри талаффуз қилиш эҳтимоли юқори бўлади.

Инглиз тили талаффузини ўзлаштириш жараёнида мазкур лингвистик омилларни ҳисобга олиш она тили таъсирида келиб чиқадиган унлиларнинг фонетик ва фонологик интерференциясини бартараф этишга, натижада тил ўрганиш жараёни янада самарали кечишига хизмат қилади.

**Хулоса.** Юқоридаги фикрларни хулоса қилиб айтганда, вокализм тизимининг тузилишидаги тафовут, унлиларнинг артикуляцион-акустик (ҳосил бўлиш ўрни ва эшитилиши) хусусиятига кўра ўзига хослиги, урғусизлик ҳодисасининг турлича намоён бўлиши, унлиларнинг позицион кўринишларидаги номутаносиблик инглиз ва ўзбек тилларида фонетик ва фонологик интерференцияга сабаб бўлувчи лингвистик омилларнинг асосини ташкил қилади. Интерференциянинг манбаи ҳисобланадиган мазкур лингвистик омиллар ўзбек тил соҳибларининг инглиз тили унли фонемалари талаффузини рисоладагидек ўзлаштиришида тўққинлик қилади. Бу ҳолат ўрганилаётган чет тили талаффузини ўзлаштириш жараёни янада қийинроқ кечишига сабаб бўлади. Фонетик ва фонологик интерференцияга олиб келувчи қайд этилган лингвистик омилларни чуқур ўзлаштириш ҳамда орттирилган билим ва кўникмаларни мунтазам равишда мустаҳкамлаб бориш товуш интерференцияси ҳолатларининг вақт ўтиши билан едирилиб кетишида муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

## АДАБИЁТЛАР

1. **Абдуазизов А.А.** Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Т.: Ўқитувчи, 2010. – 172 б.
2. **Алимов В.В.** Интерференция в переводе (на материале профессионально-ориентированной межкультурной коммуникации и перевода в сфере профессиональной коммуникации): Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – М., 2005. – 40 с.
3. **Джусупов М.** Звуковые системы русского и казахского языков. Слог. Интерференция. Обучение произношению. – Т.: Фан, 1991. – 239 с.
4. **Инькова О.Ю.** Лексическая интерференция в итальянском и французском языках: Проблема "ложных друзей переводчика": Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 1992. – 20 с.
5. **Ишаев А.** Ўзбек адабий тилида товуш бирикмалари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1966. - №1. – Б. 21-26.
6. **Кокорев Б.С.** Стилистическая интерференция в устной речи переводчика научно-технических текстов и пути ее преодоления // Ученые записки ГГПИИЯ. – 1972 - Вып. 49. – Т. 72. – С. 120-122.
7. **Мелика Г.И.** Проблемы фонетической и фонологической интерференции в межъязыковом контактировании (на материале взаимодействия идиом украинского, венгерского и немецкого языков г. Мукачева): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Львов, 1971. – 19 с.
8. **Рогозная Н.Н.** К вопросу о графической интерференции при обучении русскому языку иностранцев // Вопросы филологии. – 2003. – №1. – С. 90-98.
9. **Федорова Н.П.** Преодоление лингвокультурной интерференции в процессе обучения иностранному языку студентов неязыковых вузов (на материале английского языка): Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Нижний Новгород, 2010. – 21 с.
10. **Федорова Т.С.** Синтаксическая интерференция в речи долганско-русских билингов (на

материале словосочетания): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2005. – 19 с.

11. Черемисин В.И. Лексико-семантическая интерференция при переводе как особом виде языкового контакта (на материале англо-русских переводов): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 1992. – 40 с.

12. Юсупов У.К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. – Ташкент: Фан, 2007. – 127 с.

13. Akamatsu N. The Effects of First Language Orthographic Features on Second Language Reading in Text // Language Learning. – 2003. – V. 53. – N2. – P. 207-231.

14. Weinreich U. Languages in Contact. Findings and Problems. – N.Y., 1953. – 212p.

УДК:02

**ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ТАОМ НОМИНАНТЛАРИНИНГ СТИЛИСТИКАСИГА ОИД  
СТИЛИСТИКА НОМИНАНТОВ УЗБЕКСКОЙ НАЦИОНАЛЬНОЙ КУХНИ  
STYLISTICS OF UZBEK NATIONAL FOOD NOMINATES**

**Одилова Гулноза Комилжоновна**

*Алишер Навоий Номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети  
“Таржима назарияси ва амалиёти” кафедраси мудири*

**Таянч сўзлар:** глуттоним, таомноминантлари, стилистик таҳлил, миллий таомлар, суффикс.

**Ключевые слова:** глуттонимы, номинанты еды, стилистический анализ, национальные блюда, суффикс

**Key words:** gluttonym, food nominants, stylistic analysis, national meals, suffix.

*Мазкур мақолада ўзбек миллий таом номинантларининг номланиш мотивацияси таҳлилга тортилади. Миллий таом номлари номланиш мотивациясига кўра гуруҳларга ажратилиб, уларнинг ясалиши таҳлил қилинади. Таом номинантлари таржимаси бўйича тавсиялар берилади.*

*В статье дан анализ мотиваций в наименовании номинантов узбекских национальных блюд. Представлена классификация национальных номинантов еды. Приводятся рекомендации и по переводу названий блюд.*

*This article analyzes the motivation in naming the nominees of the Uzbek national dishes. National nominees of food are divided into different categories by naming motivation and its analysis. Recommendations on the translation of food items are provided*

**Кириш.** Таом номинантлари, яъни глуттонимларни таржима қилиш, матннинг туридан келиб чиқиб турлича бўлиши мумкин. Масалан, бадиий матнда таом номи таржимаси орқали бадиий образ ёки ботиний маъно қайта яратилса, рецепт ёки таомномадаги таом номининг тўғри таржимаси мижознинг шу таомни буюртма қилиш хоҳишини келтириб чиқаради [1, 166].

Глуттоник дискурс жанрларидан бўлган таомномалар ва рецептларни таржима қилиш, дастлабки босқичда энг кичик компонентлар – глуттоник номинантлар, яъни таом номлари таржимасидан бошланади. Таржима жараёнида юзага келадиган бир қатор муаммолар – таом номинантларининг таржима тилидаги нотўғри эквивалентлар билан берилиши, тўғридантўғри транскрипция қилиш орқали таом номинанти хўранда онгида ҳосил қиладиган ассоциацияларнинг тушиб қолиши кабилар таом номинантлари деривацияларидан беҳабарлик оқибатида юзага келади. Бу эса ресторан ва умумий овқатланиш корхоналари таомномаларини яратишда хорижий тилдаги менюларда бир қатор камчиликларнинг юзага келишига хизмат қилади. Бугунги кунда жадал ривожланиб бораётган гастрономик туризмни ривожлантириш нафақат туристик соҳа вакиллари, балки тилшунос ва таржимашунослар зиммасига ҳам бир қатор вазифаларни юклайди. Шулардан бири ўзбек миллий таом номинантлари деривацион усулларини тадқиқ этиш ва уларнинг ясалиш қолипларини ўрганишдир.

## TILSHUNOSLIK

**Асосий қисм.** Қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларида мавжуд таом номинантларини таҳлил қилган тилшунос М. Худаярованинг таъкидлашича, бошқа соҳаларда бўлгани каби таом номларини аташда ҳам турли хил мотивлар (асослар) ном қўйиш базаси, тамойили вазифасини ўтайди. Улар қуйидагилар: **1. Қандай маҳсулотдан тайёрланишига қараб қўйилган номлар** (сутгуруч, мошгуруч, қовоқ манти). **2. Бошқа предметларга ўхшаганлигига қараб қўйилган номлар** (хўроз кампит). **3. Истеъмол қилиш усулига кўра қўйилган номлар** (илдирме). **4. Тайёрланиш жараёнига қараб қўйилган номлар** (узман, салма, джайман, қарма) [2, 96]. Олиманинг фикрларига эътироз билдирмаган ҳолда, ўзбек кулинарияси жонкуяри устоз Карим Маҳмудов шакллантирган “Ўзбек миллий таомлари”, “Ўзбек тансиқ таомлари” китоблари ҳамда Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси базасига киритилган таом номинантларини бир тизимга соладиган бўлсак, ўзбек миллий таомлари қуйидаги категориялар бўйича гуруҳлаштирилиши мумкин: топонимик (ҳудудий) брендга айланган таом номлари: *Жиззах сомса, Тошкент палови, Қашқадарё жизи*; тасодифий антиқа номланган таом номлари: *ажабсанда, пармуда сомса, галмана*; қандай ошхона анжомидан тайёрланганлигига қараб: *тандир сомса, қозон сомса, қозон патир, сих кабоб, тандир кабоби, товуқ тандир, кўза шўрва*. Шунингдек, ўзбек миллий таомлари орасида истеъмол қилиш усулига кўра номланган таом номлари деярли учрамайди. *Бешбармоқ* (қозоқ) таоми қўл билан истеъмол қилинадиган бўлса-да, *лағмон (уйғур)* сингари таом ҳам миллий ошхонамизга қардош халқлар ошхонасидан кириб келган. Бу таомнинг мавжуд эквиваленти *шилпилдоқ* эса истеъмол қилинишига қараб эмас, таомнинг қалин ёки юпқалигига кўра номланган. Шунингдек, тайёрлаб, истеъмол қилган ижтимоий қатлам вакиллари номи билан аталувчи таомлар: *чўпон кабоб, чўпонча, деҳқонча салат, бой сомса* номлари ҳам мавжуд. Юқорида номлари тилга олинган кулинар манбаларда келтирилган ўзбек миллий таом номинантларининг аталиш мотивларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин. Қуйида ҳар бир категорияга мансуб таом номинантларини умумий рўйхатдан саралаб олиб, уларнинг ясалишини таҳлил қиламиз.

**1. Қандай маҳсулотдан тайёрланишига қараб қўйилган номлар:** *калла-поча, гўшт нон, кади яхна, карам яхнаси, товуқ буғлама, ичак шавла, ловия шавла, картошка шавла, сут бўтқа, бедана кабоб, каклик кабоб, бўйрак кабоб, жигар кабоб*. Ушбу категорияга мансуб таом номинантлари қуйидаги усулда ясалади: битишув усулида: [от+от] битта маҳсулот номи ва битта таом номи қўшилишидан ясалган янги таом номлари (*жигар кабоб, думба кабоб, чарви кабоб, помидор кабоб, кўзиқорин кабоб, елин кабоб, балиқ димлама ва ҳоказо*). **2. Сўз ясовчи -ли суффикси қўшилган таом номлари:** -ли суффикси аниқловчи компонентли сўзларга қўшилиб, таомнинг масаллиғи номидан иборат эканлигини аниқлаб туради: *қатиқли ош, қазили палов, қовоқли сомса* [2,103]. **3. Тайёрланиш жараёнига қараб қўйилган номлар:** *қовурма палов, ивитма палов, қийма палов, тўғрама палов, тўнтарма палов, қовурма шўрва, қайнатма шўрва, қийма шўрва, димлама хасип*. -ма қўшимчаси феълга қўшиладиган суффикс бўлиб, таом қандай усулда тайёрланганлигини билдиради. Энг қадимги даврлардан то ҳозиргача таом маъносини билдирувчи номлар ҳосил қилишда энг фаол ҳисобланиб, бу қўшимча ёрдамида XII аср ёзма ёдгорликларида ҳам таом номлари ясалганлигини кўриш мумкин. М. Худаярова ўз илмий тадқиқотида Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит-турк” асарида *сузма, қатма, булғама, қатлама*, Алишер Навоий асарларида: *қимизни ва сузмани ва бохсумни ва бўзани дағи туркча айтурлар ва яна баъзи емалардин қаймоғ ва қатламани ва буламоғ ва қурут ва улабани ҳам туркча айтурлар* каби таом номларининг учраши, бу қўшимчанинг туркий халқлар тилида энг қадимги шакл сифатида қўлланилиб келаётганлигини кўрсатади [2,101]. **4. Тасодифий антиқа номлар:** *галмана, пармуда сомса, ажабсанда*. Мазкур категорияга мансуб таом номинантлари ҳеч қандай инфорацион характерга эга эмас. Сабаби, таом номида унинг истеъмоли, ичидаги ингредиентлари ёки қайси ҳудудда тайёрланиши билан боғлиқ бирор маълумот йўқ. Бундай таом номинантлари таомномага киритилганда, уларнинг таркиби билан боғлиқ маълумотларни гастрономик лексикадан фойдаланган ҳолда, иштаҳоочар стилистик бўёқдор сўзлар билан таржима қилиш мақсадга мувофиқдир. **5. Истеъмол қилган ижтимоий қатлам вакиллари номи билан аталувчи таомлар:** *чўпон кабоб, чўпонча (гўшт), деҳқонча салат, бой сомса*. Бу категорияга мансуб таом номинантларининг ном қўйиш мотивацияси қуйидагича: таом таркибидаги

маҳсулотлар унинг номида келтирилган ижтимоий қатлам вакиллари учун ҳамёнбоп ёки мазкур таом, ўз номида келтирилган қатлам вакиллари томонидан яратилган бўлиши мумкин. Ёки таом ошпазлар томонидан ўйлаб топилиб, юқори ижтимоий қатлам вакиллари номи билан аталиши, шу орқали мижозни овқатни сотиб олишга, “менинг ҳам қурбим этади” қабилида юқори баҳо беришга ундаш мақсад қилиб олинган бўлиши мумкин. Унинг тайёрланиш техникаси таом номида келтирилган шахслар фаолияти ёки иш услуги учун қулай. Бу категорияга мансуб таом номлари аслият тили вакиллари учун информатив, ишоравий характер касб этади. Таом қандайлигини номига қараб тасаввур қилиш мумкин. Масалан: *чўпон кабоб* Қашқадарё ва Сурхондарё ошхонасига мансуб, қўй гўшtidан тайёрланган таом ҳисобланади. **6. Топонимик (худудий) хусусиятига кўра:** *тошкентча ош, андижонча ош, жаззахча палов, бухороча ош, қашқадарёча ош, самарқандча ош, хоразмча палов, Ғиждувон кабоби, қашқадарёча “дашт” шўрва, қашқадарёча тандир.*

Мазкур категорияга мансуб таом номинантлари [топоним + ча аффикси+ таом номи] ёки [топоним+таом номи+и аффикси] тарзида ясалган. Бу категорияга киритилган таомлар миллий таомлар базасидаги таомларнинг турли ҳудуднинг иқлим шароити ва маҳсулотларидан келиб чиқиб тайёрланиши, кейинчалик эса бошқа ҳудудларда мазкур таомнинг бренд даражасига кўтарилиши натижасида ҳосил бўлган. Ўзбекистондаги баъзи бир вилоятлар (Самарқанд, Бухоро) шеваларида –и аффикси ҳам учрайди. -и аффиксининг ясовчилик хусусияти а) мазкур таомнинг жой номлари билан боғлиқ: *кобули шўрва, қашқари патир, бухори жаркўп*; б) атоқли отлардан ҳосил бўлган: *пўлати нон, қосимжони нон*; в) таомнинг муайян ўрин ва истеъмол қилиш усули билан боғлиқ: *гузари палов, бозори нон, бозори кулча*; г) таомни тайёрлаш асбоб-ускуналари билан боғлиқ: *тандири барра* (в.х.) каби атамалар билан ясалади. Бироқ -и қўшимчаси билан таом номининг ясалиши Қорақалпоғистон ўзбек шеваларида деярли қўлланилмайди [2,103]. Ўзбек ошхонасида кенг қўлланадиган *варақи, варақи сомса* каби таом номинантларида бу қўшимча мавжуд. **6. Қандай ошхона анжомида тайёрланган-лигига кўра:** *кўза шўрва, ўчоқ оши, тандир сомса, қозон сомса, қозон патир, сих кабоб, тандир кабоби, товук тандир.* Бу категорияга кирувчи таом номинантлари [ошхона анжоми ёки асбоб номи+таом номи] ва баъзи ҳолатларда [асбоб номи+таом номи+и аффикси] кўринишида (*тандир кабоби*) ясалади. Мазкур таомларнинг бошқа соддароқ ошхона анжомларида ҳам тайёрланадиган эквивалент рецептлари мавжуд бўлади. Бироқ таъм жиҳатдан қозонга нисбатан кўза, газ плитасида тайёрланган ошдан кўра ўчоқда тайёрланган ошнинг таъми мазалироқ бўлганлиги учун таом номига қўшилган анжом номи таомнинг маза- таъм ва тайёрланиш техникаси ҳақида информатив характерга эга бўлади. Мазкур таомлар миллий таомлар ресторани таомномаси учун хорижий тилга таржима қилинганда таом ингредиентлари қаторида анжом ҳақида ҳам қисқача изоҳ бериб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Масалан: Chicken tandoor (chicken baked in national oven made of fire-clay with regional spices). Таржимаси: Товук тандир (олов ўтказадиган махсус лойдан ясалган миллий печда маҳаллий зираворлар қўшиб ёпилган товук). Бу тарзда ёзилган изоҳ таом буюртма қилувчи хўрандининг қизиқишини уйғотади ва иштаҳасини очади. Чунки товук ҳаммага маълум ошхона печида эмас, махсус ўзбек миллий печи – тандирда ёпилган. Зираворлар масаласига келсак, *товуктандир* атамаси ўзбек хўрандаси учун туздан ташқари мурч, қалампир ва тоғ арчаси сепиб тайёрланганлигини англатса, хорижлик сайёҳ учун мутлақо номаълум таом номидир. **7. Икки мустақил таомнинг комбинацияси ёки бир таомнинг бошқа овқат рецептига қўшиб тайёрланишига кўра:** *хасип шўрва, угра чучвара, палов манти, хасип кабоб.* Мазкур категорияга кирувчи таомлар таркиби икки таом номидан иборатлиги сабаб [от+от] қолипи асосида ҳосил бўлган. Масалан, угра чучвара таоми Фарғона водийсида тайёрланиб, мазкур таомни пишириш учун икки зувала хамир қорилади. Бирдан чучвара тугилади, иккинчисидан угра кесиб чиқилади. Қийма тайёрланиб, ярми чучваранинг ичига солинади, ярмидан эса кифта(тефтель) тайёрланиб, уграла тефтель шўрва каби шўрва тайёрланади ва аввал чучвара, чучвара ва кифталар пишиб чиққач эса, угра солинади [3, 332]. Тансиқ таомнинг шўрваси уграла кифта шўрва ё чучвараники билан бир хилда тайёрланади. Бироқ *палов манти*да тугилган манти манти қасқонда пиширилмайди, балки паловни дамлаш пайти устига териб чиқилиб, паловнинг дами ва ёғини шимган ҳолда пишади. Яъни бу таомни тайёрлашда палов тайёрлаш

## TILSHUNOSLIK

техникаси устунлик қилади. Бу каби таом миллий таомлар ресторани таомномасига киритилса, таом номини шунчаки транслитерация қилиш билан чекланиб бўлмайди. Тайёрланишдаги ўзига хослик ва маза ҳақида қисқача изоҳ билан маҳсулотлар қаторида тушунтириб ўтилиши таомни буюртма қилишга бўлган талабни оширади. Масалан: *Palov-Manti (combination of pilav(rice, onion, carrot fat and lamb) and manti (pastry made of wheat flour, egg, beef or mutton, fat tail and onion, shaped in oval form stuffing on the paste) but in specially stewed in one pot together. Matching delicious taste of pilav and manti.* Таржимаси: палов манти (палов гуруч, сабзи, гўшт ва ёғ солинган таом) ҳамда манти (буғдой уни, қўй ёки мол гўшти, пиёз солиб тайёрланган, махсус шаклда букилган таом) комбинациясидан тайёрланган бўлиб, палов ва мантининг лаззатли таъмлари уйғунлаштирилиб, битта қозонда махсус усулда димланган. Шу каби тушунтириш ва изоҳ берилиши бу категориядаги таомлар ҳақида хўрандада ёрқинроқ тасаввур ҳосил қилишга мажбур қилади. **8. Бошқа предметга ўхшаганлигига кўра:** *қуштили, мунчоқ атала, тугмача сомса, чумчуқтил салати, қайиш ош.* Бу категорияга кирувчи таомлар кўпчиликни ташкил қилмайди. Таом номи бирор предметга муқояса қилиб қўйилган. Масалан, *қуштили* ширинлигининг букилиши қушнинг тилига ўхшаса, *мунчоқ атала* парҳез таомида овқатнинг юзида сузиб юрадиган якка-якка, кам миқдордаги гуруч косага сочилган мунчоқдек кўринади. *Тугмача сомсанинг* тугилиши эса тугмани эслатади. Бу категорияга кирувчи таом номлари аслият тили вакиллари учун етарлича информатив характер касб этади. Яъни ўзбек кишиси таомнинг катта-кичиклиги, ҳажми ва ташқи кўриниши ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлади. Бироқ хорижий тилдаги мазкур таом номинантларининг транслитерацияси тилимиздан озроқ хабардор хорижликда чалкашликларни келтириб чиқариши мумкин. Яъни *қуштили* таомига парранда тили солинмаганлиги, *тугмача сомсанинг* тугмага алоқаси йўқлиги таомномадаги изоҳда содда тушунтирилиши лозим. Сабаби, аксарият хорижий тилдаги таомномаларда миллий таомларимиз номлари шунчаки транслитерация қилиниб, инглизча ҳарфларда ҳавола қилинган. Масалликлар ҳақидаги изоҳлар ҳам берилмаган. Табиийки, хорижлик сайёҳ таом номини ўқигач, уни қўл остидаги онлайн луғат орқали таржима қилиб олишга ҳаракат қилади. Ва *қуштили* десертини иккинчи таом деб тушуниши эҳтимоли катта. Шу сабабдан таом ва ширинликлар номлари таомномаларда қавс ичидаги махсус изоҳда, хўранданнинг иштаҳасини қитқилайдиган гастрономик терминология билан таржима қилиниши мақсадга мувофиқдир. Масалан: *Qushtili (dessert, pastry made of wheat flour, eggs, milk and water, cut as a shape of birds tongue, fried in oil and stewed with sugar powder).* Таржимаси: қуштили (буғдой уни, тухум ва сут қўшиб тайёрланган ҳамирдан, қуш тилига ўхшатиб кесиб, ёғда қовуриб, устига шакар упаси сепиб тайёрланган десерт). Шунингдек, ўзбек миллий таомлари орасида таомнинг ранги ва ҳажмига қараб номланган *оқ шўрва, яхлит манти, очиқ манти* каби таом номинантлари ҳам учрайди.

**Хулоса.** Ўзбек миллий таом номинантларини стилистик таҳлил қилиш, лексикологияси ва этимологик жиҳатларини ўрганиш замонавий тилшуносликнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Сабаби, таом номинантларининг лексик ва семантик жиҳатлари, уларнинг ясалиши ва тайёрланиш хусусиятига кўра номланиш мотивацияси ўрганилмас экан, миллий таом номинантларини ресторан таомномалари учун хос изоҳларини тайёрлаб бўлмайди. Зотан, таржимон таом спецификасини билмай туриб, унинг менюбоп изоҳини ярата олмайди. Таом номинантларининг таржима моделлари ишлаб чиқилмас экан, миллий таомлар ресторан таомномаларида шунчаки транслитерация қилиб қўйилаверади. Бу эса гастрономик туризм соҳасида хизмат кўрсатиш даражасининг пасайиб кетишига олиб келади.

## АДАБИЁТЛАР

1. **Ундрицова М.В.** Меню как текстовая разновидность гастрономического дискурса и особенности их регионально-переводческой адаптации //Материалы II Международного научно-практического форума «Языки. Культуры. Перевод». – М.: Издательство Московского университета, 2014. – С. 165-176.
2. **Худаярова М.Т.** Ўзбек тилидаги таом номларининг лингвистик таҳлили: филол.фанларинормз. ... диссер. –Тошкент, 2008.–135 б.
3. **Маҳмудов К.** Ўзбек тансиқ таомлари. – Тошкент: Меҳнат, 1989. –352 б.

УДК: 41 С-16

## РАБҒУЗИЙНИНГ “СУЛАЙМОН БИН ДОВУД АЛАЙҲИ-С-САЛОМ ҚИССАСИ”ДАГИ АРАБИЙ ЎЗЛАШМАЛАРНИНГ МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

## МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ АРАБИЗМОВ В ПРОИЗВЕДЕНИИ РАБГУЗИ «СКАЗАНИЕ О СУЛЕЙМАНЕ ИБН ДАВУДЕ АЛАЙХИ-С-САЛАМ»

## THE MORPHOLOGICAL PECULIARITIES OF ARABIC BORROWINGS IN “THE STORY OF SULEYMAN BIN DAVUD ALAYHISSALAM” BY RABGUZI

Сагдуллаева Дилфуза Каримуллаевна

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти*

**Таянч сўзлар:** арабий ўзлашмалар, сўз шакллари, шакл ясовчи қўшимчалар, морфологик белгилар, исм, феъл, ҳарф (ёрдамчи сўзлар).

**Ключевые слова:** арабские заимствования, словоформы, формообразующие окончания, морфологические особенности, имена, глаголы, частицы.

**Key words:** arabic borrowings, word forms, formative endings, morphological peculiarities, noun, verbs, auxiliary words.

*Мазкур мақолада Носируддин Бурҳониддин Рабғузийнинг ислом манбалари асосида туркий тилда илк бор яратилган “Қисаси Рабғузий” асарининг “Сулаймон бин Довуд алайҳи-с-салом қиссаси” бўлимидаги арабий ўзлашмалар луғат таркибининг морфологик хусусиятлари араб тилшунослиги нуқтаи назаридан таҳлил қилинган.*

*В статье дан анализ морфологических признаков словарного состава арабизмов с точки зрения арабской лингвистики в «Сказании о Сулеймане ибн Давуде алайхи-с-салом» из «Кысасы Рабгузи» Насуриддина Бурханиддина Рабгузи, впервые опубликованном на тюркском языке на основе исламских источников.*

*This article deals with the analysis of morphological peculiarities of lexical content of arabic borrowings from the viewpoint of arabic linguistics in “The story of Suleyman Bin Davud alayhissalam” of “Qissasi Rabguzi” by Nasiruddin Burkhoniddin Rabguzi, being primarily published in Turkic language based on Islamic sources.*

**Кириш.** Инсониятнинг маънавий мулки ҳисобланган буюк аждодларимизнинг асарларини, шунингдек, уларнинг бутун жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини чуқур ўрганиш, теран англаш ва кенг оммалаштириш ҳозирги глобаллашув жараёнида муҳим аҳамият касб этмоқда. Мовароуннаҳр олимларининг “...араб ёзувидаги турли мавзуларга оид ёзма ёдгорликлар ва эпиграфика намуналарини тадқиқ қилиш, уларни асл ҳолида ҳамда ўзбек ва хорижий тилларда илмий изоҳлар, таржималар билан нашр этиш, илмий муомалага киритиш” масаласи давлат аҳамияти ва унинг истиқбол ривожланиш стратегиясига алоқадор вазифалар қаторига киритилган[1]. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, буюк аждодимиз Носируддин Бурҳониддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асаридаги “Қиссаи Сулаймон бин Довуд алайҳи-с-салом” бўлимида қўлланилган арабий ўзлашмаларнинг морфологик хусусиятларини араб тилшунослиги нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш аждодларимиз асарларининг тил хусусиятларини ёритишда зарур омиллардан бири ҳисобланади. Мазкур ёзма ёдгорлик исломий манбалар асосида ёзилганлиги боис, асарда кўплаб арабий ўзлашмалар қўлланилган. Асардаги арабча сўзларнинг ясалиш усули ва уларнинг туркий тилдаги мақомини аниқлаш ўзбек тилшунослиги ва арабшунослиги тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

**Асосий қисм.** Маълумки, араб ва ўзбек тиллари бир-биридан морфологик жиҳатдан кескин фарқ қилади [7, 516-517]. Араб тили флектив тилларга, ўзбек тили агглютинатив тилларга мансуб. Араб тилидаги сўз ва сўз шакллари ички флекция йўли билан ясалса, ўзбек тилидаги сўз ва сўз шакллари аффиксация йўли билан ҳосил бўлади [11, 12]. Сўзнинг грамматик маънолари жиҳатидан фарқланадиган ҳар бир шакли - сўз шаклидир. Сўз шакллари ясалишида қатнашиб, ҳар хил грамматик маъно англатадиган қисм сўзнинг морфологик тузилишини ташкил қилади [12]. Сўзнинг морфологик тузилишида шакл ясаш асоси ва шакл ясовчи восита мавжуд бўлиб, сўз шакли таркибида бирдан ортиқ шакл

ясовчи аффикснинг иштирок этишига қараб унинг морфологик структураси мураккаблашиб боради. Араб тилида эса сўз ва сўз шакллари ўзига хос формалар асосида ясашиб, ҳар бир грамматик категория ўзининг вазн деб аталмиш муайян шакли – моделига эга [6, 34-35]. “Вазн” атамасининг қўлланилиши борасида Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг арузга бағишланган рисоласида қуйидаги фикрлар мавжуд: “*Билгил вазни мақодиру азмина ва алфозга итбоқ қилинур. Иккиси хорижи мабҳасдур, ғараз вазни алфоздур. Алфоз вазнидан икки тоифа баҳс қилур, бири сарфийлар, яна бири арузийлар* [4, 30-31]. Яъни: “Вазн” сўзи миқдор ва замон бирликлари ва сўзларга нисбатан қўлланади. Миқдор ва замон ўлчовлари тилшунослик илмида ўрганилмайди. Сўзларнинг вазни сарфийлар ва арузшунослар баҳсига мансубдир. Араб тилида الصرف - “ас-сарф” сўзларни ўрганувчи фан бўлиб, морфологияга мос келади. Араб тилидаги сўзларнинг кўпчилиги уч ундошли ўзакка эга бўлган феъллардан ясалгани боис сўз ва унинг шакллари тузилишини мазкур услуб билан ифодалаш энг маъқул йўлдир. Б.М. Гранде сўз яшашнинг шаклий воситаси сифатида қуйидагиларни келтиради [5, 100-102]:

1) *Аффикслар ёрдамида сўз ясаш.* Булар – префикс, суффикс ва инфикслардир. Тадқиқот объектимизда мазкур шаклий восита орқали ясалган қуйидаги сўзларни келтиришимиз мумкин. *مملكة* – “мамлакатун” [9, 137r/31] сўзида қўлланилган “ма-” префикс, *مالك* – “маали-кун” [9, 139r/8] сўзидаги “-а-” инфикс, *ملك* – “малакту” сўзидаги “-ту” суффикс вазифасини бажарган.

2) *Ўзак ундошлардан бирининг иккиланиши орқали сўз ясаш.* Масалан: *مسخر* - “мусаҳҳар” [9, 139v/7] сўзи “схр” ўзагидан ясалган бўлиб “сеҳрламоқ, сеҳрлаб қўймоқ” маъносини англатади [3, 356]. “Мусаҳҳар” сўзи “схр” ўзагининг ўрта ундошини иккилантириш орқали ясалган. *محمّد* - “Муҳаммад” [9, 139v/7], *مرشع* - “марошшаъ” сўзлари ҳам “ҳмд” ва “ршъ” ўзакларининг иккинчи ундошини иккилантириш орқали ҳосил бўлган. Қиссада бундай услубда ясалган сўзлар миқдори кўпчиликни ташкил қилади.

3) *Ички флекция воситаси орқали сўз ясаш.* Ўзак таркибидаги ундошлар ҳаракатини ўзгартириш натижасида янги сўз ҳосил қилинади. Қиссада *ملك* - “млк” ўзагидан ички флекция йўли билан ҳосил бўлган *ملك* – “малик” [9, 137r/3] ва *ملك* - “мулк” [9, 137r/8] сўзлари қўлланилган. “Малик” сўзида биринчи ўзак ундошидан сўнг “а” унлиси яъни, “фатҳа” ҳаракатини, иккинчи ўзак ундошидан сўнг “и” унлиси яъни, “касра” ҳаракатини қўйиш орқали ясалган. Одатда араб тилида сўз ясаш учун юқоридаги воситалардан иккитаси ёки бир вақтнинг ўзида учтаси иштирок этиши мумкин. Ҳар бир сўздаги юқорида қайд этилган шаклий воситаларнинг мажмуи бошқа ўзақдан ясалган ўхшаш сўзлар учун формула яъни, “вазн, қолип” вазифасини бажаради [5, 100-102]. Масалан: 1-боб феълнинг аниқ даража сифатдоши *فاعل* – “фаъилун” вазнидан асарда қўлланилган *قادر* – “қадирун” [9, 163r/5], *كافر* – “кафирун” [9, 162r/7], *عاشق* – “аъшиқун” [9, 35v/2] каби сўзларни қийинчиликсиз яшашимиз мумкин. Тадқиқотга жалб қилинган асарда ҳам турли вазнлар асосида ясалган бир қатор арабча сўзлар мавжуд. “Фаълун” *فعل* вазнидаги *حمد* [9, 1v/2] “ҳамдун”, *قول* [9, 1v/2] “қавлун”, *صدر* [9, 2r/7] “садрун”, *بدر* [9, 2r/8] “бадрун”, *عقل* [9, 2v/2] “аъқлун”, *مدح* [9, 2v/3] “мадхун”, *رب* [9, 2v/9] “роббун”, *طمع* [9, 17r/19] “томъун”, *خمر* [9, 17r/19] “ҳамрун”, *رحم* [9, 17v/2] “раҳмун”; *مفعل* “муфаъълун” вазнидаги *محمد* [9, 15r/18] “Муҳаммадун”; “фуълаанун” *فعلان* вазнидаги *قربان* [9, 15r/19] “қурбаанун”; “фаъуулун” *فُعول* вазнидаги *قبول* [9, 15r/21] “қабуулун”; *فعية* “фаъиелатун” вазнидаги *شريعة* [9, 15v/5] “шариъатун”; “фиъаалатун” *ففاعلة* вазнидаги *خيانة* [9, 16r/19] “хиянатун”, *قيامه* [9, 15r/21] “қияяматун”; “фаълатун” *فَعلة* вазнидаги *شفقة* [9, 16v/8] “шафқатун”, *لعة* [9, 16v/5] “лаънатун”; *تفعيل* “тафъиелун” вазнидаги *تعليم* [9, 16v/8] “таълиимун” каби сўзлар турли грамматик шаклларда учрайди. Асарда учрайдиган арабий сўзлар араб грамматистлари томонидан учта катта гуруҳга бўлиб ўрганилади: 1. Исм (*الاسم*). 2. Феъл (*الفعل*). 3. Ёрдамчи сўзлар (*الحرف*) [10, 107-108]. Араб тилида исм туркумига от, сифат, сон, олмош, равиш, масдар (ҳаракат номи) ва сифатдош каби мустақил маънони англатган сўзлар киради. Маҳмуд Замахшарий “Исм” сўз туркумига шундай таъриф беради: “*الاسم هو ما صح الحديث عنه و دخله حر الجر و اضيف و عرّف و نون.*” - “Гап мавзуи бўла оладиган, предлог оладиган, изофа бирикмасига кира оладиган, аниқ ҳолатга қўйиладиган, танвин оладиган сўзлар “исм” дейилади” [10, 107-108]. Ҳозирги замон араб тилшуноси Антуан-ад-Дахдаҳ эса исм туркумига қуйидагича таъриф беради:

## TILSHUNOSLIK

[14, 27-30] “لفظ يدل على معنى في نفسه غيرمقترن بزمن. و هو نوعان : متصرف و غير متصرف الاسم” [14, 27-30] “Исм туркуми замон билан алоқаси бўлмаган, бирор маънога ишора қиладиган сўзdir. Исмнинг икки турли мавжуд бўлиб, келишиқда турланади ёки турланмайди”. В.Гиргас эса: “Дарҳақиқат, қаратқич келишиги қўшимчаси бўлган иккинчи бошқа бир исм билан қаратқич келишиги билан бошқариладиган, “ал” аниқлик артикли билан аниқ ҳолатда қўйилиши мумкин бўлган, танвин оладиган ва албатта “гап мавзуси бўла оладиган” сўз исм деб аталади [10,108]. Исм туркумига хос бўлган қиссада қўлланилган қуйидаги сўзларни мисол қилиш мумкин: مَلِكٌ [9,140 r/17] “малик”, شهر [9, 41r/7] “шаҳр”, مُلْكٌ [9,141r/18] “мулк”, خير [9, 142r/9] “хабар”, نعمة [9,142r/11] “ниъмат”, شكر [9,142r/18] “шукр”, كلام [9,142r/18] “калаам”, دعا [9,142r/19] “дуаъ”, قضاء [9,142v/7] “қадо”, قضاء [9,142r/7] “ридо”, ظاهر [9,142v/18] “зоҳир”, دعوة [9,142v/18] “даъват”.

Араб тилида исмлар жинс, сон, келишиқ ва ҳолат категорияларига эга. Мазкур категориялар қиссадаисломга оид манбалардан иқтибос қилинган ибора ва жумлаларда, шунингдек, шахсларнинг исмлари ва уларга берилган машҳур сифатларда сақланиб қолган. “Ул ва ҳаб лий мулкан ла йанбағи ли аҳадин мин баъдий тею Изидан мулк тилаган, ҳаза атоунаа фамуун ав амсик биғайри ҳисаб жавобин эшитган ул, ғудувуға шахрун ва раваҳуға шахрун сифатлиғ маркаб берилган, ул фа фаҳҳамнаҳа сулаймана ва куллан аатайна ҳукман ва илман кароматин булган Сулаймон алайҳи-с-салом” [9,137r/1]. Ушбу матнда жами 48 та сўз қўлланилган бўлиб, шулардан 36 таси арабча манбадан иқтибос тариқасида келтирилганлиги сабабли уларда араб тилига хос грамматик ҳолатлар сақланган. Қолган 4таси “мулк”, “жавобин”, “сифатлиғ”, “маркаб” каби сўзлар туркий матн таркибида келгани учун шу тилда мавжуд бўлган категорияларга мослашиб кетган. Шунингдек, асар муқаддимасида келтирилган мадҳ қисмида: “..... **таж-ул-умаро, муҳибб-ул-уламо** беклар улуғи, **ниййатлар** ориғи, улуғ отлиғ, қутлуғ зотлиғ, яхши қилиғлиғ, **ислом** ёриғлиғ, мўғул санилиғ, мусулмон **динлиғ, одамийлар** инончи, **мўъминлар** қувончи, исми бег, **ақли** етук.... **башшараллоҳуаъла дини Ислам**” [9,v/1,2,3]. Юқорида келтирилган парчада эса “таж-ул-умаро”-“амирлар тожи”, “муҳибб-ул-уламо”-“олимлар суюқлиси”, “башшараллоҳу аъла дини-л-Ислам”-“Ислом динига Аллоҳнинг хушхабарчиси (бўлган)” каби ибораларда изофа бирикмасидаги “ал” аниқлик артикли сақланиб қолган. “Ниййат”, “зот”, “ислом”, “дин”, “одамий”, “мўъмин”, “ақл” каби исм туркумига оид арабча сўзлар туркий тилда мавжуд грамматик категориялар билан бирга қўлланилган. Юқорида келтирилган “ниййат, “зот”, “ислом”, “дин”, “мўъмин”, “ақл” каби сўзлар от туркумига мансуб ўзлашмалардир.

Маълумки, одам, жонивор, буюм, ашё каби нарсаларни билдирадиган сўзларга от дейилади. Араб тилида отнинг жинси ўзгармас бўлиб, у ё музаккар (эркак) ёки муаннас (аёл) жинсда бўлади [5, 116-120]. Туркий ва форс-тожик тилларида жинс категорияси мавжуд бўлмаганлиги сабабли, арабчадан ўзлашган دعوة [9,142v/18] “даъват”, نعمة [9,142r/11] “ниъмат”, شريعة [9,15v/5] “шариъат”, خيانة [9,16r/19] “хияанат”, قيامة [9,15r/21] “қиямат”, شفقة [9,16v/8] “шафқат”, لعنة [9,16v/5] “лаънат” каби сўзлар муаннас жинс белгиси “ة”- “та марбута” ни сақлаган ҳолда ўзлашган. Лекин мазкур сўзларда қўлланилган муаннас жинс белгиси “ة”- “та марбута” грамматик категория сифатида кучга эга эмас.

Араб тилидаги от туркуми кимни ёки англатиб келганига қараб оқилёки ғайри оқилнианглатувчи турларга бўлинади. Оқилни англатувчи отларга одамни англатиб келган отлар, ғайри оқилга эса одамдан бошқасини англатиб келган отлар киради. Тадқиқот объектимизда оттуркумидаги кўплаб арабий ўзлашмаларни учратиш мумкин. Масалан:

مَالِكٌ [9,140 r/17] “мааликун”, انقاش [9,138r/13] “наққашун”, طباخ [9,138r/13] “тоббахун” каби сўзлар оқил отни англатса, حمد [9,1v/2] “ҳамдун”, قول [9,1v/2] “қавлун”, صدر [9,2r/7] “садрун”, بدر [9, 2r/8] “бадрун”, عقل [9, 2v/2] “аъқлун”, مدح [9, 2v/3] “мадхун”, رب [9,2v/9] “роббун”, طمع [9,17r/19] “томъун”, خمر [9,17r/19] “ҳамрун”, رحمة [9,17v/2] “раҳмун” каби сўзлар ғайри оқил отга мисол бўлади. Маҳмуд Замахшарийнинг таснифигақўра исмларнинг ўн икки тури мавжуд. Хусусан, турдош ва атоқли отларнинг таърифи қуйидагичадир:

“و هو على ضربين : اسم عين كرجل و راكب و اسم معنى كعلم و مفهوم. الغالب عليه ان ينقل عن اسم جنس كجعفر و قد عن فعل كيزيد و يرتحل كغطفان.”

Яъни: Турдош отлар икки хил бўлади: 1. “Одам” ва “отлиқ” каби конкрет маънони англатувчи сўзлар; 2. “Илм” ва “тушунарли” каби конкрет маънони англатувчи исмлар сўзлар. Атоқли отларнинг аксарияти турдош отлардан ясалади. Масалан, “Жаъфар”; феълдан ҳам



## TILSHUNOSLIK

ясашиш мумкин, масалан: "Йазид"; тўқима бўлиши ҳам мумкин, масалан: "Ғатафан" каби [10,108]. Қиссада келтирилган كافر "кафирун" (162r/7), عاشق – "аъшиқун" (35v/2), خمр (17r/19), "ҳамрун" ملك [9,140r/17] "малик", محمد "Муҳаммадун" [9,15r/18], نقاش "наққашун" [9,138r/13], طباخ "тоббахун" [9,138r/13] каби сўзлар конкрет маънони англатса, [9,141r/7] "шаҳр", ملك [9,141r/18] "мулк", خير [9,142r/9] "ҳабар", نعمة [9,142r/11] "ниъмат", شكر [9,142r/18] "шукр", [9,142r/18] "калаам", دعا [9,142r/19] "дуаъ", قضاء [9,142v/7] "қаддо", رضاء [9,142r/7] "ридо", ظاهر [9,142v/18] "зоҳир", دعوة [9,142v/18] "даъват", عقل [9,2v/2] "аъқлун", مدح [9,2v/3] "мадхун" каби сўзлар мавҳум маънони англатади. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, тадқиқ қилинаётган қиссада конкрет маънони билдирувчи сўзларга нисбатан мавҳум маънони англатган арабий ўзлашмалар сони кўпчиликти ташкил қилади. Рабғузийнинг мазкур қиссасидакишилар исми, лақаби, географик номлар каби кўплаб атоқли отлар учрайди. ( سليمان ابن داود Сулаймон ибн Довуд) [9,137r/4], ازرانيل (Азроил) [9,137r/5], كعب الاخبار (Каъбул Ахбор) [9,137v/12], ذو القرنين (Зулқарнайн) [9,138r/12], اسف ابن برخي (Асиф бин Бархо) [9,139v/18], محمد (Муҳаммад) [9,139v/7], بخت نصري (Бахит Насрий) [9,141r/11], مالک بن ماريخ (Молик бин Морих) [9,142r/6] кабилар шулар жумласидандир.

Туркий тиллардан фарқли равишда араб тилида уч хил грамматик сон категориясимавжуд бўлиб, тадқиқот объектимизда бирликдаги отлар билан бир қаторда тўғри ва синиқ кўплик асосида ясалган арабий ўзлашмалар қўлланилган. Хусусан, قىصص "қисас" сўзи قصة "қисса" сўзининг синиқ кўплик шакли бўлиб, асар номланишида қўлланилган. Асарда энг кўп қўлланилган арабий ўзлашмалар فَعْلان مَفْعَلانِ أفعال فُعلاء فُعول синиқ кўплик вазнларидан ясалган. Исм туркумида ўрганилувчи яна бир грамматик категория бу - масдарлардир. Масдар феълдан ясалган от бўлиб, ўз мазмунига кўра иш-ҳаракатнинг мавҳум номини атайди. У ўзбек тилидаги ҳаракат номига мос келади. Ҳар бир феълнинг ўз масдари – ҳаракат номи бўлади [17,171]. Биринчи боб феълларининг масдари, яъни ҳаракат номи қирқдан ортиқ вазнга эга. Шайх Мустафо Ғалайинийнинг араб тили грамматикасига бағишланган китобида қуйидаги масдар вазнлари юзасидан маълумот беради. Феъл(ун), фиъл(ун), фуъл(ун), фаълат(ун), фиълат(ун), фуълат(ун), фаъло, фиъло, фуъло, фаълон(ун), фиълон(ун), фуълон(ун), фаълон(ун), фаъал(ун), фаъил(ун), фиъал(ун), фаъалат(ун), фаъол(ун), фиъол(ун), фуъол(ун), фаъолат(ун), фиъолат(ун), фуъолат(ун), фаъолийат(ун), фуъу:л(ун), фаъу:л(ун), фуъу:лат(ун), фаъи:л(ун), фу:ъал(ун), фаъалу:т(ун), файъу:лат(ун), фаъи:лат(ун), тафъулат(ун), мафъал(ун), мафъил(ун), мафъалат(ун), мафъилат(ун), фаълот(ун) [16,165]. Рабғузий тилида буларнинг тахминан ярми учрайди. Тадқиқ қилинаётган қиссада ملك [9,141r/18] "мулк", حمد [9,1v/2] "ҳамдун", قول [9,1v/2] "қавлун", عقل [9,2v/2] "аъқлун", مدح [9, 2v/3] "мадхун", خير [9,142r/9] "ҳабар", شكر [9,142r/18] "шукр", كلام [9,142r/18] "калаам", دعا [9,142r/19] "дуаъ", قضاء [9,142v/7] "қаддо", رضاء [9,142r/7] "ридо", دعوة [9,142v/18] каби кўплаб масдарлар мавжуд. Масдарлар билан бир қаторда ўзбек тилига энг кўп ўзлашган ва асарда ҳам кенг қўлланилган грамматик категория бу сифатдошлардир. Сифатдошлар араб тилида феълдан ҳосил бўлган ва ўзида ҳам феъллик, ҳам сифатлик хусусиятларини мужассамлаштирган сўзлардир. Араб тилидаги сифатдошларнинг ўзбек тилидагидан фарқи шуки, ўзбек тилида улар замонга қараб ўзгарса (борган, бораётган, боражак каби), араб тилида барча замонлар учун бир хил шаклга эга. [6,147] 1- боб феълининг аниқ даража сифатдоши فَاعِل شаклида ясади ва ўзбек тилига "...ган", "... ётган", "... кан", "... қан" сифатдош қўшимчалари билан ёки "...чи" отлашган қўшимчаси билан таржима қилинади ва ҳозирги замонни англатади. Қиссадаги قادر – "қадирун" [9,163r/5] كافر "кафирун" [9,162r/7] عاشق – "аъшиқун" [9,35v/2] каби арабий ўзлашмалар аниқ даража сифатдошига мисол бўла олади. 1- боб феълнинг мажхул даража сифатдоши эса مَفْعُول شаклидан ҳосил қилинади ва феъл ифодалаган иш-ҳаракат объекти бўлган предметни ёки ўша иш-ҳаракат натижасида ҳосил бўлган натижани (иш-ҳаракат натижасини) билдиради. Асарда қўлланилган мажхул даража сифатдошларига қуйидаги арабий ўзлашмалар мисол бўла олади: мазмун, мавзӯ, махлуқ, маҳмуд, маъшуқ, маълум, мажзут, марбут, мазбут, махлуқ, машғул, мақсуд, машҳур ва ҳ.к. Мазкур сифатдошлар кейингитадқиқотларда батафсил тадқиқ қилинади.

**Хулоса** сифатида шуни айтиш мумкинки, илмий тадқиқотга жалб этилган "Сулаймон бин Довуд алайҳи-с-салом қиссаси" луғат таркибидаги арабча сўзлар асосан, исм туркумига хос ўзлашмалар бўлиб, уларнинг аксарияти аффиксация ва ички флекция усули билан ясалган. Қисса тилида масдар ва сифатдошлардан ясалган арабий ўзлашмалар

## TILSHUNOSLIK

баъзан иқтибос келтирилган матн таркибида, баъзан туркий матнда қўлланилган. Иқтибос шаклида келтирилган матн таркибидаги арабча сўзлар араб грамматик категорияларини ўзида сақлаб қолган бўлса, туркий матн таркибида келган арабча сўзлар мазкур тилда мавжуд бўлган категорияларга мослашиб кетган.

## АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2995- сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори //Халқ сўзи, - 2017. - 25 май.
2. **Абдушукуров Б.Б.** “Қисаси Рабғузий” лексикаси. Фил. фан. док. ... дисс. автореферати. – Тошкент, 2017. – 90 б.
3. Ан-найм. Арабча-ўзбекча луғат. – Тошкент, 2003. – Б. 354-360.
4. **Бобур З.М.** Мухтасар. Нашрга тайёрловчи С. Ҳасан. – Т.: Фан, 1971. – Б. 30-31.
5. **Гранде Б.М.** Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. – М.: Изд-во восточной литературы, 1963. – С.100-105.
6. **Иброҳимов Н., Юсупов М.** Араб тили грамматикаси. I жилд. – Т.: ЎзбМЭ ДИН, 1997. – Б. 34-35.
7. **Кузнецов П.С.** Морфологическая классификация языков. – М.: Изд-во МГУ, 1954. – С. 516-539.
8. **Мельчук И.А.** О «внутренней флексии» в индоевропейских и семитских языках //Вопросы языкознания. -1963. – № 4. –768с.
9. **Nāsirūd-dīn bin Burhanūd-dīn Rabguzī.** Kīsasūl-enbiya. I cilt. – Ankara, 1997. – 616 s.
10. **Носирова М.** Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-Унмузаж фи-н-наҳв” рисоласи. – Т.: ТошДШИ, 2005. – Б.107-121.
11. **Серебренников Б.А.** Причины устойчивости агглютинативного строя и вопрос о морфологическом типе языка //Морфологическая типология и проблема классификации языков. – М-Л.: Наука, 1965. – С.12.
12. **Умархўжаев М.Э.** Умумий тилшунослик. – Андижон, 2010. – 76 б.
13. **Юшманов Н.В.** Грамматика литературного арабского языка. – М.: Наука, 1985.–175 с.
14. **39.** أنطوان الدحداح. معجم قواعد العربية العالمية. مكتبة لبنان. بيروت. 1992. ص. 192
15. **محمد إبراهيم عبادة.** معجم مصطلحات النحو و الصرف و العروض و القافية. مكتبة الآداب. القاهرة. 2001. ص. 165
16. **مصطفى غلابيني.** جامع الدروس العربية. المكتبة العصرية. بيروت. 1983. ص. 165
17. **Ҳасанов М.** Араб тили. – Т.: Наврўз, 2018. – Б.171-172.

УДК: 81'373.72

**РУС ТИЛШУНОСЛИГИДА ИБОРАЛАРНИНГ СИНОНИМИЯ ВА ВАРИАНТЛИЛИК МУАММОЛАРИ**

**ПРОБЛЕМА СИНОНИМИИ И ВАРИАНТНОСТИ ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ В РУССКОМ ЯЗЫКОЗНАНИИ**

**THE PROBLEM OF SYNONYMY AND OPTIONS OF PHRASEOLOGICAL UNITS IN RUSSIAN LINGUISTICS**

**Салахидинова Зилола Одилжоновна**

*докторант Узбекского государственного университета мировых языков*

**Таянч сўзлар:** синоним, фразеологик бирлик, этимология, универсал белги, лексик ўзгариш.

**Ключевые слова:** синоним, фразеологическая единица, этимология, универсальный признак, лексическое варьирование.

**Key words:** synonym, phraseological unit, etymology, universal sign, lexical variation.

*Мазкур илмий мақола ҳозирги рус тилшунослигида фразеологик бирликларнинг синонимияси ва вариантлилигини тадқиқ қилиш масаласига бағишланган. Фразеологик синонимлар ва вариантлар таҳлили қарама-қарши қўйиш усули ёрдамида амалга оширилган.*

*Данная научная статья посвящена проблеме исследования синонимии и вариативности русских фразеологических единиц в современной русистике. Анализ*

*фразеологических синонимов и вариантов осуществлён методом противопоставления данных единиц.*

*The given scientific article is devoted to the problem of researching the synonymy and variations of Russian phraseological units in modern Russian linguistics. The analysis of phraseological synonyms and their variations has been carried out through the opposition method.*

**Введение.** В современной лингвистике четко наметилось два направления исследований в области фразеологии, которые обуславливают векторность всех дальнейших изысканий. Первое направление имеет исходной точкой признание того, что фразеологизм – это такая единица языка, которая состоит из слов, но не обозначает законченной мысли, то есть по природе своей является неделимым сочетанием слов. При этом одни ученые высказывают мнение, что объектом фразеологии являются все реально возможные в данном языке конкретные словосочетания, независимо от качественных различий между ними. Так, например, Копыленко говорит следующее: «Фразеология охватывает все сочетания лексем, существующие в данном языке, в том числе и так называемые “свободные” словосочетания» [3, 81].

С другой стороны, объектом фразеологии в рамках этого направления признаются только некоторые разряды и группы словосочетаний, которые выделяются из всех возможных в речи особым своеобразием. В зависимости от того, какие признаки принимаются в расчет при выделении таких словосочетаний, и определяется состав подобных единиц в языке. Только эти «особые» словосочетания и могут быть названы фразеологизмами.

Несмотря на условность понятий и связанное с этим разграничение, обычно говорят, что фразеология может быть представлена:

А) как фразеология языка в «широком» смысле слова, включающая в свой состав и словосочетания, переосмысленные полностью, и словосочетания, в которых есть непереосмысленные слова-компоненты. Примером такого «широкого» понимания объема и состава фразеологии может служить точка зрения В.Л.Архангельского, О.С.Ахмановой, Н.М.Шанского.

Б) как фразеология русского языка в «узком» смысле слова, включающая в свой состав только словосочетания, переосмысленные до конца. К числу работ, отражающих такое понимание объема и состава фразеологии русского языка, относятся, например, работы В.П.Жукова.

В обоих случаях условный характер фразеологизма, как и лексемный характер его компонентов, не ставится под сомнение этими учеными. Фразеологизм рекомендуют рассматривать как контаминацию признаков слова и словосочетания, подчеркивается омонимичность фразеологизма и соотносимого с ним по структуре свободного словосочетания.

Второе направление в русской фразеологии исходит из того, что фразеологизм – это не словосочетание (ни по форме, ни по содержанию), это единица языка, которая состоит не из слов. Объектом фразеологии являются выражения, которые лишь генетически суть словосочетания. «Они разложимы лишь этимологически, то есть вне системы современного языка, в историческом плане» [4, 202]. Эти выражения противопоставляются словосочетаниям, не омонимичны им, так как качественно отличаются от них. Основным в изучении фразеологизма делается не смысловая и формальная характеристика компонентов, его образующих, и не связи между компонентами, а сам фразеологизм в целом, как единица языка, имеющая определённую форму, содержание и особенности употребления в речи.

Состав фразеологии образуется из категориально однотипных единиц. История и этимология каждого фразеологизма изучается вне прямолинейной зависимости от неких «универсальных» схем переосмысления словосочетаний, от степени семантической слитности компонентов и от степени десемантизации слов в словосочетаниях. Основные положения этого направления рассматриваются А.И.Молотковым во вводной статье к «Фразеологическому словарю русского языка», в его книге «Основы фразеологии русского языка» и других работах.

Нам ближе позиция Н.М.Шанского, высказанная в ряде его исследований, например, в книге «Фразеология современного русского языка» [8]. Эта точка зрения представляется наиболее оправданной, так как её разделяют многие ученые, в частности, авторы энциклопедии «Русский язык». Там, например, даётся следующее определение фразеологизма: «Фразеологизм, фразеологическая единица – общее название семантически несвободных сочетаний слов, которые не производятся в речи (как сходные с ними по форме синтаксические структуры – словосочетания или предложения), а воспроизводятся в ней в социально закреплённом за ними устойчивом соотношении смыслового содержания и определенного лексико-грамматического состава. Семантические сдвиги в значениях лексических компонентов, устойчивость и воспроизводимость – взаимосвязанные универсальные и отличительные признаки фразеологизма» [6, 381].

В качестве значимых единиц фразеологические обороты употребляются в языке по-разному. Одни выступают в постоянном лексико-грамматическом составе: плачущая ива, ирония судьбы, мёртвые сраму не имут, по образу и подобию, лечь в основу; другие функционируют в виде нескольких равноправных вариантов. И факт наличия в языке большого количества фразеологизмов, сходных по семантике, но различающихся лексико-грамматическим оформлением, вызывает острые дискуссии.

Главный вопрос, возникающий перед практической фразеологией: что считать вариантами, а что – синонимами того или иного оборота? Понятие варианта фразеологизма обычно дается на фоне тождества его целостного значения или образа. Большинство ученых признает, что «варианты фразеологического оборота – это его лексико-грамматические разновидности, тождественные ему по значению и степени семантической слитности» [8, 55]. Однако несогласия возникают, когда начинается определение типов варьирования. Основными типами фразеологического варьирования являются формальные трансформации и лексические замены компонентов фразеологизма. Такую классификацию фразеологических вариантов признает большинство исследователей. Формальное варьирование компонентов фразеологизма определяется фактом генетической общности слова и фразеологического компонента, поэтому виды варьирования компонента аналогичны видам варьирования лексем, например: *грибы распускать (диалект.) и губы распускать – «плакать, хныкать»; пальцы оближешь и пальчики оближешь – «вкусно», сходить с ума - сойти с ума – 1. «становиться сумасшедшим»; 2. «действовать безрассудно»; 3. «проявлять чрезмерное восхищение».*

Лексическое же варьирование фразеологического оборота констатируется многими исследователями. Но и в новейших работах можно найти решительный отказ от трактовки лексических замен как вариантности и стремления рассматривать это явление как фразеологическую синонимию. Весьма определенно в этом плане мнение Бабкина, считающего понятие «фразеологический синоним» неоспоримым, а «фразеологический вариант» – спорным в применении к случаям лексической замены компонентов фразеологизма [1, 84-85].

Шанский Н.М. выделяет три типа фразеологических вариантов:

- *фразеологизмы, содержащие разные, но одинаково семантически пустые компоненты* (в таком случае фразеологизм может функционировать и без этих членов): гроша ломаного (мерного) не стоит – гроша не стоит; что есть (было) силы – что сила;
- *фразеологизмы, содержащие слова, различающиеся грамматически*: бросить камень – бросить камнем; перемывать/мыть кости/косточки;
- *фразеологизмы, отличающиеся один от другого как полная исокращенная разновидности* (в таком случае их отношения идентичны отношениям, существующим между полными и сокращенными словами): идти на попятный двор – идти на попятный; быть в интересном положении – быть в положении (ср.: заместитель – зам, радиостанция – рация) [8, 57].

Фразеологические обороты, имеющие в своем составе общие члены сходные по значению, он рекомендует считать «дублетными синонимами» [8, 56]. Таким образом, обороты типа *здать баню (перцу), от всего сердца – от всей души; бить баклуши (шабалу); молоть вздор (ерунду); сложить (сломать) голову; взять (заклчить) под стражу; набитый (круглый) дурак* и т. п. признаются синонимами-дублетами. Как пишет

## TILSHUNOSLIK

Шанский, «по своему лексико-семантическому характеру фразеологизмы такого рода аналогичны однокорневым лексическим синонимам типа *топонимия – топонимика, синь – синева, трёшка – трёшница, лукавость – лукавство*» [8, 56].

Точку зрения, согласно которой лексические замены во фразеологических оборотах ведут к образованию синонимов, а не вариантов, пытается теоретически обосновать и А.И. Федоров [7, 51]. Замена компонента фразеологизма, по его мнению, меняет характер образного представления последней, её оценочную и стилистическую окраску.

В.М. Мокиенко, напротив, полагает, что «такая трактовка значительно обедняет понятие фразеологического варианта и чрезмерно расширяет понятия фразеологического синонима. Основная посылка, приводящая исследователей к отрицанию лексической вариантности фразеологизма, не может быть признана объективной» [5, 31]. Лексическая замена компонентов далеко не всегда меняет образ, характер фразеологизма.

Нередко могут заменяться слова – синонимы, обеспечивающие стабильность образного представления, причем круг этих слов, особенно в живой речи весьма широк. Довольно часто замена компонентов проходит в тематическом круге лексики, обеспечивающем относительную тождественность образного представления: *намылить шею (голову); рехнуться (спятить, сбиться) с ума*. Ученый считает: «Трудно не признать структурно-семантическую близость, почти тождественность оборотов подобного типа. Отказ от определения их как лексических вариантов фразеологизма приведет их к смешению с фразеологическими синонимами различной структуры и стилистической оценки типа *откинуть лапти – сыграть в ящик – дать дуба или пересчитать ребра – задать трепку – показать кузькину мать*» [5, 32].

Он также отмечает, что лексическое варьирование – это собственно фразеологическое варьирование, трансформация раздельнооформленной, но семантически цельной единицы. Основными признаками варианта фразеологизма В.М.Мокиенко считает единство внутренней мотивировки, образа фразеологического оборота и относительную тождественность синтаксической конструкции, в рамках которой проходят лексические замены. Благодаря этим условиям «лексические замены в вариантах фразеологических единиц носят строго закономерный, системный характер» [5, 33].

В энциклопедии «Русский язык» вопрос о вариантах освещён кратко, но вполне определён: «В структуре большинства фразеологизмов-идиом выделяют константные (постоянные) и переменные элементы. Константные элементы образуют основу тождества единицы, переменные элементы создают возможность варьирования. Вариантность фразеологизмов-идиом выражается в видоизменении элементов, соотносимых с единицами разных уровней: лексико-семантического (*упасть / свалиться с луны / с неба, висеть / держаться на волоске / на ниточке*, сравним также стилистические варианты: *лезть / переть на рожон, свернуть голову / башку*), синтаксического, морфологического, словообразовательного и фонетического, а также в изменении количества лексических компонентов, не нарушающих тождества единицы» [6, 382]. Иными словами, авторы «Энциклопедии» придерживаются приблизительно той же точки зрения, что и В.М.Мокиенко. Нам подобный взгляд кажется наиболее обоснованным. Раздельно оформленность и целостность образа фразеологизма обеспечивают взаимозаменяемость его компонентов и в то же время семантическую стабильность фразеологической единицы при её варьировании. Именно благодаря этим свойствам становится возможным создание новых оборотов, или «квазифразеологизмов», на базе уже имеющихся в языке путем авторского варьирования компонентов. В целом противопоставленность фразеологических синонимов и вариантов можно представить в виде следующей таблицы:

Синонимы	Варианты
«ФЕ-синонимы – фразеологические обороты, близкие по значению, но с разной образной основой (семантический признак) и не допускающие замены компонентов от одного ФЕ к другому (формальный признак): <i>У черта на куличках – Куда Макар телят не гонял; Бить баклуши – Собакам хвосты крутить.</i>	«ФЕ-варианты – фразеологические обороты с одной образной основой, с общей частью (компонентом) и возможной заменой компонентов: <i>Отбросить копыта – Отбросить коньки; Молоть вздор – Молоть ерунду</i>

## TILSHUNOSLIK

В.П. Жуков говорит о переходной зоне между вариантностью и синонимией: «Периферийное положение занимают фразеологизмы, имеющие в своем составе такие варьирующиеся компоненты, которые ассоциируются со словами разного значения, но объединенными в одно семантическое поле. ... Соответствующие образования можно рассматривать как промежуточные (гибридные) явления между вариантностью и синонимией» [2, 172]. Он считает, что при отграничении фразеологической синонимии от явления вариантности необходимо учитывать роль внутренней формы в развитии фразеологического значения. Расхождение во внутренней форме между двумя равнозначными фразеологизмами ведет к постепенному перерождению вариантов одного и того же фразеологизма в самостоятельные синонимичные фразеологизмы.

Вопрос о дифференциации фразеологических синонимов и вариантов фразеологических оборотов особенно важен, так как непосредственно связан с лексикографической практикой. Лексические, грамматические, стилистические и др. варианты должны быть учтены в пределах одной словарной статьи. Если считать лексические модификации дублетными синонимами, то каждый синоним должен быть рассмотрен в отдельной статье словаря.

Таким образом, признавая более функциональным в русском языкознании широкий подход к фразеологии, мы считаем, что вопрос о дифференциации фразеологических синонимов и фразеологических вариантов должен решаться как с учетом семантического признака – одинаковой или разной образной основы ФЕ, так и с учетом формального признака – возможностью или невозможностью замены компонентов ФЕ.

## ЛИТЕРАТУРА

1. **Бабкин А.М.** Лексикографическая разработка русской фразеологии. – Л., 1964. <http://www.philology.ru>.
2. **Жуков В.П.** Русская фразеология. – М.: Высшая школа, 1986.
3. **Копыленко М.Н., Попова З.Д.** Очерки по общей фразеологии. – Воронеж: ВГУ, 1972. - <http://www.philology.ru>.
4. **Литвин Ф.А.** Факторы, обуславливающие вариативность на разных уровнях системы языка //Проблемы вариативности в германских языках: Тезисы докладов Всесоюзной конференции. – М., 1988.
5. **Мокиенко В.М.** Славянская фразеология. – М.: Высш. шк., 1989.
6. Русский язык: Энциклопедия / Гл. ред. Ф.П.Филин. – М.: Сов. энцикл., 1979.
7. **Фёдоров А.И.** Развитие русской фразеологии в конце XVIII - начале XIX в. – Новосибирск, 1973.
8. **Шанский Н.М.** Фразеология современного русского языка. – СПб., 1996.

УДК: 81

**ЎЗГАЛЛИК КОНЦЕПТИНИНГ БАДИЙ МАТНЛАРДАВОҚЕЛНИШИ ВА УНИНГ  
КОНЦЕПТУАЛ ТАҲЛИЛИ**

**АНАЛИЗ КОНЦЕПТА “КРАСОТА” В ХУДОЖЕСТВЕННЫХ ТЕКСТАХ**

**CONCEPTUAL ANALYSIS OF “BEAUTY” CONCEPT IN LITERARY TEXTS**

**Рахматова Мехринисо Мусиновна**

*БухДУ инглиз тилшунослиги кафедраси катта ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** концепт, метафора, концептуал метафора, эстетик ҳис, фрейм, эстетик баҳо, контекстуал таҳлил, маданиятлараро чоғиштира таҳлил.

**Ключевые слова:** концепт, метафора, концептуальная метафора, эстетическое восприятие, фрейм, эстетическая оценка, контекстуальный анализ, кросс-культурный анализ.

**Key words:** concept, metaphor, conceptual metaphor, aesthetic perception, frame, aesthetic value, contextual analysis, cross-cultural analysis.

*Мақолада гўзаллик концептининг контекстуал таҳлиллар натижасида келтирилган концептуал метафоралари инглиз, ўзбек ва тожик тилларида маданиятлараро қиёсий чоғиштирма таҳлил асосида ёритилган. Эстетик ҳиснинг инглиз, ўзбек ва тожик тилларида универсал ва фарқли жиҳатлари ёритилган.*

*В статье произведен кросс-культурный анализ концепта “красота” в английском, узбекском и таджикском языках, а также дается определение теории концептуальной метафоры, выявленной через контекстуальный анализ. Описаны универсальные и отличительные черты эстетического восприятия данного концепта в английском, узбекском и таджикском языках.*

*The article describes cross-cultural analysis of concept “beauty” in English, Uzbek and Tajik languages and defines conceptual metaphor theory through contextual analysis. Universal and distinctive features of aesthetic perception in English, Uzbek and Tajik languages are described.*

**Кириш.** Эстетик ҳиснинг универсал ёки миллий-маданий ўзига хослик муаммолари фалсафа, эстетика, психология, антропология ҳамда лингвистика соҳаларининг тадқиқот масалаларидандир. Эстетик ҳисни концептуал англаш инсоният гўзалликни бир хилда (универсал) тушунишдан бошлаб, то ҳар хил миллий-маданий ўзига хосликлар турли миллатнинг қадриятларига ва тушунчаларга таъсир этишини исботловчи тадқиқотларда маълум даражада ўз жавобини топган [10,1427-1455; 5,3314-3327]. Шундай бўлса-да, ҳиссий англаш тадқиқотларини ҳисобга олмаганда, эстетик ҳиснинг лингвистик концептуализация тадқиқотларига бағишланган адабиётлар кам [6,1741-1760; 11,9,22-40:]. Эстетик тажрибанинг ифодаланишида эстетик тадқиқотларнинг етарли эмаслигини Витгенштейн кузатиб, шундай дейди: “Сиз эстетика нима гўзал эканлигини тушунтирувчи фан дейишингиз мумкин. Лекин бу қулгили. Унинг чегараларини исботлаш жуда қийин” [11,327]. Демак, фақат психологик, ҳиссий англаш тадқиқотлари етарли эмаслигини, тафаккур изланишларининг муҳимлигини олим таъкидлаб ўтади.

**Асосий қисм.** Когнитив тилшунослик тадқиқотлари орқали биз тил қандай қилиб концептларни кодлаштиришини таҳлил этамиз. Бу маъно экспликацияси ва фрейм таҳлили ҳамда контекстуал анализ, концептуал метафоралар таҳлиллари ёрдамида амалга оширилади. “Гўзаллик” концептининг универсал жиҳатлари ва турли тиллардаги маданий таъсирлар, алломорфлик миллий-маданий қадриятларни воқелантирувчи прототип тимсоллар, қадриятли тушунчалар қиёсланиши натижасида юзага чиқади.

Корпус таҳлиллари ва контекстуал қиёсий-чоғиштирма таҳлиллар орқали бадиий адабиётлар, оммавий ахборот воситалари ҳамда диний китоблардан топилган мисоллар турли маданиятларда “Гўзаллик” миллий-мазмуний майдонидаги қадриятларнинг ўхшашлиги, қадриятлар танлаган образлар ва тимсоллар ҳар хил эканлигини кўрсатмоқда. Бу бўлимда *beauty-beautiful*, *гўзаллик-гўзал*, *зебой-зебо* лексик-семантик майдонидаги сўзлар бадиий адабиётларда қўлланилган мисоллар орқали қиёсланди. Таҳлилларимиз гўзалликни англаш учун инсон тажрибаси ва билимининг ошишига ва концептнинг яралишига замин ҳозирловчи *сезги*, *баҳо*, *ҳис* асосий феноменлари муҳим эканлигини кўрсатмоқда. Яъни, бирор ҳодисанинг гўзаллигини тафаккурда идрок этмоқ учун ўша объектни кўрганда, эшитганда, таъмини билганда, пайпаслаганда унинг яхши, фойдали, ёқимли эканлигини баҳолаш жараёнида “*ҳайратландим*”, “*қувондим*”, “*ёқтирдим*” ва “*севдим*” деб хулоса қилишдир:

**Сезги:** кўрмоқ, эшитмоқ, ушлаб кўрмоқ, таъмини билмоқ;

**Баҳо:** яхши (ёқимли) ва ёмон (ёқимсиз), яхши(фойдали) ва ёмон (фойдасиз) ҳамда уларнинг даражалари, сифатловчи маъно кучайтирувчилари.

**Ҳис:** ҳайратланмоқ, қувонмоқ, ёқтирмоқ, севоқ.

Контекстуал маънолар British national Corpus, Corpus of contemporary American English (BNC, COCA 500МЛН), Uzbek-Turkish Corpus (sketch engine да жойлаштирилган 18,768 млн сўз) ва инглиз, ўзбек ҳамда тожик тилларидаги бадиий адабиётлардан топилган мисоллар асосида таҳлил этилди.

**Beautiful, гўзал, зебо** инглиз, ўзбек ва тожик тилларида “Гўзаллик” концепти лексик-семантик майдоннинг ядросидан жой олган полисемантик сўзлар ҳисобланади.

## TILSHUNOSLIK

Таҳлиллар бу сўзлар инсон ташқи ва ички қиёфаси, предметлар, ҳаракатлар, табиат манзараларини, сезги тажрибаларини ифодалай олишини кўрсатмоқда.

1. Инсон ва бошқа предметларнинг ташқи кўринишини баҳолаш, гўзалликнинг энг равшан прототипик маъносидир.

2. Эшитиш орқали баҳоловчи маъно.

3. Инсон ҳатти-ҳаракатларини эстетик баҳоловчи маъно.

4. Таъм, ҳид ва тактил сезгилари орқали ёқимли шахсий тажрибаларни ифодалайди(инглиз тилига хос прототип).

5. Инсоннинг ахлоқий жиҳатларининг эстетик кўринишини ижобий баҳоловчи маъно.

“Гўзаллик” концептининг лексик-семантик майдонидаги *марказ* ҳам юқорида кўрсатилган маънолар асосидаги функцияларда вербаллашади. Периферия эса эскирган сўзлар ва безак артефактлари (*гўзаллик саломи, мода, дизайн, модел, услубчи(стилист) визажист, маникюр*) ва оро бериш, безашга оид предметларининг номлари (косметика, шил-шила, попук) асосида ва ижобий умумий баҳонинг эстетик ном олиши(ёқимли, хуш, хуб) каби ҳолларни қамрайди.

Ҳар бир фойдаланиш жараёни ўзининг фреймига, миллий-маданий қадриятлар ва образларига эга. Матннинг луғат ва грамматик таркиби ўқувчи(тингловчи)нинг онгида маълум фреймларни уйғотади. Чунки грамматик ва лексик шакллар ва категориялар фрейм кўрсаткичлари сифатида мавжуд бўлади [4, 245]. Яъни инглиз тилининг ўзига хос хусусияти *taste beautiful, find attractive, feels beautiful* сўз бирикмалари орқали нутқда намоён бўлади ҳамда ўзбек ва тожик тилидан фарқ қилувчи фреймларни ҳосил қилади. Юқорида берилган коллокация фреймлари ўзбек ва тожик тилларида учрамаганининг сабаби, ушбу халқлар миллий маданиятида *хуш* ва *хуб* “яхши, ёқимли” умумий ижобий баҳо муносабати таъм ва тактил ҳисларни вербаллаштиради. Демак, ўзбек ва тожиклар таъм ва тактил ҳисларга нисбатан ёқимли маъносини вербаллаштириш учун эстетик баҳо “гўзал” сўзига мурожаат этишмайди. Ўзбек ва тожик тилларида бу маъно марказ ва перифериядаги “хуш”, “ёқимли” сўзлари орқали вербаллашади

Ягона гўзаллик ҳодисаси турли фреймлар ҳосил қилиб, лисоннинг метафорик худуди тавсифидаги қулай восита бўлиб хизмат қилмоқда [4, 247]. Ҳарбир фрейм эстетик баҳо орқали турли маданиятлардаги ҳар хил қадриятларни жонлантиради ва улар турли миллий тимсоллар, образларда вербаллашади. Бу қадриятлар ва образларнинг инглиз, ўзбек ва тожик халқи тафаккурдан қай тарзда ўрин олганлигини билиш учун концептуал метафоралар таҳлиliga юзланамиз.

Зеро, бизнинг ўйларимиз, тафаккуримиз ва шунга мос фаолиятимиз, яъни концептуал тизимимиз табиати метафораларга асослангандир [6, 13]. Илмий тадқиқотнинг ушбу қисмида шеърӣ ва бадиий тасвирларда қўлланиладиган метафорадан фарқ қилувчи, тафаккур ва инсон хатти-ҳаракатини белгиловчи метафоралар ҳақида сўз юритиб, таҳлилларимизни тафаккурнинг мана шундай ўзига хос жиҳатига қаратмоқчимиз. Инсоннинг концептуал тизими ҳар кунлик фаолиятидаги ҳам мулоқот ҳам хатти-ҳаракатлар ҳақиқатларини аниқлашда муҳим ўрин эгалловчи, бизнинг тафаккуримизни бошқарувчи концептлар фақатгина интеллект маҳсули эмас. Улар, ҳатто, энг кичик деталларгача кунлик фаолиятимизни бошқариб, ҳиссиётларимизни ҳамда бир-биримизга бўлган муносабатларни ҳам шакллантиради[6,4]. Метафоралар концепт структурасида ўзига хос аҳамиятли ўринга эга ва унинг образли таркибини шакллантиради[8,66]. Ж. Лакофф ва М. Джонсон фикри ҳам метафорик иборалар концепт образли таркибини шакллантиришини тасдиқлайди ҳамда унинг нафақат вербал, балки новербал (санъат, мусиқа, маннераларда) ифодаланишини таъкидлайди. ДЖ. Лакофф, М. Джонсон, Герард Стин, Раймонд Гибс, Н.Д. Арутюнова, В. Телия, А. Вежбицкая, Д.У. Ашурова, М.Р. Галиевалар концептуал метафора назариясида метафора когнитив жараён бўлиб, у тилда акс этишини таъкидлашади. Метафоралар тафаккур асосларининг калити ҳамда оламнинг нафақат миллий ўзига хослигини яратувчи, балки универсал образни шакллантирувчи ҳамдир[9, 5-15]. Эрл Маккормак “...метафора когнитив жараён натижаси сифатида тилни ўзгартира олади ва маданий эволюцияда ўз ҳиссасини қўшади” – деб ёзади ва ўз тадқиқотларида метафорани билиш жараёнининг бир тури сифатида изоҳлаб,



## TILSHUNOSLIK

унинг олам ҳақида янги билимлар олишни осонлаштиришига урғу беради. Олим семантик жараёнлар асоси, фундаменти сифатида когнитив жараёнларни кўради [10, 358-386].

Шундай қилиб, тадқиқотимизда метафора нафақат услубий тилга оид хусусият, балки инсоннинг ўзини ўраб турган оламни англаши ҳамда унинг идрок ва тафаккурида кечадиган когнитив жараёнларнинг ифодаланиш усули сифатида қаралади. Бу жараён, М. Галиеванинг таъкидлашича, метафорани тилдан ташқарида бўлган оламни акс эттирувчи, лингвокультурема сифатида кўриш, тил ва маданиятнинг ўзаро алоқаларини аниқлаштиришга замин яратади.

**Гўзаллик: нур ва ранг.** Бадиий адабиётларда, оғзаки нутқда ва умуман, ҳар кунги ҳаётимизда гўзалликка муносабат, унга эҳтиёж кўриш орқали баҳо беришдан бошланади. Зеро, ўзбек тилида *кўзга яқин, кўз тегмасин, кўз остига олди*; тожик тилида *чашм нарасад гуфта туф-туф кард; ба назар ҳассос, назаррабо, чашм канда намешавад; дар зери чашм гурифт* каби тушунчалар мавжуд. Оламдаги ҳодисаларни нафақат билиш, балки уларнинг ташқи сифатларни эстетик фарқлаш ва категориялаштириш биологик ва психик эҳтиёж бўлганлиги, яъни инсоннинг олам ҳақидаги билим ва тажрибасини янада ошириши сабабли прототиплашган маъно ҳисобланади. Инсон кўриш сезгиси орқали рангларни фарқлай олади, уларни фарқлаш инсон онгининг билиш жараёни бўлса, уни ҳис қилиш эстетик жиҳатдан қадрлашдир. Қора ва оқ рангларнинг фарқини англаб, билим ҳосил қилган инсон энди уни ёқтириши ёки маълум фаолият учун танлаши учун унга аниқ тажриба керак бўлади. Инглиз миллий олам тасавурида *кўк рангни* ажрата олиш, билиш бўлса, кўк кўзларнинг турларини ажрата олиш (*green, light blue, hazel, dark blue, gray, honey, amethyst, brown*) эстетик билиш орқали кўк рангни онгда эстетик қайта яратиш унинг қадрият сифатида лингвопсихологик баҳоланганлигидир. Бадиий адабиётлардан олинган мисоллар таҳлиллари шуни кўрсатадики, “гўзаллик” концепти лексик-семантик майдонидаги лексик бирликлар иштирок этмаса-да, гўзаллик миллий-маданий майдондаги эстетик қадриятли ранг образлари орқали ҳам ифодаланади.

1. *Her eyes, deep grey, with dark eye-lashes and eyebrows had never been denied their praise. (J. Austine) (grey); ...a book of all full of love affairs with the beautiful shiny black princesses; her red cheeks were shiny (E. Hemingway).*

1. *Кўйук жингила киприклари остидан тим қора кўзлари боқиб турғувчи қоп-қора камон, ўтиб кетган нафис, қийиқ қошлар... (А. Қодирий) (қора) Тобора нақшин олмадек оқи оққа, қизили қизилга ажралиб, гулдек очилиб, малоҳати ёрқинланиб бораётган сарвқомат бу қиз билан у .... анчадан бери таниш (С. Қаҳҳор). ...гулдек очилиб, малоҳати ёрқинланиб бораётган сарвқомат бу қиз билан у .... анчадан бери таниш (С. Қаҳҳор). Ҳовуз сувида бир қанча қизил олма ёқутдай товланиб жимиллаб сузди (Ойбек). Назокатхон туғмаган, бўйида бўлмайдди, шунданми ҳамон балоғатга етган қизга ўхшаб ялтиллайдди (Ў. Усмонов); Камолнинг қизни қучғиси... катта, ёруғ бегубор кўзларига сингиб кетғиси келди (О. Мухтор).*

2. *Чон ба он чашми сиёҳ ки дори ойна мешам, Чон, ба абрешими мўйҳои ту шона мешам (С. Нажмиддин) (сиёҳ); Манзараи кўҳсор бо оби ғурришдор, ки аз партави моҳи ширвор мавҷ мезад, дилработар гардида буд; (Айнӣ С.).*

Инглиз маданиятида кўзлар кўк, яшил, кул ранг, ўзбек ва тожик миллий маданиятида эса қора эканлиги қадрланиши билан характерланади. Лекин тафаккур ҳар бир рангнинг қадрини ўз ўрнида эътироф этади, яъни ўзбек ва тожик миллий маданиятида кўз, қош, сочининг қора рангда бўлиши ижобий, юзнинг қора рангда бўлиши эса салбий баҳоланади. Демак, бир факт икки хил қайта яратилади, яъни қадрланади ёки қадрсизланади ва шу аснода нафақат маъно англашилишига, балки синтагматик қўшничилик муносабатларига таъсир ўтказади. Бу ҳолат ўзбек ва тожик тилларида яққол ифодаланган: *қоп-қора башара* деб айтиш мумкин, лекин *қоп-қора чеҳра* бирикмасини тил қабул қилмайди ва нутқда ифодаланмайди.

Инглиз миллий маданиятининг яна бир ўзига хослиги, юз рангининг тиниқлигини, унинг соғлом, тиниқ тусда эканлигини ифодаловчи *fair, complexion* лексик бирлигининг

2 Green eyes: the most attractive Eye color. www.laboutvision.com

## TILSHUNOSLIK

категориялаш жараёнида прототиплашганлигидир: *Such an eye! – the true hazel eye – and so brilliant! Regular features, open countenance, with a **complexion!** (J. Austin)*

Инглиз миллий маданиятида қадрланган оч ранглар, яъни оқ, тилла ранг сочлар, оч тусли кўк, яшил рангдаги кўзлар ва тиниқ юз *blue eyed, fair haired* иборалари пайдо бўлишига туртки бўлиб, гўзалликни изоҳлаш учун эмас, балки муваффақиятли ва кўзга кўринганлиги учун (*любимчик*) *арзандасуюкли, танланган* маъноларини изоҳлаш учун одатда негатив коннотацияни касб этади: *Simmons, the blue-eyed boy of motor racing, has won again*[12].

Ўқоридаги мисол миллий-маданий майдондаги қадриятлар ва образларнинг прототиплашиши тилнинг бойишига хизмат қила олишини яққол намоён этмоқда. Гўзаллик образлари ва қадриятлар *муҳаббат ва меҳр* концептуал майдоннинг бойишига хизмат қилган экан, турли концептуал майдонлардаги миллий-маданий қадриятлар, тимсоллар ва лексик иборалар гўзаллик концептуал майдонида ҳам ўз ўрнига эга бўлиши ажаб эмас. Шундай мисоллардан *lovely, adorable* лексик бирликларидир.

**Гўзаллик: муҳаббат, меҳр.**Инглиз тафаккури миллий қадриятлар семантик майдонида *муҳаббат* концептининг ядросини ифодаловчи *love* сўзи *чиройли* мазмунини воқелантиради ва кейинги концептуал метафора: *Гўзаллик, муҳаббат* лисоний либос кияди. Ушбу концептуал метафора мураккаблиги билан ўзига хосдир. Зеро, субъект муҳаббати объектнинг гўзаллигини индивидуал онгда яратадими ёки гўзаллик муҳаббатни яратадими? Муносабат икки томонлама йўналишда бўлганлиги боис ҳам уларнинг қайси бири етакчилик қилишини аниқлаш қийин масала[4,240].

1. Гўзал: *Filmdom lovelies* (кино гўзаллари), *Come here, my lovely!*; *lovely woman, lovely flowers.*

2. Ёқимли: *Lovely melody, lovely scent, lovely view.*

3. Ажойиб, зўр: *To have lovely time.*

*I don't know of any **lovelier** view than when you stand on Summit Avenue*(S.Lewis)

*A loving eye is all the charm needed: to such you are handsome enough; or rather your sternness has power beyond beauty*(Ch.Bronte)

Ўзбек миллий маданиятида ушбу метафора гўзаллик лексик-семантик майдони марказидан ўрин олган синонимлар *дилбар, дилдора, дилнавоз* лексик бирликларида мужассам. Ўзбек ва тожик миллий маданиятида ҳам муҳаббат – гўзаллик тушунчаси *дил* лексик бирлиги орқали вербаллашади, яъни *кўнгиш- дил-меҳр* тушунчаси *-дор, -бар* суффиксларини олиб, воқеланади. Форс-тожик тилидан ўзлашган сўзлар *кўнгишли ром этувчи, меҳрли ва чиройли* маъноларини англатади. Ўзбек тилида ҳам бу сўзлар эстетик ва этик баҳони ифодалайди.

Гўзал:

1. *Икки бети тандирдан янги узилган кулчадек, ловиллаб турган кўкраклари дуркун, гулрў ва **дилбар** қизга суқланиброқ турибди* (С. Қаҳҳор)(*кўнгиш, юрак*)

Одобли:

2. *Жуда **дилбар-да** келиним. Аразлаб ҳам ўтирмайди* (Ў. Ҳошимов).

Тожик тилида *дилбар, дилрабо, дилкаш* лексик бирликлари гўзал маъноларини баҳори *дилрабо, водии дилрабо, манзараи дилрабо, ҷамоли дилрабо, ошиқи ҳусну ҷамол, шайдои назокати* сифатида бадиий матнда воқеланади.

Бундан ташқари бу сўзларнинг иккинчи маъносида, албатта, *суюкли ёр* мазмуни мужассамлашган. Яъни гўзаллик ва ошиқлик эгизаклардек гўё *Дилбар маҷ.*

*маъшуқаи зебо, нигори нозанин* (дил.)

Маъшуқа  $\longleftrightarrow$  зебо;

1. *У **чиройли** бўлганидан кейин жазмани кўп бўлади, жазмани кўп бўлгандан кейин ҳаво бойлаб кетади, демоқчи эди айтолмади* (П. Қодиров)

2. *...вай дар ҳақиқат **ошиқи ҳусну ҷамол** ва **шайдои назокати** ин зани Мастура гашта будааст!* (Акобиров Ю.)

3. *Ишқ дар банди **ҳусн эҳсонаст**, ишқ банда асту, **ҳусн султон аст*** (Ҷомӣ); *Дев ба қурбоққа ошиқ мешавад. “Чаро ин хел шуд?” гуфта пурсанд, дев: “Охир намебинед, Қурбоққа чӣ гуна чашмони зебо дорад! Ба хаёлам, ҳар шаб ситораҳои само аз чашмони қурбоққайман нур мегиранд!..” гуфта жавоб дода аст* (Ю. Акобиров).

## TILSHUNOSLIK

**Гўзаллик: оҳанрабо, жозоба, куч.** Ташқи гўзаллик, чирой ўзига тортувчи кучга эга. Инсонлар чиройли буюмлар ва инсонлар томон интилади. *Allure, captivate, bewitch, enchant kill, fascinate, dead* сўзлари инглиз тилида гўзалликнинг сеҳрли эканлигини ва офат эканлиги образлаштиради. Нарсалар нафақат фойдали, балки эстетик ёқимли ҳам бўлиши кераклиги билан баҳоланади.

1. *But wherever she went she touched and **charmed** every of the male sex (Thakerey); I am stuck on her face (S.Crane); a dozen pair of eyes. Attracted by her elegance and beauty, were bent curiously upon her (S.C.Doyle) not only **striking** charm of appearance but also a distinguished graduate of school in the east (S.Lewis).*

1. *Ўша қараган кишини яна бир қарашга **мажбур** этадиган ҳаёсизларча гўзал, **тиниқ** чеҳра. (О. Ёқубов); Бизни ўзига **шайдо** қилган бу гўзаллик табиатдаги гўзаллик эди (У. Усмонов).*

2. *Ин шаҳр дар ҳар фасли сол ҳар касро ҳам **мафтун мекунад!** (Ю. Ақобиров)*

Гўзаллик инсон интилувчи, ундан руҳан ва маънан озуқа олиши сабабли инсон наздида сеҳрли, жозобали ҳамда мафтун этгучи сифатида англайди. Гўзалликни таърифлашга ожизлик қилган инсон уни ерлик бўлмаган, ҳаёлий мифологик ва диний образларда кўради: *малак, пари, санам* тожик тилида эса *бут, пари, санам, фарр* образлари гавдаланади.

5. *Her features have thrown such a **glamour** over me...; the more I looked at her the more her beauty **grew upon** me (S.A.Doyle).*

6. Лекин қизнинг ҳусни, ҳасрат оташида товланиб мукамаллашган каби, яна ҳам ёрқинроқ, яна ҳам **сеҳрлироқ** бўлиб кўринди (Ойбек). Бу ёш **фариштани** бу ҳолда қолдиришга кўнглим бўлмади (А.Қодирий). Гулбоғдаги у **пари** кўздан ғойиб бўлгунча отни секин юргизиб...кетди (Ойбек).

7. Як водии **пурафсона**, ки мўйсафед ба тамошои он **мафтун шуда**, ҳатто дар кучо будан ва чаро ончо истодан **худро фаромўш** карда буд (Ақобиров Ю.).

**Хулоса.** Ўзбек ва тожик миллий маданиятида **нафосат, малоҳат, латофат** қадриятли семалар мавжуд бўлиб, бу ҳолат қиз бола, келин, аёлтимсолларини шарқона тафаккур замирида тасвирлайди. Яъни *бокиралик, шарм ҳаё, келин одоби*, тожик тилида эса буларга кўшимча равишда гўзал аъзоларнинг *ёпиқ* бўлиши кераклиги алоҳида концептуал гўзаллик мазмунини ифода этади. Бу тушунчалар нафақат лингвомаданий таҳлилларни, балки лингвомаънавий таҳлилларни ҳам тақозо этади. Фарб тафаккури ўзига хос равишда *киборларга хос тарбия кўрганлик, ўқимишли қизларга хос ўзини туттиш, муомала, француз тилини билиш, рақс, мусиқадан хабардорлик* каби меъёрлар асосида гўзаллик тушунчасининг имплицит ва концептуал хусусиятлари яширинади.

## АДАБИЁТЛАР

1. **Арутюнова Н.Д.** Метафора и дискурс//Теория метафоры:Сборник под ред. Н.Д. Арутюновой и М.А. Журиной. –М.: Прогресс, 1990. –С. 5-35.
2. **Галиева М.Р.** Вербализация концептосферы word/ сўз/слово в английской,узбекской и русской языковых картинах мира: Дисс.... канд.фил.наук. – Т,2010. – 150 с.
3. **Маккормак Э.** Когнитивная теория метафоры//Теория метафоры:Сборник под ред. Н.Д. Арутюновой и М.А. Журиной. –М.: Прогресс, 1990. –С. 358-386.
4. **Сафаров Ш.** Семантика. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013. – Б. 245.
5. **Fenco A, Jacco J, et.al.** Describing product experience in different languages the role of sensory modalities\\Journal of Pragmatics.2010/42. – P. 3314-3327.
6. **Hooper R.** Perception verbs? Directional metaphor and point of view in Tokelauan discourse. \\Journal of Pragmatics 2014/36(10). – P.1741-1760.
7. **Whitt R.J.** (Inter)Subjectivity and evidential perception verbs in English and German\\Journal of Pragmatics 2011/43(1). – P. 347-360.
8. **Lakoff G., Johnson M.** Metaphors we live by. – Chicago: The university of Chicago, 1980. – 193 p.
9. **Paradis C., Eeg-Olofsson M.** Describing sensory experience the genre of wine reviews. \\Metaphor and Symbol 2013/28 – P. 22-40.
10. **Strauss S.** The linguistic aestheticization of food: a cross-cultural look at food commercials in Japan, Korea and United States.//Journal of Pragmatics. 2005/37. – P. 1427-1455.

11. Wittgenstein L. Psychology and religious belief. In: Barret, Cyril(Ed) Lectures and conversations on Aesthetics. – Oxford Blackwell Publishing, 2007.

12. www.macmillandictionary.com

13. www.llaboutvision.com

УДК: 372.881.512.133:81`373.6

## ГЕНДЕР ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ЛИНГВИСТИКАДА ТУТГАН ЎРНИ

### ПОНЯТИЕ «ГЕНДЕР» И ЕГО МЕСТО В ЛИНГВИСТИКЕ

#### THE CONCEPT OF GENDER AND ITS PLACE IN LINGUISTICS

Гулямова Шахноза Кахрамоновна

БухДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси докторанти

**Таянч сўзлар:** гендер, аёллар ҳуқуқи, биологик жинс, гендер системаси, гендер стереотиплари, гендер стандартлари, феминистик ғоялар, лингвистик гендерология, лисоний тизим, маданий ва ижтимоий фактор.

**Ключевые слова:** гендер, право женщин, биологический пол, гендерная система, гендерные стереотипы, гендерные стандарты, феминистические идеи, лингвистическая гендерология, лингвистическая система, культурный и социальный фактор.

**Key words:** gender, women's rights, biological gender, gender system, gender stereotypes, gender standards, feminist ideas, linguistic gender, linguistic system, cultural and social factors.

*Мақолада гендер тушунчасининг пайдо бўлиши ҳамда бу ҳодисанинг тилшуносликда тутган ўрни ёритилган. Лингвистик гендерология масалалари ва муаммолари таҳлил қилинган.*

*В статье рассмотрено понятие «гендер», определенное место в лингвистике. Анализированы задачи и проблемы гендерологии.*

*The article deals with the emergence of the concept of gender and its place in linguistics. Gender tasks and problems are analysed.*

**Кириш.** Гендерология биологик жинсларни социал муҳитда ўрганувчи энг ёш фандир. “Гендер” термини кўп маъноли бўлиб, фанга 1955 йилда буюк сексолог Джон Мани томонидан киритилган. Кўринадикки, дастлаб бу термин тиббий маънога эга бўлган. Ҳозирги кунда эса гендерология йўналиши ижтимоий фан сифатида бўй кўрсатади.

Джон Мани “гендерли роль” (“genderrole”) тушунчасини ишлатган. Мани нафақат янги термин яратди, балки уни оддий таққослаш доирасидан чиқариб юборди. Унинг изоҳлашича, “гендер” тушунчаси кўпгина белгиларни аниқлаб беради, жумладан, жисмоний хусусиятлардан то ижтимоий ролгача бўлган жараёнларни ўз ичига олади. Манининг ғоясини 1950 йиллар охирида Лос-Анжелеснинг Калифорния университетида фаолият юритган психоаналитик Роберт Столлер очиб берди. У 1963 йилда Стокгольмда бўлиб ўтган илмий конгрессда гендер моҳиятини тушуниш ҳақидаги маърузаси билан сўзга чиқди. Унинг фикрича, гендерни ўрганишни табиий фанлардан ажратиб олиб, психолог ва социолог ихтиёрига топшириш керак. Ўша даврда бу ғоя яхши қабул қилинмади, лекин 1970 йилларда аёллар ҳуқуқи учун курашувчиларга бу қўл келди [17].

Социолог, профессор Е. Здравомыслова “гендер” атамасини 1968 йилда америкалик психолог ва психоаналитик олим Столлер “Gender and sex” китобида илмий муомалага киритганини айтиб ўтган. Бу сўз чет тилига оид бўлиб, лотин тилига бориб тақалади. Рус тилига эса инглиз тилидан кириб келган. “Гендер” термини бундан олдин ҳам феминист тадқиқотчилар томонидан ишлатилган, аммо Столлер бу сўзни илмий асослаб қўллаган олим ҳисобланади [16].

**Асосий қисм.** Гендер ижтимоий психологиянинг асосий тушунчаларидан биридир. Ижтимоий психология – бу жамиятнинг, ҳар бир инсоннинг фикри, туйғулари ва хулқ-атвориға таъсирини ўрганадиган фан. Гендернинг ижтимоий психологияси эса унинг бир қисми. У ижтимоий нормалар тадқиқоти билан шуғулланади. Гендернинг ижтимоий психологияси белгиланган диний бидъатлар, қонун-қоидалар, ижтимоий идрок, ўз-ўзини

## TILSHUNOSLIK

хурмат қилиш, ижтимоий роль ва нормаларнинг пайдо бўлишини ўрганиш майдончаси ҳисобланади [3].

Изланишлар “дженде” сўзидан келиб чиққан ҳолда гендерли тадқиқотлар деб номлана бошланган. Россияда бу сўз илк бор 80 йиллар охирида пайдо бўлиб, грамматик родни билдирган. 1985 йилда Пекинда Россия имзолаган БМТнинг аёлларга нисбатан камситилишга қарши кураш декларацияси қабул қилингандан сўнг бу борада изланишлар бошлаб юборилди. Шу йилларда Москвада гендер тадқиқотлари маркази ташкил этилган бўлиб, у Фанлар Академиясида, халқаро аҳоли институтида, демография институтида ўз фаолиятини олиб борган. Марказда бир қатор олимлар – Анастасия Посадская, Н. Захарова, Наталья Михайловна Римашевская – феминизм ва гендер тадқиқотлари билан шуғулланишган [16].

Тадқиқотчилар гендер ҳодисасининг бир қиррасини дискриминация (камситиш)га оид саволларни жинс белгиси орқали ифодалашда очиб беришган. Зеро, бу ҳодиса сиёсий ва ижтимоий жараёнлар билан боғлиқ бўлган.

Психолог Шон Берннинг эътирофича, “гендер” – бу “эркак” ва “аёл” тушунчаларига берилган социал-биологик тавсифдир. Чунки жинс биологик категория бўлиб, психологлар биологик асосланган “жинсий” гендерли фарқларга далил келтирганлар [3].

“Гендер” термини рус тилига инглиз тилининг “genre” сўзидан норман кураши даврида французлардан ўзлаштирилган сўз сифатида пайдо бўлган. “Гендер” ва “жанр” бир ўзакли сўз ҳисобланиб, французлар ўз навбатида, асоси грек сўзи бўлган “gen” ўзагидан фойдаланишган, у “яратмоқ” маъносини билдириб, “генезис” ва “ген” сўзлари орқали танишдир. Бу сўз бир неча асрлар фойдаланиб келинган бўлиб, фақатгина XX асрнинг иккинчи ярмида ўзининг биринчи маъносида ишлатилган. Бунгача у грамматик родни билдирган. Ҳақиқатан, 1611 йилда босилиб чиққан қирол Яковнинг Библиясида “gender” феъли “кўпаймоқ” маъносини билдирган [17].

Гендер – бу ижтимоий жинс, инсоннинг жамиятдаги хулқ-атвори. Бу аёл ва эркак жиҳатларини ўрганадиган ижтимоий нормативдир. Баъзида гендер “эркак” ва “аёл” тушунчалари синоними сифатида ҳам қўлланилади. Демак, у бу икки жинс вакиллари хулқ-атворининг аниқ стандарти. Аммо шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ҳаётда аёлда эркаклик (“юбкадаги эркак”), эркакда эса аёллик (мулойим, иродасиз, ҳиссиётли эркак) гендерини учратиш мумкин [7].

А.А.Денисова биологик нуқтаи назардан эркак ва аёллар орасида тафовутдан кўра ўхшашлик анча кўпроқ эканлигини таъкидлайди [4]. Кўпгина тадқиқотчилар улар орасидаги муҳим биологик фарқ уларнинг насл қолдиришдаги роли деб ҳисоблашади. Шубҳасиз, бугунги кунда эркакларнинг баланд бўйи, оғирлиги ва жисмоний бақувватлиги каби “типик” жинслар орасидаги фарқлар ниҳоятда ўзгарувчан ва жинс тушунчасига камроқ боғлиқ. Биологик фарқлар ўлароқ, одамлар орасида уларнинг жамиятдаги ижтимоий роли, фаолияти, хулқ-атворидаги фарқлар ҳам мавжуд. Антропологлар, этнографлар ва тарихчилар анча олдин “эркакларга хос” ва “аёлларга хос” тасаввурларнинг нисбийлигини аниқлаб берганлар, яъни бир жамиятда эркаклар машғулоти деб саналган ҳодиса, бошқасида аёлларга хос деб белгиланган.

А.А.Денисова тўғри таъриф берганидек, биологик жинс турли жамиятда яшаб, турли ижтимоий ролга эга бўлган инсонларни фарқлашга сабаб бўла олмайди. Шу нуқтаи назардан ёндашганда одамларнинг биологик жинсидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг ижтимоий ва маданий нормалари йиғиндисини белгиловчи омил асосида гендер тушунчаси вужудга келган.

Шу билан бирга, аёл ва эркакларнинг психологик сифатларини, хулқ-атворини, фаолиятини ва касбини биологик жинс эмас, ижтимоий-маданий нормалар белгилаб беради. Жамиятда эркак ёки аёл бўлиш у ёки бу анатомик хусусиятларга эга бўлиш эмас, балки гендерга хос бўлган ролларни бажариш билан белгиланади. Демак, гендер жамиятда аёл ва эркакнинг ижтимоий модели сифатида барпо этилади.

Гендер системаси жинслар орасидаги тенгсизликдир. Гендер жамиятнинг ижтимоий стратификацияси усулларида бири бўлиб, ирқ, миллат, синф, ёш каби ижтимоий-демографик факторлар билан биргаликда ижтимоий иерархияни ташкил этади. Гендер системасининг сақланиши ва ривожланиши учун инсонлар онги жуда муҳим роль ўйнайди.

**TILSHUNOSLIK**

Индивидларнинг гендер онгини лойиҳалаш ижтимоий ва маданий стереотипларни сақлаб қолган ҳолда жамиятдаги норма ҳамда кўрсатмаларни бузиш орқали юзага келади (“эркакшоа аёл”, “хотинак”) [14].

Гендер системасининг ривожланишида инсонлар онги муҳим ўрин тутати. Инсон туғилишидан бошлаб гендер системаси таъсирининг объекти бўлади (жамиятдаги рамзий удумлар, туғилган боланинг жинси, кийимининг ранги, ўйинчоқлари ва ҳ.к.). Кўриниб турибдики, “аёлга оид” ва “эркакка оид” деган рамзий маънолар вужудга келади. “Эркакка оид” тушунча Оллоҳга, ижодга, ёруғликка, кучга, фаолликка нисбатланса, “аёлга оид” нарсалар юқоридагиларга зид бўлган тушунча ва ҳодисаларга тенглаштирилади.

Гендер системаси тушунчаси тадқиқотчилар томонидан турлича талқин қилинади. Илк бор поло-гендер системаси терминини америкалик феминист-антропологи Гейл Рубин “Торговля женщинами” (“Аёллар савдоси”) мақоласида қўллаган. У поло-гендер системасини “биологик жинсий яқинликни инсон фаолиятидаги махсулотга ўзгартирувчи механизмлар тўплами” деб атайди.

Гендер системаларини ўрганиш жинслар орасидаги ижтимоий ташкиллаштирилган муносабатларни тушунишга ёрдам беради. Швед тадқиқотчиси Иван Хирдман гендер системасига эркаклар ва аёллар орасидаги муносабатлар йиғиндисини деб қарайди. Шу ўринда жинсларнинг жамиятдаги ўрни, мақсади, қонун-қоидалар ва нормалар ҳақидаги тасаввурларини инобатга олади.

Денисова айтганидек, гендер системаси – бу институтлар, жинслар орасидаги хулқ-атвор, ижтимоий ўзаро таъсирлар. У ўзаро боғланган 3 таркибдан иборат: биологик жинс асосидаги гендер категорияларининг ижтимоий конструкцияси; меҳнатнинг жинсий тақсимооти; жинсий яқинликнинг ижтимоий мунтазамлиги [4].

Ҳозирги кунда “гендер” сўзи, аввало, ижтимоий-психологик жинсни, инсоннинг жамиятдаги ахлоқи ва унинг қандай қабул қилинишини билдиради. Гендер тадқиқотлари куйидаги муҳим саволларни ўртага ташлайди: ўзимизни эркакми, аёлми ёки қандайдир гибридин вариант деб ҳис қилишимиз нимага боғлиқ – биологик тузилишгами, маданий белгигами ёки жамият талабларигами? Инсон “эркаклик” ва “аёллик” хулқи мезонларига мос келиши керакми? Ҳозиргача бу саволларга бир хил жавоб йўқ, аммо бир қатор гендер фарқлар маданият орқали белгиланиши изланишларда таъкидланади. Мисол сифатида болалар кийими рангини олайлик. XX аср бошида пушти ранг ўғил болага, мовий ранг қизларга мос деб ҳисобланган. Бу концепсия 30 йиллар охирида ўзгарган [17].

Бошқа томондан, тадқиқотлар эркак ва аёллар ақл-идрокида жисмоний фарқлар борлигини тасдиқлаб келмоқда. Нейросексизм душманлари бу фарқлар туғма эмас, орттирилганлигини исботлашга ҳаракат қилиб келишмоқда.

Гендер стереотиплари кўпинча ижтимоий нормалар сифатида таъсир кўрсатади. Норматив ва информацион тазйиқ гендер нормаларига бўйсунушга мажбур қилади. Бу таъсир шундаки, инсонлар ижтимоий таҳсинга лойиқ бўлиш учун гендер ролларга мос келишга ҳаракат қилишади. Одамлар ижтимоий информация таъсирида бўлганликлари учун гендер нормаларини тўғри деб биладилар. Чунки улар шундай жамиятда яшайдиларки, унда, одатда, эркаклар бир нарса билан, аёллар эса бошқа бир нарса билан шуғулланадилар, яъни гендер фарқлари табиий бир ҳол сифатида бўй кўрсатади. Шунинг учун улар гендер нормаларини қабул қилиб, унга амал қиладилар. Бунинг амалий натижасини эса уларнинг хулқ-атворида кузатиш мумкин [3].

Айтиб ўтиш керакки, гендерстандартлари замонавий цивилизация асосларидан биридир. Бу аёллар ўзини тор доираси “аёллар иши”да қотиб қолмайди, ўзларига ёққан машғулотлар билан шуғулланишга замин яратиб беради. Аксинча, эркаклар ҳам кўпинча аёллар шуғулланган ишларда ўзларини синаб кўришлари мумкин.

Ҳозирги кунда гендернинг ҳар қандай ижтимоий-психологик текшируви сиёсийлашган бўлиб, бунда фаннинг роли нафақат дунёни ўрганиш, балки жинслар тенг ҳуқуққа эгаллиги принципини илгари суришдан иборат. Бунинг қонуний мувофиқлиги шундаки, гендернинг ижтимоий психологияси феминистик ҳаракатнинг мақсадларига мос келишидадир.

## TILSHUNOSLIK

Лотт таъкидлаганидек, ижтимоий психология ҳар қандай вазиятда ҳам гендер тадқиқотлари билан кесишиб ўтади. Зеро, ижтимоий хулқ-атвори сақловчи ва шакллантирувчи шароитларни ўрганиш гендерни маданий жиҳатдан ўрганишни билдиради[7].

Феминистик ғоялар маданиятнинг турли соҳаларига кириб бориши ниҳоятда жадал суръатлар билан давом этди: 70 йилларнинг бошида ҳаммани ҳайратга солган, мунозаралар ва ҳис-ҳаяжонларнинг тўфонини кўзғотган анъанавий маданиятнинг жинсийлик концепсияси (жинсга кўра камситиш) эндиликда маданий Ғарб кишиси онгига ажралмас бир тушунча бўлиб кирди. Амалда жинсийликка қарши кураш БМТнинг “Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенсия”сида (1979) ҳам эълон қилинган [5].

Охирги йилларда Ўзбекистон журналистлари жамиятдаги мавжуд гендер зиддиятлари ҳақида сўз юритмоқдалар. Ижтимоий стереотиплар (улар сирасига гендер стереотиплари ҳам киради) мазмун жиҳатидан маълум ижтимоий ҳодиса ёки объект хусусидаги ҳиссий бўёқларга эга стардантлаштирилган ва барқарор тасаввурни англатади. Аҳолининг гендер ҳақидаги тасаввурлари демократик, ҳуқуқий жамият қуриш жараёнида мазмун жиҳатидан ўзгариб боради. Бундай ўзгаришлар гендер тенглигига эришишда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда ҳамда ижтимоий тараққиётни таъминлашда муҳим шарт ҳисобланади. Зеро, аёл ва эркакнинг ижтимоий ҳамкорлиги – ҳозирги давр ва келажакнинг зарурий асосидир [20].

Тил инсон ҳаёти, унинг ижтимоий фаолияти билан боғлиқ ҳодисадир. Лисоний белгининг қандай ижтимоий вазифа ўташи, ундан қандай фойдаланишни билиши учун инсоннинг қайси ижтимоий тузумда яшашини ҳам эътиборга олиш бугунги кун тилшунослигининг асосий вазифаларидандир.

Бугунги кундаги гендер муаммосига оид тадқиқотларни В.А.Кирилина икки йўналишга ажратади:

1. Гуманитар фанлар доирасида гендер муаммоси.
2. Лингвистик гендерология муаммоси.

Гуманитар фанлар доирасидаги гендер муаммосини ечишга социология, психологияда ўрганилган тадқиқотлар тилшунослик учун асос бўлади. Гендернинг категория сифатидаги мақоми ўрганилади.

“Гендер” тушунчаси замонавий лингвистикада бошқа ижтимоий фанларга нисбатан кейинроқ, айнан бу юз йилликнинг иккинчи ярмида кириб келган [6]. Гендер лингвистикаси гендер тадқиқотларини ўрганувчи илмий йўналишки, унда гендер лингвистик тушунча сифатида кўриб чиқилади. Гендер лингвистикасининг пайдо бўлиши ва жадал ривожланиши ХХ аср охирига тўғри келади. Бу йўналиш икки гуруҳ муаммоларини ўрганади:

1. Тил ва унда гендернинг ифодаланиши. Бунга лексикон, синтаксис, род категорияси ва бошқа шунга ўхшаш объектлар киради. Бундай ёндашишдан мақсад турли жинс вакилларининг тилдаги ўрнини, уларга берилган баҳони ва қайси семантик соҳада кенг тарқалганлигини ифодалаш ва тушунтиришдан иборат. Бу бир тил ёки бир нечта тиллар бўйича чоғиштира тадқиқотлар бўлиши мумкин.

2. Эркак ва аёлларнинг коммуникатив хулқ-атвори. Гендернинг қандай нутқий вазиятларда қайси воситалар ёрдамида тузилиши, бунга ижтимоий факторлар ва коммуникатив муҳитнинг таъсир этиш жараёни (интернет, аёл ва эркаклар нутқидаги ўзига хос хусусиятлари). Бу борада ҳозиргача ижтимоий-маданий детерминизм ва биодетерминизм назариялари рақобатлашиб келмоқда [19].

Гендер лингвистикаси эса илмий йўналишдаги гендер тадқиқотлари таркибига кириб, лингвистик тушунчалар ёрдамида гендерни ўрганади.

Гендер лингвистикаси соҳасидаги илмий тадқиқот ишларида катталар нутқи, ўсмирлар нутқи, болалар нутқига эътибор қаратилгани ҳолда, аёл ва эркак нутқи, ўғил ва қиз болалар нутқидаги фарқлар назарда тутилади.

ХХаср ўрталарида Россия ижтимоий фанларида гендер лингвистикаси жадал суръатда ривожлана бошлади. Бошланғич босқичда изланишлар фарқланмаган ҳолда ривожланган, чунки олимлар диққат-эътиборида фақат умумметодик муаммолар бўлган. Алла Кириллина ва Мария Томская гендер атамасига илмий тус бериб, фанга

## TILSHUNOSLIK

киришига сабаб бўлдилар. Бундай нуқтаи назар, табиийки, гендернинг тил ва коммуникациядаги лингвистик механизмларини ўрганишни кучайтирди.

XX асрнинг иккинчи ярмида янги ижтимоий-фалсафий назариялар ғарб жамиятининг демократизациялаш билан бирга рўй бериб, 1968 йилда талабалар революцияси феминизмнинг фаоллашуви бир қатор янги ғояларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Бу ғояларга жинснинг ижтимоий-маданий шартлигини тушуниш ҳам киради. АҚШдаги “Янги аёллар ҳаракати” гендер концепциясини илмий англаш ва унинг сиёсий кураш мақсадида тарқалишига туртки бўлди. XX асрнинг 60-йиллари охирида тилшуносликда (асосан, АҚШ ва Германияда) феминистик лингвистика пайдо бўлди. Бу оқим ҳозирги кунда ҳам мавжуд.

Феминистик лингвистика тилни инсонга эмас, фақат эркакка йўналтирилганлиги сабабли танқид қилади. Шунинг учун феминистик лингвистика тилни реформация қилишни кўп маротаба тавсия қилган.

Тилда аёллар дискрипциясини ўрганиш билан бирга тадқиқотларнинг бошқа йўналишлари ҳам пайдо бўлди. Бунга гендернинг социолингвистик, психолингвистик ва лингвокультурологик ўрганилишини мисол қилиб келтириш мумкин.

70-йилларда В.Лабовнинг социолингвистик ишларида тилда гендер фарқларининг ижтимоий табиати ўзининг муҳим исботини топди. Бу ўринда В.Лабовнинг хулосаси ўта муҳим аҳамиятга эга, чунончи, у эркаклар ва аёллар нутқида юзага келган табиий фарқлар гипотезасини рад этади. Олим талаффуздаги фарқлар абсолют характерга эга эмаслигини кўрсатиб, аёллар бир вариантни хуш кўрсалар, эркаклар бошқасини афзал кўришларини исботлаб берди. Бунда афзаллик ижтимоий гуруҳ ва бошқа ижтимоий факторларга боғлиқлигини ҳам айтган.

Гендер маданият маҳсули сифатида халқнинг фольклорда, эртак ва урф-одатлар тилдаги аёллик ҳамда эркаклик ҳақидаги тасавурларини ифодалайди.

А.Кирилина гендер тилшунослигининг социолингвистикадан фарқини қуйидагича изоҳлайди: “Гендер тилшунослигининг олдида турган асосий мақсад тилда қайси жинс эгаси ҳокимлик қилиши эмас, балки уни (ҳокимликни) тасвирловчи воситаларнинг тилда мавжудлиги, гендернинг қандай прагматик ва коммуникатив контекстда ҳосил бўлиши ва ушбу жараёнга экстра ва интралингвистик омилларнинг таъсирини ўрганишдир” [10].

Бугунги тилшуносликнинг янги парадигмаси бўлган гендер лингвистика ўз олдида муҳим масалаларни қўйган. Маълумки, сўзловчи қайси жинс ёки тоифа вакили бўлишидан қатъий назар, ҳамма учун ягона бўлган лисоний тизимдан фойдаланади. Аммо ҳар бир шахснинг нутқий ёки лисоний қобилияти ва имконият даражаси турлича бўлиши аниқ. Тилшуносликка гендер термини социал фанлар соҳасидан кириб келган. Янги термин пайдо бўлгунча лингвистик семантика тилшуносликда жинс тушунчасини *sexus* маъносида келишини инкор этмаган, чунки у кўпгина лексик бирликлар қаторига киради (эркак, аёл, она, ота...).

Тил ва гендер ўртасидаги ўзаро муносабатларни тадқиқ этиш масаласи ғарб ва рус тилшунослигида анча кенг ва атрофлича ўрганилган.

Гендер тадқиқотлар марказида маданий ва ижтимоий фактор туради. Жинсга оид кўпгина тадқиқотлар гендер тушунчаси пайдо бўлишидан олдин ёзилган ва *sex*, *sexus* тушунчалари орқали изоҳланган.

Лингвистикада терминологик бирликлардан фойдаланиш қуйидаги хусусиятларни намоён этади:

1. Гендер термини инглиз тилида пайдо бўлиб, рус тилидаги род категориясининг инглиз тилидаги род категориясининг инглиз тилидаги омоними саналиб, баъзи бир тушунмовчиликларни келтириб чиқарди.

2. Бир қатор тадқиқотчилар аввалги тушунчаларга таяниб, *sexrole*, *sexdifference* каби терминлардан фойдаланиб, жинснинг муҳимлигини таъкидлайдилар. Кўпгина инглиз тилидаги илмий ишларда икки тушунча ҳам параллел равишда ишлатилади.

Тушунмовчиликлар бошқа тилларда ёзилган илмий ишларда, шу билан бирга, уларни рус тилига таржима қилганда пайдо бўлади. Масалан, немис тилида гендер тушунчаси билан бир қаторда, *geschlecht*, *das soziale geschlecht* каби немис сўзларидан ҳам фойдаланилади.



## TILSHUNOSLIK

Сехгендери рус тилидаги *seks-poʻtu*шунчаларига мос келмайди. Айнан ана шу факт инглиз тилининг илмий дискурсига гендер терминини киритишга сабаб бўлган. Бошқа томондан, охириги йилларда ғарб давлатларида янги тенденция – жинс маъносини билдирувчи *sex* сўзини *gender* сўзи билан ўзгартириш аниқланди [17].

Рус тилшунослигида гендер, жинс, социал жинс, инсоннинг биосоциал тавсифлари каби терминлар ишлатилади.

Демак, *sexus* (табiiй жинс) ва *gender* атамаларининг ўзаро муносабатларини тилшуносликда куйидагича таърифлаш мумкин: “Табiiй жинс (*sexus*) шахснинг биологик хусусиятлари билан боғлиқ бўлган лексик атамаларнинг компоненти ҳисобланса, *гендер* эса жинснинг ижтимоий-маданий аспектини ифодаловчи тушунчадир”.

“Гендер – шахснинг қайси бир ижтимоий қатламга тегишлилиги кўрсаткичидир. Ижтимоий институтлар (армия, мактаб ва ҳ.к.) ҳамisha фарқланиб, ўзларига мақомлар, қонун-қоидаларни ишлаб чиқиш орқали жамиятда келишилган қатламлар деб топилган. Ҳаттоки ижтимоий-маданий ҳаётимиздаги урф-одатлар ҳам гендерологик хусусиятларни ўзида акс эттириб, уларни миллий либослар, кундалик ҳаётимиздаги турмуш тарзимиз ва рамзларда бу хусусиятларни кўришимиз мумкин. Гендер айнан бир миллатнинг ижтимоий-маданий маҳсули бўлиб, халқ оғзаки ижоди ва фольклорларда, эртақларда, урф-одат ҳамда тилда ўз аксини топган ўша миллатгагина хос аёллардаги “назокат”ни ва эркақларга хос “мардлик” аксини кўрсатади. Шунингдек, ижтимоий гуруҳлар онгида у ёки бу жинсга хос бўлган сифатларнинг гендерологик тасаввурлари мавжуд [11].

Россияда ХХ асрнинг 90 йилларида пайдо бўлган гендер муаммоларини кўпинча тилшунослик билан кесишувчи психоллингвистика, социоллингвистика, этнолингвистика ва лингвокультурология каби туташ йўналишлардаги қимматли маълумотлар асосида ўрганишди. Улар матн ва оғзаки нутқ, вербал коммуникатив алоқада шахснинг жинси ва ёшининг таъсири, нутқда эшитувчи томонидан гендерологик фарқларни қабул қилиши каби ўзига хос жиҳатларини ўрганиб чиқишган. Земская ва Китайгородскаялар рус зиёлилар оиласи намунасида, уларнинг мулоқотини кузатиб, керакли хулосаларга келганлар [15].

Ўзбекистонда гендер тилшунослигининг бошланиши ва ривожланишидаги илк изланишлар сифатида З.Акбарованинг “Ўзбек тилида мурожаат шакллари ва унинг лисоний тадқиқи” [2], Н.Аҳмедованинг “Ўзбек тилида мурожаат шаклларининг семантик-коннотатив тадқиқи” [1], Ш.Исқандарованинг “Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари” мавзусидаги номзодлик ҳамда “Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони)” [8] номли докторлик диссертацияларини кўрсатиш мумкин. Бу тадқиқотларда асосан, аёллар нутқининг баъзи лингвистик хусусиятлари ёритилган бўлиб, уларда гендер атамаси умуман қўлланилмаган ва гендер ўрганиш объекти сифатида тадқиқ қилинмаган.

Г.Ш.Атаханова инглиз ва ўзбек тиллари материали асосида «инсоннинг ёши» концептини ва унинг миллий-маданий хусусиятларини тадқиқ қилди. И.М.Тўхтасинов инглиз ва ўзбек тиллари бадиий матнида кўшма сўзларнинг лингвомаданиятшунослик ва гендер хусусиятларини батафсил ўрганган. Г.И.Эргашева гендер терминлари шаклланишининг лингвистик ва экстралингвистик омилларини аниқлади. А.А.Морозова испан тилида эркақлар ва аёлларга хос концептларнинг шаклланиши ва қўлланишини ўрганди. М.К.Халикова рус ва ўзбек фразеологик бирликлари мисолида инсон ва унинг менталитетини тавсифлашнинг лексик-семантик, грамматик ва стилистик хусусиятларини аниқлади.

Н.З. Насруллаева “Инглиз ва ўзбек тилларида оламнинг фразеологик манзарасида гендерконцептларининг шаклланиши” мавзусидаги докторлик диссертациясида эса оламнинг инглиз ва ўзбек фразеологик манзараларида гендерконцептлар шаклланиши жараёнининг моҳиятини очиб, уларнинг универсал ва миллий-маданий хусусиятларини аниқлаб берган. Г. Исқандарова эса болалар мулоқот хулқининг гендервалингвокультурологик хусусиятларини таҳлил қилиб берган [12].

Профессор М.Қурбонова бадиий матн бўйича гендер тадқиқотларда икки жиҳатга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини таъкидлайди: 1. Аёл ва эркақлар маълум бир воқеликни, унинг парчасини тасвирлашда, ёки бошқа ҳолатларда фикрларни ўзига хос

## TILSHUNOSLIK

тарзда баён этиши (нутқнинг гендер хусусияти). 2. Муайян тил тизимида аёллик ва эркаклик белгилари билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи лингвистик воситаларнинг мавжудлиги (тил тизимида аёл ва эркакларни бир-биридан ажратиш, фарқлашга хизмат қилувчи тил бирликларини белгилаш)га катта эътибор қаратилган. Олима грамматик (формал) ва биологик (реал) жинс тушунчаларини бир-биридан фарқлаш зарурлигини таъкидлайди [13].

**Хулоса.** Демак, гендер тушунчаси ва унинг пайдо бўлиши масаласи тиббиёт соҳасидан бошланиб, ижтимоий-гуманитар йўналишларга ҳам кенг қулоч ёзди. Шундай қилиб, гендер тушунчаси мураккаб ижтимоий-маданий жараён бўлиб, жамиятдаги эркак ва аёлларнинг хулқ-атвори, ўрнини билдириб, гендернинг ижтимоий конструкти ҳисобланади. У нафақат биологик фарқни, балки ижтимоий-маданий нормаларни ҳам белгилаб берувчи кенг қамровли серқирра тушунча ҳисобланади.

XXI асрнинг бошларида гендерологиянинг тадқиқ қилиш методологияси психолингвистика ва социолингвистика йўналишларида ишлаб чиқилди. Лекин ҳозирги кунда гендер тадқиқоти бир неча йўналишлари кесимида олиб борилганлиги сабабли, ҳозиргача баҳс-мунозарага олиб келувчи кўпгина муаммолар мавжуд. Лекин бу мавзуда илмий тадқиқотларнинг олиб борилиши, бу муаммоларга бўлган қизиқиш янада ортиб бораётганлигидан далолат беради.

## АДАБИЁТЛАР

1. **Ahmedova N.** O`zbek tilida murojaat birliklarining semantik-konnotativ tadqiqi. Filol.fan.nom...dissert.avtor... - T., 2008. – 28 б.
2. **Akbarova Z.** O`zbek tilida murojaat shakllari va ularning lisoniy tadqiqi. Filol.fan.nom...dissert.avtor... - T., 2007. – 31 б.
3. **Берн Ш.** Гендерная психология: законы мужского и женского поведения. – М., 1983. – 175 с.
4. **Денисова А.А.** (ред.) Словарь гендерных терминов. – М.: Информация XXI века, 2002. – 318 с. - [www.twirpx.com](http://www.twirpx.com).
5. Гендермуносабатлариназариясива амалиётга кириш. –Т.: Ўзбекистон, 2007. – Б.84.
6. **Горошко Е.** Гендерная проблематика в языкознании. - <http://www.owl.ru/win/books/articles/goroshko.htm>.
7. **Козлов Н.И.** Гендер: чем определяется наш социальный пол? - <https://www.psychologos.ru>.
8. **Iskandarova Sh.** O`zbek nutq odatining muloqot shakllari. Filol.fan.nom...dissert. avtoreferati. - Toshkent, 1994. – 34 б.
9. **Искандарова Г.** Болалармулоқотхулқининггендервалингвокультурологикхусусиятлари // ЎзМУхабарлари. – Тошкент: Университет, 2015. - № 1/2. – Б. 200-203. //G.Iskandarova. The Role of Linguoculturological Factors in Childrens' Communication //International Journal of Central Asian Studies Volume 19. Korea, 2015. - P. 163-180. //Г.Искандарова. Гендерные и лингво-культурологические особенности детской речи //Гуманитарные науки в XXI веке: Материалы Международной научной конференции, посвященной 70-летию ТНИИЯЛИ – ТИГИ. - Кызыл, 2015. – С. 507-514.
10. **Кирилина А.В.** Гендерные исследования в отечественной лингвистике: проблемы, связанные с бурным развитием //Гендер: язык, культура, коммуникация. – М., 2002.– С.245.
11. **Кирилина А., Томская М.** Лингвистические гендерные исследования //Отечественные записки: Журнал для медленного чтения.– М.: Высшая школа экономики, 2012.– С.52.
12. **Насруллаева Н.З.** Инглиз ва ўзбек тилларида оламнинг фразеологик манзарасида гендер концептларининг шаклланиши. Док...дис...автореферати. – Тошкент, 2018.– 71 б.
13. **Курбанова М.** Тилшуносликда гендер тадқиқотлар. Ўзбек тилшунослиги мамлакатимиз инновацион тараққиёти кўзгусида. Республика илмий-назарий анжумани материаллари. (ҳамкорликда). Тошкент, 2012. Курбанова М. Ўзбек тилида дискурсининг гендер хусусиятлари. Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент, 2012.
14. Словарь гендерных терминов. - [www.owl.ru/gender/010.htm](http://www.owl.ru/gender/010.htm).

15. Земская Е.А., Китайгородская М.А., Розанова Н.Н. Особенности мужской и женской речи // Русский язык в его функционировании. – М., 1993. – С.90-136.

16. <https://m.colta.ru>

17. <https://theoryandpractice.ru/posts/8521--gender>

18. <https://theoryandpractice.ru/posts/8521--gender>

19. <https://ru.m.wikipedia.org>

20. fayllar.org

УДК:81'373.2: 821.512,133(092)

### ЎТКИР ҲОШИМОВ АСАРЛАРИДА ПОЭТОНИМЛАР ОЛАМИ

#### ЛИНГВОПОЭТИЧЕСКИЕ СРЕДСТВА В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ УТКИРА ХОШИМОВА

#### THE POETONISM IN THE WORKS OF UTKIR KHOSHIMOV

**Муқимова Зоҳида Расуловна**

*Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти таянч докторанти*

**Таянч сўзлар:** ономастик бирлик, оним, атропоним, топоним, лингвостилистика, онома-поэтика, поэтоним, интертекстуаллик, абионим, “сўзловчи” ном, аллитерация, лингвопоэтик тадқиқ.

**Ключевые слова:** ономастическая единица, оним, атропоним, топоним, лингвостилистика, ономапоэтика, поэтоним, интертекстуальность, абионим, «говорящий» оним, аллитерация, лингвопоэтические исследования.

**Key words:** onomastic unit, onim, atroponym, toponym, linguistic-stylistics, onomapoetic, poetical, intertextual, abionism, “speaking” onim, alliteration, linguistic-poetic research.

*Мазкур мақолада Ўткир Ҳошимов асарларида лингвопоэтик восита сифатида қўлланган ономастик бирликлар хусусида сўз боради.*

*В данной статье рассматриваются ономастические единицы, используемые как лингвопоэтические средства, в произведениях Уткира Хошимова.*

*This article discusses onomastic units used as linguo-poetic tools in the works of Utkir Khoshimov.*

**Кириш.** Адабий меросимизда инсонни тарбиялаш учун манба бўла оладиган юксак бекиёс асарлар кўп ҳамда улар махсус номлар (онимлар) билан аталган. Маълумки, бу каби номлар тилшуносликда ономастик бирликлар деб юритилади. Ўзбек тилининг ономастик тизими ҳажман улкан, мазмунга бой, серқирра ҳамда бир-бири билан узвий алоқада бўлган лисоний ҳодисадир. Ўзбек тилидаги ономастик бирликларнинг ўзига хос хусусиятларини, айниқса, бадиий адабиётдаги ўрнини аниқлаш муҳим амалий ва назарий аҳамиятга эга. Шу билан бирга айрим сўз санъаткорлари томонидан танлаб қўлланган номларнинг лингвопоэтик хусусиятларини ўрганмай туриб, унинг асарлари қимматини тўла белгилаш мумкин бўлмай қолади.

Ономастика дунёси, энг аввало, киши ва жой номлари (атропонимлар ва топонимлар) ниҳоятда катта, жамият учун моҳиятли ва гўзалдир, – деб ёзган эди академик А.К.Матвеев[6,286]. Ономастиканинг доираси ва муаммолари кенг бўлиб, атоқли отларнинг моҳияти, тил статуси, исмларнинг келиб чиқиши; уларнинг жамиятдаги ўрни, тарихи, тақдири, исми ва одамлар муаммосини қамрайди. Маълумки, ҳар бир онимик лексема (ном) маълум бир маънони беради, яъни у жой ёки шахс ҳақида хабар етказиши мумкин. Бу хабар эса махсус ономастик вазифани бажаради ҳамда лингвопоэтик аҳамиятга эга бўлади[3,3]. Д.Худойберганова “Лингвостилистиканинг тадқиқ объекти хусусида” номли мақоласида “Лингвостилистикада номлар бадиияти – ономапоэтикага доир қарашлардан фойдаланиш ҳам кутилган натижаларни беради”, – деб таъкидлайди. Ономастик бирликлар поэтикаси ҳақида махсус тадқиқот олиб бораётган Д. Анданиёзова бу соҳани ономапоэтика (ономастик поэтика), унинг ўрганиш объекти бўлган бадиий номларни поэтонимлар (поэтик онимлар) термини билан номлаш фикрини илгари сурган[7,3]. Маълум бир ижодкор асарларида қўлланган поэтонимларнинг бадиий матндаги ўрнини аниқлаш, белгилаш, уларни тадқиқ қилиш ономастиканинг ривожига ва

## TILSHUNOSLIK

такомилига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Ўзбек адабиётининг буюк иқтидор эгаси, ўткир сўз устаси Ўткир Ҳошимовнинг ҳикоялари-ю романларида учрайдиган қаҳрамонлар номи киши диққатини ўзига тортади.

**Асосий қисм.** Ушбу мақолада Ўткир Ҳошимов асарларидаги ономастик бирликлар – номлар ҳақидаги мулоҳазаларимизни айтишни жоиз деб билдик. Ёзувчи у ёки бу номни танлаш ва ном қўйишда маълум талаб ва қонун асосида иш кўрган, ўзига хос услубни танлай олган. Адиб воқеа-ҳодисаларни ёрқин тасвирлаш, образларни характерлаш, уларга бўлган муносабатни акс эттириш учун турли усуллардан фойдаланган. Ёзувчи асарларида қўлланган ономастик бирликлар ўзи алоқадор бўлган онимни аташ вазифасинигина бажариб қолмай, адибнинг кундалик орттирган тажрибалари, маънавият, маданият соҳасидаги фалсафий, руҳий тушунча-ю мушоҳадалари, хулосаларини ўзида мужассам қилган восита ҳамдир. Эътибор бериб қаралса, Ўткир Ҳошимов асарларида қўлланган ономастик бирликлар шунчаки танлаб қўйилмаган, улар замирида ном танлаш ҳамда ном қўйиш сабаблари, қадимий илдизлари, шу билан бирга, ёзувчининг мақсади, орзу-умидлари, кўзлаган эзгу ниятлари ўз ифодасини топган.

**Омон** Ў.Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” романи қаҳрамонининг номи. Адиб наслнинг давомчиларидан бири бўлган асар қаҳрамони Шомуроднинг ўғлини Омон деб номлаб, бу билан элнинг соғ, омон бўлишга, тинч яшашга бўлган умиди рўёбга чиқишига ишора қилган. Шомурод кафтини юзи билан тўсиб: *“Отини Омон кўямиз! – деди овози титраб. – Омон бўлсин ... Умри узоқ бўлсин.* Ёзувчи Шомурод нутқида Омон сўзини маҳорат билан қўллаб тажнис санъати намунасини яратган. *“Бир хиллар бор. Уруш нукул қаҳрамонликлардан иборат деб ўйлайди. Бекор гап! Урушни биз кўрдик, бошқалар кўрмасин. Музаффар кўрмасин, Омон кўрмасин... Уруш нима ўзи? Одамни минг бир азобга соладиган нарса”.* Шу ўринда адибнинг “Урушлар ҳақида” келтирилган битикларидан бирини келтиришни лойиқ деб топдик: *“Уруш билан беш кунда битадиган муаммо тинчлик билан беш йилда битса, иккинчи йўлни танлаш керак!”* Уруш ичида ҳамда уруш ортида бўлган халқнинг “дунёни тинч кўрмоқ” орзуси асар қаҳрамони Омон номида аниқ ифодаланган.

Қаҳрамон Ў. Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” романи қаҳрамонининг номи. *Унинг дадаси урушдан қаҳрамон бўлиб келган, ўзининг оти ҳам Қаҳрамон эди.* Мазкур асардаги ушбу қаҳрамон исми жисмига мос бўлмаган бола. У номига номуносиб тарзда ўз синфдошини ёмон отлиқ қилади, ўғрилиқда айблайди: *Хайрият! – ўқитувчи бош силкиди. – Орангларда ҳеч бўлмаса битта мард бор экан. Ўтир. Қаҳрамон.* Ўқитувчи нутқи орқали бу атропоним воситасида ийҳом санъати ҳосил қилиниб, кўзланган мақсадга эришилган. **Музаффар** Ў.Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” романи бош қаҳрамонларидан бирининг номи. – *Ўғил бўлса отини Музаффар қўйгин... Музаффар нима дегани, биласанми? Ғолиб дегани, Ғалаба дегани, тушундингми? – Қани, гирой, кетдикми? – деди оғзидан тутун чиқариб. Отим гирой эмас, Музаффар. Чойхонадаги кишилар мени гирой-гирой деявериб, дадамниям ўргатиб қўйишган. Отимни айтиб чақирмайди. Майли, гирой бўсам бўлман-да... Музаффар атропонимида кишиларнинг ўз фарзандига бўлган энг яхши тилаклари, орзу-интилишлари, замонавий идеаллари ўз ёрқин ифодасини топган.* “Қора амма” Ў.Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” романидаги кампирнинг лақаби. Асар қаҳрамони Шомурод ўғли Музаффарга “Қора амма” ни амма дейишга чақиради:

*Неча марта айтганман: “Қора амма” эмас, амма дегин, тентак!*

– *Сени ишинг нима? – “Қора амма” дадамга қараб илжайди. – Қорани қора дейди-да! Қораман! Тўғрими? Юр, болам!”* (“сени” сенинг сўзининг қарлуқ лаҳжада ишлатилиши). “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да қора (қора ранг) лексемасининг дастлабки маъноси билан бирга кўрқинчли, даҳшатли, ёмон, разил, нотўғри, хомаки каби кўчма маънолари ҳам изоҳланган; Биламизки, қора ранг деярли ёвузлик, ёмонлик рамзи ҳисобланган. Бироқ Навоий асарларида бунинг аксини кўрамиз. Шу ўринда Навоийнинг “Сабаъи сайёр” достонидаги куйидаги матнни келтиришни ўринли деб билдик:

*Ахий: “Бор яхшиликлар шу палос туфайли юз берди, уни ташлаб юборсам тўғри бўлмайди”, деб шу кийимда ибодат қилди. Унинг бу ишини кўрган шоҳ шу йўлни туттач, халқ ҳам қора кийишни одат қилди*[9,309]. “Сабаъи сайёр” достони қаҳрамонлари –

## TILSHUNOSLIK

Фаррух ҳам, Ахий ҳам ўз мақсадларига қора либос орқали эришган. Матндан англашиладики, Навоий қора рангни буюклик рамзи сифатида улуғлаган. Тадқиқ жараёнида “қора сўзи қадимий туркий тилда ҳам кучли, қудратли”[3,104] маъносида қўлланганлигини, “Ўзбек исмлари” китобида қора компонентли (таркибли) антропонимларнинг деярли барчаси кучли, қудратли, улуғ маъноларида изоҳланганлигини кузатдик. Масалан, “Қора, Qora (ўз.) – кучли, қудратли бола ёки қорача бўлиб туғилган бола ёхуд қорача уруғига (қирқ қабила тармоғи) мансуб бола. Шакллари: Қорабек, Қорабой, Қоражон, Қоратой, Қорахон, Қоракул” [4, 545-546] каби.

**Закунчи** “Икки эшик ораси” қаҳрамони Умар Хўжаевнинг лақаби. Романда Закунчи, Умар закунчи, Хўжаев, Хажаеп вариантларда ҳам қўлланилган. *Лекин законний битта гапни айтиб қўяй: раз менга хўжаликни топширдиларингми, қаттиқ ишлаймиз. Раз мен раис эканман, бунақа саботажчилар билан законний жойда гаплашиб қўйишни ўз вазифам деб биламан. – Хажаеп! – деди Оқсоқол титраб. – Закончимисиз, нима бало! Нукул “закун-закун” дейсиз! “Қизил деҳқон”дагилар законни сизчалик билмасаям, деҳқончиликка ақли етади. Ҳар гапида закон, закун сўзини ишлатадиган қаҳрамонга ишора.*

**“Сен етим эмассан”**Ғафур Ғуломнинг “Сен етим эмассан” шеърининг сарлавҳаси– библионим. “Икки эшик ораси” романида келтирилган бир тасвирда Раъно ўғли Музаффар билан яширинча учрашади: ҳеч ким билмаслигини унга тайинлайди; Музаффар мактабига кеч қолиб боради: *“Янги дўппимни қаёққа қўйишни билмасдим. Синфга киришдан олдин қайтадан буклаб, чўнтагимга солиб олдим. Иккала чўнтагим дўппайиб кетди. Биттасида дўппи, биттасида пул. Адабиёт ўқитувчиси Ғафур Ғуломнинг “Сен етим эмассан” шеърини тушунтираётган экан”. Ҳаётчи Абдували Музаффарни гапга тутди: савол беради (“...дўппини қаёқдан олдинг”, –деб сўрайди). Ҳўқитувчи улар овозини эшитиб:– Шомуродов!.. Шеърда уруш туфайли етим қолган минглаб болаларни ўзбек халқи бағрига босгани...*

“Сен етим эмассан” поэтоними воситасида юзага келган интертекстуаллик бадиий мазмуннинг серқатлам бўлишига хизмат қилган. Музаффар онаси билан учрашгандан кейин уни баъзи саволлар қийнай бошлайди. Музаффар ўқитувчисидан Ғафур Ғуломнинг “Сен етим эмассан” шеъри мазмун-моҳиятини эшитиб, саволларига жавоб топгандай бўлади. Бу библионим “иккинчи жаҳон урушида кўплаб етим бўлган болалар”, “дийдор”, қолаверса, “бағрикенг халқ” рамзини юзага келтиришда лингвопоэтик восита бўлган.

**Мунаввар** “Икки эшик ораси” романи қаҳрамони номи. Музаффар таърифича, Мунаввар *“Ўзиям бошқа қизларга ўхшамайди. Кам гапиради. Танаффус пайтида синфдан чиқмай китоб ўқийди. Ўзи энг чиройли қиз-ку, оти хунук: Минавар! Шуям от бўлдию”!*

Музаффар Мунаввар билан суҳбатлашганда унга Минавар деб мурожаат қилади: – *Биринчидан, Минавармас, Мунаввар, – деди узун киприкларини пирпиратиб. – Мунаввар – нурли дегани. Иккинчидан... – У бир зум кўзимга қараб турди-да, негадир аламлироқ кулди. – Ёш болага ўхшайсан-а, Музаффар! Ундан кўра яхшироқ ўқисанг-чи!*”. Мунаввар Иккинчи жаҳон уруши ортида унинг азоб-у қийноқларини тортган, “нур қидириб нурга талпинган” ўзбек аёлларининг рамзи. “Нурли” маъносини англлатувчи Мунаввар антропоними “сўзловчи” ном вазифасида қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатига ишора қилиб, унинг характерини ёритишда муайян даражада роль ўйнаган.

**Ғамгузор она** “Икки эшик ораси” романидаги бекат номи. *“Ғамгузор она” бекати!– деди ҳайдовчи хотин микрофонда эълон қилиб. – Эртага эрталаб ғалабининг йигирма йиллиги муносабати билан ҳайкал очилади. “Икки эшик ораси” романида қўлланган “Ғамгузор она” топоними ғамхўр, меҳрибон оналар рамзи бўлиб, бекат билан боғлиқ воқеалар баёнини таъсирчан ифодалашда поэтик восита бўлган.*

**Номаълум аскар** “Икки эшик ораси” романидаги ҳайкал номи (абионим – инсон томонидан яратилган жонсиз объект) [5,8]. Раъно Музаффарга бозорга бориб сабзи олиб келишни буюради. Музаффар:– *Пешиндан кейин тушаман, – дедим. – Эрталаб бир жойга бормоқчийдим. Ҳайкал очиларкан. –Янги хиёбон, – дедим овозимни кўтариброқ.– Ҳайкал очиларкан, амма. “Номаълум аскар” ҳайкали.*

“Номаълум аскар” ҳайкали урушда вафот этган, олиб келинган жасаддан кимлиги маълум бўлмаган аскарлар рамзи. Шу ўринда “Ўғлим, сира бўлмайди уруш”[1,279] шеърининг бир мисрасини келтиришни жоиз деб билдим: *Уруш! Номинг ўчсин жаҳонда.*

## TILSHUNOSLIK

**Ғамбода она** “Икки эшик ораси” романидаги ҳайкал номи (абионим). Оқсоқол буванинг ушбу сўзларидан “Ғамбода она” абионимининг поэтик вазифа бажарганини рўйи рост англаймиз: *Дунёда ҳамма нарса унитилади, деди у янгроқ овозда. Аммо-локин фарзанд доғини унутиб бўлмади. Давлатимиз “Номаълум аскар” ҳайкали қатори “Ғамбода она” ҳайкалини очаётгани бежиз эмас. Мен биламан, болаларим: бу ёғи Нўғайқўрғон, у ёғи Кўтарма томонларда белида белбоғи бор не-не йигитлар шаҳид кетди. Қанчаданқанча оналар боласининг йўлига кўз тикиб ўтирибди.* “Ғамбода она” ҳайкали – боласининг “йўли”ни интизор кутган, орзулари армонга айланган, “ғамга ботган” оналар рамзи.

**Доғистон** “Икки эшик ораси” романида қўлланган оккозионал топоним. Адиб бу топонимни бадий мақсадига мувофиқ тарзда қўллаган, яъни донғи оламга кетмоқ иборасини аналогик тарзда Донғи Доғистонга етмоқ иборасини яратган. Ибора таркибидаги лексеманинг ўзгариши натижасида унинг эмоционал-экспрессив таъсири ортган: *“Қизил деҳқон” – илғор колхоз. ...Колхоз икки йил кетма-кет планни ошириб адо қилди. “Қизил деҳқон” нинг донғи Доғистонга етди... Балки Закунчининг қаттиққўллиги иш бергандир. Балки чиндан ҳам “илм-у ҳикмат”ни яхши билар.*

**Отелло** Вильям Шекспирнинг “Отелло” номли трагедиясидаги аслзода араб, Венеция давлатининг амалдори. Асар воқеаларига кўра, ишонувчанлиги сабабли рақиблари тузоғига илиниб, рашк туфайли хотинини бўғиб ўлдиради. “Маданиятлараро мулоқот таъсирида ўзбек лингвомаданиятида ҳам Отеллони ўта рашкчи эркак рамзи сифатида қабул қилиш одатга айланган [8,79]. “Шамоллар эсаверади” қиссасида Отелло антропоними аллюзив ном сифатида қўлланилиб, трагедияда тасвирланган Отеллонинг рашк қилиш эпизодига ишора қилинган. Бунда Отелло поэтоними интертекстуаллик матн яратишда восита бўлиб, Отелло образи билан боғлиқ ассоциацияларни ҳосил қилган. Отелло поэтоними Гавҳарнинг севгилиси Мансурга қарата айтилган: *Талъат бу “телба”дан қутилишнинг бошқа чораси йўқлигини билиб, итоаткорлик билан эргашди. Юраги пўкиллагунча пойинтар-сойинтар қадам босиб бораркан, бир нарсани ўйлаб, ич-этини ер эди. Бу “Отелло”ни бутун гуруҳни йиғиб, анави “хонимчаси”дан узр сўратишга мажбур қилса, обрўйи уч пул бўлмайдими?*

**Қоракўз** Ў. Ҳошимов “Икки эшик ораси” романи қаҳрамони Умар закунчиотининг номи. *“Бойлоқдан бўшаган от, эгаси яқин бориши билан, қўрқдими, бегонасирадими, тўсатдан шаталоқ отиб, машоқ қилинаётган буғдойзорга югурди.*

1. *Тўхта! Закунчи ҳам илтижо, ҳам ғазаб билан ҳайқирди.*

2. *Тўхта Қоракўз!..*

– *Қоракўз! Тўхта!*”

*“Шунча йил раис бўлиб нима орттирдим! Уйимдан ҳайдаб чиқаришди. Ўша кунни энг ишонганим – Қоракўз ҳам думини гажак қилиб қочи кетди.”*

Қоракўз зооними воситасида отнинг ташқи кўринишига эътибор бериш билан бирга мураккаб вазиятга – “қоронғуликка” тушиб қолган, Умар закунчининг қинғирликларини, “қора иллатлари”ни кўравериш чарчаган жониворнинг ҳолати акс эттирилган.

**“Икки эшик ораси”** роман номи. Ёзувчи “Икки эшик ораси” деганда инсон умрини, яъни туғилганидан ўлганигача босиб ўтган йўлини – бу эшикдан кириб, у эшиккача бўлган даврни кўзда тутди. Ёзувчи қўллаган метафора беш юз саҳифадан ортиқ романга жо бўлган мазмун-моҳиятни ўзида жамлаб олган, акс эттирилаётган воқеа-ҳодисаларнинг умумлашмаси сифатида асар учун таянч-асосий фикр ва мақсад объекти бўлган. Китобга тўғри топиб танланган ном-метафора асар қаҳрамони тилида ҳам ўз исботини топган. Роман қаҳрамонларидан бири Ориф оқсоқолнинг қуйидаги гаплари фикримизнинг далилидир: *“Одамзод юз йил умр кўрадими, минг йилми – барибир ўлгиси келмайди. Минг йил яшаган бир саҳоба “Эсиз, эсиз, кетяпман, деган экан. Шунақа, болам... ҳеч ким ўлишни ўйламайди. Аммо Худо одамзодга умрни ўлчаб беради. Шунақаликка шунақа-ку, одамнинг умри неча йил яшагани билан саналмайди...”*

– *Бир хил одамлар бор: у эшикдан кириб, бу эшикдан чиқиб кетаётганда қўлидан келгунча савобли иш қилади. Ҳаёт деган иморатга ақалли битта ғишт қўйиб кетади”.*

**Той** “Дунёнинг ишлари” қиссаси қаҳрамони Тойирнинг лақаби. Той, Тойир, Тойиржон шаклларда қўлланган; Тоҳир антропонимининг ўзгарган шакли. Луғатларда Тоҳир антропо-

## TILSHUNOSLIK

ними “покиза, доғсиз, нуқсонсиз (Бу ном Муҳаммад (сав) ўғлининг номи бўлган)”[4,424] маънолари билан изоҳланган. Тоҳир антропонимининг покиза, нуқсонсиз маъноси билан Тойир характериға ишора қилинган: ... худди ўша Тойнинг ўзи. Фақат шунча бўй, бунақа узун кўл-оёқларни қаёқдан олди экан! Той ҳаммадан узоқдан – Бешқўрғондан ўзига ўхшаш ювош, шохсиз сигирини олдиға солиб келарди.

...Той! Галине келди, эчкини қайтар!

1. Сигирға қара, Той, сигирға!

– Той! Қўй картишкаға оралаб кетди-ку!..

– Мени Той деманглар. Узимнинг отим бор – Тойир. Тойирға жўрабоши шарт қўйди:

– Бўпти! – деди дўриллаб. Сенға уч кун муҳлат. Уч кунгача ҳаммининг молини яхшилаб боқсанг, Той отингни ўзгартирамиз.

Бизнингча, ёзувчи Той антропоними воситасида шахсни ўз исми билан номлашга (лақаб қўймасликка) чақиряпти, бу ҳақда келтирилган фикрларға ишора қилган ( “Қуръон” ва “Ҳадис”ларда кишиларнинг бир-бириға лақаблар, ҳақоратли номлар қўйишни ва одамни ўша лақаб билан аташ ниҳоятда қораланади. “Ҳадис”да шундай дейилган. “Кимки бировни ўз номи ўрниға бошқа лақаб билан чақирса, уни фаришталар лаънатлайдилар. Одамға лақаб тўқимангиз ва лақаблар билан чақирмангиз”) [2,148].

...Чиндан ҳам Той уч кунгача сидқидилдан хизмат қилди. Тўртинчи кун жўрабоши “мажлис” тўплади: – Болалар, деди тантана билан. – Энди Тойни ҳеч ким Той демасин. Бугундан бошлаб унинг оти – Хўтик. Яна бир йил ҳаракат қилсанг, ўсиб Эшак бўласан.

Иккинчи томондан, Тойир “Дунёнинг ишлари” қиссаси қаҳрамонига кўкалдош:

“Нисо хола кўзимға тикилиб оҳиста сўради:

– Биласиз-а?

1. Нимани?

2. Айтмаганмилар?

– Нимани айтадилар! – дедим ҳайрон бўлиб.

– Ия, Тойиржон сизнинг укунгиз-ку! – Нисо хола астойдил ажабланди. Кейин маъюс тортиб жимиб қолди-да, хўрсинди. ...Бир кечада касалға чалиниб қолдим. Кўкрагимға ёмон яра чиқиб, қирқ кун “ол кет, ол қўй” бўлиб ётибман денг... Айни қаҳатчилик, уруш, биров-бироваға ҳолинг нима кечди, дейиши маҳол... Шунда денг, бир кун Пошша опам келиб қолдилар. Айланиб-ўрғилиб, Тойиржонни бағирларига босиб эмиздилар. Шу ердан Бешқўрғонға саратонда куйиб ҳар кун уч марта қатнайдилар. Қирқ кун шундай қилдилар. Бир кўкрагини сиз эмгансиз, биттасини Тойиржон”.

Той антропоним поэтик вазифа бажариб, юксак бадииятни яратишда лингвопоэтик восита бўлган.

**Гитлер** тарихий шахс номи. Бадиий матнда иккинчи жаҳон уруши ҳақида гап кетганда, Гитлерантропоними аллюзив ном сифатида қўлланган тасвирларни кузатдик. Ушбу антропоним “Икки эшик ораси” романида бир ўринда қўлланса-да, уруш воқеалари тасвирида у билан боғлиқ ҳолат яққол ифодаланган. “Икки эшик ораси” романидан келтирилган ушбу матнда Гитлер антропонимининг “шафқатсиз” маъносиға ишора қилинган. – Тушунтириб гапирсангиз-чи, Оқсоқол, **Гитлер** тўнғиз қўпиптими?! ... Ўзингиз айтиб қўя қолинг, уруш тамом бўптими, ишқилиб! Болаларим отасини соғиниб кетди-ку!

Тенгиз “Икки эшик ораси” романи қаҳрамонларидан бири – грузин боласининг исми. Лақаби Денгиз. Тенгиз овози борича ҳайқирди. Танк таққа тўхтади, ўша заҳоти пулемёт тариллади, юзига қарасам кўзлари очиқ, мўйлови орасидан қон сизиб чиқяпти.

Тенгиз антропоними “сўзловчи” ном вазифасида урушда барчанинг “тенг” лигига ишора қилиб, урушнинг чиркин “қиёфаси”ни ёритишда муайян даражада роль ўйнаган. “Тенгиз, танк, таққа, тўхтади, заҳоти, пулемёт, тариллади” сўзларида т товуши такрори билан маъно кучайтирилган. Шу билан бирга пулемётларнинг тариллаши (Ҳали Тенгиз ёндирган танк ҳамон ловуллар...), Тенгизнинг “тариллаши” (Тенгиз сақраб окопдан чиқди-да, йигирма қадамча келиб қолган танкка шиша улоқтирди...) жонли тасвирланган. Тенгиз антропоними аллитерацияни юзага келтиришда лингвопоэтик восита бўлган.

## TILSHUNOSLIK

Романда келтирилган бир тасвирда Тенгизни Кимсан **Денгиз** деб атайтиди. (Денгиз антропоними “Ўғизнома”да ҳам учрайди [3, 15]. Кимсан урушда у билан бирга душманга қарши курашган: *Биз пиёдалар ротаси ... номсиз тепаликларнинг биттасига жойлашиб олгандик. Ротамиз номигагина қолган. Ҳаммаси бўлиб икки киши эдик. Мен билан Тенгиз деган грузин бола! Мен ҳазиллашиб уни Денгиз деб чақирардим.* Музаффарнинг уни “Денгиз” деб аташида чуқур маъно бор. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” изоҳланганидек, *денгиз* сўзи дастлабки маъносидан ташқари “бирор нарса билан қопланган кенг майдон”, “жуда катта уюм, тўда, оқим” маъносини англатади. Адиб *денгиз* сўзининг кўчма маъносини Денгиз антропоними замирига жо қилиб, Иккинчи жаҳон урушида қатнашган кишиларнинг “қон денгизи”да жанг қилаётганига ишора қилган: *...Тенгиз худди биров пешонасига зарб билан мушт тушургандек чалқанчасига ағдарилиб, устимга йиқилди. Елкасидан кучоқлаб, юзига қарасам кўзлари очик, мўйлови орасидан қон сизиб чиқяпти.*

**Хулоса.** Ўткир Ҳошимов асарлари ономастикаси бўйича тўпланган материаллардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, адиб асарларида қўлланган ономастик бирликлар муҳим лингвопоэтик тадқиқ объекти бўла олади. Поэтоним мақомига эга бўлган ушбу бирликларни ўрганиш ўзбек ономасиологияси олдида турган вазифалардандир.

## АДАБИЁТЛАР

1. Адабиёт (Мажмуа) // 3- китоб. – Тошкент: Баёз, 2014. – Б. 279.
2. Ахлоқ-одобга оид ҳадис мажмуалари. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 148.
3. **Бегматов Э.** Исмларнинг сирли олами. – Тошкент: ЎзбМЭ ДИН, 2014. – Б. 174.
4. **Бегматов Э.** Ўзбек исмлари. – Тошкент: ЎзбМЭ ДИН, 2007. – Б. 605.
5. **Бегматов Э., Улуқов Н.** Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган: 2006. – Б. 104.
6. **Матвеев А.К.** Ономатология. – М.: Наука, 2006. – С. 286.
7. **Худойберганова Д.** Сўз боши // Ўзбек тили поэтонимларининг изоҳли луғати. – Т., 2016. – Б. 3.
8. **Худойберганова Д., Анданиязова Д.** Ўзбек тили поэтонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Турон замин зиё, 2016. – Б. 131.
9. **Алишер Навоий.** Хамса/ Қисқартириб нашрга тай. А.Ҳожиаҳмедов. – Т.: Янги аср авлоди, 2016. – Б. 309.

УДК 81'367.33

**ҲИС-ҲАЯЖОН ГАПЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИНГ КОГНИТИВ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**ЭМОЦИОНАЛЬНЫЕ ФАКТОРЫ И ИХ КОГНИТИВНЫЕ ОСОБЕННОСТИ**

**EMOTIONAL FACTORS AND THEIR COGNITIVE FEATURES**

**Кахарова Ирода Сидиқовна**

*БухДУ мустақил изланувчиси*

**Қаҳҳорова Гулрух Шавкатовна**

*БухДУ мустақил изланувчиси*

**Таянч сўзлар:** когнитив тилшунослик, экспрессив-стилистик восита, эмоционал-экспрессив характер, ижтимоий-психологик, табиий-биологик, тасвирийлик экспрессивлилик, образлилик, лексик воситалар, психофизиологик, нейрофизиологик, психологик, физиологик, биологик, ижтимоий жараён.

**Ключевые слова:** когнитивная лингвистика, экспрессивно-стилистические средства, эмоционально-экспрессивный характер, социально-психологические, природно-биологические, визуальные выражения, образные, лексические, психофизиологические, нейрофизиологические, психологические, физиологические, биологические, социальные процессы.

**Key words:** cognitive linguistics, expressive-stylistic means, emotional-expressive character, socio-psychological, natural-biological, visual expressiveness, characteristic, lexical, psychophysiological, neurophysiological, psychological, physiological, biological, social processes.



## TILSHUNOSLIK

Мақолада инглиз адиби Сомерсет Моэмнинг асарларидаги ҳис-ҳаяжон гапларда инсонга хос лисоний, мантиқий, руҳий фаолиятлар бир-бирига боғланиши, бунда тилнинг оғ ва руҳиятга таъсир этувчи восита эканлиги, унинг шаклланишида ижтимоий-ҳаётий, турли психологик, биологик, маданий омилларнинг таъсири таҳлил этилди.

В данной статье говорится о связи между человеческим языком, логикой и духовной деятельностью в произведениях английского писателя Сомерсета Моэма, а также влияние социально- жизненных, психологических, биологических и культурных факторов языка, которые влияют на разум и дух.

The article explores the connection between human language, logic, and spiritual activities in the discourse in the works of the English writer Somerset Maugham, as well as the influence of social, vital, psychological, biological, and cultural factors on the language's ability to influence the mind and spirit.

**Кириш.** Нутқий гаплар ифода мақсадига кўра қандай гап бўлишидан қатъий назар эмоционалликка эга ёки эга бўлмаслиги жиҳатидан икки хил гап – ҳис-ҳаяжон гаплар ва ҳис-ҳаяжонсиз бўлмаган гаплар турига бўлинади [1]. Улар яна **ундов гап** [2], **вокатив гап** [3], **эмоционал гап** [4] деб ҳам юритилади.

Ҳис-ҳаяжон гапларда инсонга хос лисоний, мантиқий, руҳий фаолиятлар бир-бирига боғланиб, ягона нутқий тафаккур жараёнини ўзига хос шаклда намоён этадики, бундан тилнинг нафақат онгни ҳаракатлантирувчи, балки руҳиятга ҳам таъсир кўрсатувчи воситалардан бири эканлиги яна бир бор аёнлашади. Шу маънода тилшуносликда ҳис-ҳаяжон гаплар алоҳида, ўзига хос лисоний, нутқий тузилмалардан бири сифатида тан олинади.

Ҳис-ҳаяжон гаплар, аввало, лисоний фаолият ва унинг маҳсулидир. Шунингдек, ҳис-ҳаяжон гаплар психологик (инсоннинг турли руҳий эмоцияларини ифодалаб келади), социологик (ижтимоий алоқа-муносабат шакли, инсонлараро мулоқот воситаси бўлади) руҳда бўлиши туфайли уларда руҳий ва ижтимоий омиллар ўз аксини кўрсатади.

**Асосий қисм.** Ҳис-ҳаяжон гапларда халқнинг миллий-маданий ҳаёти билан боғлиқ омиллар (яъни унгагина хос қарғиш, олқиш, ибора ва тушунчаларни қўллаш орқали, масалан: *Vulgar little beast. Him and his young lady. The nerve of asking if he could bring her to see me (S.M. The Theatre, 188) – Беодоб мол. Уша ... қаллиғинг билан қўшмазор бўл! Қандай сурбетлик! Уни саҳна орқасига олиб кириш мумкинлигини сўраш-а, яна кимнинг ёнига? Менинг хузуримга-я!* (Г.М. Ўткинчи эҳтирос, 188) ҳам намоён бўлади. Шундан келиб чиқиб, ҳис-ҳаяжон гапларнинг ижтимоий-маданий ва лисоний жиҳатлари ўзаро боғлиқликда эътиборга олинади. Ҳатто уларда гендерлик хусусияти: *She was very sweet and womanly (S.M. Theatre, 70) – Жулия шу қадар гўзал, шу қадар нафосатли эдики!* (Г.М. Ўткинчи эҳтирос, 70) борлиги ҳам кузатилади. Ҳис-ҳаяжон гаплар мукамал даражага етгунга қадар ўзига хос шаклланиш жараёнини босиб ўтади. Уларнинг шаклланишига ижтимоий-ҳаётий, турли психологик, биологик, маданий омиллар асос бўлади, ранг-баранг грамматик категориялар хизмат кўрсатади.

Инсоннинг мақсадли фаолияти билан бир қаторда унинг ҳис-туйғулари натижасида ҳосил бўладиган, кишилар ўртасидаги мулоқот жараёнида воқеликка нисбатан фаол ҳиссий муносабат билдиришга қаратилган ҳис-ҳаяжон гаплар ўзига хос лисоний тузилма бўлиб, инсоннинг воқеликни идрок этиш, ҳис қилиш қобилияти ва тажрибасининг шаклланишини таъминлайди. Шу билан бирга, ижтимоий онга таъсир ўтказиши ва шу йўсинда инсоннинг воқеликни қабул қилиш, англаш, баҳолаш қобилиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Инсоннинг билиш, англаш, тушуниш, ҳис қилиш каби фаолиятларини ўзида бирдек намоён этувчи синтактик бирликлар бўлган ҳис-ҳаяжон гапларни когнитив аспектда ўрганишга, унинг хусусиятларини инсониятга хос тил – тафаккур – ҳиссий кесимида билишга тўғри келади. Чунки “Когнитив тилшунослик атамасининг мазмуни инглизча *cognitive – билишга оид сўзи билан боғлиқ*”[5].

Ҳис-ҳаяжон гапларни фалсафий тилшунослик ва психология ҳатто, биология ва физиология фанлари кесимида тадқиқ қилиш уларни когнитив ўрганишга олиб келади.

## TILSHUNOSLIK

Ш.Сафаров айтганидек: “Когнитив тилшунослик мажмуавий (комплекс) тадқиқот йўналишидир... Нутқий бирликларнинг ҳосил бўлиши ва уларнинг тушунилиши ақлий фаолият натижасидир. Бу фаолиятнинг бажарилиши бевосита лисоний билишга эга бўлиш шарти билан боғланган. Негаки, лисоний билимсиз воқеликни билиш, кечаётган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги ахборотни акс эттирувчи мантиқий структураларни лисоний ифодалашнинг имкони йўқ” [5]. Шунингдек, С.Д.Кацнельсон уқтирганидек: “Тил нафақат мулоқот қуроли, балки фикр ва ғояни шакллантирувчи ҳамда уни ифодаловчи қуролдир” [6]. Дарҳақиқат, ҳис-ҳаяжон гапларда тафаккур ва ҳиссиёт фаолияти узвийлашувининг тилдаги инъикоси кузатилади.

“Тил фақат фикрни эмас, балки инсоннинг руҳий фаолияти, ҳиссиёти, иродасини ифодаладиган ҳодисадир, шунинг учун ҳам гап руҳий ҳукми ифодаловчи ҳодиса сифатида ўрганилиши лозим”. Г. Паулнинг фикрича, гап сўзловчининг руҳиятида рўй берган ҳодисани ифодалайди [7]. Инсон нутқи нафақат тил, қолаверса, руҳий омиллар асосида ҳам қўлланилади.

Ҳис-ҳаяжон гаплар баён қилинаётган фикрга инсоннинг хурсандлик, шодланиш, завқланиш, ҳузурланиш, тантана, қониқиш, лаззатланиш, ишонч, қойил қолиш, эркалаш, тараддуд, ҳайрат, ҳаяжон, таажжуб, ваҳима, қўрқув, оғриқ, афсусланиш, ғазаб, нафрат, ишонмаслик, шубҳа, кесатиш, қочирим, таъна, мазах, менсимаслик, нописандлик, баланд келиш, қўрқитиш, ёқтирмаслик, кескин ва қатъий огоҳлантириш, ачитиб гапириш сингари ижобий ёхуд салбий ҳис-туйғулари, руҳий кечинмаларига мос пайдо бўлган эмоционал муносабатни кучли оҳангда ифода этиши билан дарак, сўроқ, буйруқ мақсадли эмоционал бўлмаган гаплардан фарқланади. Дарак, сўроқ, буйруқ гапларга ундов, ҳис-ҳаяжон интонацияси (оҳанги) қўшилса, улардан ҳам эмоционал гап ҳосил бўлади.

Тилда эмоция ифодалашнинг муайян категориялари, усул ва воситалари шаклланган бўлиб, уларни ўрганиш ҳис-ҳаяжон гапларни тушунишда муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, ҳис-ҳаяжон гапларнинг лисоний ифода топишини таъминловчи лексик воситалар орасида инсон эмоцияларини ифодаловчи ундов сўзлар алоҳида ўрин тутади.

И.Р.Павлов таъкидлаганидек, сўзлар олий нерв фаолиятининг шаклларида бири бўлса, эмоциялар унинг намоён бўлишидир[8]. Шунинг учун инсон ҳиссиётининг сўздаги ифодаси психофизиологик ва ижтимоий асосга эга, чунки ҳис-ҳаяжонлар реал дунё компонентларини унинг тилдаги ифодаси сингари сўз орқали инсоннинг типик психологик ҳолатлари билан боғлиқликда акс эттиради.

Умуман, ҳис-ҳаяжон билан боғлиқ ҳолатлар психология билан узвий боғлиқдир. Ҳис-ҳаяжон универсал психологик ҳодиса бўлиб, у инсонларга хос табиий, шахсий ҳиссиётларни ифодалаб келади.

Ҳис-ҳаяжон нейрофизиологик жараёнлар натижасида юзага келади. Ушбу жараёнлар ички ва ташқи омиллар билан шаклланади. Субъектив ҳодиса ва жараёнларга, шахснинг муносабатига асосланади. Ҳар бир инсон ўзига хос ҳис-кечинмалари билан бошқа бир инсондан фарқланиб туради. Бу хусусиятлар инсоннинг физиологик, биологик ва ижтимоий шаклланиши билан чамбарчас боғлиқ. Жисмоний қувват, тана кучи, онг даражаси ва бошқалар унинг руҳиятига таъсир қилади. Жисмоний ва ақлий сифатлари кучли одамга қўрқув ва хавотир камроқ таъсир этилади.

Ҳис-ҳаяжон гаплар воситасида инсон ўз фикри, мулоҳазаси, эҳтиёжи, орзу-истаги кабиларни ифодалаш, тингловчига етказиш учун ҳаракат қилади. Улар эмоционаллик ва экспрессивликни ифодалашнинг ўзига хос синтактик усулида алоҳида ўрин тутади. Нутқда образлилик, тасвирийлик эмоционаллик, экспрессивлик кабиларни юзага келтиришга хизмат қилади.

Гапнинг бошқа турлари каби ҳис-ҳаяжон гаплар ҳам ўзига хос йўллар билан ҳосил қилинади. Аниқроғи, у тўрт йўл билан воқеланади: 1) ундов сўзлар ёрдамида; 2) юкламалар орқали; 3) сўроқ олмошлари билан; 4) интонация воситасида.

Мана шу усулларда тузилган ҳис-ҳаяжон гапларнинг ҳаммаси экспрессив-стилистик восита сифатида фикр таъсирчанлигини кучайтириш учун хизмат қилади.

Шакл жиҳатдан ундов, мазмун жиҳатдан дарак, сўроқ ёки буйруқ, оҳанг жиҳатдан ҳис-ҳаяжонни ифодаловчи эмоционал-экспрессив характердаги бундай гаплар муайян ижтимоий-психологик, табиий-биологик шароитларда қўлланади.

## TILSHUNOSLIK

Ундов сўзлар иштирокида тузилган ҳис-ҳаяжон гапларда фикрнинг таъсирчанлиги унда иштирок этган эмоционал ва буйруқ-хитоб характеридаги ундовларнинг маъно оттенкаси, унинг қандай услубий ёки синтактик вазифада эканига боғлиқдир. Бу ҳақда ишнинг иккинчи боби иккинчи фаслида батафсил тўхталамиз.

Ҳис-ҳаяжон гаплар орқали фикр таъсирчанлиги ифодаланади. Лекин бу гапнинг маълум бўлаги урғу ҳам олади. Бу турдаги гапларда эмфатик урғу олувчи бўлак ундов сўзнинг ўзи бўлади. Демак, ундов сўз қандай маъно билдирса гапда кучайтириш, ҳис-ҳаяжон ўша маънога нисбатан бўлади.

Одатда, сўзловчи бирор ҳодиса, белги – хусусият ҳақида маълумот олиш мақсадида тингловчига мурожаат қилади. Ҳис-ҳаяжон гаплар орқали эса сўзловчининг ҳис-туйғулари, тингловчига нисбатан ҳиссий кечинмаси ва муносабати ифодаланади.

Юкламалар ёрдамида тузилган ҳис-ҳаяжон гаплар, асосан, сўроқ-таажжуб (-ми, -чи, -а, -я), кучайтирув-таъкид (ахир, ҳатто, наҳот(ки), -у, -ю, -ку, -да ва бошқаюкламалар ёрдамида ҳосил бўлади. Бу юкламалар кўпинча феъл кесим билан қўлланади, ўрни билан от-кесим, *бор, йўқ, керак, лозим, зарур* каби сўзлар билан ҳам қўлланиб келади. Масалан: *It was a beautiful day, and it was good to be alive (S.M. The Taipan, 569) – Қандай ажойиб кун-а! Шундай мунаввар ва фаровон ҳаётда яшаш қанчалар яхши! (М.О. Тайпан, 72).*

Маълумки, ҳис-ҳаяжон гапларда таажжуб, ҳайрат семаси ифодаси алоҳида ўрин тутлади. Ўзбек тилида бунда кўпинча сўроқ-таажжуб юкламаларидан фойдаланилиш кузатилади. Юқоридаги мисол бунинг ёрқин далилидир.

Ҳайрат ва таажжуб маъноси ўзбек тилида **-я** юкламаси орқали ҳам ифодаланади: *How time does fly! (S.M. The Luncheon, 97) – Вақт қандай тез ўтади-я! (А.О. Нонушта, 82).*

Сўроқ ва таажжуб ўзбек тилида **-чи** юкламаси орқали юзага чиқарилади. Масалан: *When the doctors have said they can't cure you, I say to them, come to me (S. M. Mackintosh, 113) – Қани, унда менга келинлар-чи! Мен сизларни даволашга қодирман (М.О. Макинтош, 168).*

Қизиғи шундаки, ўзбек тилида **-у** юкламасининг фикрни кучайтирув-таъкидлаш учун юклама вазифасида, сўз ва гапларни ўзаро боғлаш учун боғловчи сифатида қўлланиши маълум, лекин тубандаги инглизча гапнинг ўзбекча таржимасида унинг сўроқ-таажжуб ҳамда кучайтирув-таъкид маъносида қўлланилгани эътиборни тортади: *Oh, well, you've been prepared for that for nearly twenty years now, haven't you? (S.M. Louise, 258) – Йўф-э, бунга йигирма йилдан бери тайёрланасиз-у? (А.О. Луиза, 95).*

Худди шундай ҳолат **-да** юкламаси ифодасида ҳам кузатилади: *Do you mean to say you never killed the two gamblers, shooting one with your right hand and the other with your left? (S.M. The wash-tub, 812) – Чап ва ўнг қўлингизда револьверлардан бирваракайига отиб, иккита қиморбозни ўлдирганингиз ҳам ёлғон экан-да?! (А.О. Куртоғора, 117).*

Ушбу гапнинг ўзбекча таржимасида **-да** юкламасининг бирданига сўроқ-таажжуб ҳамда кучайтирув-таъкид маъносида қўлланилгани кузатилади. Бироқ қуйида келтирилган гапда у соф кучайтирув-таъкид юкламаси бўлиб келган: *My dear, you're too, too wonderful, said Harry Oakland (S.M. The Creative Impulse, 364) – Ажойиб аёлсиз-да! – дейишди меҳмонлар (А.О. Ижодий парвоз, 130).*

*That's an idea,- he said. 'Strange 'ow things come to you when you least expect it (S.M. The Verger, 566)* парчасининг ўзбекча таржимасида бирданига учта юкламадан фойдаланиб, ҳис-ҳаяжон гап ҳосил қилинган. Жумладан: *Ахир, бу зўр фикр-ку! Тавба, ҳеч кутмаган пайтда мияга шунақа фикрлар келади-я! (А.О. Рухоний, 109).*

Келтирилган юкламалардан – **ахир, - ку** юкламалари кучайтирув-таъкидни, **-я** юкламаси эса сўроқ-таажжубни ифодалаётир.

Қуйидаги мисолларнинг ўзбекча таржима вариантыда **-ю** юкламаси кучайтирув-таъкид маъносини ифодалаш баробарида, шу гап таркибидаги уюшиқ бўлак бўлиб келган “галлюцинациялар ва вос-вослар” сўзларини ўзаро тенг боғлаш учун ҳам хизмат қилмоқда: *Hallucinations be damned! (S.M. The Taipan, 572) – Жин урсин, қуриб кетсин ўша галлюцинациялари-ю, вос-вослари! (М.О. Тайпан, 82).*

Ҳис-ҳаяжон гапларни ҳосил қилишда сўз кўринишидаги юкламаларнинг ўз ўрни бор. Бунда кўпинча ахир кучайтирув-таъкид юкламасининг ўрни катта. Масалан: *I knew no one*

## TILSHUNOSLIK

was dead, - said the taipan irritably. But what's the grave for? (S.M. The Taipan, 570) – Биламан, галварс, ҳеч ким ўлмаган, – ўшқурди Тайпан – Аммо қазилаётган гўр ким учун, ахир?! (М.О. Тайпан, 77).

Бу ўринда наҳотки сўзининг фаоллигини ҳам эслаб ўтмоқ жоиз: *Ah, but don't you see? It's necessary* (S.M. Rain, 36) – **Наҳотки**, тушунмасангиз! Бу, ахир, зарурат-ку (А.О. Ёмғир, 44).

Шунингдек, бундай фаолликни шу қадар, нақадар, ниҳоятда каби сўзларнинг ундов гапларни ҳосил қилишида кузатиш мумкин: *He was pleased to be an Englishman* (S.M. The Taipan, 569) – **Ҳа, инглиз бўлиш нақадар** яхши! (М.О. Тайпан, 72); *He was a pitiful object* (S.M. Mackintosh, 119) – **Ниҳоятда аянчли манзара!** (М.О. Макинтош, 192).

Сўроқ олмошлари билан юзага келган ҳис-ҳаяжон гаплар ҳам мавжуд: *But damn it all, I saw it myself* (S.M. The Taipan, 571) – Бу **қандай** бемаънилик! Ахир мен ўша қабрни ўз кўзим билан кўрдим-ку! (М.О. Тайпан, 78). Бундай гаплар жавоб талаб қилмайдиган риторик сўроқ гаплар сифатида эътироф қилинади. Уларнинг жавоби бевосита ўзида бўлади.

Интонация ёрдамида тузилган ҳис-ҳаяжон гаплар диалог жараёнида қўлланади. Масалан: “Куёв келди” – содда дарак гап бўлса, “Куёв келди!” – содда ҳис-ҳаяжон гап.

Интонация ёрдамида тузилган ҳис-ҳаяжон гапларни фарқлашда гап оҳанги, энг муҳими, вазият катта роль ўйнайди.

Интонация турли эмоционал ҳолатларни билдириш учун хизмат қилиши мумкин. М.: *Опаси айтдимми?* (Сўроқ + севинч.) *Ёз! Ҳаво қандай?* Кўринадики, интонация эмоционалликни ифодаловчи воситалардандир. Интонация орқали бундай ҳолатни кўрсатишда, гапнинг мақсадга ва эмоционалликка кўра турини белгилашда, шу жараён билан боғлиқ ҳолда, баъзан гапдаги сўзнинг лексик-грамматик тури ҳам “ўзгаради”. *Талабалар қанча?* (Сўроқ гап, *қанча?* – сўроқ олмоши). *Талабалар қанча!* (Ундов гап, *қанча* – миқдор равиши: “анча”, “жуда кўп” маъносида). Бунда эмфатик урғунинг ўрни бор. Эмоционалликка, таъкидлашга ёрдам берадиган воситалардан бири ўша бўлақдаги ундош товушнинг такрорланишидир: *Бошингни егур савдогар* (*бошингни-бошингни*). Бундай такрорланишнинг айрим шароитлари ва махсус қўлланилиш ўринлари, хусусиятлари бор [4, 46].

**Хулоса.** Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар тамойили асосида ўрганишда денотат турларини билиш жуда муҳим. Сабаби оламдаги нарсаларни тил ёрдамида тур ва жинсларга ажратиб таснифлашда сунъийликка йўл қўйиб бўлмайди. Аслида, оламдаги нарса-буюм ва ҳодисаларнинг ўзи табиий равишда муайян гуруҳларга ажралиб, умумий ва хусусий жиҳатларига кўра алоҳида тизимларга бириккан ҳолда мавжуд бўлади. Ҳамма гап мана шу воқеликни тилда тўла-тўқис ифодалай олишдадир.

## АДАБИЁТЛАР

1. Қурбонова М., Сайфуллаева Р., Боқиева Г., Менглиев Б. Ўзбек тилининг структурал синтаксиси. Ўқув қўлланма. – Т.: М.Улуғбек, 2004. – Б.114.
2. Абдурахмонов Ғ., Сулаймонов А., Холиёров Х., Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. – Т.: Ўқитувчи, 1979. – Б. 34; Фуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. – Т.: Ўқитувчи, 1987. – Б.65.
3. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивлик ифодалашнинг синтактик усули. – Т.: Фан, 1987. – Б. 67.
4. Фуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. – Т.: Ўқитувчи, 1987. – Б. 65.
5. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – Б.10.
6. Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление. – Л.: Наука, 1972. – С.110.
7. Пауль Г. Принципы истории языка. – М.: Издательство иностранной литературы, 1960. – С. 140-143.
8. Павлов И.П. Двадцатилетний опыт объективного изучения ВИД (поведения). 7-е изд. – М.: Медицина, 1951. – 506 с.

УДК:491.5:392

## КЕЛИН ТҮЙИ МАРОСИМИГА МАНСУБ ЭТНОГРАФИК СЎЗЛАР ВА ТЕРМИНЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

### ОСОБЕННОСТИ ЭТНОГРАФИЧЕСКИХ СЛОВ И ТЕРМИНОВ, ОТНОСЯЩИХСЯ К СВАДЕБНЫМ ОБРЯДАМ

#### THE USAGE OF THE WORDS AND TERMS ON WEDDING TRADITIONS

**Хонхўжаева Анзурат Султоновна**

*СамДУ тожик тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** этнографизмлар, тўй маросимлари, келин, куёв, заргарлик буюмлари, келин либослари, ширинликлар, никоҳ, гулхан.

**Ключевые слова:** этнографизмы, свадебные традиции, невеста, зять, ювелирные изделия, одежда невесты, сладости, брак, костёр.

**Key words:** ethnographic vocabulary, wedding ceremonies, bride, groom, jewelry, bride gear, sweets, marriage ceremony, fire.

*Самарқанд тожиклари тўй маросими тўй олди, тўй, тўдан кейинги уч марҳиладан иборат бўлиб, ушбу мақолада тўй маросимларида қўлланиладиган этнографизмларга изоҳ берилган.*

*В данной статье изучены этнографизмы, используемые в свадебных обрядах таджиков Самарканда, которые включают в себя три этапа: доначальный свадебный период, свадебный день и послесвадебный.*

*Wedding traditions of Tajiks of Samarkand consist of three stages as pre-wedding, wedding day and after wedding stages. The usage of the words and terms on wedding traditions of Tajiks of Samarkand are explained in this article.*

**Кириш.** Тўй дунёнинг барча халқлари томонидан нишонланадиган энг катта ва машҳур маросим ҳисобланади. Бу маросимни ўтказиш давомида миллий урф-одатлар, маъракаларни ифодалаш учун жуда кўп этнографик сўзлар қўлланилади ва бу сўзлар қадим замонлардан бизнинг давримизгача турли ўзгариш ва такомиллашишлар билан етиб келган. Шу боис Самарқанд тожиклари лаҳжаси этнографик лексикасида никоҳ қоидаларини бажариш (**аҳди никоҳ**), шарбат ичириш (**шарбат додан**), никоҳ пайтида келин-куёвни **гулхан** ё **олов** атрофидан айлантириш, қирқ кун давомида янги келин-куёвнинг уйида чироқ ёқиш каби маросимларни ифодаловчи лексик бирликлар фаол қўлланилади.

Унаштиришнинг энг юқори нуқтаси келин тўйидир. Соҳа олимлари келин тўйида ўтказиладиган маросимларни уч қисмга бўлганлар:

1). Тўйдан олдинги маросимлар: совчилик, нон синдириш, фотиҳа, оқ йиртиш, маслаҳат оши, тўй элтиш, оқсоқолга бориш, қизлар йиғини, ҳина қуйиш (**хостгорй, ноншиканон, хайоши, ошхуракон, фотиҳа, парчабуррон, маслиҳатошй, тўйбарон, оқсоқолравй, дугонаталбон, ҳинобандон**). Келин куёвни катта тўйга тайёрлаш: соч ўриш, қош териш, кийим кийдириш ва бошқ. 2). Катта тўй маросимлари: никоҳ, куёвни келиши тўй зиёфати, келинни куёвнинг уйига кузатиш (**гусели арўс ба хонаи домод**), юзкўрар (**рўбинон**) ва бошқалар.

3). Тўйдан кейинги маросимлар: жой солиш, жой йиғиш, мушқилкушо, биби сешанбе, куёвчарлар, келинчарлар (**чойғундорон, чойандозон, қуббахонй, мушқилкушо ё бибисешанбе, домодталбон, келинталбон**).

Бу маросимлар ҳар бир минтақада ўзига хос термин ва ижро тарзига эга бўлиб, унда фольклор матнлари қўлланилади. Келин тўйининг илк урфу одатларидан то охириги лаҳзаларигача турли фольклор жанрларидан - дуо, маслаҳат, мақол, қасам, нақл, ҳикоят, саргузашт, қўшиқ ва шунга ўхшаш жанрлар у ёки бу контекстда фойдаланилиб, ўзининг эстетик ва этнопоэтик жиҳатларини намоён қилади. Тожикларда келин-куёв тўйини қўшиқсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Хурсандчилик, рақс, қўшиқ тўй бошиданоқ бошланади. Ўрта Осиёнинг тожиклар яшайдиган ҳар бир минтақанинг келин тўйида турли қўшиқлар

## TILSHUNOSLIK

куйланади. Тожикларнинг тўй маросими тасвири ва унда куйланадиган кўшиқлар Ф.Зеҳниева томонидан олиб борилган тадқиқотларда муфассал баён этилган. У ўзининг “Сурудҳои маросими тўй тоҷикон” асарида бундай кўшиқларни 8 гуруҳга тақсимлайди: 1) сурудҳои хабарӣ (хабар бериш кўшиқлари); 2) сурудҳои тайёрий (тайёргарлик кўшиқлари); 3) сурудҳои чудой ва фироқ (айрилиқ ва фироқ кўшиқлари); 4) сурудҳои тантанавий (тантанавий кўшиқлар); 5) сурудҳои табрикий (табрик кўшиқлар); 6) сурудҳои тавсифӣ (мақтов кўшиқлари); 7) сурудҳои рақсий (рақсбоп кўшиқлар); 8) сурудҳои ҳаҷвий (ҳажвий кўшиқлар).

Ажойиб кўшиқлардан бири “Саломнома” бўлиб, уни келинни кузатишда ва куёвнинг уйига кириб келишида куйлайдилар. Бу кўшиқ Душанбе, Бухоро, Самарқанд, Хўжанд, Ҳисор, Ўратеппа, Конибодом ва Осиёнинг бошқа минтақаларида куйланади. “Саломнома”ни куйлаш айниқса, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида бир сахнавий лаҳзани эслатади. Бу кўшиқни бирор эъзозли киши ёқимли товушда айтади, ҳар бир банди “салом меғўйем” сўзлари билан тугайди ва бир гуруҳ аёллар тенг овозда “**Ҳазор алейк**” (минг алик) дея жавоб қайтарадилар.

Умуман олганда, тўй кўшиқларида шодлик, ғам, муҳаббат, фироқ, самимий ишқ ва шунингдек, инсон ҳаётининг бошқа жиҳатлари акс эттирилган бўлиб, уларнинг ҳар бири ҳақида муфассал тўхталишнинг бу ерда имкони йўқ. Бугунги кунда эски анъанавий кўшиқлар, масалан «Ту межавӣ аз хона», «Хўй бале!», «Саломнома», «Ҳо Лайли», «Тўй муборак», «Ёр-ёр»замонавий янги усул билан куйланади.

Маълум бўлганидек, тўй-ҳашам маросимлари махсус драмавий лаҳзаларга эга бўлиб, фольклор шаклида ё халқ адабиёти шаклида махсус этнографик сўзлар билан лаҳжа ва шеваларда қамраб олинган. Жумладан, бу жиҳатлар шеър кўшиқчиликда, масхарабозликда, мусиқа, аскиячилик, шеърхонлик ва турли ўйинлар (**шеър сурудхонӣ, масхарабозӣ, мусиқанавозӣ, аскиягўй, бадеҳахонӣ**)да тўйнинг драмавий хусусиятини акс эттиради. Тўй кўшиқларини ижро этишда келин-куёв оиласи, қариндошлари асосий ролни ўйнайдилар. Самарқанд тожиклари тўйларини қадимий халқ маросими сифатида эътироф этган ҳолда, уларни ўтказилишига қараб уч даврга бўлиш мумкин:

1. Тўй ҳақида тўйдан олдинги сўзлашув: совчилик, унаштириш, нон синдириш, фотиҳа, оқиртар, тўй харажати, маслаҳат оши, дугоналар йиғини, салла ўраш, кийим кийгизиш, сомсахўрлик (**хостгорӣ [завчигӣ], номзадкунӣ, ноншиканон, хайоши, ошхуракон, фотиҳа, парчабуррон, андозубардор, хароҷоти тўй, маслиҳатошӣ, дугонаталбон, саллабандон, либоспўшон, самбўсахўрон** ва бошқалар.)

2. Тўйнинг ўзи – никоҳ, хутба ўқиш, тўй зиёфати, келинни гулхан атрофидан айлантириш, юзкўрди (юзочди) (**никоҳ; хондани қубба [қуббахонӣ], зиёфати тўй, аз гирди гулхан [алав] чарх занонидани келин**, дар ин маврид хондани суруд ва ба амал овардани якчанд одатҳои анъанавӣ-рўйбинон [**рўбинонкунӣ-рўйкушоӣ**]).

3. Тўйдан кейинги урф-одатлар: жой йиғиш, куёвчарлар, келинчарлар, бибисешанбе, бибимушкулкушо (**чойғундорон, [чимилиқканон] домодталбону келинталбон** ва баъзи диний маъракалар **«Бибисешанбе» [бисешанбе], «бибимушкулкушо» [бимушкулкушо]** ва б.).

Самарқанд халқининг тўй-ҳашам маросимлари шаҳар халқининг маданий хусусиятлари ва миллий анъаналарини ўз ичига олади. Бу шаҳарнинг одамлари тожик тилининг шимолий шевасида сўзлашадилар. Халқнинг яшаш ва сўзлашув тарзи тожик тилининг шимолий шеваларида сўлашувчиларидан маълум тарзда фарқ қилади ва шунинг учун шимолий шеваларда тўй-ҳашам маросимларига оид сўзлар ва терминлар ўз хусусиятларига эгадирлар. Самарқанд шаҳри келин тўйи ва суннат тўйи маросимларининг миллий анъаналари Тожикистоннинг шимолий туманлари ва Бухоро вилояти, унинг атрофидаги туманларнинг тўй маросимларига ўхшашдир. Келин тўйдан олдинги маросимларга боғлиқ: ўртада турувчи, маъкул қилиш, бир-бирини кўриш, гапни пиширишга вакил жўнатиш, кўрпа-ёстиқ тайёрлаш, қариндошларга, тўй болага харид қилиш кабилар.

Айтиб ўтганимиздек, Самарқанд тожиклари лаҳжасида келин танлаш **хушкунӣ, маъкулкунӣ [хуш кардан** феълдан «ёқтириш, танлаш, эътибор қилиш» дейилади ва бу сўз ўзак сўзи **хуш-** ва ҳозирги замон асоси **кун** сўзидан иборат бўлиб, сўз ясовчи суффикс

й қўшилишидан шимолий шеваларда бошқа маънолари қаторида “ёқтириш” мазмунини ҳам англатади.

Бир-бирини кўриш (**Ҳамдигарро дидан**) –Самарқанд тожиклари шевасида бўлажак келин-куёвларнинг учрашуви ва мулоқоти шундай номланади. Бу ҳолат феълий бирикма шаклида ифодаланиб, ўша совчиликдан олдинги амални билдиради.

Кейинги жараён буви, она, хола ё амма шахсиятида қиз томон (**духтардор**)да гапни пишириш (**гап пазондан**)учун ўғил томон вакилини жўнатиш (**фиристодани намоянда писардор**) бўлиб, у ҳам феълий бирикма шаклида баён қилинади, бундай шакл кўпроқ шимолий шеваларда умумий характерга эгадир.

Айтиш лозимки, Самарқанд тожиклари шевасидаги никоҳ тўйига оид лексика тўлиқ тарзда тадқиқ этилмаган. Бу лаҳжанинг никоҳ тўйига оид лексикасини ўрганиш шаклини қуйидаги йўсинда зикр этиш мақсадга мувофиқдир. Самарқанд лаҳжаси этнографизмининг луғавий таркибини истеъмолдаги барча сўзлар ташкил қилиб, уларнинг асосий қисмининг маъноси барча шу тил эгаларига тушунарлидир ва умумий тушунилиш хусусиятига эга. Самарқанд тожиклари лаҳжаси этнографияси луғавий таркиби асосини умумий истеъмолдаги сўзлар ташкил этади. Зеро,шевадаги биз она тилимизнинг луғавий бойлигини ҳар доим ҳам бир тарзда ишлатмаймиз: совчилик, унаштириш, қабул, “ҳа” оши, нон синдириш, фотиҳа, оқ бериш, тўй харажати, масдаҳат оши, дугона йиғини, салла ўраш, кийим кийдириш, сомсахўрлик (**хостгорй [завчигй], номзадкунй, қабулдорам, хайошй, ноншиканон, фотиҳа, парчабуррон, андозубардор, харочоти тўй, маслиҳатошй, дугонаталбон, саллабандон, либоспўшон, самбўсахўрон**) каби маросимлар бошқа ҳудудлардан фарқ қилади.

**Келин (арўс)** танлашда ақли ва билими, ахлоқ-одоби, ҳусни, чаққонлиги ва ҳушёрлигига эътибор берилади. Келин танлаш (**интихоби келин**) янги оила(**оилаи нав**) ташкил этишнинг илк зинаси бўлиб, кўпинча ота-онанинг ташаббусига боғлиқдир ва баъзан икки севишган ёшнинг ҳаракатлари натижасида ҳам амалга оширилади. Келин танлангандан сўнг “совчилик” (**хостгорй**) босқичи бошланади, Самарқанд лаҳжасида бу «**завчигй**» дейилади. Бу орада ўртада турувчи «**миёнарав**» танлайдилар. Шундай қилиб, **никоҳ тўйи маросими** келин танлаш ва совчилик (**хостгорй**)дан бошланади.

Авваллари келин излаш жараёнида бирор киши қизни тавсия қиларди, сўнгра куёвнинг ота-онаси совчиликка (**хостгорй**) борар эдилар.Агар ҳар икки томон бир-бирларига маъқул келишса, **тўй** бошланар эди. Қизни тавсия қилган киши **миёнарав** ҳисобланарди. Икки томон масалаларини бир-бирларига етказарди. **Санбўса [таги чо]** маросимида куёв ва оила аҳли (**домоду аҳли оилааш**) ва қариндошлари қаторида **миёнаравга** ҳам кийим-бош (**сару по**) қиладилар.

**Миёнарав** тўйнинг муҳим масалаларини ҳал қилишда асосий рол ўйнайди. Унинг фаолияти қизнинг ота-онаси розилигини олишда, тўй харажатини аниқлашда, тўйни ўтказиш тартибини белгилашда кўзга ташланади.

**Совчи (хостгор [завчи])** қизли уйга келиб, оила аҳли олдида бирданига ўз мақсадини ошкор этмайди, аввал куёв болани ва оила аҳлини мақтайди. Агар қизнинг ота-онаси куёв болани ёқтириб, қизларига муносиб билсалар, розилик беришади. Тўй маросимининг ушбу этнографик сўзлардан сўнг “қабул қилдим” (**қабул дорам**) сўзлари эшитилади. Кейин “Ош ейиш” (**ошхўракон**) маъракаси бошланади ва бу ҳам Самарқанд тожиклари этнографик лексикасида муҳим ўринга эгадир. Бу сўзлар розилик маъносини ёки «**ҳагўён**» (ҳа дейиш) ишорасини билдиради. «**Қабул дорам**» ва «**парчабуррон**» маросимидаги бу сўзлар ҳам тўй маросимига оид сўзларга киради.

**Келин кўрди**, келин кўриш —туркий халқларда, жумладан, ўзбеклардаянги келинчакни кўриш одати. Никоҳ тўйининг эртасига ўтказиладиган «беточар» маросимидан бошлаб бир йилгачадавом этади. Куёвнинг қариндошлари,танишлари, қўни-қўшнилари ва б. К.к.га келадилар. Келин уларни салом(таъзим) қилиб кутиб олади, дастурхон ёзиб, рўмол, дастурхон совға қилади. Келиннинг хонаси сеп ва сарполар билан безатилади, дастурхон тузаб қўйилади. Одат бўйича келиннинг ота-онаси ҳайит арафасида қизи ва куёвига сарпо ва дастурхон (турли таомлар) юборади. Маҳалла (қишлоқ) қиз-жувонлари келинчакни кўриш учун келадилар. Келин ясанган ҳолда, юзига тўр тутиб, келганларга

## TILSHUNOSLIK

салом қилади, сўнг чой узатади. К. к.га келганлар келиннинг сарпо ва сепларини томоша қиладилар, бир оз ўтиргач, келинга бахтли турмуш тилаб қайтадилар [3].

“Саломномахонӣ” – келинни куёвнинг уйига олиб келгандан сўнг бибихалифа ё бирор саводли аёл саломнома айтади. Саломнома келиннинг келиши муносабатига айтиладиган қўшиқдир. Самарқанд тожиклари лаҳжаси этнографик лексикасида қўлланувчи кўплаб маросим ифодаловчи сўзлар ўзбек тилида ҳам мавжуд. Бу эса ўзбек ва тожик халқларининг асрлар давомида ёнма-ён яшаб келаётганлиги, ижтимоий ҳаёт тарзи, анъана ва маросимлари ўзаро ўхшашлиги билан изоҳланади. Ҳозирга қадар сақланиб келаётган урф-одатлар халқимизнинг асрлар давомида юзага келган маданиятини, расм-русуми, урф-одати, анъаналари, маросимлари, турмуши ҳақида муҳим маълумот берувчи манба ҳисобланади. Шунинг учун уларни ўрганиш маълум бир илмий аҳамиятга эга.

## АДАБИЁТЛАР

1. Қаҳарова М. Ўзбек этнографизмларининг системавий тадқиқи. Филол. фан. ном. дисс. автореф. – Тошкент, 2009.
2. Мирзаев Н. Ўзбек тили этнографизмларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 1991.
3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. www.ziyouz.com кутубхонаси 291.

UDK: 81

## “BULOQ” STIMULINING ASSOTSIATIV MAYDONI

## АССОЦИАТИВНОЕ ПОЛЕСТИМУЛА “БУЛОҚ”

## ASSOCIATIVE FIELD OF THE STIMULUS “BULOQ”

Ortiqova Hamida Maxmudovna

*BuxDU o‘zbek tilshunosligi kafedrası o‘qituvchisi*

Nurboyeva Maftuna Vahobjon qizi

*BuxDU talabasi*

**Tayanch so‘zlar:** assotsiativ tahlil, assotsiativ birlik, stimul, javob reaksiya, she'riy matn, tayanch birlik, lingvistik omil, ekstrolingvistik omil, umumiy assotsiatsiya, individual assotsiatsiya, ijodkor tafakkuri.

**Ключевые слова:** ассоциативный анализ, ассоциативная единица, стимул, ответная реакция, поэтический текст, базовая единица, лингвистический фактор, экстралингвистический фактор, общая ассоциация, индивидуальная ассоциация, творческое мышление.

**Key words:** associative analysis, associative unit, stimulus, responsiveness, poetic text, base unit, linguistic factor, extralinguistic factor, general association, individual association, creative thinking.

*Ushbu maqolada Erkin Vohidov va Abdulla Oripov she'riyatida qo'llangan assotsiativ birliklar tahlil qilingan bo'lib, mazkur birliklarning yuzaga chiqishida lingvistik va ekstrolingvistik omillarning ta'siri masalasi hamda ijodkorlarning individual assotsiatsiyalarni qo'llash mahorati o'rganilgan.*

*В данной статье анализируются ассоциативные единицы, использованные в поэзии Эркина Вохидова и Абдуллы Арипова; изучено влияние лингвистических и экстралингвистических факторов на формирование этих единиц и способность создателей применять индивидуальные ассоциации.*

*This article analyzes the associative units used in the poetry of Erkin Vokhidov and Abdulla Aripov, examines the influence of linguistic and extra-linguistic factors on the formation of these units and the ability of creators to apply individual associations.*



## TILSHUNOSLIK

**Kirish.** Bugun ilm-fan taraqqiy topib borgani sari yangi sohalar, yangi izlanishlar o`choqlari paydo bo`lib bormoqda. Zamonaviy tilshunoslik sohasida ham mazkur fikr isbotini yaqqol ko`rish mumkin. Xususan, kognitiv tilshunoslik, pragmatik tilshunoslik, lingvokulturologiya, antroposentrik tilshunoslik shular jumlasidan. Aytish mumkinki, bu yo`nalishlarning barchasi tilga yangicha yondashib, tilni uni voqelantiruvchi shaxs bilan birgalikda o`rganishni o`z oldiga maqsad qilib qo`ydi va shu orqali til xususiyatlari yanada ravshanlashdi. Tilshunoslikda tashqi olamning inson psixologik tasavvuridagi obrazi va uning aks etishi masalasini o`rganishga bo`lgan qiziqish assotsiativ tilshunoslikni yuzaga keltirdi. Mazkur soha yuzasidan o`zbek tilshunosligida A. Nurmonov, Sh. Safarov, D. Xudoyberganova, I. Azimova, N. Hoshimovalar tomonidan munosabat bildirilgan. Professor D. Lutfullayeva esa assotsiativ birliklarning lingvistik mohiyati, tasnifi va ularning matn hosil qilishdagi o`rni masalasi bo`yicha chuqur izlanishlar olib borgan [1; 2; 3].

N.B. Krushevskiy assotsiativ munosabatni quyidagicha izohlaydi: "Har qanday so`z o`xshashlik belgisiga ko`ra boshqa so`zlar bilan bog`liq bo`ladi, bu o`xshashlik nafaqat tashqi, tovush tomondan, morfologik jihatdan, balki ichki, semasiologik jihatga ko`ra ham ongimizda o`ziga o`xshash boshqa so`zlarni qo`zg`atishga va ular bilan birga qo`zg`alishga qodir bo`ladi" [1, 31]. Biror bir so`z(stimul so`z)ni eshitganimizda yoki ko`rganimizda ma`lum birliklar beixtiyor ravishda bir-birini eslata boshlaydi. Mana shu "eslatish" jarayoni assotsiativ birliklarning paydo bo`lish asosi hisoblanadi.

Biz *buloq* so`zining kishilar ongida qanday assotsiativ birliklar bilan o`zaro maydon hosil qila olishini kichik tajribada sinab ko`rdik (tajriba filologiya ta`lim yo`nalishi talabalari bilan o`tkazildi) va quyidagi birliklar paradigmasiga egaligini aniqladik:


*toza suv (7 marta), tiniq suv (6), chanqoqni qondiruvchi (4), pokiza, beg`ubor (3), soflik (2), chashma, o`ydim, katta, zilol, sovuq, chuqur, sharqiroq suvlar, musaffolik maskani, shifobaxsh, shaffof, daryo, ariq, ko`l, dengiz, okean, erk sog`ingan tomchilar, Alloh mo`jizasi, qalbni tinchlantiruvchi, soflik istaydi xuddi o`zidek, tuyg`ular, iymon, Alloh yaratilari oldida bosh egish, hayron qoldiradi, tabiiy ravishda chiqadi, xotirada qoladi, estetik zavq bag`ishlaydi.*

Bu tajribada *buloq* stimul so`zi biror o`rinda takror uchramadi; so`z shaklidagi assotsiatsiyalar 18 ta (*pokiza, beg`ubor, soflik, chashma, o`ydim, katta, zilol, sovuq, chuqur, shifobaxsh, shaffof, daryo, ariq, ko`l, dengiz, okean, tuyg`ular, iymon*); so`z birikmasi shaklidagi assotsiatsiyalar 9 ta (*toza suv, tiniq suv, chanqoqni qondiruvchi, sharqiroq suvlar, musaffolik maskani, erk sog`ingan tomchilar, Alloh mo`jizasi, qalbni tinchlantiruvchi, Alloh mo`jizasi oldida bosh egish*); gap shaklidagi assotsiatsiyalar 5ta (*hayron qoldiradi, tabiiy ravishda chiqadi, xotirada qoladi, estetik zavq bag`ishlaydi, soflik istaydi, xuddi o`zidek*)ni tashkil qiladi.

Mazkur birliklarning *buloq* stimul so`zi bilan munosabatlari turlicha. Xususan, *pokiza, beg`ubor, toza, sof, shaffof, zilol, sovuq, shifobaxsh* assotsiatsiyalari predmet va uning belgisi munosabatini yuzaga chiqargan. *Daryo, dengiz, ko`l, ariq* leksemalari esa *buloq* so`zi bilan paradigmatic munosabatni hosil qilgan. *Erk sog`ingan tomchilar, musaffolik maskani, iymon, tuyg`ular* o`xshatish munosabatini aks ettirgan bo`lsa, *chanqoqni qondiruvchi, estetik zavq bag`ishlaydi, hayron qoldiradi, xotirada qoladi, qalbni tinchlantiruvchi* kabi so`z birikma va gaplar *buloq* stimul so`zi bilan sabab-natija munosabatini hosil qilgan. *Toza suv, tiniq suv, sharqiroq suvlar* birikuvlari o`zaro stimul so`z bilan butun-qism munosabatini yuzaga chiqargan. *Allohning mo`jizasi oldida bosh egish* esa insonning voqelikka individual munosabatini ifodalab kelgan.

## TILSHUNOSLIK

O`tkazilgan tajribadagi assotsiativ maydon birliklari munosabatini chizmada quyidagicha tasvirlash mumkin:



Adabiyot – tilning badiiy voqelanishi. Tilning butun seyr-u jozibasi, latofati, hatto nuqsi ham shu tilda yaratilgan badiiy asarda namoyon bo`ladi. Shuning uchun biz quyida ikki ijod ahlida assotsiativ birliklar munosabatini kuzatdik.

Dastlab, biz E. Vohidovning “Buloq” she`rini assotsiativ tahlilga tortdik:

*Buloq ona Yer siynasidan  
She`r singari qaynab oqadi.  
Suvning kumush oyinasidan  
Mehrim bo`lib quyosh boqadi.  
To`yib ichdim, suv bilan go`yo  
Dilga singdi yurt muhabbati.  
Tashnaligim qondi-yu, ammo  
Yana ortdi qalb harorati[5,18].*

She`r matnidagi assotsiatsiyalar: yer siynasi, she`r singari qaynab oqmoq, suv, kumush oyna, mehrim bo`lib quyosh boqadi, to`yib oqmoq, dilga singmoq, yurt muhabbati, tashnalik, qonmoq, qalb harorati kabi birliklar buloq leksemasi bilan assotsiativ bog`langan. Bular stimul so`zning assotsiativ maydoniga birlashadi.


She`rdagi assotsiativ birliklar ham lingvistik, ham ekstralingvistik omillar bilan bog`liq holda hosil bo`lgan. Jumladan, stimul so`z *isuv* leksemasi bilan butun-qism munosabatini hosil qiladi. *Buloq-suv* birikuvi o`zaro hayotiy zaruriyat belgisiga ko`ra ham assotsiatsiv munosabatda turibdi, chunki suv bo`lmasa, buloq ham bo`lmaydi: buloqning paydo bo`lishi uchun suv zarur. *Kumush oyna* birikmasi predmet va uning belgisi munosabatini yuzaga chiqargan. *Ona yer siynasi* birikuvi makondagi aloqadorlikka asoslangan assotsiatsiyaga misol bo`la oladi. *To`yib ichmoq* insonning voqelikka munosabati, istak-xohishiga asoslangan assotsiatsiya; *qaynab oqmoq* faoliyat va

**TILSHUNOSLIK**

obyektning aloqadorligiga ko'ra; *tashnaligim qondi* birikuvi esa sabab-natija munosabatiga asoslangan assotsiatsiyani yuzaga chiqargan. Bundan tashqari, *she'r singari qaynab oqadi* (buloqning she'rga o'xshab qaynab oqishi), *dilga singdi yurt muhabbati* (buloq suvining organizmga kirishi xuddi yurt muhabbatining dilga singishiga o'xshaydi) birliklari yadro bilan o'xshashlik munosabatiga ko'ra assotsiativ munosabatga kirishgan.

Yuqoridagi assotsiativ birliklar stimol so'z bilan bevosita assotsiatsiya hosil qilgan bo'lsa, *mehrim bo'lib quyosh boqadi* birligi bilvosita assotsiativ munosabatga kirishgan.

She'rdagi assotsiativ maydon birliklari munosabatini chizmada quyidagicha tasvirlash mumkin:




Shoir ijodida va kishilik jamiyati ongida biz *buloq* so'zining qanday assotsiatsiyalar hosil qilishini ko'rib o'tdik. Yuqoridagi tahlillar asosida har ikkala assotsiativ maydonning umumiy a'zolari sifatida quyidagi birliklarni keltirish mumkin: *suv, chanqoqni qondiruvchi (tashnaligim qondi)*. Demak, bu tushunchalar *buloq* stimol so'zi bilan assotsiativ munosabatga kirishadigan umumiy tushunchalar.

A.Oripovning aynan shu nomli she'rida esa quyidagi manzaraga guvoh bo'ldik:  
*Qutlug' bir saharda ko'z ochdi buloq,*

*Yo'l soldi daryolar sari adashib.  
Unga rahm etmoqchi odamlar shu choq,  
Tog'-u toshlar aro yaqin yo'l ochib.*

*Odamlar, tegmangiz, mayli, toshsin u,  
Mayliga, tog'ni ham ko'rsin yo'lida.  
Qo'ying, o'z yo'lini o'zi topsin u,  
Zavqlanolsin u ham kurash so'ngida [6, 39].*

Ko'rib turganimizdek, she'r ramziy, ko'chimlarga boy. *Buloq* timsoli orqali shoir bir insonning tug'ilganidan boshlab to umrining so'ngigacha bo'lgan hayot y o'lini tasvirlagan. Inson hayoti davomida turli to'siqlar, qiyinchiliklarga uchraydi, buto'siqlarda kimlardir unga ko'maklashadi, intilganiga erishganida esa zavqlanadi. She'r matnidagi assotsiatsiyalar: *saharda ko'z ochdi, daryolar, yo'l soldi, odamlar rahm etmoqchi, tog'-u toshlar, yo'l ochdi, toshsin, tog', o'z yo'lini o'zi topsin, kurash so'ngida zavqlanolsin* kabi birliklar stimol so'z bilan assotsiatsiyani hosil qilgan. She'rdagi assotsiativ maydon birliklarini chizmada quyidagicha ifodalash mumkin:



## TILSHUNOSLIK

Ushbu she'rdagi *saharda ko'z ochdi* birligi predmetlarning zamondagi aloqadorligiga asoslangan assotsiatsiyaga misol bo'la oladi. Makondagi aloqadorlik asosidagi assotsiatsiyani *buloq – tog`* birikuvi hosil qilgan. *Odamlar rahm etmoqchi* birligi insonning voqelikka munosabatini yuzaga chiqargan bo'lsa, *buloq – yo'l soldi*, *buloq – toshsin* faoliyat va obyekt aloqadorligiga asoslangan assotsiatsiya; kurash so'ngida zavqlanolsin birligi predmetlar o'rtasidagi sabab-natija munosabatiga asoslangan assotsiatsiyani aks ettirgan.

Erkin Vohidov va Abdulla Oripovning bir xil nomdagi ("Buloq") she'rlarini mazkur tahlilimizga tortar ekanmiz, E. Vohidov ijodida *buloq* stimulining javob reaksiyalari o'z ma'nosida qo'llangani, Abdulla Oripov ijodida esa assotsiativ birliklarning to'raligicha ramziylik kasb etganining guvohi bo'lamiz (buning bosh sababi – she'r matnining o'zi ramziy). Har ikkala she'rdagi assotsiatsiyalarning hosil bo'lish omillari o'xshash bo'lsa ham, mazmunan turlicha yondashilgan. Ikkala she'rda ham shoirlarning o'ziga xos uslublari, yo'nalishlari akslanib turibdi.

Z.Freydning fikricha, so'zlarning assotsiatsiyalari nafaqat vaziyatga aloqador, balki effekt, ichki his-hayajon, tuyg'u jarayoni ham bo'lishi mumkin [4, 67]. Shuning uchun assotsiativ maydon tuzilishida turli individual assotsiatsiyalarni ham uchratamiz. O'tkazilgan tajribada "*Allohning mo'jizasi*", *yaratiqlar oldida bosh egish*" kabi birikuvlar nutq egasining e'tiqodini alohida namoyon qilgan bo'lsa, E.Vohidov ijodida *she'r singari qaynab oqmoq, dilga singdi yurt muhabbati*, A.Oripov ijodida *saharda ko'z ochdi, o'z y o'lini o'zi topsin, kurash so'ngida zavqlanolsin* birliklari bilan hosil qilgan assotsiatsiyalar bevosita kasbiy individuallikni yuzaga chiqargan. Ya'ni har bir shaxsda stimuly so'zga nisbatan umumiy assotsiatsiyalardan tashqari shaxsiy, individual munosabat ham mavjuddir.

**Xulosa.** K.G.Yung ta'kidlaganidek, assotsiativ tajriba faqat stimuly so'zning turfa ma'nolarini ochib beribgina qolmay, inson shaxsiyatini ham aniqlab beradi [4, 82]. Shu kabi tahlillar asosida ijodkorlarning voqelikka munosabati, uning tafakkur ko'lami haqida ma'lumotga ega bo'la olamiz. Demak, she'riy matnning shakllanishida ijodkorning assotsiativ tafakkuri mahsullari bo'lmish verbal assotsiatsiyalar tayanch birliklar sifatida ishtirok etadi. She'riy matnda qo'llangan assotsiativ birliklar tahlili ijodkorlarning voqelik haqidagi tasavvurlari, uni qay tarzda idrok etishi, matnda til birliklaridan foydalanish mahorati kabilar haqida ham xulosa chiqarishga imkon beradi.

## ADABIYOTLAR

1. **Лутфуллаева Д.** Ассоциатив тилшунослик назарияси. – Т.: Меркиус, 2017. –140 б.
2. **Нурмонов А.** Лингвистик таълимотнинг янги босқичи. Танланган асарлар. III жилд. – Т.: Академнашр, 2012. – 376 б.
3. **Худойберганова Д.** Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентриқ талқини: Филол. фан. док... дис. – Т.: ЎзРФА ТАИ, 2015. – 240 б.
4. Ўзбек тили ва адабиёти. 2010. 2-сон, 81-84 б; 2015, 4-сон. 65-70 б; 2018, 2-сон. 119-122 б.
5. **Воҳидов Э.** Сайланма. –Т.: Шарқ, 2016. – 691б.
6. **Орипов А.** Танланган асарлар. 1-жилд. –Т.: Шарқ, 2013. – 432 б.

УДК: 8 (Уз5)

У: 52

**ТАНИШ ТУЙҒУЛАР ТАСВИРИ**  
**ИЗОБРАЖЕНИЕ ЗНАКОМЫХ ЧУВСТВ**  
**DESCRIPTION OF FAMILIAR FEELINGS**

**Умурова Гузал Ҳотамовна***СамДЧТИ доценти, филология фанлари номзоди*

**Таянч сўзлар:** лирика, лирик кечинма, лирик қаҳрамон, бадиий услуб, поэтик тафаккур, поэтик тил, образли ифода, бадиий маҳорат.

**Ключевые слова:** лирика, лирическое переживание, лирический герой, художественный стиль, поэтическое мышление, поэтический язык, образное изображение, художественное мастерство.

**Keywords:** lyric poetry, lyric expression, lyric hero, artistic style, poetic thinking, poetic language, figurative expression, artistic skill.

*Ушбу мақолада шоира Зулфия шеърятини белгиловчи умуминсоний туйғулар ҳақида фикр юритилади. Мана шу кечинмалар орқали шоиранинг воқеликка бўлган муносабати таҳлил қилинади.*

*В данной статье рассмотрены общечеловеческие чувства, являющиеся знаковыми в поэзии Зулфии. На основе этих лирических переживаний анализируется отношение поэтессы к действительности.*

*In this article we are talking about human feelings, which denote Zulfiya's poetry. On the basis of these spiritual experiences, the poetess's attitude to reality is analyzed.*

**Кириш.** Зулфия шеърларининг руҳи ва оҳангини, мазмуни ва йўналишини, авж пардасини, мақсад, ғоя ва идеалларини умуминсоний фикр ва туйғулар белгилайди. Зотан, Зулфия ижодининг ҳароратини таъминлаган омил ҳам ундаги жўшқин ва фаол инсонпарварлик туйғулари – таниш туйғулардир. Чунки, бу ҳаммага таниш, қалбга яқин туйғулардир. Мана шу ҳиссиёт шоиранинг бутун борлиғини инсоннинг бахтига шодлик кўшиш, дардига малҳам бўлишга бағишлади. Шоира Зулфиянинг ҳаммани “юрагига яқин олиши”, барчани “кўзу қош сингари дўст”, “тақдирдош, биродар” деб билиши шундан. У ўз шеърятини орқали ўзбек халқининг инсонийлигини, маънан гўзаллигини, улўғ ишларга қодир эканлигини жаҳонга ҳаққоний намоиш қилди.

**Асосий қисм.** Зулфия лирикасининг бош мавзуси муҳаббат саналади. Негаки, шоира ўзи эътироф этганидек, муҳаббат бутун ҳаёти давомида уни шеър ёзишга ундаган куч бўлган. Шу боис, биргина бирикма таркибига бутун ҳаётнинг моделини киритиш санъаткорнинг маҳоратидан дарак беради. Айтиш жоиз, поэтик маҳоратнинг юзага келишида истеъдод, тажриба, маҳорат ва кўникма каби бир неча жиҳатлар пойдевор вазифасини ўтайди. Буларнинг барчаси ижодкор шахс фитратида омухталиқ касб этар экан, шеърини матн янада ҳаётини роқ ва таъсирлироқ мазмунга эврилади.

Зулфия лирикаси теран тафаккур ва жўшқин ҳиссиёт вобасталигидан ҳосил бўлган шеърятдир. Шоира лирик қаҳрамони юсак интеллект соҳибаси эканлиги сезилиб туради. У бироз ўйчан, баъзан фалсафий, баъзида эса жиддий ва таъсирчан. Шоира маънавий-руҳий изланишларида ҳис-туйғулар манзараси, кечинма таранглиги, ўткир драматик вазият ва коллизиялар бўртиб туради. Унда макон ва замон чегарасининг қамровлари кенг, ўтмиш, бугун ва келажак воқелиги инсон тақдири, эртаси билан эш тасвирланади. Шоира ижодида “хотира”, “тақдирдош”, “юрракка яқин кишилар”, “тонг”, “баҳор” каби мавзуларни ўзида мужассам қилган таниш туйғулар такрорланишининг, барқарор тус олишининг боиси ҳам шунда. Поэтик тизимда бахтиёрлик ва фожиавийлик оҳанглирининг ёнма-ёнма келиши унинг воқеликни, инсонни кенг ва яхлит, бор мураккаблиги билан талқин қилиш эҳтиёжи натижасидир.

Зулфия бадиий услубининг барқарорлиги унинг поэтик тилга бошқача муносабатида кўзга ташланади: унинг шеърларидаги таниш туйғулар нарса-ҳодисалар билан алоқага

## ADABIYOTSHUNOSLIK

киришган ҳолда сюжетга бирлашиб, ўзининг янги ифодасини топди. У тасвирий воситаларни ҳам, мисра тузилишини ҳам, шеър вазнини ҳам керакли ўзанда ислоҳ қила олди. Буларнинг барчаси сўзлар стихиясидаги мусиқийликни эркин шеър шаклидаги ишончли оғзаки суҳбат билан алмаштиришга бўйсундирилган эди. Ҳаёт фалсафасини, туйғулар фалсафасини у поэтик афоризмлар орқали ифодалай бошлади: *“Бирга қолиш учун сен билан, Куяману, бўлмаيمان адо”*[1]. / *Нега тирик экан ташлаб кетмадинг, Ташлаб кетмадинг-а, бошлаб кетмадинг?!*[1].

Шу тарзда Зулфия ижодида миниатюризм юзага келди. Унинг жумла тузишдаги маҳоратини кўриб чиқар эканлар, таҳлилчилар шоира шеърларида ундовлар ҳам, боғловчилар ҳам маъновий урғулар билан юкланганлигини асосли таъкидлайдилар.

Зулфия 20 ёшида шоир Ҳамид Олимжон билан турмуш қурди. Зулфия ва Ҳамид Олимжоннинг самимий ва гўзал иттифоқларидан Хулкар ва Омон исмли фарзандлари туғилдилар. “Хонадонда бахт ва шодлик, тотувлик ва ҳурмат, эзгулик ва яратиш, сафарбарлик ва теранлик, содиқлик ва вафо, меҳр ва оқибат ҳукмронлик қилди. “Мен яйраб яшадим. Инсон чинакам севиб севилганда атрофидаги барча қийинчиликлар ушоқ бўлиб кўринади. Тўрт фасл ҳам баҳор бўлиб кўринади” [2], - дейди шоира. Шу боис Ҳамид Олимжон “Соғинганда”, “Хаёлимда бўлдинг узун кун”, “Севги десам”, “Ишим бордир ўша оҳуда”, “Энг гуллаган ёшлик чоғимда”, “Ҳол” каби шеърларининг “прототиби” Зулфия эди. Зулфиянинг дунёси, муҳаббати эди:

Унутмасман сени ҳеч қачон,

Юрагимда қоларсан абад.  
Сен бўларсан мен билан мангу  
Юрагимга ошно бўлган дард.

Сўроғим шул: қора кўзларнинг  
Йўқолмасин сира вафоси.  
Бошларга тушмасин ҳеч қачон  
Шу кўзларинг ҳижрон жафоси[3].

Икки қалбни бирдан ловулатган бу ишқ кўплаб шеърларнинг туғилишига сабаб бўлди. Уларда “Ишқ кўшиғи” куйланди:

Сен сездингми бизнинг нафасдан  
Коинотда ортган эди нур.  
Ҳатто қора сочлар чўғида  
Бахту шодлик этганди зухур.

Бу йилларни “Мен ишқ эдим, ишқдин мастдим беармон”, деб хулосалайди. Бироқ, 1944 йилда Ҳамид Олимжон 35 ёшида фожиали тасодиф натижасида вафот этади. “Мен ўзимни у билан ҳалок бўлдим, дедим хаёлимда, мана ҳозир ҳам шунча вақт кетишига қарамай, у айрилиқнинг куйдурувчи аламларини бутун оғирлиги билан ҳис қилиб турибман”, - дейди шоира. У баралла ҳайқиради: “Нега тирик экансан, ташлаб кетмадинг, ташлаб кетмасанг-да, бошлаб кетмадинг?!..” Ҳаттоки, шоира Зулфия қалбини ларзага солган ҳижрон, алам, соғинч – бўларнинг барчаси – яна ўша таниш манзара, таниш туйғулардир.

Зулфия ўз қалбининг тубсизликларига назар ташлай олган эди. Аёл қалби дунёсининг сирларини хўб сирли қилиб англата билганди. Шоирамиз дунё шеърятини эхромига қалбининг мусаффо, покиза, тиниқ, шаффоф зиёси билан эш бўлганди. У ҳаётда ҳам доимо шундай покиза зиё таратиб яшади.

Зулфиянинг ижод лабораторияси ҳақидаги рисола муаллифи М.Султонова шундай ёзади: «Йиллар ўтиши билан Зулфиянинг ҳаёт фалсафаси чуқурлаша борди, ҳижрон аламлари дил тубига чўккандай бўлди, лирик кечинмалари ижтимоий ўткирлик касб этди. Унинг «Эмиш», «Ўйлар», «Ҳайкал», «Сенсиз» ва бошқа шеърларида, гарчи ҳижрон мотиви қаламга олинса-да, энди бахт ва бурч, эзгулик ва истиқбол, «Эл шухратига ёр» бўлиш саодати бу шеърлар руҳига моҳирона сингдириб юборилди»[4]. Мазкур иқтибос моҳиятан Зулфия ижодига берилган ихчам таърифдир. Демак, эстетик идеал тадрижи йиллар ўтгани сайин шоира лирикасида мантиқий юксалиш жараёнини юзага келтирмоқда. Ҳар бир шеърда «ҳижрон ва алам» тушунчаси қизил ип бўлиб ўтгани билан кейинги ижодий изланишларида буларга ҳали олдинда орзулар рўёби, истиқлол, нурли келажак борлигига

## ADABIYOTSHUNOSLIK

урғу берилишини кузатиш мумкин. Борлиқни эстетик қабул қилишда ижодкор дунёси ниҳоятда ҳис-ҳаяжонга чулғанади. Унда табиатга тақлид қилиш одатда образлиликни юзага келтиради. Шоира Зулфия шеърларида баҳорий кўтаринки руҳ, жўшқин кайфият гоҳ маҳзун, гоҳ шиддатли, гоҳ қувноқлиқда, гоҳ барчасининг синкретик ифодаланганлигини кузатиш мумкин. Шеърнинг умумий руҳи шоира қалб кечинмаларини идроклайди:

Салқин сахарларда, бодом гулида,  
Бинафша лабида, ерларда баҳор.  
Қушларнинг парвози, елларнинг ноzi,  
Бахмал водийларда, қирларда баҳор...

Шоиранинг машҳур «Баҳор келди сени сўроқлаб» деб номланган шеъри гарчи кўпроқ ўз ҳаётига тааллуқлидек таассурот уйғотса-да, бошқа томондан зукко ўқувчи шеърнинг умумий руҳидан фақатгина шоира Зулфия қалбининг бутун дарду қувончини, унга тегишли лирик кечинмани ифодалаш баробарида ҳаммага қаратилган даъват ҳам яширин эканлигини тезда пайқайди. Бу муаззам аёл, ўзбек шоирасининг барчага қарата йўллаётган хитоби. «Баҳор келди сени сўроқлаб...» жумласи замирида шиддатли пафос мужассам. Шеърни ўқиб тугатмасингизданок бутун борлигингизда ўша мангу савол шуқуҳи жавлон уради. Шоира қалб кечинмалари табиийлиги, умрбоқийлиги акс эттирилганини тўлиқ ҳис қиласиз.

Бинобарин, шеърий матн таркибида сўз воситасида ифодаланган образли фикр ўзига хослик касб этади. Аҳамиятли томони шундаки, Зулфиянинг жуда кўпчилик шеърларида баҳор ва унинг элчиси – турфа гулларга ўзгача маъно юклаш ҳолатларини кузатиш мумкин. Бу ҳолат ҳар бир шеърида муайян маъно ташувчи сўз бўлибгина қолмай, Зулфия табиатининг, ёниқ қалбининг ҳамдардларидек таассурот уйғотади. Булар шеърнинг умумий руҳига шуқуҳ бағишлайди. Зукко китобхон дил торларини аллалайди, меҳру муҳаббат нашидаси ўлароқ, қалбларга заъфарон туйғуларни тухфа этади. Демак, давр комил инсон тарбиясини тақозо этса, шоира Зулфия шу сафнинг бошида турган ўзбек аёлининг қудратини, жамики нафосатини, назокатини, латофатини рўёбга чиқаришга интилади.

Ҳақиқатан ҳам, лирик шеър табиатан эстетик завқ ва шавқ, оҳангдорлик улашишини, инсон руҳиятига дахлдор тушунчаларга ҳамоҳанг қирраларга эга бўлишини мушоҳадалайди. Юқорида келтирилган эстетик идрок табиатида холис эътироф кўзга ташланади. Айнан холис мушоҳада туйғуларнинг бетакрор бўлишига замин ҳозирлайди. Бинобарин, тақдир туфайли ёзилган тўрт қатор шеърда бутун олам қиёфаси акс этиши мумкинлигига асосли далиллар келтиради. “Шеърият шоирнинг уриб турган юраги сингари тирик жон” [5] эканлигини ўзининг дилбар шеърлари билан ҳам исботлаган:

Шеър демак – ўжар дўст қаламнинг изи,  
Шоирни борича этар намоён:  
Не тарик ҳаётда отган илдизи,  
Не тарик қаддини тиклаб турган жон.

Бу шундай бир изки – қалб солланиши,  
Гоҳ денгиз долғаси, гоҳи насимдир.  
Гоҳ байрам... Гоҳ ғусса яллиғланиши,  
Дардлардан таваллуд камёб тизимдир... [6]

Мазкур шеърда туйғулар реализми янада тиниқроқ кўзга ташланади. Айниқса, “шоирни борича этар намоён” сатрида шоиранинг бутун тафақури ўзига хос маҳоратидан шаҳодат бериб турибди. Ушбу самимий сатрлар моҳиятида истеъдод ва маҳоратнинг вобасталиги кўринади. Шоира теран анланган ва анланмаган лириканинг идрок қилиниши ижодкор манерасига бориб туташини нозик сезимлар билан мушоҳадалайди. Битта қалбнинг ичида яширин туйғулар ўқувчи кўнглига йўл топиши осон эмаслигига ҳам ишора қилинмоқда. Айнан “дардлардан таваллуд камёб тизимдир” деганида ҳақ гапни илгари сурган. Ҳаёт фақат қувончдан иборат эмаслиги, одамнинг бир куни байрам бўлса, бир куни ғам тортишга маҳкумлигини, ижодкорнинг тақдири азалдан келаётган ҳаёт кечмишларига айланиб улгурганига ҳам ойдинлик киритади. “Гоҳ байрам... гоҳ ғусса” янгилиниши – одамзотнинг табиатида дахлдор қисмат эканини кутилмаган ташбеҳлар негизда талқин қилади.

## ADABIYOTSHUNOSLIK

Шоира «Зулфия шеърятига хос фазилатлар – китобхонни ўйга толдириш, кимнингдир дардига ҳамдардлик қилиш, кимнингдир сўниқ дилига умид учқунини ташлаш, умуман эзгулик йўлидаги хизматга ўзини бурчли сезишдир (Бахтиёр бўлардим шеърларим билан, Шу дўстлар қалбига киролсам агар»)[4].

**Хулоса.** Умуман олганда, Зулфия шеърларини мутолаа қилар эканмиз, шоирани ҳаяжонга солган туғёнлар, қувонч ва ташвишлар бизнинг қувонч ва ташвишларимизга айланиб бораётганлигини ҳис қиламиз. Унинг қаламидан тўкилган мисралар қалбимиз қаъридан куйилиб келаётгандек туюлади. Тўпламларининг сўнги саҳифаларини ёпар эканмиз, мунис, ишонувчан, самимий юрагини тўкиб солаётган яқин одамимиз билан юзма-юз суҳбат қургандек бўламиз. Унинг шеърятига ошно бўлган ҳар қандай одам борки, қалбига сахий, меҳрибон, покиза инсон бўлишни тугиб қўйишига ишонамиз. Шоиранинг туйғулар олами – кўп қиррали, чуқур тағмаёнога эга, тўпалигича драматизм билан йўғрилган. Зулфия ногаҳоний ўлимга қарши ёза туриб, табиатнинг бу беомон қонуниятига қарши исён кўтаради, бу билан шахсий аламлари доирасидан чиқиб, умумбашарий, барча инсонлар учун муштарак бўлган мавзуда қалам тебратади. Нафосат қонунларининг талаби ҳам шу: фожиа ҳақида ёзишдан мақсад – одамларнинг сабр-қарори, умиди замиридаги қудратни кашф қилиш, дардларига малҳам бўлиш, шу йўл билан уларнинг ҳаётга, эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлашдир.

## АДАБИЁТЛАР

1. **Зулфия.** Тонг билан шом аро.– Т.: Шарқ, 2005. – Б. 137.
2. **Зулфия.** Асарлар. 3-жилд. Камалак. – Тошкент: Фафур Фулом, 1986. – Б. 14.
3. **Ҳамид Олимжон.** Асарлар. 1-том. Шеърлар. – Тошкент: Фафур Фулом, 1970. – Б. 172.
4. **Султонова М.** Зулфия. – Т.: Фан, 1985. – Б. 16.
5. **Зулфия.** Адабий ўйлар. – Т.: Фан, 1985. – Б. 20.
6. **Showalter E.** Women who write are women.- New York times book, rev., 1984. Dec.16.–P.1-31.
7. [http:// www.scopus.Theories of Style](http://www.scopus.Theories of Style). – New York: The Macmillan Company, 1907.

УДК: 812.1/9

## РАУФ ПАРФИ УЧЛИКЛАРИДА МАКОН ВА ВАҚТ КАТЕГОРИЯСИ

## КАТЕГОРИИ ПРОСТРАНСТВА И ВРЕМЕНИ В ТРЕХСТИШИЯХ РАУФА ПАРФИ

## CATEGORY OF SPACE AND TIME IN THE TERCET OF RAUF PARFI

**Юлчиев Қаҳҳоржон Ваҳобович**

*ФарДУ адабиётшунослик кафедраси докторанти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

**Таянч сўзлар:** учлик, жанр, макон, вақт, хронотоп, образ, лирик субъект, муаллиф, лирик композиция.

**Ключевые слова:** трехстишия, жанр, пространство, время, хронотоп, образ, лирический субъект, автор, лирическая композиция.

**Keywords:** tercet, genre, space, time, chronotop, image, author, lyric subject, lyric composition.

*Мақолада Рауф Парфи учликларида макон ва вақт бирлиги масаласи тадқиқ этилади. Бунда учликнинг жанр сифатида шаклланишида вақт ва маконнинг таъсири масаласига эътибор қаратилган.*

*В статье на основе творчества Рауфа Парфи рассматриваются особенности категорий пространства и времени. Особое внимание уделяется влиянию данных категорий на формирование трехстиший как жанра.*

*The influence of place and time in development of tercet as a genre is identified. The article investigates place and time unity in tercet by Rauf Parfi.*

**Кириш.** Замонавий ўзбек шеърятда лирик жанрлар масаласида бир тўхтамага келинмагани адабиётшуносликда турли қарашларни туғдириши табиий. Баъзи



## ADABIYOTSHUNOSLIK

манбаларда, шаклга қараб таснифлаш (ғазал, мураббъа, мусаддас ва ҳ.), баъзиларида эса мазмунга қараш (ижтимоий шеър, фалсафий шеър ва ҳ.), яна бирлари эса автопсихологик лирика, медитатив лирика деган атамалар ҳам учрайдики, бу ўқувчини шошириб қўяди. “Ҳозирги шеърият жанрларини лирик кечинма субъекти ва объекти нуқтаи назаридан таснифлаш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаймиз. Бу жанрлардан лириканинг асосий жанрлари сифатида ижровий лирика, персонажли лирика, медитатив лирика ва тавсифий лирика (ва унинг кўринишлари: пейзаж лирикаси ва воқеабанд лирика) фарқланади” [5, 394]. Олимнинг мазкур фикрида лирик воқеликни идрок қилиш ва бунда кечинманинг ролига эътибор қаратилгани тўғри бўлган. Бироқ, бизнингча, жанр шаклланишида лирик воқеликни юзага чиқарувчи макон ва лирик воқелик кечадиган вақт ўлчовига ҳам эътибор қаратилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки кечинманинг ритмик-интонацион хусусияти маълум вақт оралиғида такрорланувчи товуш бирликлари, сўзлар ёрдамида шакллантирилиши барчага маълум.

**Асосий қисм.** Кичик лирик шеърда лирик воқелик, борлиқ хронотопи аксарият ҳолларда оний лаҳзадаги кечинма орқали ифодаланади. Бу ерда кечинма борлиқдан олиниб, борлиқ лирик композициясининг кульминацион нуқтасини, лирик сюжетнинг асосини ифодалайди. “Агар эпиграмма (учлик ҳам – Ю.Қ.) мавжудликни етказа олмаса, унинг сюжети қайта сўзлаб берилганда бизни қониқтирмаса, қофияси қанчалик дабдабали, моҳирлик билан ёзилган шеър бўлмасин, у ҳеч кимни қизиқтирмайди” [2,57-58]. Демак, кичик лирик жанрда борлиқ хронотопи ва сюжет ўқувчини ишонтирадиган даражада чиқмаса, асарнинг асоси бўш бўлиб қолади. Шунинг учун шоирлар кичик лирик шеър ёзишга махсус тайёргарлик, кенг тафаккур ва оний лаҳзадаги ёрқин кечинма бўлиши, энг муҳими эса аниқ макон ва вақт бирлиги бўлишини талаб этишади. Натижада шеър бадий жиҳатдан етуқ ёзилади:

Юлдузларнинг раҳми келади.

Ой мўлтираб қарайди менга.

Юзларимни силайди ёғоч [3, 368].

Бу ерда лирик образ хронотоп вазифасида келган. Бу иш образнинг аниқ тавсифи ёрдамида амалга оширилган. Юлдузлар унга раҳми келиши остида, образнинг ўзи каби озод, эркин ва ўзига ўхшаш, қалби яқинлари билан бирга эмаслигига ишора қилинган. Бу дард кейинги сатрда янада кучайтирилиб, ой деталлари ёрдамида онасини йўқотган болага иложсизликдан боқаётган бегона аёл образининг қирраси тасвирланаган. Ёғоч (дарахт) эса яқин сингилдек, ёрдек, лирик субъектнинг юзини силаяпти. Демак, тавсифий жанрда ёзилган мазкур шеърда лирик субъект хронотопи лирик композициясини шакллантирган. Рауф Парфи шеъриятида хронотоп тушунчаси серқирра эканлиги, улар турли оний кечинмаларни бадий ифодалашда ҳар хил вазифа бажаришини кузатиш мумкин. Олдинги шеърда хронотоп лирик композицияни шакллантиришга хизмат қилган бўлса, қуйидаги шеърда тонг хронотопи қалби нотинч жамият, руҳан мудроқ одамлар фожеасини етказиши билан ажралиб туради:

Тонг оқарди. Шаҳар уйғонди.

Тобутлари ўтди лопиллаб.

Марсиялар айтди деворлар [3, 377].

Шеърда тонг хронотопидан фойдаланиб, жамиятдаги маънан қашшоқлик, лирик субъектнинг тушкун кайфияти ифодаланган. Бу ердаги “оқарди” сўзини икки хил талқин этиш мумкин. Биринчиси, тонг отишини билдирса, иккинчиси, тонг сув оқиб ўтишига ишора бор. Аслида “тонг оқарди” ибораси поклик, софлик, тозалик кабиларни англантиши лозим эди. Бироқ бу ерда лирик кечинма табиатида инсонийлик тамойиллари бузилганлигидан норозилик, ҳақиқатни кўраолмаётган жамиятга қарши исён кўрсатилган. Бироқ ҳар икки ҳолатда ҳам вақт, шеърдаги воқеанинг ҳаракати, яъни лирик сюжет мавжуд. Тобут рамзий маъно бўлиб, турли машиналар ва улар ичида руҳан, қалбан ухлаётган кишиларга ишора қилиняпти. Девор эса ранглари дард, мусибатдан лол қолганча марсия айтгандек таассурот қолдиради.

Рауф Парфи ижодида лирик хронотоп кўпқиррали эканлиги намоён бўлади. Бу, аввало, образларнинг табиий макони ва вақтнинг лаҳза, соат, кун, ой, йил, аср, мангулик каби қисмларида кўринади. Вақт образини борлиқнинг доимий ўзгариб турувчи ҳолати

## ADABIYOTSHUNOSLIK

сифатида шоир томондан жуда нозик, кечинмаларга бой образ сифатида идрок қилиниши шоир истеъдодининг юксаклигига ишора қилади. Бу ерда вақт образи бир томондан тарихий категория сифатида кўринса, иккинчи томондан субъектив жараён эканлигини кузатиш мумкин. Масалан,

Йиллар кўзимга сачради,  
Жигаримга ўт қўйди отлар,  
Кунларимни санадим сенсиз [3, 370].

Шеърда лирик субъект вақтга нисбатан макон вазифасини бажарган. “Сачради”, “ўт қўйди”, “санадим” сўз ва сўз бирикмаси орқали эса турғун макондаги вақтнинг характери (сачраши, санаш мумкинлиги) ифодаланган. Лирик субъект (муаллиф ҳам бўлиши мумкинлигини ёдда сақлаган ҳолда –Ю.Қ.) ўзи идрок қилган, ҳис этган воқелик фожиа, кучли драматизмга йўғрилганлигини тушунади. Ана шу фожиавийлик унинг учун воқеликни бадиий-эстетик англаш, ҳаёт мазмунига айланиб улгурган.

Шоир ўз шеърларида гўзалликни ҳис этишини вақтнинг барча даврида ифодалайди, бу тонг, тун, ой ёғдуси, қуёш нури, оқшом каби онларда берса, йил фасллари орқали (кўклам, ёз, куз, қиш) ва табиат ҳодисалари чақмоқ, шамол, ёмғир, осмоннинг ҳолати (тиниқ осмон, булут босган осмон), қушлар ва дарахтлар тасвири, сувнинг оқиши билан ҳам ифодаланади. Бу хронотоплар ортида инсоннинг дунёни кўриши, кузатиши, идрок қилиши, улардан завқ олиши, руҳи, қалби, онгини маълум маънода тарбиялашини кўрсатади. Иккинчи томондан эса ана шу хронотоплар орқали ўзининг кечинма, ўй-фикрлари, мулоҳаза, бадиий ниятларини ҳам очиб беради. Қуйидаги шеърда эса вақт образининг ўзи тасвирланган:

Соат синди, соатлар синди  
вақтнинг исқанжасида.  
Ўлиб кетди соатлар бевақт [3, 372].

Шеърдаги вақт, соат деталлари бадиий сўз сифатида бир неча маънони ифодалайди. Биринчи галда, реал ҳаётдаги соат ва унинг синиши, бевақт ишдан чиқиши, вақт эса тўхтовсиз ўтавераши ифодаланган. Иккинчи ўринда эса рамзийлик касб этиб, соат инсонни, вақт эса шафқатсиз дунёни англатади. Шоирнинг ўз ҳаётини қарашлари, руҳ ва қалб бирлиги орқали олам ва одам мутаносиблигини теран кўрсатилади. Умуминсоний қадриятлар, биринчи галда инсонга эътибор, меҳр, ҳурмат, уни тушуниш ва индивидуал характер қирралари (деталь, рамз орқали фикр, метафорик фикрлаш) орқали бошқаларга ўхшамайдиган, оригинал лирик хронотоп яратишига асос бўлган.

Лирик субъектнинг қалби, ички олами ботини хронотоп вазифасини бажарар экан, шоир шеърларидаги автопсихологик лириканинг гоҳ медитатив, гоҳ интеллектуал, гоҳ ижровий, гоҳ тавсифий каби жанрларини белгилайди. Масалан,

Сени топгунимга қадар  
Қандай яшадим?  
Наҳот, яшадим? [3,23].

Мазкур шеър бир қарашда лирик субъект (шоир) ўз севгилиси мурожаат қилаётгандек таассурот уйғотади. Бироқ шоир ўз-ўзи билан сўзлашяпти. У кўнглидан кечаётган, доим мантикий идрок этиш ва тушунтириш қийин туйғуларга мос шакл, идеал ёр (балки идеалнинг ўзидир) топганидан қувонганини ифодалаган. Бу ерда ботиний макон, яъни лирик субъект ички олами ҳиссий идрок этиш, ҳис-туйғуга йўғрилган мушоҳада каби ички вақтни кўрсатувчи унсурлар билан медитатив шеърининг асосини ташкил этади.

Мен сенинг кўзларинга қарайман,  
Сен ўзгаларга.

Кимнинг кўзларидан излайсан мени? [3,28].

Мазкур шеърда икки шахс ўртасидаги тушунмовчилик, бир-бирини англолмаслик азоби ҳақида сўз юритилади. Бир қарашда икки бахтли одам, бироқ ёнидаги кишини тополмаслик, қалбидаги шахсни бошқа кўзларда излаш, инсоннинг азалий армонларидан бири саналади. Шоир реал оламини тасвирлар экан, уни шахс ички олами, ботиний хронотоп билан солиштиради. Бунда фақат одам ва одам ўртасидаги муносабат ҳақида фикр юритилади. Лекин бундан бадиий олам ботиний оламнинг фақат шеър доирасига мос келадиган этиб тасвирланган дейиш ноўрин ҳисобланади. “Бадиият олами махсус

## ADABIYOTSHUNOSLIK

“бадий қонун” маҳсули сифатида яратилмайди, у энг умумий, ўз навбатида яратиш ва бадий оламни англаш жараёнида долзарбга айланган дунёвий қонуниятларнинг фаол иштироки ёрдамида шаклланади. Яратувчи инсон (муаллиф), яратилган инсон (қаҳрамон) ва яратилганни англайдиган инсон (ўқувчи) реал олам қоидалари билан яшайди, бироқ бу қоидалар бадийдир [4, 32]. Демак, шоир муаллиф, лирик қаҳрамон ва ўқувчи учлигига таяниб иш кўради. Бунда ўқувчи ҳам камида етук тафаккур эгаси, катта ҳаётий тажрибага эга бўлсагина яратилган инсон мақсадни англайди.

Айтиш мумкинки, учлик реал ҳаётдаги тўхтаган вақтни ва маконни ўзида акслантириб, ички вақт ва ички маконни яратган лирик композиция ҳисобланади. Бунда бир қарашда макон жуда қисқа, тасвирда айтарли ортиқча сўз ёки кенгроқ ифода йўқ. Бироқ, ана шу қисқалиқда инсон ҳаётининг кўз илғамас кенгликлари, оламнинг улкан тасвирини ўқиш мумкин. Шу жиҳати билан Р.Парфининг учликлари мумтоз миниатюра санъатининг сўз санъатидаги аналоги дейиш мумкин. Камолиддин Беҳзоднинг миниатюралари XV аср кишилари жамиятини, уларга хос макон ва вақт бирлигини ифодалар экан, у ўз вақтида келажакни, бугунни ҳам ифодалайди. Ўтаётган оний лаҳзани бир зумга ушлаб, уни уч мисрага жойлаш ва кейин унга бутун мангуликни сингдириш учун бадий маконга кириш, ижодкор ўзи яратаётган оламга қатъий ишониши лозим бўлади. Қирғанда ҳам воқелик бошланган ва тугаган нуқталарни тўғри англаш, сўз мазмунига янги бадий-эстетик юкломани тўғри жойлаштира олиш керак.

Шоир учликларида “... дунёвий ва диний, катта-кичик, табиий ҳамда инсоний лаҳза ва мангулик бирлашади. Бу ўзига хос образлилик тури, унинг предметига образ яратишнинг бошқа тури етолмайди ва бошқа воситалар билан адекват етказиш имконсиз. Шу ерда идеограмманинг ўзига хос роли – шундай образлиликнинг мазмуний моҳияти, шаклнинг белгили бирлиги, материал кўринади. [1, 104]. Масалан, Р.Парфи учликларида хронотопи тонг, осмон, қалб, йил фасллари каби деталлар ифодаласа, ана шу деталлар моҳиятидаги лирик кечинма ҳаракати, мазмуннинг ўсиб бориши ундаги вақт доимий ҳаракат эканлигини, жамият бир жойда тўхтаб қолмаслигини билдиради.

Масалан,

Тонг-саҳардан ўлтирибсан дарё бўйида,

Бир фикрга келмадингми? Айт, Айт.

Йўқса, кеч бўлади, қуёш сўнади ҳозир [3,30].

Бу ерда тонг хронотопи серқирралиги намоён этилган. Биринчи галда у куннинг бошланиши, иккинчи галда эса лирик субъект ва унинг суҳбати ўртасидаги ички хронотоп образлар ҳаётининг бошланиши ҳам бўлиб келган. Бир қарашда, кичик лавҳа, инсон умридан оний лаҳза тасвири берилган. Бироқ унда бутун ҳаёт таҳлили яширинган. Шеърдаги дарё, қуёш деталлари эса мазмунни тўлдириб, лирик субъектнинг бахти ва меҳрини ҳам билдиради. Риторик сўроқ (келмадингми?) ва қатъий оҳанг (кеч бўлади, сўнади ҳозир), таъкид ёрдамида шоир кечинманинг шиддатини, ўз навбатида шеър ғояси ҳаётда ўз ўрнини топишга интилиш, керакли вақтда зарур қарор қабул қила олиш қобилияти бўлиб, уни бир сўз билан ҳаётсеварлик, курашиш дейиш ҳам мумкин.

Шоирнинг кўплаб шеърларида табиат хронотопи орқали инсон ички кечинмаси, оламни англаши, шеър мавзуси, ғояси тасвирланади. Масалан, қуйидаги шеърда пейзаж хронотопи ва унинг устига қурилган совуқ ва яшил райҳон мазмуний структураси замирида инсоният ибтидосидан бери яшаб келаётган эзулик (барглари тўкмаган райҳон) ва ёвузлик (қор ҳиди) ғоялари ифодаланган:

Қор ҳиди димоққа урилди,

Ухлайди шамолнинг қўйнида

барглари тўкмаган райҳон [3, 65].

Албатта, шеърдаги юқорида келтирилган мазмундан ташқари, рамзий маънолар ҳам бўлиб, бу қор умр охирлаб қолаётганини англатса, райҳон ушалмаган орзу (баргини тўкмаганлиги шунга ишора қилади) ни билдиради. Бундан ташқари, бу ерда шамол қўйнида ухлаётган райҳон тимсолида тасвирий зиддият мавжуд бўлиб, ҳаётда ҳамма нарсага қасдма-қасд яшаб, очик қўл билан ноҳақликка қарши курашувчи фидоий инсонни ҳам тушуниш мумкин. Кичик шеърда шу қадар серқирра мазмуний қатламларни бера

оладиган лирик субъектнинг бадий-эстетик диди нозик, инжа эканлиги, воқеликни теран идрок қилиб, чуқур тафаккур қилувчи шахс эканлиги ҳам кўринади.

**Хулоса.** Кичик лирик шеърда бадий вақт ва бадий макон мазмун ҳосил қилувчи асосий категория ҳисобланиб, уларсиз лирик образнинг оламни англаш, идрок қилиш даражасини аниқлаб бўлмайди. Айнан вақт ва макон бирлиги ҳисобланган хронотоп орқали шеърини асар композицияси, бадийлик муаммолари ҳал этилади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Гей Н.К. Метахудожественность литературы. // Теория литературы. Том I. Литература. – Москва: ИМЛИ им А.М. Горького РАН, 2005. – С. 96-141.
2. Дюбо Жан-Батист. Критические размышления о поэзии и живописи: Пер. с франц. – М.: Искусство, 1975. – 767 с.
3. Парпи Рауф. Сайланма. – Тошкент: Akademnashr, 2013 – 432 б.
4. Федоров В.В. Поэтический мир. // Теория литературы. Том I. Литература. – Москва: ИМЛИ им А.М. Горького РАН, 2005. – С. 28-95.
5. Quronov D. Adabiyotnazariyasoslari. – Toshkent: Akademnashr, 2018. – 480 b.

УДК: 891.709

### САЙФИЙ БУХОРИЙ ШАХСИЯТИ ВА ИЖОДИНИ ЎРГАНИШДА ЎЗ ДАВРИ МАНБАЛАРИНИНГ ЎРНИ

#### ЗНАЧЕНИЕ ЛИТЕРАТУРНЫХ ИСТОЧНИКОВ ЭПОХИ САЙФИ БУХАРИ В ОСВЕЩЕНИИ ЕГО ЖИЗНИ И ТВОРЧЕСТВА

#### THE VALUE OF LITERARY SOURCES OF THE ERA OF SAYFI BUKHARI IN THE COVERAGE OF HIS LIFE AND WORK

**Мирзоев Хайём Тошқулович**

*СамДУфилология факультетиянч докторанти*

**Таянч сўзлар:** Алишер Навоий, Сайфий Бухорий, “Мажолис-ун-нафоис”, “Саноеъ-ул-бадоеъ”, адабий мухит, хунар аҳли, Ҳирот, адабиётшунослик, назм, ғазал.

**Ключевые слова:** Алишер Навои, СайфиБухари, “Маджолис-ун-нафоис”, “Саноеъ-ул-бадоеъ”, литературная среда, ремесленники, Герат, литературоведение, поэзия, газель.

**Keywords:** AlisherNavoi, SayfiBukhari, “Majolis-un-nafois”, “Sano-ul-badoe”, literary environment, craftsmen, Herat, literary criticism, poetry, gazelle.

*Мазкур мақолада Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Мирзо Бобурларнинг асарларида ўз замондош адиблари Сайфий Бухорий ҳақидаги қимматли маълумотлар, унинг ижодига бўлган муносабатлари ёритилади.*

*В данной статье рассмотрены взгляды Алишера Навои, Абдурахмана Джамии, Мирзо Бабур на творчество их современников, в частности Сайфи Бухари.*

*This article highlights the valuable information of Alisher Nawai, Abdurahman Jami, Mirza Babur about his contemporary writers, such as Sayfi Bukhari and his attitude to his creations.*

**Кириш.** XV асрда шарқ адабиётининг тараққий этиши натижасида кўплаб ижодкорлар етишиб чиққан. Бу давр вакилларида қолган мероснинг бизгача етиб келгани сезиларли даражада тадқиқ қилиниб, уларнинг ижод маҳсули ўқувчилар этиборига ҳавола этилган. Аммо айримларининг шахсияти ва адабий мероси ҳалигача кенг миқёсда ўрганилмаган ва бугунги давр ўқувчилари улардан беназиблиги адабиётшуносликнинг қарзи бўлиб қолмоқда. Масалан, XV асрнинг иккинчи ярмида ижод этган шоир ва адабиётшунос олим Сайфий Бухорий (ваф. 1503, Бухоро) шулар жумласидандир. Афсуски, бу ижодкор ўз даврида кўпқиррали кашфиётчи шоир ва моҳир арузшунос олим сифатида Ҳирот, Самарқанд ва Бухородек доврўғи дунёга таралган адабий мухитларда ном қозониб, форс-тожик ва ўзбек адабиётининг даҳолари, буюк йўлбошчилари – Жомий ва Навоийларнинг эътиборига тушиб, уларнинг сеҳрли сабоқларию олий мулозаматларидан баҳраманд бўлиб, ўзидан бой маънавий мерос қолдирганига

## ADABIYOTSHUNOSLIK

карамасдан ҳалигача ҳаёти ва илмий-адабий мероси маълум даражада ўрганилмаган, бизгача етиб келган асарлари нашр қилинмаган.

**Асосий қисм.** Сайфий Бухорий шахсияти ва ижод йўлини ёритишда Алишер Навоийнинг “Мажолис-ун-нафоис”, Хондамирнинг “Ҳабиб-ус-сияр”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”, Абдулло Кобулийнинг “Тазкират-ут-таворих”, асарлари муҳим манбалардан саналади. Шунингдек, адибнинг замондошлари томонидан яратилган илмий-бадиий ёдномалари, мактубларида ҳам Сайфийнинг ҳаёти, ижодий фаолияти ва давр адабий муҳитида тутган ўрни ҳақида керакли, ўз навбатида илмий-тарихий маълумотлар кўзга ташланади. Абдурахмон Жомийнинг “Рисолаи муншаот” (Хатлар тўплами), Зайниддин Маҳмуд Восифийнинг “Бадоеъ-ул-вақоеъ”, Абдуллоҳ Марвориднинг “Тарассул” (хужжатлар ва хатлар тўплами) асарларини мисол тариқасида зикр этиш мумкин.

Юқорида биринчи тоифадаги манбаларга назар ташласак, маълум бўладики, уларнинг муаллифлари Сайфий Бухорий замондаги адабий муҳит ва равиялари ҳақида сўз юритиб, давр ижодкорларини ўша муҳитдаги ўрни, қўшган ҳиссаси ва келтирган янгиликларидан келиб чиқиб, уларга баҳо берадилар, улар ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирадилар.

Жумладан, Навоийнинг “Мажолис-ун-нафоис” асари бир томондан, тазкирачилик анъанасининг нодир ёдгорликларидан бири сифатида кўзга ташланса, иккинчи томондан, адабий ҳаётнинг ҳар томонлама ўрганилиши учун ноёб манбалиги билан ҳам қимматлидир. Асарда келтирилган маълумотлар XV аср адабий муҳитида зуллисонанлик, мавзу ва жанрий ранг-баранглик, ҳунармандлик мавқеининг оша бориши, турли хил адабий йўналишларнинг мавжудлиги, мумтоз адабиёт анъаналарига бўлган муносабатни чуқур ёритиб беради.

Мазкур тазкиранинг илмий-тарихий хусусиятлари шундаки, Навоий кўплаб замондошлари ҳақида биринчилардан бўлиб маълумот беради ва уларнинг ижодиётига баҳо бериш мақсадида бошланғич тадқиқот ишини амалга оширади. Бу эса мазкур давр адабий муҳитида фаолият кўрсатган адибларнинг мавқеини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, форс-тожик шоири Сайфий Бухорийи XV асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этгани, Ҳирот адабий муҳитида шуҳрат қозонгани ҳақидаги маълумотни биринчи бўлиб унинг замондоши Навоийнинг “Мажолис-ун-нафоис” асарида учратамиз.

Навоий Сайфийни замонасининг иқтидорли ва обрўли шоири сифатида “Мажолис-ун-нафоис”нинг учинчи мажлисида зикр этади ва бу мажлис шундай номланган: “Алар зикридаким, ҳоло замон саҳоифида моиний абкори аларнинг дақиқ таъбири хуллабофлиғидин назм либоси киядур, назм либоси аларнинг амийқ зиҳнлари мўйшикофлиғидин санъат ва салосат нақш ва нигоре топадурким, баъзининг мулозаматиға мушарраф ва сарбаланд ва баъзининг мусоҳабатидин хушнуд ва баҳраманддурбиз”[3,338]. Яъни мазкур қисмнинг номланишига кўра муаллиф шоирлар гуруҳининг исмини келтирганки, ҳақиқатдан ҳам Навоий замонининг адабий жараёни уларнинг зиммасига юклатилган.

Таъкидлаш жоизки, Навоий бу мажлисда иштирок этган Абдурахмон Жомий, Амир Шайхим Суҳайлий, Сайфий Бухорий, Камолиддин Биноий, Комий, Олим, Ҳасаншоҳ, Мазҳар, Шомий, Ҳотифий, Дарвеш Машҳадий, Хуррамий, Сайид Қуроza, Шавқийлар каби, ҳаммаси бўлиб 174 нафар шоирлардан Сайфий Бухорийни Жомий ва Суҳайлийдан кейин учинчи ўринга қўйган. Бу ҳолдан шундай хулосага келиш мумкинки, Ҳазрат Навоий Ҳирот адабий мактабининг пешвоси мавқеида туриб Сайфийни замонасининг обрўли ва биринчи даражали шоирлари қаторида эътироф этган. Жумладан, унинг Сайфийга нисбатан “Мавлоно” сўзини ишлатгани ҳам бунинг ёрқин мисолидир. Навоий “Мажолис-ун-нафоис”да шундай ёзади: “Мавлоно Сайфий – бухоролиғдур, андин Ҳирий шахриға келди ва аксари кутуби мутадовилотни кўрди ва таҳсил асносида назмға машғул бўлди. Андоқки шеъри шуҳрат тутти ва масал тарийқин бағоят яхши айтти. Бу матлаъ анингдурким:

Дило, васфи миёни нозуки жонони ман гуфтў,

Накў рафтў, ҳадисе аз миёни жони ман гуфтў, [3,340]

(**Мазмуни:** Эй кўнгил, жононим нозик белини таъриф қилдинг, бу билан жонимнинг нозик жойини тилга олиб, яхши кетдинг).

## ADABIYOTSHUNOSLIK

Навоий “Мавлоно Сайфий” деб уни улуғлаб, азим Бухоро фарзанди эканлигига ишора қилади ва “Бухоролиғдур” дейди. Муаллиф илмга чанқоқ ёш Сайфийнинг Ҳирот шаҳрига таҳсил олиш мақсадида келгани ва бу ерда замонасининг кўпгина муҳим илму кутублари, ҳамда буюк устозларнинг сабоқларидан баҳраманд бўлганини “аксари кутуби мутадовилотни кўрди” тарзида ёрқин ифода этади.

Навоийнинг юқорида зикр этган сўзларидан яна шу маълум бўладики, Сайфий бадиий ижод йўлига ёшлигиданоқ қадам қўйиб, шеър ва шоирлик маҳоратини Ҳиротга келиб янада сайқаллаштиради, ҳамда тазкирада зикр этилганидек “таҳсил асносида назмга машғул бўлади”. Навоий адибнинг Ҳирот адабий муҳитида тезда камол топганлиги ва шеъри шуҳрат қозонганлигини таъкидлаб ўтади. Навоий Сайфийнинг қобилиятини сезиб унинг ижодини диққат билан кузатгани кўринади “масал тарийқин бағоят яхши айтти” асносида шоир шеъриятидаги нозикликни тавсифлайди ҳамда машҳур байтини мисол тариқасида келтиради.

Адабиётшунос олим Ботирхон Валихўжаев Навоийнинг “Мажолис-ун-нафоис” асарида шоирлар ҳаёти ва ижодига баҳо беришнинг бир неча тури мавжуд эканлигини таъкидлаб, мавридида муаллифнинг форс-тожик шоирлари Бадриддин Ҳилолий ва Сайфий Бухорийларга берган тавсифи ҳақида шундай фикр билдирганлар:

“(Навоий – Х.Мирзоев) Ёш шоирларга баҳо берганда уларнинг тез орада илм эгаси бўлганликлари, шу билан бирга замонасининг шоирлари қаторига кириб, адабий ҳаракатнинг сафини тўлдирга бораётганликларини таъкидлайди. Масалан, Ҳилолий, Сайфий Бухорий. Аҳамиятли томони шундаки, Навоий қобилиятли ёш шоирлар тақдирига умид билан қарайди, уларнинг келажига ишонади” [7,91].

Дарҳақиқат, адабий ҳаракатнинг Сайфийдек ёш истеъдод соҳиблари ҳисобига ривожланиши Навоийни ниҳоятда қувонтирган. Шунинг учун ёш шоирлар тўғрисида мамнуният билан гапирган ва уларнинг камол топишига алоҳида эътибор берган, уларнинг муваффақиятидан севинган.

“Мажолис-ун-нафоис” тазкирасини варақлаганда Навоий шоирлар ижодининг ҳаёт билан алоқаси масаласида анча дуруст мавқеда турганлиги, унинг назарида ҳаёт билан маҳкамроқ боғланган шоирлар ижодигина диққатга сазоворлигини англаш қийин эмас. Чунки XV асрнинг иккинчи ярмидаги адабий ҳаётнинг мавзу доираси ранг-баранг бўлиб, унда ҳаётини масалаларга асосланиш, ҳаётини мавзулар устида ишлаш кўзга кўринарли ўринни эгаллаб борар эди. Шунинг учун у “Мажолис-ун-нафоис”да ижодининг асосий мавзусини ҳунармандлар ҳаёти ташкил этган шоирларни алоҳида тилга олади. Сайфий Бухорий ҳам шулар сирасига кирадики, ўз вақтида Навоийнинг диққат марказида бўлган ва у сўзи давомида Сайфий ижодининг муҳим жиҳати ҳақида шундай қимматли фикр билдирган:

“(Сайфий Бухорий – Х.Мирзоев) санъат ва ҳирфа аҳли учун ҳам кўп латоиф назм қилибтур ва ул тариқда мухтаредур. Бир байт ул жумладиндурурким:

Бути пардозгарам к-ў ба касон месозад,

Ҳеч ба ҳоли мани хаста намепардозад” [3,340].

(**Мазмуни:** Пардозчи гўзалим, кўп кишилар билан чиқишадию, мен хастанинг ҳолига асло парво қилмайди.)

Навоийнинг таъкидлашича, Сайфий ижодидаги янгилик ҳунарманд ва косиблар ҳаётини ўз ғазалларининг мавзуси қилиб олганидир. Шунинг учун “ул тариқда мухтаредур”, яъни ихтирочидир дейди ва шоирнинг пардозчига бағишлаб айтган ғазалининг матлаини мисол тариқасида келтиради. Кўринадики, Ҳазрат Навоий Сайфий ижодини яқиндан кузатган ва шоирнинг ҳунар аҳлига бағишлаб ёзган шеърлари ўша давр адабий жараёнида янгилик бўлгани боис уни янада мафтун этган. Академик Ботирхон Валихўжаев Сайфий ғазалларининг мавзу доирасидаги янгилиги, адабий давр ғазалчилигида ўз услуби билан катта бурилиш ясагани учун Навоийнинг мақтовли фикрларига ва зўр эҳтиромига мушарраф бўлганини таъкидлагандилар: “...Алишер Навоий ўзининг “Мажолис-ун-нафоис”ида замондошларидан бўлмиш Сайфий Бухорийни меҳнат аҳлини, хусусан ҳунармандларни ғазалнинг тасвир доирасига киритгани учун қўллаб-қувватлайди, уни бу соҳада ихтирочи деб атайди” [7,78].

## ADABIYOTSHUNOSLIK

XV аср форс-тожик адабиётининг етук тадқиқотчи олими Аълохон Афсаҳзод Жомийнинг ҳаёт ва фаолиятини янада реал ёритиш мақсадида ўша давр адабий, илмий, тарихий манбаларига асосланиб, ўзининг “Абдурахмони Чомӣ” номли тарихий очеркини яратди. Мазкур асарда муаллиф Жомий ва Сайфий ўртасидаги устозу шогирдлик ҳамда ўша давр шоирларининг буюк ҳомийлари Жомий, Навоийларнинг мусофирликда ижод қилишни азм этган Сайфийга кўрсатган илиқ муносабатлари, меҳр-мурувватлари ҳақидаги ажойиб хотираларни ибратли тасвирлаб берган. Жумладан, Жомий ва Сайфий ўртасидаги суҳбатдан шоирнинг ҳунар аҳлига бағишлаб ёзган шеърлари, ғазаллари ўз даврида нафақат Навоий, балки устозларнинг устози Абдурахмон Жомийнинг ҳам этиборига тушганлигини ифода этади:

“...Боре ў (Сайфии Бухороӣ – Х.Мирзоев) ғазали худро дар васфи нонво ба Жомӣ хонд, ки чунин матлаъ дошт:

То ба нақди жон бути хаббози ман нон медиҳад,  
Ошиқи бечора нон мегўяду жон медиҳад.

Устод ин ғазалро ниҳоят писандида, аз навгўии шоир хеле шод гардид...” [6,163]

**(Таржимаси:** Бир куни Сайфий нончи васфига айтган ғазалини Жомийга ўқиб бердики, унинг матлаи будир:

**Байтнинг мазмуни:** жон эвазига менинг нончи ёрим нон беради, бечора ошиқ нон дейдию жон беради.

Бу ғазални устод жуда маъқуллаб шоирнинг янгилигидан хурсанд бўлди).

Шунингдек муаллиф асарда келтирадики, Сайфий она юрти – Бухорони соғиниб, мусофирликнинг қийинчиликлари сабаб, Ҳиротда кўп қолмаслиги ҳақида Жомийга шикоят қилади ва Жомий Сайфийни “шеър қонуни” - бўлмиш Ҳиротдан кетишини хоҳламаганлиги боис Навоийга уни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашини тайинлаб мактуб ёзади.

Ўша мактуб бизгача етиб келган ва Жомий куллийетининг “Номаҳо” (Хатлар) қисмида нашр қилинган. Бу хат гарчи ҳажм жиҳатдан катта бўлмаса-да, адибнинг маънавий қиёфасини яхлит кўрсатадиган манба сифатида жуда қимматлидир. Жумладан, Жомий хатни шундай ибратли сўзлар билан бошлайди:

“Хизмати фазойилмаоби латойификтисоб Мавлоно Сайфӣ, ки дар лутфи ғазалу хусни мақол адимулмисоланду дар ҳиддати зеҳну диққати хаёл мушарраф ба мартабаи Камол ва дар инояти таъмия номдоронро номгум кардаанду дар ҳалли муъаммиёт ба мушкилкушоӣ ном бароварда, майдони қофиясанжон дар мақоми муқовалаи эшон танг асту мизони арўзиён дар маърази муъоразаи эшон бе санг, муддате мадид партави илтифот бар кулбаи торикнишинон андохтаанд ва машоми завқашон ба равоеҳи анфоси худ муаттар сохта...”[2,423].

**(Мазмуни:** Хушфеъл лутфли Мавлоно Сайфий хизматлари шуки, хушоҳанг ғазалларию мароқли сўзлари билан беқиёсдирлар, зеҳни ва фикрлашлари жуда ўткир бўлиб, Камол мартабасига етганлар, муаммо айтишда машҳурларни ўз сояларида қолдириб, муаммо ечиш бобида шуҳрат қозонганлар, қофия ва аруз илмлари баҳсида суҳбатдошлари ичида тенгсиздирлар, кўп вақтлар илтифотлари ила қоронғуликда қолган инсонлар қалбларини ёритганлар ва яхшисўз, очиққўнгилликлари билан кишиларга завқ улашганлар...)

Мактубда буюк устозларнинг сабоқларини истаб, мусофирликда илм излаш ва ижод этишни мақсад қилган Сайфийни давлат арбоби – Ҳазрат Навоий томонидан моддий қўллаб-қувватланиши сўралган. Оддий бир ҳужжат кўринишида бўлган бу хат замирида катта маъно борлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Жомий мактубда мақсадини ифода этишдан олдин Сайфийга бўлган дўстона муносабати, “Мавлоно” деб ҳурмат кўрсатиши, уни мисли кўрилмаган истеъдод соҳиби эканлигини эътироф этади. Жомийнинг ёзганлари бир томондан, Сайфий шахсияти, унинг инсоний фазилатларини ёрқин ифода этса, иккинчи томондан, унинг ғазал жанридаги ютуқлари, ўша давр шеърлятида анъана тусига кирган муаммо жанрининг етакчи ижодкори ва муаммони ечишда моҳирлигини, қофия ва аруз илмида замонасининг маҳоратли назарийотчи олимларидан эканлигини англатади.

Навоий тазкирасида Сайфийни санъат ва ҳунар аҳлига бағишлаб “кўп латоиф назм қилибтур” деб ундан намуна келтирса ҳам, аммо шоирнинг девон яратгани ҳақида сўз очмайди. Бундан шу хулосага келиш мумкинки, Сайфий “Мажолис-ун-нафоис” вужудга

## ADABIYOTSHUNOSLIK

келгунча шеърларини девон тарзида жамламаган экан. Кейинчалик Хондамир, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Абдуллоҳ Кобулийлар шоирнинг ҳунар ва санъат аҳлига бағишлаб девон яратганини кўрсатиб ўтадилар. Жумладан, Бобур машҳур асари “Бобурнома”да Сайфий Бухорий ҳақида маълумот бериб, “...Девон тартиб қилибтур, яна бир девони ҳам борки, жамиъ ҳирфагарлар учун айтибтур...”[3,340] деб ўтади. Аҳамиятли томони шундаки, Бобур шоирнинг иккита девони борлигига ишора қилади ва агар этибор берсак, асли бу ишора “Мажолис-ун-нафоис”дан бошланган. Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, Навоий Сайфий ижодидаги муҳим қирраларни ёрқин ифода этиш мақсадида, икки ғазалининг матлаларини намуна сифатида келтирган ва биринчи байт ишқий ғазал бўлиб, Сайфийнинг XV аср анъанавий ғазалчилигида ҳам фаол қатнашгани ва кейинчалик (“Бобурнома” яратилгунигача) анъанавий мавзуларда ижод этган ғазаллари девон даражасида етгандан далолат беради. Навоий иккинчи байтни, яъни пардозчи мавзусидаги ғазалдан мисол келтира туриб, ҳунар аҳлига бағишлаган ноънанавий ғазалларини ҳам кўплигини таъкидлайди. Бобурнинг ахборотидан кўринадики, Навоий келтирган икки байт кейинчалик шоирнинг икки девони таркибидан ўрин олган.

“Мажолис-ун-нафоис”да Сайфий ҳақида яна муҳим маълумот шуки, Навоий шоирнинг ижод йўлидан кетаётган издошларини пайқаб, баъзилари ҳақида маълумот келтиради. Масалан, ёш шоир Шукрийни Сайфийнинг масаломуз шеърларига татаббуъ қилгани, унинг услубида яхши зехни борлигини айтиб, шундай ёзади: “Мавлоно Шукрий – масаломуз айтурда Мавлоно Сайфийга татаббуъ қилур. Ул услубда зехни яхши борур. Бу матлаъ анингдурким:

Чу зи хат пурсамат аз мушки Хўтан мегўй,  
Чанд бо мо ба сари зулфи сухан мегўй [3,369].

(**Мазмуни:** Мийғидаги сабзалардан сўз очсам, Хўтан мушкидан гапирасан; “шундай қилиб”, қачон бу билан зулфи ҳақида сўзлашасан?)

Тазкирада зикр этилган бу каби маълумотлардан аён бўладики, давр шеърлятидаги адабий жараёнлар, шеърлятидаги янги қирраларнинг юзага келгани ва бу янгиликларни Шукрий каби ёш авлод намояндalари яхши қабул қилиб, давом эттиргани Сайфийдек моҳир кашфиётчи шоир номи билан маҳкам боғлиқдир.

**Хулоса** ўрнида айтиш жоизки, Навоийнинг “Мажолис-ун-нафоис” асари нафақат туркий адабиёт, балки бутун шарқ мумтоз адабиётида ноёб илмий-адабий манба сифатида тан олинди, айниқса, XV асрнинг адабий-маданий ҳаётини ўрганишда ишончли ҳамда қимматли манбалиги Навоийни ҳамиша етук адабиётшунос олим қиёфасида гавдалантиради.

Кўринадики, Жомий, Навоийлар қобилиятли шогирдлари Сайфийнинг ижодий салоҳияти ва ютуқларини зўр тантилиқ билан тан олибгина қолмай, балки ўз давридаёқ унга бадиий ижод соҳасининг даҳолари қаторидан жой ажратадилар. Бу эса ҳали маълум даражада ўрганилмаган ва адабий мероси тўлагича нашр қилинмаган истедодли ижодкор Сайфий Бухорий ҳаёт-фаолиятини ёритишда муҳим ўрин тутди.

## АДАБИЁТЛАР

1. **Абдурахмони Жомӣ.** Осор. Жилди 8. Номаҳо. – Душанбе: Адиб, 1990.– 495 б.
2. **Алишер Навоий.** Мажолис-ун-нафоис. –Асарлар, 10 жилдлик, 9 жилд.–Т.: Фафур Фулом, 2011. – 765 б.
3. **Аълоҳон Афсаҳзод.** Адабиёти форсу тожик дар нимаи дувуми асри XV. –Душанбе: Дониш, 1987. – 261 б.
4. **Аълоҳон Афсаҳзод.** Абдурахмони Жомӣ. – Душанбе: Маориф, 1978.–183б.
5. **Ботир Валихўжаев.** Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. X-XIX асрлар. – Т.: Ўзбекистон, 1993. –191 б.
6. **Ботир Валихўжаев.** Назаре ба ғазалиёти Сайфии Бухорӣ. – Масъалаҳои филология ва робитаи адабӣ. – Самарқанд, 1979. –125 б.
7. **Заҳриддин Муҳаммад Бобур.**Бобурнома. – Т.: Юлдузча, 1990. –368 б.
8. **Садриддин Айнӣ.** Восифӣ ва хулосаи “Бадоеъ-ул-вақоеъ”. – Душанбе: Ирфон, 1985. – 336 б.



УДК: 398(09)894.322 ўзб.-1(575.1)

«ЭММА» РОМАНИДА ПОРТРЕТ ЯРАТИШ МАҲОРАТИ

МАСТЕРСТВО СОЗДАНИЯ ПОРТРЕТА В РОМАНЕ " ЭММА "

MASTER SKILLS OF CREATING A PORTRAIT IN THE NOVEL OF " EMMA "

Аҳмедова Ҳилола Шавкатовна

БухДУЎзбек адабиёти кафедраси таянч докторанти

**Таянч сўзлар:** Эмма, бош қаҳрамон, ҳаёт тарзи, руҳият, ирония, характер, танқидчи, адиба.

**Ключевые слова:** Эмма, главная героиня, условия жизни, психологизм, ирония, характер, критик, писательница.

**Key words:** Emma, the main character, lifestyle, psychologism, irony, character, critic, writer.

*Мақолада XIX асрнинг истеъдодли адибаси Джейн Остиннинг "Эмма" романидаги қаҳрамонларнинг портретини тасвирлаш маҳорати тадқиқ этилади.*

*В статье исследуется мастерствоталантливой писательницы XIX-го века Джейн Остин в создании портретов героев в романе "Эмма".*

*The article explores the master ability to depict the spirit of the characters in the novel "Emma" of the talented 19th century writer Jane Austen.*

**Кириш.** XIX асрнинг энг ёрқин ёзувчиларидан бири Джейн Остиннинг "Эмма" романи асосини жуда ақлли, ёш аёлнинг тарихини ирония орқали тасвирлаш ташкил этади. "Эмма" буюк (ва жаҳон адабиётида биринчи) интеллектуал роман ҳисобланади. Шу билан бирга "Эмма" ўз даврининг майда-чуйда ташвишлари, энг муҳими, инсон қалби тасвирланган, ўзига хос образлар яратилган, адиба асарлари ичида ўткир сарказмга йўғрилган китобдир. Жейн Остиннинг "Эмма" романи сюжети линияси оддий. Н. Демурованинг фикрига кўра, ёзувчининг бошқа асарларида бўлгани каби, бу асарнинг асосида ҳам адашиш мавзуси ётади [3]. А.Кеттле, романнингмавзусиоила никоҳэканлигиҳақидафикрбилдириб, "Эмма" да оила масаласи биринчи ўринда туришини таъкидлайди. Чунки романнинг ўзи ҳам Мисс Тейлорнинг никоҳи тасвири билан бошланади, учта никоҳ билан тугайди ... деб ёзади" [5]. Э.Ю.Гениева Остин романларини "ахлоқий ўсиш тарихи" деб атайди [2]. Биз сўнгги нуқтаи назарни қўллаб-қувватлаймиз, чунки "Эмма" романи қаҳрамоннинг ахлоқий тарбияси тарихи, шахсияти шаклланиши ҳақидаги асардир. М.В.Чечетко "Эмма" романи - характерни очиб беришда Остин реализмининг янги қирраларини ва ҳақиқатни акс эттириш, ирония яратишнинг янги имкониятларини кўрсата олади деб ҳисоблайди [6.20]. Танқидчининг фикрича, бу, энг аввало, бош қаҳрамоннинг характерида намоён бўлади, бошқа ижодкорларга қараганда бу хусусият фақат адиба ижодига хосдир [6, 21].

**Асосий қисм.** Роман композициясига кўра учта китобдан иборат. Биринчи китоб асосий қаҳрамонлар билан таништирадиган ўн саккиз бобдан иборат. Асардаги воқеалар Эмманинг яқин дугонаси ёшгина Ҳарриет Смитнинг бахтини топиши атрофида кечади. Иккинчи китоб ҳам ўн саккиз бобдан иборат бўлиб, воқеа-ҳодисалар қарийб детектив жанрда ёзилган. Бадиий маконда янги персонажлар пайдо бўлади: Эмманинг қалби ва кўлини сўрашга муносиб номзод – Фрэнк Черчилл, полковник кўлида тарбияланган, уй бошқарувчилиги билан мустақил ўзини боқа оладиган ёш аёл – Джейн Фэрфакс. Айнан унинг атрофида иккинчи қисмидаги романтик интригалар марказлашади ва ўз ечимини учинчи бобдагина топади. Ва ниҳоят, учинчи китоб ўн тўққизта бобдан ташкил топган. Унда Эмма ўзининг барча адашишлари билан хайрлашиб, асарда намоён бўлган бошқа бош қаҳрамонлар билан бирга ўз бахтини топади.

**ЭММА.** Биринчи китоб бошқаларнинг бахти ўзининг кўлида деб ҳисоблаган Эмманинг илк адашиш тарихига бағишланган. Романнинг асосий қаҳрамони - Эмма Вудхаус – ёш ва мафтункор қиз, ўз яқинларининг шахсий бахт-саодати ҳақидаги фикрлар, ташвишлар билан тўлиб-тошган. Романнинг дастлабки саҳифаларидан маълумки, унинг ёрдами

## ADABIYOTSHUNOSLIK

билан, уй бошқарувчиси (гувернанткаси), ишонган кишиси Мисс Тейлор турмушга чиқади. Узининг муҳитига руҳан яқин одамдан узоқлашган Эмма бу бўшлиқни тўлдиришга уриниб кўради ва тез орада 17 ёшли, келиб чиқиши мавҳум бўлган етим қиз - Ҳарриэт Смит билан танишади. Эмма, албатта, Ҳарриэтга бахтини топишга ёрдам беришни хоҳлайди, аммо Ҳарриэт тақдирини унинг ўзидан бошқа киши яхши билмайди. Биз романнинг биринчи сатрлариданоқ бош қаҳрамон портрети билан танишамиз: *"Emma Woodhouse, handsome, clever, and rich, with a comfortable home and happy disposition, seemed to unite some of the best blessings of existence; and had lived nearly twenty-one years in the world with very little to distress or vexes her. She was the younger of the two daughters of a most affectionate, indulgent father; and had, in consequence of her sister's marriage, been mistress of his house from a very early period"* [1.1]. "Эмма Вудхаус, чиройли, ақлли, бойвачча, хушчақчақ, катта мулкнинг меросхўри, ер юзидаги энг яхши хислатларни ўзида бирлаштирган, бу ёруғ дунёда йигирма бир йил яшаб, қайғу ва камчиликларни қарийб кўрмаган эди.Энг меҳрибон ва сабрли отанинг иккита севимли қизидан кенжаси, опаси турмушга чиққанидан кейин, ёшлигиданоқ мулк эгаси бўлиб қолган" (**Таржима бизниқ.Ҳ.А.**)Ҳақиқатан ҳам биз асарда ёш ва чиройли, эрка, ўз қарашларига эга қиз билан танишамиз. Буни муаллиф шундай изоҳлайди: *The real evils, indeed, of Emma's situation where the power of having rather too much her own way, and a disposition to think a little too well of herself if; these were the disadvantages which threatened alloy to her many enjoyments."* Бу ерда ҳақиқатни айтиш керакки, Эмманинг характерида ўз ихтиёрича иш тутиш, ўзига ҳаддан ташқари ишониш каби нуқсонлари бўлиб, бу унинг ҳаётдан қониқишига, ҳаётини қувончига соя солар эди. (**Таржима бизниқ.Ҳ.А.**)Эмма Вудхаус кўз олдимизда қайғули ҳолатда намоён бўлади: унинг яқин, ишонган дугонаси, уй бошқарувчиси Мисс Тейлор дўстини отасининг қўлида қолдириб, турмушга чиқади, қиз узоқ куз оқшомларини отаси билан ўтказишга мажбур бўлади. Унинг дугонасига жуда яқинлиги, боғланиб қолганлигининг сабабини бизга муаллиф шундай тушунтиради: *"Sixteen years had Miss Taylor been in Mr. Woodhouse's family, less as a governess than a friend. A large debt of gratitude was owing here; but the intercourse of the last seven years, the equal footing and perfect unreserved which had soon followed Isabella's marriage, on their being left to each other, was yet a dearer, renderer recollection."* "Мисс Тейлор унга бошқарувчидан кўра кўпроқ дўст каби эди. Бу охири етти йилдаги улар ўртасидаги ёруғ ва қимматли муносабат ҳақидаги хотиралар унга улуғ эзгуликлар қилиш масъулиятини юклар эди, опаси Изабелла турмушга чиққандан сўнг уларнинг тенг ва дўстона ўзаро муносабатлари янада кучайди" (**Таржима бизниқ.Ҳ.А.**)

**Жаноб Вудхаус.** Эмма ўзининг кекса отасини жуда яхши кўради: *"but he was no companion for her. He could not meet her in conversation, rational or playful. The evil of the actual disparity in their ages (and Mr. Woodhouse had not married early) was much increased by his constitution and habits; for having been a valetudinarian all his life, without activity of mind or body, he was a much older man in ways than in years; and though everywhere beloved for the friendliness of his heart and his amiable temper, his talents could not have recommended him at any time"* ("У отасини бутун юраги билан яхши кўрарди, аммо унинг суҳбатлари камлик қилар эди. Жиддий ёки кулгили суҳбатларда унга муносиб суҳбатдош бўла олмас эди). Бу ёш ўртасидаги кичик бир тўсиқ (жаноб Вудхаус кексалигида турмуш қурган) унинг саломатлиги ва одатлари туфайли янада оғирлашди; бутун умри давомида бўшашган ва касалманд бўлиб, ақл ва танани етарлича ишлатмагани учун тенгдошларига нисбатан катта кўринар эди, ҳамма жойда хайрихоҳлиги ва сезгирлиги билан севимли бўлган, аммо бирор бир талантга эга эмас эди" (**Таржима бизниқ.Ҳ.А.**)Жейн Остин қисқа, лаконик, ёрқин бўёқлар билан бош қаҳрамон отасининг психологик портретини яратади. *"His spirits required support. He was a nervous man, easily depressed; fond of everybody that he was used to, and hating to part with them; hating change of every kind....and from his habits of gentle selfishness, and of being never able to suppose that other people could feel differently from himself..."* Унинг руҳигақувваткеракэди. У асаблари заиф одам эди, осонгинатушқунликка тушар, ўзи ўрганиб қолган инсонларга яхши муносабатда бўлиб, уларданажралишни тасаввур этолмасдива ҳарқандайўзгаришларгатоқатқилолмасди...унда бировга зарар келтирмайдиган худбинлик одати бўлгани туфайли, бошқаларда ҳам ўзига ўхшамайдиган

## ADABIYOTSHUNOSLIK

ҳис-туйғулар борлигини ўйламасди” (**Таржима бизники.Ҳ.А.**).Бу ҳаётда руҳан баққувват бўлмаган инсоннинг портрети эди.

**Найтли.** Асарнинг биринчи қисмидаёқ биз Эмма Вудхауснинг характери шаклланишида, унинг ахлоқий ўғонишида - унинг кўшниси, оилавий дўсти ва қариндоши жаноб Найтли муҳим роль ўйнаши билан танишамиз. Унинг портретига қуйидагича чизилар берилади: *"Mr. Knightley, a sensible man about seven or eight-and-thirty, was not only a very old and intimate friend of the family, but particularly connected with it, as the elder brother of Isabella's husband."* “Ўттиз етти ёки ўттиз саккиз ёшдаги мулоҳазакор жаноб Найтли Вудхаус оиласининг нафақат эски қадрдони ва яқин дўсти, балки поччаси (Изабелла эри)нинг катта акаси бўлгани учун ҳам қарийб қариндош бўлган”. (**Таржима бизники.Ҳ.А.**)Эмма Вудхаусдаги камчиликларни кўра билган жуда оз одамлардан бири ва у ҳақда гапиришга журъат қилган ягона киши – оиланинг яқин дўсти жаноб Найтлидир. Найтлининг акаси Эмманинг опаси Изабелла билан турмуш қурган, шунинг учун у, оила аъзоси сифатида, Эмма ва отаси билан жуда кўп вақтини бирга ўтказади. Бундан фойдаланиб, жаноб Найтли ахлоқ ҳақида гапиришни ва фойдали маслаҳатлар беришни яхши кўради, лекин Эмма гарчи унинг фикрларига қалбан доимо қулоқ солса-да, унинг барча маслаҳатларини ҳазилга айлантиришга ҳаракат қилади. Эмманинг отаси – худди боладай, чексиз меҳрибон, аммо ғалати туйғуларга эга одам. Кўрамизки, тарбиячисини ҳисобга олмасак, Эмманинг ҳаётида муҳим роль ўйнаган инсон бу жаноб Найтлидир. У уйланмаган, шундай бўлса-да, Эмма билан қандай муносабатда бўлиш ҳақида аниқ тасаввурга эга. Мисол учун, у совчилик билан шуғулланмаслик керак деб ҳисоблайди. Ҳарриет билан мулоқот қилмаслиги ва жуда ҳам кўп нарсаларни қилиш керак эмаслигига ишонади. Эмманинг дўсти Ҳарриет Смит, жаноб Найтлига ошиқ бўлади, бу ҳақда Эммага хабар бериб, Найтли ҳам уни севадиганга ўхшашини айтади. Энг яқин дўстини яхши кўриб қолган дугонаси икрорини эшитиб, Эмма тўсатдан Найтлининг севишини тушуниб қолади. Бу, умуман олганда, роман сюжетининг асосий қирраларидан биридир.Меҳмоннинг обрўси қанчалик улуғлигини қуйидаги матндан билиб оламиз: *"Mr.Knightley, in fact, was one of the few people who could see faults in Emma Woodhouse, and the only one who ever told her of them: and though this was not particularly agreeable to Emma herself, she knew it would be so much less so to her father, that she would not have him really suspect such a circumstance as her not being thought perfect by everybody"*. Юқорида айтганимиздек, “Мистер Найтли, аслида Эмма Вудхауснинг камчиликларини биладиган озчилик кишилардан бири ва у ҳақида фақат унга гапиришга журъат этган ягона инсон эди: бу Эмманингўзиучунжудаҳам ёқимлиэмасэди, лекин кимдир уни номуқаммаллиги ҳақида гапирса, бу отасига кўпроқ ёқмаслигини билгани сабабли ҳеч кимга шубҳа қилишга имкон бермасди” (**Таржима бизники.Ҳ.А.**).

Биринчи бобнинг охирига келиб, Эмма, унинг гувернантаси Мисс Тейлорнинг муваффақиятли никоҳига ўзи сабабчи бўлганлигидан ғурурланиб, унинг ҳаётини вазифаси – бошқаларнинг бахтига сабабчи бўлиш эканлигини тушуниб етади, бунинг устига “янги қурбон”нинг пайдо бўлиши уни янада илҳом-лантиради. Бу ёш руҳоний Мисс Тейлор ва жаноб Уэстоннинг никоҳ маросимини ўтказган жаноб Элтон эди.Учинчи қисмда жаноб Элтонга умр йўлдоши бўлишга мос келадиган қиз ҳақида ҳикоя қилинади. Бу ерда миссис Ходдарт мактабининг ўн етти ёшли талабаси Ҳарриет Смит билан учрашамиз. *"She was a very pretty girl, and her beauty happened to be of a sort which Emma particularly admired. She was short, plump, and fair, with a fine bloom, blue eyes, light hair, regular features, and a look of great sweetness..."* [1, 3]. “Ужуда ёқимтой ва унинг гўзаллигидан Эммаҳайратгатушганэди – бўйи паст, тўладан келган, оч-сарикюзи тиниқ, ёноқлари қизғиш, кўзи кўм - кўк, сочлари сариқ, юз чизиқлари тўғри ва қарашлари ажабланарлидаражада таъсирчан”. *"...she must have good sense..."* “Буларнинг барчаси унинг ақл-идроки соғлом эканлигини кўрсатар эди”.Эмма *"all those natural graces, should not be wasted on the inferior society of Highbury and its conations."* ... буларнинг барчаси табиий гўзалликлар Ҳайбери ва унинг атрофидаги паст жамиятда беҳуда сарфланиши мумкин эмас”,- деган хулосага келди. *Шундай қилиб, китобхон кўз олдида бош қаҳрамон характери, унинг дунёқараши ва қизиқиш доираси, сўзсиз, маълум бир ижтимоий муҳит томонидан шакллантирилганлиги яққол кўринади. У ўз даврининг ва ижтимоий синфининг фарзанди. Етарли даражада юқори қатламга*

## ADABIYOTSHUNOSLIK

мансублиги унинг туғилишиданоқ маълум эди. Хайбериди у эгаллаган ақл-заковат, гўзаллик ва қудрат уни ноқонуний туғилган соддагина Ҳарриет Смитнинг назарида идеалга айлантиради. Эмма, Ҳарриетда шуҳратпарастлик туйғуларини “тарбиялаш” жараёнини режалаштирмоқда. Эмма унинг кўз ўнгида фермер Роберт Мартин билан келажакни тасвирлаб беради, аммо Ҳарриетга бахт бера оладиган бошқа ҳақиқий зиёли инсон уларнинг ёнгинасида эди. Жаноб Элтоннинг портретига янги чизиқларни опаси Изабелланинг эри Жон Нейтли қўшади. У тўғри сўз ва ростини гапирадиган одам: *"I never in my life saw a man more intent on being agreeable than Mr. Elton. It is downright labor to him where ladies are concerned. With men he can be rational and unaffected, but when he has ladies to please, every feature works..."* *he seems to have a great deal of good-will towards you"* [1, 13]. “Мен ҳаётимда жаноб Элтон каби яхши таассурот қолдириш истагида бўлган одамни кўрмаганман. Айниқса, аёлларнинг олдида жуда қаттиқ ҳаракат қилади. Эркаклар билан у ўзини содда ва табиий тутаяди, лекин аёлларга яхши хушмуомала қилиш керак бўлганида, бутун борлиғи билан ҳаракат қиларди ... у сизнинг кўз олдингиздаяхши инсон сифатида таассурот қолдиради (**Таржима бизники.Ҳ.А.**). Мисс Смит Элтонга берган изоҳида, Эмма ўзининг жабрланганини тан олади, Нейтли унинг ҳақиқий башарасини очиб, қизни огоҳлантиргани ҳақиқат бўлиб чиқади. У иккиюзламачи ва фикрлари мантиғи ижтимоий шароитга буйсунган. У шундай дейди:

*"Miss Smith is a very good sort of girl; and I should be happy to see her respectably settled. I wish her extremely well: and, no doubt, there are men who might not object to- Everybody has their level: but as for myself, I am not, I think, quite so much at a loss. I need not so totally despair of an equal alliance, as to be addressing myself to Miss Smith!"* (Мисс Смит жуда ёқимтой қиз, у ўз тақдирини яхши қура олса, чин дилдан хурсанд бўлардим, унга яхшилик тилайман... аммо уялиб қолмайдиган эркаклар ҳам бўлишига шубҳам йўқ ... бир сўз билан, ҳар бирининг ўзининг муносиб одами бўлади, агар ўзим ҳақимда гапирсам, мен ҳали бу даражада пастликка тушмаганманки, мисс Смитнинг орқасидан юрсам” (**Таржима бизники.Ҳ.А.**).

**Жейн Фэрфакс.** Иккинчи китоб – ўзига хос детектив тарихга эгалиги билан ажралиб туради. Бу ерда асосий қаҳрамоннинг роли маълум бир бошқа қаҳрамон Жейн Фэрфаксга ўтади десак адашмаймиз. М.Чечетконинг ҳаққоний фикрига кўра, бу образ ўқувчини «XIX асрдаги камбағал зиёлиларнинг янги ижтимоий гуруҳи» [6, 20] билан таништиради. Жейн ҳарбий отаси ҳамда касалманд онасининг ўлимидан сўнг етим қолган қизни қўшни полковник Кемпбелл ўз тарбиясига олгунга қадар миссис ва мисс Батесларнинг камбағал қариндошлари қўлида тарбияланди. Жейн жуда яхши таълим олди, аммо полковникнинг оиласи уни бир умр таъминлай олмас эди. Қиз бир кун келиб ўзи учун яшашга мажбур бўлишини англаб етаётган эди. Туғилганидан бошлаб, туғма гўзаллик ва ақл-идроққа эга қиз ҳаёти осон кечмаслигини тушунар эди. Эмма, Мисс Батесдан Жане Фэрфакснинг яқинда келишини эшитгач, уч ой давомида унга нисбатан мулоим бўлишлари кераклигини тасаввур қилишдан хурсанд бўлмади. Севмаслик учун сабаб йўқ эди, лекин: *"Mr. Knightley had once told her it was because she saw in her the really accomplished young woman, which she wanted to be thought herself"* [1, 2]. “Бир вақтлар мистер Нейтлининг айтишича, ёш аёлда яхши фазилатларнинг барчаси бўлган, Эмма ўзи ҳақида ҳам шундай ўйлашларини хоҳлар эди (**Таржима бизники.Ҳ.А.**). Жейн билан учрашганида, Эмма унга ҳурмат кўрсатади. Муаллиф бунинг сабабларини шундай кўрсатади: *"Jane Fairfax was very elegant, remarkably elegant; and she had herself the highest value for elegance. Her height was pretty, just such as almost everybody would think tall, and nobody could think very tall; her figure particularly graceful; her size a most becoming medium, between fat and thin, though a slight appearance of ill-health seemed to point out the likeliest evil of the two. Emma could not but feel all this; and then, her face--her features-- there was more beauty in them altogether than she had remembered; it was not regular, but it was very pleasing beauty. Her eyes, a deep grey, with dark eye-lashes and eyebrows, had never been denied their praise; but the skin, which she had been used to cavil at, as wanting color, had a clearness and delicacy which really needed no fuller bloom. It was a style of beauty, of which elegance was the reigning character, and as such, she must, in honor, by all her principles, admire it..."* “Жейн Фэрфакс жуда маданиятли - ажойиб тарзда дид ва фаросатли, Эмма айна шу фазилатни ҳаммадан

## ADABIYOTSHUNOSLIK

кўра яхшироқ кадрлар эди. У баланд бўйли эди - ҳар қандай киши уни сарвиқомат дер эди ва ҳеч ким уни новча демасди; у жуда чиройли яратилган; мафтункор, семиз ҳам, ориқ ҳам эмас, меъёрда эди. Балки касаллик излари уни ориқроқ кўрсатар эди. Буларнинг барчасини, Эмма рад этолмасди, кейин эса бу юз - бу фазилатлар - у қанчалик гўзаллик борлигини унутган; бу ноодатий чирой унинг учун барибир ёқимли эди. Қора қошлар ва киприклар, чуқур, кулранг кўзларни инкор этиб бўлмасди, териси шунчалик соф ва нозик эдики, қизғиш буёққа муҳтож эмас эди. Унинг кўз олдида жозибига тўлган ўзига хос гўзаллик турарди Эмма, шараф ва виждонга мувофиқ, барча қоидаларига кўра, ҳайратланмасдан иложи йўқ эди... **(Таржима бизниқи.Ҳ.А.)**. Ушбу портретнинг психологик жиҳатдан мукамал эканлигини қайд этамиз. Жейн Фейрфаксга қадар, ушбу роман қахрамонларидан ҳеч бири адиба томонидан ҳали бу қадар тўлиқ батафсил баён қилинмаган. Ундан ҳам чиройли ва таланти аёлнинг характери, бошқаларга нисбатан рашкини била туриб, бу даражада тасвирлаш адибанинг портрет яратиш маҳоратини кўрсатади. Эмманинг Жейнга мурожаат қилиб айтган сўзлари муаллифнинг истеҳзосими? Ёки Эмма ўзини маънавий-ахлоқий ва эстетик қадриятларнинг даражасини ва даъволарини жамиятда умуман қабул қилинган ва ижобий деб ҳисоблайди.

**Элтон хоним.** Адибанинг реалистик портрет яратиш маҳорати жаноб Элтоннинг никоҳи ва унинг хотини портретини тасвирлашда ҳам яққол кўринади. *"The charming Augusta Hawkins, in addition to all the usual advantages of perfect beauty and merit, was in possession of an independent fortune, of so many thousands as would always be called ten; a point of some dignity, as well as some convenience: the story told well; he had not thrown himself away--he had gained a woman of 10,000 l. or thereabouts; and he had gained her with such delightful rapidity-- the first hour of introduction had been so very soon followed by distinguishing notice..."* [1.4] (Жозибали Августа Ҳакинс, гўзал ва ҳар қандай мукамалликни эгаллаган, минг лирадан ортиқ бойликка эга эди ва ҳар доим ўн сонини айтар эди - муҳим бир нарса эмас, лекин уучун жуда муҳим аҳамиятга эга эди- шу билан мағрурланарди: у ўзини йўқотиб қўймасди, ўн минглик бойликка эга (шунга яқин) келинни тезкорлик билан топди, биринчи танишувданоқ бир-бирига маъқул келди **(Таржима бизниқи.Ҳ.А.)**. Эмма шахсан учрашувда руҳонийнинг хотини ҳақида тасаввурга эга бўлади: *"Mrs. Elton was a vain woman, extremely well satisfied with herself, and thinking much of her own importance; that she meant to shine and be very superior, but with manners which had been formed in a bad school, pert and familiar; that all her notions were drawn from one set of people, and one style of living..."* [1, 14] (Элтон хоним - шуҳратпараст, ўзини жуда яхши кўради, ўзи ҳақида кўп ўйлайди, ўз устунлигини кўрсатишга ҳаракат қилади ва ҳеч кимни писанд қилмайди, бунинг устига ёмон тарбияланган, кўпол, ҳурматсиз, муайян доирадан ўзининг ҳаётини услубини эгаллаб олган...). **(Таржима бизниқи.Ҳ.А.)**. У куёви Саклингнинг "Чинор даласи" (Кленовая роша) мулкини бойлик ва ҳашамат, намунадаги ҳаёт тарзи деб ҳисоблайди. Ҳамма нарса "Чинор даласи"га ўхшайдими, йўқми, сал яқинлашса тан оларди ёки барча нарса бойликка қараб ўлчарди. Руҳоний хотинининг маданиятсизлиги ҳамма чегаралардан ташқарига чиқади, бунинг устига хижолат бўлмасдан, миссис Уэстон Эммага бошқарувчи бўлганини эслатиб ўтади. Мисс Вудхаус унга қарши гапиришга иложи бўлмай қолди: *"Mrs. Weston's manners,"* said Emma, *"were always particularly good. Their propriety, simplicity, and elegance, would make them the safest model for any young woman."* "Миссис Уэстон манераси доимо яхшилиги билан ажралиб турган. Уларнинг одоб-ахлоқи, дид фаросати ва соддалигини ҳар қандай ёш аёл ўзига ибрат қилиб олиши мумкин **(Таржима бизниқи.Ҳ.А.)**. Бироқ анқовлиги боис миссис Элтон кинояни тушунмади. Ҳайбери аҳолисининг тинч яшаш тарзини лойқалатган янги бир персонаж жаноб Уэстонинг ўғли узоқ вақт йўқолиб кетган ва меҳмон бўлиб келган Франк Черчилл эди. Келинг, Эмманинг кўзлари билан унга қарайлик: *"he was a very good looking young man; height, air, address, all were unexceptionable, and his countenance had a great deal of the spirit and liveliness of his father's; he looked quick and sensible. She felt immediately that she should like him..."* "Ёш йигит жуда чиройли; баланд бўйли, қадди-қоматли, хулқ-атвори мукамал, отасидай қарашларида ақл-идрок мужассам эди. Дастлабки дақиқаларданоқ унинг ўзига ёқа бошлашини ҳис қилди" ...**(Таржима бизниқи.Ҳ.А.)**. Эмма, бу инсон ўзига муносиб деб ҳисоблаб хатога йўл қўяди, аммо кейинги воқеалар унинг хато фикрлаганини кўрсатади.

## ADABIYOTSHUNOSLIK

**Хулоса.** Шундай қилиб, Жейн Остин "Эмма" романида бадиий адабиётдаги образлар галереясини тўлдириб, бир қатор характерлар ва уларнинг портретини яратди:

1. Улар мутакаббир ва иккиюзламачи Элтон ва унинг хотини.

2. Ўзини боқиш учун кам ҳақ тўланадиган меҳнат билан шуғулланишга мажбур бўлган аёллар образи галереясини бошлаган Жейн Фэрфакс образи.

3. Бу оила ва никоҳга нисбатан ўзига хос фикрга эга, чексиз меҳрибон, худбинлиги билан безовталанадиган жаноб Вудхауснинг образи.

4. Ва ниҳоят, Эмма образи. Бу ҳақда "Жане Аустеннинг таъкиди:" Мендан ташқари ҳеч ким уни ёқтирмас". Ва бу тушунарли, чунки Эмма жуда мағрур ва такаббур. У бундан ташқари ҳамма кишиларни шахмат тахтасидаги фигуралардек ҳис этади, улар у истагандек хоҳлаганча ҳаракат қилиши ёки бошқалар худди улар ўта эркисиз ва ҳис-туйғусиз кўғирчоқлардек унинг хоҳишига кўра ҳаракат қилишларига имкон беради.

Ягона истисно жаноб Найтлидир. "Ва у ҳеч қачон бировни севиб қолиши хаёлига келмаган. Шундай қилиб, шафқатсиз ҳаёт унга қаттиқ сабоқ берди" [4].

Роман қаҳрамонлари глобал муаммоларсиз, беҳуда, майда - чуйда ишлар билан тўлган ўз ҳаётлари билан яшайдилар. Лекин адиба уларнинг ички дунёсини маҳорат билан очиб беради. Унинг асарида маиший турмуш жараёнлари, ҳақиқий, аниқ муаммолар, характерлар, туйғулар учун катта ҳарфлар билан ёзиладиган Ҳаёт тасвирланади.

Жейн Остин романда ўзига хос образлар портретини яратиб, ўз ижодининг абадийликка юз тутишини таъминлаган ижодкор сифатида жаҳон адабиётида муносиб из қолдирди.

## АДАБИЁТЛАР

1. **Austen, Jane.** Emma // [http://www.online\\_literature.com/austen/emma/1/](http://www.online_literature.com/austen/emma/1/) (Далеецит. по этому источнику).

2. **Гениева Е.Ю.** Чудо Джейн Остин. - <http://www.philology.ru/literature3/genieva-02.htm>.

3. **Демурова Н.** Джейн Остин и ее роман «Гордость и предубеждение».

- <http://www.apropos.ru/osten/ost2/html>.

4. Интервью с режиссером Эндрю Дэвисом . - <http://www.colin-firth.ru/ed.htm>.

5. **Кеттл А.** Джейн Остин. «Эмма». - <http://www.apropos.ru/osten/ost6.html>.

6. **Чечетко М.В.** Реалистический роман Джейн Остин. Проблемы творческой эволюции: Автореф. ...канд. фил.наук. – М.:Изд-во Московск. ун-та, 1979. – С.20.

УДК: 41+8-1+416.0

**МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ФИКР ВА ТУЙҒУ УЙҒУНЛИГИ  
ГАРМОНИЯ МЫСЛИ И ЧУВСТВА В УЗБЕКСКОЙ ПОЭЗИИ В ПЕРИОД  
НЕЗАВИСИМОСТИ**

**THE COORDINATION OF MIND AND FEELINGS IN INDEPENDENCE PERIOD OF UZBEK  
POETRY**

**Орипова Гулноза Муродиловна**

*ФарДУ мустақил изланувчиси*

**Таянч сўзлар:** шеърият, таъсирчанлик, фикр ва туйғу, ғоявий-эстетик, мустақиллик даври, чуқур фалсафийлик, шеър шакли, шеърий композиция, вазн, қофия.

**Ключевые слова:** поэзия, трогательность, мысль и чувство, идейно-эстетическая, период независимости, глубокая философия, форма стиха, композиция стиха, стихосложение, рифма.

**Key words:** poetry, sensitiveness, mind and feeling, ideological, aesthetics, independence period, deeply philosophical, the shape of the poem, poetic composition, measure, rhyme.

## ADABIYOTSHUNOSLIK

*Мустақиллик даври ўзбек шеърияти чуқур фалсафий моҳияти, тасвирий ифода мукамаллиги, таъсирчан оҳангдорлиги билан ўзига хосдир. Мақолада ушбу даврда ижод этган қатор шоирлар асарлари таҳлили орқали фикр ва туйғу уйғунлиги масаласи ёритилган.*

*В данной статье на основе анализа ряда произведений рассмотрены особенности узбекской поэзии периода независимости, а именно ее глубокая философская основа, гармония чувств и мыслей.*

*The Uzbek poetry of the Independence epoch is impressive with its deep philosophical foundation, harmony of feelings and thoughts. This article reveals, through the analysis of the works, a number of poets of this period, the harmony of thought and feeling.*

**Кириш.** Мустақиллик даври ўзбек шеъриятининг ғоявий-эстетик ва бадий салмоқдорлигида фикр ва туйғу уйғунлиги, тасвирийлик, муסיқийлик, миллийлик каби жиҳатларнинг ўрни каттадир. В.Брюсов таъкидлаганидек "...шоир ўз фикрларини ифодаловчи сўз қидиради; унинг учун ниятини ва туйғуларини аниқ, равшан етказиб берувчи ифода ҳамда образни танлаш муҳимдир" [2,169]. Шеърдаги фикр, ифода салмоғи ва кўламдорлигини ошириш, миллийликни таъминлаш, умумбашарий ғоялар сингган ижод намуналарини мустақиллик даври ижодкорлари асарларида кўп учратамиз. Бу давр шеърияти инсон ички дунёси мураккабликларини табиатнинг бетакрор ранглар жилваси билан уйғун тасвирланиши, тасаввуфона фалсафанинг бетакрор талқин этилиши, модерн шеъриятига хос мазмун ва шаклий изланишларнинг ўзбек шеърияти анъаналарига қоришиқ ҳолда учраши билан характерланади. Бу давр шеъриятида шахс ва жамият, одам ва олам, шоир ва муҳит аро муносабатлардаги мураккабликлар тасвир асосини ташкил этади. Тасвирий ўзига хослик табиат ва инсон талқинидаги изчиллик, услублардаги хилма-хилликда, ҳаётийлик ва жонлилиқда кўринади.

**Асосий қисм.** Мустақиллик даври ўзбек шеъриятининг муҳим жиҳатларидан бири нозик туйғу ва кечинмаларнинг салмоқдор фикр ифодасига хизмат эттирилганлигидир. Асарнинг фикр қуввати, ҳаяжон кучини оширувчи салмоқдор сатрлар яратиш борасида изланишлар олиб борган мустақиллик даври ўзбек шоирлари қатор муваффақиятларга эришдилар.

Мустақиллик даври ўзбек шеъриятида Рауф Парфи ижодининг алоҳида ўрни бор. Ушбу ўринда Қ.Йўлдошевнинг "Рауф Парфи алоҳида олинган бир инсоннинг ички оламини тасвирлашга интилади. У ўзини танимоққа уринаётган, ўзлигини топишга интилаётган кишилар руҳиятини чизади. Р.Парфи ҳаёт ҳақиқатларини кўрсатишдан кўра, кўнгил ҳақиқатларини, руҳият чинликларини ифодалашга мойил. Ҳеч ким кўрмаган ҳолатни ҳеч кимга ўхшамайдиган тарзда кўрсатиш унинг қисмати" [4,371] деган сўзларини эслаш жоиз. Унинг ўткир қалами реал ҳаёт манзараларини бор шафқатсизлиги билан тасвирлайди. Шеърга Р.Тагорнинг "Уйғондим. Деразам зулмати ўчди, Уйғондим – мўъжиза. Мўъжизадир шул" сатрлари эпиграф сифатида келтирилган. Шеърнинг дастлабки икки бандида тушдаги ҳолат – уйқудаги оламон ҳолати берилади. Бу оламон бахтдан тўйиб кетган соқов, кишани олтиндан, бурови кумушдан, бўғзида олқишу, омон-омон.

Яна мен уйғондим, довдираб турдим,  
Кўзимда тушимнинг қўрқинч сурати.  
Ўчирдим сувратни, фалакка бурдим,  
Қани, Унинг сўзи! Қани, Қудрати?!

Қани менинг тилим тингласа биров,  
Бахтдан тўйиб кетган соқов оломон.  
Олтиндан кишани, кумушдан буров,  
Бўғзида олқиш-олқиш, омон-омон [9,261].

Шоир дардини "бахтдан тўйган" оломон тингламайди. Қўрқинч тушдан уйғонган шоир ўзга манзарани кўради:

Ниҳоят уйғондим уйқуда олам.  
Кўрпасин йиртиб ингради хотин.  
Мендан бир тўғрам нон тилади болам.

ADABIYOTSHUNOSLIK

Қандайин туганди, бу маҳшар, бу тун?  
Мен уйғондим. Салом-салом.  
Қайтиб келдим, эй ваъдаси ёлғон кун.

Ана шу тарзда ёлғонлар ичида яшаётган шоир кечинмалари ҳақиқатни улуғловчи фикр ифодасига хизмат қилади. Ниҳоят 60 ёшни қарши олган шоир хотираларга бериларкан, аччиқ хулоса чиқаради:

Қирқ йил шеър ёздим. Эй воҳ, бўлмади,  
Роса йигирма йил елдим, югурдим.  
Аммо топилмади бирор мард ношир.

Юзимни, оғзимни ёпди соқоллар  
Сомонлари тешиб чиқди теримни.  
Маймунлар йиғлади, кулди шоқоллар:  
Сичқонлар еб кетди охир шеъримни.

С.Владимиров тўғри таъкидлаганидек: “Шеърнинг образлар дунёси ўз қонунларига асосан яшайди, ҳаракат қилади. Лирикада предметлар дунёси эмас, фикр, ҳаяжон, воқеликка айланади” [3,116]. Ана шундай фикр ва туйғуларнинг уйғунлашган ҳолда воқеликка айланганини Эшқобил Шукурнинг “Тонгги бедазор” (1994) шеърда кўришимиз мумкин.

Шеърнинг

Тун қизларин биллур кўз ёши –  
Нур таратиб титрар шудринглар  
Қайда менинг ўн олти ёшим,  
Дилга киприк санчган келинлар [11,162], -

сатрларидаги лирик “мен” нинг “ўн олти” ёшин сўроқлови, “дилга киприк санчган келинчак”ни йўқлови ва уларни тополмаслиги ҳазин туйғуларни уйғотади. Шу боис, шудринглар тун қизларининг кўз ёши бўлиб туюлади. Кейинги бандда ям-яшил ҳаво – «тонг ҳурларининг хушбўй нафаси» га айланади. Лекин лирик “мен” учун гуллар ваъдаси ҳам, ўн олти наво ҳам йироқларда қолган. Оқ шудринглар сочиб, унга табассум қилган келинчакнинг энди қаердалиги ҳам номаълум. Шамолда бўм-бўш ҳалинчак тебранмоқда, марваридлар сочилган дала эса гўзаллигини ҳамон намоён этмоқда.

Шеърнинг сўнги

Тонг қизлари ям-яшил қушлар...  
Ястанади ям-яшил ҳаво.  
Энди бўм-бўш чимилдиқ тунлар,  
Энди унут ўн олти наво, -

тарздаги бандида энди ҳатто “чимилдиқ тушлар” ҳам бўшаб қолган, ўн олти наво унутилган ҳолат кечинмалари ўзига хос тарзда ифодаланган.

Фикр ва туйғунинг ўзига хос уйғунлигини Улуғбек Ҳамдамнинг “Япроқлар қўшиғи” (1998) [12,141] шеърдаги ўлим мавзусининг бетакрор талқинини кўрамиз. Шоир ўзининг кўнгил кечинмалари ва туйғуларини табиатнинг кузги манзараси билан уйғунлиқда акс эттиради. Шеърдаги барча сатрлар кичик ҳарф билан ёзилган бўлиб, биронта ҳам тиниш белгиси учрамайди.

куз  
дарахтларга боқарканман  
соғинч тўла борар кўксимга менинг

куз  
унинг олтин чехрасида  
тангри даҳосини ўқийман бетин

ўлим даҳшат эмас  
япроқларнинг сўнги қўшиғин  
она алласидек тинглай олсанг сен, -

сатрларида бандлар бошида икки бор такрорланган “куз” сўзи асосий диққатни табиатнинг хазон фаслига қаратишимиз учун хизмат қилган бўлса, сўнги бандда кузатишларнинг хулосаси, бу образ орқали туғилган шоир фалсафаси аён бўлади. Ушбу ўринда Асқад



ADABIYOTSHUNOSLIK

Мухторнинг “Ўлимдан бир умр кўрқамиз, у эса бир келади. Қайси бири ёмон?” [5,22] деган сўзлари ёдимизга келади. Юқоридаги шеърда лирик “мен”нинг дарахтларнинг кузги ҳолатига боқиб, соғинч туйғуларига чўмишида, дарахтларнинг “олтин чехраси”да Тангрининг ҳукмини англашида, япроқларнинг сўнги қўшиғида она алласини ўқишида Ойбекнинг “Танҳо кезиб, мириқиб думалаб, Севинч билан ерни ўпаман. Дейман: кўп соз меҳрли она, Қучоғинга бир кун қайтаман...” [8,113]тарздаги сатрларнинг таъсирини ҳам кўрамиз. Улуғбек Ҳамдамда “Япроқларнинг сўнги қўшиғи” она алласи бўлиб туюлса, Ойбекда ер она қиёфасига кирган. Улуғбек Ҳамдамнинг “Акам хотирасига” (2000), “Ўлим машқи” (2005), “Яна акам хотирасига” (2005), “Ўғлим Муҳаммад хотирасига” (1997) шеърларида ўлим мавзуси ўзига хос тарзда ёритилганлигини, фикр ва туйғу уйғунлигидаги бетақор талқинларни кўрамиз. Уларнинг бирида “кўзин қораси” фарзандини “борса келмас” йўлга кузатган отанинг туйғу-кечинмалари

Сен кетдингу мен қолдим бунда,  
Сен руҳдирсан, мен хароб-дайди!  
Бир хушхабар кутаман кунда,  
Бир шумхабар боримни ейди.

Барибир мен интиқ яшайман,  
Ўув олдинда бор каби шафқат.  
Сен қайтмайсан!

Мен йўлга шайман,  
Қолмади-ку руҳимда тоқат!.. [12,51]

тарзда ифодаланади. Юқоридаги сатрларда отанинг фарзандга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларига уйғун ҳолда унинг умр ва ўткинчилик, руҳ ва жон, борлиқ ва йўқлик ҳақидаги фалсафий фикрлар ўз ифодасини топган. Шеърнинг сўнги сатрлари эса неча авлодларни ўйга толдириб келаётган мангу савол билан яқунланади:

Сени ютган мудҳиш у жарга  
Ўзни отгум – шубҳалар битсин!

Ўзни отгум билайин, токи,  
Ўлим сени халос этдимми.  
Мусибатдан, гуноҳдан ёки  
Гул умринга завол битдимми?

Мана, ҳамон янграр мусиқа,  
Ёдинг каби дардчил, хаёлваш.  
Қўлим силтаб дағал дунёга  
Ўзурунганга учсайдим яккаш.

Етарманми муродга ўғлим?  
Етказарми муродга, ўлим?!.. [12,51-52]

Шоирнинг кейинги икки шеърда эса уканинг акага бўлган соғинч туйғулари ҳаёт ва ўлим, айрилиқ ва висол, умр ва таназзул ҳақидаги фалсафий фикрлар билан уйғунликда талқинини топади.

“Акам хотирасига” (2000) шеърининг

Қор ёғар  
Кўнглимга соғинч ёғар.  
Хотиралар тош бўлиб,  
Бошимга ғуж-ғуж ёғар.

Қор ёғар...  
Кўзларим қорга оқар,  
Алвидо, жигарбандим!  
Йўқлигинг бағрим ёқар...[12,167]

сатрларидаги қор ёғиш манзаралари тасвири билан уйғун ҳолдаги шоирнинг ҳазин туйғулари ўлимнинг муқаррар эканлиги ҳақидаги фикр билан муштарак намоён бўлади:

Қор ёғади... Гуллайти бодом...  
Йиллар ўтар – ўлим силтайди.

ADABIYOTSHUNOSLIK

Фақат ўша ... беради ором,  
Чунки ўша ... сизга элтади!..

Ҳа-ҳа, олдда бордир учрашув,  
Бордир ўша сиз кутган дийдор!..  
Бағрингизга бошим қўйсам, дув  
Тўкилади дунёси озор... [12,170]

Ана шу тарзда “дунёи озор”, “одамсурат ҳайвонсийратлар” дан зада бўлган, “майда ташвиш”, “кичик мақсадлар” гирдобидаги шахснинг кечинмалари “алпқомат”, “алпдил” акага бўлган соғинч туйғулари билан уйғун ҳолда юзқўрсатиб, “У дунёда кичрайган юрак, бу дунёда боргай юксалиб” деган ғояни ифодаланишига хизмат қилади. Улим мавзусининг ўзгача – юморга йўғрилган хулосага уйғун талқинини Анвар Обиджоннинг “Рухлар” (2006) шеърида кўрамиз:

Ҳеч Муҳаммад Юсуфга  
Тинчлик бермас ўй-хаёл.  
Неча вақтки  
Бошида –  
Айланади бир савол...[6]

тарзда шеърни ўзига хос тугун билан бошлайди. Шеър сўнгида ушбу шоирни “қийнаган” саволнинг жавоби аён бўлади:

Кўриб Аъзам Ўктамни  
Қучоқлашди, ўпишди.  
Сўнг сўради:  
- Ошнажон,  
Мени...қайга қўмишди? –

тарздаги бу дунёни тарк этган шахс учун аҳамиятсиз бўлган савол шеърхонда беихтиёр кулги қўзғатади. Ушбу ўринда Лев Озеровнинг Анна Ахматова ҳақидаги “Ахматовадаги сиқиклик – поэтик жиҳатнинг муҳим услубий қирраси ва таркибий қисми ҳисобланади” [7,186] деган сўзларини Анвар Обиджон ижодига ҳам тўла татбиқ этиш мумкин. Шоир умр фалсафасини сиқик ифодаларда лўнда фикр билан акс эттиради.

Фоний дунё - Нухни сотган жонбозор,  
Умринг молдир, ҳар бир лаҳза – жонфуруш.  
Аҳлингни йиғ, ҳоврингни бос, бўл иқрор:  
Бугунинг – буғ,  
Эртанг – сароб,  
Кечанг – туш [6,326] -

сатрларида умринг – бу дунёнинг орзу-ҳавасларида маъно йўқлигини ўзига хос ифодаланганлигини кўрамиз. Ёки Фарида Афрўзнинг “Қўқон шамоли” (2009) шеъридаги шоиранинг она юртига бўлган муҳаббат туйғулари ифодаси юртнинг бетакрорлиги ҳақидаги фикр билан унга бўлган соғинч туйғулари ифодаси муштараклигида ёритилганлигини кўрамиз

Бу ерда ҳар неки, тўқис, сарҳисоб,  
Маданият барқ урар, ҳар иш маъноли  
Нима ҳам дер эдик, пойтахт – пойтахт, яна,  
Бир сен етишмайсан,  
Қўқон шамоли.  
Сен дув-дув тўкасан, мева қуртласа,  
Сен заиф илдизнинг, мўртнинг заволи.  
Сен борсан, синов бор, имтиҳон, жазо,  
“Азамат пешвоси” –  
Қўқон шамоли [1,72]

тарздаги сатрларда “Қўқон шамоли” адолат тимсолига айланади. Шунингдек, у “адолат пешвоси”дир. Бошқа бир шеърида эса шоира инсон тарбияси билан боғлиқ азалий масалалар ҳақида сўз очади. Ҳазалда барча учун оддий ҳолатга, одатга айланган, лекин жиддий мулоҳаза қилиш керак бўлган масалалар ҳақида фикр юритилади. Шоир фикрича, она ер қолиб осмон билан овворамиз; сарсон висол, саргашта ишқ қолиб, ҳижрон билан

## ADABIYOTSHUNOSLIK

овворамиз; теграмиздаги ҳур малаклар - сингил, ёр қолиб, шайтон билан овворамиз; мезбон отамиз, онамизни зор этиб, меҳмон билан овворамиз; ҳар мушкулотга ечим, дилдош яхшилар қолиб, ёмон билан овворамиз; ҳақ қолиб, иймон қолиб, ёлғон билан овворамиз; кўнгли уммон кимсаларга роз, шукрон айтишни унутиб, тўғон билан овворамиз...

Шеърнинг сўнги байтларида фикр ва туйғулар уйғунлигидаги салмоқдорлик янада юксак босқичга кўтарилади:

Бизни Ҳақ ҳур айлади,  
нур айлади, озод этиб,  
Ҳар тарафга қулф уриб,  
Қўрғон билан овворамиз.  
Ҳар кишики, кўзи очдир,  
Кўр қилар, тўзони ганж,  
Йўл кўрсатар сарбон қолиб,  
Карвон билан овворамиз [1,196]

сатрларида шоира китобхонни умр мазмуни, яшашдан муроду мақсад ҳақида фикр юритишга чорлайди.

Рауф Субҳоннинг “Шахмат хаёллар” шеърдагисўзларнинг ўзига хос товланиш-ларига асосланган сатрлар бизни тафаккурга чорлайди:

Кўксинг ёқар сўздайин:  
“Йўловчи” дан “Йўл” қолди.  
“Болалик” дан “Бол” қолди,  
Ўйламайин, ёзмайин:  
“Ҳаловат” дан “Ҳол” қолди.  
Қалбингга ишқ боғланди,  
Ўлмас ишлар дардида.  
“Балоғат” дан “Боғ” қолди,  
Тупроқ ҳам хўп ийланди,  
Миқ этмаган “Тоғ” қолди, -[10,97].

тарзда шоир шеър бандлари давомида ўз фикрини давом эттиради “Диёнат” дан “Дин”, “Интизор” дан “Ин” қолганлиги ҳақида шоир сўзлар экан, сўнги хулоса сўзнинг абадийлиги, инсон жисмининг ўткинчилиги ҳақидаги

Кўнгил куйган сўзлардан:  
Не умидлар бор эди –  
“Изтироб” дан “Из” қолди,  
Бу ҳаёт – боғ, гардида  
“Сўзон” лардан “Сўз” қолди,-

тарздаги сатрларда акс этади. Ёки шоирнинг табиат манзараси акс этган куйидаги шеърда оний ҳолатдан туғилган туйғу-кечинмалар умрни улуғлаш, унинг қадрига етиш ҳақидаги фикр учун асос бўлиб хизмат қилади. Шеър шартли икки қисмдан иборат. Биринчи банд шеърнинг биринчи қисмини ташкил этиб, унда табиатнинг гўзал манзараси тасвирланади:

Соҳилда хаёллар дарёдай жўшар,  
Ниначилар учар, капалак шошар.  
Тебраниб туради кўнгил гуллари  
Қушлар сайрар, мавжли тўлқинлар тошар, - [10,231]

мисраларида мавжли тўлқинларнинг шовиллаши, гулларнинг тебраниши, ниначи ва капалакларнинг рангин товланишлари оний ҳолатлари билан аксини топган. Кейинги сатрларда умрни эъзозлаш ҳақидаги фикр

Ҳатто, қайроқтошда жон зоҳир бўлар,  
Бу тонгни чизолмас бирон мусаввир.  
Нохуш хабарлар ҳам гўзал ўранган,  
“Ҳаётни сев!” – дейди, бу шивир-шивир...

тарзда ифодаланади.

ADABIYOTSHUNOSLIK

**Хулоса** қилиб айтганда, мустақиллик даври ўзбек шеърятининг ғоявий-эстетик ва бадиий жиҳатдан таъсирчанлигини таъминлашда фикр ва туйғу уйғунлиги сингган тасвирий ифода ҳамда воситаларнинг ўрни каттадир.

АДАБИЁТЛАР

1. **Афрўз Фарида.** Ўша кун – бугундир. Сайланма. – Т.: Sharq, 2013. – 384 б.
2. **Брюсов В.** Ремесло поэта. – М.: Современник, 1981. – 316 с.
3. **Владимиров С.** Стихи образ. – Л.: Сов. писатель, 1968. – 159 с.
4. **ЙўлдошҚозоқбой.** Ёниқ сўз. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 548 б.
5. **Мухтор Асқад.** Уйқу қочганда. – Т.: Маънавият, 2005. – 48 б.
6. **Обиджон Анвар.** Танланган шеърлар. – Т.: Sharq, 2006. – 460 б.
7. **Озеров Л.** Работа поэта. – М.: Сов. писатель, 1963. – 336 с.
8. **Ойбек.** Мукамал асарлар тўплами. Ўн тўққиз томлик. Иккинчи том. – Т.: Фан, 1975. – 471 б.
9. **Парфи Рауф.** Туркистон руҳи. Сайланма. – Т.: Sharq, 2013. – 320 б.
10. **Субҳон Рауф.** Инонч. – Т.: O'zbekiston, 2015. – 312 б.
11. **Шукур Эшқобил.** Ҳамал айвони. – Т.: Шарқ, 2002. – 320 б.
12. **Ҳамдам Улуғбек.** Сени кутдим. – Т.: Фан, 2007. – 232 б.

УДК: 8.808.042

ҲАЖВИЙ ҚАҲРАМОН ТАШҚИ ҚИЁФАСИНИ ТАСВИРЛАШДА МОНОЛОГИК НУТҚНИНГ ЎРНИ (АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ АСАРЛАРИ МИСОЛИДА)

РОЛЬ МОНОЛОГИЧЕСКОЙ РЕЧИ ПРИ ИЗОБРАЖЕНИИ САТИРИЧЕСКОГО ПЕРСОНАЖА (НА ПРИМЕРЕ ПРОИЗВЕДЕНИЙ АБДУЛЛЫ КАДИРИ)

THE ROLE OF A MONOLOGIC SPEECH WHILE DEPICTING A SATIRICAL CHARACTERS (ON THE EXAMPLES OF WORKS OF ABDULLA KADIRY)

Турсунова Фаридахон Ғаниевна

*Фарғона политехника институти ўзбек ва рус тиллари кафедраси катта ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** қаҳрамон, нутқ, поэтик ният, ҳажвий қаҳрамон, образли ифода, индивидуаллик, ташқи қиёфа, руҳий ҳолат.

**Ключевые слова:** герой, речь персонажей, поэтический умысел, сатирический герой, образное выражение, индивидуализм, внешний облик, душевное состояние.

**Key words:** hero, speech, poetic wish, satirical hero, figurative, exspress, personality, appearance, emotional state.

*Мақолада ҳажвий қаҳрамон ташқи қиёфасини тасвирлашда А. Қодирийнинг монологик нутқдан фойдаланиш маҳорати ҳақида фикр юритилган. Характернинг ташқи ҳолат ўзгаришлари портрет чизгилари, деталлар, сўзлаш оҳанги орқали очиб берилганлиги мисоллар ёрдамида таҳлил этилган.*

*В данной статье описывается умелое использование писателем А.Кадыри монологической речи при изображении внешнего облика сатирического персонажа. На основе примеров проанализировано изменение характера через линии портрета, детали, и интонации.*

*This article describes the skillful use of monologic speech by the writer A. Kadiri when depicting the appearance of a satirical character. With the help of examples, an analysis is made of the disclosure of the change in the external state of character through the portrait lines, details, and intonation.*

**Кириш.** XX аср халқимиз тарихида ўзликни англаш, миллий уйғониш даври бўлди. Бу давр бир қатор фидокор ва заҳматкаш кишиларни яратдики, улар ўзларининг самарали ҳаёт йўли ва ибратли асарлари билан Ватанга бўлган садоқатлари, одабийликлари ва инсонпарварликлари туфайли ўз халқининг қалбидан чуқур жой олди.

## ADABIYOTSHUNOSLIK

Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало, халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ” [1]. Чиндан ҳам бундай сиймоларни хотирлаш, улар қолдирган маънавий меросни асраб-авайлаб келажакка қолдириш адабиётшунослар зиммасидаги буюк масъулиятдир. Айниқса, ўзбек реалистик адабиёти тарихида ўчмас из қолдирган, унинг равнақиға салмоқли ҳисса қўшган, қисқа умри давомида ўз халқи ва адабиёти учун ғоят катта маънавий-маърифий, бадиий-эстетик аҳамиятга молик асарлар ёзиб қолдирган Абдулла Қодирий шахсини, унинг ижодини ўрганиш барчани бирдек қизиқтирадиган мавзудир. Адиб ҳаёти ва ижодий мероси тадқиқига оид ўзбек адабиёт-шунослари томонидан кўплаб илмий изланишлар олиб борилган [2], лекин ҳажвий асарларида монологик нутқнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаш масаласи кам ўрганилган бўлиб, адабиётшунослик олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Абдулла Қодирийтаваллудининг 125 йиллигини кенгашонлаш тўғрисида”ги фармойишининг эълон қилиниши ҳам ўзбек халқининг буюк адибига бўлган эҳтироми намунаси дир.

**Асосий қисм.** Абдулла Қодирий ўзбек халқи тарихи, урф-одатлари, руҳияти ва турмуш шароитларига узвий боғланган ғоят бой, ҳаётимиз кўзгуси бўлган ҳажвий асарлари билан ўзбек адабиёти тараққиётига улкан ҳисса қўшди. Адиб ижодда ўзининг алоҳида овозига эга бўлган истеъдод эгаси, серқирра ижод соҳибидир. У ўз ҳажвияларида кулги яратишнинг турли йўлларида усталик билан фойдаланади. Ёзувчи олдидан халқ оммасининг фикр-туйғулари, орзу-умидлари, кўнгил кечинмаларини бадиий-эстетик тарзда баён этади, миллий колорит яратиб, жамият тараққиётига тўсқинлик қилувчи ижтимоий иллатларни қоралаш орқали ўша давр руҳини беришда қаҳрамон монологига мурожаат этади.

Ҳажвияларда монологик нутқнинг ўрнини белгилаш ҳақида баҳс юритар эканмиз, энг аввало, монолог ҳақида тўхталиб ўтишни жоиз деб билдик.

Монолог (грек.-*монос* – бир, *логос* – сўз, нутқ деганидир) бадиий нутқ типларидан бири бўлиб, тор маънода олганда, бадиий асарда иштирок этувчи қаҳрамонлардан бирининг ўз-ўзига, суҳбатдошига ёки оммага қаратилган нутқидир. Кенг маънода олганда, муаллиф нутқининг ўзи монолог асосига қурилган бўлади. Шу жиҳатдан ҳар бир бадиий асар яхлит олганда улкан монологдан иборатдир, – дейди адабиётшунос Й.Солижонов [3, 64].

Монологик нутқда сўзловчи ўзига маълум бўлган воқеа-ҳодисалар, ўз ички кечинмалари ҳақида маълумот беради. Бундай нутқ тингловчиларни суҳбатга фаол аралашувга ундамайди: улардан айтилганларга жавоб талаб қилинмайди.

Абдулла Қодирий ҳажвияларида бадиий тасвирни аниқ, ихчам, индивидуал, холис бериш вазифасини олдиға мақсад қилиб қўяди. Бу улкан вазифани ҳал этиш жараёнида ёзувчи қаҳрамон монологи орқали ўз-ўзини фош этиш йўлини танлайди. Иззат Султоннинг фикрича, «Абдулла Қодирий салбий характерларни тасвирлаш орқали ижобий ҳодисаларни тасдиқ этади», «ёзувчи мустабид тузум давридаги ижобий ҳодисаларни шу ҳаётда эскилик сарқити бўлган салбий персонажлар орқали тасвир этади» [4, 345]. Адибнинг сатирик ва юмористик асарларига юксак баҳо бериб, ўлмас ҳажвий типлар яратганини тан олган Ойбек, “катта ҳажвий ёзувчи”, “кулги, юмористик асарларида равшан типлар чиқарди”, – дея эътироф этади [5, 95]. Ҳажвий характерлар табиатига, ҳажвияларининг асл моҳиятиға реалистик санъат мезонлари асосида муносабатда бўлишға даъват этган адабиётшунос У.Норматов: “Қодирий буюк сўз усталарига хос реалистик тасвирнинг сеҳрли қудратини кўрсатади, ҳаттоки ҳажвий персонажлар талқинида ҳам бир хилдаги ранг, оҳанглардан қочиб, бўёқларнинг ранг-баранг жилоларини намоён этди» [6, 83], – дейди.

Ёзувчи ҳажвиялари тўлалигича қаҳрамон монологи асосига қурилган. У мақсад ва интилишларини персонаж нутқи орқали очиб беради. Чунки муаллиф фикрини ўзига олган қаҳрамон нутқи аслида ўз йўналишини йўқотмайди ва ўзига хос оҳанг ҳамда интонацияларни сақлаб қолади. Унинг нутқида намоён бўлган тасвир жозиба кучи билан

## ADABIYOTSHUNOSLIK

китобхонни ўзига мафтун этади. Адиб тасвирда нутқни халқ тилига ниҳоятда яқинлаштиради. Инсонлар онгида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш учун, уни қандайдир бошқа танишроқ нарса-ҳодисага ёхуд унинг белгиларига ўхшатиб, ёрқинроқ, аниқроқ қилиб кўрсатади. “Калвак маҳзумнинг хотира дафтаридан” асаридagi реалистик ҳажвий характердаги образ – Калвак ҳам кулгили, ҳам фожеали образдир. Шу сабабли китобхонда гоҳ ним табассум, гоҳ аччиқ кинояли, гоҳ фош этувчи кулгу алмашиб туради. Масалан, Калвакнинг кўриниши ўз тилидан қуйидагича тасвирланади: «... **назир бошим кесак қисқон қовундек қийшиқ бўлиб, жовдирлоғон кўзим қассобдан эт олиб, баққол билан муомала қилатурғон даражага етибдур. Аммо фақирнинг қорни кундан-кунга ғовлаган торвуздек ўсиб, бул маънидин падар бирлан волида “боламиз қорин сола бошлади”, деб бениҳоят хушнуд бўлар эканлар**[7, 250].

Бу қиёфа, энг аввало, муаллифнинг персонажга муносабатини аниқ ифода этган. Қодирий бунда **кесак қисқон қовун, эт, ғовлаган торвуз** каби деталь ва ташбеҳлардан фойдаланишининг боиси шундаки, бу деталлар китобхонга ҳажвий персонаж қиёфасини аниқ, ёрқин, жонли тасаввур қилиш имконини бериш билан бирга унда кучли кулги ҳамда ачиниш ҳиссини кўзғатади. Маҳзумнинг ўз нутқи орқали берилган мисолларда унинг болалигида бир ерда ётаверганидан, бошининг **кесак қисқан қовунга** ўхшаб кетганлиги, олти ёшгача юрмай, бир ерда ўтириб тинимсиз овқат истеъмол қилганидан, қорни тарвуздек катта бўлиб кетганлиги **ғовлаган тарвузга** ўхшатилиши ўта кулгили ҳол бўлиб, китобхон кўз ўнгида полизда думалаб ётган қийшиқ қовун ва палак ёзиб ғовлаб кетган тарвуз гавдаланиб, ўқувчида аниқ тасаввур уйғотади.

Абдулла Қодирий қаҳрамонларининг ташқи қиёфасидаги ачинарли кўринишни бўрттириб кўрсатишда муболағадан ўринли фойдаланади:

... **Агарда ўзингизга ҳам чечак чиққан бўлса сезарсиз: мисоли юзингиз ғалвирак бодом... Аммо фақирнинг юзимда баъзи чандиқлар ҳам зуҳурга келгани учун гўёки ҳусни Юсуф бизда хотима топди... агар сиз бир ҳовуч тариқни юзимизга қаратиб сепсангиз-да, бир дона ерга тушса, биз бенават**» [7, 250-254].

Юқоридаги мисолларда ўта зийраклик ва бадиий дид билан танланган бундай эталонлар тасвир объектини янада ойдинроқ ёритиш имконини беради. Адиб жамиятдаги қоқ, жирканч дин уламосининг болалигидан ачинарли қисматни бошидан кечирганлигини ўз тасвири орқали очиб берган.

**Бул касалим асносида чўб-устихон бўлуб, самоварнинг ичидан кўринатур-ганажива аксдек бўлуб, кишилар ҳазар қилатурғон даражага етуб, меъдам хазимадан қолуб, таом ботмай, аммо эндиликда волидаи муҳтарамайн фақирни юрмасданок тинчгина егулигимни еб, ўлтуришимгагина рози бўлғон эдилар**[7, 252].

Маҳзумнинг олти ёшида қадам босиши муносабати билан ўтказилган «оёқ тўйи»да нафсини тиёлмай, қозонга ташланган эчкининг гўштини тўйиб егани, меҳмонлар ушатган туршак, магиз, қуртларни паққос тушириб, юролмай қолиб, ичи кетиши, кўнгил айниш касаллигига чалиниши, бунинг эвазига эти суягига ёпишиб қолганлигини тасвирлаш орқали китобхонда ачиниш ҳиссини уйғотади. Адиб ҳажвияларида қаҳрамон ташқи қиёфасини янада чуқурроқ очиш, қирраларини бўрттириб кўрсатиш учун ўзларига таниш бўлган нарсалардан фойдаланиб, тасвирга катта ўрин беради. Бундай деталлаштирилган предмет орқали қаҳрамоннинг кимлиги ва қандайлиги китобхонга янада аниқроқ кўринади.

Абдулла Қодирий қаҳрамон ташқи қиёфаси тасвири орқали жамиятдаги ўзгаришлар ва янгиликларни қабул қилолмай довлдираган, ақли етмайдиган ишда ҳам ўзини “билағон” қилиб кўрсатувчи Калвакнинг болалиқдан шўр пешона бўлганлиги, ота-онаси бағрида “қоғозда асролғон қанддек” улғайиб, мударрис ота паноҳида мадрасада шалтоқ ишларга аралашиб юрган маҳзумнинг ички дунёсини очиб берган.

Абдулла Қодирий ижодида қаҳрамонларнинг ташқи қиёфаси билан ички дунёсини уйғун тасвирлаш принципи ёрқин кўринади. Маҳзум ўзининг ташқи қиёфасини кулдириб тасвирлаш орқали ўз ички дунёсини яққол ойнадек кўрсатиб беради. Бу тасвирлар одатий тасвир эмас, теран фалсафий ва эстетик маъноларни сингдирган, ўқувчини ўзига хушёр торттирадиган деталлар воситасида ёритилган. Ёзувчи бу усул ёрдамида асарнинг ҳаётийлиги ва бадиийлиги даражасини ошириб, кўзлаган мақсадига эришади, юраги қатларида яшириниб ётган армонларини очиб ташлайди. У қаҳрамонлари характерини ва

## ADABIYOTSHUNOSLIK

дунёкарашини ёрқин бўёқларда акс эттиради. Қаҳрамоннинг қувончу ғамларини тасвирлаш орқали ўқувчининг ақл-идроки ва сезимларини ишғол қилади. Характернинг ташқи ҳолат ўзгаришлари, портрет чизгилари, ташқи қиёфа деталлари, руҳий ҳаётнинг нафаси билан қаҳрамоннинг сўзлаш оҳанги, персонажнинг рангин нутқи орқали очиб берилган.

Ҳажвий қаҳрамон ташқи қиёфасини ёритишда монологик нутқнинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, бунда ёзувчи қаҳрамон нутқи орқали давр иллатларини рўйи-рост очиб ташлайди. Бунинг қулайликлари:

биринчидан, сўз тежалади; ҳажвий персонаж ўз нутқи, қилиқлари билан кулги қўзғатади, лекин кулги бўлаётганини ўзи сезмайди;

иккинчидан, қаҳрамон нутқи орқали китобхонда кулгу қўзғатиш муаллиф нутқига қараганда кучли бўлади;

учинчидан, қаҳрамоннинг ўзини тутиши, ўз-ўзини масхаралаши ўқувчига қизиқ туюлиб, асарнинг бадиий-эстетик таъсир кучи ортади;

тўртинчидан, сўзни персонажга бериб қўйиб муаллиф ўз шахсини қаҳрамонга, воқеа-ҳодисаларга субъектив муносабатини ифодалайди;

бешинчидан, ёзувчи асар қаҳрамоннинг ички кечинмаларини рўйи рост очиб, персонажнинг индивидуал хусусиятини очишга муваффақ бўлади.

**Хулоса.** Ҳажвий қаҳрамон ташқи қиёфасини тасвирлашда монологик нутқнинг ўрни шундаки, бунда ёзувчи кулиб туриб ҳаётнинг мунгли, аянчли ҳақиқатини ўзи иштирок этмай туриб, қаҳрамон руҳиятига мос тасвир деталлари орқали қойил қилиб айта олган, шу билан образлилик, индивидуаллик фазилатларини кашф этган.

Ниҳоятда аниқ, сермаъно сўзлар орқали образли ифодаларни яратади, ҳис-туйғулар бўёғи билан тўйдирилган бу образлилик ўқувчига кучли таъсир этади, хотирасига маҳкам муҳрланиб қолади. Чунки у бир йўла кўргазмалилик, манзаралар гўзаллиги, аниқлик, предметлилик хусусиятларини ўзида мужассам этади. Худди мана шу ҳолис тасвирнинг индивидуаллиги ва такрорланмаслигини таъминлайди.

## АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 3 августдаги мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” мавзусидаги нутқи. [uza.uz/ .../ adabyet-va-sanat-madaniyatni rivojlantirish-khal-](http://uza.uz/.../adabyet-va-sanat-madaniyatni-rivojlantirish-khal-)

2. **Мирзаев И.** Абдулла Қодирийнинг ижодий эволюцияси. – Т.: Фан, 1977. – 150 б., Раҳимов А. Қодирийнинг адабиётга қарашлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1994. – №4. – Б. 28-32. Мирзаев И. Жулқунбойнинг илк ҳажви ҳақида мулоҳазалар. “Адабий мерос”, 3-китоб, – Т.: Фан, 1973, Собиров О. Сарчашма адиб ижодида. – Т.: Фан, 1975. – 68 б. Қўшжонова М. Қодирий – эркисизлик қурбони. – Т.: Фан, 1992, – 96б. Махсумхонов С. Абдулла Қодирий ижодида ҳажвий характер муаммоси. ф.ф.н. диссер. – Т., 1997. – 142 б. Абдусаматов Ҳ. Ҳажвия назарияси. (А. Қодирий таваллудининг 100 йиллигига бағишланади) “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1994 йил 16 сентябрь. Худойкулов М. Ўзбек ҳажвий публицистикасининг шакилланиши ва ривожланиш тамойиллари. Фил.фан.док., автореф. – Т., 2001. – 36б. Каримов Б. XX аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси. (Қодирийшунослик тимсоли) ф.ф. д. диссер. – Т., 2002.; Мирвалиев С. Абдулла Қодирий. – Т.: Фан, 2004. – Б. 176-198.

3. **Солижонов Й.** XX асрнинг 80-90-йиллари ўзбек насрида бадиий нутқ поэтикаси. ф.ф.д.дисс. – Т., 2002. – 302 б.

4. **Султон И.** Танланган асарлар, 4 томлик, 2-том. – Т.: Адабиётвасанъат, 1972. – 424 б.

5. **Ойбек.** Асарлар. Ҳафт томлик, 9-том. – Т.: Адабиётвасанъат, 1974. – 352 б.

6. **Норматов У.** Сержилокулги // Шарқюлдузи. – 1991. - №3. – 014. – 880 б.

7. Мисоллар: Қодирий А. Танланган асарлар. – Т., 2.

UDK: 894.375(12)(092)

QAHRAMON XARAKTERINI YORITISHDA BIOGRAFIK METODNING ROLI

РОЛЬ БИОГРАФИЧЕСКОГО МЕТОДА ПРИ ОСВЕЩЕНИИ ХАРАКТЕРИСТИКИ ГЕРОЯ

THE ROLE OF THE BIOGRAPHICAL METHOD IN CHARACTERIZING THE CHARACTER OF THE HERO

**Qobulova Nodira Bahodirovna**

*Navoiy davlat pedagogika instituti Boshlang'ich ta'lim kafedrasida o'qituvchisi*

**Tayanch so'zlar:** biografikmetod, nuqtayinazar, yozuvchihayoti, asarqahramonlari, xarakterdagiyaqinlik, personajlartili

**Ключевые слова:** биографический метод, точка зрения, жизнь писателя, герои произведения, сходство характеров, язык персонажей.

**Key words:**biographical method, outlook, the writer's life, heroes of work, proximity of character, language of personages.

*Maqolada yozuvchi yaratgan asarlar va qahramonlar tabiatini yoritish va tahlil qilishda biografik metodning roli xususida so'z yuritilgan.*

*В статье идет речь о произведениях созданных писателем, а также о роли биографического метода при освещении и анализе героев произведений писателя.*

*The article deals with the role of biographical method in the lighting and analysis of the nature and creativity of the writer.*

Yozuvchining hayotga yondashuvi, nuqtayi nazari, turmushga, adabiyotga, davrga, odamlarga bo'lgan qarashlari u yaratgan asarlar va qahramonlar tabiatida u yoki bu tarzda namoyon bo'ladi. Erkin A'zam adabiy suhbatlari, intervyulari, turli munosabatlar bilan yozgan xotiralari, publisistik chiqishlarida hayot, adabiyot, kino, teatr san'ati, davr va qahramon muammolariga ko'p bor e'tibor bergan. Shular asosida yozuvchi ijodiga biografik metod tamoyillariga muvofiq yondashish ushbu tadqiqotimizga boy material bera oladi.

“Biografik metod ijodkor tarjimai holining oddiy xronologik tavsif va tasnifi emas, - deb yozadi adabiyotshunos Bahodir Karimov. – Yozuvchining tug'ilgan vaqti, yashagan joyi yoki muhiti, asarlarining yozilgan yili va nihoyat, ijodkorning vafot etgan yili – bularning bari biografik ma'lumotlar hisoblanadi. Biografik metod esa yozuvchi va badiiy asar jufligiga asoslanadi” [4,18]. Chindan ham, “biografik metod adabiyotni shunday o'rganish usuliki, bunda yozuvchi biografiyasi va shaxsiyatiga badiiy ijodning asosiy belgilovchi momenti tarzida qaraladi” [5, 54].

Professor Abdug'afur Rasulov “Hol tarjimasidagi saktalik va soxtaliklar” maqolasida yozuvchi biografiyasi bilan uning asari orasidagi uzviy bog'lanish, ruhiy yaqinlik ahamiyatiga alohida e'tibor qaratadi: “Yozuvchi holati va ijodi orasida uzviy bog'liqlik bor... Har qanday asarda yozuvchi ruhi, holi, qalbi aks etadi. Asarlari sinchiklab o'rganilsa, ular yozuvchi holati, ruhiyati haqida ko'p narsalar so'zlab beradi” [6, 27].

Voqelikka, u yoki bu masalaning mohiyatiga boshqacha qarash, aqidaga aylangan qarashlarga qarshi fikr, jamiyat uchun mezonga aylangan rusumlarga kinoya bilan qarash odatda o'jarlik, qaysarlik deb baholangan.

Masalaga shu jihatdan yondashadigan bo'lsak, Erkin A'zam yaratgan Asqar, Berdiboy, Nuriddin Elchiyev, Bakir, Zabarjad, Bahrom, Bolta Mardon, Farhod Ramazon va boshqa bir qancha asosiy qahramonlar xatti-harakatida, o'y-fikrlarida, muayyan masalaga munosabatlarida muallif xakteri va nuqtayi nazarining ta'siri sezilib turadi. “Piyoda”dagi Berdiboy hamda “Atoyining tug'ilgan yili”dagi Asqar o'rtasida ancha yaqinlik bo'lsa-da, bu xarakterlar har biri o'zga sharoit-u muhitda o'sib, yashaydi. Shartakilik, o'jarlik, ko'nikmaga aylangan tushuncha va hodisalarga nisbatan injiqlik, ko'pchilikka andishasizlik bo'lib tuyuladigan xususiyatlari ularni birlashtiradi. Muallif Berdiboy obrazi vositasida BUGUNGA KECHANing ko'zlari bilan qaraydi, Asqar timsolida esa BUGUNGA BUGUNNING qarichi bilan yondashadi.



## ADABIYOTSHUNOSLIK

Zabarjad obrazi bilan “Qarzdor”dagi Bahrom o’rtasida ham shunday bir yaqinlikni ko’ramiz. Zabarjad ham, Bahrom ham ko’pchilikning xizmatini bajaradi, ikkovida ham andak “tili zaharlik” bor, tabiatan samimiy. Zabarjad tasvirida lirik romantik kayfiyat, Bahrom obrazida o’ta realistik chizgilar ustuvor. Zabarjad oilali bir erkakni sevadi, Bahrom beva Fayzixolga ko’ngil qo’ygan.

Shunday yaqinlikni Nuriddin Elchiyev va Bakir obrazlarini qiyoslaganda ham ko’rish mumkin. “Jannat o’zi qaydadir” asaridagi Domla hamda “Suv yoqalab”dagi Bolta Mardon ham ma’lum xarakter belgilari, hayotga munosabatlari, yurish-turishlari bilan bir-biriga yaqinlashgan qahramonlar.

Ko’rib o’tganimizdek, bu xarakterlarning yaqinlik belgilari anchagina bo’lsa-da, biroq ular egizakdek o’xshash, ya’ni qiyofadosh emas. Har biri o’ziga xos hayot yo’li va individual xarakter belgilariga ega. Ayni shu qahramonlar yozuvchining estetik qarashlari va nuqtayi nazarini o’zida aks ettirgan xarakterlar sifatida e’tiborni tortadi.

Erkin A’zam Muxtasar Tojimatova bilan suhbatida “Kechirasiz, o’rtoq muallim!” qissasi to’g’risida shunday deydi: “Shu qissani o’qib ko’rsangiz ham bilasizki, bolaligimda men rostdan ham injiq, bir aytgan so’zidan o’lsa qaytmaydigan qaysar bola bo’lganman. Kattasiga ham, kichigiga ham bor gapni dangal aytardim-qo’yardim” [3, 267].

Yuqorida ko’rib o’tilgan qaysi bir qahramon “injiq”, “o’jar”, “dangalchi” emas. Ularning barchasiga muallif xarakteridan, tabiatidan, gapirish uslubidan, dunyoqarash va nuqtayi nazaridan nedir “yuqqan”. Biroviga ko’proq, biroviga kamroq. Bu borada Asqar va Berdiboyning “bahramandlik” darajasi yuqoriroq.

- Bolaligingizda qanday edingiz?.. degan savolga yozuvchi adabiy suhbatda shunday javob beradi: “Shoirona aytganda xayol dunyosida yashardim, tevarak-muhit menga zerikarli, to’porinamo tuyular, ko’ngilda unga nisbatan hali anglanmagan bir norozilik ham bor, nuqul kelajakdagi o’zgacha hayot orzusi bilan yurar edim”[1, 564].

Yozuvchining bu iqrornomasi “Bayramdan boshqa kunlar”dagi bosh qahramon Bakirni, uning xarakterini, xayol dunyosida kelajakda o’zgacha holat orzusidagi yashash tarzini esga soladi. Bakir Bargidaga uylangach, ancha payt xayolot dunyosida yashaydi, iztirobli o’ylar iskanjasida o’zi va o’zgalardan, tushib qolgan muhitdan norozi bo’lib umrguzaronlik qildi, o’zligiga qaytish juda qiyin kechdi. Agar yozuvchiga xayol dunyosida yashash, o’zgacha hayotni orzu qilish tole bitmaganda, agar yozuvchi tabiatan real hayot bilan chiqishib ketganida edi, Bakirga qissa syujetidagi qismat nasib etmagan bo’lardi, uning hayoti syujetning boshqacharoq bir o’zanida oqardi. Yozuvchining o’zi e’tirof etgan “xayolparast”ligi u yaratgan boshqa xarakterlarda, jumladan, Nuriddin Elchiyev tabiatida ham aniq ko’zga tashlanadi. “Javob” qissasining kompozitsiyasi to’lig’icha xayol-xotira asosida qurilgan. Personajlar tilida uchraydigan kinoya, piching, kesatiq, sarkazm kabi kinoyaviylik ko’rinishlari ham qahramonlariga yozuvchining tabiiy “tortig’i”dir.

Adabiyotshunoslikda biografik metod tamoyillarini joriy etgan fransuz tanqidchisi Sharl Ogyusten Sent-Byov (1804-1869) adabiy-tanqidiy maqolalarida adabiy asarga yozuvchining hayoti orqali munosabat bildiradi. “Meni har doim xatlar, suhbatlar, fikrlar, xarakterlarning o’ziga xos fazilatlarini ma’naviy-ruhiy qiyofasi, bir so’z bilan aytganda – mashhur yozuvchilarning biografiasini o’rganish o’ziga jalb etib keldi”, – deb yozadi[7, 313].

Shu jihatdan qaraganda, Erkin A’zam nasrini tadqiq etganda uning “Ertalabki xayollar” kitobi muhim manba bo’lib xizmat qiladi.

“... adabiyot hayot haqidagi fan, u hayotga asoslanishi kerak. Uning bevosita ko’zguisi emas, shu bilan birga, hayotga asoslanadigan san’at. Men o’zim qatnashgan, o’zim ko’rgan, guvohi bo’lgan, o’zim bilgan narsalarni yozganman, - deya e’tirof etadi Erkin A’zam. – Voqea birinchi shaxs – “men” tilidan hikoya qilinadi. Ba’zilar mana shunday asarlarimdagi qahramonlarni men deb o’ylashadi. Bu mutlaqo xato. Qahramon bajargan biron-bir ezgu ishni men qilgandirman, do’stinga tegishlidir yoki boshqa bir yomonlikni men emas, boshqasi qilgandir. Axir qahramon umumlashma bo’ladi-ku. Lekin yoshmi-qari, kattami-kichik – qanday qahramon bo’lmasin, barida o’zimdan, tabiatimdan nimadir bor”[1, 296].

Ushbu iqror shunisi bilan e’tiborliki, birinchidan, qahramon – hayot –muallif uchligi munosabatini oydinlashtiradi, ikkinchidan, yozuvchining ijod olamiga, ijod laboratoriyasiga olib kiradi.

## ADABIYOTSHUNOSLIK

Badiiy asar – badiiy asar-da, ramziyatga o'ralgan, sir-asrorli, tagma'noli, polifonik xususiyatli. Talqinlar ham shunga yarasha turlicha bo'lishi mumkin. Biroq yozuvchining adabiy suhbatda bildirgan yuqoridagi fikri ilmiy-nazari qarashlarimizni to'g'ri o'zanga olib borishimizga ko'mak beradi.

Nuqtayi nazar insonni voqelikni o'rganishi, tahlil qilishi natijasida unda tug'iladigan qat'iy qarash, xulosadir. Yozuvchining nuqtayi nazari qahramon xarakterining mantig'ini belgilaydi. Xarakterlar mantig'i esa o'z navbatida syujet tuzilishini tayin etadi. Yozuvchi syujetni o'zi xohlagandek tartibda tuzolmaydi, chunki syujet, undagi voqea-hodisalar zanjiri, har bir epizod qahramon xakteri xususiyatlarini ochib bera olishi kerak, aks holda asarning obrazliligi, ta'sirdorligi, originalligi kabi qator xususiyatlariga putur yetadi, yozuvchining nuqtayi nazari yetarlicha ifodasini topa olmaydi. Erkin A'zam "Yozuvchi" hikoyasini yaratguncha unda "mardikor" yozuvchi haqidaginuqtayi nazar shakllangan edi. "Domla" xakteri ana shu nuqtayiqarash nazarga binoan yaratildi. Mazkur yozuvchida ancha ilgari shakllanib, publisistik chiqishlarida aks etgan edi. "O'zingiz ham o'qiganmisiz?" publisistik iqrasida "Yozuvchi" hikoyasining xomaki chizgilari mavjud. U umrining oxirida Ittifoqning "bosh adibi"ga aylangan Brejnev haqidagi latifa bilan boshlanadi. Unda ustoz nomidan maqola, monografiyalar yozadigan shogirdlar haqida, soxtakorliklar to'g'risida mulohazalar yuritiladi. "Bunday asarning ustida ko'pincha butun boshli brigada mehnat qiladi – hashar. Ustoz uchun, ustozning shon-shuhrati yo'lida. Ustozning o'zi esa qo'liga qalam olib biror nima yozishiga ham shubha qilasiz.

Undan keyin, ana, nashriyot-u tahririyatlarda yeng shimarib adabiy negrlar, mardikorlar o'tiribdi" [1, 179].

"Yozuvchi" hikoyasining qahramoni, yozuvchi ta'biri bilan aytganda "o'rtamiyonagina yozuvchi" domla ham nashriyotda ishlaydi, "adabiy negrlik" qilishga majbur bo'lgan bir kishi. Hayot haqiqatini yozuvchi shu tariqa badiiy haqiqatga aylantiradi. Mazkur publisistik maqola bilan hikoyasini solishtirib, shunday xulosa qilish mumkinki, badiiy asar hayotning aynan nusxasi emas, balki yozuvchi tomonidan yaratilgan yangi hayot manzarasi. Hikoyada asosiy hayotiy detal "adabiy negrlik" saqlanib qolingan, qolgan sarguzashtlar esa badiiy to'qima mahsuli.

Erkin A'zam "Guli-guli" qissasida, "Stupka" hikoyasida, "Shovqin" romanida xorijdan kelgan ayollar qismatiga alohida e'tibor qaratadi. O'zbekona hayot tarziga ularning ko'zi bilan, ularning hayot tarziga o'zbekona nigoh bilan qaraydi. Yaxshi-yomon, ijobiy-salbiy bu obrazlar xayoliy yoki yozuvchi fantaziyasining mahsuli emas. Yozuvchi bu to'g'rida "Parijdan qo'ng'iroq bo'lguncha va bo'lgach" (1,571-577) adabiy suhbatida batafsil to'xtaladi. O'tgan asrning 60-70-yillari Rossiya va Ukraina pedbilim dargohlarini bitirgan ko'plab yosh-yalang O'zbekistonga ishga yo'llanib, olis-olis qishloqlarda rus tili va adabiyotidan dars berganligi hayotiy haqiqat. Shuningdek, armiyaga ketgan ko'pgina o'zbek yigitlarining o'sha yerdan uylanib qaytganligini ko'p bora eshitganmiz. Yozuvchining badiiy mahorati tufayli ana shu tarixiy haqiqat jozibali badiiy haqiqatga aylantiriladi.

Yozuvchining mahorati, bir tomondan, real hayotdagi yangilikni ko'ra olishi va uni adabiy vositalar bilan tahlil eta olish san'ati bo'lsa, ikkinchi tomondan san'atning sirlarini chuqur o'zlashtira olganligida namoyon bo'ladi. Shu ikki asos birlashib, hayotning katta haqiqati o'zining tugal va go'zal ifodasini topadi. Erkin A'zamning qator hikoya va qissalari, dramatik asarlari, "Shovqin" romani poetikasi fikrimizni isbotlaydi. Bizningcha, Erkin A'zam o'zining badiiy asarlariga asos bo'lgan ko'pgina syujetlarni, avvalo, hayotdan oladi, ikkinchidan, ular badiiy asarga aylanguncha publisistik qiyofa kasb etadi. Chunki, e'tibor berilsa, yozuvchining aksariyat badiiy asarlari epizodlari publisistikaning u yoki bu ko'rinishida matbuotda e'lon qilingan. Jumladan, "Okean ortidagi tabassum", "Bizning vatan qayerda? ", "Jannat qidirib" kabi publisistik maqolalarida "Jannat o'zi qaydadir" asarining xomaki eskizlari, chizgilari mavjud. Bizningcha, publisistika Erkin A'zam uchun badiiyat dunyosiga olib chiqadigan yo'l. Publisistikada bayon etilgan voqea, hodisa, fakt, nuqtayi nazar kabilar saralanib, sayqallanib, turlicha ijodiy kombinatsiyalarga uchrab badiiy shaklga kiradiki, bu yuqorida eslaganimizdek yozuvchining badiiy mahorati bilan bog'liq ijodiy jarayon mahsulidir.

Eslatib o'tilgan maqolalardagi ayrim o'rinlarga e'tibor qaratamiz. 2003-yilda yozilgan "Jannat qidirib" maqolasidan: "O'zim Amerikaga ko'chib ketyapman, - dedi u. Inson dunyoga bir marta keladi, yashagandan keyin odamga o'xshab yashash kerakda" [1, 158]. "Okean ortidagi tabassum" (1995) maqolasidan: "Shak-shubhasiz – Amerika mo'jizalarga kon qiyomat

## ADABIYOTSHUNOSLIK

mamlakat. Lekin, boshqalarni bilmadim-u, men noshukur, qoloqroq odammanmi, safarimizning bir haftasi o'tar-o'tmas, o'sha "yomon" O'zbekistonni qo'msab, kun sanashga tushdim"(1,120)

"Jannat o'zi qaydadir" asariga asos bo'lgan yozuvchi nuqtayi nazari qachon va qanday sharoitlarda shakllanganligi ushbu ko'chimalardan ham ko'rinib turibdi.

"Jannat o'zi qaydadir"ga asos bo'lgan yozuvchining yana bir publisistik maqolasiga to'xtalamiz. Bu "Bizning Vatan qayerda?" maqolasidir. Maqola 1996-yilda yozilgan.

"Dastlab ko'rganda men bu odamni o'zbekka o'xshatmadim. Qiyofasidan ovrupolashgan xorijiy Sharq ziyolilarini eslatardi. Aslo oltmishlarni qoralagan demaysiz, kiyim-boshi ham shunga yarasha zamonaviy: egnida yengi kalta bashang mayka, serbar kamarli qalami shim, boshida bejirim qorako'l papoq, moshguruch soqoli ozoda. Xullas, kamida yo pokistonlik, yo saudiyalik korchalonning o'zginasi!" [1, 121].

Maqoladagi ushbu shaxsning qiyofasi, portreti bilan 2007-yilda chop etilga "Jannat o'zi qaydadir" asaridagi Boy ota, ya'ni Rahmatulloh Jiydaliy portreti o'rtasida jiddiy farq yo'q. Go'yoki aynan bir shaxsning ikki holatdagi suratiga o'xshaydi.

Maqolaning davomida o'qiyimiz:

"Dastlabki taassurot aksar aldamchi bo'ladi. Pokistoni – Pokistonda o'zi bilan o'zi, Saudiyasi ham huv bir yoqda. Bu kishiga kelsak, g'irt o'zbek ekan. O'zbek bo'lganda ham oz emas, ko'p emas, bizga hamyurt – kamina tug'ilib, o'sgan joylardan yetmish-sakson chaqirim naridagi manzildan bo'lib chiqdi. Asli. Ammo o'zi, umri bino bo'lib, ota-bobolari yashab o'tgan yurtni tushida ham ko'rmagan. Vaholanki, undan bor-yo'g'i oltmish-yetmish chaqirim narida umrguzaronlik qilgan. O'rtada birgina daryo. Daryoki, bamisoli yer-u ko'kni tutashtirgan devor. Pashsha ham so'roqsiz uchib o'tolmaydi!" [1,121-122].

"Jannat o'zi qaydadir"da Boy ota Jo'raqul domlaga hamyurt, ya'ni Jiydaliy bo'lib chiqadi, maqoladagi kishi esa muallifga yurtdosh. Maqoladagidek badiiy asarda ham Boy ota ota-bobolari yurtini ko'rmagan. Maqoladagi o'sha o'zbek kishi muallifga noxush taassurot qoldiradi. Bu salbiy munosabat to'lig'icha badiiy asarda Boy otaga nisbat beriladi. "Jannat o'zi qaydadir" asaridagi Jo'raqul domlaning "zuvalasi" Erkin A'zamning "Aldangan avlod andishalari" publisistik suhbatida "pishgan" edi.

"Biz aldangan avlodmiz, - deydi Erkin A'zam o'sha suhbatida. – Biz yolg'on-yashiq kitoblar, soxta aqidalar ruhida tarbiya topdik."(1,394)Jo'raqul domla ham shu avlodning vakili. Erkin A'zam nasrida shu avlodga mansub yana bir obraz bor, bu – "Suv yoqalab" asaridagi Bolta Mardon obrazi.

Erkin A'zamning katta-kichik asarlarida yaratgan asosiy qahramonlari g'alati qiliqlari, noodatiy tuyuladigan yurish-turishi, o'y-xayollari bilan kitobxon diqqatini o'ziga jalb etib turadi. "O'zbek adibi Parijda" nomli suhbatda jurnalist Dilorom Matkarimova ayni shunday savol bilan yozuvchiga murojaat qiladi.

"Siz tilga olgan personajlarga munosabatim o'sha asarlardan ayondir, - deb javob beradi yozuvchi. Agar kam joyi bo'lsa, javob berishga tayyorman. Kamtarona izoh tariqasida shuni ilova qilishim mumkinki, hayotda ham, adabiyotda ham siyqa, ilimiliq, maroqsiz kishilarga toqatim yo'q. Ularning nimasini yozasiz, to'g'rimi? Tabiatan "tuz"li, "bir qilig'i ortiqcha" bo'lgan qahramonlarga ishtiyoqim baland. Ularni tasvirlash ham o'ng'aydek menga. Sirasi, atrofga sinchiklabroq qarang... Hammamizning ham biron bir jihatimiz bo'rtibgina turadi, hammamiz ham andek g'alatiroqmiz – shuni ko'ra bilsangiz kifoya" [1, 547-548].

Chindan ham, yozuvchi ta'kidlaganidek, tabiatan "tuzli", "bir qilig'i ortiqcha" bo'lgan qahramonlar voqelikka yangicha qarashning mahsuli. Ramazon, Asqar, Berdiboy, Zabarjad, Farhod Ramazonlarni an'anaviy o'lchamlarda tasvirlaganda ularning originalligi, o'ziga xosligi ko'zga tashlanarmidi? Albatta, yo'q.

Marina Svetayeva bir she'rida:

Yashamoqlik ko'nikmoqlikdir,

Ko'nikmoqlik esa jinoyat – deb yozadi. Bizningcha, Erkin A'zamning yuqorida eslatilgan qahramonlari "ko'nikib yashash"dagi va "yashab ko'nikish"dagi yakranglikka, dimiq muhit va zerikarli voqelikka isyon tarzida ko'zga tashlanadi.

Anoyining "anoyiligi" shundaki, u yolg'on gapirishni bilmaydi, to'g'riso'z, samimiy, hamma narsani o'zligicha qabul qiladi, sun'iylik uning tabiatiga yot. Servantesning Don Kixot,

## ADABIYOTSHUNOSLIK

F.Dostoyevskiyning knyaz Mishkin kabi obrazlarini esga soladi. Bundaylarga hamisha “nosog’lom” kishiga qaragandek qarashadi.

Asqar obrazi esa o’ta rostgo’y, halol, jasur, ayni choqda betgachopar, qaysar. E’tibor berilsa hamisha ham birikib ketmaydigan xislatlar yagona obrazga jamlanmoqda. Asqar yurish-turishi, xarakteri bilan turlicha talqinlarga sabab bo’ldi, biroq uning yangi obraz, yangi xarakter sifatidagi bosh fazilati – nohaqlikka qarshi isyoni, adolatsizlikka nisbatan murosasizligi!

Avvalambor, Asqarga o’xshagan odamni hayotda uchratish qiyin, ikkinchidan, shunday kishi bo’lsa, hayotning o’zi uni “mulla” qilib qo’yadi. Boshqa tomondan, “tipik xarakterlarni tipik sharoitda ko’rsatish” ham sezilmaydi. Uning g’alatiligi, “bir qiligi ortiqcha”ligi shundan.

“Otoyining tug’ilgan yili” yozilgan paytda yozuvchining nuqtayi nazari jamiyatda Asqarga o’xshagan kishiga ehtiyoj borligini tayin etgan. Biroq keyinchalik adabiy o’ylari va suhbatlarida Asqar obrazini “jamiyat uchun nobop, noqulay” deb ataydi. “...bugun men idora rahbari sifatida Asqarga o’xshagan shartakini ishga olmagan bo’lardim. Chunki, u ko’pchilikka malol keladigan noqulay odam” [1, 440].

Agar yozuvchi keyinchalik emas, asar yozilishidan oldin shunday nuqtayi nazarga kelganda edi, Asqar xarakteri, mazmun-mohiyati boshqacharoq qiyofa kasb etgan bo’lardi. Shulardan kelib chiqib aytish mumkinki, asarning eng kichik detalidan kompozitsion ko’rinishigacha barcha-barchasini yozuvchining nuqtayi nazari hal etadi.

Yozuvchining g’alati qahramonlaridan yana biri Berdiboy obrazi. Hayotda biz ko’pincha bugunning nuqtayi nazari bilan o’tmishga va kelajakka baho beramiz yoki uni tasavvur etamiz. Berdiboyning g’alatiligi, g’aroyibliqi orqali yozuvchi bugungi hayotimizga, yurish-turishimizga, ma’naviy-ruhiy olamimizga, milliy udum va qadriyatlarimizga o’tmishning ko’zi bilan qaraydi. Adibning bu tasvir usuli fantastik asarlar ruhiga mos. Biroq “Piyoda” fantastik emas, realistik asar. Shu sabab yozuvchi qahramonini sivilizatsiyadan chetda qolgan olis bir qishloq kishisi qilib ko’rsatadi.

Berdiboy o’qigan, ziyoli emas, oddiy dehqon. Biroq uning hayotga qarashi, fikr-mulohazalari o’qimishli kishilarning qarashlaridan va gap-so’zlaridan ko’ra jo’yali va mantiqli.

Berdiboy ham zaharxanda-yu pichinglari bilan Asqardan qolishmaydi. Lekin uni Asqarning ulg’aygan varianti yoki qiyofadoshi deyish mumkin. Asqarning isyoni shartakiligi, betgachoparligi bilan yakun topadi. Berdiboy unday emas, uning isyoni ma’lum maqsadga qaratilgan isyon. Shu qahramonlar muhitining ko’zi bilan qaraganda Asqar “tentak”, Berdiboy esa “aqli tentak”. Asqar asosan o’z ichiga berkinib olgan, u aytgan piching suhbatdoshiga yetadimi-yo’qmi, ishi yo’q, piching yoki kinoyasining tagma’nosini o’zi yaxshi anglaydi, biroq adresat hamisha ham tushunavermaydi. Mana bir misol:

“Navbatdagi bekatda qorachadan kelgan, ko’zlari quvnoq qo’g’irchoqnikiga o’xshash qizga taklif qildim:

– Akam doktorlik dissertatsiyasini yozyapti, o’zim yaqinda kandidat bo’laman, kelajagim zo’r – menga tegmaysizmi?

Qiz shunday ma’sumona angraydiki, o’qim bu gal xato ketganini fahmladim”[2, 24].

Berdiboyning “o’qlari” hech xato ketmaydi, hamisha nishonga tegadi.

“Bayramdan boshqa kunlar”dagi Safura hayotda o’rnini topolmagan besaranjamroq qiz. Hozir unaqasi juda ko’p, dunyoning har yog’ida uloqib yuribdi. Biroq qissa e’lon qilingach, shu obraz atrofida anchagina bahslar bo’ldi. Ba’zilar buni o’zbek xotin-qizlariga tuhmat, - deb ham baholashdi. Jamoatchilikda shunga o’xshash fikrlarning paydo bo’lishiga – bunday obrazning o’zbek adabiyotida ilk bor paydo bo’lishi sabab bo’lgan, desak noo’rin bo’lmas.

Yozuvchining o’zi u haqda shunday yozadi: “Holbuki, men uni osmondan olib, yo ichimdan to’qib yozmagan edim. O’zbek xotin-qizi faqat Kumushbibi yoki Zebi-Zebonalar emasdir. Bugun u o’zgargan – oradan bir-bir yarim asr vaqt o’tdi-ku!.. Demak, milliylik ekan deb, ko’ra-bila turib hayot haqiqatini siporishlab, andavalab ko’rsatish ham adabiyotning fazilati sanalmasa kerak” [1, 496].

Chindan ham yozuvchi haq: qahramonni kechagi adabiyotlardan emas, bugungi voqelikdan izlash kerak.

Zabarjad obrazi ham adabiyotda o’ziga xos yangilik bo’ldi. Tuyg’ulariga erk bergan, ozroq shaddod qiz obrazi adabiyotning tadqiq obyektiga aylanmagan edi. Ichki bir insoniy hurlikka

## ADABIYOTSHUNOSLIK

intilishi, mardlig-u tantiligi, yomondan va yolg'ondan hazar qilishi, taqdir yo'llarining chigalliklari bilan bugungi zamondosh qiyofasini o'zida aks ettirgan obraz deb, bimalol aytish mumkin.

Xullas, badiiy asarda yaratiladigan xarakterlar tasodifiy xususiyatlarga emas, balki qonuniy asoslarga ega bo'lib, unda yozuvchining nuqtayi nazari muhim omil bo'lib xizmat qiladi. Yuqorida biz ko'rib o'tgan Erkin A'zam asarlari tahlili shundan dalolat beradi.

### ADABIYOTLAR

1. **A'zam Erkin.** Ertalabki xayollar. –T.: O'ZBEKISTON, 2015.– 588b.
2. **A'zam Erkin.** Kechikayotgan odam. Qissalar. – T.: Sharq, 2002. – 448 b.
3. **ErkinA'zam.**Badiiyolami: Ilmiy maqola va suhbatlar to'plami. Qalbidedorqahramonlaryoxudadabiyotningmanguqadri//AdibbilanMuxtasarTojimatovavasuhbati. –T.:Turonzaminziyo, 2014.– 267b.
4. **KarimovB.A.** Adabiyotshunoslikmetodologiyasi. –T.: Muharrir, 2011.–88b.
5. Литературный энциклопедический словарь. – М., 1987. –С.216.
6. **RasulovA.**Ilmig'aribaniqo'msab. – T.: Ma'naviyat, 1998.– 44b.
7. Сент-Бёв Ш. Литературные портреты критические очерки. – М., 1970.– С. 313.



*Агар бу зотни авлиё десак, у – авлиёларнинг авлиёси,  
мутафаккир десак – мутафаккирларнинг мутафаккири,  
шоир десак – шоирларнинг султони дир.*

И.А.Каримов

### ОШИҚ ИЗТИРОБЛАРИНИНГ НАВОИЁНА ТАЛҚИНИ

**Ражабова Маърифат Бақоевна**

*БухДУ ўзбек адабиёти кафедраси доценти, фил.ф.н.*

Алишер Навоий шеърияти ўзининг бадий баркамоллиги билан алоҳида ажралиб туради. Шоир қўллаган гўзал ташбеҳу, ибратомуз тамсиллар, муболағали тасвирлар китобхон кўз ўнгида ажойиб манзараларни ҳосил қилади. Ҳатто Навоий шеъриятида ҳаёт ва ўлим, дунёнинг ўткинчилиги, инсонлар ўртасидаги вафосизлик, замондан шикоят оҳанглари ҳам китобхонга тушкун кайфият бахш этмайди, балки уни фалсафий мушоҳадага чорлайди. Биз қуйида таҳлилга тортган ғазалда ҳам ҳаёт ва ўлим, ишқ ва ошиқлик масалалари фавқулдда ва оҳорли ташбеҳлар орқали тасвирланади.

Ғамингдин чун ажал гўр оғзида жисмим ниҳон эткай,  
Мазорим лавҳи дардинг шарҳини тилдек баён эткай.  
Қанотлиғ мўрдек жисмимни уй қилмиш ажал хайли,  
Магар ул навъ қушлар бу бузуғни ошён эткай.  
Юз очқоч эгма қаддим заъф қилди, ваҳ, не билдимким,  
Қуёш васли янги ойимни мундоқ нотавон эткай.  
Оғиз бўлди кўнгулгачокиютиландапайконинг,  
Не тонгбутил оғиз бирлаагармуҳлик фиғон эткай.  
Қиличинг суйини истар қуруган нахлдек қаддим,  
Ажаб эрмас қазо анинг гулин гар арқувон эткай.  
Дер эрдим кўйини юй ашк ила эл захми қонидин,  
Не билдимким, ҳамул эл рашки-ўқашкимниқон эткай.  
Натижа куймагу ашкимдин ўзга топмағай, улким,  
Бу гулшан шуълаву дудин гулу сунбул гумон эткай.  
Тилар юз лахт қон эткай насибин даҳр деҳқони,  
Қаюбулбулниким, гул хониузрамеҳмонэткай.  
Жигаргундур Навоий жисми қон ёшдин маҳалдурким,  
Қазобунавълаълучунфаном тоғини қон эткай.

Ҳазрат Навоийнинг “Бадойеъ ул-бидоя” девонидан ўрин олган мазкур ғазал мавзусига кўра ошиқона. Ғазалнинг лирик қаҳрамони ошиқ. У шундай ошиқки, нафақат тириклигида, балки ўлимидан сўнг ҳам ишқни улуғлаган шахсдир. Фикримизни таҳлилга тортилган ғазалнинг биринчи байтиёқ тасдиқлайди. Байтдаги **ниҳон** – яширмақ, **лавҳ** – ёзув маъноларидаги сўз.

**Байтнинг насрий баёни:** “Сенинг ғамингдан қутилиш учун ажал жисмимни гўр оғзида ниҳон (яширди), қабрим устидаги лавҳ (ёзув) эса аҳволимни тилдек барчага баён қилди”.

Эътибор берсак, ошиқ учун ўлим маъшуқа ғамидан қутилиш сабабчи эмас, балки унга етишиш воситасидир. Маъшуқа томонидан етадиган ўлимнинг ошиқ учун нажот бўлиши тасаввуфий қарашлар билан боғлиқ. Байтни шу нуқтаи назардан таҳлил қилсак, у ўлимни шараф деб билади. Боиси, ўлим уни мақсадига эриштиради, яъни Аллоҳ билан бирлаштиради.

Байтда қўлланган ташхис ( ажалнинг жисми ниҳон қилиши), ташбеҳ (лавҳнинг тилдек гапириши) каби бадий санъатлар ошиқнинг аҳволини аниқ ва тиниқ тасвирлаш учун хизмат қилган.

Иккинчи байтда тасвир янада кучайтирилади, шоир тамсил воситасидан маҳорат билан фойдаланган. Биламизки, бузуқ-вайрона жойда қушларнинг ин қуриши ҳаётий ҳодиса. Қаранги, шоир ана шу ҳаётий ҳодисадан ошиқнинг руҳий ҳолатини ёритиш учун маҳорат билан фойдаланган. Байтдаги **мўр – чумоли, хайл – гуруҳ, тўда, тўп** маъносига сўз. Ажал – қанотли чумолига, жисм эса бузуқ масканга ўхшатиляпти. Биринчи мисрада шоир нега қанотли мўр (чумоли) билан боғлиқ тасвирни келтирди,- деган саволнинг туғилиши табиий. Муаллиф иккинчи байтдаги тамсилнинг биринчи байтдаги фикр билан мутаносиблигини таъминлаш (қуш ҳам, қанотли мўр ҳам уча олиш хусусиятига эга) мақсадида чумолининг қанотли турини қўллаган.

**Байтнинг насрий баёни қуйидагича:** Ажал жисмимни қанотли чумолидек ўзига уй қилди. Бу худди бузуқ масканни қушлар ўзига макон, яъни ошиён қилгани кабидир.

Навоий шеъриятида маъшуқадан шикоят оҳанглари шунчаки ғам-ҳасрат, ноумидлик тарзида эмас, балки юксак бадиият пардасига ўралган ҳолда ўз ифодасини топганлигини ғазалнинг учинчи байтида кўришимиз мумкин. Байтда шоир ошиқнинг ўлимига сабаб бўлган омиллар тасвирига ўтади. Бу – маъшуқанинг юзи. Байтдаги **заъф** – кучсизлик, ҳолсизлик, касаллик; **нотавон** – 1) кучсиз, заиф, эпсиз; 2) тоқатсиз, касал, бетоб маъноларини англатади.

**Байтнинг насрийбаёни қуйидагича:** Сен юз очсанг, эгилган қаддим янада кучсизланди. Билдимки, қуёшнинг чиқиши (васли) янги ойни нотавон (заиф) қилади.

Байтда тамсил санъати қўлланган. Яъни қуёшнинг чиқиши ой нурининг кучсизланишига сабаб бўлади. Ошиқнинг қадди янги ойга қиёсланяпти. Янги чиққан ой ингичка бўлади. Бу эса ошиқнинг нотавон (заиф) ҳолига ўхшатиляпти.

Тўртинчи байтдаги **пайкон** – камон ўқининг учи; тикон, киприк, **чок** - йиртиқ, ёриқ, тилинган; яра, **муҳлик**-ҳалок қилувчи, ўлдирувчи, йўқ қилувчи маънодаги сўз.

**Байтнинг насрийбаёни.**Оғзинг кўнглимнинг чоки, пайконинг (кипригинг) эса тилим бўлди. Ажаб эмаски, тил оғиз билан ҳалок қилувчи дод-фарёд қилса.

Ғазалнинг бешинчи байтида шоирнинг бадий сўздан фойдаланиш маҳорати, нозик дид ва юксак истеъдодини яна бир бора намоён бўлади. Байтда танланган ҳар бир сўз, ибора, ташбеҳ ошиқнинг ҳолатини муносиб тасвирлашга хизмат қилган. Байтдаги изоҳга муҳтож сўзлар: **нахл** – кўчат, ёш дарахт; **қазо** –ўлмоқ, вафот этмоқ; **арғувон**-баҳорда очиладиган қизил гулли дарахт.

**Насрий баёни:**дарахтдек қуриган қаддим қиличинг сувини (қатлингни) истайди. Ажаб эмаски, сенинг қатлнинг уни баҳорда очиладиган қизил гулли дарахт этса.

Байтда қилич суви истиора сифатида ошиқнинг қони маъносида қўлланган, қуриган дарахт ошиқнинг қаддига ўхшатиляпти. Байтдан шундай тасвир кўз олдимишга келади: Маъшуқа ошиқнинг қуриган дарахтга ўхшаган қаддини қилич билан қатл эттирганда, қиличдан сачраган сув, яъни қон унинг қаддини баҳорда очиладиган қизил гулли дарахтга айлантиради. Жуда гўзал тасвир.

Ғазалнинг олтинчи байтига келиб, лирик қаҳрамон ўлимига сабаб бўлган яна бир омил таъкидланади. Бу –ошиқнинг рашки. Байтда **кўй** – кўча, йўл; **ашк**-кўз ёши;**захм**-яра, жароҳат маъноларидаги сўзлар.

**Насрий баёни:** Кўчангдаги элнинг ярасидан оққан қонларни кўз ёшларим билан ювмоқчи эдим. Билдимки, элнинг рашки менинг кўз ёшимни қон қилди.

Лирик қаҳрамон ғамда эзилган эл қони билан бўялган маъшуқанинг кўчасини кўз ёшлари билан ювмоқчи. Шоир иккинчи мисрада муболағани янада кучайтиради. Элнинг маъшуқага эътибори ошиқнинг рашкини янада оловлантиради. Эл қони билан бўялган маъшуқанинг кўчасини кўз ёшлари билан ювмоқчи бўлган ошиқнинг кўз ёшлари қонга айланади. Қонни эса қон билан ювиб бўлмайд.

Ғазалнинг еттинчи байтида эса ошиқнинг қонга айланган кўз ёши билан бўялган гулшан тасвири берилган. Ошиқ тақдирида ишқдан куйиш, кўз ёш тўкиш битилгани таъкидланар экан, унинг “куйиши”дан ҳосил бўлган шуъла ва дуд гулшан (гулзор)нинг гулу сунбулига қиёс этилган. Байтда шоир гулу сунбул ва шуъла-ю дуд (тутун) қиёси орқали

## NAVOIY GULSHANI

ошиқнинг ишқдан куйишини гўзал тасвирларда берар экан, улар ўртасидаги мутаносибликка ҳам эътибор қаратади. Шуъла гулга, дуд сунбулга қиёсланяпти. Шуъла қизғиш, ундан чиққан тутун эса қора рангли ўсимлик (сунбул)га ўхшатишган.

**Насрий баёни:** Бу гулшандан менинг куйишим ва кўз ёшимдан бошқа ҳеч нарса топмайдилар. Ҳижроним (куйишим)дан ҳосил бўлган шуъла ва дуд (тутун)ни гулу сунбул деб гумон қиладилар.

Саккизинчи байтда шоирнинг фалсафий қарашлари ўз ифодасини топган. Байтда “даҳр деҳқони” истиора бўлиб, Аллоҳ маъносини англаган. Яратган ҳаётда инсонларни турли синовлар билан сийлайди. Кимгадир беҳад қийинчиликлар, кимгадир беҳисоб тухфалар инъом этади. Навоий тақдирнинг ана шу ўйинларини гул ва булбул тимсоллари мисолида тасвирлайди.

Байтдаги **лахт** – лахтак, бўлак, парча: **хон** – 1) дастурхон, ясоғлиқ дастурхон. 2) емак, таом маъноларини англатувчи сўз.

**Насрий баёни:** Даҳр деҳқони истаса қайсидир булбулнинг насибасини лахта-лахта қон, қайсинидир гул узра меҳмон қилади.

Ғазал мақтаъсини тушуниш учун эса фано тоғи, қазо, маҳал каби сўзларнинг маъноларига эътибор бериш лозим. **Жигаргун** – жигар ранг; **маҳал** – муҳлат, фурсат; **фано** – йўқ бўлиш, тугатилиш, ўлиш, бақосизлик; **лаъл** – қизил рангли тош; **қазо** – ўлмоқ, вафот этмоқ.

**Насрий баёни:** Кўз ёши тўкаётган маҳал Навоий жисми жигаргун бўлди. Ўлим эса бу лаъл (қизил рангли тошга ўхшатишган жисм) учун фано тоғини қон қилди.

Ғазал матлаъсида ўлим (ажал) тилга олинган бўлса, мақтаъда қазо билан фикр яқунланяпти. Хўш, бу қандай қазо?

Байтда фано тоғи истиора бўлиб, тасаввуфда ўзликни йўқотиб, бутун борлиқдан кечиб, илоҳиятга сингиш. Қазо жисмнинг ўлими эмас, балки инсоннинг нафсоний иллатларни мавҳ қилиш демақдир. Мақтаъда нафс ғулғулаларидан покланган инсон тоғ бағрида яширинган лаъл (қимматбаҳо тош)га ўхшатишган.

Алишер Навоий бу хулосалари орқали ўзлиги (нафси)дан қутулиб, руҳини юксалтирган кишилар ҳақиқий ишқ соҳиблари эканлигига урғу беради. Лирик қаҳрамоннинг ишқ йўлида чеккан қувончу қайғулари, нола-ю изтироблари, ранжу машаққатлари уни комиллик сифатларига эга бўлишига замин бўлиб хизмат қилган.



УДК: 297:141.336:930.2(045)

**БУХОРОНИ “ҚУББАТ УЛ-ИСЛОМ” ЭТГАН АЛЛОМА  
УЧЕНЫЙ СДЕЛАВШИЙ БУХАРУ «КУПОЛОМ ИСЛАМА»**

**THE SCIENTIST, WHO HAS MADE BUKHARA THE “DOME OF ISLAM”**

**Хамидов Обиджон Хафизович**

*БухДУ ректори, иқтисод фанлари доктори, доцент*

**Раҳимов Комилжон Раҳматович**

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

**Таянч сўзлар:** Бухоро, Абу Ҳафс Кабир, Абу Ҳанифа, имом, ислом, фикҳ, мадраса, фатво.

**Ключевые слова:** Бухара, Абу Ҳафс Кабир, Абу Ханифа, имам, ислам, фикх, медресе, фетва.

**Key words:** Bukhara, Abu Hafs Kabir, Abu-Khanifa, imam, islam, fiqh, madrasah, fatwa.

*Ушбу мақолада Бухорони “ислом динининг гумбази” қилган бухоролик таниқли аллома Абу Ҳафс Кабир Бухорий – Ҳазрати Имом ҳақида фикр юритилади.*

*В данной статье рассказывается о знаменитом бухарском ученом, Абу Ҳафс Кабир Бухарий – Ҳазрати имам, благодаря кому Бухара стала “Куполом ислама”.*

*This article describes the famous scientist from Bukhara, Abu Hafs Kabir-Khazrati Imam Bukhari, who has made Bukhara the “dome of Islam”.*

**Кириш.** Бутун ислом оламига Абу Ҳафс Кабир Бухорий номи билан танилган улуг фикҳшунос ва файласуф, илоҳиётшунос, буюк муҳаддис, беназир авлиё, уламолар султони ва сардафтери, Имом Бухорийнинг замондоши ва устози Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс ибн Зибарқон ибн Абдуллоҳ ибн Баҳр ал-Кабир ал-Ижлий ал-Бухорий ал-Фақиҳ ал-Ҳанафий ҳижрий 150 (милодий 767) йили [4,101] Бухоро шаҳрида таваллуд топиб, ҳижрий 217 (милодий 832) йилнинг [4] муҳаррам/февраль ойида шу ерда вафот этганлар.

Бухородан узоқ ислом шаҳарлари, хусусан, ўша даврда исломий илм ва маданият пойтахти ҳисобланмиш Бағдодга бориб, ҳанафий мазҳабининг асосчиси, илоҳиётчи, фақиҳ, муҳаддис Абу Ҳанифа Нўмон ибн Собит – Имом Аъзам (699, Куфа — 767, Бағдод)нинг таниқли шогирди Имом Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбоний ( ваф. м.804 й.)га шогирд тушган [1,14]. Қайтганида уни бухороликлар байрам қилиб кутиб олиб, оммага хизмат қилишини сўраганлар, масжидни безаб, ўрин тайёрлашган, токи Ироқдан олиб келган илм ва маърифатга бўлган чанқоқларини қондирсинлар [11,82-83].

**Асосий қисм.** Имом Аъзамнинг неvara шогирдлари Абу Ҳафс Кабир ислом ҳуқуқшунослиги асосларини яратган йирик олим бўлган. Наршахийнинг ёзишича, унинг шарофати билан Бухоро “Қуббат ул-ислом” – “Ислом динининг гумбази” унвонини олган. Абу Ҳафснинг ўзига “Кабир Бухорий” – “Бухорийларнинг каттаси” ва “Имоми ҳожатбарор” – “Ҳожатларни чиқарувчи имом”, “Ҳазрати имом” деган унвонлар берилган. Абу Ҳафс Кабирнинг “Фатовойи Абу Ҳафс” (Абу Ҳафснинг фатволари) ислом оламида маълум ва машҳур бўлиб, барча фақиҳлар ҳазратнинг фатволарига суяниб иш юритишган<sup>3</sup>.

Авлиё ва уламолар тарихига доир қайси бир китобни варақламайлик, албатта, уларда Абу Ҳафс Кабир ва бу улуг зотнинг фарзанди, таълимоти давомчиси Абу Ҳафс Сағир тўғрисидаги қимматли маълумотлар қайд қилинади. Бухоро уламолари ҳақида гап борганида, албатта, дастлаб Абу Ҳафс Кабир муборак номи тилга олинади. Бухоро шаҳри ва унинг атрофидаги муқаддас қадамжолар ва мозорлар тавсифи берилган, Аҳмад ибн

---

Мазкур асарнинг “Таҳриж мин фатово Аби Ҳафс ал-Кабир ал-Бухорий” номли қисқартма нусхаси ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланади.

## FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

Маҳмуд “Муин ул-фуқаро” томонидан XV асрда яратилган машҳур “Тарихи Муллозода” асари фикримиз далилидир. Унинг биринчи қисми “Тали Хожа мазорларининг зикри” деб номланиб, Абу Ҳафс Кабир Бухорий, ўғиллари ва атрофларида дафн этилган фақиҳ Абдуллоҳ Супадмуний ва бошқа улуғлар номлари билан ибтидо топади. Мазкур китобда Ҳазрати Имомга шундай таъриф берилади: *“Шайх, имом, олиму амил (амал қилувчи), илму амал, қуввату мужоҳид, сафои ҳол, зуҳду саховат ва ғазотда ва Аллоҳ жамоасини юксалтиришда олий даражада эдилар. Уларнинг мусулмон умматига бўлган раҳму шафқатлари олижаноблиги ва одамлар оғирини енгил қилишларининг ниҳояси ва ўхшаши йўқ эди”*[15,33].

Шарқ аёлининг маданий-маърифий соҳадаги ғайратига ҳам тарихдан кўплаб мисоллар топиш мумкин. Жумладан, буюк фақиҳ Абу Ҳафс ал-Кабир ал-Бухорийнинг аёли унга ўз маслаҳатлари билан кўмак берар эди. Бундай доно ўғитлардан ҳайратда қолган буюк имом бир кун аёлига шундай деган экан: “Я айтишга ал-маръа, рамайти бисаҳмин нофиз” (Эй аёл, тешиб ўтадиган ёй отдинг) [5,14]. Яъни аёллари ҳам фикр ва ҳадис илмида ўз замонасининг яқтоси бўлганлигидан кишилар бирор масала сўраб келсалар камондан ўқ қандай тез отилиб чиққанидай ҳозиржавоб бўлганлар.

Шоир ва олим Садриддин Салим Бухорий “Абу Ҳафс Кабир” номли рисоласида алломанинг умр йўлдоши ва унинг ўзи ҳалоллик-поклиқда нафақат элдошларига, балки бошқа диндаги кишиларга ҳам ибрат бўлганини қадимий манбалардан олинган куйидаги ривоятда баён этган:

“Ҳазрат Абу Ҳафс Кабир илм олиб Бағдоддан Бухорога келадилар. Ўша асру айёмда ҳали Бухорода оташпарастлар ҳам бор экан. Ҳазрат Абу Ҳафс амри маъруф этиб, ваъз ўқиб, уларни ислом динига даъват қилмоқчи бўладилар. Шунда у кишидан хотинлари сўрайди: “Сиз умрингизда шубҳали таом истеъмол қилганингиз йўқми? Бировнинг ҳақини еганингиз йўқми? Ундайларнинг гапи инсонлар қалбига асло таъсир қилмас!” Абу Ҳафс бу гапни эшитиб, узоқ ўйлайдилар ва бирдан сергак тортиб дедилар: “Ёшлигимда оташпараст кўшнимнинг боғидан бир дона кўкат, яъни гандано кўкати олиб еган эдим. Унинг ҳақини беришни фаромуш қилибман”. Хотин деди: “Бориб ул оташпарастни рози қилинг, ундан сўнг амри маъруф этмоқ сизга мумкиндир. Йўқса ҳеч ким сизга эргашмагай!”.

Абу Ҳафс кўшнилари уйига бориб, бир дона кўкатни сўрамай еганларини баён қиладилар ва ундан ўшал кўкат баҳосини сўрайдилар. Ўша пайтда бозорда бир боғлам гандано кўкати нархи бир пул, яъни сариқ чақа бўлса-да, оташпараст узоқ тортишувдан сўнг бир ҳамён олтин сўрайди. Ҳазрат Абу Ҳафс рози бўладилар. Оташпараст бу воқеани хотинига айтиб берганида, хотини унга танбеҳ бериб дейди: “Бу одам ўзи сиғинадиган Аллоҳнинг ғазабидан қўрқиб, бир неча йил олдин этган гуноҳини бўйнига олиб келибди. Бир пулга арзимайдиган кўкат учун бир ҳамён олтинни бермоққа рози бўлибди. Эй эр! Билгилки, унинг дини ҳақ экан. Биз ҳам Аллоҳга имон келтириб, унинг динига қирайлик. У каби ҳалол-пок, ҳақгўй бўлиб яшайлик!” Ул оташпараст бутун оиласи билан мусулмон бўлади.

Ҳазрат Абу Ҳафс Кабир шарофатларидан Бухородаги қолган оташпарастлар ҳам ислом динини қабул қилган экан” [21,5].

Абу Ҳафс Кабир Бухородаги Дарвозаи Нав қаршисидаги тепалиқда дафн этилган. Бухороликлар у жойни муқаддас санаб, “Ҳақраҳ” (“Ҳақ йўл”) ва “Тали Хожа Имом Абу Ҳафс” (“Хожа Имом Абу Ҳафс тепалиги”) деб атаганлар.

Абу Ҳафс Кабир Бухорий Бухородан Бағдодга бориб, Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийга шогирд тушганлар. Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний Абу Ҳанифанинг йўлидан бориб шариат, ҳуқуқ нормаларини назарий томондан асослаб, системага солади, қиёсний татбиқ қилади. Яъни Қуръон ва Суннада бўлмаган масала қиёсда таққослаш йўли билан ҳал қилинган.

Аллома истиҳсон (биров ҳақида яхшилик билан сўзлаш, эслаш) тамойилини ишлаб чиқди. Маҳаллий ҳуқуқ нормаларини ҳуқуқшуносликка татбиқ қилишнинг назарий асосларини ривожлантирди. Шариат ҳуқуқшунослиги системасини яратишда Қуръони карим ва исломда мусулмонлар учун ибрат ҳисобланган Ҳадиси шарифни асос қилиб олади.

Абу Ҳафс Кабир Қуръоннинг ҳуқуқий нормаларини ҳаёт билан боғлади. Бу даврда Араб халифалиги ҳудудида турли халқлар яшар эдилар. Ўз ўзидан маълумки, уларни бир хил қонун ўлчовда сақлаш яъни ҳамма жойда ягона қонун жорий қилиш мумкин эмас эди. Турли синф, ижтимоий гуруҳларнинг вакиллари ҳадислар тўқиб, уларда ўз манфаатларини ифодалашга уринар эдилар.

Шунинг учун Абу Ҳафс Кабир Абу Ҳанифа йўлидан бориб, маҳаллий шароитга мос келадиган умумий шариат нормаларини ишлаб чиқади. X аср тарихчиси Муҳаммад Наршахийнинг “Бухоро тарихи” китобида Имом Абу Ҳафс Кабир ўз даврининг фақиҳларидан биридир, зоҳид ва ҳам олим бўлган, дейилади [11,48]. Абу Ҳафс Кабир ва ўғиллари Абу Ҳафс Сағир ташаббуслари билан Бухоро ва умуман Мовароуннаҳрда ҳанафий мазҳаби<sup>4</sup> таълимотига асосланган маҳаллий ислом ҳуқуқшунослиги мактабига асос соладилар.

Суннийлик йўналишига мансуб бўлган, имом Абу Ҳанифа (679–767) томонидан асос солинган ҳанафий мазҳаби қонунлари нисбатан юмшоқ ва мўътадиллиги, халқларнинг миллий анъаналари, урф-одатларини эътиборга олгани сабабли дунёда кенг тарқалган. Ер юзидаги мусулмонларнинг деярли ярми мазкур мазҳабдадирлар. Диёримиз мусулмонлари ҳам XIV аср мобайнида ҳанафийлик мазҳабига эътиқод қилиб келмоқдалар.

Абу Ҳафс Кабир Мовароуннаҳрда нафақат фикҳ илмининг, балки Бухоро калом (ислом фалсафаси, илоҳиётшунослик) мактабининг ҳам асосчисидир. У зотнинг Бухорода, қолаверса, Мовароуннаҳрда ислом оламидаги салоҳияти ва нуфузи беқиёсдир. Абу Ҳафс Кабир Бухорода бир неча масжид ва мадрасалар қурдириб, толиби илмларга фикҳ, ҳадис, тасаввуф, ақида илмларидан дарс ўтиб, одамларда пайдо бўлган турли саволлар ва масалаларнинг жавобларини айтиб берар эди.

Абу Ҳафс Кабир ҳанафий мазҳаби таълимотларини биринчи бўлиб Мовароуннаҳрга олиб келди. Унинг қўл остида кўпгина фақиҳлар ва олимлар етишиб чиқди. Тарихчиларнинг таъкидлашларича, Бухорода илмнинг тарқалиши, имом ва уламоларнинг ҳурмат топишига сабабчи бўлган киши Абу Ҳафс Кабир бўлган. Абдулкарим ас-Самъонийнинг айтишича, Абу Ҳафс кўпгина фақиҳларни тарбиялаб, камолга етиштирган.

Абу Ҳафс Кабир ҳанафий мазҳаби фикҳининг Мовароуннаҳрда тарқалишида жонбозлик кўрсатган бўлса, унинг оиласи, хусусан, ўғли Фақиҳ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абу Ҳафснинг ҳам бу борада хизмати буюк бўлган. Шунинг учун ҳам уни Абу Ҳафс Сағир, яъни кичик Абу Ҳафс деб аташган.

Абу Ҳафс Кабирнинг шуҳрати бутун Бухорога, қолаверса, бутун ислом оламига тарқалади. Ҳатто араб диёри олимлари бирор масаланинг жавобини топишга қийналиб қолишса, Бухорога - Абу Ҳафс Кабирнинг олдига бир кишини юбориб, ўша масаланинг ечимини билиб олишар экан. Абу Ҳафс Кабирнинг шарофатларидан Бухоро фақиҳлари ислом оламининг асосий шаҳри Бағдод фақиҳларидан устун бўлганлар. Наршахийнинг таъкидлашича, одамлар Бағдоддан қайтган пайтларида Имом Абу Ҳафс ал-Кабир ал-Бухорийдан бирор масалани сўраш учун ҳам келардилар. Имом Абу Ҳафс ал-Кабир улардан ажабланиб сўрарди: “Нима учун Ироқ олимларидан сўрамадингиз?” Унга жавобан: “Улардан сўрадик, лекин улар жавоб беролмадилар, Ироқ олимлари “Бухорога бориб, Имом Абу Ҳафс ал-Кабир ё ўғиллари Абу Ҳафс ас-Сағирдан сўранглар, деб айтишди” [11,83]. Абу Ҳафс Кабир бошлиқ Бухоро фақиҳлари фикҳни чуқур биладиган ва кучли хотирали деб тавсифланганлар [4,577; 13,217, 10,143].

Ўша давр уламолари унинг илму фазлини баҳолаб, “Муаллими ислом”, яъни ислом динининг муаллими, унинг шарофати билан Бухорони “Қуббат ул-ислом”, яъни ислом дини гумбази ва у киши яшайдиган маҳалла дарвозасини “Ҳақ роҳ”, яъни ҳақ йўл деб аташган.

Абу Ҳафс Кабирнинг шарофатидан сунний ақиданинг ҳанафий мазҳаби тез орада бутун Ўрта Осиё, қолаверса, Мовароуннаҳр Хуросонга ёйила бошлади. Аҳолининг асосий

<sup>2</sup>Мазҳаб арабча сўз бўлиб, “йўналиш”, “оқим”, “йўл”, “таълимот” маъносини, шариат мазҳаблари эса, исломда диний ҳуқуқ тизимлари ва йўналишларини англатади. Бугунги кунда дунёдаги тахминан 1,3 миллиард мусулмон аҳолининг 92,5%ини суннийлар, қолганини шиалар ташкил этади. Суннийлар мазҳабларга қуйидаги нисбатда бўлинадилар: ҳанафийлар – 47 %, шофийлар – 27 %, моликийлар – 17 %, ҳанбалийлар – 1,5 %.

қисми бу мазҳабга мойил эди [6,282,323,339]. Бухорода ҳанафий мазҳаби алломаларининг кўпи пайдо бўлди, уларнинг бошида Абу Ҳанифанинг шогирди Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбонийнинг шогирди – Абу Ҳафс ал-Кабир ал-Бухорий лақабини олган Имом Аҳмад ибн Ҳафс ал-Кабир ал-Бухорий турарди [1,14]. Абу Ҳафснинг минглаб талабалари бор эди [10,5-7]. Ҳорис ибн Абул Вафо ал-Бухорий ва ўғиллари Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳафс аз-Зибарқон (ваф.х.264/м.877)лар ҳам шулар жумласидандир. Абу Ҳафс Кабир шогирдларининг дунё тан олган ягона шогирдини эшлаш кифоя. Бу муҳаддислар султони – Имом ал-Бухорийдир.

Аллоҳ таоло Имом Бухорийга ўткир заковат, кучли ёд олиш ва барча ишларни яхшилаб қилиш қобилиятини берган эди. Ушбу илоҳий неъматларнинг аломатлари у кишини кичиклик чоғлариданоқ кўзга ташлана бошлаган эди. Ўн бир ёшлик бола бўла туриб ўз устозлари Ад-Доҳилийнинг хатоларини тузатишлари бунга далилдир.

Отасининг дарсхонасида Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафсдан Суфённинг “Жомеъ” китобини тинглади эди. Абу Ҳафс ал-Кабир бир ҳарфда хато қилган эди, у қайтарди. Иккинчи марта хато қилган эди, яна қайтарди. Учинчи марта хато қилган эди, яна қайтарди. У бир муддат сукут сақлаб турди-да:

“Бу ким?” деди.

“Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Бардизба”, дейишди.

“Бунинг айтгани тўғри экан. Эслаб қолинглар! Албатта, у бир куни буюк Одам бўлади”<sup>5</sup>, деди Абу Ҳафс [8,196].

Абу Ҳафс Кабирнинг шарофатидан ислом таълимотининг равнақ топиши ва тарғиботининг кенгайиши боис кўп ўтмай, Бухоро шаҳри марказга айланди. Абу Ҳафс Кабир мадрасасидан жуда кўп етук фикршунос олимлар, қозилар, авлиёлар, зоҳид имомлар етишиб чиқди. Шу боисдан IXасрдан бошлаб Бухоро “Қуббат ул-ислом” (“Ислом гумбази”) номи билан шуҳрат топади [18,102].

IX–XII асрлар Шарқ уйғониш даври ва Ўрта Осиёда илму фан, айниқса, фикр илмининг ривожини учун олтин давр ҳисобланади. IX асрда Абу Ҳанифанинг шогирди Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийдан Ироқ йўналиши бўйича фикр илмини ўрганган бухоролик фақиҳ – Абу Ҳафс Кабир ўз ватанига қайтиб, Бухорони фикр илми марказига айлантирди ва кўп сонли шогирдлар тарбиялаб, камолга етказди.

Фикр илми ўша асрда ўзининг ривожланиш палласига кирган эди. Мазкур илми тўла эгалламай туриб, диний масалаларда ҳукм чиқариш мумкин эмас эди. Шу даврга келиб калом илми (ислом фалсафаси – теология) ҳам ниҳоятда ривожланган эди. Мовароуннаҳрда жуда катта каломчилик мактаби яратилиб, унинг асосчиси Абу Ҳафс Кабир Бухорий ҳисобланар эди. Мазкур зот тўғрисида тарихий китобларда ҳам, турли диний тасаввуфий манқабавий асарларда ҳам жуда кўплаб маълумотлар учрайди. Абу Ҳафс Кабир Бухорийнинг илмий салоҳияти тўғрисидаги машҳур бир ривоятда айтилишича, араб халифалигининг вассали бўлган Бухоро шаҳрига халифаликнинг бош вазири ташриф буюради. Вазир келганда кун қорайиб кеч кирган экан. Бухоро шаҳри дарвозалари беркитилган бўлиб тонггача шаҳарга зоғ ҳам кириши ман этилган. Вазир дарвозабондан дарвозани очишни талаб қилади. Дарвозабон бунга рози бўлмагач, у ўзининг халифаликнинг бош вазири эканлигини айтади. Шунда дарвозабон ислом динининг тиргаги ҳисобланган юртдан келган меҳмонга шундай дейди: “Мен сенга бир савол бераман, агар сен ҳақиқатдан халифаликнинг вазири бўлсанг, мазкур саволга жавоб бера олсанг, сўнг мен дарвозани очаман”, дейди ва шундай савол беради: “Камоли имон надур?” Вазир жавоб бера олмайди. Тонг отиб вазир келганлиги маълум бўлади ва арқони давлат уни кутиш учун дабдаба билан дарвоза олдига келади. Шунда вазир дарвозабонни чақиртириб ундан берган саволнинг жавобини сўрайди. Шунда дарвозабон “Камоли имон сабрдир” деганда вазир буни кимдан ўрганганлигини сўрайди. Дарвозабон фахр билан “Шайхимиз Абу Ҳафс Кабирдан” дея жавоб беради. Ва вазир Сомоний подшоҳ билан Абу Ҳафс Кабир ҳузурига борган экан.

Абу Ҳафс Кабирнинг тақволари қаттиқ бўлганидан ҳамма ҳам у кишига гапиришга ботинолмас, подшоҳлар ҳам ҳазратнинг ҳузурларига борганда ўзларини йўқотиб қўяр

<sup>3</sup> Ҳува кама қола. Ваҳфазу фаинна ҳаза явман ясийру ражулан.

эканлар. Ривоят қилишларича, Бухорода Муҳаммад Толут исмли амир бўлган. Бир куни у ўз вазири Ҳошуяга: “Хожа Имом Абу Ҳафснинг зиёратига бориб, ул зот суҳбатларига етишайлик”, – деганда, Ҳошуя амирга: “Абу Ҳафс ҳузурларида бўлганда ул зотнинг салобатлари босиб, ҳеч бир сўз айтолмай қолади киши”, – дебди. Бу гапга ишонмай амир Абу Ҳафс ёнларига борибди ва Ҳазратга салом берибди-ю, бошқа ҳеч бир сўз айтолмабди. Хожа Абу Ҳафс: “Нима муаммо билан келдингиз?” – деб сўраганда, амир ҳар қанча уринса ҳам ҳеч гапиролмабди ва ташқарига чиққандан сўнг Ҳошуяга: “Мен халифа ҳузурида бўлганимда улар билан сўзлаша олганман, лекин Абу Ҳафс Кабир салобатларидан ҳеч бир сўз айта олмадим”, – деди [11,131].

Наршахийнинг “Бухоро тарихи” китобида яна ёзилишича, зоҳид, олим Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Салом Пайкандий (Имом Бухорийнинг устозлари) дейдилар: “Мен тушимда пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.ни кўрдим. У киши Бухоронинг Харқон бозорида эдилар. Хабарда келтирилган ўша туяда минган ва бошларида оқ кулоҳ кийган эдилар. Жуда кўп одамлар пайғамбаримиз с.а.в. ни кўриб, хурсандчилик билан пешвоз олар ва у зоти шарифни қаерга туширамиз, дер эдилар. Шунда Ҳазрат пайғамбаримиз с.а.в. ни марҳум Абу Ҳафс Кабир уйларида туширдилар. Мен Хожа Абу Ҳафсни кўрдим, у киши пайғамбаримиз с.а.в. ёнларида ўтириб китоб ўқирди. Пайғамбар с.а.в. уч кун у кишининг уйларида бўлдилар. Абу Ҳафс китоб ўқир, шу уч кун ичида пайғамбар с.а.в. унга ҳеч бир эътироз билдирмадилар ва ўқиганларининг ҳаммасини тўғри топдилар [11,131].

Шу ўринда бу ривоятни келтирган муҳаддис Муҳаммад ибн Салом Пайкандий ҳақида икки оғиз сўз. Бу зоти шариф Қоракўлнинг Пайкент шаҳрида туғилган ва ҳижрий 225 (мелодий 839) йилда шу ерда вафот этган. Унинг Имом Бухорийга ҳадисдан сабоқ бергани кўпгина манбаларда қайд этилган [3,26].

Абу Ҳафс Кабир нафақат фикҳшунос, ҳадисшунос, илоҳиётшунос олим, балки у халқпарвар ҳомий ҳам бўлган. Унинг халққа шафқати шунчалик бўлганки, бир йили Бухорода қимматчилик пайтида у бир харвор буғдойни 100 динор сотиб олиб, 90 динорга сотган экан. Охири ҳазратнинг кароматидан бир харвор буғдой нархи 10 динорга тушибди. Инсонларга манфаат етиши учун у ўз хазинасини ҳам сарф этибди. Ҳазрати Имом Абу Ҳафс бир хонақоҳ бино этмоқчи бўлдилар ва бунинг учун 80 минг динор вақф этишни ният қилдилар. Бироқ истихора ва машварат айлаб айтдиларки, мен мутаваллийнинг вақф шартларига хилоф иш тутишидан қўрқаман. Қиёматда эса унинг азобга тушишини хоҳламайман. Алқисса, хонақоҳ қурилишининг барча сарф-харажатига тенг бўлган 80 минг динор қимматдаги ер ва мулкни фақирлар, ғариб ва толиби илмлар, уламога садақа сифатида бўлиб бердилар [20,48а].

Тарихчилар ислом маданияти тарихидаги биринчи тизимли мадраса ҳ.459 /м.1066 йили салжуқий вазир Низом ул-Мулк барпо этган Бағдодда бўлган дейишади. Аммо манбаларда Бағдод мадрасасидан тахминан бир аср аввалроқ Бухорода тизимли мадрасалар бўлганлигини манбалар исботлайди. У “Форжак” мадрасасидир. Ҳижрий 325/мелодий 936 йили Бухородаги ёнгин шаҳарга келиб “Форжак” мадрасасини [11,128] ҳам қамраб олган.

“Форжак” мадрасасидан кейин Бухорода “Абу Ҳафс ал-Кабир мадрасаси” барпо этилган. Исломнинг узоқ минтақаларидаги толиби илмлар бу мадрасада таълим олишни орзу қилишган. Мазкур мадрасада Абу Ҳафс Кабир, ўғли Абу Ҳафс Сағир (Абу Абдуллох), неваралари Абдуллох ибн Муҳаммад фикҳ, ҳадис, калом (ислом фалсафаси – теология), тасаввуф каби илмлардан сабоқ беришган. Манбаларда Имом Абу Ҳафс ал-Кабир бомдод намозидан кейин одамларга дарс берган деб қайд этилади [11,83]. Абу Ҳафс Кабирнинг аёллари ҳам йирик фикҳшунос олима бўлиб, аёлларга сабоқ берганлар. Аллома баъзи масалаларда қийналган пайтлари уларни ҳал қилишга аёллари кўмаклашган.

Манбаларда ёзилишича, X асрнинг таниқли қозиси Абу Бақр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Али ибн Шоҳивайх (ваф.х.361/м.971 й.) Бухорога бориб “Абу Ҳафс ал-Кабир” мадрасасида таълим олган [12,47; 4,283]. Яъни мадраса бу санадан олдинроқ ҳам бўлган. Наршахий “Кулар Текин мадрасаси”ни зикр этади. Кулар Текин хуросонлик Муқанна инқилобчиси саркардаларидан биридир. Бу тахминан ҳ.163/м.779 йили бўлган [11,30]. Бу бизни иккинчи ҳижрий/ саккизинчи мелодий аср ўрталарида Бухорода масжиддан

мустақил тизимли мадрасалар бўлган, деган фикрга олиб келади. “Равзат ул-жаннат” (“Жаннат боғлари”) китоби муаллифи Ал-Хавонсорийнинг қуйидаги гапи фикримиз далилидир: “Биринчи қурилган мадраса Бухорода бўлган” [9,184]. Шунингдек, бу фикрни ислом мадрасалари тарихини ўрганган ироқлик профессор Ножий Маъруф ҳам бир неча китобида маъқуллайди [9,4].

Мадрасалар нафақат илмий муассаса, балки узоқ ўлкалардан келадиган олим талабалар учун маскан ҳам бўлган [12,161-162]. Имом Абу Ҳафс ал-Кабир ал-Бухорийнинг мадрасаси ислом оламининг турли ўлкаларидаги олимлар ва толиби илмларнинг орзу қилган мадрасаси бўлган [16,105-106]. Бу мадрасаларнинг Бухородаги одамлар ва унга қўшни турклар орасида исломни ёйишда ҳиссаси беқиёс бўлган [7,288; 24,47].

Наршахийнинг гувоҳлик беришларича, Ҳазрат Абу Ҳафснинг уйлари сақланиб қолмаган, лекин масжидлари ўша асрда сақланган экан: *“Марҳум Хожа Абу Ҳафснинг саройи, кишилар у жойни қанчалик тузатиб турганликларига қарамай, бу кунгача сақланиб қолган эмас, лекин ундан (айрим) нишонларгина боқийдир, савмаа – ибодат қилинадиган жой ҳам у уйда ўз ўрнида турибди ва дуо қабул бўладиган жойдир. Унинг вафоти икки юз ўн еттинчи йил (мелодий 832 йил) эди. Қабри Дарвозаи Навда, дуолар қабул бўладиган жой деб машҳур. У тепаликни Хожа Имом Абу Ҳафс Кабир тепалиги дейдилар. У ерда масжидлар ва ибодатхоналар бўлиб, ҳамиша мужовирлар келиб турардилар. Халқ унинг зўри тупроғини табаррук деб билади. У жойни “Ҳақраҳ дарвозаси” дейилишича сабаб шуки, одамлар ўша ерда, марҳум Абу Ҳафс ҳузурига келиб фатво олар эдилар ва бу фатвони ҳақ деб билар эдилар ва шу жиҳатдан улар Ҳақраҳни “ҳақ” деб атаганлар”*[11,131-132].

Абу Ҳафс Кабир уйи яқинидаги янги дарвозага кираверишда ўнг томонда Қурайшийлар масжиди [10,50;14,46] жойлашган бўлган [11,85]. Мазкур масжидни Қурайш қабиласига мансуб пайғамбарзодалардан Муқотил ибн Сулаймон ал-Қураший қурган. Бу масжидда Арабистондан Абу Ҳафс Кабирдан таълим олиш учун келган толиби илмлар истиқомат қилишган ва ўқишган.

Алломининг ўғли Абу Ҳафс Сағир (кичик Абу Ҳафс) ҳам отаси сингари фикҳ илмида пешқадам бўлган. Унинг номи манбаларда Фақиҳ Абу Абдуллоҳ деб ҳам зикр этилган. Тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳафс аз-Забарқон ал-Бухорий бўлган. У ислом ақидаси ва фалсафасига оид “Ал-Имон” [3] номли китоб муаллифидир. Шунингдек, калом илмларининг турли масалалари ёритилган “Ал-Аҳвоъ вал ихтилоф” (Ҳавойи гаплар ва келишмовчиликлар), “Ар-Радду алал-Лафзийя”[4,82] (“Юзаки қаровчиларга раддия”) каби асарлар ёзган.

Бироқ бу китобнинг тақдири ҳозирги илм аҳлига номаълум.

Зукко олим, обид, фақиҳ, валиюллоҳ сифатида элга танилган Абу Ҳафс Сағир падари бузруквори сингари ҳанафий мазҳабини Ўрта Осиёда ёйишда жонбозлик кўрсатган мард инсон бўлган. IX аср бошларида Хуросонда ноиблик мансаби тоҳирийлар қўлига ўтгач, улар мустақил сиёсат олиб боришга ҳаракат қила бошлаганлар. Араблар ҳукмронлиги тугаб, ҳокимият маҳаллий раҳбарлар қўлига ўтган бўлса ҳам бу ҳол халқнинг аҳволини яхшиламади, меҳнат аҳлини эзиш кучаяверди. Хуросон ноибининг укаси Ҳусайн ибн Тоҳир Аттоий Хоразмни босиб олгач, у ерда кўплаб лашкар тўплагандан кейин 874 йилда Бухорога юриш бошлади. Шаҳар аҳолиси босқинчиларга қарши мардондор курашиб, ғалабани қўлга киритишга сал қолганда Ҳусайн ибн Тоҳир жарчи қўйиб, бухороликларга омонлик эълон қилди. Қурулланган халқ бу хабарнинг ҳийла эканини билмай жанг майдонини тарк этади. Бундан фойдаланган душман қиличини ишга солиб, кўплаб шаҳарликларни ҳалок этди, хонадонларни талади. Ана шундай таҳликали дамларда Абу Ҳафс Сағир Самарқанддаги подшоҳ Наср ибн Аҳмад Сомонийга мактуб ёзиб, Бухорога ҳоким юборишни илтимос қилади. Тез орада подшоҳ укаси Исмоил ибн Аҳмад Сомонийни Бухорога амир этиб жўнатади.

Янги амир Бухородаги вайронагарчилик ва нотинчликни кўриб, бу ерга келганига дастлаб пушаймон бўлади. Аммо Абу Ҳафс Сағир ва бошқа уламолар унинг кўнглини кўтардилар, маслаҳатлари билан давлатни бошқаришга ёрдамлашдилар. Исмоил Сомоний илгари араб заминдорларига қарашли катта қишлоқлардаги ерларни сотиб олиб, уларни вақф ва иқта тариқасида маҳаллий уламолар ва бойларга инъом қилди, натижада

## FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

унинг ҳукмронлиги мустақамланиб, Мовароуннаҳр ва Хуросонда араблардан мустақил катта давлат тузишга муваффақ бўлади.

Ана шу амирни қўллаб-қувватлаган, унга маслаҳатлар берган Абу Ҳафс Сағир ҳижрий 264/мелодий 877 йилда вафот этиб, отаси Ҳазрат Абу Ҳафс Кабир ёнига дафн қилинган.

Абу Ҳафс Кабирнинг невараси Абдуллоҳ ибн Ҳафс ҳам фикҳ илмининг донишманди бўлган.

Маълумки, мазорларга барча замон ва маконларда ислом маданиятининг муҳим қисми сифатида қаралган. Чунки ислом дини таълимоти бўйича, инсон вафот этганида ҳам худди тирикликддек азизу мукаррам. Марҳумни ювиш ва дафн этишда махсус қонун-қоидалар шарт бўлган. Бухорога ислом дини киргач, одамлар марҳумларни исломий урф-одат бўйича дафн этишган. Даврлар ўтиши, одамларнинг кўпайиши натижасида, шаҳарда мазорлар кўпайган.

Тарихий манбаларда Бухорода бир қанча табаррук мазорлар борлиги зикр этилган. Калобод маҳалласидаги “Қузоти сабъа” (Етти қози) мақбараси<sup>6</sup>, унинг ёнидаги амир ва улуғларни дафн этишга ишлатилган “Судур мазори” (Садрлар мазори)<sup>7</sup>, “Беҳиштиён” (Жаннатийлар) мазори [10,62-89], “Ҳавз ул-миқдом” [17,213] мазори, “Дол мазори” [4,243], “Мақбарату боби Мансур” [11,44] (Мансур дарвоза мазори), “Боб ул-мажус” (Мажусийлар дарвозаси), “Фағсодалар мазори” [10,82] ва **Фақиҳ Абу Ҳафс ал-Кабир мазори** шулар жумласидандир. Абу Ҳафс ал-Кабир мазори табаррук зиёратгоҳга айланиб қолган ва унга “Тариқ ул-ҳақ” (Ҳақ йўл) деб ном берилган. Чунки одамлар у ерга фатволарини олиб бориб, мерос бўлиб қолган одатга кўра истихора қилишган [11,84-85]. Алломанинг қabri Бухоро шаҳридаги энг серқатнов ва гавжум зиёратгоҳларидан бири сифатида эъзозланган, бухороликлар мазкур мазорда дафн қилинишни ўзларига фахр деб билишган, қиёмат куни Ҳазрат Абу Ҳафс Кабир билан бирга бош кўтарайлик, деб умид қилишган.

### АБУ ҲАФС КАБИРНИНГ ФАТВО ВА ҲИКМАТЛАРИДАН:

Қайси бир фикҳий ёхуд фатво китобини варақламайлик, албатта, унда Абу Ҳафс Кабирнинг фатволарига дуч келамиз. Ҳазратнинг китоблари бизнинг кунимизгача етиб келмаган. Лекин мўътабар манбалар Абу Ҳафс Кабир хонадони, уларнинг илмий салоҳияти, ислом тамаддунига қўшган беқиёс ҳиссаси тўғрисида маълумот беради. Демакки, биз мана шундай йирик алломанинг илмий меросини ўрганиш бўйича ислом ва дунё кутубхоналарида, жумладан, Миср, Туркия, Дамашқ, Байрутда ислом алломаларининг, жумладан, Бухорийлар илмий мероси бўйича сақланаётган қўл ёзма, манбаларни ўрганиб, улар нусхаларини олиб келиб, ёш авлодга етказмоқчилигимиз даркор.

Ҳазрат Абу Ҳафс Кабирнинг фатволари, асарларидан иқтибослар ислом оламидаги машҳур фикҳий китоблар, фатво тўпламлари ва тасаввуфий асарларда жуда кўп учрайди. Жумладан, “Фатовои оламгирия”, “Ал-Муҳит ал-бурҳоний фил фикҳ ан-нуъманий”, “Таҳриж мин фатовои Абу Ҳафс Кабир Бухорий”, “Ҳайрат ул-фуқаҳо”, “Салоти Масъудий”, “Чаҳор китоб”, “Маслак ул-муттақин” ва бошқа кўплаб китобларда Ҳазрат Абу Ҳафс Кабирнинг фатволаридан истифода қилинган.

Мўътабар фикҳий масалалар тўплами бўлмиш “Салоти Масъудий” китобида қуйидаги ривоят келтирилган:

“Бир кун Имом Абу Ҳафс Кабир Бухоро аҳли олдида ваъз қила бошлаган аснода бир муслмон ўрнидан туриб: “Эй Хожа, хуфтон намозида Қунут дуосини билмайдиган ва витрда унинг ўрнига “Қул ҳувваллоҳу аҳад”- ни ўқийдиган киши ҳақида нима дейсиз? У

<sup>4</sup>Мазкур қабристон ўрта асрлардаги Бухоро мақбараларининг энг машҳури бўлган. Лекин уни зикр этган барча тарихчилар, у ерда дафн этилган етти қози кимлигини батафсил айтишмаган. Биз фақат қози Абу Зайд Убайдуллоҳ ибн Умар ад-Дабусий ал-Бухорийни аниқлай олдик (ваф.х.430/м.1038). Бу ерда шаҳарнинг олим ва фақиҳлари дафн этилган. Ал-Кураший айтади: “У ерда беҳисоб одамлар дафн этилган”. У узоқ муддат мазор сифатида ишлатилган.

<sup>5</sup> У ерда дафн этилганлардан: Имом Шамс ул-аймма (Имомлар қуёши) лақаби билан танилган Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Наср ибн Солиҳ ал-Бухорий ал-Ҳалвоий. Шунингдек, бу қабристонда ҳанафийлар дафн этилинган. Чунки бу ерда ҳанафийнинг беҳисоб кўп вакиллари бор. Бу мақбара Калободнинг ташқарисида бўлган.

## FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

витр намозининг уддасидан чиққан бўладими ёки йўқми? – деб сўраб қолади. “Уддасидан чиққан бўлади”, – деб жавоб беради Хожа.

Бироз вақт ўтгач, Абу Ҳафс Кабир ҳаж сафарига қасд қилиб, Бағдодга етиб борганида қафасдаги тўтига кўзи тушади. Тўти “Қул ҳуваллоҳу аҳад” билан Қунут дуосини хатосиз ўқир эди. Бу ҳолни кўрган Ҳазрати Имом олиб борган молларини ҳожиларга тақсимлаб бериб деди: “Эй ёронлар, мен Бухоро шаҳрига қайтаман, бир зарур иш чиқиб қолди”.

Хожа Бухорога қайтиб келганида, нега сафари қисқа бўлганлиги ҳақида сўраганларга ҳам: “Бир муҳим иш чиқиб қолди”, дея жавоб бериб, минбар барпо қилишни буюрди. Минбарга чиқиб деди: “Бир киши мендан Қунут дуосини билмайдиган бир мусулмон унинг ўрнига “Қул ҳуваллоҳу аҳад”ни ўқиса, витр намозининг уддасидан чиққан бўладими ёки йўқми, деб сўраган эди. Уша савол берган киши ораларингда борми?”. Шу ерда ҳозир бўлган савол қилувчи: “Бор”, деб жавоб беради.

Шунда Хожа дейди: “Ўқиган намозларингиз, иншааллоҳ, раво бўлади, аммо бугундан тезда ҳаракат қилиб, Қунут дуосини ўрганингиз, намозингиз жойида бўлсин. Бағдодда бир тўтини кўрдим, у “Қул ҳуваллоҳу аҳад” билан Қунут дуосини хатосиз ўқирди. Бир тўти шакар умидида жаҳд қилиб, “Қул ҳуваллоҳу аҳад” ва Қунут дуосини ўрганган экан, сиз мўминсиз, оқилсиз, балоғатга етган, ақлу ҳушингиз жойида. Сизга жаннат ва Ҳақ таолонинг дийдорини кўриш ваъда қилинмоқда ҳамда қиёматда дўзахдан халос бўлиш умиди бор, шундай экан, нега Қунут дуосини ўрганишга саъйу ҳаракат ва жидду жаҳд кўрғазмайсиз?”

Фақиҳ Абул Лайс ас-Самарқандий “Танбеҳ ул-Ғофилийн” (“Ғофилларга танбеҳ”) китобларида Абу Ҳафснинг бир неча ҳикматларини мисол тарзида келтирганлар: “*Ўнта нарса олимнинг даражасини баланд қилади: Аллоҳдан кўрқув, (оммага доимо) панду насиҳат этмоқ, раҳму шафқатли бўлмоқ, мусибат етганда бардошли бўлмоқ, сабрли бўлмоқ, мулойимлик, тавозуъ (камтарлик), одамларнинг омонатига хиёнат қилмаслик, доимий китоб мутолаа этмоқ, ҳожибнинг (эшик оғаси, дарвозабон) оз бўлиши, яъни унинг олдида киришга монъелик бўлмаслиги ва эшиги шоҳу гадога баробар очиқ бўлиши. Чунки бизларга хабар етдики, Довуд а.с. ҳожибларнинг қаттиқлиги туфайли синовга йўлиққан эдилар*” [22,223].

Абу Ҳафс айтадилар: “*Ўнта нарса одамларнинг ўнта тоифаси учун ёмондир. Султондаги тезлик (яъни шошма-шошарлик), бойлардаги бахиллик, уламолардаги таъма, камбағаллардаги ҳирс, таниқли, машҳур одамлардаги ҳаёнинг озлиги, қарилар ўзларини ёшлардек туттиши, эркаларнинг аёлларга ва аёлларнинг эркаларга ўхшаши, зоҳидларнинг дунё аҳли эшикларига келиши, бандалардаги ғофиллик*” [22,224].

“Чаҳор китоб”да ёзилган: “*Билгилки, ҳар бир мусулмонга бу масалаларни ўрганмоқ ва ёдламоқ лозим. Имом Абу Ҳафс Бухорий раҳматуллоҳи алайҳ айтганлар: “Ҳар бир намозхон намозни ўқиса-ю, намоз фарзларини тўғри адо қилса, лекин ул фарзларни номларини билмаса, унинг намози дуруст бўлмас”*” [23,29].

XIII асрда яшаган бухоролик машҳур фақиҳ Алоуддин Бухорийнинг “Ҳайрат ул-фуқоҳо” (“Фақиҳлар ҳайрати”) китобида Абу Ҳафс Кабирнинг куйидаги фатволари келтирилган:

1. Хожа Абу Ҳафс Кабир раҳматуллоҳ алайҳдан сўрадилар: “Закотни дарвешга беришлик яхшими ёки қарздорга?”

У киши: “*Қарздорга берган яхшироқдир. Ҳар ким қарздорни қарзидан халос этса, унинг жойи жаннатда бўлади*”- дедилар.

2. Хожа Имом Абу Ҳафс Кабир ал-Бухорий раҳматуллоҳ алайҳ айтадилар: “*Ҳеч бир гуноҳ мўмин банданинг хотинининг маҳрини бермай дунёда бирор нарса сотиб олган ва вафот этганда бўйнига қолган қарзининг гуноҳига етмайди*”.

**Хулоса.** Ҳазрат Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Мукошафат ул-қулуб” (“Қалблар кашфиёти”) номли китобларининг “Ғийбат” бобида Ҳазрат Абу Ҳафснинг куйидаги ҳикматларидан иқтибос келтирилган: “*Бировни иғво қилишнинг гуноҳи бир Рамазон ойи рўза тутмасликнинг гуноҳидан ёмонроқдир. Ва яна Абу Ҳафс дейдиларки, ким бир фикҳ олимини ғийбат қилса, қиёмат куни пешонасида: “Бу Аллоҳнинг раҳматидан умид узгувчидир”, деб ёзилган ҳолда келади*” [2,82].

Абу Ҳафснинг куйидаги ҳикматлари ҳам ибратлидир: “*Инсонни камбағал бўлишига сабаб бўлувчи ишлар куйидагилар: нон ушоқларини оёқ остига ташламоқ, юзни этак*



## FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

билан артмоқ, намозни тарк қилмоқ, кечанинг аввалида зуд ётмоқ, уйни супурмасдан қўймоқ, остонада ўтирмоқ, идиш-товоқни ювмай қўймоқ, қўлни ювмай таом емоқ, Қуръони каримни таҳоратсиз олиб ўқимоқ, ота-онанинг номини олиб чақирмоқ, тирноқларни тиш билан олмоқ, ёши катта, оқсоқоллар олдидан кесиб ўтмоқ!”

Ҳазрат Абу Ҳафс дедилар: “Имоннинг вожиботлари ўн иккитадир: олимлар билан ҳамсухбат бўлмоқ, фосиқ инсонлардан узоқ юрмоқ, чанқаган кишига сув бермоқ, беморлар ҳолидан хабар олмоқ, етимлар бошини силамоқ, икки урушган кишини яраштириб қўймоқ, дарвешларга саховат кўрсатмоқ, ўлганларни ювмоқ, йўлдан тошларни олиб четга қўймоқ, мўмин биродарнинг айбини ёпмоқ, Хонаи Каъбани тавоф қилмоқ, ўз оила аъзоларига илм ўргатмоқ”.

### АДАБИЁТЛАР

1. **Абдулғаний Абдуллоҳ.** Бухоронинг қадимги фақиҳлари.– Т.: Ўрта Осиё ва Қозоғистон муслмонлари идораси муслмонлари, 1982, 3-сон. – С.40.
2. **Абу Ҳомид Ғаззолий.** Мукошафатул қулуб. – Т.: Адолат, 2002. – С. 337.
3. **Абдулкарим ас-Самъоний.** Насабнома (ал-Ансоб). – Т.: Ҳилол-нашр, 2017. – С. 336.
4. **Аз-Заҳабий.** Тарих ул-ислом. 10 жилд. – Байрут: Дор ул-ғарб ал-ислабий, 2003.
5. **Аз-Зандавий.** Равзат ул-уламо (қўлёзма). – С.100.
6. **Ал-Мақдисий.** Аҳсан ут-тақосим фи маърифат ал-ақолим. – Лейден: Брилл, 1906.
7. **Ал-Хатиб ал-Бағдодий.** Абу Бакр Аҳмад ибн Али. Тариху Бағдод ав мадинат ус-салам мунзу таъсийсиҳа ҳатта сана 463 ҳижрийя (Бағдод ёки Салом шаҳрининг асосланишидан то 463 ҳижрий йилгача бўлган тарихи). 21жилд. – Байрут: Дор ул-ғарб ал-ислабий, 2001.
8. **Ал-Хавонсорий.** Равзат ул-жаннот фи аҳвол ал-уламо вас-содот. 8 жилд. – Байрут, ад-Дор ал-исламия, 1991.
9. **Ал-Қураший.** ал-Жавоҳир ал-музийя фи табақот ал-ҳанафия. – Байрут: Рисола, 1993.
10. **Ан-Наршахий.** Тариху Бухоро. – Қоҳира, Дор ул-маъориф, 1965.
11. **Ас-Самъоний.** ал-Ансоб. 13 жилд. – Ҳайдаробод, Доират ул-маориф ал-усмония, 1963.
12. **Ас-Сафдий.** Ал-Вофий бил-вафийёт. 29 жилд. – Байрут: Дору ихё ат-турас ал-ислабий, 2000.
13. **Ас-Суютий.** Луб ул-лубоб фи таҳрир ал-ансоби. – Байрут: Дору содир, 2001.
14. **Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорий.** Тарихи Муллозода (Бухоро мазорлари зикри). – Техрон, Маркази муталаоти Эроний, 1370.
15. **Вамбери.** Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Т.: Ғафур Ғулом, 1990.
16. **Ёқут.** Муъжам ул-удабо. Биринчи нашр. 7 жилд. – Байрут: Дор ул-ғарб ал-ислабий, 1993.
17. **Зиё А.** Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Т.: Шарқ, 2000.
18. **Маъруф, Ножий.** Уламоун-низомийя ва мадарис ул-машриқ ал-ислабий. – Бағдод: Матбаат ул-иршод, 1973.
19. Рисолайи Султоний. Қўлёзма, 48 а.
20. **Садриддин Салим Бухорий.** Ҳазрат Абу Ҳафс Кабир. – Б.: Бухоро, 2006.
21. **Фақиҳ Абул Лайс ас-Самарқандий.** Танбеҳул ғофилийн (иккинчи китоб), – Т.: Мовароуннаҳр, 2001.
22. Чаҳор китоб. – Душанбе: Адиб”, 1990.

УДК: 165: 001: (159.956)

### ИЛМИЙ БИЛИШДА ИНТУИЦИЯНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

#### ОСОБЕННОСТИ ИНТУИЦИИ В НАУЧНЫХ ЗНАНИЯХ

#### THE MAIN FEATURES OF INTUITION IN SCIENTIFIC KNOWLEDGE

**Надинова Зойира Паяновна**

*Муҳаммад ал Хоразмий номидаги ТАТУ Қарши филиали доценти, фалсафа фанлари номзоди*

**Амиркулов Раҳмиддин Худойберди ўғли**

*Муҳаммад ал Хоразмий номидаги ТАТУ Қарши филиали талабаси*

## FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

**Таянч сўзлар:** интуиция, билиш, ҳиссий билиш, ақлий билиш, иррационал билиш, рационал билиш, интуитив тафаккур, интуитив билиш, интуитив хулоса.

**Ключевые слова:** интуиция, познание, чувственное познание, рациональное познание, иррациональное познание, интуитивное мышление, интуитивное познание, интуитивное заключение.

**Key words:** intuition, cognition, sensitive cognition, scientific cognition, rational cognition, irrational cognition, intuitive thinking, intuitive cognition, intuitive conclusion.

*Мазкур мақолада интуиция, унинг илмий билишдаги ўрни, интуициянинг ўзига хос хусусиятлари, интуициянинг турлари, олимларнинг интуицияга оид қарашлари ва бугунги кундаги аҳамияти ҳақида сўз юритилади.*

*В данной статье рассматриваются интуиция, ее роль в научном познании, особенностях интуиции и ее значение на сегодняшний день.*

*This article discusses intuition and its role in scientific knowledge, the features, types and views of scientists regarding intuition and its importance to date.*

**Кириш.** Интуиция ижод, бадиий ижод, илмий ижод, тафаккур, рационал тафаккур, иррационал тафаккур, интеллект, хотира, тасаввур, диққат, фаҳм-фаросат, онглилик, онгсизлик, онг ости соҳаси ва инсайт, инстинкт каби тушунчалар билан узвий диалектик алоқада. Мазкур тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш, интуитив тафаккур тарзини илмий асосда таҳлил этиш ва фан тараққиётининг янги қирраларини очиш имкониятини яратади.

**Асосий қисм.** Маълумки, илмий ижодда объектив борлиқ қонунлари, моҳияти, хосса ва хусусиятларини билиш ҳиссий ва рационал йўллар билан амалга ошади. Лекин ижод шундай мураккаб жараёнки, у инсоннинг бутун руҳиятини қамраб олади. Бу эса ижодий жараён инсоннинг онгсиз ва онг ости қатламларига ҳам кириб боришини билдиради [6,15]. Онг – инсон ижтимоий тараққиётида воқеликни руҳий акс эттиришнинг олий шакли. «Онг инсонга мақсад ва режалар тузиши, ўзининг табиат ва ижтимоий муҳитдаги фаолиятини бошқариши, ундаги борлиққа нисбатан эмоционал (ҳиссий), рационал (ақлий) ва амалий муносабатларни бошқариши ва назорат қилишида ёрдам беради» [7,59-75]. «Инсон миясининг бир секундда ахборотни қайта ишлаш қуввати онгсиз ҳолатда  $10^9$  га тенг бўлса, онгли ҳолатда  $10^2$  га тенг. Бу ҳол катта ҳажмдаги ахборотни онг ости соҳасида қўллашда тезкор ақлий жараёнлардан фойдаланиш учун муҳим замин бўлишини кўрсатади, онгсизлик функцияси қисқа вақт ичида онг амалга ошира олмайдиган ишни ниҳоятда тез бажаришга қодирлигини англатади [4,152]. Онгсизлик бу ўринда катта аҳамиятга эга эканлигини кузатишимиз мумкин. «Онгсизлик инсон онгида ифодаланмаган, унинг ақл доирасидан ташқарида бўлган ва инсон назоратига бўйсунмайдиган руҳий жараён, ҳолат, ҳаракатлар мажмуи. Онгсизлик жараёнига инстинкт, қизиқиш, интуиция, аффект ҳолати, туш кўриш кабилар киради» [2, 223].

Интуиция онглилик ва онгсизлик ҳолатларининг яхлитлигида акс этувчи мураккаб билиш жараёнидир. Айтиш жоизки, интуитив билимнинг намоён бўлишида бир қатор омиллар мавжуд; бу энг аввало олимнинг дунёқараши, муаммони ечиш эҳтиёжи, қизиқиши, диққати, хотираси, турли ижтимоий ва табиий муҳит каби ҳолатларни қамраб олади. «Муаммонинг ечими фақат соф билиш тизимида яратилади» [12,37]. Онг ости соҳаси руҳий ҳаётнинг туш кўриш, хаёл суриш, олдиндан пайқаш каби ташвишли сезгиларини қамраб олади. Айтиш пайтда, онг ости, онгсиз соҳа инсондаги хотира ва ижод билан боғлиқ. «Онг – инсон миясининг фаолияти, маҳсули. Онг – инсоннинг руҳий ҳолати» [18, 106].

«Ҳар хил тушлар, галлюцинациялар, хаёлдан кетмайдиган ғоялар интуиция, онгсизликнинг намоён бўлиш шакллари мисол бўлади. Улар одамлар онги ва руҳиятида бир вақтнинг ўзида намоён бўлади. Шу сабабли онгсизлик муайян лаҳзада бошқарилишга қодир бўлмайди, дейиш мумкин [3,10-19]. Билиш жараёнида ҳиссий билишдан ақлий билишга ёки аксинча, ақлий билишдан ҳиссий билишга ҳаракат **онг ва руҳият** масаласида ўз ифодасини топди. Инсонда уйғунлик ҳолатининг намоён бўлиши интуитив билимнинг шаклланишига имкон яратади. Айтиш мумкинки, нафақат **онгли ҳолат, балки руҳий жараёнларнинг уйғунлашуви ҳам интуициянинг содир бўлишида ўз ифодасини**

**топади.** Интуицияда онгсизлик ва онг диалектик алоқага киришиб, уйғун бирликка эришади.

Онг таркибидаги муҳим элемент тафаккурдир. Тафаккур – билиш фаолиятида воқеликни умумий ва билвосита акс эттиришда намоён бўладиган жараён. Тафаккур воқеликни умумлашган ҳолатда акс эттиради. Ҳиссий билишдан фарқли ўлароқ, тафаккур нарса ва ҳодисаларнинг номуҳим, иккинчи даражали (бу одатда билиш олдида турган вазифа билан боғлиқ бўлади) белгиларидан фикран четлашган, мавҳумлашган ҳолда, эътиборни унинг умумий, такрорланиб турувчи хусусият ва муносабатларига қаратиш имконини беради. Тафаккур борлиқни билвосита акс эттиради. Унда янги билимлар тажрибага ҳар сафар бевосита мурожаат этмасдан, мавжуд билимларга таянган ҳолда ҳосил қилинади. Бунда фикрлаш нарса ва ҳодисалар ўртасидаги алоқадорликка асосланади. Тафаккурнинг муҳим хусусияти унинг ижодий фаолият билан боғлиқлигидир. Бунда нарса ва ҳодисаларнинг энг мураккаб хусусиятларини ўрганиш, ҳодисаларни олдиндан кўриш, башорат қилиш имконияти вужудга келади.

Тафаккур теварак-атроф, ижтимоий муҳит ҳамда борлиқни билишнинг асоси, инсон фаолиятини оқилона ва самарали ташкил қилишнинг муҳим шarti ҳисобланади. Киши фикрлаш жараёнида ўзи кўрган, идрок этган, сезган, тасаввур қилган нарса ва ҳодисаларнинг тўғри-нотўғрилиги, аниқ-ноаниқлиги ҳамда борлиққа муносабатини англайди. Тафаккур инсоннинг руҳий ҳолати билан бевосита боғлиқ. «Тафаккур — билиш зарур бўлган нарса ва ҳодисалар ўртасидаги боғланиш ва муносабатларни очиш орқали онгдан ташқарида кечган (объектив) воқеликни умумлаштирган ҳолда ва билвосита билишга қаратилган руҳий фаолиятдир» [9,44].

Тафаккур – олам сирларини ўрганишда ҳосил бўлган қараш, тушунча ва фаразлар мажмуи, улар орқали инсон хулоса ҳамда мулоҳазаларнинг қанчалик тўғри ёки нотўғрилигини билиб боради. Айтиш мумкинки, тафаккур инсоннинг онги, қалби ва руҳияти билан узвий бўлиб, унинг хусусияти илмийлик, бадиийлик ва ижодийликда ўз ифодасини топади. Рационал тафаккурда билиш жараёни қуйидаги тузилишга эга: билувчи – билиш воситаси – билиш мумкин бўлган нарса. Билиш жараёнининг мазкур уч аъзоли тузилишида инсон фаолиятининг барча амалий турлари, авваламбор моддий меҳнатдаги уч аъзолилик, яъни ҳар қандай фаолиятда субъект, объект ва ҳаракат воситаси бўлиши акс этади [19,15].

Тафаккур – объектив олам инъикосининг олий шакли, объектив воқеликнинг онгда акс этиш жараёни. «**Тафаккур** (араб. фикрлаш, ақлий билиш) – инсон маънавиятининг таркибий қисми. Билишнинг оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим хусусиятларини аниқлайдиган, улар ўртасидаги ички, зарурий алоқалар, янги қонуний боғланишларни акс эттирадиган ақлий босқичидир» [4,42]. Тафаккур кишиларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш фаолиятида пайдо бўлади. У *руҳият, онг, диққат, фаҳм-фаросат* каби тушунчаларнинг асоси ҳисобланади ҳамда инсоннинг ақлий ва руҳий олами бирлигида, яхлитлигида акс этади. Инсоннинг бир бутун оламга, жамиятга, ўзига бўлган муносабати унинг тафаккурида, руҳий оламида ўз ифодасини топади.

Тафаккурнинг рационал ва иррационал хусусиятлари ўртасидаги диалектик муносабат унинг интуитив шаклида ўз ифодасини топади.

Рационализм математик ҳақиқатлар ва табиатшуносликнинг хусусиятларини ўрганиш сифатида пайдо бўлди. «Рационализм – (лот. *rationalis* – оқиллик, *ratio* – ақл) ақлни билишнинг ва кишилар хулқ-атворининг асоси деб ҳисобловчи фалсафий йўналишдир» [16,23]. Унинг XVII асрдаги вакиллари Р. Декарт, Б. Спиноза, Г. Лейбниц, XVIII асрдаги вакиллари И. Кант, И. Фихте, Ф. Шеллинг, Г. Гегель каби олимлардир. Айни пайтда рационализм маърифатпарварлик мафкураси вакилларининг фалсафий манбаларидан биридир. Рационализмнинг илк тарихий шакли антик давр фалсафаси бўлиб, унинг гносеологик асосларига кўра инсоннинг ҳиссиётлари унга объектив ҳодиса ва жараёнлар тўғрисида ҳар доим ҳам аниқ маълумот бера олмайди. «Рационаллик нафақат назария ва дунёқарашда намоён бўлади, балки инсоннинг амалий ва ижтимоий-иқтисодий фаолиятига ҳам тегишлидир. Инсоннинг билиши ва амалий фаолияти асосан рационалликка асосланган. Айтиш жоизки, фан рационалликка асосланган ҳолда илмий билим олиш воситаси сифатида шаклланган» [19, 5]. Рационаллик хислатини намоён

## FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

этадиган тафаккур турлари мавжуд: а) фаҳм-фаросатли тафаккур; б) сунъий интеллектга оид алгоритмлаш тафаккури; в) абстракт тафаккур; г) диалектик тафаккур. Фаҳм-фаросатли тафаккур, сунъий интеллектга оид алгоритмлаш тафаккури, абстракт тафаккур турларида ҳукм тузиш ва хулоса чиқариш мантиқ қонун-қоидаларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади. Диалектик тафаккур эса мураккаб тафаккур ҳисобланади.

Рационализмнинг моҳияти фалсафанинг сабаб ва оқибат, моҳият ва ҳодиса, миқдор ва сифат категориялари орқали очиб берилади. Манбаларда қайд этилишича, тафаккур тарзи, одатда воқеликни идрок этиш ва унга муносабатга кўра, рационал (ақлга, мантиққа асосланган) ва иррационал (ақл ва мантиқ доирасидан чиқадиган, уларга зид ёки ботиний ишончга, мистик омилларга таянадиган, ғайришуурий) бўлади [22,426]. «Рационаллик» тушунчаси рационал тафаккур ва фаолиятда ўз ифодасини топади. «Рационал фаолият бу инсон томонидан мақсад қўйиб амалга ошириладиган фаолиятдир. Бундай фаолият субъект, мақсад ва унга етишиш воситаларини онгли равишда танлаш, мақсадни фаолият натижасига айлантирадиган пухта ўйлаб чиқилган ҳаракатлар мажмуи бирлигини тақозо этади» [3,24].

**Карл Поппер** (1902–1994) ўз танқидий рационализм фалсафасида интуицияни эпистемологик ва ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида таҳлил қилишга эътибор беради. Унинг фикрича, мантиқий мунозара ва интуитив билиш ўртасида аниқ чегара мавжуд эмас, интуициянинг ўзи эса маданий тараққиёт тарихи ва мунозарали билишда эришилган ютуқларнинг маҳсулидир. Поппер рационализмни ижтимоий ҳодиса сифатида, яъни инсонларнинг бир-бирларига бўлган муносабатлари, юриш-туришлари нуқтаи назаридан баҳолайди: «Мен хато қилишим, у ҳам хато қилиши мумкин, лекин биз биргаликда ҳақиқатга яқинлашамиз»[13,251]. Бизнингча, бу ўринда интуициянинг қарама-қаршиликларнинг ўзаро кураши бирлигида намоён бўлади.

Иррационализм (лот.irrationalis – ақлга зид, ғайришуурий) – билиш жараёнида ақлнинг имкониятларини чеклайдиган ёки инкор этадиган, дунёни билишда инсон маънавий ҳаётининг тафаккурдан ташқари томонлари, ирода, интуиция, хаёл ва шунга ўхшаш тушунчаларни биринчи ўринга қўядиган фалсафий оқим[11]. Иррационалистлар фикрича, инсон объектив воқеликнинг барча сир-асрорларини ақл ёрдамида билишга қодир эмас, воқелик эса қонуниятлардан холи, тасодифлар, кўр-кўрона иродага бўйсунди[10,112]. Айтиш мумкинки, янги билимни эгаллашда нафақат мантиқий тафаккур, унинг қонунлари, тушунчаларнинг шаклланиш усуллари ва йўллари катта аҳамиятга эга, балки кўпгина илмий муаммоларни ҳал қилишда иррационалликнинг ҳам ўрни катта. Луи де Бройль таъкидлаганидек, «агар фан асослари мутлақо рационал бўлганида эди, иррационал ривожланиш ва ҳаттоки тез-тез тубдан алмашинув ҳам мумкин бўлмас эди»[4,142]. У илмий тадқиқот жараёнида олимнинг нафақат рационал, балки бошқа индивидуал тафаккур хусусиятлари ҳам катта аҳамиятга эга эканлигини айтади. Айтиш мумкин К. Поппер ижодий жараёнда инсонда эркин фикр, интуициянинг пайдо бўлиши ҳақида фикр юритади.

Иррационализм – чекланган билимдан чекланмаган билимга, тўлиқ бўлмаган билимдан тўлиқ билимга ўтишдир [13,71]. Бундан интуициянинг рационал ва иррационал тафаккур билан уйғунлиги асосида билимларнинг келиб чиқиши ҳақида мулоҳаза келиб чиқади. Манбаларда келтирилишича, «иррационаллик тушунчаси ўз-ўзини ташкил қилувчи ва ўз-ўзини тартибга солувчи тизимларнинг эволюцион тараққиёти жараёнида намоён бўлади»[6,20]. Умуман олганда, рационализм ва иррационализм ҳақида сўз борганда қуйидаги фикр ўринли деб ҳисоблаймиз: «Тафаккур табиати ва моҳияти шунчалик мураккабки, унда рационализм иррационализм билан, рационал эвристик хулосалар, умумлаштиришлар трансцендент билан, интуитив кашфиёт топқирлик билан, ҳодисаларни метафизик ўрганиш динамикаси диалектик таҳлил қилишлар билан чамбарчас боғланиб кетган» [22,395]. Иррационал тафаккурнинг кўринишлари: а) руҳий йўналишнинг (установка)нинг мавжудлиги; б) туш кўриш; бунда тафаккурнинг ақлий жиҳати фаолиятсиз ҳолатида бўлиб, фақат ноақлий жиҳати фаол бўлади; в) спонтан хаёл қилиш, бу жараён мантиқий онглилик билан боғланмаган, унинг хусусияти шундаки, муаммо ёки жумбоқнинг ечими мутлақо кутилмаган вазиятда, иррационал, ғайришуурий тарзда пайдо бўлади. Тафаккурнинг иррационал жиҳати рационаллик билан бирга, параллел тарзда кечиб, ҳар

## FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

иккиси бошқа-бошқа йўналишларга қаратилган бўлади. Спонтан хаёл қилиш жараёнида эса тадқиқотчи муаммо билан мутлақо шуғулланмаган ҳолатда, баъзан муаммо умуман ёдидан кўтарилганда содир бўлади. Бунда тадқиқотчининг рационал фаолияти тамомилан бошқа нарса билан банд бўлади, муаммонинг ечими тадқиқотчининг хаёлига кутилмаганда, масалан суҳбатлашаётганида, ёки фильм томоша қилаётганида ённки табиат кучоғида сайр қилиб юрганида тўсатдан келиб қолади.

Интуиция жараёнида вазият бошқача кечеди, яъни тафаккурнинг рационал ва нораціонал жиҳатлари айнан муаммога, тадқиқотга қаратилган ҳолда масаланинг ечими кутилмаганда, номантикий фикрлаш жараёнининг маҳсули сифатида юзага келиши мумкин. Кўп ҳолларда тадқиқотчи жумбоқ устида бир неча самарасиз уринишларни амалга оширади, танаффусдан кейин яна тадқиқотни давом эттиради, айнан шу вазиятда муаммонинг ечими мантикий мушоҳадаларсиз тўсатдан топилади. Илмий билишда диалектик қонун ва категорияларнинг ихчамлигини ҳар томонлама ҳисобга олиш олимларни масалага бир томонлама ёндашишига имкон яратмайди, диалектик фикрлашга, нарса ва ҳодисаларнинг тараққиёти мантиғига қатъий мос ҳукм чиқаришга ўргатади, яъни тушунчалардаги айнийликда тафовутни, тафовутда эса айнийликни, маълум бир категорияда бошқасининг элементи борлигини, хусусан барқарорликда ўзгарувчанлик, ўзгарувчанликда эса барқарорлик моменти борлигини кўришга мажбур қилади [1, 301-302].

Демак, интуицияда муаммонинг қўйилишидан ечимнинг тўсатдан топилишигача бўлган вақтда тадқиқотчи тафаккурининг рационал ва иррационал жиҳатлари муаммо билан банд бўлади.

Мантикий тафаккурнинг ожизлиги, аввало, унинг воқеликни яхлит ҳолда эмас, балки қисм ва қирраларга ажратиб, яъни таҳлилий ўрганишида кўринади. Борлиқни бундай англаш ҳамisha зиддиятли қарашларни келтириб чиқаради. Тафаккурга эса реал нарсаларнинг «оқ» ва «қора» томонлари барабар кўринмайди. Айтиш мумкинки, рационал ва иррационал тафаккурнинг бирлиги, қарама-қарши томонлари ҳаракат ва ривожланишнинг сабаби, манбаи ҳисобланади. Мазкур тушунчаларнинг моҳияти ва амал қилиш жараёнини ўрганишда ички ва ташқи, асосий ва асосий бўлмаган жиҳатларни ўзаро фарқлаш зарур, лекин улар ўртасида мутлақ чегара ҳам йўқ. Билиш жараёнида улар ўзаро чирмашиб кетади, бир-бирига ўтади ва тафаккурга таъсир этади. Шунинг учун зиддиятларнинг ҳар бирига аниқ ёндашиш, зиддият намоён бўладиган шароит, муҳит ва вазиятни ҳисобга олиш талаб этилади.

Интуиция «тасаввур» тушунчаси билан узвий боғлиқ. Тасаввур қилинаётган нарса ва ҳодисаларнинг белгилари, хусусиятлари онгда яхлитлик касб этади. «Тасаввур – ҳиссийлик, мантикийлик ва интуитивликнинг ўзига хос уйғунлиги бўлиб, бунда тафаккур ҳиссий образларни умумлаштириб, уларга мазмун бахш этади»[15,133]. Билиш ва ижодга янги ғоялар керак, аммо бунинг учун эмпирик фактларнинг ўзи кифоя қилмайди, интуиция, тасаввур, фантазия ҳам бўлиши талаб этилади. «Рухшунос олимларнинг таъкидлашича, тасаввур икки кўринишда намоён бўлади: а) репродуктив тасаввур; б) продуктив тасаввур. Репродуктив тасаввур деганда, инсон онгида ўтмиш тажрибасининг қайта тикланиши назарда тутилади. Продуктив тасаввурда образ ёки моделнинг вазият, ҳолатнинг янгича, илгари бўлмаган, келажакда кутилиши мумкин бўлган ҳолати намоён бўлади»[17,67]. Продуктив тасаввур инсон руҳияти билан боғлиқ. Аслини олганда, ижодий тасаввурнинг кучи ҳосил қилинган билимнинг ўзига хослиги, оригиналликда, муаммонинг ўзгача ечимлари топилишида намоён бўлади. Тасаввур қайта ишланиши натижасида хотира мустаҳкамланади. Хотира – илгаридан мавжуд бўлган ва қайта ишланган маълумотлар йиғиндисини қамраб олади. Хотира – инъикос этилган нарса ва ҳодисаларни ёки ўтмиш тажрибаларини эсда қолдириш ва зарур бўлганда тиклашдан иборат руҳий жараён; тасаввур ва тушунчаларнинг ҳиссиётдан сўнг сақланиб қолишидир. «Хотира – субъектнинг ташқи олам ва ўзининг ички ҳолати ҳақида ахборотлардан келгусида ўзининг ҳаётий фаолиятида фаол, ижодий фойдаланиши учун уларни сақлаб қолиш ва ифода этиш қобилияти»[21,443].

Инсондаги хотира унинг эҳтиёжлари билан чамбарчас боғлиқ, инсон ўзига зарур нарса ва ҳодисаларни хотирасида сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Шу ўринда айтиш

мумкинки, бундай ҳолатда узоқ муддатли хотиранинг бўлиши зарурий шарт бўлиб хизмат қилган. Бунда онглилик ва онгсизликнинг гносеологик тузилиши катта ҳажмдаги аниқ ахборотдан иборат. Бу ўринда ижодий тафаккур хотиранинг мустақил фаоллиги билан боғлиқ. Хотиранинг қай тарзда пайдо бўлиши, амалга ошиши нутқ ва овоз мазмунида намоён бўлган турли хусусиятларга нисбатан мустақил ўрганилиши, физиологик жиҳатдан қандай рўй бериши ҳозирча номаълум. Интуиция ёрдамида тадқиқотчи предметнинг моҳиятини англаб борар экан, бу жараёнда субъектнинг объектга айланиши кузатилади.

Билиш жараёнида субъектнинг объектга ўзаро таъсир этиши мураккаб ва зиддиятли жараёндир. «Инсоннинг табиатни билиш жараёнида, билувчи субъект табиатнинг жозибали, сирли, жумбоқли, баъзан ҳатто хавфли кучлари билан яккама-якка қолганида одамларнинг ижодий қобилиятлари ёрқин намоён бўлади. Ижодда инсоннинг барча маънавий кучлари – онг, ақл-идрок, тасаввур, фантазиялар, хотира, интуиция, соғлом фикр ва ҳаётий тажриба – бевосита фаол иштирок этади [5,141-142]. Назаримизда, бу жараён олимдан нафақат онгли, балки руҳий-эмоционал ҳолатни ҳам талаб этади. Яъни билиш жараёнида инсоннинг сезгилари ва онги зўр бериб ишлашигина эмас, балки узлуксиз, қизгин ғайришуурий фаолият кўрсатиши ҳам талаб этилади.

Тажриба билиш жараёнида алоҳида аҳамият касб этади. «Тажриба – воқеликни амалий жиҳатдан ҳиссий-эмпирик билиш жараёни, у кенг маънода ўқув, малака ва билимнинг бирлигидан иборат». Бунда тажриба, инсонда янги бир ғоянинг пайдо бўлишидан олдин шаклланидиган жараён ва у бевосита билиш жараёнининг ҳам муҳим қисмини ташкил этибгина қолмай, назария ва амалиётнинг бирлигидан иборат бўлган билиш жараёни деган мулоҳаза келиб чиқади. «Тажрибанинг турлари мавжуд: а) табиий тажриба; б) фикрий тажриба; в) реал тажриба; г) идеал тажриба; д) параллел тажриба; е) модели тажриба»[6,143]. Билиш жараёнида, «тажриба» тасаввур тушунчаси билан бевосита боғлиқ.

Бунга қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин. И. Ньютоннинг бошига олманинг тушиб кетиши оқибатида бутун олам тортишиш қонуни кашф этилган. Юнон олими Архимед солиштирма оғирлик қонунини зўр бериб ақлий меҳнат қилиш пайтида эмас, балки ҳеч қутилмаган жараёнда, ваннада чўмилиб турган пайтида кашф этгани фанга маълум. Мазкур ҳолатларда тушунча, тасаввур ва тажрибанинг бирлиги намоён бўлади.

Аслини олганда, «интуиция» фаҳм-фаросатга яқин тушунчадир. Фаҳм-фаросат – оддий турмуш ҳодисаларида ҳам, мураккаб ҳаётий муносабатларда ҳам муайян ҳолатни, вазиятни идрок ёрдамида тез англай билишдир. Айни вақтда фаҳм – ақл-идрок билан боғлиқ ҳодиса. Фаросат эса инсонга кўпроқ оддий кундалик турмушдаги воқеликни идрок этишда кўмаклашадиган қобилият бўлиб, ахлоқ-одоб билан боғлиқ ижтимоий ҳодисадир. Фаҳм-фаросат – ботиний сезги, ҳис, қалб кўзи билан кўриш тарзида тушунилади. Ҳар бир масалада тўғри муҳокама юритиш орқали хулоса чиқариш ҳамда мустақил шаклланган ва мантикий фикрлаш жараёнига эга бўлиш фаросатдир. Воқеа-ҳодисаларнинг сабабларини англаш, умумлаштириш ва тўғри хулосага келиш қобилияти эса ақлдир[11, 582].

Иррационал билишнинг интуицияга яқин кўриниши инсайт, деб юритилади. Инсайт (инг. insight – зийраклик, тушуниш) – объектив дунёнинг умумий, жиддий ва зарурий хусусият ва муносабатларини илғаб олиш. Бу атамани фанга немис психологи В. Кёлер муаммоли вазиятда индивиднинг намунали хатти-ҳаракатини белгилаш учун киритган. Гештальтпсихология назариясида инсайт, объектни қисм ва бўлақлар орқали идрок этишдан фарқли равишда, бутунлигича фикран англаш сифатида тушунилади. Инсайт мантиқ ёрдамида ёки мунозарали тарзда шаклланимаган тасаввур сифатида онгда, ҳатто тушда тўсатдан пайдо бўлади. Инсайт интуиция, шуур (онг) ва ношуурийлик (онгсизлик)нинг ўзаро таъсири маҳсулидир[14, 8].

Инсоннинг руҳий оламида белгиловчи сифатлари унинг қизиқишлари ва дунёқарашида акс этади. Қизиқиш анланган мотив бўлиб, шахс атрофида рўй бераётган барча ҳодисалар, жараёнлар, уларнинг ўзаро муносабатлари, янгиликлар борасидаги фактларни тўплаш каби ҳолатларни қамраб олади. Қизиқишлар мазмунан кенг ёки тор, бевосита ёки билвосита бўлиши, вақт жиҳатдан барқарор, доимий ёки вақтинчалик бўлиши

мумкин. Шахс дунёқараши ва эътиқодини шакллантиришда унинг объектга бўлган кизиқишлари энг муҳим омил бўлиб хизмат қилади[11, 404].

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, билиш жараёнида интуиция йўқ жойдан пайдо бўлмайди, балки ижодкор изланаётган соҳа бўйича чуқур билим, кўникма, етарли тажрибага эга бўлган, объектив ва субъектив омиллар мавжуд бўлган тақдирдагина шаклланиши мумкин. Айни вақтда мантиқийлик онг ости даражасида ўз ўрнига эга бўлиб, интуитив билиш жараёнининг таркибига ҳам киради. Илмий билишда мантиқийлик ва интуитивлик бир-бирини тўлдирувчи воситалардир. Уларни бир бутунликда, умумий ижодий жараённинг ўзаро боғлиқ томонлари сифатида тушуниш ва талқин этиш лозим.

Билиш яхлитликни ифодаловчи диалектик зиддиятли жараён, рационалликдан ажралган ҳиссийлик йўқ ва ҳиссийлик муайян рационалликни талаб қилади. Улар фақат биргаликда, ўзаро бир-бирига таъсир ва акс таъсир этиш ҳолатидагина мавжуд бўлиши мумкин[10, 112]. Бизнинг назаримизда, илмий билишда интуиция рационаллик ва иррационалликнинг бирлигига асосланади ва оламни тушунишга, тушунтиришга имкон яратади.

Психологияда «фаол инъикос» тушунчаси алоҳида аҳамият касб этади. Фаол инъикос инсонга хос бўлиб, воқеликни қандай бўлса шундайлигича эмас, балки тартибга солинган ҳолда акс эттиради. Ҳозирги воқеалар, ўтмишда бўлган ва келажакда бўладиган жараёнлар инсон руҳиятида муайян тартиб ва кетма-кетлик тарзида ифодаланади. Интуиция нафақат фикрлаш, балки ҳис қилиш ҳамдир. Интуиция хотира, диққат, фаҳм-фаросат, тасаввур, тажриба, тафаккур кабиларнинг узвий бирлигида ўз ифодасини топади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. **Адорно Т.В.** Диалектика. – М.: Научный мир, 2003. – С. 301–302.
2. **Аллахвердов В.М.** Экспериментальная психология познания: когнитивная логика сознательного и бессознательного. – СПб.: Университет, 2006. – С. 223.
3. **Аллахвердов В.М.** Сознание и когнитивное бессознательное /В.М.Аллахвердов, Е.Ю. Воскресенская, О.В. Науменко //Вестник Санкт-Петербургского университета. Сер. 12. – 2008. – Вып. 2. – С.10-19.
4. Билиш фалсафаси /Тузувчи ва таржимон Қиём Назаров. – Т.: Университет, 2005. – Б. 152.
5. **Борчиков С.А.** Творческое воображение. – М., 2001. – С. 141-142.
6. **Давронов З.** Илмий ижод методологияси. – Т.: Iqtisod -moliya, 2007. – Б. 15.
7. **Дубровский Д.И.** Основные категориальные планы проблемы сознания //Вопросы философии. – 2008. – №12. – С. 59-75.
8. **Кобляков А.А.** Синергетика, язык, творчество //Синергетическая парадигма: нелинейное мышление в науке и искусстве. – М., 2002. – С. 322-334.
9. **Лук А.Н.** Интуиция и научное творчество // Философские науки. – 1981. – №5. – С. 44.
10. **Мудрагей Н.С.** Очерки западноевропейского иррационализма. – М.: Наука, 2002. – С. 112.
11. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати /Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ. Назаров. – Т.: Фафур Фулом НМИУ, 2009. – Б. 582.
12. **Овчинников Н.** Озарение по заказу: новый взгляд на логику и интуицию //Техника молодежи. – 2005. – № 1.– С.37.
13. **Поппер К.** Логика и рост научного знания. – М.: Прогресс, 1983. – С. 71.
14. **Ротман Й.М.** К вопросу об инструментах, процессе и «гештальте» аналитического часа // Журнал практической психологии и психоанализа. –2000. – №2 - С. 8.
15. **Степаносова О.В.** Современные представления об интуиции // Вопросы психологии. – 2003. – № 4. – С. 133.
16. **Солодухин Д.В.** Рациональные и иррациональные аспекты познания в интуитивизме С.Л. Франка: Автореф. дис. ... канд. филос. наук. – М., 2001. – С.23.
17. **Туленов Ж., Валиева С.** Илмий ижод методологияси. – Т.: ТДПУ, 2008. – Б. 67.
18. **Тўраев Б.О.** Борлиқ: моҳияти, шакллари, хусусияти. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2011. –Б.106.
19. Фалсафа ва фанда рационализм муаммоси: Фанда рационаллик муаммоси / Масъул муҳаррир М.Н.Абдуллаева. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти, 2007. – Б. 15.

20. Фалсафа ва фанда рационализм муаммоси. Рационаллик дунёқарашининг шаклланиши ва ривожланиши омили сифатида / Масъул муҳаррир М.Н.Абдуллаева. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти, 2007. – Б. 5.
21. Фалсафа: Қомусий луғат. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 443.
22. **Эркаев А.** Маънавият ва тараққиёт. – Т.: Маънавият, 2009. – Б. 426.
23. Фалсафа ва фанда рационализм муаммоси / Масъул муҳаррир М.Н.Абдуллаева. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти, 2007. – Б. 4.

УДК: 616-073.756.5

**ЁШЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА КИНО САНЪАТИНИНГ РОЛИ  
("SCORPION" НОМЛИ ТЎЛИҚ МЕТРАЖЛИ МИЛЛИЙ БАДИИЙ ФИЛЬМ МИСОЛИДА)  
РОЛЬ КИНОИСКУССТВА В ПРОФИЛАКТИКЕ МОЛОДЁЖНОЙ ПРЕСТУПНОСТИ  
(НА ПРИМЕРЕ ХУДОЖЕСТВЕННОГО ФИЛЬМА "СКОРПИОН")**

**THE ROLE OF FILM ART IN THE PREVENTION OF YOUTH CRIME  
(ON THE EXAMPLE OF THE FULL-LENGTH NATIONAL FEATURE FILM "SCORPION")**

**Акрамов Музаффар Маҳкамович**

*Ўзбекистон республикаси ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти мустақил тадқиқотчиси*

**Таянч сўзлар:** кино, кинематография, киноиндустрия, ёшлар сиёсати, жиноятчилик, терроризм, оммавий санъат, маънавият, мафкура, глобаллашув.

**Ключевые слова:** кино, кинематография, кинопроизводство, молодежная политика, криминал, терроризм, массовое искусство, духовность, идеология, глобализация.

**Keywords:** film, cinematography, film industry, youth policy, crime, terrorism, public art, spirituality, ideology, globalization.

*Мақолада ёшлар сиёсатида кинематографиянинг роли таҳлил қилинади. Ҳозирги кунда кинематографик материаллар реал воқеаликни, шу жумладан, ёшлар сиёсатининг ривожланиш жараёнларини ўрганишда муҳим манбаларидан бири ҳисобланади. Айнан экран ҳужжатлари ёшлар тарбиясида ҳам катта аҳамият касб этади.*

*В статье анализируется роль кинематографии в молодёжной политике. Сейчас кинематографические материалы стали одним из важнейших источников изучения реальности, в том числе и развития молодёжной политики. Именно экранные документы играют важнейший роль воспитание молодёжи.*

*The article analyzes the role of cinematography in youth policy. Now cinematographic materials have become one of the most important sources for the study of reality, including the development of youth policy. It is screen documents that play the most important role in educating young people.*

**Кириш.** Дунё миқёсида турли ғоя ва мафкуралар кураши, одамлар, айниқса, ёшларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун турли кучлар ўртасида рақобат кескин тус олган бугунги кунда энг оммавий санъат бўлган кинонинг беқиёс имкониятларидан самарали фойдаланиш ахборот даврининг энг катта талабларидан бири ҳисобланади.

Ҳақиқатдан ҳам кино санъати, миллий маънавиятимизни дунё миқёсида кенг тарғиб этиш, келажак авлодларга етказиш ва энг асосийси ёшлар онгида миллий ғурур, мафкура ҳамда ватнапарварлик ҳиссини янада юксалтиришга хизмат қилувчи куч ва восита ҳисобланади. Шу боисдан ҳам барча соҳаларда ислохотлар бўлгани сингари, миллий кинематографияни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Асосий қисм.** Кино санъатининг ривожланишига жамиятда ижтимоий-маънавий юксалишнинг асоси ҳисобланади. Шу мақсадда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан "Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 7 августдаги қарори [1, 1] мамлакатимизда кино санъати ва киноиндустриясини



## FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

изчил тараққий эттириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

2017 йил 29 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида миллий кино санъати ва киноиндустриямизни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлили ва бу борада мавжуд муаммоларни ҳал этиш масалаларига бағишланган йиғилишда ҳам киноижодкорларимиз яратилаётган шарт-шароитлардан самарали фойдаланиб, халқимиз, айниқса, ёшларимизни истиқлол ғоялари руҳида тарбиялашга кўмаклашадиган, бой тарихимиз, буюк аждодларимизнинг бетимсол жасорати, замондошларимизнинг фидокорона меҳнатини акс эттирадиган фильмлар кўриш ҳақидаги орзуларини амалга ошириш йўлида барча куч ва имкониятларини ишга солишлари лозимлиги таъкидланган эди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Биз буюк халқимизни улуғламоқчи, Ўзбекистон номини бутун дунёга тараннум этмоқчи эканмиз, бу ишни биринчи навбатда кино санъати ёрдамида амалга оширишимиз керак. Айнан кино санъати орқали жаҳон экранларини забт этишимиз, шу йўл билан дунё аҳлининг диққат-эътиборини қозонишимиз мумкин. Бунинг учун яна бир бор куч ва имкониятлар, ижодий салоҳиятни ишга солишимиз керак”[2], дея мазкур соҳага эътибор бериш нақадар долзарб масала эканлигини айтиб ўтганлар.

Бугунги кунда дунё аҳолисининг қарийб 20 фоизини ёшлар ташкил қилади. Ўзбекистонда эса, бу кўрсаткич 60 фоиздан ортиқроқдир. Том маънода ёшлар мамлакатни ҳисобланган Ўзбекистонда ёшлар тақдирига, уларнинг келажагига давлат сиёсати даражасида алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда ва улар учун етарли шарт-шароитлар яратиш борасида ҳам чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилган. Шу жумладан, кино санъатининг ривожланиши ва унинг ёшлар маънавиятини юксалтиришдаги ижобий таъсири борасида амалий ишлар бошлаб юборилди.

2017 йил бўйича 8 август куни Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ва Кинематографияни ривожлантириш маркази ўртасида Англашув меморандуми имзоланди. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи қошида, ёш киноижодкорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати доирасида амалга оширилаётган ишларни кино санъати орқали кенг тарғиб этиш мақсадида “Ёш киноижодкорлар кенгаши” ташкил этилиб, 2017 йил 31 августда Ўзбекистон Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди. Мазкур Кенгаш томонидан бугунги кунда ёш киноижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва фаолиятига амалий кўмак бериш борасида қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Таниқли киноижодкорлар иштирокида ўқув семинарлар ўтказилиб, ёшларга ўз билим ва тажрибаларини оширишга кўмаклашилмоқда.

Буларнинг бари нима учун деган ҳақли савол туғилади. Бугун дунё миқёсида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, терроризм ва экстремизм каби иллатлар кенг авж олмоқда. Энг ачинарлиси, мазкур жиноятларнинг аксариятини 30 ёшгача бўлган ёшлар содир этаётгани аянчли ҳолатдир. Бу эса ўз навбатида халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли аъзоси ҳисобланган Ўзбекистонни ҳам қаттиқ ташвишга солади.

Шу боис мамлакатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқларида “Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Сайёраимизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимизнинг қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ.

Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси вируси тарқалишининг олдини олишдир. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шу муносабат билан Ўзбекистон глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни таклиф этади”[3]. Шунингдек, айнан Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифи ва ташаббуслари билан ШХТга аъзо Давлатлар раҳбарларининг кенгашида, “ШХТ Давлат раҳбарларининг Ёшларга қўшма мурожаати” қабул қилинди[4].

## FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

Юқоридагилардан келиб чиқиб, 2018 йилда ёшлар ўртасида жиноячилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни кескин камайтириш, бу борада самарали ишларни амалга ошириш ва натижадорликка эришиш мақсадида Ёшлар иттифоқи тизимида “2018 йил – Ёшлар жиноятчилигига қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ишларини самарали ташкил этиш йили” деб эълон қилиниб, мазкур масалада тизимли ишлар йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 18 июлдаги ПҚ-3138-сон Қарорининг 33-бандида ёшлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатадиган юксак савиядаги замонавий бадиий фильмлар ишлаб чиқариш ҳақида алоҳида кўрсатмалар берилган эди[5].

Мазкур топшириқ ижросига мувофиқ, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг Ёш киноижодкорлар кенгаши ва Кинематографияни ривожлантириш маркази томонидан Ички ишлар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ҳамкорлигида илк марта жаҳон стандартларига тўла мос келадиган “Scorpion” номли тўлиқ метражли миллий бадиий фильм суратга олинди.

Фильм ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг ошишига сабаб бўлаётган энг муҳим омиллардан бири – оилавий муҳитга, фарзанд тарбиясига эътибор қаратиб, унинг соғлом шаклланишига даъват этиши ва замонамиз қаҳрамонлари образини яратишга хизмат қилиши кўзда тутилган. Фильм ижодий жамоаси бир қатор маҳаллий кинематографлар ҳамда АҚШ, Германия, Россия ва Туркиядан ташриф буюрган малакали мутахассислардан ташкил топган бўлиб, суратга олиш ишлари Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида ҳамда Россия Федерацияси ва Марокаш давлати ҳудудида олиб борилгани аҳамиятлидир.

Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги ҳамкорлигида картинанинг энг муҳим сюжетлари тасвирга олинган бўлиб, ундаги воқеалар тасвири томошабинларда ҳаётини ҳодисаларининг гувоҳи бўлишига ва ватанпарварлик туйғуларини тарғиб этишда катта аҳамият касб этади.

Фильм биргина нотинч оила – эр ва хотин ўртасидаги доимий низолар оқибатида ўз оиласидан қочиб чиқиб, ўзга юртга иш излаб кетган, натижада эса ўзи англамаган тарзда халқаро жиний гуруҳ аъзосига айланиб қолган йигит тақдири ҳақида сўз борган.

Картина сюжети жиний гуруҳни излаш бўйича махсус операцияни бошқараётган профессионал агент Санкт-Петербург шаҳрига жўнаб кетган ва тасдиқланмаган далилларга кўра бир неча йил аввал вафот этган укаси аслида тирик бўлиб, халқаро «SCORPION» жиний гуруҳининг аъзоси эканлиги ҳақидаги маълумотдан хабар топишдан бошланади. Ўз укасини топиш ва ўзини қийнаб келадиган саволларга жавоб олиш истаги уни тинч қўймайди ва фильм қаҳрамони, хавфсизлик хизмати ходими мураккаб вазиятларга тушади.

Бу воқелик, унинг давоми ва якуни, бутун фильмдан олинган таассурот ҳеч бир томошабинни бефарқ қолдирмайди. Фильм қаҳрамонининг ҳаёти, ундаги яхши ва ёмон персонажларнинг қисмати томошабинни ўйлашга, фикр юритишга, ўзи учун керакли хулоса чиқаришга ундаши аниқ. Айниқса, ёшлар онгида содда қилиб айтганда, жиноятчидан яхши инсонни ажратиб олиш, ўзга юртга иш излаб кетиш ҳар доим ҳам ижобий якун топмаслигини тушуниш, ҳатто ака-ука бўлса-да, Ватан тақдири олий ўринда туришини англаб этиш ғояларини шакллантиради.

Кинокартина ҳақида таниқли киношунос Ф.Нодирова: “Фильм жанр нуқтаи назаридан профессионал даражада ишланган. Воқеликлар аста-секин ривожланиб бориб, кульминацияга ва ечимга томошабинни олиб киради. Картинада жангари жанрнинг хусусиятларидан тўлиқ фойдаланилган. Ўткир сюжет, драматик ҳолатлар, бугунги кун воқеликлари ўзаро уйғунлашиб, яхлит картинани асослайди. Фильмнинг тасвирий ечими, кадрлар композицияси, ранг коррекциясига ҳам юқори баҳо бериш мумкин. Фильмга жиддий тайёргарлик кўрилгани ва катта меҳнат сарфлангани яққол кўзга ташланади. Ёш киноижодкорларнинг мураккаб вазифани ўз зиммаларига олганини фақат олқишлаш керак”[6] деган фикрлари ҳам Ёшлар иттифоқи қошидаги Ёш киноижодкорлар кенгашининг тинимсиз меҳнатлари самарасидир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, бу каби фильмларнинг сонини янада ошириш, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган самарали

воситаларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли ҳам дунё миқёсида киносаноатдан энг катта тарғибот воситаси, тарғибот қуроли сифатида фойдаланилади.

Ёшлар жиноятчилигининг олдини олишга қаратилган мазкур фильм ҳам юртимиз ёшлари қалбида ватанпарварлик ҳиссини юксалтиришда, терроризм, экстремизм ва жиноятчилик каби ўта салбий иллатлар домига тушиб қолишларининг олдини олишда, бир сўз билан айтганда, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишда катта таъсир кучини кўрсатадиган самарали восита сифатида хизмат қилади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 августдаги ПҚ-3176-сон қарори; «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 8 августдаги 155 (6849)-сон, 1-б.
2. <https://uz24.uz/society/shavkat-mirziyoev:-eng-ommaviy-sanat-bglgan-kinoning-beuiyos-imkoniyatlaridan-samarali-foydalanishim>
3. <http://muslim.uz/index.php/rus/maqolalar/item/4078>
4. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidentining-taklifiga-muvofi-sh-t-davlat-ra-bar-10-06-2018>
5. [http://champagne.uz/images/soyuz\\_molodeji/pk\\_3138\\_18\\_07\\_2017.pdf](http://champagne.uz/images/soyuz_molodeji/pk_3138_18_07_2017.pdf)
7. <http://yoshlarittifoqi.uz/uz/news/kinoshunos-feruza-nodirova-scorpion-filmi-ozbek-kinosida-yangi-qadam>

УДК: 327.7

#### СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР МОҲИЯТИГА ДОИР ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

#### СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ О СУЩНОСТИ ПОЛИТИЧЕСКИХ ПАРТИЙ И ИХ ЗНАЧЕНИЕ MODERN APPROACHES ABOUT THE ESSENCE OF POLITICAL PARTIES AND THEIR SIGNIFICANCE

**Нажмиддинов Бекзод Маннонович**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети тадқиқотчиси*

**Таянч сўзлар:** сиёсий партия, сиёсий партияларнинг моҳияти, сиёсий партияларга доир концепциялар, сиёсий бирлашмалар, сиёсий тузилма, кўппартиявийлик, қонун чиқарувчи ҳокимият легитимацияси (қонунийлиги), ижтимоий-сиёсий тузилмалар, сиёсий партия электорати.

**Ключевые слова:** политическая партия, сущность политических партий, концепции о политических партий, политические объединения, политическое формирование, многопартийность, легитимация законодательной власти, общественно-политические образования, электорат политической партии.

**Key words:** political party, the essence of political parties, the concept of political parties, political associations, political formation, multi-party system, legitimization of the legislative power, socio-political formations, the electorate of a political party.

*Мақолада сиёсий партияларнинг моҳиятига доир Фарбда шаклланган қарашлар ва концепциялар ўрганиб чиқилган ҳамда замонавий босқичда бу борада олимлар ва мутахассислар томонидан илгари сурилган фикрларнинг таҳлили келтирилган. Мамлакатимизда жорий 2019 йил декабрида Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловлар олдидан сиёсий партиялар моҳиятига эътибор қаратиш, ушбу ижтимоий-сиёсий тузилмалар аслида қандай фаолият юритиши лозимлиги хусусидасўз юритилади.*

*В данной статье рассмотрена сущность взглядов и концепций о политических партий, формировавшихся в Западе и анализ идей современных ученых и специалистов по данному направлению. Речь идет о внимания на сущности политических партий, о порядках функционирования данных общественно-политических формирований перед выборами в Олий Мажлис Республики Узбекистан и местных кенгашей народных депутатов, которые состоится в декабре 2019 г.*

*This article examines the essence of the views and concepts about political parties that were formed in the West and the analysis of the ideas of modern scholars and specialists in this area. It is about focusing on the essence of political parties, on the functioning of these socio-political groups before the elections to the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan and local councils of people's deputies, which will be held in December 2019.*

**Кириш.** Партия – (лот. *partio* – бўламан, ажратаман) ғоявий жиҳатдан маслақдош, манфаатлари муштарак бўлган, муайян ғояни амалга ошириш ва вазифани бажариш учун бирлашган кишилар гуруҳи[4, 6].

Сиёсий партия жамиятда кишиларни бирлаштиради ва уларнинг мақсад – муддаоларини бирлигини таъминлайди, вакиллик органлари учун курашиб, ўз сиёсий гуруҳларининг манфаатларини ҳимоя қиладилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларини шакллантиришда ҳамулар энг асосий сиёсий куч сифатида майдонга чиқади ва ўз номзодларининг сайланиши билан ҳокимиятни тузиш ҳамда давлат бошқарувида иштирок этади.

Партияларнинг вужудга келиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг кўриниши қадимги даврлардаёқ мавжуд бўлганлигига гувоҳ бўламиз. Масалан, милоддан аввалги V асрда Афина (Юнонистон)да аристократик ва демократик гуруҳлар (булар ўзига хос дастлабки партиялар эди) ўртасида сиёсий кураш бошланган эди. Сиёсий партиялар ўрта асрларда ҳам мавжуд бўлган. Шуни назарда тутиш керакки, қадимги даврда ҳам, ўрта асрларда ҳам партиялар фақат давлатни бошқариш режими (тартиби) маълум даражада демократия аломатларига эга бўлган жойлардагина ташкил топган.

Фақат шундай шароитларда партиялар қандайдир ижтимоий манфаатларни ифода эта олишган. Партиялар, қачонки уларни турли ижтимоий манфаатларни таҳлил қилиш, бундай манфаатларни таърифлаш ва ҳимоя қилишга мажбур қилувчи бошқа партиялар, яъни рақиблар бўлгандагина, ўз мажбуриятларини сақлаб қоладилар, уларни амалга оширишга ҳаракат қиладилар ва фаолият кўрсата оладилар. Партиялар шу тарзда жамиятнинг турли қатламлари (табақалари) орасида ўз тарафдорларига эга бўладилар.

**Асосий қисм.** Муайян бир мамлакатда сиёсий партияларнинг пайдо бўлиши ва фаолият юритиши ҳамда уларнинг ушбу мамлакат ижтимоий-сиёсий тизимида ўзига хос ўрин тутиши – демократиянинг юксак даражасидан далолат беради.

Демократик жамиятда сиёсий партияларнинг роли шундаки, демократия фаол сиёсий партияларнинг бўлишини тақозо этади. Сиёсий партия – бу мукамал ташкилот бўлиб, демократик бошқарув жараёнида муҳим бўлган бир қатор ўзаро боғланган функцияларни амалга оширади. Шулардан энг асосийси давлат муассасалари ва органлари устидан маълум бир даражадаги назоратни қўлга киритиш мақсадида сайловларда қатнашиш ва ғалаба қозониш ҳисобланади.

Сиёсий партияларнинг замонавий кўринишлари Европадаги (буржуа) инқилоблар муносабати билан юзага келди. Ўша инқилоблар чоғида халқ вакиллари тузилди, яъни сайланадиган вакиллар воситасида амалга ошириладиган халқ ҳокимияти тизими барпо қилинди. Бу даврда шаклланган турли партиялар жамиятнинг айрим ижтимоий ва минтақавий гуруҳлари манфаатларини ҳимоя қилишга киришдилар. Синфий гуруҳларга бўлинишнинг кучайиши, ижтимоий зиддиятларнинг чуқурлашиши муносабати билан сиёсатга жамиятнинг кенг табақалари жалб қилиниши натижасида, партияларнинг роли янада кучайди ва улар сиёсатнинг асосий субъекти ҳамда демократик давлатчиликнинг зарур элементи бўлиб қолди.

Ҳозирги даврда “сиёсий партия” деб аталувчи ижтимоий-сиёсий ташкилотлар XIX аср ўрталаридан бошлаб Европада ва Америка Қўшма Штатларида шакллана бошлаган эди. Мазкур ижтимоий-сиёсий ташкилотлар шаклланишига Европадаги XVIII аср охирида буржуа инқилобларининг ғалаба қозониши ҳамда ундан кейинги даврда шахс ва жамият ҳаётида рўй берган бир қатор ўзгаришлар, шу жумладан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг тантана қилиши асосий туртки бўлди.

Давлат ва ҳуқуқ назариясидан бизга маълумки, сиёсий тизим – бу халқ иродасига мувофиқ давлатда сиёсий ҳокимиятни амалга оширишга хизмат қилувчи сиёсий институтлар, сиёсий нормалар, принциплар, жараёнларнинг ўзаро алоқадорлиги ва муштарак йиғиндиси. Рамзий маънода айтганда, сиёсий тизим давлат ҳокимиятини амалга

## FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

оширувчи сиёсий муассасалар ёки ташкилотларнинг ҳаракатланиш майдонидир, ушбу сиёсий майдоннинг барқарорлигини мустаҳкамловчи асосий пойдевор эса – бу сиёсий партиялардир. Зеро, сиёсий партиялар ҳокимият конституциявий-ҳуқуқий тузулишининг барча бўғинларига сингиб кетган ҳолда нафақат уни шакллантиришда, балки фаолият юритишида ҳам ҳал қилувчи рол ўйнайдилар.

Сиёсий партияларнинг мавжуд бўлиши ва реал муносабатларни акс эттирган ҳолда фаолият кўрсатиши – ҳақиқий демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг асосий гаровидир. Реал ижтимоий муносабатлар шароитида сиёсий партиялар ҳақиқий демократия ҳамда фуқаролик жамияти учун бевосита ва билвосита стимул бўлиб хизмат қилади. Сиёсий партияларнинг демократияни шакллантиришдаги бевосита таъсири уларнинг жамоат ташкилоти эканликларидан келиб чиқади, яъни сиёсий партия халқ ҳокимиятчилигини амалга ошириш мақсадида аҳолининг ижтимоий фикрини ифодаловчи йирик халқ ташкилоти сифатида намоён бўлади. Турли хил партияларнинг мавжуд бўлиши натижасида эса жамиятда сиёсий фикр, қарашларнинг хилма-хиллиги (плюрализм) вужудга келади.

XX асрдан бошлаб сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни ва роли кескин ошиб борди, десак муболаға бўлмайди. Бу борада ушбу даврда ижод қилган бир қатор жамиятшунос, сиёсатшунос олимларнинг қарашлари муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, сиёсий партияларнинг моҳияти, уларнинг ривожланиш тарихи бўйича бир қатор концепциялар яратилди. Шундай олимлардан бири, замонавий давр Ғарб сиёсий мактаби вакиллари ишонч билан таянадиган машҳур немис олими Макс Вебер (1864-1920) сиёсий партияларнинг тараққий этишида қуйидаги тузилмаларнинг роли муҳим эканлигини эътироф этган эди:

- аристократик гуруҳлар;
- сиёсий бирлашмалар;
- оммавий партиялар[2, 93, 145-148].

Шунингдек, олим сиёсий партиянинг ҳақиқий сиёсий тузилма сифатида шаклланиши ва фаолият кўрсатиши учун унда қуйидаги унсурлар мавжуд бўлиши хусусида фикр билдиради ҳамда ушбу унсурларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб, уларнинг ўзига хос жиҳатларини ажратиб кўрсатади:

- партиявий етакчилар ва партия аппарати;
- партиявий интизом;
- партиянинг молиявий манбалари;
- партиявий пресса;
- партиявий реклама[2, 216-220].

М.Вебернинг юқоридаги тартибда сиёсий партияларга хос унсурларни кўрсатиб ўтишига назар ташлар эканмиз, замонавий босқичда ҳам, яъни олимнинг бу борада ўз ёндашувини билдирганидан бир аср вақт ўтган бўлса-да, унинг қарашлари ўз аҳамиятини йўқотмаганлигига гувоҳ бўламиз. Зеро, ҳозирги давр сиёсий партияларида юқоридаги унсурлар мавжуд ва улар партиянинг самарали фаолият кўрсатишида муҳим роль ўйнайди.

Таъкидлаш жоизки, замонавий босқичда кўппартиявийлик, унинг моҳияти хусусида Ғарбда мавжуд барча концепциялар ва қарашлар М.Вебернинг бу борадаги таълимоти асосида шаклланган.

Сиёсий партияларнинг моҳияти, уларнинг келиб чиқиши ва ривожланиши ҳақидаги француз сиёсатшунос олими Морис Дюверже (1917-2014)нинг ҳам қарашлари диққатга сазавордир.

М.Дюверженинг қарашича замонавий партиялар – бу умумий сайлов ҳуқуқи воситасида парламент ҳуқуқларини кенгайтириш ва қонун чиқарувчи ҳокимият легитимацияси (қонунийлиги)ни таъминлаш жараёнида иштирок этувчи муҳим ижтимоий-сиёсий тузилмалар ҳисобланади. М.Дюверже замонавий сиёсий партияларни умумий сайлов ҳуқуқи асосида ва демократик жамият институтларидан фойдаланган ҳолда парламент кўпчилигини эгаллашга қодир партиялар сифатида кўради[3, 4-5].

Олим сиёсий партияларни моҳиятига кўра, муайян ғоя ёки мафкура асосида шаклланган ва доктринал (бирор бир либерал концепцияга асосланувчи) ҳамда ижтимоий

## FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

синф ёки табақаларга таянувчи эмас, балки энг аввало, тизимли-функционал жамоалар сифатида таърифлайди. Бунда олим партиялар фаолиятидаги ғоялар, ижтимоий-синфий усқуртмалар аҳамиятини камайтирмаган ҳолда, замонавий босқичдаги сиёсий партиялар моҳияти уларнинг тузилмасида намоён бўлиши, ушбу тузилма ва унинг таркибий қисмлари ўртасидаги алоқа ҳамда жипслик сиёсий партиянинг бутун фаолиятига таъсир ўтказишини назарда тутди[3,4-5].

М.Дюверженнинг юқоридаги фикрларидан замонавий босқичдаги сиёсий партиялар фаолиятининг самарадорлиги, хусусан, сиёсий партияларнинг фаолият юритиш тамойиллари ва усуллари айнан уларнинг ташкилий-тузилмавий хусусиятига боғлиқлиги тўғрисида хулоса қилиш мумкин бўлади.

Шу билан бирга, М.Дювержезамонавий босқичда сиёсий партияларнинг шаклланиши ва фаолиятини такомиллаштирган ҳолда уларнинг ривожланиши куйидаги икки шаклда рўй берганлигини таъкидлайди:

- сиёсий партияларнинг электорал ва парламентар келиб чиқиши;
- сиёсий партияларнинг ташқи факторлар асосидаги келиб чиқиши[3,22].

Олим сиёсий партияларнинг электорал ва парламентар келиб чиқишини куйидаги 3 босқичда рўй беришини таъкидлайди. Унинг фикрича, аввало, муайян бир мамлакатнинг сиёсий тизимида ўз манфаатларини қонун чиқарувчи орган даражасида ифода этилишини хоҳловчи парламентар бирлашмалар юзага келади; сўнгра эса ушбу бирлашмаларни ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан муайян бир ижтимоий-сиёсий тузилмага айлантириш мақсадида сайловчи гуруҳлари шакллантирилади; ниҳоят парламентар бирлашмалар ҳамда сайловчилар гуруҳлари ўртасидаги муносабатларсиёсий институтлар – сиёсий партияларнинг ташкил этилишига олиб келади.

М.Дюверже сиёсий партияларнинг ташқи факторлар асосидаги келиб чиқишини эса аҳоли муайян қатламларининг турли-туман мақсадларини ўзида мужассамлаштирган ижтимоий-сиёсий институтларнинг сиёсий майдонга чиқиши сифатида таърифлайди[3, 22].

Ҳозирги даврда сиёсий партияларнинг моҳияти, уларнинг фаолияти ва самарадорлиги хусусида ўз қараш ва ёндашувларини намоён қилган бир қатор ғарблик олимлар ҳамда мутахассислар мавжуд. Улар орасидан Х.Г. Бетц, Г. Китшельт ва Э.Л. Картерларнинг қарашлари ва ёндашувларига эътибор қаратиш фойдадан холи бўлмайди.

Жумладан,Х.Г. Бетц ўтган аср охири ва XXI аср бошларида Европадаги радикал партиялар фаолиятида популистик ёндашув устунлик қилганлигини, бу Ғарб оммасининг сиёсий ва ижтимоий институтларга бўлган ишончини йўқотганлиги оқибати эканлигини таъкидлайди[5,2]. Немис сиёсатшуноси Г. Китшельт Европа сиёсий тизимининг ўзгариши жараёнида партияларнинг ўрнини тадқиқ этиб, “Кўҳна қитъа”даги барча сиёсий партиялар ҳам ўзгаришлар жараёнига тайёр эмаслиги, булар орасида радикал партиялар аксариятини ташкил этишини маълум қилади[7,275].

Э.Л. Картер XX аср 80-йилларидан 2005 йилгача Европанинг 14 та мамлакати сиёсий сахнасида мавжуд сиёсий партиялар фаолиятини тадқиқ этиб чиқади [6,60-61]. Ўз тадқиқотлари давомида Картер турли сиёсий партияларнинг электорат билан ишлашдаги муваффақиятларига таъсир этувчи омилларни аниқлайди ҳамда уларни куйидаги 4 гуруҳга бўлишни таклиф этади: мафқурасининг шакли; партиянинг ички тузилиши ва партия етакчилари; муайян бир давлатнинг партиявий тизимида боғлиқ жиҳатлар; муайян давлатдаги электорал тузилмаларнинг таъсири[6, 60-61].

Мамлакатимизда фаолият юритиб келаётган сиёсий партиялар ҳам партиянинг моҳиятига оид юқорида келтирилган назарий қараш ва концепцияларни ўз фаолиятлари давомида қўлласалар, уларга таянсалар, ўз дастурий ҳужжат ва платформаларида акс эттирсалар, албатта, фойдадан холи бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2017 йилги Олий Мажлисга Мурожаатномасида бугунги кунда мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг фаолиятига тегишли баҳо бериб, Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар ролини янада кучайтириш лозимлиги хусусида фикр билдирган эди [1]. Президентимиз сиёсий партиялар фаолиятида сайловлар ҳам муҳим ўрин тутиши ҳақида тўхталиб ўтиб, бу борада партиялараро рақобатни таъминлаш, барча сиёсий субъектлар учун тенг шароитлар яратиш парламент ролини кучайтиришнинг муҳим шarti ҳисобланиши,

шунингдек мамлакатимизда 2019 йилда бўлиб ўтиши кутилаётган ҳокимиятнинг вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш бўйича тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, мазкур дастурда сайловлар жараёни янада ошкоралик руҳида ўтишини таъминлайдиган янги илғор амалиётни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини ҳам таъкидлаб ўтган эди[1].

**Хулоса.** Юқоридаги фикрларга хулоса қилиб, сиёсий партияларнинг моҳияти хусусида машҳур олим ва мутахассисларнинг қарашларига асосланган ҳолда шунини айтиш мумкинки, жаҳон ижтимоий-сиёсий ҳаётида сиёсий партиялар шаклланиши фаолият юритишининг ўзига хос бир неча умумий жиҳатлари мавжуд. Бундай жиҳатлар сиёсий партияларнинг моҳияти, улар фаолиятининг кўламли таҳлил қилиш асосида келиб чиқади. Мазкур жиҳатларга таянган ҳолда ривожланган мамлакатлар сиёсий партиялари моҳиятига оид қуйидаги омилларни кўрсатиб ўтиш жоиздир:

биринчидан, замонавий босқичда жамият ижтимоий тузилишининг мураккаблашуви ҳамда ижтимоий зиддият ва қарама-қаршилиқларнинг кескинлашуви – ўз навбатида аҳолининг турли қатламларининг муайян бир мамлакат сиёсий ҳаётида фаолроқ (аксарият ҳолларда салбий характерда) иштирок этишга ундади;

иккинчидан, муайян бир мамлакатдаги сиёсий ҳаётнинг маркази сифатида вакиллик органлари ролининг ўсиши ҳамда унинг конституциявий-ҳуқуқий асосларининг кенгайиши муҳим аҳамиятга эга бўлди;

учинчидан, муайян бир мамлакатдаги алоҳида сиёсий партиялар илгари сурган ғоя ва мафкуралар асосида ушбу мамлакат ҳудуди ёки унинг муайян бир қисмида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт белгилари кўзга ташланганлиги ва бу билан боғлиқ равишда аҳолининг айрим тоифалари мақсад ҳамда интилишларининг рўёбга чиққанлиги намоён бўлади;

тўртинчидан, ҳозирги даврда информацион технологияларнинг ривожланиши, алоқа воситаларининг техник жиҳатдан тараққий этиши, айниқса сиёсий партиялар фаолиятида оммавий ахборот воситалари (ОАВ)нинг самарали қўлланила бошлаши – сиёсий партиялар моҳиятига бўлган қараш ва ёндашувларнинг ҳам ўзгаришига, улар фаолиятида принципиал жиҳатдан янги имкониятларни яратган ўзига хос омилга айланди.

#### АДАБИЁТЛАР

1. **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.** 22.12.2017. <http://uza.uz/oz/documents/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-oliy-22-12-2017>.
2. **Вебер М.** Политические работы (1895-1919). – Москва: Праксис, 2003. – С. 93, 145-148.
3. **Дюверже М.** Политические партии / Пер. с франц. – Москва: Академический Проект, 2000. – С. 4-5.
4. **Кукина Н.В.** Современные политические партии. Учебное пособие. – Ярославль: ЯрГУ, 2006. – С.6.
5. **Betz H.G.** Radical Right-wing Populism in Western Europe. – New York: St. Martins Press, 1994. – P. 2.
6. **Carter E.L.** The Extreme Right in Western Europe: Success or Failure? – Manchester: Manchester University Press, 2005. – P. 60-61.
7. **Kitschelt H.** The Radical Right in Western Europe: A Comparative Analysis. – Ann Arbor: University of Michigan Press, 1995. – P. 275.

УДК: 32.35

**ҲУДУДИЙ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ - ДАВЛАТ  
БОШҚАРУВИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШДАГИ МУҲИМ ВАЗИФА**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ ТЕРРИТОРИАЛЬНЫХ  
ПРЕДСТАВИТЕЛЬНЫХ ОРГАНОВ - ВАЖНАЯ ЗАДАЧА В МОДЕРНИЗАЦИИ  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ**

**THE IMPROVEMENT OF THE SYSTEM OF TERRITORIAL REPRESENTATIVE BODY -  
AN IMPORTANT TASK IN THE MODERNIZATION OF PUBLIC ADMINISTRATION**

**Исабаев Мақсад Баҳодирович**

*НамДУ Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси  
ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** парламент, маҳаллий кенгаш, маҳаллий бошқарув, доимий комиссия, депутат сўрови, вето, ишончсизлик вотуми, тарқатиб юбориш ҳуқуқи.

**Ключевые слова:** парламент, местный совет, местное самоуправление, постоянная комиссия, депутатский запрос, вето, полномочия, голоса, роспуск.

**Keywords:** parliament, local council, local government, permanent commission, deputy inquiry, veto, vote of no confidence, dissolution.

*Мазкур мақолада маҳаллий вакиллик органларида функционал ўзгаришларни амалга ошириш, доимий комиссиялар фаолиятини янада кучайтириш, ишончсизлик вотуми ва вето ҳуқуқларини бошқарувининг қуйи тузилмаларида жорий қилиш каби масалалар ёритилган. Маҳаллий бошқарувда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш орқали қабул қилинаётган қарорларининг самарадорлигига эришиш бўйича таклифлар илгари сурилган.*

*В этой статье изложены вопросы функциональных изменений в местных представительных органах, дальнейшее укрепление постоянных комитетов, введение вотума недоверия и введение права вето в подструктурах. Были высказаны предложения по достижению эффективности решений, принимаемых в результате структурных изменений в местном управлении.*

*This article outlines the issues of functional change in the local representative bodies, further strengthening of the standing commissions, introduction of the vote of no confidence and the veto rights in sub-structures. Suggestions were made to achieve the effectiveness of decisions made through structural changes in local governance.*

**Кириш.** Бугунги кунда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолият самарадорлигини ошириш, унда жамоатчиликнинг иштироки ва назоратини янада такомиллаштириш долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Бу борада давлат бошқарувини модернизация қилишда маҳаллий вакиллик ҳокимиятини ислоҳ этиш ва тадқиқ қилиш алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда икки юздан зиёд маҳаллий халқ депутатлари Кенгашлари ўз фаолиятини олиб бормоқда. Бу Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар Кенгашлари, туман Кенгашлари ва вилоятларга бўйсунувчи шаҳар Кенгашларидир. Ушбу маҳаллий вакиллик органлари фаолиятининг бугунги ҳолати айрим мауаммо ва камчиликлардан холи эмаслиги кўзга ташланиб қолмоқда. Жумладан,

1. халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатлар ўз фаолиятларини асосий иш жойидан ажралмаган ҳолда жамоатчилик асосида амалга ошириши;

2. Кенгашларнинг доимий комиссиялари ҳам жамоатчилик асосида фаолият юритиши. Бу вакиллик назоратини тўлиқ амалга ошмай қолишига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда;



## FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

3. Маҳаллий Кенгаш депутатларнинг иш фаолияти уларнинг меҳнат стажига киритилмай келинаётганлиги, ўз фаолиятига бўлган интилиш ва ҳаракат мотивларини камайишига олиб келмоқда.

**Асосий қисм.** Шу нуқтаи назардан, маҳаллий вакиллик органлари фаолияти ва унга таъсир этувчи ташқи таркибий тузилмаларни “ҳолат-муаммо-таклиф” тарзида тадқиқ этишни лозим деб топдик:

**Биринчи мавжуд ҳолат.** Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир дастурларни маҳаллий Кенгаш сессиялари муҳокамасига киритиш борасидаги сиёсий партия гуруҳларининг фаолиятини қониқарли деб бўлмайди. Чунки, айнан маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари, аввало, тегишли худудни узоқ ва яқин истиқболга мўлжалланган турли соҳа бўйича ривожлантиришга оид дастурларни қабул қилиш таклифи билан чиқиши ҳамда унинг лойиҳасини Кенгашдаги тегишли доимий комиссия муҳокамасига киритиш лозим. Бу каби амалий ишларни амалга оширишда партия гуруҳи ўзининг депутатлик назорати механизмларидан тўлақонли фойдаланмаётганлиги, депутатларнинг савияси қониқарли эмаслиги, шунингдек, ўз фаолиятини сайловчилар олдида чиқиб, мавжуд муаммоларга сабаб бўлаётган омилларни бартараф этишга қаратмаётганлиги ёхуд уларга юзаки ёндашаётганлиги мана шундай “худудий тараққиёт дастурлари”нинг “қуйидан” чиқмаётганлигига олиб келмоқда.

**Муаммо.** Айнан партия гуруҳлари маҳаллий Кенгашларда қабул қилинадиган қарорларни ҳаракатга келтирувчи асосий “куч” ҳисобланади. Афсуски, бу куч ва ресурсдан оқилона фойдаланилмаяпти. Президент Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга қилган мурожаатномасида шундай дейди: “Ҳисоботларга эътибор берсак, маҳаллий Кенгашлар фаолиятида гўёки ижобий ўзгаришлар юз бераётгандек туюлади, лекин улар фақат рақамларда акс этмоқда, холос. Бизга рақамлар эмас, аниқ натижа керак”[1]. Дарҳақиқат, тан олиб айтиш керак, аксарият маҳаллий кенгаш депутатлари худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид қабул қилинган дастурлар билан бевосита танишиб чиқишмайди. Маҳаллий дастур депутатнинг қўлида турмаса, “кимни”, “нимани”, “қачон” ва “қандай тартибда” каби саволлар туғилганда, у бундай ҳолатларда аниқ ва тўғри фаолият юрита олмайди. Соддароқ қилиб айтганда, нимани назоратга олишни билмай юриверади.

**Таклиф.** Маҳаллий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишда қуйидаги тузилма амал қилиши кўпроқ самара беради деб ҳисоблаймиз. Бунда, аввало, фуқаро, сайловчилар – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарувчи тузилмалар – депутат (вакиллар) – сиёсий уюшма ва ҳаракатлар (партиялар) - партия гуруҳлари – доимий комиссиялар – Кенгаш сессияси – ҳоким. Агарда, бунинг акси бўлса унинг самарадорлиги шунча паст бўлади, назорат этишда кенг жамоатчилик қатнашмайди.

**Иккинчи мавжуд ҳолат.** Маҳаллий ривожланиш дастурларининг самарали ишлаб чиқилишига таъсир этувчи омиллардан яна бири бу Кенгашлардаги доимий комиссияларнинг фаолиятидир. Мазкур доимий комиссиялар аслида сессия кун тартибига киритиладиган масалаларни олдиндан кўриб чиқиш ва тайёрлаш учун тузилади. Аммо улар ўз номига яраша доимий асосда ишламайди. Яъни доимий комиссиянинг таркиби жамоатчилик асосида фаолият юритади. Уларни вақтинчалик комиссия деб атасак, тўғрироқ бўларди. Агарда доимий комиссияларнинг иши самарали ташкил этилганда, қабул қилинаётган қарорларда улар айнан “ўрта бўғин” вазифасини ўтаб, уларни қуйидан юқори томонга ҳаракатлантиришда кўмак берарди. Таҳлилларга кўра, доимий комиссиялар ўз мажлисларини ҳар ойда ўтказиш каби мажбуриятини юқловчи Кенгаш регламентига амал қилишмайди. Бу бўйича Кенгашнинг тегишли органлари томонидан етарли даражада назорат олиб борилмайди [2].

**Муаммо.** Маҳаллий Кенгашлар фаолиятини янада кучайтиришда доимий комиссиялар таркиби ва вазифаларига алоҳида эътибор бериш, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш керак бўлади.

**Таклиф.** Бизга маълумки, бугунги кунда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлари доимий, профессионал тарзда фаолият юритади. Бу фақат юқори вакиллик органи депутатлари доимий фаолият олиб бориш ҳуқуқига эга деган нотўғри хулосани билдирмаслиги лозим. Буни халқаро тажриба орқали кўришимиз мумкин. Жумладан, Японияда маҳаллий Кенгаш депутатлари доимий асосда фаолият олиб боради. Улар

## FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

“Маҳаллий давлат хизматчилари тўғрисида”ги қонунга асосан махсус давлат хизматчиси мақомига эга бўлади [3]. Шунингдек, улар маҳаллий ҳокимиятнинг шартнома асосидаги вақтинчалик ишчиси ҳисобланиб, бирор бошқа лавозимни эгаллашларига йўл қўйилмайди [4]. Япония маҳаллий Кенгаши профессионал асосда ташкил қилинган бўлиб, ҳар бир маҳаллий Кенгаш ўзининг котибиятига эга [5].

Бизнинг мамлакатимизда ҳам маҳаллий вакиллик органлари фаолиятини тизимли ва доимий асосда фаолият юритадиган тарзда ташкил этишни таклиф этамиз. Бунда ҳудудий аҳоли сонини эътиборга олган ҳолда халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари сонини кўпи билан 30 нафаргача, туман (шаҳар) Кенгашлари депутатлари сонини эса 15 нафаргача этиб белгилаш лозим. Мазкур меъёр ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб белгиланади. Шунда халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари олти нафар депутатдан иборат таркибда 5 та доимий комиссияга, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари депутатлари уч нафар депутатдан иборат таркибда 5 та доимий комиссияга бирлашадилар. Уларнинг ҳар бири ўзининг орасидан доимий комиссия раисини сайлайди ва у бевосита Кенгаш раисининг ўринбосари ҳисобланади. Уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва хизмат вазифасини доимий тарзда олиб борилишини ҳуқуқий таъминлаш лозим. Шунингдек, Кенгашнинг доимий фаолият олиб боровчи котибиятини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Котибият тузилмаси, штатлари ва унинг иш тартиби Кенгаш раиси томонидан тасдиқланади [6]. Мана шундай тартибдаги фаолият механизми жорий этилса, маҳаллий вакиллик органлари депутатларининг иш самарадорлиги ва халқчил қарорлар қабул қилишдаги роли янада ошади.

**Учинчи мавжуд ҳолат.** Халқ депутатлари Кенгашларининг қарорларни ҳудудларда ижро этиш, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича аниқ вазифаларни бажариш борасидаги фаолияти устидан депутатлик назорати қониқарли аҳволда эмас.

**Муаммо.** Маҳаллий кенгаш аъзоларининг депутат сўрови, эшитуви ва назорат–таҳлил фаолиятини амалга оширишнинг аниқ меъёрий қоидалари ва механизмлари ишлаб чиқилмаган ҳамда қонунчиликда тўлиқ акс эттирилмаган. Жойлардаги маҳаллий кенгашларда депутатлик назоратини амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий асос ва механизмлари қонунларимизда яхлит ёритилмаган.

**Таклиф.** “Вакиллик назорати тўғрисида”ги янги қонун ишлаб чиқиш лозим. Унда назорат олиб боровчи субъектлар (масалан, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлари ёки халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашлари депутатлари), унинг объектлари, назорат шакллари (масалан, тегишли тартибда ҳоким, молия бўлими раҳбари, солиқ бошқарма бошлиғи, прокуратура, ички ишлар бўлими бошлиқлари каби турли ташкилот ва муассаса раҳбарларининг долзарб масалалар юзасидан ҳисоботини эшитиш тартиби, муддатлари ва ҳоказо), сўров юборувчи субъектлар (масалан, маҳаллий кенгашда фаолият юритаётган партиянинг депутатлик гуруҳи сўрови ҳамда депутат сўровини алоҳида аниқ қилиб ёритиш ҳамда сўровни юборишнинг аниқ қонуний тартибини ишлаб чиқиш), маҳаллий кенгаш текшируви (тегишли ҳудуднинг энг муҳим манфаатларига дахлдор, унинг барқарор ривожланишига ўзининг салбий таъсирини ўтказувчи омилларни ўрганиш мақсадида кенгашдаги мавжуд доимий комиссиялар томонидан амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш) каби масалалар ёритилади.

**Тўртинчи мавжуд ҳолат.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидан фарқли ўлароқ, халқ депутатлари Кенгашлари, маҳаллий газеталарни ҳисобга олмаганда, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларининг қарорларини эълон қилиб бориш мумкин бўлган ўз матбуот органига шу пайтгача эга эмас. Оммавий ахборот воситаларида Кенгашнинг сессияларида қабул қилинадиган қарорлар жуда кам ҳолларда эълон қилинади.

**Муаммо.** Бугунги кунда туман ва шаҳар халқ депутатларининг ҳеч бир Кенгаши халқ депутатлари Кенгашининг тузилиши, депутатлари, улар олиб бораётган ишлар тўғрисидаги ва бошқа маълумотларни жойлаштириши мумкин бўлган ўзининг алоҳида веб-сайтига эга эмас. Хуллас, жойларда аҳолининг халқ депутатлари Кенгашларининг иши ҳақидаги маълумотлар билан танилишини таъминлашнинг самарали усуллари ҳануз жорий этилмаган [7].

## FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

**Таклиф.** Маҳаллий вакиллик органлари томонидан қабул қилинган қарорларни турли расмий интернет нашрлари (парламент, вилоят ҳокимликлари ва сиёсий партияларнинг расмий сайтлари)да алоҳида-алоҳида ёритмасдан, махсус интернет сайти (масалан [www.xdmk.uz](http://www.xdmk.uz)) ташкил этиш лозим. Мазкур сайтда республикадаги барча маҳаллий кенгаш депутатларининг тегишли тартибда маълумотлари, қабул жадваллари, ўз сайловчилари билан мунтазам алоқа қилиб туриш учун махсус илова дастурлари мавжуд бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бу ҳар бир сайловчига ўз депутати билан бевосита онлайн тарзда тез ва қулай мулоқот қила олиш имкониятини беради.

**Бешинчи мавжуд ҳолат.** Маҳаллий Кенгаш депутатлари депутат сўрови билан мурожаат этиши бугунги кунда жамоатчилик назоратини амалга оширишда муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Маҳаллий кенгаш депутатлари ва парламент депутатлари, улардаги сиёсий партияларнинг фракциялари ҳамда экологик гуруҳнинг депутатлик гуруҳлари томонидан амалга ошириладиган сўровлар қонунчилигимизда у ёки бу тарзда баён этилган. Унда сўров, депутат сўрови, Қонунчилик палатаси депутати сўрови, Сенат аъзоси сўрови ва Парламент сўрови баён этилган.

**Муаммо.** Маҳаллий кенгашларга “халқ депутатлари вилоят Кенгаши сўрови” ёки “халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши сўрови” юбориш ҳуқуқи қонунчилигимизда аниқ акс этмаган. Буни қуйидаги жадвалда ҳавола этамиз:

Олий вакиллик институти (Олий Мажлис)		Маҳаллий вакиллик институти (Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгаши)	
Депутат сўрови	+	Депутат сўрови	+
Фракция ва депутат гуруҳи сўрови	+	Партия гуруҳи сўрови	+
Парламент сўрови	+	Халқ депутатлари Кенгаши сўрови	-

**Таклиф.** Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига “Халқ депутатлари Кенгаши сўрови” деб номланган алоҳида янги модда киритиш, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасидаги халқ депутатлари Кенгашининг ваколатлари таркибига *Халқ депутатлари Кенгаши сўрови билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга*, деган янги нормани киритиш таклифини билдирамыз.

**Олтинчи мавжуд ҳолат.** Бугунги кунда кўплаб хорижий давлатлар, жумладан, АҚШ ва Россияда давлат бошлиғига парламент томонидан қабул қилинган қарорларга вето қўйиш ҳуқуқи берилган. Шу жумладан Ўзбекистонда ҳам. Ўзбекистон Республикаси парламенти томонидан қабул қилинган қонун Президент томонидан рад этилиб, имзоланмаслиги ҳам мумкин. Аммо қуйи маҳаллий бошқарувда ижро ҳокимиятларига тегишли халқ депутатлари Кенгашлари томонидан қабул қилинган қарорларга вето билдириш ҳуқуқи мавжуд эмас. Ваҳоланки, халқаро миқёсда бундай тажриба мавжуд. АҚШда маҳаллий ижроия аппарати раҳбари (мэр) халқ томонидан сайланади. У муниципал кенгаш чиқарган актларга вето келтириш ҳуқуқига эга[8]. Японияда губернатор ёки мэр томонидан маҳаллий кенгаш қабул қилган қарорларга вето билдириши мумкин. Кенгашнинг камида 2/3 қисмининг розилиги билан мазкур қарор қайта тасдиқланса, қарор қабул қилинади[9].

Шунингдек, мамлакатимизда халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тегишли ижро ҳокимияти раҳбарига ишончсизлик билдириш тўғрисида қарор қабул қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилмаган. Фақатгина парламент томонидан олий ижро ҳокимияти (ҳукумат) раҳбарига нисбатан шундай ҳуқуқ берилган. Японияда эса маҳаллий вакиллик кенгаши губернатор ёки мэрга нисбатан ишончсизлик тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга. Бунинг учун кенгаш аъзоларининг 3/4 қисми ёқлаб овоз бериши керак бўлади. Қарор қабул қилингандан сўнг ўн кун ичида губернатор ёки мэр истеъфога чиқади[10]. Бу ижро ҳокимиятининг ўз ишига бўлган масъулиятини ошириш билан бир қаторда, рўй бериши мумкин бўлган ваколатларни суистеъмол бўлишининг олдини олишга ҳуқуқий замин ҳозирлайди.

**Муаммо.** Қуйи бўғинда қарорларнинг қабул қилиниши ва уларнинг назорати марказлаштирилган тартибда амалга оширилиб келинаётганлиги. Бунда маҳаллий ижроия

## FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

ва вакиллик органлари фаолиятида “ўзаро тийиб туриш” механизмнинг амалда мавжуд эмаслиги.

**Таклиф.** Маҳаллий бошқарувнинг қуйи ҳокимият тузилмалари фаолиятида ишончсизлик ва вето ҳуқуқларидан фойдаланиш тизимига ўтиш жоиз. Бу маҳаллий давлат ҳокимияти тузилмасида маҳаллий ижроия ва маҳаллий вакиллик органларини алоҳида қилиб ажратилиши янги назорат механизмларини ишга тушишига ҳамда самарали бошқарувни таъминланишига олиб келади. *Биринчидан*, маҳаллий вакиллик билан ижро органларини алоҳида қилиб шакллантириш; *иккинчидан*, мамлакатимизда ҳам вилоят, туман (шаҳар) ижроия ҳокимияти раҳбари бўлган ҳоким томонидан тегишли халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгаши қарорларига вето билдириш ҳуқуқининг механизмларини ишлаб чиқиш ва унинг қонуний асосларини яратиш; *Учинчидан*, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига тегишли маҳаллий ижро ҳокимияти устидан ишончсизлик билдириш ҳуқуқини бериш.

Юқорида келтириб ўтилган ижро ҳокимиятининг вакиллик органларига вето билдириши, вакиллик органларининг эса ижро ҳокимиятига ишончсизлик билдириш ҳуқуқининг берилиши бу ҳокимиятлар ўртасидаги ўзаро тийиб туриш ва мувозанатда сақлаш тизимининг қуйи бўғинларда амал қилинишини таъминлайди. Натижада айрим “номаъқул қарор”лар қабул қилинишининг олди олинади.

**Еттинчи мавжуд ҳолат.** Айни вақтда маҳаллий Кенгаш таркибидаги депутатларнинг 1/3 қисмидан кўпроғи маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг ходимларидир. 2016 йилги ҳолатга кўра, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида бир вақтнинг ўзида ўз касбий фаолиятини ижроия ҳокимият тизимида олиб бораётганлар сони 1558 нафар кишини ташкил этган бўлса, уларнинг 744 таси амалда раҳбар лавозимларда ишлаб келаётганлар эди[11].

**Муаммо.** Маҳаллий Кенгаш депутатларининг аксарияти бир вақтнинг ўзида бевосита ёки билвосита ҳокимга бўйсунадиган мансабдор шахслар бўлиб, уларнинг асосий иш жойи орқали ижро ҳокимият органлари раҳбариятига тобе бўлиб қолмоқда. Натижада ўз назорат ваколатини тўлиқ амалга ошира олмаяпти.

**Таклиф.** Маҳаллий вакиллик органларидаги депутатларнинг ижро ҳокимияти тизими таъсиридан бутунлай халос қилиш лозим. “Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 32-модда иккинчи бандидаги “*ҳокимият ижроия органлари тизими*” таркибига кирувчи субъектларни аниқ қилиб кўрсатиб ўтиш таклифини билдираамиз.

**Хулоса.** Халқ депутатлари Кенгаши сўрови тартибини жорий этиш; маҳаллий ҳокимиятлар ўртасидаги ўзаро тийиб туриш ва мувозанатда сақлаш тизимини таъминлашда вето билдириш ҳуқуқи ва ишончсизлик вотумини киритиш; маҳаллий вакиллик органлари масъуллигини икки марта ошириш, мақбул қарорлар қабул қилинишига эришиш мақсадида тарқатиб юбориш тартибини жорий қилиш ўзининг ижобий самараси билан аҳамият касб этади.

### АДАБИЁТЛАР

1. <http://uza.uz/oz/society/adliya-vazirligi-ma-alliy-kengash-deputatlariga-muammolarni--10-07-2019>
2. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ролини ошириш ва фаолиятини такомиллаштириш: маъруза /Бекчанов Д., Гайбуллаев О., Асадов Ш., Нуриллаева М., Қаршиев М., Ходжаев Ж. – Т.: Baqtria press, 2016. – Б. 15.
3. Satoru OHSUGI. Local Assambles in Japan. CLAIR, 2008. – P. 4.
4. Япониянинг “Маҳаллий автономия тўғрисида”ги қонуни. 92-модда.
5. Satoru OHSUGI. The Organization of Local Government Administration in Japan. CLAIR, 2009, Appendix 1.
6. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ролини ошириш ва фаолиятини такомиллаштириш: маъруза / Бекчанов Д., Гайбуллаев О., Асадов Ш., Нуриллаева М. ва бошқ. – Т.: Vaktria press, 2016. – Б. 57.
7. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатлари фаолиятини ташкил этишининг

айрим жиҳатлари бўйича услубий тавсиялар. Амалий қўлланма. Муаллифлар: Ф. В. Ким, Б.Ф. Хасанов.– Тошкент: 2012. – Б. 54-55.

8. Маҳаллий бошқарув: дарслик/О.Турғунов ва бошқ. – Т.: Вақтрия press, 2017. – Б. 56.

9. **Бекжанов Д.** Маҳаллий давлат ҳокимияти: Япония тажрибаси ва Ўзбекистон //Ўзбекистон республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси. –Т.: Академия, 2015. – Б. 82.

10. **Қаранг: S. OHSUGI.**The Organization of Local Government Administration in Japan. CLAIR, 2009. – P. 25.

11. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ролини ошириш ва фаолиятини такомиллаштириш: маъруза / Бекчанов Д., Гайбуллаев О., Асадов Ш., Нуриллаева М. ва бошқ. – Т.: Вақтрия press, 2016. – Б. 26.

УДК: 1(091).652.653:116

## ҚАДИМДА ВА ЎРТА АСРЛАРДАГИ ФАЛСАФАНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎЗИГА ХОС ИНДИКАТОРЛИК МОҲИЯТИ

### ФИЛОСОФСКАЯ СИСТЕМА КАК СПЕЦИФИЧНЫЙ ИНДИКАТОР РАЗВИТИЯ ОБЩЕСТВА В ДРЕВНОСТИ И СРЕДНЕВЕКОВЬЕ

#### PHILOSOPHICAL SYSTEM AS A SPECIFIC INDICATOR OF THE DEVELOPMENT OF SOCIETY IN ANCIENT AND MEDIEVAL EVENTS

**Джураев Шодмон Файзуллаевич**

*преподаватель кафедры истории и источниковедения ислама, философии БГУ*

**Таянч сўзлар:** фалсафа, дунёқараш, абсолют ғоя, цивилизация, дин, илм, маданият, жамият, материализм, теология, пантеизм, дарвир, реформация, ижтимоий қатламлар.

**Ключевые слова:** философия, мировоззрение, абсолютная идея, цивилизация, религия, наука, культура, общество, материализм, теология, пантеизм, пилигримы, реформация, социальные слои.

**Key words:** philosophy, outlook, idea, civilization, religion, science, culture, society, materialism, teology, panteizm, pilgrims, reformation, social class.

*Мақолада фалсанинг пайдо бўлиши сабаблари, фалсафий ғояларнинг ижтимоий-сиёсий ғояларга айланиши ва уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсири ёритилади. Мақола асосини фалсафанинг жамият тараққиёти индикатори эканлиги ташкил этади. Мақола ғояси қадимги ва ўрта асрлар даврини ўз ичига қамраб олади.*

*В статье освещены причины возникновения философии, превращение философских идей в социально – политические системы идей и их влияние на социально – экономическое развитие общества. Освещение философии как специфического индикатора развития общества является основой статьи. Хронологическая рамка статьи охватывает древние и средние века.*

*The article highlights the causes of the emergence of philosophy, the transformation of philosophical ideas into socio - political systems of ideas and their influence on the socio - economic development of society. The coverage of philosophy as a specific indicator of the development of society is the basis of the article. The chronological frame of the article covers the ancient and middle ages.*

**Введение.** Философия - древняя наука (время возникновения философских идей - VI век д.н.э) об основах первичности мира и о познании мира человеком. На начальном этапе своего развития философия в основном была системой мировоззрения узких элитных групп, потом в неё влились системы мировоззрения разных классов общества. В результате этого из ограниченной элитной системы мировоззрения философия постепенно превратилась в общедоступную общественную науку. Общественное развитие философии шло в контексте развития социально – экономической системы общества.

Поэтому философия, как зеркало общества, отражала пути и своеобразие развития общества.

Во все времена развития цивилизации философия делится на Восточные и Западные системы мировоззрения. В свою очередь в рамках исторического периода развития каждая система имеет свои системы подгруппы мировоззрения. Сравнительный словарный анализ этих двух систем даёт полную картину развития философии в обществе. Изучение мудрецами этого аспекта философии имеет фундаментальный характер [1].

**Основная часть.** В греко-римском мире и Древнем Востоке философия синтезировала все достижения развития науки и культуры общества. Только в философии все люди могли видеть уровень развития общества. Вместе с этим философия реально могла указать дальнейшие пути развития общества. Потому что советниками древних правителей и главой советов старейшины в основном были философы. Ярким примером этого явления является деятельность Аристотеля, Сенеки и других мудрецов философов [2]. В отличие от греческого и римского мира на Востоке философия имела религиозный оттенок мировоззрения. Это видно в системах и деятельности Лао-Цзы, Конфуция, Зороастра, Сиддхатры Гаутамы. Но они определяли идейную основу жизни общества. В результате этого идея превратилась в законодательную опору власти (Законы Хаммурапи, Драконовы законы, Законы Августа). Государства Древнего Египта, Месопотамии, Индии, Китая, Ирана и Центральной Азии являются примерами таких обществ [4].

Развитие философии древнего мира в общественном аспекте имеет следующие теоретические направления:

- первичность абсолютной идеи в мире;
- субстанциональность основы мира;
- религиозное происхождение человека, власти и общества;
- иерархичность социальных слоев и кастовая система в обществе.

Проблемы противоречия развития древнего общества были изучены разными философскими школами: 10-ю в Индии, 6-ю в Китае, 3-мя в Центральной Азии, 10-ю в Греции, в Риме 4-мя философскими школами [5, 18 - 34]. Основная специфика философии древнего мира заключается в том, что она в основе своей является фундаментом дальнейшего развития философской системы всего мира.

Общественный характер философии средних веков (вторая половина V в. - первая половина XVII в.) ярко выражен в теологических, материалистических и пантеистических направлениях развития.

Теологическая система философии преобладала в принципах томизма, креационизма, теодицеи, патристики, провиденциализма, сотериологизма, ревелационизма, схоластики, традиционализма, экзегетики, догматики и эсхатологии [5, 32 - 33].

Материалистическая система философии преобладала в идейных направлениях эпохи Возрождения (антропоцентризм, гуманизм, реализм, номинализм, концептуализм) [5, 35].

Пантеистическая система философии прослеживается в обеих предыдущих системах, в трудах ученых-энциклопедистов Центральной Азии (Фараби, Бируни, Авиценны) [5, 24].

Распространение теологических течений средневековья было в основном в форме разных орденов пилигримов (христианские ордены: тамплиеры, тевтонцы, иезуиты на Западе; ордены суфистов: яссавия, кубравия, накшбандия, мавлавия на Востоке). Влияние этих орденов на сознание масс было огромно и в определенных масштабах они объединяли народные массы. В критические моменты истории и политики голос учителей - наставников этих орденов сыграл решающую роль.

Материалистические идеи были сформулированы в трудах ученых и мастеров искусства эпохи Возрождения. Основы и пути развития эпохи Возрождения были глубоко изучены учеными разных периодов истории искусства Запада и Востока. Были даны фундаментальные оценки этого удивительного процесса человеческой цивилизации. По сути Возрождение было процессом восстановления античного гуманизма и переходом

философской мысли на новый уровень развития. Философия принимает более социальную форму общественного действия. На Западе это ярко выражено в произведениях Ибн Рушда (Аверроэс), Кампанеллы, Сервантеса, Шекспира, Томаса Мора, Бокаччо, Галилея и других. Практическая сторона этих явлений прослеживается в движениях Реформации [6].

На Востоке в XIV – XV веках происходит второй этап Мусульманского Ренессанса. Это связано с централизацией власти и созданием империи разных народов Ближнего и Среднего Востока под предводительством Амира Тимура. В империи Тимуридов были синтезированы все достижения науки и культуры той эпохи. Ярким примером этого является изменение города Самарканда во время правления Амира Тимура. Известный правитель Востока из Самарканда хотел сделать центр мира. Город превратился в центр науки и культуры и оказывал большое влияние на культуру степных народов Южной России, Восточного Туркестана, Кавказа, Хорасана и Ближнего Востока. Были созданы центры науки, культуры и искусства, возглавляемые Улугбеком и Навои.

Пантеистические идеи ученых-энциклопедистов Центральной Азии оказали большое влияние на дальнейшее развитие не только восточной философии, но и всего западного мира. Социальная направленность этих идей больше всего прослеживается в трудах Фараби («Город добродетельных людей», «Гражданская политика»), Бируни («Памятники минувших поколений»), Навои («Фархад и Ширин») и Кайкавуса («Кабуснаме»).

Все эти идеи в компактном виде отражены в системах законодательства обществ средневековья (Законы Юстиниана, Шариат, «Ясаки» Чингизхана, «Уложение» Тимура, Судебник).

**Заключение.** Философские идеи древнего мира и средневековья, как орудие религиозной, межэтнической и классовой борьбы, постепенно начали служить простому народу. В этих идеях народ для себя искал справедливость в обществе. Древняя система философских знаний не в полной мере отражала думы и интересы народа. Для себя духовную опору народ искал в идеях религиозных систем. Первоначальные религиозные идеи не смогли системно ответить на все социально – политические устремления народа. Только сильная монотеистическая идея могла реально помочь широким слоям народных масс. Буддизм, христианство и ислам как раз и были такими монотеистическими системами в истории человечества. Параллельно этому шло интенсивное развитие философских идей социальной справедливости. В последующие века эти идеи принимали все более социально – политический характер. В XVIII веке социальная суть философии ярко проявляется в идеях Просвещения (идеи Вольтера, Макиавелли, Декарта, Юма, Беркли, Локка и других). Как раз в это же время начинают формироваться основы немецкой классической философии (идеи Канта, Гегеля, Фейербаха), английской политической экономии (идеи Д.Рикардо и А.Смита) и французской социальной утопии (идеи Р. Оуэна, Ш. Фурье). XIX век стал эпохой широкой практики разных революционных идей, основы которых были тесно связаны с философскими теориями социального характера. Это видно в широком распространении чартизма, прудонизма, марксизма, а позже и ленинизма, гегельянства. А в XX веке философские идеи в корне изменили мир. Это привело к разделению мира на две противостоящие системы, философия которых резко отличалась друг от друга.

Из века в век эти стремления народных масс росли как ком снежной лавины. Они были предвестниками Буржуазной революции в Англии, Великой Французской революции, Октябрьской революции в России и как идейная основа выступили в народно-освободительных движениях Азии и Африки.

#### ЛИТЕРАТУРА

1. Мудрость тысячелетий. Остроумие мира. – Москва, 2012. – 301 с.
2. **Соколов В.В.** Античная философия. – Москва: Наука, 1958. – 202с.
3. **Утченко. С.Л.** Политические учения древнего Рима. III – I вв. дон.э. – М.: Просвещение, 1977. – 246 с.
4. История древнего мира.– Москва: Просвещение, 1982. – Ч.1. -431с.
5. Учебно – методический комплекс по предмету «Философия». – Бухара, 2018-2019. – 311с.

6. Советская историческая энциклопедия. – Москва: Наука, 1973-1983. – Т. II. – 692 с.  
7. Интернет источники: storio. ru. wikipedia.org философия

УДК: 94

**НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ ОРИФЛАРИНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ ВА СИЛСИЛАСИ**  
**ДУХОВНАЯ ГЕНЕАЛОГИЯ АРИФОВ НАКШБАНДИЙСКОГО ТАРИКАТА**  
**GENEOLOGY AND DECENT QUALITIES OF ARIFS OF NAKSHBANDI TARIQAT**

**Шарипова Дилноза Шавкатовна**

*БухДУ табиий йўналишларда чет тиллар кафедраси ўқитувчиси*

**Абулова Зилола Азимовна**

*БухДУ табиий йўналишларда чет тиллар кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** тасаввуф, нақшбандия, фазилат, шажара, рисола, манба, маданий мерос.

**Ключевые слова:** суфизм, нақшбандия, достойные качества, генеалогия, источник, культурное наследие.

**Key words:** sufizm, nakshbandi, worthy qualities, geneology, messege, murid, source, cultural heritage.

*Мақолада Шарқ манбаларида келтирилган нақшбандия тариқати орифларининг фазилатлари ва шажараси тўғрисида фикр юритилган.*

*В статье рассматриваются духовная генеалогия представителей нақшбандийского тариката и их особенности.*

*The article discusses the information given in Eastern sources about the decent qualities of the arifs of the Nakshband tariqat and their geneology.*

**Кириш.** Тасаввуф таълимотига бағишланган асарларнинг барчаси тариқат шайхларининг хулқ-атвори, маънавий-ахлоқий фазилатлари ва хислатлари тўғрисида баён қилади. Тасаввуф алломаларининг фазилатлари тўғрисидаги маълумотлар уларнинг ўзлари ва шогирдлари томонидан ёзиб қолдирилган ёки асарлар оша мутасаввифлар ва халқ томонидан ривоятлар орқали бизгача етиб келган. Бундай асарлар мақомот, маноқиб ва таворих деб аталади. Нақшбандия тариқати ва уларнинг машойихларига бағишланган асарларнинг ҳаммасида бир ўхшашлик бор, яъни уларда олдинги манбалардан ва маълумотлардан кенг фойдаланилган. Ўз навбатида бу нақшбандия таълимотининг илдиэлари, назарияси ва фалсафий қарашларини илмий жиҳатдан тадқиқ этишда аҳамиятлидир.

Шайх Муҳаммад Амин “Ал-мавоҳиб” (“Ҳадялар”) асарида ҳам ўзидан олдинги тасаввуф таълимотининг мутасаввуфлари ёзиб қолдирган мақомот ва маноқиблардан маълумотлар ҳамда иқтибослар келтиради. Унинг китобида Абу Бакр ал-Калободийнинг “Ат-таарруф ли мазҳаби аҳли ат-тасаввуф”, Абдулхолиқ Гиждувонийнинг “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний”, Фахриддин Али Сафийнинг “Рашаҳот айн ул-ҳаёт”, Муҳаммад Боқирнинг “Мақомоти Баҳоуддин Балогардон”, Фаридуддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё”, Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс”, Хожа Ориф ар-Ревгарийнинг “Орифнома”, Муҳаммад Қозининг “Силсилат ул-орифин” ва бошқа алломаларнинг асарларидан фойдаланилган.

“Ал-мавоҳиб ус-сармадия” рисоласи Аллоҳга ҳамду сано ва пайғамбар алайҳиссаломга наътдан бошланади. Маноқибларга хос бўлган бу хусусият алломаларимиз ёзган дoston ва ғазалларга ҳам хосдир. Масалан, Аҳмад Яссавий, Дурбек, Атоий, Лутфий, Саккокий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа буюк шоиру мутафаккирларимиз асарлари албатта ҳамд ва наът билан бошланади. Шайх Муҳаммад Амин ал-Курдий асарни ёзиш сабабини ва фойдали томонларини баён этиб, шундай бошлайди: “Меҳрибон ва раҳмдил Аллоҳнинг номи билан! Ягона Аллоҳга ҳамду санолар бўлсинким, У ирфон соҳиблари қалбини ҳақиқат нури ила ёритди! Гўзал ахлоқ билан Аллоҳга имон келтиришга чақирган ва бунинг сабабидан инсонлар ҳамда жинларни Нурга



## FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

мушарраф этган Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломга саловотлар бўлсин! Ўз Раббига мусулмон умматини сажда қилишига яқинлаштирган Расули акрамга саловотлар! Расулulloҳ Муҳаммад алайҳиссаломга, оиласи, асҳоблари ва Қуръон олимларига саловотлар ва саломлар бўлсин!

Нақшбандия тариқатидан бўлган сўфий, Аллоҳнинг қули фақир Муҳаммад Амин шундай дейди: ушбу тариқат шайхларининг қабри нурга тўлсин, Аллоҳ менга Нақшбандия олий таълимотини таълим бериш ва ёйишни буюрганида, Миср шаҳарларида бу таълимот янги ва номаълум эди. Мен бу олий тариқат толибларини ўзимиздан аввал ўтган шайхлар ва Муҳаммад алайҳиссалом ҳаётидан қисқача ҳикоятлар тарзида таништиришни лозим топдим. Ушбумехнатим Ҳаққа етишиш учун интилаётган илм толибларини бепарволик уйқусидан, яъни ғафлатдан уйғотиши йўлида қилинган сайъ-ҳаракатдир. Жунайдал-Бағдодий айтганидек, солиҳ мардлар ҳақидаги ҳикоятлар Аллоҳнинг саноксиз қўшинларидандир ва унинг ёрдамида У ўзи истаган кишини илоҳий борлиғига яқинлаштиради”.

Юқоридаги фикрдан кўриниб турибдики, инсоннинг маънавий-ахлоқий тарбияси аввал яшаб ўтган яхши фазилатли кишилар тўғрисидаги суҳбатлар ва ҳикоялар орқали шаклланади. Инсон хулқининг ўзгаллиги, ёшлар тарбияси ота-боболаримиз, аждодларимизнинг тарихини ва маънавий оламини билишимизга боғлиқ. Буни тасаввуф таълимотидаги маънавий ота, яъни устоз ва маънавий фарзанд муносабатларида яққол кўришимиз мумкин.

Тариқат йўлига кирган муридлар ўзларининг маънавий оталари ҳақида билмоғи зарур. Чунки солиқ ўзининг ердаги жисмоний отасидан кўра маънавий отаси ҳақида кўпроқ билиши лозим. Оталар икки хил бўлади – маънавий ва жисмоний. Ердаги отанинг вазифаси яратилган оламни ривожлантириш ва давом эттиришдир. Маънавий отанинг вазифаси эса илоҳий оламни – Олам ул-амрни ривожлантириш. Биринчиота иши ердаги ҳаёт давомида фарзандининг жисмоний, ташқи ривожланиши ва турли дунёвий соҳаларда комил инсонни тарбиялаши учун шароит яратишдир. Иккинчисининг вазифаси комил инсонга бутун оламнинг яширин сири ва мистик (илоҳий) ривожланишини билишида восита бўлиш. Бу инсон ичидаги инсонийликдир. Шу восита орқали ерда илоҳий вазифа бажарилади ва бу мустаҳкам занжирни узишга ҳеч нарса қодир эмас.

Шунинг учун маънавий ота юсак олийҳиммат даражага эга. Султон ул-ошиқин Абу Язид Бастомий авлиё Бунан ал-Жамолга у билан ўзаро маънавий боғлиқлиги тўғрисида шундай деган: “Сен билан мени орамиздаги диний боғлиқлик қон-қариндошлик алоқаларидан кўра афзалдир”.

Орифларнинг бари бир тўхтама келишган, кимки бирор халқ ёки қабила билан қариндошлик алоқаларига эга бўлмаса, бамисоли йўл устига ташлаб кетилган етим бола кабидир. Бундан келиб чиқиб, насл-насабини билмаган одам қандай қилиб ўзини танимаган кишига қариндошлигини даъво қилиши мумкин? Шунинг учун токи инсон аввалги олимлар, сўфийларнинг йўлидан бориб, насиҳатларини қабул қилмас экан, маънавий алоқа воситаси, яширин муносабат ва руҳий боғлиқлик амалга ошмайди. Агар киши сўфийлар ҳақида билмаса, қандай қилиб уларнинг йўлидан бора олади? Инсон уларнинг маънавий-ахлоқий сифатларини билмай туриб, қай ҳолда уларни ўзида мужассам қила олади? Шунинг учун ҳақиқий мурид фақатгина ўз шайхларининг амалларини билиши билан чекланиб қолмаслиги керак, балки у бу амалларнинг мазмуни ва моҳиятини англаши зарур. Уларнинг мазмун-моҳияти муриднинг ҳақиқатга эришиши учун хизмат қилади. Шайхларнинг ахлоқий сифатлари ва биографиясини билиш мурид учун Аллоҳ хузурига боришда илоҳий йўлда ёрдам беради.

Нақшбандия тариқати буюк шайхларининг баъзилари шундай дейдилар: “Баъзан олдинги шайхларнинг сифатларини билиш мурид учун ўзининг шахсий кузатишидан кўра фойдалироқдир, чунки айрим ҳолларда мурид дунёвий ташвишлар оламига жудаям ғарқ бўлиб қолади. Шунинг учун муриднинг Аллоҳ шайхларга берган ажиб бир ўхшамаслик ҳадясидан бирини кўришида манфаат йўқ” [4, 25-26]. Шундан билинадики, Яратгувчининг марҳаматидан бири ҳар бир инсоннинг тенгсизлиги, ўзига хослиги ва бир-бирига ўхшамаслигидир.

## FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

Нақшбандия тариқати шайхларининг биографияси, хулқи ва тутган йўли тасаввуф моҳиятини билишни истаганлар учун маънавий озуқа ҳамда сирли билим сандиғига калитдир.

Маърифат, сидқ ва вафо йўлини излаётган киши бу Оламда инсониятнинг яратилишидан мақсад Аллоҳга ибодат қилиш эканлигини билмоғи даркор. Ибодат энг олий мақом ва Парвардигор марҳаматига эришиш даражасидир ҳамда унга тенг келадигани йўқдир. Парвардигорга хизмат қилишни ибодатсизтасаввур этиб бўлмайди. Бу банданинг Аллоҳ Таоло ҳузурида доимий туришини ҳис этишдан иборатдир. Ҳақиқий ибодат эса фақат Буюк Зотга – Аллоҳга муҳаббат ва ошиқлик орқали амалга оширилиши мумкин. Чунки сўфий айнан Парвардигорга муҳаббат орқали Аллоҳ (ал-Ҳаққ)дан бошқа ҳамма нарсдан воз кечишибилан фано даражасига эришади ва Ҳаққа муҳаббати орқали Аллоҳга хизмат қилишнинг илоҳийўрни - мақомига кўтарилади. Агар сўфий соф қалб билан илоҳий жазбага эришолмаса, у бундай саодатга лойиқ бўлолмайди. Сўфий бундай жазбага етишмоғи учун комил шайхнинг устозлиги талаб қилинади. Унинг ҳаёти Аллоҳни мушоҳада қилиш даражасига эришиш учун тариқат йўлида ахлоқини гўзаллаштириши ва ёмон нуқсонлардан қутулиши, ўз шайхига итоаткорона хизмат қилиши, самимий ва мустаҳкам эътиқодли бўлиши ва илоҳий жазбани ҳис этиши учун ҳаракат қилмоғи лозим. Яратгувчи олдида кўрқув бўлиши керак, чунки солиҳ сўфийлар, хусусан, Нақшбандия тариқати шайхлари Аллоҳдан доимо кўрққанлар.

Машҳур тасаввуф тариқатларининг ҳар биринисбага эгадир. Улар Аллоҳ Таолони билишда сирли услубга эга эканликда тенгдирлар ва бирон нарса билан бир-бириларидан фарқ қилмайдилар. Фақат Аллоҳ ҳузурида туришга эришиш учун восита – ўзига хос нисбанинг борлиги билан ажралиб турадилар. Муриднинг Аллоҳ билан бирлашмоқлик олий даражасига эришишининг энг яхши ва тўғри воситаси Нақшбандия тариқати саналади.

Нақшбандия тариқати – бу Муҳаммад алайҳиссалом суннатларига амал қиладиган солиҳ мусулмонлар таълимотидир. Бу тариқат, шунингдек, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам (а.с.) саҳобаларининг йўлидир. Шайхларнинг илоҳий моҳиятни мушоҳада қилиши узоқ ва доимийдир. Бошқалар учун бу мушоҳада чақмоқ чаққандек намоён бўлса, шайхлар учун доимий давомийликка эга. Аллоҳнинг ҳузурида Нақшбандия тариқати шайхларининг туришини сўз ва иборалар билан тасвирлашнинг имкони йўқ. Шунинг учун шайхларга эргашибғалаба қозониш, сирли билимга сазовор бўлиш; хайрли амаллари ва фазилатли одатларини ўрганиш туфайли тариқат руҳидан нафас олиш мумкин. Мурид ақлни эгаллаган тасодифий ўй-хаёллардан фориғ бўлади ва шайтоний ҳою-ҳаваслар, истаклар чекинади. Дарҳақиқат, уларнинг йўли сўфийни Аллоҳга олиб борадиган энг осон тариқатлардан биридир, Нақшбандия тариқатининг асоси тасаввуфдир, муридни илоҳий йўлга бошлайдиган биринчи жазба пайғамбар Муҳаммад а.с. маънавий мероси соясида бўлган муршиднинг руҳий кувватидан чиқади. Расулulloҳ шундай дейди: “Менинг қалбимга Аллоҳ томонидан жо қилинган барча нарсани Абу Бакрнинг кўкрагига жойладим” [4,28].

Тариқат йўли сўфийларнинг Аллоҳга бўлган муҳаббати мукамаллигини нурдек таратади ва акс эттиради. Бу муҳаббатни намоён қилишда ёш сўфийлар ва шайхлар тенгдирлар. Бундай ўз ҳаётини қурбон этиш тўғрисида шайх Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд шундай дейди: “Кимки бизнинг тариқатдан юз ўгирса, ислом динидан чиқиш арафасидадир. Бизнинг тариқат Аллоҳ Таолога олиб борувчи энг қисқа йўлдир. Қандай қилиб ҳам бизнинг йўлимиз Унга олиб борувчи ва У билан боғловчи энг қисқа йўл бўлмасин? Ахир тариқатнинг охири шу йўлнинг бошланишига улангандир. Кимки бу сўфийлик йўлини танлаб, тўғри йўлдан бормаса ва бу йўлдан боришни бошласа—ю саодатга эришмаса, у бадбахтдир. Агар одамнинг кўзи кўр бўлса, қуёш нега айбдор бўлсин?” [4, 28]. Агар мурид буюк шайхлар йўлига кирса, уларнинг изидан бориши ва уларнинг илоҳий аҳволинианглаши ҳамда комилликка эришиши учун ўғитларга амал қилиши шарт.

Ушбу йўлга тариқатдан бохабар бўлган комил шайхдан насиҳат олгандан сўнг кириш мумкин. Чунки насиҳатнинг сирли моҳияти бу қалбларнинг бир-бири билан, яъни Муҳаммад а.с. қалби билан бирлашишидир. Пайғамбарнинг қалби эса Аллоҳ ҳузуридаги илоҳийлик билан боғланган. Агар мурид сўфийларнинг маънавий силсиласига кўшилса ва

## FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

авлиёларга мурожаат қилса, бу унга манфаат келтиради. Силсилага қўшилмай туриб, тариқатга кирган киши тариқат аҳлидан бўлмади ва агарда у силсилага мурожаат этмаса, шайхлар руҳи унга мадад бермайди.

Нақшбандия тариқатида учта маънавий генеология – силсила мавжуд:

Биринчи силсила. Бу силсила илм мужассам жойдан, яъни Муҳаммад а.с.дан илм дарвозаси саналган Али ибн Абу Толибга бориб тақалади. Ундан имом ал-Хусайн ибн Алига, ундан имом Зайн ул-обидийн Али ал-Аскарга, ундан имом Муҳаммад ал-Боқирга, ундан имом Жаъфар ас-Содиққа, ундан имом Мусо ал-Козимга, ундан имом Али Ризога, ундан Маъруф ал-Кархийга, ундан ас-Сирри ас-Сақатийга, ундан Абулқосим ал-Жунайд ал-Бағдодийга, ундан шайх Абу Али ар-Рўзборийга, ундан Абу Али ал-Котибга, ундан Абу Усмон ал-Мағрибийга, ундан Абулқосим ал-Гургонийга, ундан Абу Али ал-Фармадийга, яъни учинчи силсила шайхига уланади. Ушбу силсила пайғамбар Муҳаммад а.с.нинг пок оиласи билан алоқадорлиги сабабли “силсилаи заҳабия”, яъни “олтин занжир” деб номланади.

Иккинчи силсила. Олам руҳи, яъни Муҳаммад алайҳиссаломдан Али ибн Абу толибга, ундан Ҳасан ал-Басрийга, ундан Ҳабиб ал-Ажмийга, ундан Довуд ат-Тойига, ундан Маъруф ал-Кархийга, яъни биринчи силсила шайхига боғланади. Бу ерда икки силсила боғланган.

Учинчи силсила. Шайх Муҳаммад Амин ал-Курдий шу силсилага ўзини мансуб деб ёзади. Ушбу силсила ҳам унинг устози шайх Умардан ўз отаси шайх Холидга, ундан ориф шайх Абдуллоҳ ад-Дехлавийга, ундан ориф шайх Шамсуддин Ҳабибуллоҳ Жони Жонон Мазҳарга, ундан ориф шайх Нурмуҳаммад ал-Бадавонийга, ундан шайх Муҳаммад Сайфуддинга, ундан шайх Муҳаммад Маъсумга, ундан шайх Муҳаммад Маъсумнинг отаси, иккинчи минг йилликнинг янгиловчиси имом ар-Раббоний шайх Аҳмад ал-Фаруқ ас-Сирҳиндийга, ундан ориф шайх Муҳаммад ал-Хожа ал-Амканагийга, ундан ориф шайх Дарвеш Муҳаммадга, ундан ориф шайх Муҳаммад аз-Зоҳидга, ундан ориф шайх Насриддин Убайдуллоҳ ал-Аҳрорга, ундан ориф шайх Ёқуб ал-Зархийга, ундан ориф шайх Муҳаммад алоуддин ал-Атторга, ундан шайх Муҳаммад Баҳоуддин ан-Нақшбандга, ундан ориф шайх Амир Кулолга, ундан ориф шайх Муҳаммад Бобо ас-Самосийга, ундан ориф шайх Али Ромитанийга, ундан ориф шайх Маҳмуд ал-Анжир Фағнавийга, ундан шайх Ориф ар-Ревгарийга, ундан ориф шайх Абдулхолиқ ал-Ғиждувонийга, ундан ориф шайх Абу Ёқуб Юсуф ал-Ҳамадонийга, ундан ориф шайх Абу Али ал-Фармадийга, ундан ориф шайх Абулҳасан ал-Харақонийга, ундан ориф шайх Абу Язид ал-Бистомийга, ундан ориф шайх имом Жаъфар ас-Содиққа, ундан ориф Қосим ибн Муҳаммад ибн Бакр ас-Сиддиққа, ундан саҳоба Салмон ал-Форсийга ва у эса Абу Бакр ас-Сиддиқ орқали Муҳаммад алайҳиссаломга боғланади. Расули ақрам а.с. фаришта Жаброил а.с. орқали Буюк ва Ягона – Аллоҳ Таолога боғланган.

Маънавий занжир саналган силсиланинг номлари асрлар ва юз йилликлар ўзгаришига қараб фарқланади. Абу Бакр ас-Сиддиқдан шайх Тайфури ибн Исо Абу Язид ал-Бистомийгача борадиган силсила “сиддиқия”, Абу Язид ал-Бистомийдан шайх Абдулхолиқ ал-Ғиждувоний ал-Хожагонга борадиган силсила “тайфурия”, ундан шайх Баҳоуддин ал-Увайсий ал-Бухорийга борадиган силсила эса “нақшбандия” деб номланиб, “нақшбанд” сўзига бориб тақалади.

Нақшбанд сўзининг маъноси “расмни, тасвири боғлаш” деганидир. Нақш – бу мум ёки шунга ўхшаш нарса устига босилган муҳр ва тасвирининг ўчиб кетмаслиги учун узок муддатга мустаҳкам қилиб қотириб қўйилишидир. Силсилани нақшбандия деб аталишининг яна бир сабаби шайх Баҳоуддин Нақшбанд қалби билан Аллоҳни кўп зикр қилганлиги, Аллоҳ исмининг ёзуви юраги устида муҳрланиб қолганлигидадир. Нақшбандия тариқатининг баъзи муршидлари айтадиларки, Муҳаммад а.с. ўз кафтини шайх Баҳоуддин мушоҳада қилаётган пайтда унинг кўкрагига қўйган ва кафт изи нақшга айланган. Бундан ташқари бу сўз бошқача талқин ҳам этилади.

Шайх Муҳаммад Баҳоуддиндан давом этадиган силсила “Иккинчи минг йилликнинг янгиловчиси”, яъни Мужаддиду алфи сонийимом ар-Раббоний шайх Аҳмад ал-Форуққача “аҳрория”, ундан то мавлоно шайх Холидгача эса “мужаддидия” ва бизнинг юз йилликкача “холидия” деб номланган. Ушбу сўфийлик тариқатизоҳирий ваботиний муршидликни

## FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

қўллаган ҳолдаинсоннинг самимият, поклик ва ҳақиқий боқийликка қайтиш учун даъват йўли ҳамда маърифатсиз халқни асл ҳақиқатга ва тўғрилиқка бошлайдиган энг мақбул, хайрли воситадир.Тариқат йўли қалъа ва шаҳарларни очадиган калит бўлиб, у то Қиёматга қадар Аллоҳ томонидан мустаҳкам арқон билан боғлаб қўйилган.

Шайх Муҳаммад Амин ал-Курдий ўзининг “Ал-мавоҳиб ас-сармадия фи маноқиб ан-нақшбандия” асарида устози шайх Умарнинг учинчи силсила, яъни “сиддиқия”га мойиллиги сабабли шу маънавий генеология – силсила шайхлари ҳаётини ёритиб, уларнингманоқиб (яхши фазилатлар)ини баён қилади. Аллома ўз рисоласини силсила бошида турган пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг сифатлари ва фазилатларинитасвирлашдан бошлайди. Унинг фикрича, пайғамбар устига ёғилаётган илоҳий раҳмат нури муридлар қалбини итоатсизлик нуқсонидан поклайди.

Хуллас, нақшбандия тариқати алломаларининг маънавий фазилатларини ва шажарасини тадқиқ этиш ҳамда ўрганиш маънавий меросимизни ёшларга билим бериш орқали тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

### АДАБИЁТЛАР

- 1.Муҳаммад Амин ал-Курдий.** “Ал-мавоҳиб ус-сармадия фи маноқиб ин-нақшбандия”. – Қоҳира: Матбаат ус-саодат, 1911. – Б.3-4.
- 2.Ёсин Иброҳим ас-Санхутий.** “Ал-анвор ул-қудсия фи маноқиб ат-тариқат ан-нақшбандия”. – Қоҳира: Матбаат ус-саодат, 1925. – Б. 3.
- 3.Абдулғани ан-Наблусий.** “Мифтоҳ ул-маъия”. – Қоҳира: Дар ул-жавдия, 2008. Аҳмад ибн Ажиба “Ал-футуҳот ул-илоҳия фи шарҳ ал-мабоҳис ал-аслия”. – Қоҳира:Дар ул-хайр, 2010. – Б. 11.
- 4. Қодиров Д., Мавлонова Ў.** Нақшбандия тариқати силсиласи ва тасаввуф алломаларининг маънавий хислатлари. – Тошкент: Наврўз, 2017. – Б. 25-28.
- 5. Раҳимжонов Д.** Маърифат - тинчлик асоси. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007. – Б. 6.

УДК: 94 (47/420).081:94(581):841.222

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИДАГИ ЎЗБЕКЛАР: ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛ (1991-2015 ЙИЛЛАР)  
УЗБЕКИ РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ: ИСТОРИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ (1991-2015 ГГ.)  
UZBEKS IN RUSSIAN FEDERATION: HISTORICAL ANALYSIS (1991-2015)

Ҳайитов Шодмон Аҳмадович

БухДУ жаҳон тарихи кафедраси мудири, т.ф.д.

**Таянч сўзлар:** ўзбеклар, муҳожир, урф-одат, ўзбек тили, ўзбек жамоалари, уюшма, миллий ўзлик, машғулот, ижтимоий аҳвол, ватандош, Ватан, миграция.

**Ключовые слова:** узбеки, эмигранты, традиция, узбекский язык, узбекское общество, союз, национальная идентичность, занятие, социальное положение, соотечественник, Родина, миграция.

**Key words:** uzbeks, emigrant, customs, uzbek language, uzbek communities, association, national identity, occupation, social condition, compatriot, Fatherland, migration.

*Ушбу мақолада XX асрнинг охириги ўн йиллиги ва XXI аср бошларида Россия Федерациясидаги ўзбеклар тарихи ҳақида тарихий манбалар ва адабиётлар таҳлили орқали илмий мушоҳада юритилади.*

*В статье на основе анализа исторических и литературных источников представлены научные размышления об истории узбеков, проживающих на территории Российской Федерации в период с 1991 по 2015 год.*

*In the following article is a scientific reconsideration of the history of Uzbeks in the Russian federation in the last decade of 20<sup>th</sup> and the beginning of the 21<sup>st</sup> century on the basis of historical sources.*

**Кириш.** Мустақиллик йилларида ўзбек жамоалари яшаётган мамлакатлар географияси кенгайиб, совет ҳокимияти тарих ўтмишига айланганидан сўнг, унинг ўрнида вужудга келган давлатлардаги ўзбеклар ҳам биз учун яқиндаги олисда қолган миллатдошлар бўлиб қолди.

Ўзбекларнинг шарқий славян (рус, украин, белорусь) республикалари вилоят ва туманлари, шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб тарқалишининг тарихий илдизлари узоқ асрларга бориб тақалади. Жумладан, миллатдошларимиз Россиянинг Сибирь, Уралолди, Волгабўйи ҳудудларига XVI-XVII асрларда кўчиб бориб, ўнлаб ўзбек қишлоқлари, аҳоли манзилларини ташкил этишган. Уларни “бухороликлар” –деб аташ таомилга кирган, кейинчалик эса, юртдошларимизга нисбатан “бухоролик татарлар” атамаси қўлланилган [2, 28-29].

**Асосий қисм.** Ўзбеклар совет ҳокимияти йилларида Россия ноқоратупроқ зонаси ва Сибирь, Узоқ Шарқни ўзлаштириш, комсомол ёшлар ташаббуси орқали, олийгоҳ ва техникумларда ўқиш мақсадида йўлланма билан кетиб, сўнгра оилали бўлиб янги жойларда қолиб кетиш, ҳарбий хизматни ўташ муддати тугаганидан сўнг турли сабаблар туфайли она юртига қайтмаслик каби кўпдан кўп омиллар туфайли “ўзбек диаспораси”ни ташкил этишган [12, 163]. Улар сафига ўзининг моддий-иқтисодий имкониятларини яхшилаш, Иттифоқдаги марказий шаҳарлардан бирида яшаш илинжида бўлганлар ҳам бориб қўшилишган.

XX асрнинг сўнги ўн йиллиги бошларида Россия Федерациясининг барча субъектларида ўзбек жамоалари мавжуд бўлиб, уларнинг сони ҳақида манбаларда турлича маълумотлар берилади. Ўзбеклар кўп сонли бўлиб, Марказий Осиё республикаларидан ташқари РСФСРда –130 минг, Украинада –21 минг, Болтиқбўйида –15 минг, Молдавияда –1,4 минг кишини ташкил этади, Озарбайжон, Грузия ва Арманистонда ҳам ўзбеклар истиқомат қиладилар [1, 10],- деб ёзади тадқиқотчи Г.Аъзамова.

Архив ҳужжатларидан бирида “Россия Федерациясида тахминан 130-140 минг сонли ўзбеклар истиқомат қилиб, уларнинг кўпчилиги Москва ва Санкт-Петербург шаҳарларида-дир” –деб маълумот берилади[9, 78-79].

## TARIXSHUNOSLIK

Россия Федерациясидаги ўзбеклар бир-бирларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ўзбек тили, ўзбекона урф-одат ва анъаналарни сақлаб қолиш, миллий менталитетни асраб-авайлаш мақсадида бир қатор миллий уюшма ва ташкилотларга асос солишган.

Россиядаги ўзбек миллий уюшмаларидан қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

1. Москвадаги Тамарахоним номидаги рус-ўзбек маданий ҳамкорлиги маркази.
2. Санкт-Петербургдаги Ўзбекистон ватандошлар “Умид” (“Надежда”) жамияти ва “Турон” юртдошлар уюшмаси.
3. Самарадаги “Алишер Навоий” номли маданий марказ.
4. Воронеждаги “Зарафшон –Олтин водий” ҳудудий жамоат ташкилоти ва “Фаришта” ўзбек маданий-миллий маркази.
5. Новосибирскийдаги “Фарғона водийси” ўзбек маданий-миллий маркази.
6. Красноярскийдаги ўзбек маданий-миллий автономияси, “Дўстлик” (“Дружба”) миллий-маданий маркази ва “Ўзбек диаспораси” уюшмаси.
7. Россия халқлари Ассамблеясининг Ярославский ўзбеклар жамоаси бўлими ва ҳоказо [8, 275; 10. 103-варақ; 3].

Россия Федерациясидаги ўзбек жамиятларининг айримлари йирик ва кўп сонли нуфузга эга бўлиб, ўзбеклар ҳаётида муҳим роль ўйнамоқда. 1992 йилда ташкил топган Санкт-Петербургдаги “Умид” ўзбек ватандошлар жамияти ўзида 20000 сонли миллатдошларни бирлаштирган. Жамият раиси А.Ж.Ҳайдаров ва раис муовини О.Р.Раҳимовлар 1998 йилдан Ўзбекистон билан мустақам алоқалар ўрнатган эдилар. Астрахандаги “Ўзбекистон” ўзбек ватандошлар жамияти 1996 йилда ташкил топган бўлиб, 9000 та ўзбекни ўзида бирлаштирган ва жамият раҳбари Б.Аминов манзилига 1990-йилларда юзлаб ўзбек тилидаги адабиётлар юборилганди [11, 10-11-19]. Ушбу жамиятлар Украина Республикаси пойтахти Киев шаҳрида 1989 йилдаёқ С.Т.Обидов раислигида фаолият бошлаган “Ўзбек маданий жамияти” билан ҳам ватандошлик алоқаларини ўрнатганди [12, 163].

2005 йил август ойидан бошлаб Россия Федерациясининг пойтахти Москвада тадбиркор Х.П.Абдуллаев томонидан ўзбек ва рус тилларида “Ўзбегим” газетаси чоп этила бошланди. Газета қисқа вақт ичида нафақат Москва шаҳрида, қолаверса, Санкт-Петербург, Волгабўйи, Урал, Сибирдаги ўзбеклар орасида кенг тарқалди. Газета қисқа вақт ичида нафақат Москва шаҳрида, шунингдек, Санкт-Петербург, Волгабўйи, Урал, Сибирдаги ўзбеклар орасида кенг тарқалди. Газетанинг муттасил чоп этилиши учун ҳомийлар ҳам топилди [4-5, 210-211].

Россия Федерациясидаги ўзбек уюшмалари томонидан бир қатор тадбирлар ташкил этилди. Ўзбек маданияти ва миллий урф-одатларни тарғиб қилиш мақсадида “Наврўз” байрами сайллари ва таомлари намойиши (сумалак, кўк сомса, ҳалим) ва фестиваллар, ўзбек мусиқаси ва рақси кечалари, “Ўзбек маданияти кунлари”, “Ўзбек таомлари ва ўзбек ошхонаси” кўрғазмаси, миллатлараро дўстликни мустақамлашга қаратилган “Дўстлик гулдастаси”, “Ўзбекистон шаҳарлари кунлари”, “Туркий гўзаллар танлови”, “Ўзбек чойхонаси” танловлари каби юзлаб тадбирлар ташкил этилди [3, 10, 111].

Жумладан, Тюмень шаҳридаги ўзбеклар жамоаси ҳар йили “Наврўз” байрамини 2 ҳафта давомида нишонлашади. Байрам тантаналари миллий кийимда сайлдан бошланади. Наврўз кўшиқлари, айтишувлар ва миллий таомлар тайёрлаб, ўзбекча дастурхон тузатиш тадбирларида кексаюёш, йигит-қизлар, болалар иштирок этадилар. “Узун соч” танлови қизлар ўртасида ўтказилиб, ғолибларга мукофот улашиш, ўзбек палови билан оилалар бир-бирини меҳмон қилиши таомилга кирган. 2006 йилда Самарада ташкил топган, А.И.Исмажонов раҳбарлигида фаолият юритаётган Алишер Навоий номидаги ўзбек миллий ва маданий маркази, Ўзбекистон тарихи ва маданияти билан боғлиқ ўнлаб тадбирлар ташкил этиб келинмоқда. Ҳар йили 1 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни, 8 декабрда Конституция куни байрам қилинади. Ҳазрат Алишер Навоий туғилган кун –9 февраль кўтаринки руҳда ўтказилиб, адибнинг шеър ва асарларидан намуналар ўқилади, маърузалар қилинади. Ўзбекистон тарихий шаҳарларидан –Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хива кунлари ташкил қилиниши баробарида ўлкамиз ҳақида маълумотлар кенг тарғиб этиб борилади. Ушбу ташкилот муҳожир

## TARIXSHUNOSLIK

Ўзбекларни ишга жойлаштириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳам фаол қатнашмоқда. Россия Федерацияси ўзбек меҳнат мигрантлари энг кўп сонли бўлган мамлакатдир. Ушбу давлатда улар сони 500 мингдан 1 млн кишига қадар ўзгариб туради. Агар бу рақамга ноқонуний мигрантларни ҳам қўшсак, улар сони янада кўпаяди [6, 139; 7, 103].

Ўзбек жамоалари Россия Халқлари Ассамблеяси (АНР,РХА)нинг ўнлаб вилоятларидаги бўлимларда ҳам бирлашган бўлиб, улар орқали ҳам ўзбек маданияти ва тарғиботида қатнашадилар. Жумладан, Ассамблеянинг Ярославль ҳудудий бўлимида 17 миллат диаспоралари бирлашган бўлиб, (ўзбеклардан ташқари озарбайжон, доғистон, татар, чечен, ингуш, тожик ва ҳ.к.) улар мусулмон жамоаларини ташкил этилади. Муҳожирлар моддий қўллаши билан Ярославлда “Миллатлараро болалар ёзги лагери” ташкил этилиб, турли миллат болаларининг таътил даврида текин ҳордиқ чиқариши йўлга қўйилган. Подольскидаги мусулмон маданият марказида 30 минг турли этник гуруҳларга мансуб кишилар бирлашган бўлиб, уларнинг 10 минг нафари ўзбеклардир. Ўзбекларнинг “Раҳмон” номли маънавий-маърифий уюшмаси 1999 йилдан буён фаолият олиб боради. Иваново вилоятида мусулмон жамоалари ва диаспорасининг “Мусулмон маданий маркази” муҳташам биноси мавжуд. Россия Федерациясидаги ўзбек фан ва маданият ходимлари ҳамда жамоат арбоблари ташаббуси билан 2004 йилда Москвада “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” фонди тузилиб, ушбу фонд Россияда ўзбек маданияти ва бой тарихини тарғиб қилиб келмоқда [3, 8, 276].

Улардан космонавт, Россия Қаҳрамони Солижон Шарипов, Алишер Усмонов, Искандар Маҳмудов (тадбиркорлар), Толиб Саидбоев, Мутал Холмуҳаммедов (профессорлар), Адҳам Юнусов (академик), Искандар Ҳамроев (профессор, кинорежиссёр, Россия Федерациясида хизмат кўрсатган маданият ходими), Б.Норматов (1-ранг капитани, матрос), Б.И.Набижонов (профессор, врач-уролог), Азиза Муҳаммедова(қўшиқчи), Вадим Муратхонов, Ш.Абдуллаев (адабиётшунос, адиб), Анвар Ҳусаинов (Москва), Алижон Ҳайдаров (Санкт-Петербург), Исроил Нурматов (Самара), Саидмурод Холжигитов, Зафар Сафаров, Нодира Жўраева (Красноярск), Муҳаммадамин Абдулазизов (Новосибирск) каби ўзбек миллий маданий марказ раҳбарлари, Р.Р.Қурбонов (депутат) сингари юзлаб шахсларни санаб ўтиш мумкин.

**Хулоса.** Кичкина тадқиқот сўнггида қуйидаги якуний фикрларни айтиш мумкин.

1. Собиқ Иттифоқ парчаланиши натижасида дунё сиёсий харитасида вужудга келган янги давлатлар орасида Марказий Осиё республикаларини ҳисобга олмаганда Россия Федерациясида ўзбеклар энг кўп сонли бўлиб истиқомат қилиб келмоқдалар;

2. Ўзбеклар Россиянинг 77 та вилоят ва шаҳарларида “ўзбек диаспораси”ни ташкил этиб, XX аср охири –XXI аср дастлабки ўн йиллигида ўнлаб миллий уюшма ва ташкилотларига, миллий-маданий марказларига асос солдилар. Шунингдек, “Ўзбегим” газетаси ҳам чоп этила бошланди;

3. Ўзбекларнинг миллий уюшмалари Россиядаги Москва, Санкт-Петербург, Самара, Ярославль, Тюмень, Астрахань каби шаҳарларида таъсирчан кучга эга бўлиб, минг-минглаб ўзбекларни ўзларида бирлаштирдилар. Ушбу миллий уюшмалар Россия Федерацияси ўзбекларининг ўзбек тили, ўзбекона урф-одат, миллий ўзликларини сақлаб қолишларида, ёрдамга муҳтож миллатдошларимизни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда, Ўзбекистон ҳақидаги маълумотларни тарғиб қилишда асосий марказлар бўлди;

4. Россиядаги ўзбеклар билан бир қаторда Ўзбекистондан ҳар йили 500 минг -1 млн атрофида мавсумий мигрантлар ҳам бориб яшашади.

Ўзбекистон ўзбекларига маданий-маърифий ёрдам кўрсатиш, уларни қўллаб-қувватлаш бизнинг миллатдошлик бурчимиздир.

## АДАБИЁТЛАР

1. **Агзамова Г.А.** Узбеки за рубежом: социально-политические и правовые проблемы: Автореф. дисс.... канл. философ. наук. –Ташкент, 1995. –23 с.
2. **Зияев Ҳ.З.** Сибирь, Волга ва Уралбўйларидаги ўзбеклар (Энг қадимги даврлардан XX аср бошларигача). –Т.: Шарқ, 2003. –318 б.
3. Интернет сайти. Berlek\_nkr.com./anatitecs./8-29.

TARIXSHUNOSLIK

4. Киреева С. Окно в новое прошлое //Аргументы и факты. – Москва, 2005. – №13 (611).
5. Назаров Р.Р. Саид Мир Мансур //Ислам в Санкт-Петербурге. Вып.3. – №4 г. Новгород, 2019. –С. 209-211.
6. Торговля людьми. Социокриминалогический анализ /Под ред. Тюрюкановой Е.В. и ЕрахинойЛ.Д. – М.: Academia, 2002. –224с.
7. Тюрюканова Е. Трудовая миграция в России //Отечественные записки. –2004. –№4. –С. 98-105.
8. Хайритдинов Д. Узбеки, узбекская община в Москве и Подмоскovie // Ислам в Москве. –Н. Новгород, 2008. –С. 274-276.
9. ЎзРМДА, М-2-фонд, 1-рўйхат, 229-йиғма жилд, 78-79-варақлар.
10. ЎзРМДА, М-2-фонд, 1-рўйхат, 232-йиғма жилд, 103-варақ.
11. ЎзРМДА, М-2-фонд, 1-рўйхат, 254-йиғма жилд, 10,11,19-варақлар.
12. Ҳайитов Ш.А., Бадриддинов С. Ватанжудоликнинг мунгли тарихи. –Бухоро: Бухоро, 2005. –188 б.

УДК:81'373.218:94 (5-015/575)

**ЎРТА ОСИЁ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ АТАМАЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ҲАҚИДА  
ИЛМИЙ МУЛОҲАЗАЛАР**

**НАУЧНЫЕ ВЗГЛЯДЫ НА ПРОИСХОЖДЕНИЕ ТЕРМИНОВ СРЕДНЯЯ И ЦЕНТРАЛЬНАЯ  
АЗИЯ**

**SCIENTIFIC CONSIDERATIONS ON THE ORIGINS OF THE TERMS MIDDLE ASIA AND  
CENTRAL ASIA**

**Раҳмонов Тошпўлот Эргашевич**

*тарих фанлари номзоди, доцент*

**Шодиева Шахло Солиевна**

*БухДУ Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** Ўрта Осиё, Марказий Осиё, тарих, келиб чиқмоқ, асл нусха, олимлар, Собик Совет Социолистик Республикаси.

**Ключевые слова:** Средняя Азия, Центральная Азия, история, происхождение, оригинальная копия, ученые, бывшая советская социалистическая республика.

**Key words:** Middle Asia, Central Asia, history, emergence, original copy, scholars, former Soviet Socialist Republic.

*Мақолада Ўрта Осиё ва Марказий Осиё атамаларининг келиб чиқиши ҳақида илмий мушоҳада юритилган. Ундан ташқари бу атамаларнинг асосий маънолари изоҳланган.*

*В статье приводится научное исследование о происхождении терминов Средняя и Центральная Азия. Также поясняется основное значение данных терминов.*

*The article deals with the scientific research on the emergence of Middle and Central Asia terms. Furthermore the main meaning of these terms is explained.*

**Кириш.** Кейинги пайтларда Ўрта Осиё ва Марказий Осиё атамаларини асосиз равишда, бир хилда ёки кўпроқ ҳолларда Ўрта Осиё ўрнига Марказий Осиё атамасини қўлланиш тарзида иш кўрилмоқда. Аслида, бир-биридан фарқ қиладиган тарихий-географик атамани ўқитувчилар, турли лавозимдаги раҳбарлар, ҳаттоки, олимлар ҳам бирдек маънода қўллашмоқда.

XX асрда Ўзбекистонда 3 марта: 1929 йилда – бир, 1940 йилда – икки, 1993 йилда – уч марта алифбо алмаштирилди. Бир асрда, бир мамлакатда алифбони уч марта алмаштириш аҳоли саводхонлигига салбий таъсир кўрсатиши табиий. Японияда ҳироглиф (шакл) ёзуви, бир неча минг шаклдан иборат. Уни ўрганиш, ўзлаштириш жуда мураккаб, аммо бу алифбо ўзлариники, ёзув пайдо бўлгандан бошлаб уни такомиллаштириб келишади, уни янгилашни хаёлларига ҳам келтиришмайди. Агар ёзув тараққиётга асос бўладиган бўлса, улар ривожланган мамлакатларнинг охириги ўринларидан жой олган



## TARIXSHUNOSLIK

бўлишлари керак. Афсуски, бундай эмас, улар тараққийнинг юқори чўққисида. Аҳолиси оз сонли бўлган Арманистон, Грузияни олинг, улар ҳам ҳеч қачон ўз алифболарини ўзгартиришмайди. Битта алифбони алмаштиришнинг иқтисодий зарарини ҳисоблаб кўринг, қанчага тушади? Битта алифбони алмаштиришнинг маънавий зарарини, зарбасини ҳисоблаб бўлмайди, бунинг имкони йўқ.

Гап алифбо ҳақида эмас, Ўрта Осиё ва Марказий Осиё атамалари ва тушунчалари устида бораётир, Ўрта Осиё атамаси 1976 йилда Москвада нашр этилган Большая Советская энциклопедияда шундай таърифланган: “Часть Азиатской территории СССР от Каспийского моря на западе до границы с Китаем на востоке и от Арало – Иртышского водораздела на севере до границы с Ираном и Афганистаном на юге. До национального государственного размежевания (1924-1925) территория Средней Азии носила название Туркестана, которое затем стало заменяться названием Средняя Азия (в отличие от Центральной Азии); в зарубежной географической литературе иногда понятия “Средняя Азия” и “Центральная Азия” не имеют четкого разграничения” [1]. Матнни рус тилида, ўзбек тилига таржима қилмай, қисқартма сўзларни қисқатирмай келтиришни лозим топдик, бунга сабаб бунинг ўзбекчасини кейинги энциклопедияларда кўрасиз.

Ўрта Осиё атамаси ҳақида 1979 йилда Тошкентда нашр этилган Ўзбекистон совет энциклопедиясида: “...Ғарбда Каспий денгиздан Шарқда Хитой билан бўлган чегарагача, Шимолдан Орол – Иртиш сув айирғирчигача, Жанубда эса Эрон ва Афғонистон чегарасигача давом этади. Ўрта Осиё территорияси ўрта асрларда Моварауннаҳр, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида (1924-1925 йилларда ўтказилган миллий давлат чегараланишгача.), Туркистон деб аталган, кейинчалик Ўрта Осиё (Марказий Осиёдан фарқ қилиши учун) деб атала бошладиган бўлди: чет эл географик адабиётларида баъзан “Ўрта Осиё” ва “Марказий Осиё” туншунчалари бир маънода ҳам ишлатилади. Ўрта Осиёда Ўзбекистон (Қорақалпоғистон АССР билан бирга) Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон иттифоқдош республикалари ва Қозоғистоннинг жанубий қисми жойлашган [2].

Қиёслаб кўриш мақсадида Ўрта Осиё атамасининг 2005 йил Тошкентда нашр этилган Ўзбекистон миллий энциклопедиясидаги баёнини кўринг: “Ўрта Осиё – Евроосиё материгининг ўрта қисмида ғарбда Каспий денгизи қирғоқларидан, шарқда Хитой чегарасигача, шимолда ғарбий Сибирь текислигидан, Жанубда Нишопур, Сафедкўҳ ва Ҳиндикуш тоғларигача чўзилган йирик табиий географик ўлка. Ўрта Осиё худуди ўрта асрларда Турон, араб манбаларида Мавороуннаҳр, XIX асрнинг II ярми ва XX аср бошларида (1924-1925 йилларда ўтказилган миллий давлат чегараланишигача), Туркистон деб аталган, кейинчалик Ўрта Осиё деб аталадиган бўлди [3].

Кўриб турганингиздек Ўрта Осиё атамасининг таърифи деярли бир-биридан фарқ қилмайди, шундай бўлиши табиий ҳол, аммо буларда мунозарага сабаб бўладиган, баҳсталаб нуқталар мавжуд.

Биринчидан: Ўрта Осиё атамасининг келиб чиқиши ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ ва бу атаманинг қачондан бошлаб қўлланила бошланганлиги ҳам номаълум. Бу атама ҳақида асосиз нуқтаи назарлар ҳам йўқ эмас: “Шўро ҳокимияти ягона ва мустақил Туркистонни тиклаш ғояси туғилишидан хавфсираб 1924-1925 йилларда шошилинич суратда “Туркистон халқларнинг миллий давлат чегараланиши” (Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши – таъкид бизники) деб аталмиш тадбирни ўтказган. Натижада, ўша пайтда сиёсий аҳамият касб этган Туркистон атамаси сунъий равишда истеъмолдан чиқарилиб, ўрнига расман “Ўрта Осиё” географик атамаси жорий қилинган” [3].

Авалло, миллий давлат чегараланишидан кейин Ўрта Осиё эмас, иттифоқдош деб номланган республикалар, автоном республикалар ташкил қилинган, бунда Ўрта Осиё атамаси ҳақида маълумотлар йўқ. Ўрта Осиё атамаси XIX асрнинг 70-йилларида Бонн, Берлин, Лейпциг университетларининг профессори, географ, геолог Пруссия ФА аъзоси Рихтгофен Фердинант Паул Вильгелм (1833 йил Польшада туғилган) 1860-1862 йилларда Шарқий ва Жанубий-Шарқий Осиё бўйлаб сайёҳат қилган ва илмий тадқиқотлар олиб борган, шу олим мазкур атамани фанга киритган, деган маълумотлар ҳам йўқ эмас [1].

Иккинчидан, Ўрта Осиё ўрта асрларда Турон деб номлангани ҳам баҳсталаб, чунки, ўрта асрларни VI асрларда бошланган деб ҳисобласак, бу даврда Ўрта Осиё Турон деб

**TARIXSHUNOSLIK**

номланган эмас. Бу ҳақда: “Турон-фақат Ўрта Осиё ҳудудининг қадимги атамаси деган хулоса баҳслидир... Академик А.Р. Муҳаммаджановнинг фикрича, “Турон” атамаси суғдгача-ер, тупроқ, дала ва дашт каби маълумотларни билдирган. Шунга кўра “Турон” топоними паст текислик, далаю даштликлар, яъни кенг яйловлар деган маънони англатган” (Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, VIII том, Т., 2004, 672-673 бетлар).

Аслида, эронликлар (эрадан аввал VI-V асрларда) ўз юртларини Эрон, Амударёдан шимолдаги ерларни Турон (Эрон ва Турон) деб атаганлар. Улар Ўрта Осиёни забт этганлар (Тўмарис ва Широқ афсоналарини эсланг, Турон турлар яшаган диёрдир).

Сиёвуш афсонавий Эрон шоҳларидан бири, X аср тарихчиси Наршахий маълумотларига кўра, бу подшоҳ Туронга қарши жангларда қаҳрамонлик кўрсатган (Қаранг: Н. Маллаев, Ўзбек адабиёти тарихи. Т., Ўқитувчи, 1976, 54-бет). Хулоса шундан иборатки, Турон ва Ўрта Осиё атамалари орасидаги масофа жуда олис.

Шу бир жумлада Ўрта Осиё араб манбаларида “Мовароуннаҳр” деб номланган дейилади, бу талқин ҳам баҳсталаб, чунки Ўрта Осиё Мовароуннаҳр эмас. Бу атама арабча сўз бўлиб, “дарёнинг нариги томони” деган маънони билдиради, шу маънони англатган форс тилидаги “Вароруд” ва “Варожайхун” шакллари ҳам мавжуд бўлиб уларнинг барчаси (XI асргача) Хуросон вилоятининг давоми сифатида... XI асрда Европа тарихшунослигида мазкур араб атамасининг лотинча таржимаси бўлмиш янги “Трансоксиана” ёки “Тирансоксания” атамалри муомалага киритилган... Бу атама ҳақида турли манбаларда келтирилган маълумотларнинг йиғиндиси ҳам ҳудудий жиҳатдан “Ўрта Осиё атамасини англатадиган Туркистон табиий-географик ўлкасининг барча ерларини қамраб олмайди. Чунки, мазкур минтақа таркибига кирган Шимолий Хуросон (Туркменистон), Еттисув (Қозоғистон) ва Жанубий Тоҳаристон (Афғонистон) ерлари ҳеч қандай манбаларда Мовароуннаҳр таркибига кирмаган. Шунинг учун Мовароуннаҳр атамасининг ўрта асрларда ишлатилган энг кенг маънодаги тушунчаси таркибига шартли равишда фақат Амударё ва Сирдарё оралиғида жойлашган ерларни киритиш мумкин. (Қаранг: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, VI том, - Т., 2003, 35-36 бетлар). Бу борада жуда кўплаб илмий адабиётлардаги далилларни келтириш мумкин. Энди ўрта асрлар ибораси ҳақида озгина таҳлил бериш лозим. Жаҳон тарихини ижтимоий-иқтисодий формациялар асосида ўрганиш қоидага киритилган, тарихни бу усулда ўрганиш марксизм-ленизм таълимотига асосланади. XX асрнинг 80йилларига келиб, марксизм–ленинизм таълимоти асосида қурилган социализм системаси хаёлийлигича қолиб, таназзулга учради, зўрликка асосланган бу мустабид ижтимоий-сиёсий тузум ўзини оқламай тарих сиёсий саҳнасидан ўз-ўзидан супурилди. Бугун биз марксизм-ленизмдан бутунлай воз кечдик, уни фақат танқидий ўрганиш мумкин, аммо илмий-тарихий адабиётларда даврларни формациялар асосида ўрнатиш давом этмоқда, тўғри, қадимги дунё ҳамма ерда бўлганлигини инкор қилиб бўлмайди, лекин ўрта асрлар, капитализм каби босқичлар ҳамма мамлакатлар учун бир андоза бўла олмайди. Охириги ижтимоий-иқтисодий формация-коммунизм (унинг қуйи босқичи социализм) йўқ бўлганига кўп бўлди, коммунистик мафкура ҳукмронлиги барҳам топди. “Ўрта асрларда Ўрта Осиё Мовароуннаҳр деб айтилган, деб айтиш тўғри эмас. Ҳар бир атаманинг келиб чиқиш даврини аниқ кўрсатиш лозим, тарих ва география фанлари аниқ далилларга таяниб изоҳ бериши лозим.

1979 йилда Тошкентда нашр этилган Ўзбекистон совет энциклопедиясида: “Марксча тарих фани Ўрта аср тушунчасини феодализм формациясининг умумжаҳон тарихий даври деб қарайди. Ҳозир бу термин Ўрта асрлар даврида феодал муносабатлар мавжуд бўлган барча мамлакатлар тарихига нисбатан қўлланилади”. Африка мамлакатларида феодализмнинг мавжудлик даври Ўрта аср чегарасидан ҳам чиқиб кетади. Иккинчи томондан дунёнинг баъзи жойларида Ўрта аср даврида феодализмгача бўлган муносабатлар мавжуд бўлган (ЎСЭ. Т. 1979, 569-б.).

Ўрта Осиёда феодализм бўлганми? Бу баҳсталаб савол, Европадаги ерга нисбатан мулккий муносабат Ўрта Осиёдаги ерга нисбатан мулккий муносабатдан туб фарқ қилади, шунинг учун Ўрта Осиёда феодализм деган тушунчани чуқурроқ таҳлил қилиб, сўнг қўллаш ўринли.

## TARIXSHUNOSLIK

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида Ўрта аср тушунчаси қуйидагича изоҳланади: “Ўрта асрлар тарих фанида жаҳон тарихининг қадимги дунё тарихи билан янги тарих оралиғидаги даврини ифодалаш учун қабул қилинган атама. Ўрта аср тушунчаси XV-XVI асрларда италян тарихчилари асарларида вужудга келган, фанда XVIII асрдан қарор топган. Дастлаб Ғарбий Европа мамлакатлари тарихига нисбатан ишлатилган”. (ЎМЭ, X том, Т., 2005, 52-б.) Агар шу (қоидага) нуқтаи назарга асосланадиган бўлсак, феодализм, ўрта асрлар атамаларини Ўрта Осиё халқлари тарихига қўллашдан олдин чуқур илмий таҳлилларга асосланмоқ, таянмоқ лозим.

Назаримизда Ўрта Осиё халқлари тарихини цивилизация усулида ўрганмоқ лозим. Миср цивилизацияси, Хитой цивилизацияси, Месопотамия цивилизациясидек, бошқача қилиб айтганда, инсон томонидан макон ва замонда яратилган маданий тараққиёт босқичлари асосида ўрганиш мақсадга мувофиқ, чунки ҳар бир мамлакат, ҳар бир халқнинг маданий тараққиёти ўзига хосдир, бу хосликни бошқа мамлакат ёки халққа нисбатан қўллаб бўлмайди. Коммунистик мафкура, коммунистик қурилишни ҳам ҳалокатга олиб келган ҳолат ҳамма халқлар ва мамлакатларни бир қолипга солиш сиёсати бўлди.

Юқоридаги эътирозга молик матндаги: XIX асрнинг II ярми ва XX аср бошларида (1924-25 йилларда ўтказилган миллий давлат чегараланишигача) Туркистон деб аталган, кейинчалик Ўрта Осиё деб аталадиган бўлди” (*кўрсатилаган манба, 524-б.*) деган фикрлар ҳам мунозарали.

Ўрта Осиёнинг Россия империяси томонидан забт этилиши унга жуда катта бойликлар ва унумдор заминни ҳадея этди ва у ўзи хоҳлаганча мустамлакачилик сиёсатини юритди. Ўлкани итоатда тутиш ва бошқариш учун Туркистон генерал-губернаторлиги (1967 й.)ни расман эълон қилди, 1886 йилдан бошлаб эса Туркистон (Туркестанский край) ўлкаси деб атала бошланди. Унгача Ўрта Осиёда Бухоро амирлиги, Хива хонлиги ва Қўқон хонликлари мавжуд бўлиб, шу ном билан юритилар эди. Туркистон деб номланган яхлит худудий бирликка эга бўлган, давлатчилик асосларидаги атамага эга бўлган мамлакат бўлган эмас.

Октябрь тўнтариши (1917)дан сўнг, ўлкада Совет мустамлакачилиги жорий қилиниб, ўлка Туркистон Автоном Совет Республикаси (ТАССР, 1918 апрель) деб расман эълон қилинди.

1924 йилдан миллий давлат чегараланиши ўтказилиб, узоқ давом этган бу сиёсат натижасида иттифоқдош деб аталган республикалар ва автономия ташкил этилди, булар кейинчалик Ўрта Осиёдаги иттифоқдош республикалари деб ном олди. Ўрта Осиё Евроосиё материгининг ўртасида жойлашган худуд бўлиб, бу Осиё қитъасининг Шимолий Ғарбидан, Европа қитъаси билан чегарадош бўлган худудлардан жой олган, шунинг учун бу Осиёнинг маркази ёки Марказий Осиё эмас, юқорида айтилганлардан хулоса шуки, Ўрта Осиё Марказий Осиёдан барча жиҳатлари билан фарқ қилади.

Марказий Осиё Большая Советская энциклопедияда қуйидагича изоҳланади ва биз бу матнни таржима қилмай рус тилида келтирамиз, чунки кейинги энциклопедияларда унинг таржимасини кўрасиз. “...в южной части большого Хингана и хребет Тайхиншан на юг Инда и Брахмапутра (Цангпо) на запад и севера гранца Центральной Азии соответствует горным хребтам восточного Казахстана, Алтая, Запад и Восточный Саяна приблизительно совпадая с государственной границей между СССР с одной стороны Китаем и МНР с другой, площад Центральной Азии по разным оценкам от 5 до 6 млн.км<sup>2</sup>. на территории Центральной Азии расположены большей частью Китая, МНР. Население Центральный Азии составляют монголы, народы (халха и др.). китайцы, уйгурцы и тибетцы” (Қаранг: БСЭ. 28-т. М., 1978, с. 498).

Мазкур атама Ўзбекистон Совет энциклопедиясида: “Осиё материгининг ички қисмидаги табиий область. Майдони 6 млн.км<sup>2</sup>. Шимолий ва Ғарбий чеккаси МХР, ХХР билан СССР ўртасидаги давлат чегарасигача бўлиб, Шарқий Катта Хинган, жануби эса Тибет территориясидаги Цангпо (Брахмапутра) дарёси ва Ҳинд дарёсининг юқори қисми билан қўраб олинган” (Қаранг: ЎСЭ, Т. 1975, 517-б.).

Қиёслаш учун Ўзбекистон Энциклопедиясининг Марказий Осиё ҳақидаги изоҳини келтирамиз: “Осиё материгининг ички қисмидаги табиий область”. Майдони 6 млн.км<sup>2</sup>. Шимолий ва Ғарбий чеккаси Манголия, ХХР билан РФ ўртасидаги давлат чегарасигача

## TARIXSHUNOSLIK

бўлиб, Шарқий катта Хинган, жануби эса Тибет ҳудудидаги Цангпо Бархмапутра дарёси ва Ҳинд дарёсининг юқори қисми билан ўралган” (Қаранг: ЎМЭ, V том, Т., 2003, 476-б.).

Юқорида келтирилган далиллар шуни кўрсатадики, Марказий Осиё ва Ўрта Осиё атамалари ўзининг географик ўрни, табиий шароити, этнографияси, тарихи, ўтмиши, бугуни бир-биридан фарқ қиладиган бутунлай бошқа-бошқа манзиллардир. Нима учун Марказий Осиёликлар ўз ўлкаларини Ўрта Осиё деб айтмайди, нима учун биз Ўрта Осиё Марказий Осиё бўлишини хоҳлаймиз? Аслини олганда жой номлари асрлар давомида ўша заминда яшайдиган халқларнинг турмуш тарзи, тарихий тараққиёти ёки географик ўрни, тарихий географияси орқали шаклланиб қарор топган, уни ўзгартириш ёки бошқа бир ном билан аташ ноўрин эканлиги барчага аён.

**Хулоса.** Ўрта Осиё ер юзидаги йирик минтақалардан бири, унда турли миллат ва элатлар истиқомат қилади, бу халқларнинг келиб чиқиши, шаклланиши, турмуш маданияти бой ва ранг-барангдир. Ўрта Осиё жаҳон цивилизациясининг ўчоқларидан, марказларидан бири, уни бошқа цивилизацияларга қўшиб юбориб ҳам тарихий, ҳам илмий нуқтаи назардан тўғри эмас. Ушбу мақолада баҳсу мунозарага сабаб бўладиган фикрлар ҳам талайгина, шунинг учун ҳурматли ҳамкасбларни мунозарага даъват этамиз.

## АДАБИЁТЛАР

1. Большая Советская Энциклопедия. - М., 1976. - Т.24. - Кн. 1. - 608 с; 1978. - Т.28. - 616 с.
2. Ўзбекистон Совет энциклопедияси. - Т., 1975. - 640 б. 1976 й. - 656 б.
3. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 8-том, Т., 2003-2005. - 704 б.
4. Мустақиллик изохли илмий-оммабоп луғати. - Т.: Шарқ, 1998. - 320 б.
5. **Маллаев Н.** Ўзбек адабиёти тарихи. - Т.: Ўқитувчи, 1976. - 662 б.
6. **Неъматулло Иброҳимов.** Ибн Батута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. - Т.: Шарқ баёзи, 1993. - 104 б.
7. **Жумаев А.Ш.** Ўлкамизда жой номлари. - Бухоро: Бухоро, 1998. - 56 б.
8. **Ҳасанов Ҳ.** Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. - Т.: Фан, 1965. - 80 б.

УДК: 94(575.146)

**БУХОРО МАДРАСАЛАРИНИНГ ҚУРИЛИШИ, МОДДИЙ-ХЎЖАЛИК ТАЪМИНОТИ  
ВА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ**

**ВОПРОСЫ СТРОИТЕЛЬСТВА БУХАРСКИХ МЕДРЕСЕ, ИХ МАТЕРИАЛЬНО-  
ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ И ОРГАНИЗАЦИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ**

**THE ISSUES OF CONSTRUCTION OF THE BUKHARAN MEDRESSES, THEIR  
MATERIAL, ECONOMIC SUPPORT AND ORGANIZATION OF THEIR ACTIVITY**

**Бобожонова Феруза Хаятовна**

*БухДУ Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди*

**Таянч сўзлар:** мадраса, ҳужра, кутубхона, вақф, тарих, дарс, дарсликлар, илк манбалар, ҳукмдор, архитектура.

**Ключевые слова:** медресе, кельи, библиотека, вакуф, история, урок, учебники, первоисточники, правитель, архитектура.

**Key words:** madrassah, hujra-cells, library, waqf – endowment, history, lesson, textbooks, written sources, ruler, architecture.

*Мақолада XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро мадрасалари фаолияти манбалар асосида ёритиб берилган. Шунингдек, мадрасадаги талабаларнинг моддий аҳволи ва таъминоти масалалари ҳам кўриб чиқилган.*

*В статье рассматриваются источники, освещающие деятельность медресе в Бухаре в конце XIX- начале XX вв. как основной формы учебных заведений. В статье также рассматривается материальное положение и обеспечение учащихся медресе.*

*The article deals with the written sources on the activity of the madrassahs in Bukhara as the main form of the educational institutions in the late 19<sup>th</sup> – early 20<sup>th</sup> centuries.*

## TARIXSHUNOSLIK

**Кириш.** Анъанавий таълим тизимининг юқори босқичи–мадрасалар ҳақидаги илк маълумот Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида берилиб, Бухоро шаҳридаги Форжак номидаги мадрасанинг 937 йилги ёнғин пайтида ёниб кетгани[8, 84] айтиб ўтилади. “Мадраса” сўзи луғавий жиҳатдан “дарс берадиган жой”, “билимгоҳ”, “ўқиш жойи”[1] деган маъноларни англатган. Ўрта асрларда Бухоро мадрасалари илм маскани сифатида нафақат Мовароуннаҳрда, балки Марказий Осиё, мусулмон шарқида ҳам машҳур эди. Мадрасани муваффақиятли битирганлардан мамлакат бошқаруви, ҳуқуқ-тартибот ва таълим муассасалари учун кадрлар, уламолар етишиб чиққан[5].

**Асосий қисм.** XIX аср охири ва XX асрнинг бошларига келиб, Бухоро мадрасаларида нафақат Туркистон, балки Россия империясининг турли ўлкаларидан келган мусулмон аҳолиси вакиллари ҳам таълим олар эдилар. Фитрат, Файзулла Хўжаев, Садриддин Айний ва бошқаларнинг маълумотларига қараганда, Бухоро мадрасаларида 1920 йилнинг охиригача четдан келган талабалар ўқишни давом эттирганлар. Амирликнинг чекка ва яқин атрофдаги туманларидан, қўшни ва бошқа мусулмон мамлакатларидан мадрасага ўқишга келганлар ҳам ўқишга қабул қилинганлар.

Энг йирик мадрасалар амирликнинг маркази Бухоро шаҳрида ҳамда Қарши, Ғиждувон, Шаҳрисабз, Шеробод шаҳарларида, Шарқий Бухоро бекликлари марказларида фаолият кўрсатган. Умуман, Бухоро амирлигида юзлаб мадрасалар мавжуд эди. Мадрасалар кичик, ўрта ва йирик мадрасалардан иборат бўлган.

Садриддин Айнийнинг қайд этишича, Бухоро мадрасаларининг ислом оламидаги нуфузи жуда юқори бўлиб, уларда таълим олган уламоларнинг диний масалалардаги сўзлари Миср ва Ҳижозда ўқиганларнинг сўзларидан кўра мўътабарроқ ҳисобланган.

Бухоро мадрасаларининг бинолари асосан пишиқ ғиштдан, икки қаватли[3] ёки бир қаватли қилиб қурилган[1]. Одатда мадрасалар ички ва ташқи саҳнга, баланд ва мустаҳкам деворга, ҳашаматли тоқ ва равоқларга эга бўлиб, баъзиларининг пештоқлари, гумбазлари ва деворлари ранг-баранг кошнлар билан безатилган. Мадрасалар ички ва ташқи майдонига эга бўлган[5]. Анъанавий тарзда унинг биринчи қаватида дарсхоналар, кутубхона, масжид, таҳоратхона, иккинчи қаватида эса талабалар яшайдиган ҳужралар бўлган[1].

Бухоро амирлигида энг машҳур ва нуфузли олий ўқув юрти бу Мир Араб мадрасаси бўлган. Мадрасанинг номи ҳам уни қурдирган шайх номи билан боғлиқ бўлиб, унинг тўлиқ исми Мир Араб Абдуллоҳ ал-Яманий бўлган[5]. 1530 йилда бунёд этилган бу мадраса шаҳарнинг марказий қисмида қурилган, унинг баланд пештоқлари ва гумбазлари бўлиб, шимолий гумбази ярим кошн билан қопланган, жанубий гумбази эса безатилмаган. Мадрасага ҳашаматли баланд пештоқдан қирилган. Мадрасанинг ғарбий томони Масжиди Калон номи билан аталган масжидга туташган. Мадрасанинг режаси ва ундаги бинолар худди Улуғбек мадрасасидагидек жойлаштирилган. Мадрасада шайх Абдуллоҳ ва унинг қариндошлари дафн қилинган, шунингдек гўрхона ҳам мавжуд бўлиб, дабдабали қилиб безатилган. Мадраса билан масжид орасида шаҳар аҳолиси юрадиган йўл бўлган. Мадраса ҳовлисининг чор атрофи икки қаватли ҳужралар билан ўралган. Мир Араб мадрасасининг вақфномасида қайд этилишича, бу ердан жуда ҳам кўп олим ва уламолар етишиб чиққан[3].

Фақатгина XIX асрда 60 дан ортиқ мадраса қурилган бўлиб, уларнинг орасида амир Насруллоҳ мадрасаси (1860 йилда), амир Музаффар мадрасаси (1868 йилда), амир Олимхон мадрасаси ҳукмдорлар томонидан барпо этилган. Ўзи қурдирган мадраса тўғрисида амир Олимхон шундай деб ёзган: “Бухоро минорасининг паст томонида ўз номидан Дори-л-улум – билим уйи бўлган бир мадраса қурдирдим, ҳар хил илмдан дарс берувчи муаллимлар тайин эттирдим. Мазкур мадрасада истиқомат қиладиган талабалар сарф-харажатлари, маош ва кийим-кечак ҳам ўз тарафимдан белгиланиб, унга бир нафар нозир тайин этдим. Уларнинг емак-ичмак, маош ва кийим-кечакларини муайян бир вақтда етказардим”. Бундан шуни англаш мумкинки, бу мадраса қурилган вақтда амир Олимхон вақф мулки ҳақида гапирмаяпти. Анъанага мувофиқ, вақф мулкидан эмас, балки давлат таъминотидан фойдаланганлиги ҳақида гап бормоқда. Демак, XX аср бошида мадраса таъминотига муносабат ўзгара бошлаган.

## TARIXSHUNOSLIK

Мадрасаларнинг айримлари аёллар томонидан ҳам қурдирилган. 1700 йилда қурилган Биби Халифа мадрасасининг вақф ҳужжатида шундай жумла мавжуд: “Иффатпаноҳ, исматдастгоҳ, зайн ул-машварат, аёллар шарафлиси, афифа, солиҳа, сожида, ҳарамайн ул-шарифайнни ҳаж қилишга муяссар бўлган Ҳожи Биби Халифа бинти марҳуми мағфури ғариқ ур-раҳмат ва ризвон Мулла Муҳаммад Саъид Бухорода ҳазрат қутб ул-ақтоб (мир Таҳур девон) масжид ва хонақоҳи гузарида мадраса қуришга киришди”. Мадраса тош, пишиқ ғишт ва ёғочдан қурилиб, унинг 30 та ҳужраси, 4 та гумбази, дарсхона, ички ва ташқи ҳовлиси бор эди. Айрим манбаларда айтилишича, ушбу мадрасада фақат қизлар ўқитилган экан[3].

Болойи Ҳовуз мадрасасини ҳам аёл киши қурдирган. Ушбу мадрасани Бухоро хони Субҳонқулихоннинг Подшоҳбиби исмли хотини 1703-1704 йилда қурдирган[3]. Подшоҳбибининг иккинчи номи Ситорайи Моҳ хоним бўлган. Мадрасанинг вақф ҳужжатида айнан “Ситорайи Моҳи Хосса мадрасаси вақфи” деб ёзилган. Тарихдан маълумки, амир Саид Олимхон ҳам 1911-1915 йилларда худди шундай ном билан шаҳарнинг четроғида сарой қурдирган. Шу сабабли Ситорайи Моҳи Хосса деганда, амир Олимхон қурдирган сарой ҳам англашилади.

Бухоро қалъасидан ташқарида, Жўйбор мавзесининг ғарбида жойлашган мадрасани 1790 йилда Муҳаммадхон Элбарсхон қизи Ойшабиби қурдирган. Мадрасанинг ичи, ҳовлиси ва ҳужраларининг ҳаммаси пишиқ ғиштан бўлган. Бу мадраса Нафас қишлоғидаги энг машҳур мадрасалардан бири ҳисобланган. Ойшабиби Мудин қишлоғидаги тўртбурчакли, 150 таноб (бир таноб-3600 кв. га эга) ерини ҳам мадраса хизмати учун берган[3].

Бухоронинг охириги қози калонларидан бири бўлган Садри Зиё ўз асарларида Бухоро шаҳридаги 204 та мадрасани тадқиқ этган. Унинг ёзишича, Бухорода қуйидаги мадрасалар аёллар номи билан аталган: Сарой Ойим мадрасаси, Зубайда Ойим мадрасаси, Манғит Ойим мадрасаси, Биби Халифа мадрасаси, Модарихон мадрасаси, Шарофатбону мадрасаси, Қалмоқжон Ойим мадрасаси, Чучук Ойимнинг Сангин мадрасаси[10, 102].

1900-1920 йилларда Бухоро шаҳрининг нуфузли кишилари ҳам бир қанча мадрасалар қурдирганлар ва уларнинг фаолиятини таъминлаш учун вақф мулкани васият қилиб қолдирганлар. Масалан, Обиравон маҳалласи ва Масжиди Баланд маҳалласида номаълум бой томонидан саккиз ҳужрадан иборат мадрасалар, Кемухтгарон маҳалласида чоржўйли бой, Авлиёйи ғариб маҳалласида Домла Рўзи, Тўпахон маҳалласида Бақобой, Хўжа Рофе маҳалласида йирик бой Жўра чанглоқ (32 ҳужралик), Замуча маҳалласида тошкентлик Мулло Султон (2 ҳужралик), Дилкушойи дарун маҳалласида номаълум кексайган аёл, Мир Таҳури девон маҳалласида Хўжа Қурбон исмли гўрков, Кокида маҳалласида Абдужафар бой, Косагарон маҳалласида шаҳрисабзлик Йўлдошбой ва бозор оқсоқоли Иброҳим оқсоқол ҳаммаси бўлиб 12 та мадрасани қурдирганлар.

Бу даврда Бухоро мадрасаларининг сони ҳақида турли манбаларда ва асарларда турлича маълумот қайд этилади[9, 191]. Н.Хаников мадрасалар сонини 180-200 та, талабалар сонини эса 15-16 минг нафар деб кўрсатган[15, 223].

XIX аср охири ва XX асрнинг бошларида Бухоро амирлигидаги мадрасалар сонини ўша даврда яшаган Абдурауф Фитрат ва Садриддин Айний 200 та, Садр Зиё 204 та, Муҳаммад Али Балжувоний эса 400 та деб кўрсатади. Хуллас, турли маълумотлар умумлаштирилганда Бухоро амирлигида 200 дан 400 тагача мадраса мавжуд бўлган. Бухоро амирлигига қўшни, илгари мамлакат таркибида бўлган Самарқанд вилоятида 217 та мадраса бўлганлиги назарда тутилса, амирликда 400 тага яқин мадраса мавжудлиги ҳақиқатга анча яқинлиги маълум бўлади[1]. Туркистон генерал-губернаторлиги ҳисоботи билан боғлиқ архив ҳужжатлардан бирида 1914 йилда Бухоро амирлигида 350 та мадраса фаолият кўрсатаётгани қайд этилган[4].

Шунингдек, О.А.Сухареванинг фикрича, биргина Бухоро шаҳрининг ўзида 133 мадраса бўлган. Яна бир тадқиқотчи Л.И.Ремпель XX аср бошларида Оренбургда чиқадиган “Шўро” журналининг маълумотларига асосланган ҳолда Бухорода олий даражадаги мадрасалар - 34 та, ўрталари – 35 та, қуйилари эса - 100 тадан ортиқ бўлганлигини кўрсатиб ўтади. Демак, фақат Бухоро шаҳрининг ўзида 170 тадан ортиқ мадраса бўлган.

## TARIXSHUNOSLIK

Мадрасалар катта ва кичик ҳужралардан иборат бўлган[5]. Архив маълумотларига қараганда, Бухоро мадрасаларида ҳужра олган талаба қуйидагича шартномани имзолаган: “1917 йилда Мулло Шоди валади Сўфиназар Бухорои Шариф дорул қозисига келиб, Абдушукур мадрасасининг жанубий томонидаги пастки ҳужрани шариатда саҳиҳ бўлганини, иқрор қилганини ва ҳужра ичида бўлган эшик, асбоблар ва бошқа хўжалик нарсалари борлигини, яшайдиган одамлари ҳам борлигини, уларга, ҳеч қандай нуқсон ва қусур етказилмаганини бир қанча гувоҳлар олдида иқрор қиламан”[6].

Хуллас, Бухоро мадрасалари бир вақтнинг ўзида талабалар учун ётоқхона вазифасини ҳам ўтарди[3]. Ҳужраларда одатда иккитадан[1], айрим мадрасаларнинг ҳужрасида биттадан талаба яшаган. Масалан, Абдурахмонбой мадрасасида 9 та ҳужра бўлиб, уларда 9 нафар талаба таҳсил олган[1]. Бухоро мадрасалари ўзининг ҳужралари сони билан бир-биридан фарқ қилган. Бизнинг замонамизгача етиб келган ва вақф ҳужжатларида сақланиб қолган маълумотларнинг умумий таҳлили шуни кўрсатадики, мадрасаларнинг ҳужралари сони турлича миқдорда бўлиб, ягона меъёр бўлмаган [3].

Мадраса фаолиятининг асосий манбаини вақф мулки ташкил этган. Одатда вақф мулкининг катта қисмини ер мулклари (экин ерлари) ташкил этган. Масалан, Бозори Гўсфанд мадрасасига Нурато (Нурота), Шаҳрисабз ва Бухоронинг 20дан ортиқ қишлоқларининг экин ерлари вақф қилиб берилган эди[11].

Мадрасалар қурилгач, у мадраса бошқарувчиси (мутавалли)га топширилган ва уни қурдирган шахснинг тасарруфидан чиқарилиб, вақф мулкига айлантирилган. Чунки шариатга мувофиқ, вақф моли мулк бўлмайди, биров уни эгаллаб, мулк қилиб туrolмайди. Вақфдан келган фойдани вақфга тегишли ерларни таъмирлаш, тузатишга сарф қилинади.

Мадрасалар кичик, ўрта ва олий мадрасалардан иборат бўлиб[1], йирик мадрасаларда вақфдан тушадиган йиллик даромад 40.000-250.000 тангани ташкил этган. Ўрта мадрасаларда эса вақфдан тушадиган йиллик даромад 120 тангадан 3500 тангача бўлган[12, 14]. Вақфдан тушадиган йиллик даромад кичик мадрасаларда 500 танга атрофида бўлган. Абдурауф Фитрат эса мадрасаларнинг вақф мулкидан оладиган жами даромади ҳақида қуйидаги маълумотни қайд этади: “Бухоро мадрасаларидаги олийтабақадаги мадрасаларнинг вақф миқдори 2.815.000 тангага, ўрта тоифадаги мадрасаларнинг жами вақф миқдори 961.000 тангага ва ниҳоят, қуйи тоифага мансуб мадрасаларнинг вақф миқдори 500.000 тангача етган” [14, 14].

Кўпинча вақфномалар ҳар ўн йилда янгиланиб борилган. Мир Араб мадрасасининг бир вақфномасида: “Ҳар ўн йилда мутавалли катта-катта олим ва фузалоларни мадрасада йиғиб, мажлис қилиб, вақфномада ёзилган нарсаларни мажлис аҳлига тақдим қилсин. Ва эълон қилсинки, ўша шаҳарнинг ислом қозисининг амри бажарилади. Ўша мажлисда қозининг ҳукми билан вақфнома қайта янгилансин. Ёзувчи ва қоғозларнинг ҳақини мадраса ёки вақфлардан ҳосил бўлган маблағдан берсин. Янгиланган ҳужжат қозининг дафтарида қайд қилинсин”, [5] - деб ёзиб қолдирилган. Вақф қилувчидан бошқа ҳеч бир кишининг вақфни ўзгартиришга ҳақи бўлмаган[3].

Бухородаги мадрасаларнинг вақф ҳужжатларида қайд этилган тартиб-қоидалардан айримларини мисол сифатида келтирамиз. Абдуллахон мадрасасининг вақф маблағини Фитрат 50 минг танга деб таъкидлайди [14, 15]. Вақф мулкидан тушган маблағ қуйидагича тақсимланган. Энг аввало, маблағ мадраса биносини доимий равишда таъмирлаб боришга сарфланган. Қолган маблағнинг бешдан бир қисми (хумс) икки нафар мударрисга иш ҳақи сифатида берилган. Вақф мулкни бошқарувчига (мутаваллига) қолган маблағнинг 20 дан бир қисми (нисфи ушр) ажратилган. Шунингдек, мадрасада имомга йилига 200 кумуш танга, муаззинга 100 танга, навбат билан хизмат қилган уч нафар фаррошнинг ҳар бирига 60 танга, масжидни ёритишга (шам, чироқ учун) 24 танга, намат ва бўйра сотиб олиш учун 60 танга сарфланган. Ниҳоят, юқоридагилардан қолган маблағ мадраса талабалари ўртасида тақсимланган [2].

Йирик мадрасалардан бири ҳисобланган Мир Араб мадрасасининг вақф маблағи эса қуйидагича тақсимланган: мутаваллига бериладиган маош вақфлардан ҳосил бўладиган маблағларнинг ўндан бирини ташкил этган. Қолган маблағни мадраса биносига, агар зарурат бўлса ва маблағ ортиб қолса, учдан бири мадрасанинг ходимларига (мадрасани

## TARIXSHUNOSLIK

доим муҳофазасида қоим бўлган, сув билан таъминлаб берган кишиларга) берилиши керак бўлган [3]. Муфтийлар, муаззинлар, имомлар ва мадрасада шаръий илмлардан дарс берадиган мударрисларга вақфдан йил давомида тушган маблағнинг учдан биридан ҳосил бўладиган олтидан бир улуши берилган. Муфтийларга бир йилда (уч муфтийнинг ҳар бирига) бир мисқол, 100 нуқра тангаси берилган [3]. Шунингдек, вақф маблағидан имом, мутавалли ва муаззинга маош ажратилган. Шулардан ортиб қолган маблағ мадрасада таълим олувчи толиби илмларга берилиши кўрсатилган [3].

Мадрасалар ҳисобига вақф ажратилган вақтда харажатлар ҳам назарда тутилган. Масалан, Бухоро музейида сақланаётган вақфга доир ҳужжатда мадрасани таъмирлашдан ортиб қолган даромаддан китоблар сотиб олиш учун йилига 150 танга, кутубхона китобларини таъмирлаш ва янги китоблар сотиб олиш учун йилига 80 танга ажратилиши белгилаб қўйилган. Бундан ташқари дарсхона ва масжидга бўйра, шам олиш учун ҳам муайян миқдорда маблағлар ажратилган. Вақф эгасининг шarti бўйича шу даромаддан мадраса талабалари мударрис томонидан белгиланган миқдорда ғалла билан таъминланиш, мударриснинг ўзи эса даромаднинг тўртдан бир қисми ҳажмида маош олиши белгилаб берилган [7, 84].

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, вақф қилувчи вақфномада ўзининг ўғил-қизлари ва қариндошлари манфаатини ҳам ўйлаган. Масалан, Мир Араб мадрасасининг бир вақфномасида: “Ана шундан ортиб қолган маблағнинг учдан иккисини вақф қилувчи ҳазратларининг ўғил ва қиз фарзандларига, ҳар бир ўғил ҳақини икки қиз ҳақи бараварида тақсимлаш, вақф қилувчининг авлодларидан биронтаси ўлса, унинг ҳақини фарзандларига берилиши, вақф қилувчининг авлодларидан биронтаси фақирлик ҳолига тушса, мутавалли барчасига ҳақларини бергандан кейин ортиб қолган пуллардан фақирларнинг ҳақиға риоа қилиб яна қўшиб бериши ҳақида ёзиб қолдирилган[3].

Айрим ҳолатда мадрасаларда вақф маблағини суиистеъмол қилиш ҳолатлари ҳам учраб турган. Абдурауф Фитратнинг ёзишича, айрим мадрасаларда (масалан, Говкушон мадрасаси) мударрислик қилувчилар муллабаччаларга вақф маблағини улашиш жараёнида суиистеъмолчиликка йўл қўйган, яъни муллабаччалар сардорига шерикларидан бир нечасининг исмларини ортиқроқ ёзишни буюрган ва уларга тақсимланган пулни қайтариб олган [14, 14].

Айрим мадрасалар учун мансабдор шахслар, бозорлар ва карвонсаройлар томонидан маълум миқдорда маблағ ўтказиб турилган. Масалан, XIX асрнинг ўрталарида йирик мадрасалардан бири ҳисобланган Кўкалдош мадрасасига Нўғай карвонсаройи томонидан йилига 240 тилла ҳажмдаги маблағ ўтказиб турилган[15, 88].

Мадрасаларнинг молиявий таъминоти учун турли кўринишдаги вақф мулклари ажратилган. Масалан, Бухоронинг ўз даврида энг машҳур ва бой бўлган мадрасаларидан бири Абдуллахон (ғарбий) мадрасасининг вақфномасида унга ажратилган вақф мулклари ҳақида шундай маълумот кўрсатилган: Муҳаммад Султон масжиди ёнида 7 та, анорфурушлар бозори олдида 6 та, бошқа тарафида 9 та, Ислом дарвозаси олдида 4 та, Муҳаммад Султон масжидининг бошқа тарафида 6 та, Амир Жанолибий масжиди кўчасида 6 та, Регистон ҳаммоми ёнида 8 та ва улардан ташқари яна 56 та турли дўкон; Оҳани бозори яқинидаги, Говкушон ҳамда Ғозиён ҳаммомлари ва яна 32 та ҳар хил дўкон вақф қилинган эди. Булардан ташқари, Ғиждувон тумани ва Насаф вилоятида ҳам ер ва дўконлар Абдуллахон мадрасасига вақф мулки қилинади[3]. Мадрасанинг йиллик даромади 50 минг тилла тангадан иборат эди.

“Вақт” журнаliga қўшимча қилиб чиқарилган “Шўро” журналининг берган батафсил маълумотларига қараганда, Биринчи жаҳон уруши арафасида Бухоро мадрасаларининг вақфларидан келган даромадлар катта маблағни – 4.742.000 тангани ташкил этган[13, 145]. Бундан ташқари, энг улкан ҳисобланган Кўкалдош билан Мир Араб мадрасаларининг йиллик даромади 150 минг танга, Гавкушонники 190 минг танга бўлса, Жаъфархўжа мадрасасиники эса 350 минг тангага етган. Шунинг учун ҳам домлалар шу даргоҳларда таълим беришга, талабалар эса таҳсил олишга интиланлар.

Ўша давр матбуотида “шаҳардаги олим-уламолар мадрасаларда дарс бериб, талабаларга кўп фойда келтириб, залолатда юрганларни илм чироғи билан ҳидоят



## TARIXSHUNOSLIK

топишларига сабаб бўлишади, улар холис Аллоҳ учун хизмат қиладилар”, деб мударрисларга юқори баҳо берилган.

Нуфузли мударрислар вафот этса, шаҳардаги эътиборли диний уламолар мадраса мударрислари, талабалари ва маҳалла оқсоқолларини чақириб, эҳсон қилганлар, мадраса талабаларига кийим-кечак бериб, савобини марҳум ҳақиға бағишлаганлар.

Юқорида қайд этилганидек, мударрисларнинг таъминоти вақфномада кўрсатилган вақф маблағининг мадраса таъмири учун кетган сарф-харажатдан қолган қисмидан ажратилган, унинг улуш миқдори вақф ҳужжатида аниқ қилиб белгиланган бўлган. XIX асрнинг ўрталарида Бухоро мадрасаларида мударрисларнинг оладиган маошлари қуйидагича бўлган: Ҳалимжон мадрасасида йилига 80 тилла, Жўйбори Хурд мадрасасида 100 тилла, Хиёбон мадрасасида 180 тилла, Муҳаммад Шариф савдогар мадрасасида 199 тилла, Кўкалдош мадрасасида 360 тилла, Хўжа Жўйбори Калон мадрасасида 500 тилла, Дорулшифо мадрасасида 700 тилла, Говкушон мадрасасида 700 тилла. Бундан ташқари Жаъфархўжа мадрасасининг 40 га яқин мударрисларининг ҳар бири йилига икки минг танга маош олганлар. Мир Араб мадрасасидаги мударрисларга йилига 150 тангадан берилган, яъни вақф маблағининг учдан бир қисми маош учун ажратилган[3]. Шунинг билан бирга, юқоридагиларга нисбатан анча кам маош оладиган мударрислар ҳам бўлган. Масалан, нисбатан кичик Мулла Назар мадрасасида мударрисга 8-10 тилла, Абдуллабой мадрасасида 12 тилла, Аҳмад доруға мадрасасида 16 тилла, Азизон мадрасасида эса 30 тилла маош берилган[2]. Мударрислар сони ҳам мадрасадаги вақф маблағига қараб белгиланган. Масалан, Абдурахмонбой мадрасасида битта мударрис бўлгани ҳолда, Жаъфархўжа мадрасасида 40 нафар мударрис дарс берган. Бундан ташқари Абдулазизхон, Модарихон мадрасаларида икки нафардан, Улуғбек мадрасасида бир нафар домла бўлган бўлса, ташқи кўриниши ва ҳужраларининг сони бўйича Кўкалдош, Мир Араб ва Гавкушон мадрасаларига тенг келолмайдиган Жаъфархўжа мадрасасида 40 нафар домла талабаларга таълим берган, яъни бу жиҳатдан ҳаммасидан устун турган, чунки у жуда кўп даромад келтирадиган вақфларга эга бўлган.

Хуллас, XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Бухоро амири томонидан мадрасалар ва уларнинг мударрис ва ўқитувчилари учун йилига 100 минг рубль ажратилган. Мадрасада хўжалик ишларини ташкил этиш ваколати қоида тариқасида мутавалли (бошқарувчи) зиммасига юклатилган. Барча вақф ҳужжатларида бошқарув иши, ишни юритиш ва назорат қилиш мутавалли ихтиёрида бўлишлиги кўрсатилган. Барча вақф мулкларида вақф қолдирувчининг ўзи ёки унинг ўғил ворислари, ўғилларидан ворис эркак бўлмаса ака-укаларнинг ўғиллари мутаввали бўлишган. Борди-ю вақт ва замон ўтиши билан агар эркак ворис ушбу авлодда қолмаса, шу авлоднинг қизларидан қолган ўғил болаларга қолдирилган[3]. Агар эгалик қилувчилар илмда, салоҳиятда ва тасарруф (бошқарув салоҳияти)да тенг бўлсалар қариндошлиқда яқинроғи, қариндошлиқда ҳам тенг бўлса, уларнинг энг ёши каттароғи тайинланган[3]. Мутаваллиликка эгалик қилувчи авлод вакилларида ҳеч ким қолмаса, Бухоро шаҳрининг ишончли қозиси мутавалли бўлиши мумкин бўлган[3]. Қозининг маоши эса вақфлардан ҳосил бўладиган фойданинг ўндан бирининг ярмига тенг қилиб белгиланган. Масалан, Биби Халифа мадрасасининг вақф ҳужжатида кўрсатилишича, мутавалли (воқиф) вақфчининг ўзи бўлган. Вақф ҳужжатларига мувофиқ, “Мутавалли агар воқиф (вақф қилувчи)нинг айтганларига зид иш қилса, қолган авлодлар уни маън қилади (қилаётган ишидан тўхтатади). Агар у яна қайтмаса уч маротаба маън қилинади. Шунда ҳам қайтмаса, бошқа валийликка лойиқ авлодлари мутавалли бўлади. Ишдан олинган мутавалли даврида вақфлардан ҳосил бўлган маблағ қолган бўлса, ундан талаб қилиб олинади ва ўз ўрнига сарфланади. Воқиф томонидан қилинган шартларни амалга оширмаганлиги учун ундан ҳисобот талаб қилинади[3].

Архив материаллари ва мавжуд тарихий адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатадики, амирликда ҳокимиятдаги ўз мавқеи бўйича учинчи ўринни эгаллаган қозикалон халқ таълимининг аҳволи, тарбиявий ишлар, исломий ақидаларни амалга ошириш вазифаларига масъул ҳисобланган[8]. Амирликнинг барча вилоятлари ва шаҳарларида унинг вакиллари бўлиб, юқоридан келган топшириқларни амалга оширган. Демак, таълим тизими ҳокимиятнинг назаридан четда бўлмай, ўз олдига қўйилган вазифаларни мамлакатнинг тараққиёт даражасидан келиб чиқиб бажариб турган.

## TARIXSHUNOSLIK

**Хулоса.**Мадрасалар, уларнинг хизматчилари ва мударрислар хизмат ҳақи вақф даромадларига боғлиқлиги мадрасалардаги таълим жараёнида ҳам ўз аксини топган, уларнинг нуфузини белгилаб берган. Натижада қишлоқлар, шаҳар четларидаги мадрасалар пойтахт Бухородаги мадрасалардан катта фарқ қилган. Бу ҳолат талабаларни ўтилган сабоқларни ўзлаштиришида ҳам маълум даражада роль ўйнаган.

## АДАБИЁТЛАР

1. ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333а-иш, 10,20-варақ.
2. ЎзР МДА, 126-фонд, 1-рўйхат, 1990-иш, 4-5-6-варақ.
3. ЎзР МДА, 323-фонд, 1-рўйхат, 2,5,6, 16а, 33, 55, 55/16, 55/18, 55/19, 66, 113,1720-ишлар.
4. ЎзР МДА, 461-фонд, 1-рўйхат, 1720-иш, 76-варақ.
5. ЎзР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 26-варақ.
6. ЎзР МДА, 2678-фонд, 2-рўйхат, 33-иш, 1-варақ.
7. Бухоро Давлат меъморий-бадиий музей-қўриқхонаси қўлёзма фонди. N11006/11 инвентар.
8. **Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий.** Бухоро тарихи. Форс-тожик тилидан 9 А.Расулов таржимаси. – Тошкент: Фан, 1966. – Б. 84.
9. **Мирзо Олим Махдум Ҳожи.** Тарихи Туркистон. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 191.
10. **Муҳаммад Али Балжувоний.** Тарихи Нофеий //Тожик тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифлари Шодмон Воҳидов, Зоир Чориев. – Тошкент: Академия, 2001. – Б. 86-102.
11. **Мусо Саиджон.** Бухоро шаҳри ва эски бинолари // Маориф ва ўқитувчи. 1927. – №6.
12. **Саййид Мансур Олимий.** Бухоро-Туркистон бешиги. Форс тилидан Ҳ.Тўраев таржимаси. – Бухоро, 2004. – Б. 14.
13. **Сухарева О.А.** Истории городов Бухарского ханства. – Ташкент: Изд. Академии наук УзССР, 1958.– С.145.
14. **Фитрат А.** Ҳинд сайёҳи қиссаси //Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1991. – № 8. – Б.14.
15. **Ханыков Н.В.** Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. – С.223.

УДК:633/635(575.1)/19-20/(09)

**ТУРКИСТОНДА КАРТОШКА ЭКИНИ НАВЛАРИНИНГ ТАРҚАЛИШ ТАРИХИДАН (XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИ)**

**ИСТОРИЯ ПОСЕВАИ РАСПРОСТРАНЕНИЯ В ТУРКЕСТАНЕ СОРТОВ КАРТОФЕЛЯ (КОНЕЦ XIX - НАЧАЛО XX ВЕКА)**

**HISTORY OF VARIETIES OF POTATO CROP AND ITS SPREAD IN TURKESTAN (AT THE END OF THE XIX TH AND THE EARLY 20TH CENTURY)**

**Ҳайитов Жаҳонгир Шодмонович**

*БухДУ таянч докторанти*

**Таянч сўзлар:** картошка, Туркистон, Россия империяси, деҳқончилик маданияти, ҳаваскор деҳқонлар, сабзавот ва полиз, ўтроқ аҳоли, кўчманчи аҳоли, трансформация, янги экин, озуқа.

**Ключевые слова:** картошка, Туркестан, Российская империя, искусствоземледелия, дехкане-любители, овощи и фрукты, оседлое население, кочевое население, трансформация, новые посевы, корм.

**Key words:** potato, Turkistan, the Russian Empire, farming culture, amateur farmers, vegetables and melons, wild populations, nomadic population, transformation, new crop, feed.

*Ушбу мақолада Россия империяси мустамлакаси йилларида Туркистон минтақасида картошка экинине тарқалиш тарихи ҳақида манбалар ҳамда адабиётларнинг қиёсий таҳлили орқали фикр-мулоҳаза юритилади.*

*В данной статье на основе сравнительного анализа источников и литературы рассматривается история распространения посевов картофеля в Туркестанском крае в годы колониального правления Российской империи.*

*This article reviews the history of the potato crop rotation in the Turkestan region during the colonial period of the Russian Empire and its comparative analysis of literature and scientific sources.*

## TARIXSHUNOSLIK

**Кириш.** Деҳқончилик маданиятида мохир ва юксак тажрибага эга бўлган Туркистоннинг туб жой аҳолиси машаққатли меҳнатни ҳамда ўта жиддий эътибор ва парваришни талаб қиладиган сабзавотчилик ва полизчилик каби машғулотлар билан узоқ асрлар давомида шуғулланиб келган.

Кундалик моддий турмушда зарур бўлган ҳамда озиқ-овқат манбаи ҳисобланган сабзавот ва полиз экинларининг ўлкада йиллар давомида анъанавий турлари экилиб, улар деҳқон хўжаликларига ер фондларининг маълум бир қисмини ташкил этарди. Манбаларда шахсий томорқа ерларининг 10/1 ва 7/1 қисмигача бўлган майдонларида “майда экинлар” (сабзавот ва полиз экинлари шу тариқа қайд этилади – Ж.Ш.) экилгани билан боғлиқ маълумотлар учрайди.

Тарихий адабиётларда келтирилишича, картошканинг ватани Жанубий Америка қитъаси бўлиб, бундан 14 минг йил илгари америкаликлар томонидан экиб келинган. Бу янги экин нави 1565 йилда Европа қитъасига испанлар томонидан олиб келиниб, Россия ҳудудига кириб келиши эса XVIII асрга тўғри келади. Ушбу мамлакат деҳқончилик маданиятига киритилган картошканинг тугунаклари дастлаб истеъмол қилинмай, турфа ранг гулли пояси император ва императрицалар саройини гул сифатида безатган. Россия императрицаси Екатерина II (ҳукмронлиги 1762 – 1792 йиллар) саройида турли – туман анвои гуллар қаторида картошка ҳам гул сифатида парваришланган. Россия тарихида шундай даврлар бўлганки, ушбу экинни рус деҳқонлари экмаслик учун тўполонлар қилганлар. Улар картошкани “Шайтон олма” (Чортова яблоска) деб аташган. У пайтларда картошкadan витаминларга бой турли хил овқатлар тайёрланиши, ундан крахмал ва спирт олинишини билмаганлар. Бироқ Жанубий Америкада картошканинг 150 дан ортиқ маданийлаштирилган ва ёввойи навларини майя, ацтек, инк қабилалари яхши биларди.

Академик олим В.В.Бартольд В.Масальскийнинг “Туркистон очерклари” (“Очерки Туркестана”) ва Наливкиннинг “Фарғона очерки” асарларига таяниб: “Картошка руслар Туркистонга кириб келгунча маҳаллий аҳоли учун бутунлай нотаниш бўлган. Бироқ Тошкент шаҳри ва унинг атрофида истиқомат қилувчи татарлар картошка етиштиришган. Наливкин маълумотича, татарларнинг сони 5000 киши атрофида бўлган”, – деб ёзади[1, 159].

Картошка экин нави XIX аср охири XX аср бошларида минтақа бўйлаб кенг тарқалиб, рус деҳқонлари ҳам, маҳаллий деҳқонлар ҳам, ўз хўжаликларига уни етиштириб бошлашди. Маҳаллий деҳқонлар дастлаб картошкани истеъмол учун эмас, балки бозорда насронийларга сотиш учун етиштирдилар. Умуман картошка маҳаллий аҳоли турмушида минтақа хўжалигида асосий экин нави ва кенг истеъмол сабзавотига айлангунга қадар уч босқич кузатилади. Илк даврларда маҳаллий деҳқонлар картошкани бозорда сотиш учун етиштирдилар. Иккинчи босқичда картошка маҳаллий хўжаликларда истеъмол қилиш мақсадида ҳам экила бошланди. XX аср бошида картошка майдонлари салмоқли ҳудудларни эгаллаб, кенг миқёсда доимий истеъмол қилинадиган сабзавотга айланиб улгурди.

Картошка экин навининг маҳаллий аҳоли хўжалигига кириб келиши тарихи билан боғлиқ фикр мулоҳазалар турличадир. Маълумотлардан бирида картошка дастлаб Тошкент уезида бундан ўн йиллар олдин (1860 йилларда) пайдо бўлиб, Тошкент шаҳридан 8 чақирим узоқликда жойлашган Солар дарёси бўйида Убай (Губай) қишлоғига Мулла Убай томонидан келтирилиб иқлимлаштирилган, деб ёзилади[10, 21]. Иккинчи бир маълумотда: “Картошкани руслар ва татарлар олиб келиб, туземец (маҳаллий аҳоли)дан 1870 йиллар бошида фақат қирғизлар (қозоқлар) экарди. Сарт (ўзбек)лар бу фойдали экинга ишончсизлик билан қараб экишмади”, – деб ёзилган[3, 178]. Маҳаллий аҳоли дастлаб картошка экинни экмаслиги, картошка истеъмол қилмаслиги, картошка савдоси билан шуғулланмаслиги ҳақида манбаларда бири иккинчисини такрорлайдиган маълумотлар келтирилган. Картошка рус посёлка ва қишлоқларида экилиб, уни Европа аҳолиси томонидан истеъмол қилингани ҳамда мол истеъмол қиладиган озуқабоп картошка навлари ҳам етиштирилганлигига гувоҳ бўлинади. Туркистонга картошка навларини рус кўчкндилари ва “ҳаваскор деҳқонлар” олиб келар экан, уни маҳаллий шароитга иқлимлаштириш учун дастлаб, уруғлик картошкани Корзина, яшик, челақларда ўғитланган тупроқ шароитида сақлаб, сўнгра 20-25 кун ичида қатороралатиб экканлар[11, 1

## TARIXSHUNOSLIK

– 2 варақлар]. XIX аср охирида Туркистонга 10 дан ортиқ картошка навлари олиб келинган бўлса, XX аср дастлабки ўн йиллигида улар сони 31 навга етган. Ўлкада “Эрфрутская жемчужина”, “Венгерский король”, “Лебедь”, “Персиковый цвет”, “Саксония”, “Амур”, “Сава Феникс”, “Жозеф Риго”, “Царская Карона”, “Бисмарк”, “Имперский канцлер”, “Гордость Америки”, “Канада”, “Император Рихтер”, “Драгоценность Агнелли” каби навлари иқлимлаштирилган. Тошкентда иқлимлаштирилган учта нав “Драгоценность Агнелли”, “Эрфрутская жемчужина” ва “Венгерский король” навлари ҳосилдорлиги ва таъми билан шуҳрат қозонган. Ушбу картошка навларининг ҳосилдорлиги 1 десятинадан 600-800 пудни ташкил этган. Айрим картошка навлари, жумладан, чорвага озуқабоп “Бисмарк” нави кутилган натижани бермаган[14, 6-9].

Тарихий манбалар шуни кўрсатадики, картошка дастлаб Туркистон генерал-губернаторлиги вилоятларидан Сирдарё ва Фарғонада тарқала бошлаган. Ўтроқлашган, рус кўчиндилари билан кўшни яшаган қирғизлар картошка эка бошлаган. Картошка экин нави 1880 - йилларда ҳам ўлка бўйлаб кенг тарқалиб улгурмаганди. Шунга қарамай, маҳаллий аҳоли картошкани ўз хўжалигига олиб кирар экан, аввало, уни бозорда сотиш учун етиштирди. Генерал – губернаторлик маркази Тошкент шаҳри бозорига картошка 760 чақирим узоқликда бўлган Верний (Олмаота) шаҳридан олиб келиниб, унинг 1 пуди 3 рубль сотилган[3, 152]. Фарғона водийсида умумий экин майдонлари 1885 йилда 365.142 десятинанни ташкил этган ҳолда, картошка экилган ерлар 45 десятина эди. Бироқ XIX аср сўнги ўн йиллиги – XX аср бошларида картошка экиладиган майдонлар Фарғона вилоятида тезлик билан кўпайиб борди ва унинг ҳосилдорлиги йилданйилга ошди. Қуйида келтириладиган жадвал бу ҳақдаги фикримизни тасдиқлайди[6,3; 5; 9; 10; 6, 4; 4; 7; 11, 29].

Жадвал №1

Йил-лар	Картошка экилган майдон (ўтроқ)	Картошка экилган майдон (кўчманчи)	Жами	Йиғилган ҳосил пуд ҳисобида (ўтроқ)	Йиғилган ҳосил пуд ҳисобида (кўчманчи)	Жами пуд ҳисобида	Ҳосилдорлик центнер ҳисобида
1891	191	–	191	3775	–	3775	19
1892	222	–	222	4419	–	4419	20
1893	2130	–	2130	99860	–	99860	17,0
1894	2185	–	2185	92950	–	92950	21,69
1895	2586	–	2586	98586	–	98586	21,19
1896	4766	50	4816	101530	860	102390	20,4
1897	6432	–	6432	131585	–	131585	20,5
1898	5840	101	5941	151650	2050	172701	22,4
1899	7320	–	7320	171556	–	171556	20,8
1900	3263	183	3446	54673	4680	59473	16,7

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, 10 йиллар давомида Фарғона водийсида картошка экин майдонлари кенгайиб борган, ўтроқ ҳоли билан бирга баъзи йилларда кўчманчилар ҳам картошка етиштириш билан шуғулланишган. Ўша давр агрономларининг ёзишча, айрим йилларда совуқ тез тушиши, ҳосилни ҳашарот босиши каби омиллар туфайли ҳосилдорлик миқдори пасайган. Ҳар уч йилдан сўнг, ҳосилсизлик йили қайтарилиши ҳақида маълумотлар берилар экан, баъзи йилларда донли экинларни ҳашарот еб кетса, улардан бўшаган ерларга картошка экини экилган ҳолатлар бўлган[12, 52, 52]. Рус маъмурлари ва агрономлари картошка экини учун Туркистон иқлими қулайлиги, бу экин келажакда истиқболли бўлишини ҳисобга олиб, уни посёлка ва қишлоқларда кенг тарқалишини ташкил қилдилар[7, 19-20]. Фарғона вилояти Чуст уезди Олмос қишлоғида 300 десятина ерга картошка экилди”,[13, 72] – деб ёзади рус агрономи А.Шахназаров. Қишлоқ деҳқонлари томонидан олинган ҳосилнинг асосий қисми бозорда рус аҳолиси ва ҳарбийларига сотилган.

Маҳаллий ва рус деҳқонлари 1910-1911 йилларда Фарғона вилояти Наманган уезди далаларида 297 десятина ерга картошка эканлар. Фарғона вилоятида XX аср дастлабки ўн йиллигида картошка майдонлари 166 десятинадан 853 десятинагача гоҳ камайиб, гоҳ кўпайиб турган. 1911 йилда Андижон уездида 164 десятина экин ер майдонига картошка экилган, унинг ҳосилдорлиги 1 десятинадан ўртача 447,9 пудни ташкил этган[1,

## TARIXSHUNOSLIK

158].1909-1910 йилларда картошканинг бир пуди бозорда 35 коп.баҳоланиб, унинг нархи пасайгани кузатилади[2,1054].

Туркистон генерал – губернаторлигининг Сирдарё вилоятида 1906 йилда 1403 десятина, 1907 йилда эса 1197 десятина ерга картошка уруғи қадалиб, 1906 йилда 515.900 пуд, 1907 йилда 509.400 пуд картошка ҳосили олинган, олинган ҳосилнинг 463 минг пуди келгуси йил уруғликка қолдирилиб, вилоятда аҳоли жон бошига ўртача 0,26 пуд картошка истеъмоли тўғри келган. 1906 йилда 1 десятина ердан олинган картошка ҳосилининг миқдори 367,7 пудни ташкил этган бўлса, 1907 йилда 425,6 пудга ошиб, ҳосилдорлик даражаси ҳар бир десятина ердан 67,9 пудгача кўпайган[5, 32-33]. 1907 йилда Сирдарё уездларида картошка экин майдонлари ва етиштирилган ҳосил миқдори куйидаги жадвалда келтирилди[8, 33-34].

Жадвал № 2

Уездлар	Экин майдони (десятина ҳисобида)	Олинган ҳосил миқдори (пуд ҳисобида)	Изоҳ
Тошкент	611	320.795	
Амударё	206	72.100	
Авлиёота	49	12.923	
Казалинск	–	–	Аниқ эмас
Перовск	160	–	Аниқ эмас
Чимкент	171	56.993	
<b>Жами</b>	<b>1197</b>	<b>509.426</b>	

Туркистон ўлкасининг Самарқанд вилоятида 1908 йилда 379 десятина ерга картошка экилиб, кутилган натижада ҳосил олинган. Самарқанд уезди картошка экини учун қулай бўлиб, унинг турли навларини иқлимлаштириш нисбатан осон кечган. Еттисув вилоятида нафақат қирғиз ва ўзбеклар, таранчи ва дунганлар ҳам картошка экишдаги деҳқончилик маданиятини ўзлаштирганлар. Бироқ картошка истеъмол қилишга ўтиш маҳаллий аҳоли томонидан Еттисув вилоятида секинлик билан борди[1, 160]. Фарғона вилоятининг Марғилон ва Наманган уездларида картошка майдонлари XIX аср охирида 333 десятинадан 999 десятигача ошиб борган. В.И.Кушелевскийнинг таъкидича, картошка Марғилон уездининг Учқўрғон, Қоратепа волостларида нисбатан кенг майдонларга экилган. В.Масальскийнинг ёзишича, 1911 йилда Фарғона вилоятида маҳаллий деҳқонлар 853 десятина, рус деҳқонлари 166 десятина, жами 1019 десятина ерга картошка экидилар. Ўртача ҳосилдорлик ҳар бир десятина ердан 450 пудгача етказилди. Агар ушбу натижа 1885 йил билан қиёсланганда, картошка майдонлари 25 йил давомида 12,5 баравар кўпайганлигига гувоҳ бўламиз[5, 250]. Ушбу муаллифнинг ёзишича, маҳаллий аҳоли картошкadan илк бор каша (картошка фюре) тайёрлаган ва кунжут ёғида картошкани пиёз билан қовуриб қовурдоқ ҳолатда истеъмол қилишган. Картошка янги сабзавот тури сифатида бозорга олиб чиқилар экан, у доимо бир хил нархда эмас, истеъмолчи талабига қараб вилоятларда, шаҳар ва посёлкаларда турли нархларда сотилган. 1890 йил Марғилон бозорида 1 пуд картошка 30 тийинга баҳоланган. Самарқандда – 40 тийин, Еттисувда – 45-60 тийинга сотилиши қайд этилган [8, 35; 5, 253] Бошқа сабзавот турларининг ўша пайтдаги бозор нархлари билан таққослаганда, картошка истеъмолчиларга ўртача нархда сотилганлигига гувоҳ бўлинади. Масалан, Марғилон бозорида XIX аср охирида 1 пуд лавлаги – 30 коп, 1 бош карам – 2-3 коп, 1 пуд сабзи – 30 коп, 1 пуд пиёз – 30 коп, Астрахань тарвuzининг бир донаси ўртача 8-10 коп.дан сотилган.

XX аср бошларида Россия империяси ва Европа мамлакатларидан айрим озиқ – овқатлар қаторида картошка ҳам ўлкага экспорт қилинган. Жумладан, 1901 йил Самарқанд вилоятига Россия ва бошқа Европа мамлакатларидан 210.327 пуд ун, 682,144 пуд гуруч, шунингдек, 60.000 пуд картошка келтирилган[9, 14].

XX аср дастлабки ўн йиллигидаёқ картошка рус деҳқонлари сингари маҳаллий аҳоли хўжалигида ҳам асосий экин турларидан бирига айланиб улгурди. Ушбу сабзавот тури асосий экин нави ва кенг истеъмол қилинганга қадар уч босқични босиб ўтди. Картошка экин нави ўлкага кириб келган дастлабки йилларда маҳаллий аҳоли картошкани бозорда сотиш учун етиштирди. Иккинчи босқичда эса картошкани бозорда сотиш билан бирга шахсий хўжаликларида истеъмол учун ҳам эка бошладилар. Кейинги босқичда, яъни

## TARIXSHUNOSLIK

XX аср бошларида картошка майдонлари кенгайиб, бу сабзавот доимий истеъмол қилинадиган озиқ-овқат сабзавотига айланди ва Туркистон ўлкасига кириб келганига 1,5 асрдан ортиқ давр ўтди. Картошка бугунги кунда Ўзбекистон аҳолиси кундалик истеъмолида асосий сабзавот тури эканлиги исбот талаб қилмайди.

Хуллас, XIX асрнинг охири – XX аср бошларида картошка Туркистон ўлкасига янги экин нави сифатида кириб келди. Генерал губернаторликнинг барча вилоятларида истиқомат қилувчи аҳоли барча миллат вакиллари ўз хўжаликларида етиштириб, сабзавотчилик соҳасини янги экин нави билан бойитдилар. Картошқадан озиқ-овқат сифатида фойдаланиш эса анча тезлик билан жорийланиб борди. Унинг истеъмоли Россия империясидан ўлкага кўчирилган Европа тилли аҳоли орасида кенг тарқалган. Ҳозирда картошқанинг Ўзбекистонда серҳосил ҳисобланган ва Россиядан тарқалган “Седов”, “Лорх”, “Флеранский”, Голландиядан олиб келинган “Диамант”, “Кондор”, “Кординал”, маҳаллий шароитда яратилган “Ақраб”, “Умид” каби 70 дан ортиқ нави етиштириб келинмоқда.

## АДАБИЁТЛАР

1. **Бартольд В.В.** История культурной жизни Туркестана. – Ленинград: Изд.АН СССР, 1927. – 253 с.
2. **Барановский Ф.** Культура огородных растений в Закаспийской области //Туркестанское сельское хозяйство. - 1912. – №10. – С. 1048-1057.
3. **Исоқов З.** Фарғона водийси анъанавий деҳқончилик маданияти (хўжалик-маданий анъаналар: тавсифи ва таҳлили). –Т.:Yangi nashr, 2010. – Б. 178.
4. Картошка. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Том 4. – Т.: ЎзМЭ, 2002.– Б. 485.
5. **Кушелевский В.И.** Материалы для медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. - Новый Маргелан, 1891. -Т.II.– 476 с.
6. Обзор Ферганской области за 1891 – 1900гг. - Новый Маргелан, 1892-1900. – С. 3- 29.
7. Опытным полем в Голодной степи //Туркестанское сельское хозяйство, 1913. – №1. – С. 17-21.
8. **Ступанов И.** Итоги земледелия Сырдарьинской области //Туркестанский сборник.– Том 534. – С. 30 - 38.
9. **Ураков Д.Ж.** Официальные отчеты Российской администрации в Туркестане как исторический источник. Конец XIX – начало XX вв.: Автореф. дисс....канд. истор. наук. – Т., 1999. – 26 с.
10. **Хорошихин А.** Очерки Туркестана. IV часть//Туркестанский сборник. –Том 1. – С. 20-22.
11. ЎзРМДА, Р–2284 – фонд, 1 – рўйхат, 440 – йиғмажилд, 1, 2 – варақлар, 2 – варақнинг орқа томони.
12. ЎзРМДА, И – 7 – фонд, 17 – рўйхат, 79 – йиғмажилд, 52 – варақ, 52 – варақнинг орқа томони.
13. **Шахназаров А.И.** Очерк сельского хозяйства Туркестанского края. – СПб, 1898. – 152 с.
14. **Шредер Р.Р.** О культуре картофеля //Туркестанское сельское хозяйство. - 1909. – №1. – С. 1-9.

UDK: 631.527:94(575.1)

**BUXORO VOHASI AHOLISINING YER–SUVDAN FOYDALANISHI BILAN BOG`LIQ AN`ANALAR (XIX ASR OXIRI-XX ASR BOSHLARI)**

**ТРАДИЦИИ, СВЯЗАННЫЕ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ЗЕМЕЛЬНОВОДНЫХ РЕСУРСОВ НАСЕЛЕНИЯ БУХАРСКОГО ОАЗИСА В КОНЦЕ XIX – НАЧАЛЕ XX ВЕКА**

**TRADITIONS RELATED TO USE OF LAND AND WATER RESOURCES BY THE POPULATION OF THE BUKHARA OASIS (IN THE LATE 19<sup>TH</sup> EARLY 20<sup>TH</sup> CENTURIES)**

**Jumayeva Nilufar Axmatovna**

*BuxDU Buxoro tarixi kafedrası katta o'qituvchisi*

## TARIXSHUNOSLIK

**Tayanch soʻzlar:** urf-odat, kult, dehqonchilik, farishtalar, otashparastlik, hosildorlik, mifologiya, olov.

**Ключевые слова:** обычаи, культ, земледелие, ангелы, поклонение огню, урожайность, мифология, огонь.

**Key words:** Tradition, cult, farming, angels, fire-worshipping, harvest, mythology, fire.

*Maqolada Buxoro vohasi ziroatchilarining qadimiy-diniy kultlar bilan bogʻliq urf-odat va marosimlari manbalar va dala maʼlumotlari asosida tahlil etiladi.*

*В статье анализируются обычаи и традиции земледельцев Бухарского оазиса, связанные с древними религиозными культурами, на основании источников и полевых данных.*

*Article deals with the analysis of the traditions and customs of farmers in Bukhara oasis connected to the ancient religious cults based on the sources and field data.*

**Kirish.** Bugungi kunda milliy oʻzlikni ahqlash, milliy mafkurani mustahkamlash xalqimizning maʼnaviy-ruhiy tiklanish jarayonlari muqaddas zaminimizga, yaʼni tabiatga boʻlgan munosabat bilan chambarchas bogʻliqdir. Oʻzbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti I.A.Karimov taʼkidlaganlaridek, “sivilizatsiya belgilarini asrab-avaylash qanchalik zarur boʻlsa, qishloq xoʻjaligi ming yillar mobaynida butunlay sugʻoriladigan dehqonchilikka asoslangan mintaqada yer va suvni asrab-avaylash ham shunchalik muhimdir”[1].

Darhaqiqat, xalqimiz qadimdan dehqonchilik xoʻjaligi bilan shugʻullanib kelgan va bu soha asosiy xoʻjalik sohasi boʻlgan Zarafshon daryosining quyi qismida joylashgan Buxoro vohasining yerlari unumdor boʻlib, sunʼiy sugʻorishga asoslangan dehqonchilik tarixi uzoq oʻtmishga borib taqaladi.

XIX asrning oxiri XX asr boshlarida ham Buxoro vohasi aholisi yer-suvdan jamoa boʻlib foydalanishgan. Shu bilan birga barcha sugʻorish ariqlarini ham har yili kuz fasli va erta bahorda birgalikda tozalashgan. Katta ariqlarni qazish, toʻgʻon va dambalar qurish ishlari esa ommaviy ravishda, hashar yoʻli orqali jamoa boʻlib bajarilgan. Albatta, bu ishlarni amalga oshirishda yuzlab-minglab jamoa aʼzolari qoʻl kuchidan foydalanilgan.

Vohada XX asrning boshlariga kelib, sinfiy jamiyat talablari asosida yerlar tobora yakka shaxslarning, yaʼni yirik yer egalarining qoʻliga oʻtib, ularning xususiy mulkiga aylana boshlashi bilan jamoaviy munosabatlar ham asta-sekin yemirila boshlangan. Shunga qaramasdan Buxoro amirligining bekliliklarida hamda togʻ va togʻ oldi hududlarda jamoaviy munosabatlar saqlanib qolishi geohududiy omil bilan bogʻliq. Shu sababli anhor va ariqlarni tozalashga jamoa aʼzolari va boylardan, yaʼni, katta yer egalaridan alohida-alohida hasharchilar olingan. Gʻuzor bekligiga qarashli Qorakoʻl qishlogʻilik Mulla Davlat, Qodirkoʻl oqsoqol, Yoʻldosh amin, Toʻraboy, Suvonboylarning ancha yeri boʻlgan. Ular suv yoʻllarini tozalash uchun koʻproq mardikor yollashgan. Vohaga yaqin yoki undan sugʻoriladigan qishloqlar aholisi alohida bir jamoani tashkil etgan. Tabiiyki, bu qishloq jamoalari yana kichik ekin maydonlari ham tuzgan. Ularni vohaning bir qancha tumanlarida “paykal” deb ataganlar[3].

Anʼanaga koʻra, erta koʻklamda dala ishlari boshlanishidan oldin har yili voha qishloq aholisi oʻzlarining jamoa yerlariga toʻplanib, oralaridan yoshi ulugʻ, obroʻli va tajribali bir kishini oqsoqol qilib saylashgan. Ushbu yigʻinda mirob, dorugʻa, hatto sartarosh ham saylangan. Faqat oilali kishilar hisobga olinib, paykallarga boʻlingan. Har bir Paykalga 8 kishi (“tan”) kirgan[6]. Demak, shu 8 kishi paykalga taalluqli barcha yengil va mashaqqatli ishlarni amalga oshirgan. Ariq va anhorning uzun-qisqaligiga qarab paykallardan hasharchilar olingan. Paykal aʼzolari qatʼiy tartib intizom asosida navbati bilan suv yoʻllarini tozalashda qatnashishgan.

Paykalga kirmagan, suv chiqishi qiyin boʻlgan partov yerlar, yaʼni boʻsh yerlar «posira», unda ishlovchilar «posirakorlar» deb atalgan. Posira yerlarda hosil yetishtirish juda mushkul boʻlgan. Dastlab bu yerlarga lalmikor ekinlar ekilib, qor va yomgʻir suvi bilan sugʻorilgan. Kamdankam hollarda dehqonlar oʻzlariga tegishli yerlarnioqar suv bilan bir-ikki bor sugʻorishgan, yaʼni bunday yerlarga ekilgan ekinlar zahmat chekish bilan sugʻorilgan. Shu sababdan boʻlsa kerak suv inshootlarini tartibga keltirishda posirachilar kamdankam hollardagina ishtirok etishgan.

## TARIXSHUNOSLIK

Vohadagi barcha bekliklarga qarashli qishloq aholisiniig jamoa yeri va posira yerlaridan tashqari o'z tomorqasi ham bo'lgan. Bu yerlar qishloqlarda 5 paxsa devor yoki chimdevor bilan o'rab olingan. Qorako'l, Olot va boshqa tumanlarning dasht hududlarida devor bilan o'rashga ehtiyoj sezilmaganligi bois ma'lum bir belgilar qo'yilgan va bunday yerlar odatda «hayat» deb atalgan[1].

O'rta Osiyoning boshqa hududlarida bo'lgani singari Buxoro vohasida ham suv tanqisligi yuz berib turgan. Shu bois, mahalliy xalq sug'orish shaxobchalaridan foydalanishning tartib-qoidalari va usullarini yaxshi bilishgan[2]. Dehqonlar suv tanqis bo'lgan hududlarda suvdan navbat bilan foydalanishga qat'iy rioya etishgan. Suv miqdori muayyan tartibda o'lchangan. Masalan, "bir suv-ariqdan bir kecha-kunduzda oqib o'tgan suv: "bir tegirmon" yoki "tosh" - bir pud donni tegirmonda tortguncha ketadigan suv "bir qo'sh" - bir qo'sh ho'kiz bilan haydalgan yerni sug'orish uchun yetadigan suv va "bir quloq" kabi suv o'lchovlari keng qo'llanilgan. Buxoroning suvga tanqis tumanlarida jamoa foydalanadigan paykallarda bir qo'sh yerga beriladigan suv "mo'ndi" bilan o'lchangan. Mo'ndi - tubi teshilgan, taxminan o'n litr suv sig'adigan oddiy sopol ko'zacha bo'lib, undagi suv oqib bo'lishiga qarab suv miqdorini o'lchaganlar. Shuni ta'kidlash kerakki, paykal va hayat yerlarini sug'orishning u yoki bu usullari suvning oz - ko'pligiga qarab tanlangan. Vohaning o'rta qismida dehqonlar sug'orishning "bir quloq" usulidan ko'proq foydalanishgan. Bunda vaqt hisobi quyosh harakatiga qarab belgiangan. Miroblar paykal a'zolarining yeri qanchaligini juda yaxshi bilishgan va shunga qarab vaqt ajratishgan. XX asrning boshlariga kelib boy-badavlat kishilar o'z mavqelaridan foydalanib, ayrim hollarda belgilangan tartiblarni ham buzishgan[2].

Romitan tumanidaga Qo'rg'on qishlog'ida 50 ta paykal bo'lib, bir kecha - kunduzda uchta-dan paykal sug'orilishi kerak bo'lgan. Ikkita paykal kunduzi, bittasi esa kechasi sug'orilgan. Har paykalga 16-17 kunda bir bor navbat kelgan. Qo'shni qishloq Romishda esa 37 taga yaqin paykal bo'lgan. Qishloq oqsoqoli boshchiligida chokboshlar (bu qishloqda paykalboshi yig'ilishib, suv navbatini belgilashgan. O'rta kattalikdagi bir chelak suv keladigan sopol ko'zaning tagini teshib suv oqizishgan. Aynan shu holni boshqa qishloqlarda ham ko'rish mumkin edi.

Paykallardagi ekinlarni suvning miqdoriga qarab sug'orishgan. Agar suv kam bo'lsa, poxol qilib, bostirib sug'orilgan. Mabodo, suv uzoq vaqt oqadigan bo'lsa, ekinlarga egatlar yoxud jo'yaklar orqali suv oqizishgan. Ekinlar qonib suv ichishiga, ayniqsa, katta e'tibor qaratilgan. Paykallarni jo'yaklardan oqizib sug'orish usuli ko'pincha tunda amalga oshirilgan.

Buxoro vohasi sharoitida dehqonchilik xo'jaligi sun'iy sug'orishga asoslanadi. Yerlarning unumdorligi, ekinlarning hosildorligi sun'iy sug'orish, ariqlarning uzayishi va kengayishi hisobiga yildanyilga ortib borgan. XIX asrning oxiri - XX asr boshlariga kelib sug'orish tarmoqlariga e'tibor pasayganligi kuzatiladi. Daryo suvi kam bo'lganligi tufayli ariqlar va shoxlar (ariqdan kichik, ayrim paykallarni, qishloqdagi hayatni sug'oradigan suv yo'li)ni qum, loyqa va suv o'tlari bosib ketgan. Natijada yildan-yilga sug'oriladigan maydonlar miqdori qisqarib borgan. Bu esa bir qator sabab va omillar bilan bog'liq bo'lgan. Yerlarning kattagina qismi yirik yer egalarining qo'lga o'tib ketgach, sug'orish ishlariga e'tiborsizlik bilan qarash kuchaygan. Yerga bir mavsumda bug'doy yoki arpa ekib olingach, paykallar o'tloqqa aylantirilgan. Vaqt o'tishi bilan bir qancha ariq - zovurlar ko'milib o'z ahamiyatini yo'qotgan[3].

Yerga ishlov berish o'rta asrlar darajasida bo'lib, dehqonchilikning asosiy mehnat qurollari bir juft ho'kiz qo'shib ishlatiladigan qadimgi yog'och so'qa (omoch)dan iborat edi. Arxeologik va etnografik ma'lumotlardan shu narsa ma'lum bo'ladiki, XX asrning boshida ziroatchilik asboblarning aksariyati, ya'ni yerga ishlov byeradigan, yer haydaydigan va yetilgan hosilni yig'ishtiradigan moslamalar takomillashtirilmagan va o'zgarib qolgan edi. Yerni haydashda yog'ochdan yasalgan omoch ishlatilgan. Omoch bo'yinturuq va tirkish bilan ho'kizlarga qo'shilgan. Omoch uch qismdan iborat bo'lgan.

Haydalgan yerdagi kesaklarni ezish, yerni tekislash hamda urug' sepilgandan so'ng ustidan tuproq tortish uchun mola ishlatilgan. Molaning ikki xil turi mavjud bo'lgan: biri katta, uzunligi 3-3,5 m. Ko'p yillik tut yoki o'rik yog'ochidan yasalgan (yo'g'on tanali tut yoki uning tanasi poytesha bilan yo'nirilgan). Molaning eni 40-60 sm bo'lgan. Molani ho'kizlar tortgan. Ho'kizlarni bir kishi yetaklagan, mola ustida ham bir odam o'tirgan. Mola aksariyat lalmikor yerlarda, qatqaloq va xashakli yerlarda ishlatilgan. Bahorgi ekinlar ekiladigan yerlarda mola o'rnida shox-shabbali kichik daraxt tanasi ishlatilgan. Mola yasashga imkoni bo'lmagan



## TARIXSHUNOSLIK

kambag'al xo'jaliklar omochning shotisidan mola sifatida foydalanishgan. Molaning kichigi 2-2,5sm chamasi bo'lgan. Buni qo'sh ho'kiz, ot yoki tuya tortgan[4].

Buxoro vohasida qadimdan ishlatilib kelayotgan yer yumshatgich vositasi belkurakdir. Bu - asbob temirdan yasalgan bo'lib, ishlatuvchining xohishiga qarab, maxsus quloq yasatilgan. Quloq belkurakning o'ng yoki chap tomonida bo'lgan. Ba'zi xonadonlarda ikki tepki quloq ishlangan belkurak bo'lgan. Belkurak yerni kovlash, aravaga go'ng yoki tuproq ortish, ariq qazish va paxsa devor qurishda qo'llanilgan. Belkurakning uzunligi 25-27 sm, eni 20-23 sm atrofida bo'lgan. Dastasining uzunligi 1,3-1,5 metrni tashkil etgan. Loy ishlarida beldan farqliroq, loyni kesishga qulay va yengil bo'lgan kapcha ishlatilgan.

Qadimda dehqonchilikda keng ishlatiladigan mehnat quroli ketmon bo'lib, Buxoro vohasi ziroatchilari uchun ham bu qurolning xizmati katta bo'lgan. Bog'dorchilik, polizchilik, sabzavotchilik va g'allachilikda, umuman, yer ishlarida ketmon ishlatilgan. Ketmonlar ham shakli va hajmiga qarab bir-biridan farqlangan. Eni 30-32 sm, uzunligi 25-27 sm bo'lgan ketmonlar tuproq yuklarida, ayniqsa, jo'yak olish, uvat ko'tarish, egat olish vayer tekislashda ko'proq ishlatilgan. Hajmi kichik ketmonlar esa o'simliklarning tagini yumshatish va chopiq qilishda qo'llanilgan. Ketmon dastasi asosan tol daraxtidan tayyorlangan. Voha dehqonlari yerdan ko'proq hosil olish uchun unga sifatli ishlov berishgan. Tadbirkor boylar kuzda yerni bir-ikki marta qo'sh bilan haydashgan. Mola bosish, dalalarga suv tarqatish va mahalliy o'g'itlarni berish ishlari ham tajribali dehqonlar maslahati bilan amalga oshirilgan. Almashlab ekish ham dehqonchilikda asosiy o'rinda turgan. O'simliklarning mavsumiy xususiyatlaridan kelib chiqib, birining o'rniga ikkinchisini ekishgan. Albatta, bu jarayonda ob-havoning qanday kelishi va tuproqning o'ziga xos xususiyatlari ham hisobga olingan.

O'rta Osiyodagi barcha xalqlar singari Buxoro vohasi dehqonlari ham XX asrning boshlarida donli ekinlarni ko'proq ekishgan. Kuzda haydalgan yerlarga bug'doy, arpa ekilgan. Urug' qo'l bilan sepilgan va ustidan mola tortilgan. Don ekilgan to'qay yerlar asosan, maysa unib chiqqach, boshqoq olish oldidan va don xamirga aylanganidan so'ng 2-3 marta sug'orilgan[4].

Axborotchilarimizning ta'kidlashlaricha, obikor yerlarga oq bug'doy, lalmikor yerlarga «qizil bug'doy», «qora qiltiq bug'doy», tog'oldi yerlarga esa sovuqqa chidamli «chivit» navi ekilgan. Hosil yig'ib olingandan keyin bo'shagan yerlarga mosh, kunjut, uch oylik oq jo'xori, tariq ekilib, yaxshi hosil olingan. Ba'zi dehqonlar qayta ekishga sabzavot va poliz ekinlarini, xususan, sabzi, sholg'om, tarvuz kabilarni ekishni ma'qul ko'rishgan[5].

XX asrning boshida asosiy maydonlarga bug'doy, arpa bilan birga no'xat, zig'ir, kunjut, makka, kungaboqar kabi donli va boshqoqli ekinlar ham ekilgan. Hosildan bo'shagan paykallarning barchasida qayta ekish to'liq amalga oshirilmagan. Chunki qayta ekish uchun dehqonlarning hamma vaqt ham imkoniyati bo'lmagan. Paykallarning asosiy qismi o'rimdan so'ng sug'orilgan, qo'sh bilan 2-3 marta haydalgan. Noyabr oyining oxiri, dekabr oyi ichida yerga «yaxob» suvi berilgan[6]. Albatta, suvlangan yerlar bahorgi ekish mavsumi boshlangunga qadar dam olib yotgan.

XIX asrning oxirlarida Turkiston o'lkasida sug'oriladigan barcha maydonning 70 foiziga g'o'za ekilgan, xolos. Paxta maydonlari Buxoro amirligida 62 foiz, birgina Qashqadaryo vohasida esa 2 ming gektarni tashkil etgan[5].

XX asrning boshlarida Buxoro amirligi Angliyaga va boshqa chet mamlakatlarga turli xil qishloq xo'jalik mahsulotlarini sotgan. Mahsulotlar ichida paxta ko'p bo'lgan. Bu esa o'z navbatida Buxoro vohasining Qorako'l, Olot, Romitan kabi tumanlarida paxtaning ko'p ekilishiga sabab bo'lgan. Vohada «Mavri g'o'za», «Malla paxta» navlari ekilgan. Chorikorlar yetishtirgan paxta hosili katta yer egalari tomonidan sotilgan. Boylar korxonalar (paxtani qayta ishlaydigan kichik korxonalar) qurib, paxtani chigitdan ajratishgan va olingan toladan ip yigirishgan. Iplardan shoyi matolar to'qishgan.

O'rta Osiyo xonliklari bilan savdo-sotiqni rivojlantirish masalasini o'rganish uchun yuborilgan polkovnik Strukovning yozishicha, «Osiyoliklar keltirayotgan turli xil to'qima matolarni oddiy xalq juda xush ko'rib ishlatadi, chunki ular yumshoq va chidamli bo'lgani uchun davlatdagi armiya uchun juda zarur bo'lgan kanop mato o'rnini bosa oladi»[7]. Rus zobitining bu fikrlarini axborotchilarimizdan olingan ma'lumotlar ham tasdiqlaydi.

Yashash sharoiti qanchalik og'ir bo'lmasin, voha ziroatchilari hamisha bir-biriga yordam qo'lini cho'zib kelgan. Ariq ochish, tozalash ishlari kuzning oxiri va qish davri hamda erta

## TARIXSHUNOSLIK

bahorda hashar yo'li bilan amalga oshirilgan bo'lsa, xirmondagi donni ajratish, g'o'zani chopiq qilish, ko'sak chuvish, tok, anor, anjirlarni ko'mish va ochish, daraxtlarga ishlov va shakl berish kabi ishlarni ham dehqonlar hamjihat bo'lib bajarishgan.

Birinchi jahon urushi arafasida Rossiyaning Turkistonda olib borgan mustamlakachilik siyosati boshqa soha vakillari kabi dehqonlarning ham ahvolini og'irlashtirgan. Soliqlarning haddan ortiq ko'payganligi ekin maydonlarining qisqarishiga olib keladi. Xalq bir amallab tirikchilik o'tkazish uchun ishchi ho'kiz o'rinda hattoki o'zlarini omochga qo'shib yer haydaganliklari, ketmon bilan erta-yu kech yer chopganliklari haqidagi ma'lumotlar axborotchilarimiz xotiralarida saqlangan.

Almashlab ekish an'anasiga rioya etilmaganligi natijasida g'o'zaning yomon parvarish qilinishi dalalarning quvvatsizlanishiga, paxta hosilining pasayishi va mavjud navlarning buzilishiga, shuningdek, boshqa sifat ko'rsatkichlarining yomonlashuviga olib keldi. 1916-yildagi ob-havo sharoiti (ko'klamning kech va sovuq kelishi, yozdagi qurg'oqchilik, chigirtka bosishi) iqtisodiyotning va paxtachilik agrotexnikasining ahvolini yanada og'irlashtirdi. Butun Turkiston o'lkasi uchun berilgan bu tavsif Buxoro vohasidagi ahvolni ham ifodalagan, desak xato bo'lmaydi.

**Xulosa.** Xullas, XIX asr oxiri XX asrning boshlarida Buxoro vohasida g'alla, paxta yoki boshqa poliz ekinlarini ekib parvarishlash dehqonlar uchun qo'l mehnati bilan bajariladigan mashg'ulotlar ancha og'ir bo'lgan. Sug'orish shaxobchalarining talabga javob bermaganligi, unumdor yerlarning boy – badavlat kishilar tomonidan bo'lib olingani, Buxoro amiri tomonidan undirilgan soliqlarning haddan ortiqligi, qishloq xo'jalik texnikasi va ish qurollarining oddiyliги madaniy ekinlar hosildorligini oshirishga imkon bermagan.

Dono xalqimiz, tadbirkor bobo dehqonlarimiz ming yillar davomida yerga ishlov berish, ekin ekib mo'l hosil olishning o'ziga xos usullari va tadbirlarini yaratib, Quyi Zarafshonning murakkab tabiiy sharoitida ham jahon ziroatchilik madaniyatiga o'ziga xos munosib hissa qo'shganlar.

## ADABIYOTLAR

1. **КаримовИ.А.** Хавфсизлик ва барқарорлик йўлида – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 409 б. [http://bsmi.uz/kitob/qr/qr0/falsafa/asosiy/6-jild.%20Xavfsizlik%20va%20barqarorlik%20yo'lida\\_copy.pdf](http://bsmi.uz/kitob/qr/qr0/falsafa/asosiy/6-jild.%20Xavfsizlik%20va%20barqarorlik%20yo'lida_copy.pdf)
2. XX asrning boshlarida Ўзбекистонning sug'oriliш tarixi haqida quyidagi tadqiqotchilar atroflicha fikr bildiriшgan: Дингельштедт Н. Опыт изучения ирригации Туркестанского края //Сырдарьинская область. Ч. 1-2. - СПб., 1898; Пален К.К. Орошение в Туркестане (Отчет по ревизии Туркестанского края). - СПб., 1910; Маллицкий Н.Г. Обычное право водопользования в Ташкентском районе и отношение его к шариату //Вестник ирригации. -1925. - № 4. - С. 14; Дембо И. Земельный строй Востока. -Л., 1927; Фуломов Я. Хоразмнинг sug'oriliш tarixi. - 1959; Муҳаммаджонов А. Қуйи Зарафшон водийсининг sug'oriliш tarixi. – Т..1972. Ўша муаллиф. Ўзбекистоннинг қадимги гидротехника иншоотлари. –Т., 1997;
3. **Жабборов И.** Жиловланган дарёлар ўлкаси. – Т.: Ўқитувчи, 1964.
4. Дала ёзувлари , 1997 йил. Қоракўл тумани.
5. Дала ёзувлари 1998 йил, Ромитан тумани Ромиш қишлоғи.
6. **Жабборов И.** Ўзбек халқ этнографияси. – Т.,1994. – Б. 102.
7. **Шаниязов К.Ш.** Узбеки - карлуки. –Т.,1964. – Б. 169.
8. **Рожкова М.К.** Экономическая политика царского правительства на Среднем Востоке во второй четверти XIX века и русская буржуазия. – М.- Л., 1949. – С. 41.

UDK: 94:341.76:327.82[575/1/581]17-18

**BUXORO AMIRLIGI DIPLOMATIYASIDA AFG'ONISTONNING O'RNI  
(XVIII-XIX ASRLAR)**

**РОЛЬ АФГАНИСТАНА В ДИПЛОМАТИИ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА  
(XVIII-XIX ВЕКА)**

**THE ROLE OF AFGHANISTAN IN DIPLOMACY OF BUKHARA EMIRATE  
(XVIII-XIX CENTURIES)**

**Zaripov Jahongir Gulmurodovich**

*BuxDU jahon tarixi kafedrasi o'qituvchisi*

**Ahmadjon Asroro'g'li Ahmadov**

*BuxDU jahon tarixi kafedrasi magistri*

**Tayanch so'zlar:** Afg'oniston, Buxoro, hamkorlik, savdo-sotiq, diplomatiya, "Pall-Mall", aloqalar, amir, qushbegi, qozi, karvonyo'li, ichki va tashqi savdo, savdogar.

**Ключевые слова:** Афганистан, Бухара, содружество, купля-продажа, дипломатия, "Палл-Малл", отношения, эмир, кушбеги, судья, путь каравана, внутренняя и внешняя торговля, торговец.

**Key words:** Afghanistan, Bukhara, cooperation, trade, diplomacy, "Pall-Mall", relations, emir, qushbegi, kazi, caravan road, Internal and external trade, merchant.

*Mazkur maqolada Buxoro amirligining tashqi siyosatida qo'shni davlat Afg'onistonning o'rni va roli yoritilgan. Ikki davlatning XVIII-XIX asrlar tarixi manbalar va adabiyotlar orqali tahlil qilingan.*

*В данной статье на основе исторических материалов рассмотрены роль и место Афганистана во внешней политике Бухарского эмирата в XVIII-XIX веках.*

*In this article, in foreign policy of Emirate of Bukhara the place and role of neighbor Afghanistan are written. The history of both countries in XVIII-XIX centuries is analyzed with literatures and sources.*

**Kirish.** Afg'oniston va Buxoro amirligi o'rtasidagi o'zaro aloqalar XVIII asrga kelib ancha jonlandi. Chunki, bu davrda Afg'onistonda rasman yangi sulola durroniylar imperiyasiga 1747-yil asos solinadi. Buxoro amirligida esa 1753-yilda mang'itlar sulolasining hukmronligining o'rnatilishi bilan o'zaro aloqalar jonlangan. Ushbu ikki davlat o'rtasidagi aloqalarning bir ko'rinishi savdo-sotiq ko'rinishida bo'lib, bu jihat keying asrlarda yana ham ko'payganligini ko'ramiz. Ikkinchi jihat esa siyosiy manfaatlar negizida bo'lib, bunda har ikki davlat amirlarning manfaatlari to'qnashganligini ko'ramiz.

**Mavzuning manbashunosligi va tarixshunosligi:** Buxoro amirligi diplomatiyasida Afg'onistonning o'rni va roli mavzusini yoritishda Туркестанский сборник materiallaridan foydalanildi. Shuning bilan birgalikda Аненкова М.Н. Отношения Англо-Индийских владений к северо-западным соседям. – С.-Петербург 1874, Sayyid Mansur Olimiy Buxoro – Turkiston beshigi. fors tilidan Halim To'rayev tarjimasi Buxoro – 2004-yil, Hayitov Sh.A., Mirzoyev Sh.M. Afg'oniston tarix ko'zgustida. - Buxoro., "Durdona", 2018-yil, Shodiyev J.M Buxoro amirligi davlatchiligining rivojlanishi. - Toshkent., 2010-yil, kabi adabiyotlar tahlil qilindi. Shuning bilan birgalikda Q. Rajabov [1, 37] J. Ergashev [2, 108-110.], M.Orziyev, Rizayev B. [3, 155-157], J. Hayitov, Sh. Mirzayev [4,156-159] kabilarning ayrim maqolalari mavzu mazmunini ochib berishda yordam berdi.

**Mavzuning asosiy mazmuni:** Buxoro amirligi (1753-1920-yillar) ning mang'itlar sulolasi hukmronlik yillarida tashqi aloqalar va amirlik diplomatiyasi bilan bog'liq jihatlar hali to'liq o'rganilmay kelayotgan va va tadqiqotchilar oldida turgan asosiy vazifalardandur. Lekin shunday bo'lsada Buxoro amirligining ayrim amirlari davrida bir qancha davlatlar xususan, Rossiya, Usmonli turklar imperiyasi, Eron, Hindiston, Xitoy va Afg'oniston davlatlari bilan diplomatik, hamkorlik, savdo-sotiq, elchilik kabi olib borgan aloqalarini ko'rishimiz mumkin.

## TARIXSHUNOSLIK

Shu bilan birga, bizgacha etib kelgan ma'lumotlarni tahlil etish orqali mang'it hukmdorlaridan amir Haydar, amir Nasrullo, amir Muzaffar va amir Abdulahadlar hamda qisman amir Said Olimxon davrida diplomatik aloqalar bir muncha faol kechganligini ko'rishimiz mumkin.

Bunda y xulosaga kelish uchun quyidagi jihatlar asos bo'lganligini qayd etish o'rinni deb hisoblaymiz:

Birinchidan, ushbu amirlar hukmronligi yillariga oid diplomatik yozishmalar, xatlar va hujjatlar ko'proq saqlangan;

Ikkinchidan, ushbu davrda Buxoro amirligi va boshqa davlatlar bilan diplomatik munosabatlar o'rnatishga keng e'tibor berilgan;

Uchinchidan, olib borilgan tashqi siyosat o'z navbatida, amirlikda savdo-sotiqni rivojlantirishga, yangi ta'lim usullarini kirib kelishiga, sanoat, qurilish va ishlab chiqarish sohaslarida muayyan darajada o'zgarishlarga olib kelgan;

To'rtinchidan, aynan ushbu davrga kelib davlat hokimiyatini amalga oshirishda yuzaga keladigan muammolarni huquqiy vositalar asosida hal qilishga e'tibor qaratilgan [5, 44-45].

Amir Haydar hukmronligi davrida O'rta Osiyo davlatlari – Xiva va Qo'qon xonliklari, Rossiya, Eron, Afg'oniston, Xitoy hamda Usmoniylar davlati bilan xalqaro iqtisodiy, madaniy va siyosiy-huquqiy munosabatlarni shakllantirish maqsadida elchilik aloqalarini yanada mustahkamlashga harakat qilingan. U o'z sulolasidan bo'lgan boshqa amirlardan farqli o'laroq, mang'itlar hukmronligini mustahkamlash, ichki va tashqi muxoliflarga qarshi kurashda qator muvaffaqiyatlarni qo'lga kiritishga erishgan davlat boshlig'i sifatida ajralib turadi [6, 44-45].

Amir Haydar davlatni boshqarishda asosan tashqi munosabatlarga e'tibor qaratadi, xususan, u afg'on hukmdori Ahmad Shoh Durrioniyning o'g'li Sho'ja al-Mulkom bilan ikki mamlakat o'rtasida o'zaro do'stlik rishtalarini qayta tiklashga muvaffaq bo'lgan [7, 21].

Buxoro amiri Amir Shohmurod davrida Buxoro amirligining tashqi siyosati asosan Afg'oniston va Eron mamlakatlari bilan bo'lib, unda doimiy harbiy to'qnashuvlar bo'lib turganligiga guvoh bo'lamiz. Tarixchi olim va shoir Mirzo Sodiq Jondoriy (to'liq nomi: Mirzo Muhammad Sodiq ibn Abduvali Munshiy Jondoriy; XVIII asr 50-yillari – 1819) ning fikriga qaraganda, Amir Shohmurod har yili qizilboshlar (Eron shialari) ga qarshi Xurosonga harbiy yurishlar uyushtirib, Mashhad va Tehrongacha borgan. U 20 martadan ortiq harbiy yurishlar qilgan. Amir Shohmurod Xurosonning boshqa qismi – Balx viloyati uchun afg'onlarning Durrioniylar davlati hukmdori Temirshoh ibn Ahmadshoh Durrioniyga qarshi urush olib borgan. Balx viloyati hududi avval Buxoro xonligiga qaragan. So'ngra bu hududlarni Eron shohi Nodirshoh Afshor (hukmronlik davri; 1736-1747) bosib olgan edi. Nodirshohning vafotidan so'ng 1852-yilda bu hudud durrioniylar tomonidan bosib olingan. Tarixiy manbalarda Chahor viloyat – Chor viloyat nomi bilan mashhur bo'lgan Andxuy, Shibirg'on, Saripul, Aqcha (Oqcha) viloyatlari aholisi asosan o'zbeklar va qisman tojiklardan iborat bo'lgan. Shuning uchun ham Balx va Aqcha aholisi afg'onlarga qarshi qo'zg'alon ko'tarib, 1788-yili Amir Shohmuroddan harbiy yordam so'rashgan. 1789-1792-yillarda o'zbek va afg'on qo'shinlari o'rtasida Kalif va Aqcha viloyatlarida bo'lgan janglarda Amir Shohmurod qo'shinlarig'olib chiqqan. Har ikki o'rtada sulh tuzilib, Balx, Maymana va Andxuy Buxoroga qaytarilgan, Badaxshon qisman afg'on davlati tasarrufida qolgan [8, 37].

Shunday qilib, Shohmurod Amudaryoning o'ng qirg'og'idagi oldingi Buxoro yerlarini qaytarib olish uchun Afg'on hokimi Temurshoh ibn Ahmadshoh Durrioniyga (1772–1792 y.y.) qarshi urushlar olib bordi. XVIII asrning boshlarida ushbu yerlar, ya'ni Balx, Maymana, Andxuy Afg'on davlati asoschisi Ahmad shoh Durrioniy (1743–1773 y.y.) tomonidan bosib olingan edi. Qisqa muddatli janglardan so'ng (Oqchi degan mavzega yaqin joyda) Shohmurod bilan Temurshoh o'rtasida sulh tuzilib, ushbu sulhga muvofiq Amudaryo ikkala davlat, ya'ni Buxoro bilan Afg'oniston o'rtasida chegara deb belgilandi. Maymana va Andxo'y Buxoro tobeligiga va Balx bilan Badaxshon afg'onlar itoatiga kirdi.

Mang'it amirlarining so'ngi vakili amir Sayyid Olimxon (1910-1920) hukmronligi yillarida davlatda tashqi siyosiy va diplomatik masalalar deyarli mustamlakaahamiyatiga ega bo'lgan. Bu davrga kelib Buxoroamirligi faqatgina Afg'oniston davlati bilan Chor hukumatiga qarshi kurashish maqsadida yashirin diplomatik aloqalarni olib borgan edi.

Chor Rossiyasi qo'laganidan keyin Muvaqqat hukumat va Buxoroamirligi o'rtasida kelishuv tuzilib, unga Muvaqqat hukumat tarafidan A.G. Preobrajenskiy vaamir Sayyid Olimxonlar imzo

## TARIXSHUNOSLIK

chekadilar. Ushbu kelishuvdan ustamonlik bilan foydalangan amir Sayyid Olimxon mustaqillik uchun kurashish maqsadida qo'shni davlatlardan, xususan, Afg'onistondan madad so'raydi. Afg'on davlatidan Buxoroga muxtor vakil sifatida tayinlangan Muhammad Valixon amirga tashqi siyosiy masalalarda o'zining kerakli maslahatlarini berib, din va millat uchun yakdil kurashda tayyor ekanligini bildiradi hamda Fazl Ahmadxon boshchiligida ikki yuz nafar askar, ettita to'p va shuncha filni yuboradi.

XIX asrning oxiri va XX asr boshlarigaqadar Zarafshon vodiysi (Buxoro amirligi) aholisi o'z xo'jaliklarida chorvachilikning qo'ychilik, qoramolchilik, yilqichilik, tuyachilik va qisman parrandachilik tarmoqlari bilan shug'ullangan.

Chorvachilikning rivojlanish darajasi bu davrda Buxoro Amirligida O'rta Osiyoning boshqa jo'ylariga qaraganda past edi. U aholining talabini to'la qondira olmas edi. Masalan Buxoro shahrida o'rta hisobda har kuni 6 000 qo'y so'yib sotilgan. Shu tufayli aholi ehtiyojini qondirish uchun chorva mollarining ma'lum qismini chetdan keltirishga majbur bo'lganlar. Bu ish bilan chorvador sanoatchilar, mol jaloblari shug'ullangan. Ular Shimoliy Afg'onistondan yiliga deyarli 100 ming bosh qo'y keltirganlar. Shundan ozrog'i Toshkentda, katta qismi Zarafshon vodiysi(Buxoro amirligi )ga sotilgan [9-82].

Bundan tashqari XIX asr ikkinchi yarmiga qadar Buxoro va Afg'oniston o'rtasida bevosita savdo-sotiq aloqalari keng miqyosda olib borilgan. Buxoro-Kobul (Afg'oniston) savdo-sotiq munosabatlarida karvon savdosi muhim ahamiyat kasb etib, hindistonlik savdogar Mir Halimning yozishicha ikki mamlakat o'rtasidagi yillik savdo aylanmasi 10-15 ming tuya yukni tashkil etgan. Afg'oniston va Buxoroni tutashtiruvchi savdo-sotiq va karvon yo'llarida 200-300 tuyalik karvonlar qatnovi muntazam bo'lib turgan [10-4].

Buxoro amirligining tashqi siyosatida Afg'onistonning o'rni sezilarli darajada bo'lib Buxoro amirligining tugatilishi jarayoni bilan bog'liq masalada Turkfront qo'mondoni M.V. Frunze ham amirlikni egallashda unga Afg'oniston bilan harbiy ittifoq tuzganligini bahona qilgan. Xususan Turkfront qo'mondoni M.V. Frunze harbiy harakatlarni tezlashtirishni so'rab 1920-yil 31-iyulda V.I. Leninga : "... Buxoro amiri bizga qarshi hujumga zo'r berib tayyorlanmoqda. U Afg'oniston bilan harbiy ittifoq tuzdi. Amirlik shu tariqa yashab tursa sharqdagi bizning barcha siyosatimiz qo'l-oyoqsiz qoladi" [11, 75-76] kabi xatidan ham bilish mumkinki Buxoro amirligi va Afg'oniston o'rtasidagi diplomatik aloqalardan rus hukumati vakillari ham xabardor bo'lgan. Va bu ikki davlatning diplomatiyasidan xavsirab turgan.

Buxoro amirining afg'onlardan yordam so'rashi bilan bog'liq ma'lumotlarning birida Muzaffarxonga afg'onlaramirga mablag', qo'shin bilan emas, balki amirlik erlaridan o'tib, o'zlari mustaqil ravishda ruslar bilan jang qilish talabini qo'yganlar. Buxoro amiri afg'onlarning beg'arazligiga shubha bilan qarab, ularning bu taklifini rad etadi [12, 137]. Manbada ushbu harbiy yordam Afg'onistondagi qaysi siyosiy rahnamodan so'ralganligi keltirilmagan. Chunki, 1865-yil Erjardagi jangda amir Muzaffar mag'lubiyatga uchrach, Buxoro qo'shinlarining rus armiyasiga jiddiy qarshilik ko'rsata olmasligi aniq bo'lib qolgandi. Afg'onistonda esa, 1863 yil amir Do'stmuhammadxonning vafotidan keyin uning o'g'illari hokimiyat uchun o'zaro kurash olib borayotgan edilar. Sheralixon, o'z akalari Afzalxon, Azimxonlar bilan taxt uchun kurash olib borayotgandi.

Savdogarlardan olingan ma'lumotlar asosida Rossiya imperiyasi ma'murlari Muzaffarxon o'sha paytda Balxda hukmron bo'lib turgan shahzoda Abdurahmonxondan yordam so'ragani, ammo, u Afg'on Turkistonidagi Maymana bekligi bilan urush olib borayotganligi sababli Muzaffarxonga harbiy yordam ko'rsata olmaganligi bilan bog'liq fikr mulohazalarni yozib qoldirganlar [13, 2].

Amir Muzaffarxonning Afg'on Shahzodasi Abdurahmonxondan yordam so'rashi mantiqli bo'lib, Afg'on Turkistonda yashovchi etnik o'zbek-tojiklarning aksari o'zini Buxoro fuqarolari deb hisoblar va Afg'on hokimlariga uqadar bo'ynsunmasdi. Ammo, amir Do'stmuhammadxon o'zining katta o'g'li Afzalxonni janubiy Turkistonga hokim qilib yuborgach, u mahalliy aholi bilan umumiy til topishga harakat qiladi. Buning uchun u o'z o'g'li Abdurahmonxonga Buxoro amiri Muzaffarxonning qizini olib bergan bo'lsa, Muzaffarxonga o'z qizini xotinlikka berganligini tarixiy manbalardagi ma'lumotlar tasdiqlaydi [14, 237].

Buxoro amiri Muzaffarxon harbiy yordamni o'z kuyovi Abdurahmonxondan so'ragan bo'lib, o'z navbatida u Afg'onistondagi taxt talashishlarda band bo'lganligi bois Buxoroga yordam

## TARIXSHUNOSLIK

ko'rsata olish imkoniga ega emasdi. Aksincha, Muzaffarxon o'zi Rossiya imperiyasiga qarshi urush holatida bo'lsada, Abdurahmonxonga Afg'oniston taxtini egallashda harbiy va moliyaviy yordam beradi. 1865 yilda Abdurahmonxonning otasi Afzalxonni Kobul taxtini egallab, ukasi SHERALIXON turmaga tashlagan bo'lib, Abdurahmonxon otasini qutqarish va Afg'oniston taxtini egallash maqsadida Buxorodan harbiy va moliyaviy yordam olib 1866 yilda Kobul taxtini qo'lga kiritadi [15, 235].

Abdurahmonxonning Buxoro amiri Muzaffarxonga kuyov bo'lishi xususidagi ma'lumotlar manbalarda turlicha talqin qilinadi. Keltirilgan ma'lumotlarning birida Amir Muzaffarxon Abdurahmonxonga qizini 1864 yilda turmushga berganligi keltirilib, Afg'oniston taxtiga kuyovini chiqishini ta'minlash va o'zining siyosiy mavqei kuchaytirish uchun unga harbiy va moliyaviy yordam bergan. Shu yordam evaziga 1866 yilda Abdurahmonxon Kobul taxtini otasi Afzalxonga olib berganligi "Turkiston to'plami"ning 80-tomidagi ma'lumotlarda keltirib o'tilgan [16, 95]. Tarixiy voqeyliklar shuni ko'rsatadiki, Abdurahmonxon oxir-oqibat amakisi SHERALIXONDAN mag'lub bo'lib, Eron, Xiva, Buxoro va nihoyat Samarqandda qo'nim topadi. 1868-1878 yillar davomida Rossiya imperiyasining faxriy nafaqaxo'ri sifatida yashaydi.

1868 yilda amir Muzaffar Rossiya imperiyasiga qaramlikni tan olgandan so'ng uning o'g'li Abdumalik katta to'raisyonni boshlanadi. Mag'lub bo'lgan Katta To'ra Afg'onistonga borgach, bu erda amir SHERALIXON tomonidan yaxshi kutib olinadi. Katta To'raga o'z qizini nikohlab berish orqali kelajakda Buxoro taxtiga o'z vakilini o'tqazish rejasi vujudga keladi. Bu xabarni eshitgan amir Muzaffarxon o'zi va kuyovlari (Amir Muzaffar ikki qizini Afg'on Turkistonidagi Saripul va Oqshabeklariga turmushga uzatgan va amir SHERALI bu bekliklarni tugatgach, ular Buxoroga qochib kelgandilar - A.A.)ning ashaddiy raqibiga qarshi Rossiya imperiyasidan yordam so'raydi. Bir paytning o'zida esa, Xo'ja Eshon O'ronni Afg'oniston amiri saroyiga elchi sifatida jo'natib, Afg'on Turkistonidagi avvalgi Buxoro erlarini qaytarishni talab etadi. Rossiya va Angliya talabi bilan ikki davlat o'rtasidagi boshlanishi muqarrar bo'lgan urush to'xtatiladi. 1869 yilda Rossiya talabi bilan Buxoroda boshlangan muzokaralarda ikki o'rtadagi chegara Amudaryo deb belgilanadi [17-201].

Afg'oniston taxtiga SHERALIXON mustahkamlanib olgach, Buxoro va Afg'oniston o'rtasidagi munosabatlar tezda ijobiy tomonga o'zgarmagan. "Novoe vremya" matbuot organining 1870 yil 241-sonida; Turkiston general gubernatorligining elchilari Buxoroga kelganda, amir qabulida Afg'on elchilari ham bo'lganligi, afg'onlar kofirlar (ruslar) bilan bir vaqtda o'zlarini qabul qilinishlaridan norozi bo'lib, qabulni tark etmoqchi bo'lganlari, ularni amir qolishlarini iltimos qilgani, afg'onlar Buxoroga Amudaryoning o'ng sohilida qal'a qurish va ruslarga qarshi birgalikda kurashishni talab qilib kelganligi 12 ming afg'on qo'shini chegaradagi Toshqo'rg'onda turganligi bilan bog'liq ma'lumotlar keltirib o'tilgan [18].

Afg'onlarni Angliya hukumati Rossiya bilan urushga tortishga imkon qadar harakat qilgan. Buxoro va Afg'oniston ittifoqi esa, Rossiyaga qarshi kurashda afg'on qo'shinlariga mintaqada erkin harakat qilish imkonini berardi. Rossiyaning Xiva xonligini bo'ysuntirish jarayonida ham Afg'oniston elchilari kelib, Buxoro amiridan ruslarni cho'ldan o'tishda zaruriy narsalar bilan ta'minlamaslikni talab qiladilar. Ammo, Rossiya imperiyasi bilan savdo-iqtisodiy jihatdan kuchli bog'langan buxorolik savdogarlar amirdan afg'onlar talabini bajarmaslikni so'raydilar. Birinchi navbatda tatar savdogari Karatovva u bilan yaqin bo'lgan savdogarlar bu talabni bajarmaslikni talab qiladilar. Ushbu ma'lumotlarni yozar ekan N. Stremouxov Buxoroda Rossiya bilan tinch yashash va urush tarafdorlari hali mavjudligi, o'zini musulmon deb o'ylagan va Afg'oniston elchilarini olib yurgan bir buxorolik; "Bizning qo'shinimiz ruslarni engaladi, amir Muzaffar qo'rqoq u o'zini Rossiya dushmani deb e'lon qilishdan qo'rqadi" - degan jumalarni keltirib o'tadiki, bu Buxoro va Afg'oniston o'rtasidagi Rossiyaga qarshi kurash masalasi keyingi davrlarda ham diplomatik munosabatlarda asosiy mavzulardan biri bo'lganligini ko'rsatadi [19, 87].

XIX asr oxiri XX asr boshlarida Buxoro hududi orqali olib borilgan Rossiya – Afg'oniston savdo-sotig'idan pul aylanmasi miqdori yildan yilga muttasil oshib borgan. 1905-yilda ikki mamlakat o'rtasidagi savdo aylanmasi 3,964549 rublni tashkil etgan. 1906-yilga kelib esa 5 mln rublga yetgan. Afg'onistondan Rossiyaga ko'rsatilgan yillarda o'rtacha miqdorda 2 mln rublik tovarlar olib kelinardi [20-6].

## TARIXSHUNOSLIK

Usmonli turk davlatining mintaqada XIX asrning 70 yillaridan ta'siri oshib borib, barcha musulmonlar birligi ramziga aylangandi. Ushbu davlat tashabbusi bilan Buxoro va Afg'oniston davlatlari ayrim masalalarda o'zaro kelishishga muvoffaq bo'ladilar. "Pall-Mall" gazetasi maqolalaridan ko'chirma olgan "Turkiston to'plami"dagi qisqa xabarlarining birida 1870-yilda Kobulga Buxoro va Usmonli turk davlatidan elchilar kelgani, ularni Sherdilxon degan kimsa kuzatib qo'ygani, Buxoro va Afg'oniston davlatlari bir-biriga siyosiy raqiblarini tutib berishlari, siyosiy qochoqlarga boshpana bermasliklarini kelishib olganlar. Shuningdek, Buxoro amiriga ruslar bilan ehtiyotkorona munosabatda bo'lish tavsiyalari berilganligi keltirib o'tilgan [21, 213].

Xulosa qilib aytganda, Buxoro amirligining tashqi siyosatida qo'shni davlat Afg'oniston roli sezilarli darajada bo'lib, yuqorida ko'rsatilgan ikki davlat o'rtasida olib borilgan aloqalar fikrimizning isbotidir. Rossiya bosqini davrida Buxoro amirligi Afg'oniston bilan siyosiy, diplomatik munosabatlari faollashib u goh raqiblik, goh ittifoqchilik asosida bo'ldi. Buning asosiy sababi ikki davlatning ham buyuk davlatlar ta'siri doirasidan chiqib keta olmaganligida edi. Shu sababli Buxoro va Afg'oniston ikki imperiyachi davlatlarning qaram, yarim mustamlakasiga aylandi.

### ADABIYOTLAR

1. **Rajabov Q.** Amir Shohmurod yoxud "amiri mas'um" maqolasi. Buxoro mavjlari. 2006.– B. 36-38.
2. **Ergashev J.** Buxoro va Afg'oniston: aloqalarining diplomatik tarixiy tajribasi (XX asr boshi) Buxoro tarixi masalalari (Eng qadimgi zamonlardan hozirgacha).– Buxoro: Durdon, 2016.– B.108-110.
3. **Rizayev B.** XX asr boshlarida Buxoro-Afg'oniston munosabatlari xususida Buxoro tarixi masalalari (Eng qadimgi zamonlardan hozirgacha).– Buxoro: Durdon, 2016.–B.155-157.
4. **Ҳайитов Ж.Ш., Мирзаев Ш.М.** Бухоро ва Афғонистон дипломатик алоқаларининг тарихий тажрибаси (XIX XX аср биринчи чорағи).– В.: Бухоро Давлат Университети илмий ахбороти, 2017. –В.156-159.
5. **Shodiev J.M.** Buxoro amirligi davlatchiligining rivojlanishi.– T., 2010.–B.3-114.
6. **Rajabov Q.** Amir Shohmurod yoxud "amiri mas'um" maqolasi. - Buxoro mavjlari. 2006.– B.36-38.
7. **Toshev H.** XIX asr oxiri XX asr boshlarida Zarafshon o'zbeklarining xo'jaligi va ijtimoiy turmushi.–T.: Fan, 1987.–B.3-100.
8. **Hayitov Sh.A.** Vatan mehri.– Buxoro., 2010.–B.3-88.
9. **Qosimov F.H., Rashidov U.J.** Buxoro amirligining tugatilishi Buxoro tarixi masalalari (maqolalar to'plami). Buxoro.–1996. – B.73-79.
10. Наши дела в Бухаре от вступления в управление краем генерала Кауфмана //Туркестанский сборник.- СПб., 1869.- Том 6. – С. 337.
11. Новости из Центральной Азии//Туркестанский сборник. - СПб., 1869. - Т. 8. – С. 387.
12. Шерали и его отношение к Англии//Туркестанский сборник. - Т. 296. – С. 427.
13. Русско-индийский вопрос//Туркестанский сборник. - Т. 33. – С. 544.
14. **Анненкова М.Н.** Отношения Англо-индийских владений к северо-западным соседям. – СПб., 1874. – С. 95.
15. Туркестанский сборник. СПб., 1871. – Т. 41. – С. 318.
16. Новое Время// Туркестанский сборник. – 1870. - № 241. – С.299.
17. **Стемоухов Н.** Поездка в Бухару. – 1854. – С. 87.
18. **Hayitov Sh.A.** Vatan mehri. – Buxoro.,2010. – B. 3-88.
19. Pall-Mall//Туркестанский сборник. –Т.41. – С. 318.

UDK: 338.436(575.1)

**BUXORO HUDUDINING TURISTIK SALOHİYATINI KO‘TARISHDA ZIYORAT TURIZMINING AHAMIYATI VA ROLI**

**ЗНАЧЕНИЕ И РОЛЬ ПАЛОМНИЧЕСКОГО ТУРИЗМА В ПОВЫШЕНИИ ТУРИСТИЧЕСКОГО ПОТЕНЦИАЛА БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ**

**IMPORTANCE AND ROLE OF ZIYARAH TOURISM IN RAISING TOURISM POTENTIAL OF BUKHARA REGION**

**Navruz-zoda Baxtiyor Ne‘matovich**

*BuxDU turizm kafedrası professori, i.f.d.*

**Najmiddinov Sulton Nuralio‘g‘li**

*BuxDU talabasi*

**Tayanch so‘zlar:** ziyorat, Buxoro, madaniy-meros obyekti, statistika, forum.

**Ключевые слова:** паломничество, Бухара, объекты культурного наследия, статистика, форум.

**Key words:** ziyorah, Bukhara, cultural heritage objects, statistics, forum.

*Ushbu maqola Buxoro hududida ziyorat turizmining ahamiyati va amalga oshirilayotgan ishlar yoritilgan. Xususan, Buxoroda ziyorat turizmiga oid amalga oshirilayotgan chora-tadbirlardan biri, I Xalqaro ziyorat turizmi forumi o‘tkazilganligi va joriy yilda Buxoro deklaratsiyasini imzolashga erishilganligi haqida batafsil ma‘lumotlar keltirilgan. Shuningdek, bu yurtning turistik salohiyati va chet elliklarning e‘tirofi haqida ma‘lumot berilgan va kelgusi yillarda hududda turistlarning soni keskin oshib borishi borasida xulosalar keltirilgan.*

*В данной статье подчеркивается важность развития туризма в Бухарской области и отмечаются позитивные изменения в данной отрасли. В частности, проведен I-й Международный форум по туристическому утуризму, подписана Бухарская декларация в этом году. Также в статье представлены информация о туристическом потенциале региона и некоторые выводы относительно резкого увеличения количества туристов в регионе в ближайшие годы.*

*This article outlines the importance of Ziyarah tourism and positive changes for the development of touristic potential in Bukhara region. In particular, related Ziyorah tourism in Bukhara there has been taken one of the measures, the I-International Ziyarah Tourism Forum, and the signing of the Bukhara Declaration this year. As well as it provides information about the tourist potential of the region and the foreigners' recognition and, there are conclusions regarding the sharp increase in the number of tourists in the region in the forthcoming years.*

**Kirish.** Sharqda "Ziyorat" - "muqaddas joylarga tashrif buyurish" degan ma'noni anglatadi. Buxoro hududida mashhur muqaddas joylar juda ko'p bo'lib, ularning 660 ta madaniy meros obyekti mavjud. Ularning aksariyati arxeologik obyektlar, monumental san'at asarlari, arxitektura yodgorliklaridir. Shuningdek, bu hududning o'ziga xos jozibadorligi o'zining ko'p sonli madaniy meros obyekti borligi va shularning ichidan butun dunyoda tanilgan "Yeti Pir"ning mavjudligi hududning turistik salohiyati yuqoriligini ko'rsatadi. Hozirgi kunda hududda turistlarning kelish oqimi oshayotganligi va kelgusida bu raqamlar shiddatli oshishi bo'yicha ko'plab amaliy ishlar qilinmoqda. Xususan, Buxoroda ziyorat turizmiga oid amalga oshirilayotgan chora-tadbirlardan biri, I Xalqaro ziyorat turizmi forumi o'tkazilganligi va joriy yilda Buxoro deklaratsiyasini imzolashga erishilganligi vohani naqadar turistik makon sifatida e'tirof etilishini anglash mumkin. Shu o'rinda alohida qayd etish lozimki, Prezidentimiz tomonlaridan sohaga oid qabul qilingan farmon va qarorlar turizmni jadal rivojlantirishda muhim huquqiy asos vazifasini bajarmoqda. Xususan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 - yil 19 - maydagi PQ-2980-sonli "2017-2019 yillarda Buxoro shahri va Buxoro viloyatining turizm salohiyatini jadal rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarorlari esa hududda sayyohlik industriyasini rivojlantirishda nihoyatda muhim dasturi amal bo'lib xizmat qilmoqda [1].

**Asosiy qism.** Ma'lumki, yurtimizda turizmni takomillashtirish yo'lida amalga oshirilayotgan ishtiqlik islohotlar xorijiy sayyohlar uchun qulay shart-sharoitlar yaratish bilan birga, mintaq



## IQTISODIYOT

turizmi salohiyatini takomillashtirishga ham katta hissa qo'shadi. Shuningdek, jahon hamjamiyatida mamlakatimizning munosib o'ringa ega bo'lishida turistik bozori ham ahamiyat kasb etadi. Nufuzli xalqaro tashkilotlar va olimlarning tadqiqotlari kelajakda turizm bozori eng barqaror o'sish imkoniyatiga ega bo'lgan yo'nalish sifatida asoslab berilgan. Jahon turizm tash-kiloti (JTT) prognozlariga ko'ra, 2030 - yilga kelib, sayohat qiluvchilar soni 1.5 mlrd kishidan ortiq bo'lib, tushadigan daromad hajmi 5.0 trln. dollar bo'lishi kutilmoqda [2]. Bu ko'rsatkichlar o'z navbatida yurtimizda turistlarning soni oshishiga o'z ta'sirini ko'rsatmasdan qolmaydi.

Shu bilan birga, qaysi davlat bo'lishidan qat'iy nazar turistlarning sonini oshishi bevosita turistik infrastrukturani rivojlantirish bilan bog'liqdir. Shu o'rinda Buxoro hududida ham keng ko'lamlil ishlar amalga oshirilayotganligini quyidagi statistikalarda ko'rishimiz mumkin.

Ayni paytda Buxoro viloyatida 3873 o'ringa ega, 124 ta (shu jumladan 108 tasi Buxoro shahrida) mehmonxona faoliyat ko'rsatmoqda. 2017 - yilda 22 ta yangi mehmonxona ishga tushdi. 2018 - yilda 1600 o'rinli 30 ta yangi mehmonxona (2020 - yil yakuniga 190 taga yetkaziladi) quriladi. "Buxoro palas", "Varahsha" va "Zarafshon" mehmonxonalari rekonstruksiya qilinmoqda [3]. Viloyatda jami 660 ta obyekt mavjud bo'lib, ular ro'yxatga olingandir. Shundan: 105 tasiga sayohatchilar tashrif buyurishadi. Yuqorida aytilgan barcha ko'rsatkichlar amalga tatbiq etilgandan so'ng, uning natijasi turistlar sonining oshishi va ular iste'mol qilgan servisdan qoniqishi orqali bilishimiz mumkindir. Shu bilan birga turistik infrastrukturani yaratish orqali Buxoro hududida oxirgi yillar va 2019 - yilda kutilayotgan turistlar oqimini 1-jadvalda ko'rishimiz mumkin.

### \* Buxoro hududida turistlarning kelish oqimi yillar bo'yicha

1-jadval

No	Xorijiy davlatlar	2017 - yil	2018 - yil	2019 - yil
1	AQSH	1969	5000	6500
2	Yevropa davlatlari	34566	86400	103700
3	Shu jumladan			
4	Fransiya	8354	20800	25100
5	Germaniya	7364	18300	22100
6	Italiya	4468	11100	13400
7	Ispaniya	3593	8900	10700
8	Buyuk Britaniya	2341	5800	7000
9	Shvetsariya	1565	3900	4700
10	Gollandiya	987	2400	2900
11	Avstriya	895	2200	2600
12	Belgiya	742	1800	2200
13	Polsha	687	1700	2100
14	Shvetsiya	501	1200	1500
15	Yaponiya	6354	15800	19000
16	Janubiy Korea	3775	9400	11300
17	XXP	3505	8700	10500
18	Malayziya	2386	5900	7100
19	Turkiya	1546	3800	4600
20	Isroil	1522	3800	4500
21	Hindiston	1267	3100	3800
22	Eron	668	1600	2000
23	Indoneziya	452	1100	1300
24	MDH davlatlari	18166	45400	54500
25	Shu jumladan			
26	Rossiya	11286	28200	33800
17	Qozog'iston	2236	5500	6700
28	Turkmaniston	1112	2700	3300
29	Tojikiston	798	2000	2400
30	Ukraina	783	1900	2300
31	Qirg'iziston	506	1200	1500
32	Boshqa davlatlar	5246	13100	15700
33	<b>Jami:</b>	<b>81422</b>	<b>203100</b>	<b>244500</b>

## IQTISODIYOT

### **\*Manba: Buxoro viloyati turizmni rivojlantirish departamentining statistik ma'lumoti**

Ushbu jadvaldan ko'rinib turibdiki, turistlarning kelish oqimi 2017 - yilda 81422 kishi tashkil etgan bo'lsa, 2018 - yilda bu ko'rsatkich 2 barobardan ham ziyodligi, ya'ni 203100 kishi tashkil etishi ko'rsatilgan. Shuni inobatga olish kerakki, 2019 - yilda hududda tashrif buyuruvchilar soni 244500 tadan oshishi kutilmoqda. Umuman olganda, bu ko'rsatkichlar ko'plab muammolarimizga yechim topishga yordam beradi.

Ayni paytda turistik infrastrukturani rivojlantirish, yanada takomillashtirish borasida keng ko'lami amaliy ishlar olib borilmoqda. Shu bilan birga yuqorida ta'kidlab o'tilgan statistik ma'lumotlar yildan yilga o'sib borayotganligini hozirgi Buxoro hududida yaqqol namoyon bo'ladi.

Joriy yilda o'zining buyuk mutafakkirlari, betakror obidalari, muqaddas qadamjolari bilan jahonga mashhur Buxoro shahri yana bir yirik anjumanga mezbonlik qildi, ya'ni 21-23-fevral kunlari Buxoroda Birinchi Xalqaro ziyorat turizmi forumi o'tkazildi. Nufuzli anjumanga soha mutaxassislari, sayyohlik kompaniyalari vakillari, taniqli olimlar va boshqalar qatnashdilar. Tadbirdan ko'zlangan maqsad Ziyorat turizmini rivojlantirishda, xalqaro hamkorlikni kengaytirish, bu sohaga to'g'ridan-to'g'ri investitsiyalarni jalb qilish, O'zbekistonni dunyodagi eng katta ziyoratchilik turizm markazlaridan biri sifatida e'tirof etish va halol jahon standartlarini joriy qilishdir. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev tashabbuslari bilan tashkil etilgan ushbu forumda mahalliy va xorijiy olimlar, dinshunoslar, turizm sohasi mutaxassislari ishtirok etdi [4].

Musulmon dunyosida mashhur bo'lgan «Yetti pir» silsilasini tashkil etuvchi avliyolar qadamjolari obod qilindi. Hozirda bu maskanlarda ziyoratchilar uchun yanada qulayliklar yaratilmoqda. Buxoroda ilk bor tashkil etilayotgan xalqaro «Ziyorat turizmi» forumi qatnashchilari G'ijduvon, Shofirkon, Vobkent, Romitan va Kogon tumanlarida joylashgan ushbu qadamjolarini ziyorat qildilar. Ziyorat turizmining o'ziga xos talablari bor. Shuni inobatga olib, anjumanning islom diniga e'tiqod qiluvchi qatnashchilariga tegishli qulayliklar, masalan, ibodat amallarini amalga oshirish bo'yicha zarur qulayliklar ham nazarda tutilgan.

Forum doirasida turizm sohasida yangi yo'nalishlarni o'zlashtirish, qiziqarli sayyohlik mahsulotlarini shakllantirishga doir ko'rgazmalar tashkil etildi, xorijlik mehmonlar va turizm tarmog'ida faoliyat yuritayotgan ishbilarmonlar bilan o'zaro hamkorlik aloqalarini kengaytirish yuzasidan muzokaralar o'tkazildi.

Mazkur forum O'zbekiston Prezidenti Shavkat Mirziyoyev tashabbuslari bilan mamlakatning xalqaro maydondagi ziyorat turizmi bo'yicha mavqeyini oshirish maqsadida o'tkazildi. Tadbir Turizmni rivojlantirish davlat qo'mitasi, Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Din ishlari qo'mitasi, O'zbekiston musulmonlar idorasi, "Vaqf" xayriya jamg'armasi, Tashqi ishlar vazirligi, Buxoro viloyati hokimligi, ISESCO (Ta'lim, ilm-fan va madaniyat bo'yicha islom tashkiloti) va UNWTO (Butunjahon turistik tashkiloti) hamkorligida tashkil etildi. Ziyorat turizmi bo'yicha I Xalqaro forum doirasida Bosh vazir o'rinbosari Aziz Abduhakimov xorijiy mutaxassislar bilan qator ikki tomonlama uchrashuvlar o'tkazdi. Jumladan, Tatariston Respublikasi Bosh vazir o'rinbosari Vasil Shayxraziyev, Dehli markaziy masjidi bosh imomi Said Buxoriy, Misr Vakillik palatasining Ijtimoiy hamdardlik, oila va nogironlar qo'mitasi raisi Abdulhadiy Al-Kasabiy, MATTA (Malayziya turistik kompaniyalar va turoperatorlar uyushmasi) vitse-prezidenti Oqil Yusuf, Gunadarma universiteti rektori, O'zbekistonning Indoneziyadagi turistik brend elchisi Eko Shri Margianti va Tri Ways Traveland Tour (Singapur) xalqaro kompaniyasi bosh menejyeri Ahmad Hamid bilan muzokaralar o'tkazildi [5].

Ikki tomonlama uchrashuvlar davomida mamlakatning turistik imkoniyatlari va salohiyati targ'ibotiga yo'naltirilgan hamkorlik masalalari va qo'shma loyihalar muhokama qilindi. Shuningdek, O'zbekistonning islom olamida ziyorat turizmining eng yirik markazlaridan biri sifatida xalqaro e'tirof etilishi masalasiga urg'u berildi.

"Imom Al-Buxoriy, Imom At-Termiziy, Abu Mansur Moturidiy, Abdulxoliq G'ijduvoni, Bahouddin Naqshband, Burhoniddin Marg'inoniy kabi islom dini rivojiga ulkan hissa qo'shgan buyuk allomalar, Muhammad Xorazmiy, Ahmad Farg'oniy, Abu Nasr Forobiy, Abu Rayhon Beruniy, Abu Ali ibn Sino, Mahmud Zamaxshariy, Mirzo Ulug'bek, Ali Qushchi kabi jahon ilm-fani tarixida o'chmas iz qoldirgan olim va mutafakkirlarning vatani sifatida O'zbekiston zamini butun dunyodan islom sivilizatsiyasining muhim markazlaridan biri sifatida sayyohlarni chorlab kelmoqda. So'zimizning yaqqol dalili sifatida bir necha asrlardan buyon islom madaniyati poytaxti

## IQTISODIYOT

sifatida namoyon bo'lib kelgan "Qubbatul Islom" - Buxoro shahri Islom hamkorligi tashkiloti Ta'lim, fan va madaniyat masalalari bo'yicha Islom tashkiloti (ISESCO) tomonidan Buxoro boshqa shaharlar qatorida Islom madaniyatining poytaxti deb e'lon qilinganligini ta'kidlash joiz", - dedi Bosh vazir o'rinbosari. Xalqaro forum doirasida O'zbekistonning ziyorat turizm markazlaridan biri sifatida tan olinishiga doir Buxoro deklaratsiyasini imzolashga bag'ishlangan tantanali marosim bo'lib o'tdi. Unda vazirlik va idoralar, xalqaro toifadagi mehmonlar va tadbir ishtirokchilari, shu bilan birga, mahalliy va xorijiy OAV vakillari ishtirok etishdi [5].

Shuni inobatga olish kerakki, Buxoro deklaratsiyasining imzolanishi O'zbekiston tarixidagi muhim va unitilmas kundir. Ekspertlarning fikricha, bu hujjatning imzolanishi respublikada sayyohlik infratuzilmasining rivojlanishiga va umuman turistik oqimning yanada ko'payishiga kuchli turki beradi.

Buxoro shahrida bo'lib o'tgan xalqaro miqyosdagi forum bu yo'nalishdagi birinchi yirik tadbir bo'ldi, kelgusida bunday tadbirning muntazam ravishda o'tkazilishi O'zbekistonda ziyorat turizmini rivojlantirish va mamlakatni chin ma'noda ziyorat turizmining yirik markazlaridan biriga aylantirish yo'lida xizmat qiladi, degan umiddamiz. Asosiysi – bu yo'nalishdagi ishlarni forum doirasi bilan cheklanib qolmay, undan keyin ham tizimli ravishda davom ettirish va sezilarli amaliy natijalarga erishish.

Buxoro yoshlar markazida o'tkazilayotgan forumda viloyatning hunarmandlari va hududda joylashgan tur operatorlar o'zlarining mahsulotlarini chet el soyyohlarga namoyish etdilar. Shuningdek, mazkur mahsulotlar va sohalardagi mahorat darslari xorijiy mehmonlar e'tiborini tortmoqda. Ushbu forum yakunidan so'ng xorijiy sayyohlar ko'hna Samarqand tomon yo'l olishdi.

**Xulosa.** Umuman olganda, O'zbekistonda 7 mingdan ortiq tarixiy obidalar mavjud bo'lib, 200 dan ortig'i YUNESKO ro'yxatida. Islom madaniyati obidalarini asrab-avaylash va tarixiy obidalariga boy davlat sifatida O'zbekiston 9-o'rinni egallab turibdi [6]. Buxoro hududda esa o'zining jozibali, tarixiy va madaniy meros obyektlari o'zining o'tmishdagi umumiy ma'no anglatuvchi tushuncha beradi. Buxoroda hukumat tomonidan turizmni rivojlantirish bo'yicha ko'plab imkoniyatlar ajratilmoqda va turistlar uchun esa sifatli, tez xizmat ko'rsatish sohasi rivojlantirilmoqda. Xususan, ziyorat turizmi uchun ajratilayotgan imkoniyatlar ko'plab tashrif buyurayotgan turistlar tomonidan ijobiy fikrlar bildirilmoqda.

Buxoro hududida ushbu forumni o'tkazilganligi, kelgusida musulmon mamlakatlaridan tashrif buyurayotgan turistlar sonini oshirish va vohaning ziyorat turizmi bo'yicha naqadar turistik salohiyatiga ega ekanligini namoyon etishdir. Shu bilan birga, vohani turistik salohiyatini oshirishda va infrastrukturani yaxshilashda quyidagilarga e'tibor qaratish lozim:

- ✚ Buxoroda ziyorat turizmini rivojlantirish bo'yicha ko'plab aniq va batafsil ma'lumotlarga ega bo'lgan kitoblarni va ularning turli tillarda tarjimasini ham chop etish lozim;
- ✚ Buxoro hududida maqsadli xizmat ko'rsatish sohasini rivojlantirish va tur firma mahsulotlarini takomillashtirish borasida ommabop tanlovlar o'tkazish kerak: Misol uchun "Eng yaxshi tur paket" nominatsiyasi bo'yicha tanlov;
- ✚ Buxoroning madaniy-meros obyektlari oldida turli xil musobaqalarni va taqdirlash marosimlarini o'tkazish;
- ✚ Buxoroda turizmni rivojlantirishda kadrlar muhim ahamiyat kasb etadi. Shuningdek, hududda malakali kadrlar bilan ta'minlash maqsadida Buxoro davlat universitetining Turizm fakultetida "Xalqaro va mintaqaviy turizm" institutini tashkil etishi lozim;
- ✚ Buxoroda kelish qulayligini ta'minlashda chet el aeroportlardan to'g'ridan-to'g'ri Buxoro xalqaro aeroportiga kelish imkoniyatini amalga oshirish lozim.

Yuqorida keltirilgan ko'rsatkichlar va takliflarni inobatga olgan holda, Buxoroda turistlarning soni keskin oshishi orqali hududdagi turistik infrastruktura rivojlanishiga, aholining turmush darajasi oshishiga va barcha sohalarni parallel ravishda rivojlanishiga o'z hissasini qo'shadi.

### ADABIYOTLAR

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 19-maydagi PQ-2980-sonli "2017-2019-yillarda Buxoro shahri va Buxoro viloyatining turizm salohiyatini jadal rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori.
2. **Xidirova G.R.** "Buxoro Davlat Universiteti ilmiy axboroti" jurnali. "Mintaqaviy turizmni rivojlantirish ilg'or tajribalari" maqola. 2018-yil 4-son. – 241 b.
3. Buxoro viloyati Turizm rivojlantirish departamenti ma'lumotlari. – 2018 yil.

IQTISODIYOT

4. Turizmni rivojlantirish davlat qo'mitasi matbuot xizmati ma'lumotlari. Elektron manba [ <https://uzbektourism.uz/uz/newnews/view?id=48>].
5. Kun.uz jurnalisti Lola Rahmonboyevaning maqolasi. Elektron manba [ <https://kun.uz/uz/news/2019/02/25/buxoro-deklaratsiyasi-ziyorat-turizmi-xalqaro-forumi-yakunlari>].
6. <https://www.trt.net.tr/uzbek/turk-dunyosi/2019/02/22/buxoroda-o-tayotgan-birinchi-ziyorat-turizmida-tashrif-buyuruvchilar-soni-ortmoqda-1150771>

УДК 338.246.2:339.5 (575)

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТАШҚИ САВДО РИВОЖЛАНИШИ ЖАРАЁНЛАРИ ТАҲЛИЛИ**  
**АНАЛИЗ ПРОЦЕССОВ РАЗВИТИЯ ВНЕШНЕЙ ТОРГОВЛИ В УЗБЕКИСТАНЕ**  
**ANALYSIS OF THE PROCESSES OF DEVELOPMENT OF FOREIGN TRADE IN**  
**UZBEKISTAN**

**Хамраев Зафар Мамасаидович**

*Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари маркази бўлим бошлиғи*

**Қаҳҳоров Отабек Сиддиқович**

*БухДУ иқтисодиёт кафедраси доценти, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

**Таянч сўзлар:** ташқи савдо, экспорт, импорт, ташқи савдо айланмаси, соф экспорт, ташқи савдо сальдоси, ички бозор, ишлаб чиқариш, маҳсулотлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли товарлари, ташқи иқтисодий жараёнлар, тадбиркорлар, саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, транспорт хизматлари, туризм хизматлари, статистик кўрсаткичлар, статистик таҳлил, мутлақ кўрсаткичлар, нисбий кўрсаткичлар, ўртача кўрсаткичлар, самарадорлик кўрсаткичлари.

**Ключевые слова:** внешняя торговля, экспорт, импорт, внешнеторговый оборот, чистый экспорт, баланс внешней торговли, внутренний рынок, производство, продукты, пищевые продукты, товары народного потребления, внешнеэкономические процессы, предприниматели, промышленность, сельское хозяйство, услуги, транспортные услуги, туристические услуги, статистические показатели, статистический анализ, абсолютные показатели, относительные показатели, средние показатели, показатели эффективности.

**Key words:** international trade, export, import, foreign trade turnover, net exports, foreign trade balance, domestic market, production, products, food products, consumer goods, foreign economic processes, entrepreneurs, industry, agriculture, services, transport services, touristic services, statistical indicators, statistical analysis, absolute indicators, relative indicators, averages indicators, performance indicators.

*Ушбу мақолада Ўзбекистонда ташқи савдонинг ривожланиш жараёнлари ва унга таъсир қилувчи омиллар таҳлили ёритилган.*

*В данной статье анализируются процесс развития внешней торговли в Узбекистане и факторы, влияющие на него.*

*This article analyzes the process of development of foreign trade in Uzbekistan and the factors that affect it.*

**Кириш.** Мустақилликка эришгач, республикаимизнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши ва ташқи савдо фаолиятини амалга ошириши учун шарт-шароитлар ва имконият туғилди. Вужудга келган вазият ташқи савдони ташкил этиш ва бошқаришнинг ўзига хос тизимини шакллантириш, савдо алоқаларини йўлга қўйиш борасида қоида ва тамойилларни ишлаб чиқиш жаҳон мамлакатлари билан ўзаро савдо ва иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг асосий омилига айланди. Шу мақсадда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ташқи савдони ривожлантириш асосий мақсад қилиб белгиланди ва бумақсадга эришиш учун зарурий шароитларни яратиш бўйича кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди. Энг аввало, ташқи савдони тартибга солиш тизимини жаҳон

## IQTISODIYOT

андозаларига мослаштириш, қонуний-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, экспорт билан шуғулланувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашнинг самарали механизми яратилди.

Ўзбекистонда ташқи савдони ривожлантириш уч босқичда амалга оширилди. Биринчи босқич (1991-1995 йиллар) мустақилликнинг дастлабки йилларига тўғри келиб, у пайтда ишлаб чиқариш суръатларининг салбийлигини ҳисобга олган ҳолда асосий эътибор ички бозорни четдан келтирилган маҳсулотлар билан тўйинтиришга қаратилди.


Иккинчи босқичда (1996-2000 йиллар) ички ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқариш асосий вазифа қилиб белгиланди. Бунда асосан халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришга асосий урғу берилди.

Учинчи босқичда (2001 йилдан ҳозирги давргача) ишлаб чиқариш анча такомиллашган давр бўлиб, энди нафақат импорт ўрнини босувчи товарлар, балки экспорт учун товарлар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйиш бош вазифа қилиб белгиланди.

Мураккаб ташқи иқтисодий жараёнлар, экспорт товарлари нархларининг пасайиши ва асосий савдо ҳамкор давлатлардаги иқтисодий ўсишнинг секинлашиши каби ноқулай шароитларда мамлакатимизда ташқи савдонинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш бўйича сўнги йилларда бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бу ишлар замирида асосан тадбиркорларимизнинг экспорт салоҳиятини оширишга ёрдам берувчи чора-тадбирлар ётадики, уларнинг энг асосийси сифатида “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”ни [1] ишлаб чиқишини келтиришимиз мумкин.

Мамлакатимизда сўнги йилларда саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш тузилмаларида туб ўзгаришларнинг амалга оширилиши натижасида ташқи савдода фақат хомашё воситалари билан қатнашувига барҳам берилди. Хусусан, экспорт таркибида пахта толасининг улуши (2000 йилда 27,5%га) кескин камайиб борган ва 2017 йил якунлари бўйича бу кўрсаткич 3,4%ни ташкил қилган. Шунингдек, экспорт таркибида бошқа товарлар гуруҳи 35,7% улуш билан муайян ўринга эга бўлиб, бунда ушбу гуруҳга кирувчи текстил маҳсулотларининг ҳажми 1133,2 млн. АҚШ долларини ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 22,8% ўсди, хизматлар 25,2%га, шундан 11,6% транспорт хизматларига, 11,4% эса туризм хизматлари ҳиссасига тўғри келган ҳамда энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари 13,8%га ва озиқ-овқат маҳсулотлари 6,3%га ошганлигини кўришимиз мумкин [5; 143]. Бу ўз навбатида мамлакат экспорт салоҳиятидаги ривожланиш тенденциясини кўрсатади. Ушбу эришилган натижаларни қуйидаги расмларда янада аниқроқ кўришимиз мумкин (1- ва 2-расмлар).


### 1-расм. Товар ва хизматларнинг экспорт таркиби, жамига нисбатан фоизда (ташқи айлана 2017 йил январь-декабрь, ички айлана 2016 йил январь-декабрь учун)



## IQTISODIYOT

Импорт таркибининг асосий улуши 38,9% билан машина ва асбоб-ускуналар гуруҳи ва 16,5% билан кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар гуруҳи ҳиссасига тўғри келмоқда.

### 2-расм. Товар ва хизматларнинг импорт таркиби, жамига нисбатан фоизда (ташқи айлана 2017 йил январь-декабрь, ички айлана 2016 йил январь-декабрьчун)



Мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятининг натижаларини баҳолашда статистик кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Уларни ҳисоблашдан кўзланган асосий мақсад мамлакат ташқи савдосига ҳолис баҳо бериш, ундаги таркибий ўзгаришларни аниқлаш, ташқи савдо ривожланишига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўлларини топишдан иборатдир. Ташқи савдонинг статистик кўрсаткичлар тизими умумий кўрсаткичлар билан бир қаторда, ўзининг хусусий кўрсаткичлар тизими ҳам эгадир. Уларни ҳисоблаш усуллари умумий статистика қоидалари ва халқаро меъёрларга асосланади. Бу кўрсаткичлар мамлакат ташқи савдосини ҳар томонлама таҳлил қилиш ва уни ривожлантириш бўйича якуний ҳулосалар қилиш имконини беради.

Ўзбекистонда ташқи савдо ва иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг асоси – очиқ иқтисодиётни вужудга келтиришдир. Бугунги кунда мамлакатимиз тўла ҳуқуқли асосда энг обрўли ва нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо ҳисобланади. Масалан, БМТнинг иқтисодий муассасалари, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро меҳнат ташкилоти, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тикланиш ва тараққиёт банки, МДХнинг минтақавий иқтисодий ташкилоти ва бошқалар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)да 2005 йилнинг октябрь ойида кузатувчи мақомини олган бўлиб, ҳозирда эса республикамизда ушбу ташкилотга ҳақиқий аъзо бўлиб қўшилиш бўйича барча зарурий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда [5].

Мавжуд имкониятлардан самарали ва оқилона фойдаланиш орқали республикамизнинг куч ва қудратини, иқтисодий салоҳиятини ошириш, халқаро савдода ўз ўрнини эгаллаши учун иқтисодиётнинг устувор йўналишларини ривожлантириш, импорт ўрнини босадиган ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ассортиментини ва ҳажминини кенгайтириш бугунги куннинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ташқи савдонинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида тутган ўрнини ҳисобга олган ҳолда унинг ривожланишига таъсир қилувчи омилларнинг таҳлили муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаш жоиздир.

Мамлакатнинг ташқи савдоси ривожланишига таъсир этувчи омиллар асосан икки тоифага бўлинади. Булар: ташқи ва ички омиллар.

Ташқи омиллар бу жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши ҳолатидан келиб чиқиб, яъни жаҳон бозорларидаги хомашё товарларига нархлар конъюнктурасини ўзгариши ва ривожланган мамлакатлардаги иқтисодий ҳолатга боғлиқ бўлади. Ташқи омилларда мамлакатнинг таъсири ўз ифодасини топмайди, чунки алоҳида мамлакатнинг дунё иқтисодиётидаги улуши унчалик катта бўлмайди ва унда юритилаётган иқтисодий сиёсатнинг жаҳон иқтисодиётига таъсири ҳам шунга яраша бўлади.

Ички омиллар эса мамлакатнинг ташқи савдоси ривожига муҳим таъсир кўрсатади. Бу эса асосан мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатга боғлиқ бўлади.

Ташқи савдони ифодаловчи кўрсаткичлар тизими қуйидагиларни қамраб олади:

## IQTISODIYOT

- 1) Ташқи савдонинг мутлақ кўрсаткичлари;
- 2) Ташқи савдонинг нисбий кўрсаткичлари;
- 3) Ўртача кўрсаткичлар;
- 4) Самарадорлик ва индекс кўрсаткичлари.

Юқорида келтирилган кўрсаткичларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ташқи савдо ривожланишининг муайян жиҳатларини акс эттиради. Қуйида уларнинг мазмун-моҳияти, ҳисоблаш усуллари ва қўлланиш хусусиятлари ҳақида тўхталамиз.

Ташқи савдонинг мутлақ кўрсаткичлари - ташқи савдо айланмасининг ҳажми, миқдори ва нархларини ифодалайди. Бу кўрсаткич бир неча статистик кўрсаткичларни қўшиш, айириш орқали топилади ва ўзида мутлақ ўзгаришларни акс эттиради. Масалан, 2017 йилда Ўзбекистон Республикасининг экспорт ҳажми 13893,6 млн. АҚШ доллари, импорти эса 13013,4 млн. АҚШ долларни ташкил қилган. Соф экспорт эса 880,2 млн. АҚШ долларига тенг [4, 137].

Юқоридаги кўрсаткич мутлақ кўрсаткич ҳисобланиб, ташқи савдонинг реал миқдорини кўрсатади. Лекин бу кўрсаткич муайян камчиликларга эга, яъни у ташқи савдо кўрсаткичларини давр ёки ҳудудлар бўйича қандай тезликда ёки интенсивликда ривожланаётганини кўрсата олмайди. Шу сабабдан иккинчи тур кўрсаткичлар, яъни нисбий кўрсаткичлардан фойдаланилади. Нисбий кўрсаткичлар ташқи савдонинг йиллар ёки ҳудудлар бўйича қандай ўзгаришини кўрсатади ва иккита мутлақ миқдорни бир-бирига бўлиш орқали топилади. Нисбий миқдорларнинг камчилиги шундаки, улар фақат муайян ҳудуд ёки даврда ташқи савдонинг ривожланиш даражасини кўрсатади, лекин бутун мамлакат миқёсида умумлаштириб кўрсата олмайди. Масалан, мамлакатнинг умумий экспорти маълум бўлган ҳолда 14 та иқтисодий ҳудуднинг ҳар бирига ўртача қанчадан экспорт тўғри келишини нисбий миқдорлар ёрдамида аниқлаб бўлмайди. Бундай ҳолда ташқи савдонинг ўртача кўрсаткичларидан фойдаланилади. Масалан, юқоридаги мисолда, 2017 йилда Ўзбекистонда ҳар бир ҳудудга экспорт ўртача  $\frac{13893,6}{14} = 992,4$  млн. АҚШ долларидан тўғри келган.

Юқорида кўрсатилган учта кўрсаткичнинг ҳар бири мавжуд рақамларни қўшиш ёки айириш, бўлиш ёки ўртачасини топиш орқали аниқланади. Ушбу кўрсаткичлар ташқи савдо омиллари таъсирида унинг ўзгариш даражаларини ифодалай олмайди. Бундай ҳолда таҳлил қилишнинг индекс усулларида фойдаланилади. Ҳар қандай иқтисодий жараёнга бир вақтнинг ўзида бир неча омилларнинг таъсир кўрсатишини ҳисобга олсак, бу усул ташқи савдо натижаларини янада тўлароқ ўрганиш ва таҳлил қилиш имконини беради.

Қайд этилган тўрт турдаги кўрсаткичларни умумлаштириб, ташқи савдони статистик таҳлил қилишнинг қуйидаги кўрсаткичлар тизимини келтириш мумкин. Улар халқаро услубиётда ташқи савдони статистик ўрганишда фойдаланилади ва мамлакат ташқи иқтисодий фаолияти натижаларини тўла ва ишончли баҳолашга ёрдам беради. Бу кўрсаткичлар таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин: 1) мамлакатнинг ташқи савдо айланмаси; 2) экспорт ва импорт; 3) ташқи савдо сальдоси; 4) мамлакат экспорти ва импортининг ташқи савдо айланмасидаги улуши; 5) экспорт (импорт)нинг қиймат индекси; 6) экспорт (импорт)нинг физик ҳажм индекси; 7) экспорт (импорт)нинг нарх индекслари; 8) экспорт ва импорт интенсивлиги индекси; 9) ташқи савдода нисбий устунлик индекси; 10) экспорт (импорт)га ихтисослашув индекси; 11) экспорт диверсификация индекси; 12) Херфиндал-Хиршман индекси.

Энди ушбу кўрсаткичларнинг ҳар бирига батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

**1. Мамлакатнинг ташқи савдо айланмаси** унинг ташқи дунё билан амалга оширган барча савдо фаолияти натижаларини акс эттиради [3]. Ташқи савдо айланмаси мутлақ кўрсаткич ҳисобланиб, у экспорт ва импорт кўрсаткичларининг йиғиндисига тенг, яъни:

$$FT = X + M (1)$$

Бу ерда FT – ташқи савдо айланмаси, X – экспорт ҳажми, M – импорт ҳажми.

**2. Экспорт (X)** – мамлакатнинг ташқи дунёга сотган барча товар ва хизматларининг пулдаги ифодаси. **Импорт (M)** – ташқи дунёдан сотиб олинган барча товар ва хизматларнинг пул кўринишидаги ифодаси.

## IQTISODIYOT

**3. Ташқи савдо сальдоси** – мамлакат экспорти ва импорти орасидаги фарқ бўлиб, у мамлакат ташқи савдо баланснинг ижобий ёки салбий эканлигини кўрсатади. Ташқи савдо сальдоси қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$FTS = X - M \quad (2)$$

**4. Мамлакат экспорти ва импортнинг ташқи савдо айланмасидаги улуши** экспорт (импорт)нинг ташқи савдо айланмаси миқдорига нисбатидир. Ушбу кўрсаткич қуйидагича аниқланади:

$$K_{\text{экспорт}} = \frac{X}{FT} \cdot 100 \% \quad \text{ва} \quad K_{\text{импорт}} = \frac{M}{FT} \cdot 100 \% \quad (3)$$

**5. Экспорт (импорт)нинг қиймат индекси** мамлакат экспорти (импорти) ҳар икки омил, яъни нарх ва миқдорнинг ўзгариши натижасида жорий йилда олдинги йилга нисбатан қанчага ўзгарганини кўрсатади [3]. Ушбу кўрсаткич қуйидагича ҳисобланади:

$$I_{pq} = \frac{\sum p_1 q_1}{\sum p_0 q_0} \quad (4)$$

Бу ерда,  $I_{pq}$  - экспорт (импорт) қиймат индекси,  $p_1$ ,  $q_1$  ва  $p_0$ ,  $q_0$  эса мос равишда жорий ва ўтган йилдаги экспорт (импорт) маҳсулотлари миқдори ва нарҳини ифодалайди.

**6. Экспорт (импорт)нинг физик ҳажм индекси.** Экспорт ёки импортнинг экспорт қилинаётган товар ва хизматларнинг физик ҳажми ўзгариши ҳисобига қандай ўзгарганлигини экспорт (импорт)нинг физик ҳажм индекси ёрдамида аниқлаш мумкин. У қуйидагича ҳисобланади:

$$I_q = \frac{\sum q_1 p_0}{\sum q_0 p_0} \quad (5)$$

Бу формула маҳсулот физик ҳажмининг ўзгариши ҳисобига экспорт миқдори қандай ўзгаришини кўрсатади.

**7. Экспорт (импорт)нинг нарх индекслари.** Экспорт (импорт) миқдорига нарх омилнинг таъсирини экспорт (импорт) нархлари индекси ифодалайди ва у қуйидагича ҳисобланади:

$$I_p = \frac{\sum p_1 q_1}{\sum p_0 q_1} \quad (6)$$

Экспорт (импорт)нинг миқдор, ҳажм ва нарх индекслари орасида боғлиқлик мавжуд бўлиб у қуйидагича ифодаланади:

$$I_{pq} = I_p \cdot I_q \quad (7)$$

**8. Экспорт ва импорт интенсивлиги индекси (Т)** – бу икки мамлакат ўртасидаги савдо фаолияти натижаларининг кутилганидан қанчага ортиқ ёки камлигини уларнинг жаҳон савдосидаги улушига қараб баҳолаш имконини беради [6]. Бу кўрсаткич мамлакат экспортининг давлатлар бўйича тақсимланиш даражасини ифодалаб, мамлакатнинг ташқи савдода қайси мамлакатга кўпроқ боғлиқлигини кўрсатади. Уни ҳисоблашда қуйидаги кўрсаткичлар иштирок этади:

- $x_{ij}$  -  $i$  мамлакат томонидан  $j$  мамлакатга амалга оширилган жами экспорт ҳажми;
- $x_{wj}$  -  $j$  мамлакатнинг жами экспорт ҳажми;
- $X_{it}$  -  $i$  мамлакатнинг жами экспорти;
- $X_{wt}$  - дунё экспорт ҳажми.

**Бу индекс формула** кўринишида қуйидагича ёзилади:

$$T_{ij} = \frac{x_{ij}}{X_{it}} : \frac{x_{wj}}{X_{wt}} \quad (8)$$

Бу формуланинг иқтисодий мазмуни шундан иборат, яъни  $\frac{x_{ij}}{X_{it}}$  (1) нисбат  $j$

мамлакатга амалга оширилган экспортнинг  $i$  мамлакатнинг жами экспортидаги улушини,

$\frac{x_{wj}}{X_{wt}}$  (2) нисбат эса  $j$  мамлакатнинг бутун дунё экспортидаги улушини кўрсатади. (1) ва



## IQTISODIYOT

(2)нинг нисбати эса  $i$  мамлакатэкспортининг  $j$  мамлакат экспортидаги улушини ифодалайди. Бу кўрсаткични фоизларда ҳисоблаш анча қулай. У ҳолда  $X_{ij}$  ва  $X_{wt}$  қиймати 100 га тенг бўлиб, юқоридаги формула қуйидаги оддий кўринишга эга бўлади:

$$T_{ij} = x_{ij} : x_{wj}$$

Бу кўрсаткич қанчалик катта бўлса,  $i$  мамлакатнинг  $j$  мамлакатга боғлиқлиги шунчалик юқори бўлади.

**9. Ташқи савдода нисбий устунлик индекси.** Ушбу индекс мамлакатнинг муайян товарлар ва хизматлар экспорти бўйича нисбий устунликка эга ёки эга эмаслигини кўрсатади.

$$RCA = \frac{x_{ij}}{X_{it}} : \frac{x_{wj}}{X_{wt}} \quad (9)$$

Бу ерда:

$x_{ij}$  –  $i$  мамлакатда  $j$  товар ёки хизмат экспорти миқдори;

$x_{wj}$  –  $j$  товарнинг бутун дунёдаги экспорт ҳажми;

$X_{it}$  –  $i$  мамлакатнинг жами экспорти;

$X_{wt}$  – дунё экспорт ҳажми.

Ушбу индекснинг назарий асоси бўлиб, классик иқтисодчилар А.Смит ва Д.Рикардоларнинг назариялари хизмат қилади. **Агар бу индекс** қиймати бирдан кичик бўлса, у ҳолда бу мамлакат ушбу товар экспорти бўйича нисбий устунликка эга эмас, аксинча бўлса, мамлакат нисбий устунликка эга бўлади. Нисбий устунлик индексининг аҳамиятли томони шундаки, ушбу индекс натижаларига қараб мамлакат қайси товарларни экспорт қилиши ва қайси товарларни импорт қилиши лозимлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин. Агар муайян товар ёки хизмат бўйича мамлакатнинг нисбий устунлик индекси 1 дан кичик бўлса, у ҳолда ушбу мамлакат учун ушбу товарларни импорт қилиши самарали ҳисобланади. Агар 1 дан катта бўлса, мамлакат ушбу товарларни экспорт қилишдан ютади.

**10. Экспорт (импорт)га ихтисослашув индекси.** Бу индекснинг иқтисодий маъноси шундан иборат, яъни ушбу товарнинг 1 бирлик импортига мазкур товарнинг қанча экспорти мос келади. Ушбу индекс қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$ES = \frac{x_{ij}}{X_{it}} : \frac{m_{ij}}{M_{it}} \quad (10)$$

Бу ерда  $m_{ij}$  –  $i$  мамлакатда  $j$  товарнинг импорти ҳажми,  $M_{it}$  – мамлакатнинг жами импорти ҳажми. Агар ушбу индекс қиймати 1 дан катта бўлса, мамлакат ушбу товар бўйича экспортга ихтисослашган, деб ҳисобланади, агар 1 дан кичик бўлса, импортга ихтисослашган, деб қаралади.

Масалан, 2017 йилда озиқ-овқат маҳсулотларининг Ўзбекистон экспортидаги улуши 6,3%, импортдаги улуши эса 9,8%ни ташкил қилган [5, 142]. У ҳолда экспортга ихтисослашув индекси  $ES=0,063:0,098=0,64<1$ . Демак, Ўзбекистон озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича экспортга эмас, балки импортга ихтисослашган.

**11. Экспорт диверсификация индекси.** Экспорт диверсификация индексини ҳисоблаш ҳалигача кўплаб ривожланаётган мамлакат учун катта аҳамият касб этади. Чунки бу каби мамлакатларнинг асосий қисми тор спектрдаги товар ва хизматларни экспорт қилиш орқали даромад олмоқдалар. Бу товарлар нархининг нобарқарорлиги ушбу мамлакатларда жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ушбу мамлакатларда экспортни диверсификациялаш орқали барқарор ривожланишни таъминлаш мумкин. Ушбу жараённи баҳолашда “**Экспорт диверсификация индекси (DX)**” дан фойдаланилади. У қуйидагича ҳисобланади:

$$DX_j = \frac{\sum |h_{ij} - h_i|}{2} \quad (11)$$

Бу ерда:  $h_{ij}$  –  $i$  товар экспортининг  $j$  мамлакат жами экспортидаги улуши;  $h_i$  –  $i$  товар экспортининг бутун дунё экспортидаги улуши. Ушбу кўрсаткич қанча катта бўлса, мамлакатда экспорт диверсификацияси шунча юқори бўлади. Агар индекс битта товар ёки хизмат тури учун ҳисобланса, табиийки, унинг қиймати кичик бўлади. Чунки мамлакат

## IQTISODIYOT

фақат бир турдаги товар ёки хизмат экспорти билан шуғулланса, унинг экспортида диверсификация мавжуд бўлмайди. Товар ва хизматлар тури ортиб боргансари индекснинг қиймати ҳам катталашиб боради. Бу эса мамлакат ташқи савдосининг диверсификациялашув даражаси юқори эканлигидан далолат беради.

**12. Херфиндал-Хиршман индекси (НИИ).** Ушбу индекс мамлакатларнинг ташқи савдодаги монополлашув даражасига баҳо бериш учун ишлатилади [8]. Агар дунё ташқи савдода ҳар бир мамлакат улушини (% да)  $S_1, S_2, S_3, \dots, S_n$  деб белгиласак, Херфиндал-Хиршман индекси қуйидагига тенг бўлади:

$$НИИ = S_1^2 + S_2^2 + \dots + S_n^2 \quad (12)$$

Херфиндал-Хиршман индексининг энг катта қиймати 10000 га тенг, чунки агар дунёнинг барча экспорти битта мамлакат томонидан амалга оширилса  $НИИ = 100^2 = 10000$  га тенг бўлади ва ушбу ҳолат экспортдаги якка ҳокимлик, деб аталади. Лекин бу реал ҳаётда учрамайдиган ҳолат ҳисобланади. Экспорти дунё экспортининг 1%ини ташкил қилувчи 100 та мамлакат учун ушбу индекс  $НИИ=100$  бўлади, чунки  $НИИ=1_1^2 + 1_2^2 + \dots + 1_{100}^2 = 100$ .

Херфиндал-Хиршман индексининг қийматига кўра жаҳон бозоридаги монополиялашувни 3 турга ажратиш мумкин:

1. Юқори монополлашган бозор, агар  $1800 < НИИ < 10000$  бўлса;
2. Ўртача монополлашган бозор, агар  $1000 < НИИ < 1800$  бўлса;
3. Паст даражада монополлашган бозор, агар  $НИИ < 1000$  бўлса.

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо алоқаларининг 2000-2017 йиллардаги асосий кўрсаткичларини қуйида келтирилган жадвалда кўришимиз мумкин (1-жадвал).

**1-жадвал**

### Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо алоқаларининг асосий кўрсаткичлари (млн. АҚШ доллари)

Кўрсаткичлар	Йиллар																	
	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
Ташқи савдо айланмаси	6212,1	6307,3	5700,4	6689,2	8669	9500,1	11171,4	14227,1	21197,3	21209,6	22199,2	26365,9	26416,1	28269,6	27530,0	24924,2	24232,2	26907,0
Экспорт	3264,7	3170,4	2988,4	3725	4853	8408,8	6389,8	8991,5	11493,3	11771,3	13023,4	15021,3	13599,6	14322,7	13545,7	12507,6	12094,6	13893,6
Импорт	2947,4	3136,9	2712	2964,2	3816	4091,3	4781,6	5235,6	9704	9438,3	9175,8	11344,6	12816,5	13946,9	13984,3	12416,6	12137,6	13013,4
Ташқи савдо сальдоси	317,3	33,5	276,4	760,8	1037	1317,5	1608,2	3755,9	1789,3	2333	3847,6	3676,7	783,1	375,8	-438,6	91,0	-43,0	880,2

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Жадвал маълумотларидан кўринаяптики, ташқи савдо алоқаларининг асосий кўрсаткичларидан бири бўлган ташқи савдо айланмаси мамлакатимизда 2002 йилдаги пасайишни ҳисобга олмаганда (5700,4 млн. АҚШ доллари), 2000-2003 йиллар давомида деярли сезиларли даражада ўзгармаган. Ушбу кўрсаткич 2004-2017 йиллар давомида кўтарилиб борган, яъни 2013 йилда энг юқори даражага кўтарилган (28269,6 млн. АҚШ

## IQTISODIYOT

доллари). 2017 йилда бу кўрсаткич қисман пасайган, яъни 26907,0 млн. АҚШ долларини ташкил этган. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмасининг таркибига чуқурроқ назар соладиган бўлсак, унинг таркибида экспортнинг улуши таҳлил қилинаётган 18 йилдавомида ўртача 55,8%ни ташкил қилган. Бундай кўрсаткич билан мамлакат валюта тушумини ижобий ҳолатда, деб баҳолаб бўлмайди. Ҳаттоки, мамлакатимизда ташқи савдо сальдосининг 2014 ва 2016 йилларда манфий натижаси қайд этилган. Бундай ҳолат узлуксиз давом этадиган бўлса, мамлакатда валюта тақчиллиги вужудга келади ва натижада бу мамлакат иқтисодиётига жиддий салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳозирда мамлакатимиз ҳукумати томонидан республика ташқи савдо айланмаси таркибида экспортнинг улушини сезиларли даражада ошириш бўйича барча зарурий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмасида МДҲ ва бошқа хориж мамлакатларининг 2006-2017 йиллардаги улушини қуйидаги жадвалда кўриб чиқишимиз мумкин (2-жадвал).

**2-жадвал**

### Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмасида МДҲ ва бошқа хориж мамлакатларининг улуши (жамига нисбатан фоизда)

Кўрсаткичлар	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
<b>Ташқи савдо айланмаси:</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>
МДҲ мамлакатлари билан	43,2	49,2	40,9	37,7	43,1	43,5	48,2	42,2	43,9	38,3	34,6	36,2
Бошқа хориж мамлакатлари билан	56,8	50,8	59,1	62,3	56,9	56,5	51,8	57,8	56,1	61,7	65,4	63,8
<b>Экспорт:</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>
МДҲ мамлакатлари билан	42,0	47,5	34,2	33,3	45,2	44,7	56,6	46,4	50,0	41,8	35,9	37,7
Бошқа хориж мамлакатлари билан	58,0	52,5	65,8	66,7	54,8	55,3	43,4	53,6	50,0	58,2	64,1	62,3
<b>Импорт:</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>
МДҲ мамлакатлари билан	44,8	52	48,8	43,3	40,1	41,8	39,2	37,8	38,0	34,8	33,4	34,6
Бошқа хориж мамлакатлари билан	55,2	48	51,2	56,7	59,9	58,2	60,8	62,2	62,0	65,2	66,6	65,4

***Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.*

Жадвал маълумотларидан кўринаяптики, Ўзбекистон Республикасининг 2006-2017 йиллардаги ташқи савдо айланмасининг таркибида МДҲ мамлакатларининг улуши ўртача 41,8%ни, бошқа хориж мамлакатларининг улуши ўртача 58,2%ни, шундан: экспорт бўйича МДҲ мамлакатларининг улуши ўртача 42,9%ни, бошқа хориж мамлакатларининг улуши ўртача 57,1%ни ҳамда импорт бўйича МДҲ мамлакатларининг улуши ўртача 40,7%ни, бошқа хориж мамлакатларининг улуши ўртача 59,3%ни ташкил этган. Демак, кўриниб турибдики, мамлакатимизнинг ташқи савдо алоқалари МДҲ мамлакатларига қараганда бошқа хориж мамлакатлари билан кўпроқ йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикасида ташқи савдонинг ривожланиши лозим бўлган соҳаларидан яна бири бу ташқи савдонинг тармоқ таркибидир. Қуйидаги жадваллар ёрдамида мамлакатимизнинг 2006-2017 йиллардаги экспорти ва импортнинг таркибини таҳлил қилишимиз мумкин (3- ва 4-жадваллар).

**IQTISODIYOT**

**3-жадвал**

**2006-2017 йилларда Ўзбекистон экспорти таркиби (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**

Товарлар гуруҳи	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
Пахта толаси	17,2	12,5	9,2	8,6	12,1	8,9	9,3	8,1	7,7	5,9	5,3	3,4
Озиқ-овқат маҳсулотлари	7,9	8,5	4,4	6	9,7	13,3	6,5	10,3	12,4	10,5	5,7	6,3
Кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	5,6	6,8	5,6	5	5,1	5,6	5,6	4,2	4,8	4,9	6,9	6,4
Энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	13,1	20,2	25,2	34,2	22,8	18,5	34,6	23,9	22,9	21,5	14,2	13,8
Қора ва рангли металллар	12,9	11,5	7	5	6,9	7,4	7,8	6,6	7,2	6,6	5,9	6,6
Машина ва асбоб-ускуналар	10,1	10,4	7,5	2,9	5,5	6,6	6,5	5,7	4,0	1,3	1,8	2,6
Хизматлар	12,1	10,7	10,4	8,8	10,3	11,8	17,3	20,5	22,4	24,5	25,8	25,2
Бошқалар	21,1	19,4	30,7	29,5	27,7	27,8	12,5	20,4	18,6	24,9	34,4	35,7
<b>Жами:</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.*

Жадвал маълумотларидан кўринаяптики, 2017 йилда мамлакатимиз экспортининг чорак қисмидан кўпроғи (25,2%) хизматлар ҳиссасига тўғри келган. Кейинги ўринларни эса энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари (13,8%), қора ва рангли металллар (6,6%) ҳамда кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар (6,4%) эгаллайди. Жадвалдан яна шуни кўришимиз мумкинки, мамлакатимизда хизматлар экспорти 2012 йилдан 2017 йилга қадар сезиларли даражада ошиб борган. Ривожланган мамлакатлар экспортининг таркибига эътибор қаратилса, шуни кузатиш мумкинки, яъни уларда хизматлар экспорти ташқи савдо айланмасининг ярмидан кўпроғини ташкил қилади. Демак, келажакда Ўзбекистонда хизматлар экспортини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки хизматлар соҳаси экспорти ўзини тез оқлайди ва қилинган харажатлар бошқа соҳаларга қараганда тезроқ қопланади.

**2006-2017 йилларда Ўзбекистон импорти таркиби (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**

**4-жадвал**

Товарлар гуруҳи	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
Озиқ-овқат маҳсулотлари	8,1	7,9	8,1	9	10,5	11,5	10,9	9,6	10,8	12,8	11,9	9,8
Кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	15	14,8	13	11,1	13,8	12,5	13,7	14,1	15,9	16,9	17,5	16,5
Энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	4,3	3,3	2,1	3,5	7,1	8,5	6,6	7,2	6,2	5,8	4,8	5,7
Қора ва рангли металллар	10,4	8,3	6,8	6,3	8,1	7,6	7,2	7,8	7,9	7,4	7,6	9,8

## IQTISODIYOT

Машина ва асбоб-ускуналар	40,3	46,6	53,3	56,5	43,9	44,0	45,9	43,7	39,5	40,5	41,3	38,9
Хизматлар	9,1	7,4	5,7	4,4	5,3	4,9	5,7	6,8	8,0	7,7	6,7	7,5
Бошқалар	12,8	12	11	9,2	11,2	10,9	9,9	10,8	11,6	8,8	10,2	11,8
<b>Жами:</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>

**Манба:** *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.*

Ушбу жадвалдан кўришимиз мумкинки, 2017 йилда мамлакатимиз импортнинг таркибида қуйидагилар катта улушни ташкил этган: машина ва асбоб-ускуналар импорти (38,9%), кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар импорти (16,5%), озиқ-овқат маҳсулотлари импорти (9,8%), қора ва рангли металллар импорти (9,8%). Жадвал маълумотларидан яна шунга аҳамият бериш керакки, мамлакатимиз импорт таркибида машина ва асбоб-ускуналар импортнинг юқорилиги (жами импортнинг 38,9%и) ижобий ҳолат, деб ҳисоблаш мумкин. Чунки бу мамлакатимизда ишлаб чиқариш жараёнини замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмасининг 2012-2017 йиллардаги қитъалар бўйича тақсимотини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин (5-жадвал).

### 5-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича тақсимоти (жами товар айланмасига нисбатан фоизда)

Қитъалар	Йиллар					
	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
Африка	0,3	0,2	0,2	0,3	0,1	0,1
Америка	2,9	2,5	2,3	2,6	4,2	2,3
Австралия ва Океания	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Европа	49,1	43,2	39,1	38,1	42,2	42,7
Осиё	47,7	49,4	53,8	53,2	47,2	47,4
<b>Жами:</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>

**Манба:** *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.*

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатиб турибдики, Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмасининг асосий қисми Европа ва Осиё қитъаларига тўғри келади. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмасининг таркибида Европа ва Осиё қитъаларининг улуши 2012 йилда 96,8%ни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2017 йилда 90,1%ни ташкил қилган, яъни 6,7%га камайган. Умумий қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмасининг таркибида ушбу икки қитъанинг улуши 2012-2017 йиллар давомида асосий қисми, яъни ўртача 92,2%ни ташкил қилган. Бу ҳолатни ижобий, деб баҳолаб бўлмайди, чунки ҳозирда мамлакатимиз ҳукумати томонидан қаратилаётган асосий эътибор ҳам бу мамлакат ташқи савдо айланмасининг географиясини (асосан экспорт географиясини) кенгайтиришдан иборатдир. Мазкур фикрдан келиб чиққан ҳолда дунёнинг бошқа қитъаларида ҳам мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш бўйича янги бозорларни қидириб топиш ва ушбу бозорларга маҳсулотлар экспортини амалга оширишни йўлга қўйиш зарур.

Юқоридагилардан хулоса қилган ҳолда, Ўзбекистонда ташқи савдо фаолиятини такомиллаштириш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим:

ташқи савдони тартибга солиш бўйича ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва экспорт қилувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қонуний ҳимоялашни янада кучайтириш;

ташқи савдо тўғрисидаги ахборотлар базасини ривожлантириш, уни сақлаш, қайта ишлаш ва фойдаланиш тизимини такомиллаштириш;

## IQTISODIYOT

ташқи савдо бўйича ҳисоботларни қабул қилиш ва қайта ишлашнинг электрон тизимини яратиш ва бошқариш;

ташқи савдо учун зарурий инфратузилма элементларини ривожлантириш ва шу орқали ташқи савдодаги ҳудудий мутаносибликни таъминлаш;

ташқи савдонинг товар таркибини такомиллаштириш ҳамда экспортда хизматлар улушининг ортишига эришиш;

ташқи савдо бўйича статистик тадқиқотларда жаҳон тажрибасидан кенг фойдаланиш ва шу орқали уларнинг самарадорлигини ошириш;

ташқи савдонинг илмий асосланган прогнозини амалга ошириш.

Ушбу масалаларнинг тўғри ва ўз вақтида ҳал этилиши Ўзбекистонда ташқи савдо фаолиятининг барқарорлигини таъминлайди. Илмий муассасалар ва ишлаб чиқарувчиларнинг илмий-амалий ҳамкорлигини йўлга қўйиш, ишлаб чиқаришга илм-фан ютуқларини, айниқса, статистик тадқиқотлар натижаларини жорий қилиниши ташқи савдога салбий таъсир қилиши мумкин бўлган ҳолатларга олдиндан тайёрланиш ва уларни бартараф этиш чора-тадбирларини амалга ошириш имконини беради.

### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

2. **Ayubjonov A.H.** Tashqi iqtisodiy faoliyat statistikasi: O'quv qo'llanma – T.: TDIU, 2007.

3. **Soatov N.M., Tillaxo'jayeva G.N.** Statistika: O'quv qo'llanma – T.: TDIU, 2006.

4. Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017 год. – Ташкент, 2018.

5. [www.mfer.uz](http://www.mfer.uz).

6. [www.wikipedia.org](http://www.wikipedia.org).

7. [www.wikipedia.org/herfindal-hirshmanindex](http://www.wikipedia.org/herfindal-hirshmanindex).

УДК: 338

### KORXONALARDA INNOVATSION JARAYONLARNI TASHKIL ETISH YO`LLARI

### ПУТИ ОРГАНИЗАЦИИ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ

### WAYS OF ORGANIZING THE INNOVATIVE PROCESSES IN ENTERPRISES

**Qayimova Zumrat Abdullayevna**

*BuxDU iqtisodiyot kafedrasida katta o'qituvchisi*

**Narziyeva Dilafroz Muxtorovna**

*BuxDU iqtisodiyot kafedrasida o'qituvchisi*

**Tayanch soʻzlar:** realsektor, innovatsiya, innovatsion texnologiya, innovatsion infratuzilma, klaster.

**Ключевые слова:** реальный сектор, инновация, инновационная технология, инновационная инфраструктура, кластер.

**Key words:** real sector, innovation, innovative technologies, innovative infrastructure, cluster.

*Maqolada innovatsion jarayonlarning nazariy asoslari, realsektor korxonalarida faoliyatida innovatsion rivojlanishning istiqbolli yoʻnalishlari yoritilgan. Shuningdek, realsektor korxonalarida innovatsion infratuzilmani rivojlantirish bilan bogʻliq boʻlgan muammolar aniqlangan va ularni hal qilishga qaratilgan taklif va tavsiyalar ishlab chiqilgan.*

*В данной статье рассматриваются теоретические основы инновационных процессов, описываются перспективы инновационного развития в деятельности предприятий реального сектора. А также на основе всестороннего анализа имеющихся подходов выявлены некоторые проблемы формирования инновационной инфраструктуры и разработаны предложения по развитию и совершенствованию инновационных систем предприятий.*

## IQTISODIYOT

*The article examines the issues of sustainable development of real sector enterprises based on the implementation of innovative technologies. In particular, the statistical indicators of the achieved results in this area are analyzed, the definitions of innovation activity and its specificity are given. The article also identifies problems in the sphere of innovative development and gives some recommendations for the rational organization of them in real sector.*

**Kirish.** Mamlakatimizda 2019-yilni “Faol investitsiya va ijtimoiy rivojlanish yili” deb nomlanishi ham chuqur ma’no kasb etadi. Sababi investitsiyalarni jalb etmasdan turib, iqtisodiyotda mavjud bo’lgan kapital ehtiyojini qondirib bo’lmaydi. Shunday ekan, investitsion faoliyatni samarali ishlashi uchun qulay muhitni yaratish, uning murakkablik jihatlarini yumshatishga qaratilgan siyosatni amalga oshirish dolzarblik kasb etadi.

Olib borilayotgan demokratik islohotlar hamda O’zbekistonni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning 2017-2021-yillarga mo’ljallangan Harakatlar strategiyasini diqqat markazida turgan eng muhim ustuvor vazifalardan biri – milliy iqtisodiyotda tarkibiy o’zgartirishlarni chuqurlashtirish, milliy iqtisodiyotning yetakchi tarmoqlarini modernizatsiya va diversifikatsiya qilish hisobiga uning raqobatbardoshligini oshirish sanaladi [1].

Jumladan, mamlakatimiz rahbari Sh.M. Mirziyoyev o’z nutqlarida innovatsiyalar va innovatsion rivojlanish xususida ko’p marotaba to’xtalib o’tdilar: “Bugun biz davlat va jamiyat hayotining barcha sohalarini tubdan yangilashga qaratilgan innovatsion rivojlanish yo’liga o’tmoqdamiz. Bu bejiz emas, albatta. Chunki zamon shiddat bilan rivojlanib borayotgan hozirgi davrda kim yutadi? Yangi fikr, yangi g’oyaga, innovatsiyaga tayangan davlat yutadi. Innovatsiya – bu kelajak degani. Biz buyuk kelajagimizni barpo etishni bugundan boshlaydigan bo’lsak, uni aynan innovatsion g’oyalar, innovatsion yondashuv asosida boshlashimiz kerak” [2].

Ushbu strategik vazifa har qanday sohada innovatsion faoliyatni tashkil etishning yangi shakllarini joriy etish, samarali innovatsion loyihalarni ishlab chiqish va davlat-xususiy sherikchilik asosida sohada investitsiyalarni jalb etgan holda ularni o’zlashtirish kabi dolzarb masalalarga e’tibor qaratishni taqazo etadi. Hozirgi zamon fan-texnika taraqqiyot tendensiyasida iqtisodiy o’sishning eng maqbul va samarali omillaridan biri sifatida innovatsion faoliyatni rivojlantirish va uni rag’batlantirish masalasiga e’tibor kuchaytirilmoqda.

Bugungi kunda ishlab chiqarishni modernizatsiya qilish, barcha resurslardan tejamli foydalanish va buning natijasida ichki hamda tashqi bozorda raqobatbardosh mahsulot ishlab chiqarishni ancha kengaytirish avvalo korxonalarining innovatsion salohiyatini boshqarish, innovatsion texnologiyalarni samarali qo’llash va takomillashtirish jarayonlariga bevosita bog’liq.

Shularni hisobga olgan holda O’zbekistonda ilg’or texnologiyalar bilan jihozlangan va xom ashyo resurslarimizni chuqur qayta ishlashni, eksport salohiyatini ko’paytirishni ta’minlovchi, yangi ish joylarini tashkil qiluvchi yuqori texnologik ishlab chiqarishlarni yaratishga qaratilgan innovatsiyalarga e’tibor qaratilmoqda. Xalqaro standartlarga muvofiq innovatsiya bozorga tatbiq etilgan yangi yoki takomillashtirilgan mahsulot yoki amaliy faoliyatda foydalanilayotgan ilg’or texnologik jarayon yoki insonlar turmush sharoitini yaxshilash, yangicha yondashish ko’rinishida ro’yobga chiqqan innovatsion faoliyatning yakuniy natijasi sifatida belgilanadi.

Innovatsion rivojlanish haqida fikr yuritir ekanmiz, uni belgilovchi ko’rsatkichlar haqida bilish muhim ahamiyatga ega (jadval).

### 2017-2020-yillarda O’zbekiston iqtisodiyotini Innovatsion rivojlantirishning maqsadli ko’rsatkichlari


Ko’rsatkichlar % da	2017-yil	Prognoz ko’rsatkichlar (2017-2020-y)
Ilmiy tadqiqotlarga yo’naltirilgan xarajatlarning YAIMdagi ulushi	1.0	3.0
Yuqori texnologiyali tarmoqlarning YAIMdagi ulushi	15.0	31.0
Innovatsion mahsulotlarning YAIMdagi ulushi	15.0	22.0
Innovatsion faoliyatga yo’naltirilgan xarajatlarning ulushi (mahsulot umumiy qiymatida)	2.8	5.0
Eksport tarkibida innovatsion mahsulotlar ulushi	15.0	28.0
Aniq fanlar va injenerlik mutaxassisligiga talabalarni qabul qilish	40.0	45.0

**Manba:** O’zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo’mitasi ma’lumotlari asosida tuzildi.

## IQTISODIYOT

Jadval ma'lumotlaridan ko'rishimiz mumkinki, yaqin kelajakda O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyotini innovatsion rivojlantirish maqsadida bir qator yo'nalishlar tanlab olingan. Jumladan, innovatsion mahsulotlarning YAIMdagi ulushi 2017-yilda 15 % ni tashkil etgan bo'lsa, 2020-yilda bu ko'rsatkichni 22 % ga etkazish rejalashtirilgan. Innovatsion faoliyatga yo'naltirilgan xarajatlarning mahsulot umumiy qiymatidagi ulushi 2017- yilda 2.8 % dan 2020- yilda 5 % ga yetkazish ko'zda tutilgan. Innovatsion texnologiyalar doirasidagi ilmiy yondashuvlar shuni ko'rsatadiki, biror tizim yoki korxonaning har jihatdan rivojlanishi ulardagi mustahkam innovatsion tizim mavjudligi bilan belgilanadi. Realsektor korxonalarini tadqiq etar ekanmiz, ularning o'z imkoniyatlaridan samarali foydalanayotganliklarini guvohi bo'lamiz. Quyidagi grafikda O'zbekiston Respublikasi viloyatlari bo'yicha 2016-yilda innovatsion texnologiyalar joriy qilgan tashkilotlar va innovatsiyalar soni keltirilgan [1] (rasm).

Rasmdan ko'rishimiz mumkinki, respublika bo'yicha 2016-yilda har bir innovatsion faol tashkilot o'rtacha 2 tadan innovatsiya joriy qildi. Jumladan? har bir innovatsion faol tashkilotga Andijon, Farg'ona viloyatlari, Toshkent shahrida o'rtacha 3 tadan innovatsiya, Buxoro, Qashqadaryo, Navoiy, Samarqand, Sirdaryo, Toshkent viloyatlarida o'rtacha 2 tadan innovatsiya, Qoraqalpog'iston Respublikasi, Jizzax, Namangan, Surxondaryo va Xorazm viloyatlarida o'rtacha 1 tadan innovatsiya joriy qilingan.



**Rasm. Innovatsion texnologiyalar joriy qilgan tashkilotlar va innovatsiyalar soni (2016 y)**  
**Manba: O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi rasmiy sayti ma'lumotlari.**

Albatta? yuqoridagi raqamlardan real sektor korxonalarini innovatsion faoliyati sohasidagi ijobiy holatni ko'rishimiz mumkin. Ammo tahlillar natijasi shuni ko'rsatadiki, hozirda realsektor korxonalarini oldida bir qancha muammolar ko'ndalang turmoqda:

- innovatsion salohiyatning pastligi;
- ushbu faoliyatni kengaytirish uchun korxonalar ichki mablag'larining yetishmasligi;
- iqtisodiy risklarning yuqoriligi va qoplanish muddatlarining uzoqligi;
- ishlab chiqarishni rivojlantirishning uzoq muddatli yo'nalishlarini ko'ra olmaslik.

Mamlakat iqtisodiyoti va korxonalarda innovatsion jarayonlarni tizimli shakllantirishga taalluqli muammolarni hal etishga uringan olimlarning ilmiy ishlarini o'rganish shuni ko'rsatadiki, innovatsion faoliyatning samaradorligi, birinchi navbatda, moliyaviy resurslar bilan ta'minlanganlik darajasiga bog'liq. Innovatsion faoliyat negizida yotgan iqtisodiy muammolarni hal etish uchun esa ishlab chiqarish jarayonining barcha ishtirokchilari: ishlab chiqaruvchi kuchlar, ilmiy-tadqiqot olib boruvchi muassasalar va moliya institutlari o'rtasidagi o'zaro munosabatlarning rivojlanishini talab etadi.

Innovatsion faoliyatni rivojlantirish borasidagi ilmiy yondashuvlarning tahlili, ilg'or xorijiy tajribalar hamda mazkur sohaga oid ko'plab iqtisodiy adabiyotlarda mamlakatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi, uning tashqi bozordagi raqobatbardoshligi bu sohaga qaratilgan e'tibor, shart-sharoitlar boshqa so'z bilan aytganda rivojlangan innovatsion-texnologik infratuzilma mavjudligi orqali ta'minlanishi ilmiy asoslangan. Innovatsion faoliyatni o'rganuvchi mutaxassis-larning fikricha, innovatsion infratuzilma qo'yilgan innovatsion maqsadlarga erishishni ta'minlovchi vazifalarni bajarish uchun aloqador xo'jalik yurituvchi subyektlar tomonidan innovatsion g'oyalar, loyihalar, amaliy, fundamental tadqiqotlar hamda innovatsion ta'lim dasturlarini amalga oshirish bo'yicha maxsus muassasalar faoliyatidir[10].



## IQTISODIYOT

Keyingi yillarda mamlakatimizda xalqaro amaliyotda sinalgan va iqtisodiyotni rivojlantirishda muhim ahamiyat kasb etuvchi bozor munosabatlari va tajribalarini hayotga tatbiq etishga katta e'tibor qaratilmoqda. Shulardan biri klasterlar bo'lib, hozirda iqtisodiyotimizning to'qimachilik va yengil sanoat sohasida ushbu tuzilma faoliyati yo'lga qo'yilmoqda.

Ko'pgina manbalarda rivojlangan davlatlarning tajribalari tadqiq etilib, barqaror ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotni ta'minlashda, investitsion faollikni oshirishda, raqobatbardosh tovarlar ishlab chiqarishda xalqaro logistika markazlari, erkin iqtisodiy zonalar bilan bir qatorda klasterlarning ham o'rni va ahamiyati yuqori ekanligi ko'rsatilgan. Dunyoning ko'pgina mamlakatlarida innovatsion iqtisodiyotni shakllantirish va boshqarishda zarur infratuzilma – klasterlardan foydalanish bo'yicha ma'lum tajriba to'plangan. Ushbu sohaning asoschilaridan biri sifatida Garvard biznes maktabining professori Maykl Portertilga olinadi. Uning fikriga ko'ra, rivojlangan va rivojlanayotgan soha yoki tarmoqlar aynan klasterni tatbiq etish yoki uning ba'zi bir elementlaridan foydalanish orqali yuqori natijalarga erishgan. Jami 9 ta mamlakatda 100 dan ortiq tarmoqlarni tahlil qilgan olim shunday xulosaga keladiki, yuqori raqobatdoshlikka ega bo'lgan transmilliy kompaniyalarning rivojlanishi bir nechta davlatlarga bo'linib ketgan tashkilotlarning mustaqil harakat qilishi orqali emas, balki tizimli ravishda bitta davlat yoki bitta mintaqaga konsentratsiyalashuvi orqali erishgan[11]. Shundan boshlab, ushbu sohaga nafaqat davlat boshqaruvchilari, balki ilmiy-tadqiqot sohasi bilan shug'ullanuvchilarning ham qiziqishi orta boshladi. Albatta, bugungi kunda iqtisodiyotimiz oldida turgan muhim vazifa bu xom ashyoga asoslangan ishlab chiqarishdan innovatsion ishlab chiqarishga bosqichma-bosqich o'tish hisoblanadi. Buning uchun zarur innovatsion muhit, ilmiy-texnik taraqqiyot yutuqlaridan foydalanish imkoniyatini beruvchi tuzilmalar yaratish zarur. Zamonaviy iqtisodiy taraqqiyotning muhim sharti ham xo'jalik yuritishning klaster modelini yaratish hisoblanadi.

Fikrimizcha, innovatsion klasterlar tashkil etishning bir qancha afzalliklari mavjud:

- Geografik jihatdan bir-biriga yaqin joylashgan obyektlarda mahsulot ishlab chiqarish samaradorligi ortadi. Negaki tashish xarajatlari kamayadi, jarayondagi uzilishlar bartaraf etiladi;
- Innovatsion klasterlar iqtisodiy o'zgarishlarga nisbatan moslashuvchanligi bilan ajralib turadi;
- Yangi tashkil etilgan korxonalar uchun qulay biznes inkubator vazifasini o'taydi, innovatsion texnologiyalarni samarali qo'llash imkonini beradi;
- Klaster joylashgan hudud infratuzilmasi yaxshilanadi;
- Aholining ish bilan ta'minlanish muammosiga yechim topiladi.

Xulosa o'rinda shuni aytish lozimki, korxonalarida innovatsion texnologiyalardan samarali foydalanish va innovatsiyalarni yaratishda, ularni ishlab chiqarishga tatbiq etish jarayonini yanada takomillashtirish masalalari bo'yicha quyidagilarga alohida e'tibor qaratish lozim:

- korxonalarda asosiy e'tiborni mavjud ilmiy salohiyatni rivojlantirish, ulardan samarali foydalangan holda innovatsiyalarni yaratish va ishlab chiqarishni joriy etishga qaratish;
- korxonalar hamda shu sohadagi ilmiy-tadqiqot muassasalar bilan hamkorlik aloqalarini yanada rivojlantirish;
- korxonalaridagi laboratoriyalarni texnik jihatdan tubdan yangilash chora-tadbirlarini amalga oshirish;
- korxonalarda innovatsion mahsulot yaratuvchi ixtirochilarga imkoniyat yaratish, ularni moddiy rag'batlantirish.

Fikrimizcha, klasterlar bugungi innovatsion jarayonlarning lokomotivi hisoblanadi. Ishlab chiqarishning klaster modeli innovatsion iqtisodiyotga o'tishning muhim omili bo'lib xizmat qiladi. Negaki ilmiy-texnik va ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyot yangi bilimlar va xo'jalik yuritishning yangi shakllarini yaratishni talab etadi. O'zaro integratsiyalashgan tarmoqlar klasterini yaratish hududlardagi sanoat potentsialini tez sur'atlar bilan o'sishiga olib keladi.

Shunday ekan bugungi kunda innovatsion texnologiyalar eng muhim strategik resurs hisoblanadi. Chunki sanoat va moliyaviy texnologiyalarning amaliyotga joriy etilishi korxonalarda ishlab chiqarish infratuzilmasining rivojlanishi, intellektual salohiyatning oshishi, eksportga yo'naltirilgan mahsulotlarning ishlab chiqarilishi hamda mamlakatda valyuta zaxiralarining jang'arilishi kabi iqtisodiy masalalarning ijobiy hal etilishiga olib keladi.

ADABIYOTLAR

1. O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi PF-4947- sonli “O`zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo`yicha Harakatlar strategiyasi to`g`risida” gi farmoni, 3.2 bandi. <http://www.press-service.uz>
2. O`zbekiston Respublikasi Prezidenti SH.M. Mirziyoevning Oliy Majlisga murojaatnomasi. //Xalqso`zi, 23 dekabr, 2017yil.
3. **Кондратьев Н.Д., Опарин Д.И.** Большие циклы конъюнктуры: Доклады и их обсуждение в Институте экономики. 1-изд. - М., 1928. – 287 с.
4. O`zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo`mitasi rasmiy sayti: <http://www.stat.uz>
5. **Muxitdinov X.T.** Innovatsion salohiyat shakllanishi va rivojlanishini tahlil qilishga institutsional yondashuv //Iqtisodiyot va moliya. – Toshkent, 2012, 2- son. – 2-6–b.
6. **Mustafakulov Sh.I.** Klasterli yondashuv asosida hududiy infratuzilmani shakllantirishda ustuvor yo`nalishlari //Biznes-Expert ilmiy jurnali.: - №9 (105). – 2016.

УДК: 338.24.001.76

ИННОВАЦИОН СТРАТЕГИК БОШҚАРУВ ТУШУНЧАСИНИНГ МОҲИАТИ

ЗНАЧЕНИЕ ПОНЯТИЯИННОВАЦИОННОГО СТРАТЕГИЧЕСКОГО УПРАВЛЕНИЯ

VALUEOF THE CONCEPT OFINNOVATIVESTRATEGICMANAGEMENT

**Шомуродов Рустам Шахакимович**

*Тошкент давлат педагогика университети тадқиқотчиси*

**Таянч сўзлар:** стратегия, инновация, инновацион салоҳият, инновация, стратегик бошқарув, инновацион стратегик бошқарув.

**Ключевые слова:** стратегия, инновации, инновационный потенциал, нововведения, стратегическое управление, инновационного стратегического управления.

**Key words:** strategy, innovation, innovation potential, innovation, strategic management, innovative strategic management.

*Инновацион стратегик бошқарув жараёни маҳаллий ва хорижий илмий адабиётларда мавжуд бўлган нуқтаи назаридан тақдим этилган. Инновацион стратегияларни бошқариш ва инновацион имкониятларни (инновацион салоҳиятни) ҳисобга олиш жиҳатидан корхоналарнинг рақобатбардошлигини таъминлаш муаммолари ўрганилган. Инновацион жараёни стратегик бошқариш мазмуни ўзига хос шаклида ифодаланган.*

*Процесс инновационного стратегического управления представлен в разрезе точек зрения, существующих в отечественной и зарубежной научной литературе. Проанализированы проблемы обеспечения конкурентоспособности предприятий в условиях реализации инновационных стратегий и учета инновационных возможностей (инновационного потенциала). Содержание стратегического управления инновационным процессом уникально и на каждом предприятии выражается в своей конкретной форме.*

*The process of innovative strategic management is presented in the context of points of view that exist in domestic and foreign scientific literature. The problems of ensuring the competitiveness of enterprises in the context of the implementation of innovative strategies and accounting for innovative opportunities (innovation potential) are analyzed The content of the strategic management of the innovation process is unique and at each enterprise is expressed in its specific form.*

**Кириш.** Стратегия сўзи грекча “стратегос” иборасидан олинган бўлиб, “генерал санъати” маъносини билдиради. Бу атаманинг ҳарбий соҳадан кириб келганига

## IQTISODIYOT

таажжубланмаслик керак. Зеро, стратегия Александр Македонскийга бутун дунёнишғол қилишга имкон туғдирган.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ҳам стратегия атамаси:

- “йирик ҳарбий операциялар ва умуман уруш олиб бориш санъати”;
- “ижтимоий - сиёсий курашга раҳбарлик қилиш санъати ва илми” маъносида

талқин этилган. Ҳарбий соҳада ҳозир ҳам бу атама юқори қўмондонлик томонидан ҳарбий жараён (операция)ларни режалаштириш санъати маъносида ишлатилади. Истиқболни аниқ башорат қилиш учун стратегия зарурдир. Стратегия-бу:

- истиқболни тадқиқ қилиш, турли сценарияларни таҳлил қилиш санъати;
- истиқболда рақобат курашида афзаллик берувчи ғоя;

Мамлакатимиз олий таълим тизимида юқори малакали ва рақобатбардош кадрларни тайёрлаш бу тизимнинг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Мазкур вазифанинг нечоғлик самарали ҳал этилиши мамлакатимизда амалга ошириб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва жамиятимиз ҳаётини тубдан қайта қуриш борасидаги мақсадларга эришишни таъминлашга катта таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Чунки амалиётдан маълумки, ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг самарадорлиги бу борада белгиланган вазифаларни бажаришга сафарбар қилинадиган мутахассисларнинг касбий етуқлигига тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Мустақил, демократик Ўзбекистон Республикасида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий ривожланишида устувор соҳа деб эълон қилинган таълимнинг такомиллаштирилиши, энг аввало, унинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришишга йўналтирилган. Бу кўплаб йўналишлар бўйича ҳал этилаётган фавқулдда мураккаб, мажмуавий муаммодир. Улардан бири ижтимоий ҳаётни бошқаришнинг ўзига хос шакли бўлган таълим тизимини бошқариш механизмининг такомиллаштириш ва қайта қуришни ўз ичига олади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасалари таълим сифатини ошириш ва мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги ПҚ-3775-сонли қарори алоҳида аҳамият касб этади. Республикамиз иқтисодиётини такомиллаштириш ва жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялаштириш учун мамлакатимиз олий ўқув юртларининг илмий потенциалидан ўринли фойдаланиш зарур. Ўз навбатида, бу масала регионал миқёсларда амалга оширилаётган инновацион ва илмий-техник сиёсатни юритиш борасида қилиниши лозим бўлган ишлар тизимида олий ўқув юртларининг инновацион потенциали тутган ўрнини белгилаб беради. Бошқарув фаолиятининг моҳияти тўғрисида ғоялар, тушунчалар, мулоҳазалар, уни маданий тарзда амалга ошириш тамойиллари, шакллари ва усуллари ҳақида тизим мавжуддир. Инсоният томонидан фан-техника, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалардаги муваффақиятлар тобора ўсиб бораётганлигидан келиб чиққан ҳолда, бошқарув фаолиятининг илмга бўлган талаби ҳам тўхтовсиз ўсиб боради. Бир томондан, фан бошқарув фаолиятини концептуал бойитишдан манфаатдор бўлса, иккинчи томондан амалиётчи бошқарувчилар ўз фаолиятини илмий идрок этиш, уни назарий асослашга интиладилар. Илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шarti ҳисобланади. Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг 2021 йилгача инновацион ривожланиш стратегияси” тўғрисидаги Президент Фармони лойиҳасининг асосий мақсади – республикаимизнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашда барча мавжуд имконият ва салоҳиятларимизни чуқур тизимли таҳлил қилган ҳолда иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш йўлида илғор хорижий тажрибалар, мамлакатимиз ва жаҳон илм-фанининг замонавий ютуқларини кенг жорий этилишини таъминлашдир.

## IQTISODIYOT

Инновация вазирлиги мамлакатимизнинг ҳозирги мавжуд инновацион ривожланиш ҳолатининг таҳлили натижаларини инobatга олган ҳолда, жаҳон саҳнасида рақобатбардошлигини ошириш учун инсон капиталини мамлакатимизнинг инновацион ривожлантиришда энг асосий йўналишлардан бири этиб белгилади. Бу – барча босқичлардаги таълимнинг сифатини ошириш ва қамровини кенгайтириш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқларининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда кадрларни тайёрлашдир. Шунингдек, илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлигини ошириш, илм-фан, таълим ва бизнеснинг ўзаро боғлиқлигини таъминловчи механизмларни ишлаб чиқилиши талаб этилади. Шунини таъкидлаш лозимки, халқаро Глобал Инновацион Индекс кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон Республикасини 2030 йилда етакчи 50 та давлатлар қаторига қўшилиши ҳам Инновацион ривожланиш стратегиясининг бош мақсадларидан бири, деб белгиланган. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, илм – фан, техника, ишлаб чиқариш ва технологиянинг жадал ривожланиши жамият ҳаётининг барча соҳаларида тараққиётнинг янги истиқболларини очиб берди. Ўзбекистонда бошқарув кадрларини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришда кадрларни фидойи, эл- юрт манфаатини ўйлайдиган, ўз билим ва малакаларини ватан учун, халқ манфаатлари учун сарфлайдиган, ватанпарвар ва садоқатли этиб тарбиялаш имконини берадиган ўқув фанларини киритиш. Кадрлар тайёрлашда олий ўқув юртларида ижтимоий-иқтисодий фанларнинг ўқитилишини хорижий давлатлар тажрибаси асосида такомиллаштириб бориш, ўқув жараёнини республика иқтисодиётига хос статистик маълумотлар билан таъминлаш лозимлиги, инновацион технологиялар ва методлардан фойдаланишга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон миллати, тили ва динидан қатъий назар эркин тинч ва бадавлат умр кечирishi давлат сиёсатининг бош мақсади дир. Биз бунга биринчи ўринда ёшларимизга муносиб таълим бериш уларнинг илм фанга бўлган интилишларини рўёбга чиқариш, олий ўқув юртларида касбий таълимни тўғри йўлга қўйиб унинг моддий техник базасини илмий ва ўқув жараёнлар сифатини тубдан яхшилаш йўли билан эришамиз.

2019йил “Фаол инвестиция ва ижтимоий ривожланиш йили” деб эълон қилинди. Бу йилда улкан вазифалар ҳар бир фуқарога ҳар бир раҳбарга улкан масъулиятлар юклади. Президентимиз мурожаатларида бу ҳақда қуйидагича фикр билдирганлар: “Ҳар бир раҳбар- у вазир ёки марказий идора бошлиғи бўладими, депутат ёки сенатор бўладими, компания ёки хўжалик бирлашмаси раиси, вилоят ёки туман ҳокими бўладими барча-барчамиз бу ишни энг биринчи вазифамиз, деб билишимиз зарур ” деган эдилар.

Шу муносабат билан олий таълим тизими бошқарувида янгича усул восита стратегияларни ишлаб чиқиш бугунги кунда энг долзарб масалалардан биридир. Президентимиз мурожаатларида келтирилган қуйидаги рақамлар олий таълим тизимида туб ўзгаришлар қилишни талаб қилади. Жумладан, битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиш 9-10% даражада эканлиги, сўнгги икки йил ичида бу кўрсаткич 15%га оширилганлиги айтиб ўтилган. Қайсики бу кўрсаткич дунёнинг ривожланган давлатларида 60-70%ни ташкил этади.

2019-йил мамлакатимизда битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини 20%га етказиш ва келгуси йилларда бу кўрсаткични янада ошириб бориш вазафаси юклатилди.

Бунинг учун нима ишлар қилиш керак:

1. Нодавлат таълим муассасаларини кўпайтириш, ривожлантириш йўли билан олий таълим муассасалари ўртасида рақобатни кучайтириш.

2. Олий таълимга юқори малакали, хориж тажрибасига эга бўлган кадрларни жалб этиш.

3. Ёшларимизга бир вақтнинг ўзида бир неча олий ўқув юртларига ҳужжат топширишлари учун замонавий инновацион усулларни жорий этиш.

4. Олий таълим муассасаларига қабул квоталарни мустақил белгилаш имконияти берилганидан фойдаланиб, касбий соҳалар бўйича қабул имкониятларини кенгайтириш.

5. Нуфузли хорижий олий ўқув юртлари билан алоқалар ўрнатиш йўли билан бакалаврияттаълим йўналишларида ҳамда магистратурада таҳсил олаётган талабаларни

## IQTISODIYOT

чет эл олийгоҳларига юбориб, уларнинг илмий ва касбий салоҳиятларини янада кенгайтириш.

6. Олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятни янада ошириш, илмий ва илмий педагог кадрлар тайёрлаш мақсадида чет эл олийгоҳларида малака ошириш ва қайта тайёрлашни йўлга қўйиш.

7. Соҳа ва мутахассисликка қараб олий таълимдаги бакалавр ва магистрларни ишлаб чиқариш тармоқлари илмий тадқиқот муассасалари, конструкторлик бюrolари, тажриба ишлаб чиқариш инновация марказлари билан узвий алоқада бўлишини таъминлаш.

8. Олий таълимга юқори илмга эга бўлган ўқувчи ёшларни жалб этиш мақсадида олий ўқув юртлари билан мактаб, лицей ва коллежлар ҳамкорлигини тубдан яхшилаш орқали стратегик мақсадларни амалга ошириш.

## АДАБИЁТЛАР

1. Инновационный менеджмент. Учебник Под.ред. С.Д. Ильенковой. – Москва, 1997.
2. **Морозов Ю.П.** Инновационный менеджмент. ЮНИТИ. – Москва. 2000.
3. **Лутц Крушвиц.** Инвестиционные расчёты Санк Петербург. – Москва: Харьков, Минск 2001.
4. **Уткин Ф.А., Морозова Н.И.** Инновационный менеджмент. – М.: Акалип, 1996.
5. **Фатхутдинов Р.А.** Инновационный менеджмент для вузов. Учебник для вузов М. Интел Синтез 1998.

UDK: 378,2

LMS PLATFORMALARIDAN FOYDALANIB SHAXSGA YO'NALTIRILGAN O'QUV  
MATERIALLARINI TAYYORLASH

ПОДГОТОВКА УЧЕБНЫХ МАТЕРИАЛОВ, НАЦЕЛЕННЫХ НА ПЕРСОНАЛЬНОЕ  
ИСПОЛЬЗОВАНИЕ, НА БАЗЕ ПЛАТФОРМЫ LMS

PREPARING THE EDUCATIONAL MATERIALS USING LMS PLATFORM

**Boltayev Telman Bakayevich**

*assistant professor of Bukhara State University*

**Murodov Shukrilla Abdusaid ugli**

*master student of Bukhara State University*

**Tayanch so'zlar:** ADL, SCORM, LMS tizimi, Moodle, elektron pedagogika, shaxsga yo'naltirilgan ta'lim tizimi, o'rganishni boshqarish tizimi, ta'lim resursi, ta'lim resursi formati.

**Ключевые слова:** ADL, SCORM, Система LMS, Moodle, электронная педагогика, персонализированная система образования, образовательный ресурс, формат образовательного ресурса.

**Key words:** ADL, SCORM, LMS system, Moodle, electronic pedagogy, personalized education system, study management system, resource education, educational resource format.

*Maqolada LMS tizimi tarkibiga kiruvchi Moodle platformasidan foydalanib, ta'lim oluvchining shaxsiy imkoniyatlarini hisobga olgan holda o'rganish muhitini strukturali ko'rinishda ishlab chiqish va uni amalda qo'llashga oid fikr-mulohazalar o'rin olgan.*

*В данной статье рассматривается проблема разработки и применения структурированной учебной среды, учитывающей способности студентов, на базе платформы Moodle, которая является одним из компонентов системы LMS.*

*This article discusses how to develop and apply a learning environment in a structured way, taking into account the student's personal abilities, using the Moodle platform, which is part of the LMS system.*

In recent years, many measures have been undertaken to reform the world-wide education and to increase the effectiveness of the education, and in the case of these measures, we have developed a variety of information systems and is being implemented.

From a historic perspective, in November 1997, the United States announced the ADL (Advanced Distribution Method) Concept for Education Modernization.

The first step towards the development of this concept was the creation of a standard SCORM (Shared Content Object reference Model).


The main objective of the SCORM standard was to define the structure of the learning material for distance learning and the way they are implemented.

Since the SCORM has been conducting a number of research studies by well-known scientists in the world, and has developed a set of principles for distance learning and learning organization seen.

One of the main principles included in the SCORM standard was the telecommunications issue that concerns the idea of creating a learning environment. The characteristic model for telecommunications (generally for the Internet) was naturally the client-server model. This model is based on the SCORM standard.

As a server for the SCORM standard, the new technology has been adopted and the technology has been called the LMS (Learning Management System).

Thus, in the SCORM system the term LMS has been used as a set of functional features designed to organize auditors' training, deliver educational material to the audience, and to manage educational content and learning processes remotely. Based on its name and its functions LMS has started functioning as multi-component and extremely complex. Below is the LMS system, its components and services that are directly linked to this system are schematic [5] (Figure 1).



**Figure 1. The LMS system and the components related to this system**

If we describe the SCORM standard visually, it can be imagined as a set of books on the shelves, and each of these books is intended to describe a specific part or specific function of the SCORM standard.

In this regard, today the SCORM standard is being studied as a three-part system: SCORM CAM, SCORM RTE and SCORM SN.

SCORM Cam (SCORM Content Aggregation Model) – defines the requirements for creating, maintaining and maintaining the content of the training material.

SCORM RTE (SCORM Run-Time Environment) – defines the requirements for starting the training material throughout the system and arranging the exchange of information.

SCORM SN (SCORM Sequencing and Navigation) – is engaged in editing and processing of navigation materials.

Thus, LMS systems are now recognized and actively used as instrumental tools throughout the world.

Specifically, eXe - eLear XHTML Editor is designed to create an electronic learning curriculum.

As far as possible, it is not so great as compared to Authorware. Based on the Mozilla Firefox Web Browser. Free distributed, free software. Official site:

<http://exelearning.org/>.

It is possible to create the perfect courses that combine the ability to test knowledge through several types of test questions (single, multiple choice, yes / no, enter required word).

In practical terms, you can add any material, such as Web page, sound, flash, video, and pictures to the course.

Reload Editor - Editor of the SCORM package metadata. This program provides you with the ability to create, edit, and structure structured course information for the course metadata.

This open source software is also distributed free of charge and its official site is as follows:

<http://www.reload.ac.uk/editor.html>

In addition to editing the course, this program also has a special built-in emulator that can check the packet's ability to work again.

**Moodle.** This open-source LMS system is a free, distributed, freeware software licensed under the GNU General Public License (GPL), its official web site:

<http://moodle.org>.

This system has all the elements required for distance education. It also provides an opportunity for the teacher to communicate separately between the reader and the reader and the reader.

In our country Moodle (Modular Object-Oriented Dynamic Learning Environment) system is being used effectively. This open-source free software, created by the Australian scientist Martin Dugiamas (2002), is currently being developed [1,2].

## PEDAGOGIKA

In this article, we'll focus on creating and implementing structured personalized learning material that is used in the LMS Moodle System.

Personally oriented learning materials can be used as a methodological or didactic tool in a personalized learning process.

Here are the following statements of the Uzbek scientist T.K.Buriev on the personality-focused learning technology [4]:

It is well known that the task of a teacher is not merely to teach the fundamentals of science, to teach and to evaluate, but also to carry out educational activities, taking into account the personal emotional features of the trainee. This is because the educator may have stayed in a certain time, for example, in the gutter of asthenic perceptions. The teacher will have to deal with the anecdotal feelings of the trainee and will need to provide practical assistance to the teacher. And, of course, this will inevitably have an impact on the effectiveness of this science.

In general, the teacher who sees the individual's personality attitudes during the classroom may be able to apply different measures to his or her personality, depending on the skill, it is not possible to provide a person-centered approach to it [3], but how can this be done by a pedagogue in distance education?

In such a situation, a teacher should integrate all his skills and expertise into the content of his/her training material. Because the instructor can not learn all of the students in the virtual auditorium, but the creation of individual teaching materials is indispensable. This means that the training material prepared by the teacher should be fully focused on the individual, by summarizing the features of virtual audiences.

The method proposed by the authors envisages the structured training of individual oriented learning materials, the essence of which is as follows:

1. Each topic in the curriculum is complex in three levels. For example:

The first level material is fully covered by all subcategories of the topic (or module) in the subject matter;


Secondary material selects up to 60% of the theme (module) sub-topics;

The material of the third level is formed on the basis of very simple an easy themes in the amount of 40 % of all the sub-themes mentioned in the program of science .

2. During the virtual learning process, the student receives the first priority (module). To get acquainted with the level of development of theoretical and practical topics, a proper type of control is carried out. If the result is satisfactory the trainee can move to the next topic, otherwise, if the result is unsatisfactory, then the trainee will receive the second item of the first subject.

3. In the same way, the results of studying topic 2 on topic 1 are reviewed. If the result is no longer satisfactory , then the trainee is referred to the third level of the topic 1, and, if the result is satisfactory , then he will be directed to the first level. In this case the trainee will need to re-examine and test the topic 1 in the first level complexity.

4. This algorithm will be continued until the trainee is ready to meet the requirements of the training material proved in the initial topic. The structured view of the personality-oriented learning material is shown in Figure 2 below:



**Figure 2. The structured view of the personality-oriented learning material**



## PEDAGOGIKA

In conclusion, one of the primary factors of increasing the effectiveness of training for the training of specialists who meet today's requirements is the preparation of the above-mentioned training materials with scientifically-practical significance.

### REFERENCE

1. **Анисимов А.М.** Работа в системе дистанционного обучения Moodle. – Харьков: ХНАГХ, 2009. – 292 с.
2. **Амбросенко Н.Д., Маховых М.Ю., Потапова С.О.** Разработка электронного курса на LMS Moodle. – Красноярск, 2018. – 12 с.
3. **Мальцев В.В.** Личностно-ориентированные технологии обучения //Альманах современной науки и образования.- 2010. - № 1 (32). – Ч. 2. – С. 146-148.
4. **Буриев Т.К.** Технология личностно-ориентированного обучения //Молодой учёный. - 2014. - №10 (69). – С. 423–424.
5. Стандарт SCORM и его применение. - URL: <http://cccp.ifmo.ru/scorm>.

УДК:37(094)

### ЎҚУВЧИ ВА ТАЛАБА-ЁШЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

#### ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ СИСТЕМЫ СОРЕВНОВАНИЯ СТУДЕНТОВ И УЧАЩИЕСЯ МОЛОДЁЖИ

#### PERSPECTIVES OF THE SPORTS TRAINING SYSTEM AMONG THE PUPILS AND STUDENTS

**Ташпўлатов Фархад Алишеревич**

*ТошМИ ижтимоий фанлар, жисмоний тарбия ва спорт кафедраси доценти*

**Таянч сўзлар:** талаба-ёшлар, ўқувчилар, спорт мусобақалари, жисмоний тарбия, спорт.

**Ключевые слова:** студент, молодёжь, учащиеся, спортивные соревнования, физическая культура, спорт.

**Key words:** student, pupils, sports competitions, physical training, sport.

*Ушбу мақолада ўқувчи ва талаба-ёшлар ўртасида ўтказиладиган спорт мусобақалари тизимини янада такомиллаштириш йўллари, шакллари, воситалари ва вазифалари ҳақида сўз боради. Бундан ташқари, тизимли мусобақаларнинг мақсадли ўтказиш жадвалларининг янгича талқини ҳақида ҳам батафсил маълумотлар берилган.*

*В данной статье рассматриваются способы, формы, инструменты и функции дальнейшего совершенствования системы спортивных соревнований среди студентов.*

*This article discusses the ways, forms, tools and functions of further improving the system of sports competitions among students and pupils. In addition, detailed information on the new interpretation of schedules of systematic competitions has been provided.*

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3031-сонли Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 октябрдаги “Ўқувчи ва талаба ёшлар ўртасида ўтказиладиган республика спорт мусобақалари тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 864-сонли қарорида белгиланган вазифалар ижроси таълим муассасаларида спорт-соғломлаштириш ишларини янги босқичга кўтарди.

Мазкур қарорларга мувофиқ, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасалари талабаларининг “Баркамол авлод” ва

## PEDAGOGIKA

“Универсиада” спорт мусобақалари бундан буён белгиланган муддатларда ҳар йили мунтазам ўтказилиши белгилаб берилди.

“Универсиада” спорт мусобақалари Олий таълим муассасаларида таълим-тарбия олаётган талабаларни жисмоний етук ва ахлоқий баркамол, Ватанга садоқат руҳида комил инсон қилиб тарбиялаш, жисмоний тарбия, соғломлаштириш ва оммавий спорт ишларини замон талаблари даражасида ривожлантиришни амалга ошириш, олимпия спорт турлари ва миллий спорт турларига ёшларнинг қизиқиши ва эътиборини кучайтириш, ўқувчиларнинг дарсдан ташқари бўш вақтларини тўғри ва мазмунли ташкил этиш, жамоа бўлиб ҳаракат қилиш, ғалабага интилиш иштиёқларини камол топтириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва самарадорлигини ошириш каби муҳим давлат ва жамият аҳамиятига эга бўлган вазифаларни ҳал қилишга қаратилганлиги долзарбдир.

**Асосий қисм.** “Баркамол авлод” ва “Универсиада-2019” спорт мусобақаларини ҳар йили ўтказишдан асосий мақсад – талаба-ёшлар ўртасида спортнинг оммавийлигини янада ошириш, уларда спортга бўлган ҳавас ва интилишни, жамиятда соғлом турмуш тарзи тамойилларини янада кучайтириш, ёш, иқтидорли спортчиларни танлаб олиш, уларда профессионал маҳорат ва кўникмаларни ривожлантириш, спорт турлари бўйича мамлакат терма жамоаларига спорт заҳирасини тайёрлаш, талабаларни спорт машғулотларига узлуксиз жалб этишга қаратилган спорт мусобақалари тизимини янада такомиллаштиришдан иборатдир.

“Баркамол авлод” ва “Универсиада-2019” спорт мусобақаларини ўтказишдаги асосий вазифалар:

- талабаларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш ҳамда жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш;

- талабаларни жисмоний ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини ташкил этиш;

- олий таълим муассасаларидаспортни оммалаштириш ва янада ривожлантириш;

- талабаларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига доимий равишда жалб этиш;

- талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва улар ўртасида спорт мусобақаларини ўтказиш орқали бир-бирлари билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга шароит яратиш;

- талабалар ўртасида спортнинг оммавийлашган олимпия ҳамда миллий спорт турларини ривожлантириш;

- талабаларнинг мафкуравий иммунитетини янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарлик ва салбий иллатларга қарши курашиш руҳиятида тарбиялаш;

- олий таълим муассасаларининг спорт турлари бўйича Ўзбекистон Республикаси терма жамоаларига спорт заҳирасини тайёрлаш бўйича ишларининг сифат ва самардорлигини ошириш;

- “Баркамол авлод” ва “Универсиада-2019” спорт мусобақаларининг ғолиб ва совриндорларини аниқлаш, ўтказиладиган спорт мусобақаларининг натижаларини таҳлил қилиш ҳамда давлатимиз учун муҳим бўлган келгуси истиқбол режаларни аниқ белгилашдан иборатдир.

Ҳозирги мусобақалар тизими қуйидаги ҳолатлар билан муҳимдир. Биринчидан, илгари ҳар уч йилда ўтказиб келинган мусобақалар, Универсиададан кейин деярли икки йил давомида ишларда ўзига хос узилишга олиб келарди. Бу ҳолат бартараф этилди. Иккинчидан, мамлакат терма жамоаси аъзоларининг иштирокини чекланиши, кейинги авлод спорт вакилларини қисқа муддатларда жаҳон ареналарига чиқишига йўл очиб беради. Учинчидан, қисқа вақтда, бутун мамлакат бўйлаб шошилиш олиб бориладиган кўргазма тадбирга чек қўйилди. Тўртинчидан, спортчиларни ҳар уч йилда эмас, балки ҳар йили спорт маҳоратини синовдан ўтказиш учун имконият яратди. Бешинчидан, мамлакат ёшлари саломатлиги учун зарур бўлган оммавий спорт турлари танлаб олинди ва спорт турларини қисқариши билан кенг ҳажмли ишлар барҳам топди.

“Универсиада-2019” спорт мусобақаларида олий таълим муассасаларининг кундузги бўлимларида ўқиётган соғлом, танланган спорт тури бўйича мусобақалашув малака ва кўникмаларига эга ҳамда ОТМ спорт клуби аъзоси бўлган (бакалавр, магистр ва клиник ординатор) талабаларидан иборат жамоалар иштирок этади. “Универсиада-2019” спорт мусобақаларида спорт турлари бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасига аъзоси

## PEDAGOGIKA

бўлган талаба спортчилар иштирок этишига рухсат этилмайди. Бу ҳолат жамоалар ўртасидаги курашспортини янада кескин равишда кечишига, уларни ғалабага бўлган ишончларини мустаҳкамлашга олиб келади. Чунки, мусобақаларда терма жамоаларнинг иштирок этиши, олдиндан натижани башорат қилишга, курашиб ўтиришнинг фойдаси бўлмаслигига олиб келар эди. Бу қоида мусобақаларда тенг кучга эга бўлган жамоаларнинг кўпайишига олиб келади.

“Универсиада-2019” мусобақалари куйидаги босқичларда ўтказилади:

1-босқич – таълим муассасалари босқичи;

2-босқич – ҳудудлар (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар) босқичи;

3-босқич - Республика (финал) босқичи.

Биринчи босқичда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар олий таълим муассасалари (ўқишдан ажралмаган ҳолда) таълим муассасасида ҳар бир факультетнинг спорт турлари жамоаси шаклланади ва факультет жамоалари ўртасида мусобақанинг таълим муассасаси босқичи шахсий биринчилик ўтказилади ҳамда ғолиб жамоалардан муассасанинг спорт турлари бўйича терма жамоаси шакллантириб, куйидаги тартибда ташкил этилади ва ўтказилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан шакллантирилган спорт турлари бўйича терма жамоалар ўртасида спортнинг 4 та спорт ўйин (жамоавий) турларидан (волейбол, баскетбол, гандбол, (эркаклар ва аёллар), футбол (эркаклар) турлари бўйича 4 та ҳудудда саралаш босқичи ўтказилади) ҳудудий саралаш босқичи Ташкилий кўмита йиғилиш қарорига асосан белгиланган муддатларда ҳамда ҳудудларда ташкил этилади ва ўтказилади.

Ҳудудий саралаш спорт мусобақаларида ҳар бир ҳудуддан (волейбол, баскетбол, гандбол(эркаклар ва аёллар), футбол (эркаклар) биттадан жамоа иштирок этишига рухсат этилади.

Ҳудудий саралаш спорт мусобақаларида ғолиби бўлган спорт ўйин (жамоавий) турлари терма жамоалари спорт мусобақаларининг 3 - босқич ярим финалига йўлланма оладилар.

Қолган спорт турлари бўйича ҳудудий 2-босқичи (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар) спорт мусобақалари ғолиблари тўғридантўғри республика финал босқичида иштирок этадилар.

Спортнинг волейбол, гандбол, баскетбол, футбол ва волейбол турлари бўйича ҳудудий саралаш мусобақалари куйидагича ўтказилади:

1-ҳудуд (Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари);

2-ҳудуд (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятлари);

3- ҳудуд (Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари);

4-ҳудуд (Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари).

Спортнинг жамоавий (ўйин) турлари бўйича ҳудудий саралаш мусобақаларда тартиб рақами қуръа ташлаш орқали аниқланади.

**1-жадвал**

<b>1-ҲУДУД</b>								<b>2-ҲУДУД</b>							
№	Жамоалар	1	2	3	4	О	Ў	№	Жамоалар	1	2	3	4	О	Ў
1		■						1		■					
2			■					2			■				
3				■				3				■			
4					■			4					■		

<b>3-ҲУДУД</b>								<b>4-ҲУДУД</b>							
№	Жамоалар	1	2	3	4	О	Ў	№	Жамоалар	1	2	3	4	О	Ў
1		■						1		■					

## PEDAGOGIKA

2

2

3

3

1- ва 2-худуддаги жамоалар тартиб рақамига қараб қуйидаги тартибда ўзаро беллашади.

**I тур**

1-4

2-3

**II тур**

1-3

2-4

**III тур**

1-2

3-4

3- ва 4 – худуддаги жамоалар тартиб рақамига қараб, қуйидаги тартибда ўзаро беллашади. Биринчи рақамли жамоа ўйинини ўтказиб юборади, иккинчи ва учинчи рақамли жамоалар ўзаро беллашади. Қолган ўйинлар берилган схема асосида ўйинни давом эттиради.

**I тур**

1-0

2-3

**II тур**

3-0

1-2

**III тур**

2-0

3-1

Спорт мусобақаларнинг Республика финал босқичларини ташкил қилиш ва ўтказиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон талабалар спорти Ассоциацияси ва Спорт турлари бўйича федерациялари масъул ҳисобланадилар.

“Универсиада” спорт мусобақаларининг республика финал босқичини ҳар йили спорт турлари бўйича навбатма-навбат республиканинг барча худудларида ўтказилади.

“Универсиада-2019” спорт мусобақалари саралаш ва Республика финал босқичларини ўтказиш бўйича Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 октябрдаги “Ўқувчи ва талаба ёшлар ўртасида ўтказиладиган республика спорт мусобақалари тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 864-сонли қарорига мувофиқ, Ташкилий қўмита раҳбарлик қилади ҳамда манфаатдор вазирлик ва ташкилотлар буюртномаларига биноан Ўзбекистон талабалар спорти Ассоциацияси томонидан ташкил этилади ва ўтказилади.

Мусобақаларнинг худудий босқичлари ўтказиладиган худудларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Ташкилий қўмита раисининг ўринбосари ҳисобланади ва раҳбарлик қилади.

Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларнинг “Универсиада-2019” спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда Ташкилий қўмита, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон талабалар спорти Ассоциацияси ва спорт турлари бўйича федерациялари томонидан ҳамкорликда амалга оширилади.

Мусобақаларнинг саралаш ва Республика финал босқичларини ташкил қилиш ва ўтказиш бевосита Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон талабалар спорти Ассоциацияси ҳамда Республика спорт федерациялар томонидан келишилган ҳолда тасдиқланган спорт турлари бўйича Бош ҳакамлар ва ҳакамлар ҳайъати томонидан олиб борилади.

“Универсиада-2019” спорт мусобақаларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасаларининг фақат кундузги бўлимида таҳсил олаётган 17-28 ёшдаги ОТМ спорт клуби аъзоси бўлган (бакалавр, магистр ва клиник оридинатор) талабалар қатнашишига рухсат этилади (28 ёшдан ошган талабалар спорт мусобақаларида иштирок этишига рухсат этилмайди).

**PEDAGOGIKA**

**“Универсиада-2019” II тур (шаҳар босқичи) ва финал мусобақаларида  
иштирок этувчи жамоалар таркиби**

**2-жадвал**

Т/р	Спорт турлари	Иштирокчилар таркиби		Мурабийлар	Делегация раҳбари	Ҳаммаси	Жами
		Эркаклар	Аёллар				
1.	Белбоғли кураш	7	-	1	1	9	9
2.	Баскетбол	9	9	2	1	21	21
3.	Дзюдо	7	7	2	1	17	17
4.	Футбол	16	-	1	1	18	18
5.	Гандбол	11	11	2	1	25	25
6.	Кураш	8	7	2	1	18	18
7.	Стол тенниси	2	2	1	1	6	6
8.	Шахмат	1	1	1	1	4	4
9.	Шашка	1	1	1	-	3	3
10.	Енгил атлетика	7	7	2	1	17	17
11.	Волейбол	9	9	2	1	21	21
12.	Бадминтон	4	4	2	1	11	11
<b>Жами:</b>		<b>82</b>	<b>58</b>	<b>19</b>	<b>11</b>	<b>170</b>	<b>170</b>

**Хулоса.** “Универсиада-2019” спорт мусобақаларини ўтказиш бўйича ҳозирги тизим ўзининг қулайлиги, кам харажатлилиги, тайёргарлик даврининг узоқ вақт давом этиши, иштирокчиларга ўз имкониятларини кенг намойиш қилиши учун шарт-шароитлар етарли эканлиги билан характерланади.

**АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3031-сонли Қарори. Халқ сўзи газетаси, 2018 йил, 4 июнь.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 октябрдаги “Ўқувчи ва талаба ёшлар ўртасида ўтказиладиган республика спорт мусобақалари тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 864-сонли қарори. Халқ сўзи газетаси, 2018 йил 26 октябрь.

**UDK: 004**

**GOOGLE САЙТ ХИЗМАТЛАРИ ЁРДАМИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ  
ИШЛАРИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**ТЕХНОЛОГИЯ ОРГАНИЗАЦИИ САМОСТОЯТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ СТУДЕНТОВ С  
ПОМОЩЬЮ СЛУЖБ GOOGLE**

**TECHNIQUES OF ORGANIZATION OF INDEPENDENT WORK OF STUDENTS WITH THE  
HELP OF GOOGLE SERVICES**

**Турдиева Гавҳар Саидовна**

*БухДУ ахборот технологиялари кафедраси катта ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** электрон таълим, google хизматлари, google календар, интернет, интерфаол технология.

**Ключевые слова:** электронное обучение, сервисы Google, календарь Google, интернет, интерактивная технология.

**Key words:** electronic education, google services, google calendar, internet, interactive technology.

## PEDAGOGIKA

*Мақолада мустақил ишларини инновацион таълим технологиялари ёрдамида ташкиллаштириш усул ва воситалари, мустақил иш топшириқларини масофавий таълим платформаларидан бири бўлган Moodle тизимида, google хизматларидан, MOOC(оммавий очиқ онлайн курслар)лардан ва интерфаол таълим технологиялари ёрдамида шакллантириш усуллари таҳлил этилган.*

*В статье анализируются способы и средства организации самостоятельной работы с использованием инновационных технологий обучения. Рассмотрена одна из платформ - система Moodle, организующая дистанционное выполнение самостоятельных заданий. Одна из служб Google - MOOC (общедоступные открытые онлайн-курсы) и интерактивные технологии обучения, формирующие способы обучения.*

*The article analyzes the ways and means of organization of independent work with the use of innovative learning technologies. Considered one of the platforms that organize remote execution of independent tasks - the system Moodle. One of Google's services is MOOC (publicly available open online courses) and interactive learning technologies that shape learning methods.*

**Кириш.** Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги жадал ривожланиши ахборотлашган жамият талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган, техника-технологиялардан мукамал даражада фойдаланадиган малакали мутахассисларни етказиб беришни тақозо этмоқда. Ахборот технологияларини ҳаётимизнинг турли жабҳаларига кенг ва жадал кириб бориши ахборотлашган жамиятни шакллантиришга замин яратмоқда. Бугунги кунда “Электрон таълим”, “Электрон ҳукумат”, “Электрон бошқарув”, “Масофавий таълим”, “Очиқ таълим”, “Ахборотлашган иқтисодиёт” каби тушунчалар ҳаётимизга кенг кириб келди. Бу ўз навбатида олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш масалаларини ҳал этишга олиб келади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорига асосан “олий маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг мақсадли параметрларини шакллантириш, олий таълим муассасаларида ўқитиш йўналишлари ва мутахассисликларини истиқболда минтақалар ва иқтисодиёт тармоқларини комплекс ривожлантириш, амалга ошириладиган ҳудудий ва тармоқ дастурларининг талабларини инобатга олган ҳолда оптималлаштириш; таълим жараёнини, олий таълимнинг ўқув режа ва дастурларини янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усуллари кенг жорий этиш, магистратура илмий-таълим жараёнини сифат жиҳатидан янгилаш ва замонавий ташкилий шаклларни жорий этиш асосида янада такомиллаштириш; [1] энг муҳим вазифалар сифатида белгилаб берилди.

**Асосий қисм.** Таълим жараёнини инновацион технологиялар ёрдамида ташкиллаштириш замонавий таълимнинг асосий вазифаларидан биридир. Инсон билим олиш жараёнида асосий билим, кўникма ва малакаларни ўз устида мустақил ишлаб таълим олиш жараёнидагина такомиллаштириб боради. Шу маънода талабаларнинг мустақил таълим олишларини мукамал режалаштириш, мустақил таълимни қабул қилиш тизимини ташкиллаштириш, дарс жараёнида талабаларга тўлиқ билим сирларини ўргатиш, уларни фанни чуқур ўрганишлари учун мустақил таълим олишга йўналтириш олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ахборот ва билимлар ҳажми тез суръатларда кенгайиб бораётган ҳозирги шароитда барча маълумотларни фақатгина дарс машғулотлари пайтида талабаларга етказиш вақт нуқтаиназаридан амалга ошириш мушкул вазифа ҳисобланади. Талабаларнинг асосий билим, кўникма ва малакалари мустақил таълим олиш жараёнидагина шаклланади, мустақил фаолият кўрсатиш ривожланиб, ижодкорлик қобилияти шаклланиб боради. Жамиятнинг юксак даражада ривожланишида эса ижодкор, инновацион қобилиятга эга бўлган кадрлар жуда зарурдир. Шу сабабли талабаларнинг мустақил таълимини инновацион асосда тўғри ташкиллаштириш таълим сифат ва самарадорлигини ошишига хизмат қилади.

## PEDAGOGIKA

Бугунги кунда замонавий таълим соҳасида кириб келаётган инновацион технологиялар таълим жараёнини ташкиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу инновацион таълимтехнологиялари комплексига қуйидагилар мисол бўлади.

**TMSC-Team Model Smart Classroom, ezStation- Lecture Capture System, HiLearning-Student Tablet Solution, ezVizion-Document Camera, HaboardInteractive Whiteboard System, HiTech-Interactive Teaching System, WebClick-WebInteractive Response System, ClouDAS-Cloud Computing, Diagnosing and AnalysingService, EEE Learning-Engage, Enrich, Enhance Learning, III Learning-Innovative,Interact, Improve Learning** каби замонавий таълим технологиялари тизимлари.

Таълим соҳасида интернет технологияларнинг кириб келиши жаҳон миқёсида электрон таълим муҳитини шакллантиришга хизмат қилди. Барча хорижий олий таълим муассасаларида талабаларнинг мустақил таълим олишлари учун электрон ўқув курслар ёрдамида фанлардан маъруза, амалий машғулот, лаборатория машғулотлари ва виртуал лабораториялар мустақил ўрганувчиларга интернет орқали тақдим қилинмоқда. Талабалар томонидан топширилиши режалаштирилган мустақил ишлар электрон тарзда, лойиҳа ва илмий ижодий ишлар кўринишида қабул қилинмоқда.

Интернет орқали таълим олиш шаклланиб бораётган бир вақтда хорижда МООС(оммавий очиқ онлайн курслар)нинг ташкил этилиши 24 соат давомида мустақил таълим олишнинг имкониятини янада кенгайтирди.

**Мустақил иш** – бу мустақил таълим олишнинг биргина шакли бўлиб, мустақил таълим олиш – аудиторияда олинган илмий билимлар сифимини кўшимча адабиётларни ўқиш, курс ишларини бажариш, ижодий мавзудаги композицияларни ечиш каби жараёнларда амалга оширилади.

Мустақил таълим олиш талабалар томонидан аксарият ҳолларда ўқув услубий қўлланмалар ва маъруза матнларидан фойдаланиш асосида уй, ётоқхона шароитида олиб борилади. Айрим талабалар эса таълим муассасаларининг ўқув залларида шуғулланишлари. Кўпчилик ҳолларда талабалар мустақил таълим олиш шароитидан қониқмас экан: олий таълим муассасаси ахборот-ресурс маркази фонди, дарслик, ўқув қўлланмалар, илмий-услубий адабиётлар билан таъминланганлик даражасининг етарли даражада эмаслиги талабаларга мустақил ишларни топширишга қийинчилик туғдиради. Бу эса, афсуски, ўқув-услубий материаллар нашр этиш ишларини жадаллаштириш анъанаси ўсганлигига қарамай ҳозирги вақтда дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг, компьютер ўқув-мулоқот дастурларининг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги билан боғлиқдир. Мустақил ишни бажариш жараёнида қуйидаги тўсиқлар ҳам бор:


- малаканинг етишмаслиги;
- вақтнинг етишмаслиги;
- аудиториядан ташқари мустақил ишларни ташкил этиш учун шароитгаэга эмаслиги;

Бугунги кунда талабаларнинг мустақил ишларини инновацион таълим технологияларидан фойдаланиб ташкиллаштириш, қабул қилиш ва баҳолаш тартибини ҳам онлайн амалга ошириш давр талаби бўлиб қолмоқда. Талабаларнинг мустақил ишларини ташкиллаштининг энг қулай ва инновацион усулларида бири бу интернет технологияларидан фойдаланишдир. Талабалар интернет ресурслардан фойдаланган ҳолда мустақил равишда ўрганиб, топшириқларни мустақил бажариш кўникмасига эга бўладилар. Бундай технологияларга булутли технологиялар, таълим веб-қидирувлари, тармоқ таълим лойиҳалари, LMS тизимлари ва бошқалар киради. Булутли технологиялар асосида ташкиллаштирилган ишларнинг барчасини серверлар бажаради. Булутда жойлашган вертикал серверларда сақланган маълумотлар мижоз томонидан ноутбукларда, нетбукларда вақтинча сақланади. Google хизматлари таълим учун бепул ускуналар панелига эга бўлиб, талабалар ва ўқитувчилар учун самарали таълим жараёнини таъминлайди. Булутли ҳисобнинг асосий онлайн тизимларидан талабаларнинг мустақил ишларини ташкиллаштириш ва қабул қилишда фойдаланиш мумкин. Gmail кўп функцияли почта хизмати маълумотларни етказиш, видеочатлар ёрдамида ахборот алмашиш, мобил алоқаларини таъминлашга хизмат қилади. Gmail почта серверининг асосий хусусиятларидан бири почта хабарлари учун кучли қидирув алгоритмининг мавжудлигидир. Хабарларнинг уйланган иерархияси Gmailда хабарни

## PEDAGOGIKA

контекстда кўриш имкониятини яратиб, матнни таҳрирлашга юборилган ва қабул қилинган хабарларни автоматик равишда кетма-кет жойлаштиради. Бу эса хабарларни бир жойда муҳокама қилиш ва таклиф киритиш имкониятини яратади.


**Календарь Google** – бу шундай веб-инструментки, талабаларнинг тадбирларини, диплом ишлари ва курс ишларининг календарь режасини, консультация ва дарсларни режалаштириш учун ишлатилади. Талабалар томонидан топшириладиган мустақил ишларнинг кунларини календарга белгилаб қўйиш ва шу асосда ишларни қабул қилиш мумкин.



1-расм. Календарь Google кўриниши

**Google гуруҳи**- модулли форумларда гуруҳли ишлашни таъминлайди. Замонавий таълимда биринчи ўринда интернет тармоғида ишлаш, ҳамкорликда ишлаш, лойиҳа ва тадқиқотларни олиб бориш кўникмасини, таълимда интернет –таълимни шакллантириш туради. **Google гуруҳи** – барча ўрганувчиларни таълим жараёнидан хабардор қилишни, лойиҳалар устида биргаликда ишлашни, консультацияларни ташкиллаштириш ва мулоқот қилишни таъминлайди. Бунда юқори курс талабаларининг курс ва лойиҳа ишларини мустақил равишда ташкиллаштириш мумкин.

**Google ҳужжатлари** – бепул веб-сервислар тўплами бўлиб, у файлларни булутли сақлаш имконини яратади. Фойдаланувчи томонидан яратилган ҳужжатлар махсус Google серверида сақланади. Google ҳужжат ўзида онлайн матнли ҳужжатларни, тест яратувчи ускуналарни, электрон таблицаларни, кўргазмали материалларни, PDF файллар ва презентацияларни ва уларни биргаликда ишлашни таъминлайди. Google ҳужжатлар талабалар ва ўқитувчиларга биргаликда лойиҳалар устида ишлашни таъминлайди, ўқитувчиларга эса ишлар устида назорат қилиш ва бошқариш имконини беради.




2-расм. Google ҳужжат ойнаси кўриниши



## PEDAGOGIKA

**Google сервис сайт хизмати** – бу сайтлар конструктори бўлиб, видеоларни, тасвирларни ва ҳужжатларни публикация қилиш имконини беради. Сервиснинг мақсади – фойдаланувчилар маълумот алмашадиган ягона интернет муҳитни яратишдан иборат. Сайт хизматининг вазифаси таълим масалаларини катта масштабда муҳокама қилиш имкониятини яратади. Бу ёпиқ методик комиссиядан иборат ёпиқ сайт бўлиши мумкин. Ҳужжатларни сақлаш ва ҳужжат алмаштириш **Google диск** ва булутли оффис ёрдамида амалга оширилади. Булутли ҳужжатлар ва папкаларга мурожаат қилишда ҳужжатлар ва лойиҳаларни биргаликдаги гуруҳли ишлашнинг таъминлайди.



**3-расм. Google сервис сайт хизмати ойнаси кўриниши**


Бу хизматдан талабалар мустақил таълим топшириқларини google ҳужжатларда, google жадвал ёки google презентацияларда тайёрлаб, яқка ҳолатда ёки гуруҳ бўлиб ишлаш имкониятини беради. Бунда бир нечта талабалар презентация тайёрлашнинг бир неча қисмларга бўлиб олиб, ҳар бир талаба ўзига тегишли қисмини тайёрлайди ва сўнг презентациялар умумий бирлаштирилади. Талаба ҳамкорликда ишлаш жараёнида ўзига берилган масъулиятли ишни мукамал бажаришга ҳаракат қилади. Педагог эса ҳар бир талабанинг ишини ўрганиб чиққан ҳолда гуруҳга умумий бални кўяди ва баҳосини изоҳлаб беради. Бу эса талабаларнинг яширин қобилиятларини юзага чиқишига имкон яратади.

**Google Диск.** Google Disk файлларни сақлаш учун қулай ва хавфсиз жойдир. Мижознинг видеолари, фотосуратлари ва ҳужжатлари ҳеч қачон йўқолмайди. Бу ҳужжатларни олиш учун телефон, компьютер ёки планшетингиздан фойдаланишингиз мумкин. Бундан ташқари, бошқа фойдаланувчиларнинг файл ва папкаларини кўриш, таҳрир қилиш ёки шарҳлашга рухсат бериш мумкин.

Google Disk фойдаланувчиларга қуйидаги имкониятларни беради:

- Ҳужжатларни хавфсиз жойда сақлаш ва уларни ҳар қандай қурилмада очиш;
- уларни номи ва мазмуни бўйича файлларни топиш;
- бошқа фойдаланувчиларнинг файл ва папкаларига рухсатли кириш;
- Кўриш, таҳрир қилиш ва шарҳлаш ҳуқуқини таъминлаш;
- яқинда очилган файлларни тезлик билан топиш;
- Файллар ва уларнинг ўзгариш тарихи ҳақида маълумотни кўриш;
- интернетга уланмасдан файллар билан ишлаш;
- қурилма устида камерадан фойдаланиб, босилган ҳужжатларни сканерлаш;
- Google Photosдан расм ва видеоларни кўриш [4].

## PEDAGOGIKA



**4-расм. Google диск хизмати ойнаси кўриниши**

GOOGLE дискнинг имкониятларидан келиб чиқиб, талабалар ва педагог ходимлар ўзларига тегишли файлларни, ҳужжатларни шу ерда сақлаш имкониятига эга бўлади.

Инновацион таълим технологияларини талабаларнинг мустақил ишларини ташкиллаштиришда қўллашнинг қуйидаги усулларидан фойдаланиш мумкин:

- масофавий таълим технологиялари;
- интерфаол технологиялар;
- лойиҳа ишлари;
- кейс технологиялар;
- партфолио;
- муаммоли ўқитиш.

**Хулоса.** Мустақил таълимни ташкил қилишда ўқитувчининг роли ва касбий маҳорати энг аҳамиятли маъсулият касб этади. Мустақил таълимни тўғри ташкил қилиш ва талабалар билан биргаликдаги фаолият жараёнида муваффақиятли натижаларга эга бўлиш, ўқитувчидан нафақат ўзи ўқитаётган фан юзасидан чуқур билимга эга бўлиши, балки айти вақтда талабалар билан ишни тўғри ташкил қилиш, ҳар бир талабанинг иқтидори ва қобилиятини имкон қадар ҳисобга олган ҳолда ёндашишни ҳам талаб қилади. Ўқитувчи фан юзасидан маъруза ва семинар машғулоти жараёнида турли педагогик технологиялар ва интерактив услубларни қўллаган ҳолда ҳар бир талабанинг ўзига хос хислатларини аниқлаштириб, мустақил таълим бўйича маслаҳат дарсларида талабаларга тўғри йўналиш кўрсата олса, мустақил таълимни ташкил қилишдан кўзланган мақсадга эриша олади.

Профессор-ўқитувчи талабаларнинг мустақил ишларини ташкиллаштириш жараёнида доимий равишда инновацион ғоялардан фойдаланиши, талабаларни шу фанга қизиқтириш орқали мустақил ишларни сифатли тайёрлашга эришиши мумкин.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори: “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”. <http://www.lex.uz/docs/3171590>
2. **Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Ҳ., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б.** Инновацион таълим технологиялари. – Тошкент: 2015. – 208 б.
3. **Авлиёқулов Н.** Замонавий ўқитиш технологиялари. – Тошкент: Муаллиф, 2001. – 88 б.
4. **Arroso, Luiz André, Jeffrey Dean, and Urs Hölzle.** Web search for a planet: The Google cluster architecture. 2003. IEEE Micro 23 (2): 22-28. DOI: <https://doi.org/10.1109/MM.2003.1196112>

УДК: 37.035.3

### МЕҲНАТ ТАЪЛИМИДА ТЎГАРАКЛАР ФАОЛИЯТИНИ ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАР ЁРДАМИДА УЙГУНЛАШТИРИШ

### СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КРУЖКОВ ТРУДОВОГО ОБУЧЕНИЯ С ПОМОЩЬЮ ИНТЕРАКТИВНЫХ МЕТОДОВ

### THE CORRESPONDENCE OF THE EDUCATIONAL CLUBS WITH THE INTERACTIVE METHODS IN VOCATIONAL TRAINING

**Избуллаева Гулчеҳра Валериевна**

*БухДУ педагогика кафедраси ўқитувчиси (PhD)*

**Расулова Зилола Дурдимуратовна**

*БухДУ магистранти*

**Таянч сўзлар:** метод тушунчаси, интерфаол методлар, таълим, тарбия, шакл, усул, восита, билим, кўникма, малака, ривожланиш.

**Ключевые слова:** понятие *метод*, интерактивные методы, преподавание, воспитание, форма, метод, средство, знание, навыки, развитие.

**Key words:** the notion of method, interactive methods, teaching, education, the form, method, facility, knowledge, skills, development.

*Мазкур мақолада меҳнат таълимидаги тўгараклар фаолиятида интерфаол методлар ёрдамида самарадорликка эришиш омиллари кўрсатилган. Таълим жараёнида айрим интерфаол таълим методларининг турли шакллардаги ўқув машғулотлари технологиялари билан қўллаш учун қулайлиги ишлаб чиқилган. Ўқувчиларнинг билим, кўникма самарадорлигини ошириш учун машғулотнинг умумий лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда мақсадларни тўғри белгилаш усуллари кўрсатилган.*

*В данной статье показана результативность использования интерактивных методов в кружках трудового обучения. В процессе обучения разработаны некоторые интерактивные методы, используемые на разных учебных занятиях. Для повышения знаний, навыков учащихся основное внимание направлено на разработку проекта занятия с правильным определением его целей.*

*This article shows the performance factors when using interactive methods in labor education clubs. In the process of learning, some interactive methods used in various training sessions have been developed. To increase the knowledge and skills of students, the main focus is to develop a common project exercise and determine the correct objectives of the lesson.*

**Кириш.** Бугунги кунда ўқувчиларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш, фанни янада ривожлантириш ҳамда истеъдодли, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга фаол жалб этишга барча эътибор қаратилган ва биз бўлажак ўқитувчилар олдида ҳукумат ва давлат томонидан катта ишонч билдирилиб бир қанча долзарб вазифалар қўйилмоқда. Демак, таълим-тарбия жараёнида ахборот ва замонавий ўқитиш технологиялари жорий этилиши таълим сифатини яхшилаш ва самарадорлигини оширишда асосий замин бўлиб хизмат қилади.

Таълим жараёнини шу хусусда меҳнат таълими тўғрисида дарс жараёнларини ижодий ёндашув асосида ташкил этишда интерфаол таълим ва интерфаол методларнинг ўрни бекиёсдир. Зеро, улар ўз моҳиятига кўра ўқувчиларни фаолликка ундаш, таълим жараёнида қизғин баҳс ва мунозараларни юзага келтириш имкониятига эга. Дарсларга яхши тайёргарлик кўриш машғулотнинг тартибли, мазмунли ва қизиқарли кечишини таъминлабгина қолмай, берилаётган билимларнинг ўқувчилар томонидан самарали ўзлаштирилишига ёрдам беради. Тўғрисида машғулоти тайёргарлик кўриш ўз мутахассислигини яхши билган тўғрисида раҳбари учун қийин эмас. Бунда асосий эътибор машғулотнинг умумий лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда мақсадларни тўғри белгилашга қаратилиши лозим:

- машғулотда мантиқий давомийликни таъминлаш;
- машғулотни услубий жиҳатдан тўғри ташкил этиш;
- машғулотни ташкилий жиҳатдан тўғри уюштири олиш.

**Асосий қисм.** Тўғрисида машғулотларини ташкил этишда интерфаол таълим усулларида фойдаланиш яхши самара беради. Интерфаол таълим усуллари таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи билан ўқувчилар, ўқувчилар билан ўқитувчилар ўртасидаги мулоқотларда муҳокама, мунозара, музокара, мулоҳаза, таҳлил каби шаклларда қўлланиб келинади. Бу усуллар ўқувчиларнинг нутқ, тафаккур, мулоҳаза, зеҳн, истеъдод, заковатларини ўстириш орқали уларнинг мустақил фикрлайдиган, комил инсон бўлиб вояга етишишларига хизмат қилади.

“Интерфаол” тушунчаси инглизча “interact” сўзидан олинган бўлиб, (“Inter” – “биргаликда”, “act” – “ҳаракат қилиш”), яъни ўқитувчи билан ўқувчиларнинг биргаликдаги ўзаро ҳаракатини билдиради [1].

Интерфаол ўқитиш когнитив фаолиятни ташкил этишнинг махсус туридир. Интерфаол таълим усули ҳар бир ўқитувчи томонидан мавжуд воситалар ва ўз имкониятлари даражасида амалга оширилади.

Аввало, биринчи ўринда “Метод” сўзи кўз олдимизда гавдаланади. “Метод” бу юнонча (metodos) сўзидан келиб чиққан “йўл, усул” маъноларида талқин қилинади. Интерфаол методлар эса – таълим олувчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим олувчи бўлган методлар тушунилади. Бу методларқўлланилганда таълим берувчи таълим олувчини фаол иштирок этишга чорлайди [2]. Таълим олувчи бутун жараён давомида иштирок этади. Таълим олувчи марказда бўлган ёндашувнинг фойдали жиҳатлари куйидагиларда намоён бўлади:

- таълим самараси юқориқ бўлган ўқиш-ўрганиш;
- таълим олувчининг юқори даражада рағбатлантирилиши;
- илгари орттирилган билимларнинг ҳам инобатга олиниши;
- таълим жараёни таълим олувчининг мақсад ва эҳтиёжларга мувофиқлаштирилиши;
- таълим олувчининг ташаббускорлиги ва масъулиятининг қўллаб-қувватланиши;
- амалда бажариш орқали ўрганилиши;
- икки тарафлама фикр-мулоҳазаларга шароит яратилиши.

Интерфаолтаълимтехнологияси – ўқитувчинингбарчаўқувчиларкўздатутилгандекўзлаштирадиганмашғулотолибборишини таъминлайди. Бунда ҳар бир тингловчи-ўқувчи ўз мотивлари ва интеллектуал даражасига эга ҳолда машғулотни олдиндан кўзда тутилган даражада ўзлаштиради. Интерфаол методларнинг бир қанча турлари мавжуд бўлиб, бугунги кунда таълим-тарбия жараёнларида кенг фойдаланиб келинмоқда.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи, “Б/Б/Б” методи, “Думалоқстол” методи, “Кластер тармоқлараро” методи, “Кичик гуруҳларда ишлаш” методи, “Давра суҳбати” методи, “Синквейн” методи, “Ақлий ҳужум” методи, “Қарорлар шажараси” методи, “6/6/6” методи,

“Ажурлиарра” методи, “Фикрий ҳужум” методи, “Дебатлар”, “Сукрот” методи каби ва ҳоказо методлар мавжуд [1].

Бу методларни ҳар бир тўғарак машғулотининг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ. Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда уни таълим олувчилар фаолиятини фаоллаштирадиган турли-туман методлар билан бойитиш таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражаси ўсишига олиб келади.

Бугунги кунда бир қатор ривожланган мамлакатларда таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи замонавий педагогик технологияларни қўллаш борасида катта тажриба асосларини ташкил этувчи методлар интерфаол методлар номи билан юритилмоқда. Интерфаол таълим методлари ҳозирда энг кўп тарқалган ва барча турдаги таълим муассасаларида кенг қўлланаётган методлардан ҳисобланади. Шу билан бирга, интерфаол таълим методларининг турлари кўп бўлиб, таълим-тарбия жараёнининг деярли ҳамма вазифаларини амалга ошириш мақсадлари учун мослари ҳозирда мавжуд. Амалиётда улардан муайян мақсадлар учун мосларини ажратиб тегишлича қўллаш мумкин. Бу ҳолат ҳозирда интерфаол таълим методларини маълум мақсадларни амалга ошириш учун тўғри танлаш муаммосини келтириб чиқарган. Уларни қуйидагича тавсифлаш мумкин:

#### **Ишбилармонлик ёки ролли (вазиятли) ўйин.**

Ишбилармонлик ёки ролли вазиятли ўйинлар – муаммоли вазифанинг бир тури бўлиб, фақатгина матнли ўқув материали ўрнига (ўқувчи) талабалар томонидан роллар ўйналадиган ҳаётий вазият сахналантирилади.

Бу усул амалий машғулотларни биргаликда ўтказишга (ўқувчи) талабаларда имконият туғдиради ҳамда олиб бориладиган амалий жараённинг иш хусусиятлари борасида барча иштирокчида тафаккур уйғотиб касб-ҳунарга бўлган қизишларини янада оширади.

Ишбилармонлик ва ролли вазиятли ўйинлар таълим усули сифатида қуйидаги вазифаларни бажаради:

- **ўргатувчи:** умумтаълим маҳоратни шакллантириш; ижодий қобилиятни ўстириш; шу жумладан, янги вазиятларни тушунтириш, аниқлаш ва таҳлил қилиш;
- **ривожлантирувчи:** мантиқий тафаккурни, нутқни, атроф-муҳит шароитига ўрганиш қобилиятини ўстириш;
- **мотивацион:** талабаларни ўқув фаолиятига ундамоқ, мустақил хулосага келишига рағбатлантирмоқ;
- **тарбиявий:** масъулиятни, мустақилликни шакллантириш.

#### **Педагогик ўйинлар усули**

Педагогик ўйинларни ўтказиш тўрт босқичга бўлинади:

1- босқич: ўйин раҳбари ташкилий масалаларни ҳал қилади (ўйин мазмунидан келиб чиқиб, уни ўтказиш қондасини тушунтириш, маслаҳат бериш, ўйин иштирокчиларини гуруҳларга тақсимлаш);

2- босқич: ўйин белгилари (атрибутикаси)ни тайёрлаш (лойиҳа, чизма, хона танлаш). Ўйин раҳбарини, унинг иштирокчиларига ўйин мазмуни тўғрисидаги ахборотни тарқатиши;

3- босқич: педагогик ўйинларни ўтказиш;

4- босқич: ўтказилган педагогик ўйинларни таҳлил қилиб, хулоса қилиш ва ўйин иштирокчилари фаолиятини баҳолаш. Бундабаҳолаш мезони (баҳолаш шкаласи)дан фойдаланиш тавсия этилади[3].

Ўқитувчи ва талаба шахси фаолиятини уйғунлаштириш технологиялари янги тушунча, қонун-қоидаларни ўзлаштириш ҳамда ўқувчиларни касб-ҳунарга ўргатиш жараёнида қўлланилиб, у бирор усул ёки амални ўйин элементлари билан уйғунлашган ҳолда, бир неча марта такрорланиши ва пухта ўзлаштирилишини назарда тутлади.

Меҳнат таълимида тўғараклар фаолиятини “**ролли ўйинлар**” асосида ёритамиз.

Тўғарак машғулоти мавзуси: “**Зардўзлик санъати технологияси**” (Ролли ўйин).

**Машғулотнинг мақсади:** янги модел тузилиши ва функцияси, уларни ўзаро алоқаси ҳақидаги билимларини янада чуқурлаштириш, қайта тиклаш ва ривожлантириш.

**Машғулотнинг бориши:** биринчи қисм савол-жавоб, иккинчи қисм зардўзлик санъати ўз ҳаёт фаолияти ҳақида айтишуви, хулосалаш.

## PEDAGOGIKA

**Машғулот жиҳозлари:** зардўзлик санъатини акс эттирувчи расмлар.

Ўқитувчи еттита тўғарак иштирокчиларини саралаб олади ва сахнага чиқаради.

Ўйин олдинги машғулотлар пайтида ёздирилган саволларни муҳокама қилишдан бошланади. У «**Мавзулараро ўйин**» тарзида олиб борилади.

Бу унинг зар, фатула, ип, нина, газлама, гўзаллик, безак ролларини ижро этувчилар учун қоғоздан манглай қош тайёрланади.

Манглай қошда қайси тингловчи қандай органид ролини бажараётган ўқувчи бўлса, шу органид номи ёзилади. Уларни 7 та ўқувчи бошларига кийиб олиб, ўз ролларини бажаришга киришишади.

Иштирокчилар мавзу асосида сахна кўриниши намойиш қилишади.

1-иштирокчи: зар ип ролида

2-иштирокчи: корчўп ролида

3-иштирокчи: газлама ролида

4-иштирокчи: нина ролида

5- иштирокчи: ангишвонаролида

6-иштирокчи: зардўзликқайчиси: ролида

7- иштирокчи: Гўзалликролидаиштирок этишади.

**Педагогик ўйинлар туркумларини схематик тарзда қуйидагича ифодалаш мумкин:**



- **Зар** ролидаги иштирокчи олдинга чиқади сўз бошлайди. – Мен зар бўламан мендан турли хил бежирим санъат асарлари яратилади, мен жуда керакли буюмман, - дейди.

- **Корчўп** ролидаги 2-иштирокчи сўзга чиқади-да гап бошлайди. Мен корчўп бўламан. Агар мен бўлмасам иш жараёни тўхтаб қолади, - дейди. Шу пайт:

- **Газлама** ролидаги иштирокчи олдинга чиқиб, – Шошманг-шошманг, агар мен бўлмасам қайси бирларинг ўзларингни тасвирлай оласан, - дейди.

- **Нина** ролидаги иштирокчи – “Хўш-хўш, агар мен бўлмасам биронта жараён амалга ошадими, албатта, йўқ”, - дейди.

- **Ангишвона** ролидаги секин олдинга қадам ташлаб, – “Ахир мен бўлмасам, нина сен ишингни бажара олмайсан-ку”, - дейди.

- **Қайчи** ролидаги иштирокчи: - “Агар мен бўлмасам биронта иш сифатли чиқармиди, - дейди. Шу пайт четда ҳамма тортишувларни эшитиб турган **гўзаллик** аста хўрсиниб: «Мен ҳам гапирсам майлими,- деб гап бошлайди. –Сизларга баъзи бир нарсаларни эслатиб ўтишга ҳаққим бор деб ўйлайман. Чунки сизлар менда жойлашгансизлар. Бу

## PEDAGOGIKA

билан мен мақтанмоқчи эмасман. Агар биргаликда ишламасак, зарнинг гўзаллигини таъминлай олмаймиз. Қисқаси, биз ҳаммамиз бир-биримизга боғлиқмиз!

Шундан сўнг ҳамма бир жойга тўпланишиб: бир овозда биз бир тану бир жонмиз дейишади.

Демак, “**ролли ўйинлар**”нинг афзаллиги шундаки, тўгарак иштирокчилари амалий машғулот бўйича барча маълумотларга эга бўладилар ҳамда уларда фанга нисбатан қизиқиш уйғонади, фаоллик уйғунлашади, касб-хунарга бўлган билим, кўникмалари шаклланади.

### **Муаммоли вазифалар усули.**

Муаммоли вазифалар усули – (ўқувчи) талабаларга муаммоли вазиятларни ва уларнинг фаол билиш фаолиятини ташкил этишга асосланган усулдир. У аниқ вазиятларни таҳлил қилиш, баҳолаш ва кейинчалик қарор қабул қилишдан иборат. Бу усулнинг етакчи функцияларига қуйидагилар киради:

- ўргатувчи: билимларни долзарблаштиришга асосланган;
- ривожлантирувчи (ўқувчи) талабаларда таҳлилий тафаккурни, алоҳида далиллар орқасидаги ҳодиса ва қонунийликни кўра билишни шакллантириш;
- тарбияловчи: коммуникатив кўникмаларни шакллантириш.

Муаммоли вазифалар усули (ўқувчи) талабаларнинг мустақил ишларини мураккаблаштиришга асосланган илмий тушунчаларни, амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш асосида ётган у ёки бошқа материални чуқур мантиқий таҳлил қилишга асосланган.

Муаммоли вазифа ҳаётдан олинган далилларни, маъруза ва вазиятни ўрганишдан, алоҳида инсонлар ёки ишлаб чиқариш корхоналарининг манфаатларини кўзлашдан иборат бўлиши мумкин.

**Топшириқ усули.** Бу усулнинг ижобий томони шундаки, унда тўгарак иштирокчилари учун яқка ҳолда эмас, гуруҳ билан биргаликда ўтилган амалий машғулотни қайта кўриб чиқиб, эса туширишлари учун шароит яратилади. Бунда иштирокчилар билмаган ёки ёддан чиқарган билимларини бир-бирларидан ўрганадилар. Мустақил бажаришга мўлжалланган топшириқлар ўқув йили давомида тўгарак иштирокчилари томонидан амалга оширилиб борилса, иштирокчилар машғулотни ёдларига тушириб, якуний назоратларни яхши топширишларига ёрдам беради.

Тўгарак иштирокчиларининг мустақил ишлашларини ривожлантирувчи яна бир самарали топшириқ тури – бу муаммоли топшириқлардир.

Муаммолар ечими бўйича ишлаш қуйидаги тартибда бўлиши мумкин.

1. Иштирокчилар гуруҳларда ишлайдилар. Уларга умумий ечим, мустақил қарор қабул қилишни талаб этадиган муаммоли машқ ёки топшириқ берилади.
2. Иштирокчилар муаммо ечимини муҳокама қиладилар ва биргаликда муаммо ечими бўйича умумий қарорга келишга ҳаракат қиладилар.
3. Кейин гуруҳлар бир-бирлари билан ўзаро фикр алмашадилар.

Бундай турдаги топшириқлар одатда қизиқарли муҳокамаларга олиб келади, (ўқувчи) талабаларнинг дунёқараши, мулоҳаза юритиш, ўз фикри ва ёндашувини исботлаш, қарор қабул қилиш ва умуман мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлан-тиради. Ўқитувчи фақат топшириқ шартлари билан таништиради, қолган ишларни эса (ўқувчи) талабалар ўзлари бажаришади.

Бундай вазифаларни бажариш учун талабалардан аудиториядан ташқари мустақил изланишлари ҳам талаб этилади, шу билан бирга касбий ва амалий кўникмаларни ривожлантиришга рағбатлантирилади. Лойиҳавий ишлар учун мавзу ҳамда топшириқлар ҳаётий воқеа, далиллар ва намуналардан олинishi мумкин. Махсус фанлар бўйича ўрганилаётган жараёнлар ва объектларни ўрганиш ҳам турли топшириқлар орқали бажариладиган лойиҳалар сифатида берилиши мумкин.

Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, таълим берувчи томонидан таълим олувчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантириб турилиши, амалий машғулотларни кичик-кичик бўлақларга бўлиб, уларнинг ечимини топишда ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, баҳс-мунозара,

## PEDAGOGIKA

муаммоли вазият, йўналтирувчи матн, лойиҳа, ролли ўйинлар каби методларни қўллаш ва таълим олувчиларнинг амалий машқларини мустақил бажаришга ундаш талаб этилади.

Интерфаол метод бирор фаолият ёки муаммони ўзаро мулоқотда, ўзаро баҳс-мунозарада фикрлаш асносида, ҳамжиҳатлик билан ҳал этишдир. Бу усулларнинг афзаллиги шундаки, бутун фаолият (ўқувчи) талабани мустақил фикрлашга ўргатиб, мустақил ҳаётга тайёрлайди. Ўқитишнинг интерфаол усулларини танлашда таълим мақсади, таълим олувчиларнинг сони ва имкониятлари, ўқув муассасасининг ўқув-моддий шароити, таълимнинг давомийлиги, ўқитувчининг педагогик маҳорати ва бошқалар эътиборга олинади.

Бу методлар қўлланилганда таълим берувчи таълим олувчини фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим олувчи бутун жараён давомида иштирок этади. Таълим олувчи марказда бўлган ёндашувнинг фойдали жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

Шундай қилиб, меҳнат таълимида синфдан ташқари ўқув жараёнида интерфаол методлардан фойдаланиш ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, таълим амалиётида фойдаланилаётган ҳар бир интерфаол методни синчиклаб ўрганиш ва амалда қўллаш (ўқувчи) талабаларнинг фикрлашини кенгайтиради ҳамда муаммонинг тўғри ечимини топишларига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўқувчи-талабаларнинг ижодкорлиги ва фаоллигини оширади. Турли хил назарий ва амалий муаммолар интерфаол методлар орқали таҳлил этилганда (ўқувчи) талабаларнинг билим, кўникма, малакалари кенгайиши ва чуқурлашишига эришилади.

Юқорида айтилганлардан интерфаол таълим методларини тегишлича таҳлил қилиш ва шу асосда уларни таснифлаш зарурати маълум бўлади. Қуйида ушбу масала юзасидан умумий мулоҳазаларни келтирамиз. Бу методларни таснифлашда уларни интерфаол методлар, интерфаол таълим стратегиялари, интерфаол график органайзерларга ажратиш мумкин.

**Ҳозирги кунда энг оммавий интерфаол таълим методлари қуйидагилар саналади:**

1. Интерфаол методлар: “Кейс-стади” (ёки “Ўқув кейслари”), “Блиц-сўров”, “Моделлаштириш”, “Ижодий иш”, “Муаммоли таълим” ва б.

2. Интерфаол таълим стратегиялари. “Ақлий ҳужум”, “Бумеранг”, “Галерея”, “Зиг-заг”, “Зинама-зина”, “Музёра”, “Ротастия”, “Юмалоқланган қор” ва ҳ.к. Интерфаол таълим методлари таркибидан интерфаол таълим стратегияларини ажратишда гуруҳ ишини ташкил қилишга ёндашув маълум маънода стратегик ёндашувга қиёсланишига асосланилади. Аслида бу стратегиялар ҳам кўпроқ жиҳатдан интерфаол таълим методларига тегишли бўлиб, уларнинг орасида бошқа фарқлар йўқ.

3. Интерфаол график органайзерлар: “Балиқ скелети”, “Б/Б/Б”, “Констептуал жадвал”, “Венн диаграммаси”, “Т-жадвал”, “Инсерт”, “Кластер”, “Нима учун?”, “Қандай?” ва б. Интерфаол график органайзерларни ажратишда бундай машғулотларда асосий фикрлар турли график шаклларда ёзма кўринишда ифодаланишига асосланилади [3].

Аслида бу график органайзерлар билан ишлаш ҳам кўпроқ жиҳатдан интерфаол таълим методларига тегишли бўлиб, уларнинг орасида бошқа фарқлар йўқ. Интерфаол таълим методларини кўпинча турли шакллардаги ўқув машғулотлари технологиялари билан бир вақтда қўлланилмоқда. Бу методларни қўллаш машғулоти иштирокчиларининг фаолликларини ошириб, таълим самарадорлигини яхшилашга хизмат қилади. Шу муносабат билан юқоридаги тасниф бўйича ҳозирги айрим интерфаол таълим методларининг турли шакллардаги ўқув машғулотлари технологиялари билан қўллаш учун қулайлиги шартли равишда қуйидаги жадвалда келтирилди.

Бу жадвалдаги айрим интерфаол таълим методларининг турли шакллардаги ўқув машғулотлари технологиялари билан қўллаш учун қулайлиги бир мунча шартли ва аслида муайян ўқув машғулотлари технологиялари билан бошқа яна кўп интерфаол методларни аниқ мақсадлар йўлида қўллаш мумкин эканлигини алоҳида таъкидлаш зарур.



## PEDAGOGIKA

### Айрим интерфаол таълим методларининг турли шакллардаги ўқув машғулоти технологиялари билан қўллаш учун қулайлиги

Ўқув машғулоти технологияси	Интерфаол методлар ва таълим стратегиялари	График органайзерлар
Маъруза машғулоти таълим технологияси	Эркин ёзиш. Асосланган эссе ва б.	Кластер. Б-Б-Б чизмаси Т-чизма ва б.
Семинар машғулоти таълим технологияси	Ақлий ҳужум ФСМУ Блиц-сўров. Блиц-ўйин ва б.	Венн диаграммаси. Констептуал жадвал ва б.
Амалий машғулоти таълим технологияси	Ўқитиш бўйича қўлланма. Ёзма ва оғзаки давра суҳбати ва б.	Инсерт жадвали. “Нима учун” чизмаси. “Қандай?” диаграммаси ва б.
Мустақил таълим технологияси	Тушунчаларни аниқлаш ва б.	Балиқ скелети ва б.
Кейс-стади таълим технологияси	Тушунчалар асосида матн тузиш ва б.	Тоифалаш жадвали ва б.
Лойиҳали таълим технологияси	Чалкаштирилган мантиқий занжирлар кетма-кетлиги ва б.	Нилуфар гули ва б.

Энг жиддий дидактик муаммолардан бири таълим методларини танлаш нималарга боғлиқ, деган масаладир. Дидактикага оид адабиётларда таълим методларини тўғри танлаш ва уларни қўллаш самарадорлигининг турли омиллар билан боғлиқлиги куйидагича қайд қилинади:

биринчидан - ўқув машғулоти таълим методларининг дидактик мақсадлари ва вазифаларига боғлиқ;  
 иккинчидан- баён қилинадиган материалнинг характерига боғлиқ;  
 учинчидан- таълим олувчиларнинг билими ва ривожланиш даражасига боғлиқ;  
 тўртинчидан- ўқув жараёнида ўрганилаётган фан асосларининг муайян (ҳозирги) даврдаги методларига боғлиқ;  
 бешинчидан- олий ўқув юрти ёки кафедранинг шароитларига боғлиқ;  
 олтинчидан- ўқув жараёнининг моддий-техник таъминоти билан боғлиқ;  
 еттинчидан- ўқитувчининг педагогик маҳорати, унинг тайёргарлиги ва ўқув жараёнини ташкил этиш даражаси ҳамда ўқитувчининг ҳозирги замон методлари бўйича билимларига боғлиқ.

**Хулоса.** Шундай қилиб, олий ва ўрта таълим муассасаларидаги меҳнат таълими тўғрисида жараёнлари ўқитишнинг замонавий шакл ва методларига мувофиқ ташкил этилади. Бунда ҳар бир шакл ўз олдига қўйган вазифаларни бажаради, лекин шакл ва методлар тўплами ягона дидактик мажмуани ҳосил қилади. Бу дидактик мажмуанинг амалга оширилиши эса, ўқув жараёнининг психологик-педагогик қонуниятлари билан белгиланади. Шу боис, айтиш мумкин бўлган ҳолатни олдини олишнинг энг самарали йўли сифатида таълим муассасалари фаолиятига замонавий таълим технологияларни изчил, мақсадга мувофиқ равишда татбиқ этиш эътироф этилмоқда.

### АДАБИЁТЛАР

1. **Азизхўжаева Н.Н.** Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 440 б.
2. **Хошимова М.** Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: ТДИУ, 2007. – 57 б.
3. **Сайидахмедов Н.С.** Янги педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2010. – 636.
4. [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)

UDK: 159.922.762

ЗАМОНАВИЙ РАҲБАР КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДАГИ ПСИХОЛОГИК МУАММОЛАР

ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ ПОДГОТОВКИ СОВРЕМЕННЫХ  
РУКОВОДЯЩИХ КАДРОВ

PSYCHOLOGICAL PROBLEMS OF PREPARATION OF MODERN LEADERS

Назаров Акмал Мардонович

БухДУ психология кафедраси катта ўқитувчиси

Файзиёва Умида Асадовна

БухДУ педагогика кафедраси ўқитувчиси

**Таянч сўзлар:** интеллект, психологик тузилиши, низо, стресс, бошқарув психологияси, раҳбар, шахс, субъектив, муомала, эмпатия, диалог, маданият, идрок, хотира, мантиқ, тафаккур, ҳиссиёт, оптимист, мониторинг, темперамент, характер, қобилият.

**Ключевые слова:** интеллект, психологическая структура, конфликт, стресс, психология управления, лидер, личность, субъективное, поведение, эмпатия, диалог, культура, идиллический, память, логика, мысль, эмоция, оптимизм, мониторинг, темперамент, характер, способности.

**Key words:** intellect, psychological structure, conflict, stress, management psychology, leader, personality, subjective, behavior, empathy, dialogue, culture, idyllic, memory, logic, thought, emotion, optimism, monitoring, temperament, character, abilities.

*Мазкур мақолада бугунги кунда раҳбарларга қўйиладиган замонавий талаблар, раҳбарларнинг индивидуал психологик хусусиятлари тўғрисидаги илмий-назарий маълумотлар келтирилган. Шунингдек, раҳбарнинг жамоада соғлом психологик муҳитни яратиши, одамларни ўзига қаратишига доир фикрлар келтирилган.*

*В данной статье рассмотрены требования к руководящим кадровым работникам на современном этапе развития общества; приводится научно-теоретическая информация об их индивидуально-типологических и психологических особенностях. Раскрывается тезис о том, что лидер способствует созданию здоровую психологическую атмосферу в обществе, которая привлекает людей.*

*This article presents modern requirements for managers today and scientific-theoretical information about the individual psychological characteristics of managers. There are also opinions that the leader creates a healthy psychological environment in society and attracts people.*

**Кириш.** Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбарни – бу Бош вазир ёки унинг ўринбосарлари бўладими, ҳукумат аъзоси ёки ҳудудлар ҳокими бўладими, улар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиб қолиши керак.

Ҳаммамизга бир ҳақиқат равшан бўлиши лозим: биз мавжуд ривожланиш суръатлари билан ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларга эриша олмаймиз. Бугун замон ўзгармоқда, унинг талаби, олдимизга қўяётган вазифалари тобора ортиб бормоқда. Мана шундай мураккаб шароитда “Сен – менга тегма, мен – сенга тегмайман” деган кайфият билан ишлашнинг вақти ўтди. Биз “вазият ёмон, вазият оғир” деб баҳона қидиришга ўрганиб қолганмиз. Лекин шу вазиятни ким ўзгартиради, ким изга солади, деган саволни, келинг, ўзимизга берайлик. Вазиятни ўзимиз, ўз ақл-заковатимиз, меҳнатимиз билан ўзгартирмасак, ҳеч ким четдан келиб бу ишни биз учун қилиб бермайди.

Мамлакатда кечаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг суръат ва сифати ҳақида гапирадиган бўлсак, республика раҳбарияти томонидан, аввало, қўлга киритилган ижобий натижаларга ҳаққоний баҳо берилиб, йўл қўйилган нуқсонларга танқидий ва холисона кўз билан қаралмоқда. Чунки ислохотларга қаратилган қонунлар, меъёрий

## PEDAGOGIKA

хужжатлар ўз вақтида ва сифатли қабул қилинмоқда. Лекин жойлардаги масъуллар тафаккури, дунёқараши, ўз хизмат бурчлари ва вазифаларини тушунишларидаги эскилик, айрим ҳолларда кутилган натижалар бермаётганининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Шу сабабли жамият тафаккурини янги ва миллий маънавий талаблар асосида янгилашни, авваламбор, барча даражадаги масъуллардан бошлаш кераклиги яққол намоён бўлмоқда.

**Асосий қисм.** Мамлакатимизда ислохотларни амалга ошириш борасида бошқарув органларига раҳбарлик лавозимларини ёш, юқори малакали, касбий маҳорат жиҳатидан ҳар томонлама пухта тайёрланган тажрибали мутахассислар билан тўлдириш асосий вазифаси саналади. Шу мақсадда соҳага раҳбар кадрлар захирасини шакллантириш, уларнинг жамият бошқарувидаги фаоллигини ошириш бугунги куннинг долзарб вазифасига айланиб бормоқда.

Соҳалар тизимида ишларнинг сифат самарадорлигини ошириш, соҳага етук малакали кадрларни жалб этиш, халқаро ва миллий тажрибани амалиётга уйғунлаштириш, шунингдек, соҳа ривожига ўзининг интеллектуал салоҳияти билан ҳисса қўша оладиган раҳбар кадрларни тайёрлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жамиятда ҳар қандай ижтимоий меҳнат жараёни бошқарувни талаб этади. Ҳар қандай бошқарув тизими эса замон талабларига мос равишда такомиллашиб бориши керак.

Ҳозирда инсоният жуда тезкор ривожланиш ҳаёт тарзини ўз бошидан кечирмоқда. Тезкорлик билан ўзгариб бораётган даврда ҳар бир шахс маълум бир шароитда мослашиши, шахс маълум бир жамоада фаолият юргизиши ва бу фаолиятнинг фаоллигини ошириши, бу фаолликнинг омилкор услубларини ишлаб чиқиб, иш жараёнида юз берадиган низо ва стрессларнинг олдини олиши, ноҳуш ҳолат юз берган шароитда киши ўша жараёндан тез ва зиёнсиз чиқиб кетиш усулларини ишлаб чиқиб, тармоққа татбиқ этиши, бошқарув психологиясининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирда фирма, корхона, концернларда бошқарувчи шахсларни ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан ўз касби доирасида ва психологик жиҳатдан тайёргарлиги бошқарувчи шахс фаолият юргизаётган фирманинг келажагини белгилайди. Шундай экан, биз фикр юритмоқчи бўлган мавзу ҳозирда Ўзбекистон шароитида долзарблиги билан муҳимдир.

Демократия тамойилларига асосланган янги жамиятни шакллантиришга киришган ҳар қандай мамлакат учун бошқа стратегик масалалар қатори кадрлар масаласи ҳам ўта долзарб аҳамият касб этади. Раҳбарларнинг жамиятда ислохотларни амалга оширишдаги роли, масъулияти ҳақида куйиниб гапирилади, ўзини раҳбар деб биладиган шахс, аввало, одамларни яхши кўриши, улар билан ҳамдард, ҳамфикр бўлиши, ардоқлаши, халқнинг ташвишларини юрагидан ўтказиб, уларнинг дардига дармон бўлиши лозимлиги таъкидланади.

Раҳбар ўзининг маънавияти, баркамоллиги, фидоийлиги, иймон-эътиқодлилиги, ватанпарварлиги, алоҳида қобилиятга эга эканлиги билан бошқалардан ажралиб туриши керак. Замонавий раҳбар – тажрибали мутахассис бўлиши билан бирга инсоний фазилатларни мужассам этган, бошқарув илмидан хабардор, юқори интеллектуал салоҳиятга эга маънавиятли киши бўлиши лозим. Бугунги кундаги раҳбар, бошқарувчи, ўзининг ижтимоий-маънавий, ижтимоий-психологик тузилиши билан ўтмишдошларидан кескин фарқ қилиши керак. Изланувчан, тадбиркор, салоҳиятли, фидоий раҳбаргина муҳитга мослаша олади. Маданиятсиз раҳбар ишни барбод қилади. Шахсий манфаатидан ўзга нарсани кўрмаслик ҳам маданиятсизликни кўрсатади. Одамлар шахсий манфаатининг кули бўлган раҳбардан юз ўгирадилар.

«Раҳбар ўз атрофидаги ижтимоий-психологик муҳитни яхшилаши, маънавий иқлим, одамларни ўзига қаратиши, ўзига жалб эта олиши керак». Маънавиятли раҳбар ўз атрофида соғлом муҳит ва маънавий иқлимни юзага келтиради. Раҳбар одамларни бошқариши билан ўзгалардан ажралиб туради. У меҳнат жамоасида ва жамиятда барчанинг кўз ўнгида туради. Шу сабабли унинг зиммасида ўзгаларга нисбатан кўпроқ масъулият бор. Масъулият - бу бурчни бажаришда қатъий бўлишдир.

Бинобарин, раҳбар фазилатларидан яна бири ташаббускорлик. Ташаббускор раҳбар ёниб, завқ билан яшайди ва ишлайди. Раҳбарнинг ташаббускорлиги уч насада билинади: одамларни бирлаштириш, уларни бошқариш ва сафарбар этиш. Бирлик йўқ жойда барака

## PEDAGOGIKA

ва ишда унум бўлмайди. Бошқарув (уюштирувчанлик) заиф бўлса, тартиб ва интизомга путур етади. Сафарбарлик бўлмаса, бунёдкорлик бўлмайди.

Раҳбарлик фаолияти ва раҳбар шахси учун иродавий сифатлар жуда муҳим аҳамиятга эга, уни бошқариш эса психологик тўсиқлар, вазиятлар, низоли ҳолатларни енгиш манбаи бўлиб ҳисобланади. Раҳбар кадрнинг нуфузи барқарор ирода субъекти эканлигини ҳар қайси ҳаракат ва фаолиятида намойиш қилишда ўз ифодасини топади, уни комилликка йўналтиришга имкон яратади. Шахслараро муносабатда илиқ туйғуни вужудга келтиради, инсонни инсон томонидан тўғри идрок қилишга шароит туғдиради, индивидуал услубни шакллантиради, обрў-эътибор маънавий бойлик бўлишдан ташқари ишлаб чиқариш самарадорлигининг омили, илиқ психологик муҳитнинг механизми ҳисобланади.

*Шахснинг иродасига қуйидаги талаблар қўйилади:*

1. Иродавий куч-қувватнинг мужассамлашуви;
2. Бошқарув фаолиятининг машаққатлари, заҳматлари;
3. Мақсадга интилиши ва собитқадамлилики;
4. Ташаббус, мустақиллик, ижодийлик;
5. Саботлилики, қатъийлик, принципиаллик;
6. Вазминлик, эсанкирамаслик, ўзини қўлга ола билишлики;
7. Интизомлилики, ўзини ўзи уддалаш, ўзига ўзи буйруқ бериш;
8. Ўз кучига ишонч, ўзини сафарбар қила олишлики ва бошқалар;

Маълумки, бошқарув жараёни учун ижрочиларнинг психологик хусусиятлари ва уларнинг ўзига хослиги муҳимаҳамиятга эга. Худди шу боисдан жамоа, гуруҳ ва уларнинг аъзолари юзасидан муайян даражадаги психологик маълумотлилики, фаолият ва муомалани ташкил қилиш, уюштириш, мулоқотга киришиш, воқеликка тортилганлик масалаларини эътиборга олиш бошқарув жараёнини мақсадга мувофиқ амалга оширишни таъминлайди.

Бошқарув жараёнини мақсадга мувофиқ равишда амалга ошириш учун раҳбар идора қилишнинг қайси бўғинида бўлишидан қатъий назар муайян қобилиятларга эга бўлиши керак. Раҳбар ўзининг шахсий фазилатлари, мустаҳкам характери, кучли иродаси, барқарор ҳиссиёти барча нарсаларга ва жабҳаларга нисбатан махсус қобилиятлари билан халқ хўжалигини бошқара олади, холос. Чунки фан ва техниканинг ривожини, одамларда онглилик даражасининг юксак кўрсаткичи, ижтимоий тажрибаларнинг таъсирчан кучи, кишиларнинг муайян билимларга эга эканлиги раҳбарнинг комил инсон камолоти поғонасига кўтарилишини тақозо этади.

Раҳбар шахснинг қобилиятлари муҳимаҳамият касб этиб, характер, миллий қиёфа қандай роль ўйнаса, улар ҳам худди шундай қийматга эгадир. Уларни раҳбарларда махсус шакллантириш билан камолот сари етаклаш мумкин бўлади.

Раҳбар ўз касбининг мутахассиси бўлган, касбига қалб қўри ва бутун меҳрини бериб, ўзи, оиласи ва бутун эл-юртини ўйлаб меҳнат қиладиган, бошқарув фаолиятини жон дилдан сева олган кишига нисбатан ишлатилади. Раҳбарлик юксак ақл-фаросат, кўп куч ғайрат, изланиш ва топқирликни, ўз устида тинмай ишлашни, ўрни келганда, зарурий тадбиркорликни талаб қиладди. Раҳбар кадр давлатнинг инсоний тимсоли демақдир. Кўзланган, олдимишга қўйган стратегик вазифаларни бевосита амалга оширувчи шахс - давлат вакилидир. Бу улуғ мартаба, мансаб, муҳтарамлик мақомини эгаллашни хоҳловчилар кўп, лекин бу бурч ва ҳуқуқ ҳар бир ташкилотда фақат бир кишига ишонилади. Бу - раҳбарликка номзодлар орасидан энг ҳалолини, энг тадбиркорини, энг фидойисини, энг моҳири, энг ватанпарварини, энг билимлисини танлаш зарурати ва муаммосини пайдо қиладди.

*Раҳбарлик тушунчасига қуйидаги ижтимоий-психологик таърифларни келтириш мумкин:*

1. Раҳбар ижтимоий шахс сифатида ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш ресурсларини бирлаштириб, унинг асосий ҳаракатлантирувчи кучини бошқарувчи сифатида омилкорлик билан иш юритувчи шахсдир.

2. Раҳбар ҳар қандай ишни амалга ошириш учун, аввало, мустақил қарор қабул қиладди. Бу қарор раҳбарнинг тадбиркорлик, ишбилармонлик фаолияти мақсадини белгилайди.

## PEDAGOGIKA

3. Раҳбар ўз соҳасига янги ғоя, янги ташаббус, янги технологияларни жорий этувчи тадбиркор шахс ҳисобланади.

4. Раҳбар меҳнати машаққатли фаолият ҳисобланади. Унга сарфланган куч, маблағ баъзан вақтинча фойда эмас, зарар келтириши, муассаса фойда ўрнига зарар ҳам кўриши мумкин. У бундай ҳолатларни олдиндан кўра олиши ва бунга тайёр туриши, зарур бўлганда, фаолиятни қайта бошлаши, ўзида бунга куч-ғайрат топа билиши лозим.

*Раҳбарнинг шахсий фазилатлари:*

- таъсир ўтказа олиш;
- ўзига ишонч;
- ижодкорлик;
- ҳис-ҳаяжонда вазминлик;
- стрессга бардошлик;
- мақсадга эришишда собитқадамлик;
- тадбиркорлик;
- мустақиллик;
- мулоқотда очиқлик;
- масъулиятни ҳис этиш ва бошқалар.

Ҳар қандай раҳбарда интеллект – ақл-заковатнинг маълум нормаси бўлиши керак. Бу норма яхши раҳбар учун ўртадан юқори бўлмоғи мақсадга мувофиқдир, чунки гений даражасидаги интеллектга эга бўлган раҳбар билан ишлаш ходимлар учун қатор ноқулайликларни келтириб чиқаришини, бундай ақл-заковат қолганларнинг ижобий ривожланишига психологик тўсиқ бўлиши мумкин. Раҳбардаги ўртадан юқори интеллектни қоплаб кетадиган яна бошқа муҳим сифатлар борки, улар бошқариш ишининг самарасига ижобий таъсир кўрсатади.

Масалан, раҳбарнинг мустақил фикрлик, топқирлик, ташаббускорлик сифатлари. Чунки айрим ҳолларда хато қилса ҳам, раҳбар оригинал фикрлар айтиб, йўл-йўриқлар кўрсата олиши, ҳар бир айтилган фикр, қилинган ишга мустақил баҳо бера олиши зарур. Чунки мустақиллик шахс қиёфасини белгиловчи муҳим психологик хусусиятдир.

Раҳбарда мустақиллик бўлса, унда ўзига ишонч ҳам бўлади, бу эса ўз навбатида раҳбардаги субъектив талаблар даражасининг юқори бўлишига олиб келади. Кўпинча, раҳбарнинг бошқаларга талабчанлиги ҳақида гапирилади, лекин яхши раҳбар аввало ўз-ўзига нисбатан талабчан бўлиши керак. Ўз-ўзини баҳолаш ва шу асосда бошқаларга нисбатан муносабатлар тизимини ишлаб чиқиши муҳим бир омилдир.

Ҳар қандай раҳбар учун универсал, керак бўлган хислатлардан яна бири том маънода “зиёли” бўлиш ёки, бошқача қилиб айтганда, маданиятли бўлишдир. Бошлиқ ўзидаги маданиятни аввало муомалада, одамлар билан бўладиган кундалик мулоқотларда намоён этмоғи лозим.

Муомала маданияти - бу ўринли, аниқ, қисқа, самимий гапириш санъати ва иккинчи томондан, суҳбатдошни тинглаш қобилиятидир. Чунки, бошлиқ билан ходимлар ўртасида келиб чиқадиган шахсий зиддиятларнинг асосида ё тинглай олмаслик ёки гапни тўғри йўсинда гапира олмаслик ётади. Ўзганинг ўрнига тура олиш, унинг ҳис-кечинмаларига шерик бўлиш, эмпатия ҳиссининг борлиги, диалогларда сабр-тоқатлик ва бошқалар мулоқот маданиятининг муҳим томонларидир.

*Раҳбарнинг асосий вазифалари:*

1) маъмурий (режалаштириш, ташкилий, одамларга раҳбарлик, мотивация ва назорат);

2) эксперт - маслаҳатчилик (етук мутахассис сифатида энг мақбул ташкилий жараённи амалга ошира олиши, суҳбатлар, маслаҳатлар шаклида бўйсунувчиларни назорат қилишни йўлга қўйилиши ва бошқалар);

3) ваколатчилик (ташкilotнинг рамзи сифатида ички ва ташқи муҳитда ўз ролини бажара олиши);

4) тарбиявий (доимий, мунтазам равишда тенглик асосида муайян одоб принципига амал қилиши, ижобий анъаналарни қўллаб - қувватлаши, жавобгарликни ўз зиммасига олиши ва бошқалар);

## PEDAGOGIKA

5) коммуникативлик (маълумотлар билан алмашинуви);

6) инновацион (ноанъанавий янги услубларни жорий қилиш орқали ташкилот фаолиятининг самарадорлигини янада юқори бўлишига эришиш).

Раҳбарлик лавозими учун атайин ёшлиқдан ўқитишмайди. Бу лавозим мутахассислик савиясидан ташқари кишининг ижтимоий идрок доирасидан кенгликни, хотирасидан мантиқ ва танланганликни, тафаккурдан танқидийликни, ўткирликни, таҳлил теранлигини, вазиятга кўра мақсадга мувофиқ бўлган хулосаларга кела олишни, ҳиссиётдан келажакка ишонч кўзи билан қарашни, ҳаётда оптимист бўлишни ва ўзгаларга ҳам шу кўтаринки кайфиятни сингдира олишни, ҳиссиётини ақлга бўйсундиришни, жамият олдига қўйилган ва Ватан равнақи йўлида ҳеч нарсадан қайтмасликни, мулоқотда юксак маданиятни талаб қиладиган ишдир.

Раҳбарнинг нотўғри танланиши ва унинг мақсадга мувофиқ бўлмаган фаолияти бизнинг эртаимизни белгилайдиган ёшлар тарбиясига улар тасаввуридаги намунали раҳбар қиёфасининг шаклланишига салбий таъсир қилиши мумкин.

Бугунги илмий изланишлар раҳбар кадрлар тайёрлашда ягона узлуксиз тизим барпо этилишини тақозо этмоқда. Бу ўз навбатида раҳбар кадрларни излаш, танлаш, тайёрлаш, аттестациядан ўтказиш, жой-жойига тавсия этиш ва фаолият мониторингини олиб бориш зарурлигини кўрсатади.

Хулосаўрнидашунайитишкеракки, замонавий раҳбар фаолиятида унинг индивидуал психологик хусусиятлари (темперамент, характер, қобилият) ва ўзининг имиджи катта аҳамият касб этади. Раҳбарнинг бошқарув фаолиятидаги индивидуал психологик хусусиятлари ва имиджи ишлаб чиқариш корхоналарида иш самарадорлигини оширишда ва сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилишда муҳим аҳамиятга эга. Раҳбар кадрларнинг бошқарув услуги, унинг индивидуал психологик хусусиятлари ва маънавияти масаласига юқори даражада эътибор берилиши, унинг сабабларини чуқур илмий-назарий жиҳатдан тадқиқэтишни тақозо этиш билан бирга замонавий кадрларни маънавий шакллантириш бўйича ягона тизим концепциясини яратиш бугунги куннинг муҳим талабидир.

### АДАБИЁТЛАР

1. **Мирзиёев Ш.М.** Танқидий таҳлил, қатъий тартиб - интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.:Ўзбекистон, 2017.
2. Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури: «Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». – Т.: Шарқ, 1997. – 63 б.
3. **Каримова В., Ҳайитов О.** Шахснинг ижтимоийлашув муаммоси: Ўқув қўлланма //Проф. В.М.Каримова таҳрири остида. – Т.: ТДПУ, 2007– 51 б.
4. **Боймуродов Н.**Раҳбар психологияси. – Т.: Янги аср авлоди, 2007.– 38 б.

УДК: 396.9/11:396.2(575.1)

**ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР НАШРЛАРИ:ТИПОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ, МАВЗУЛАРИ  
КЎЛАМИНИНГ ЯНГИЛАНИШИ**

**ИЗДАНИЯ ЖЕНЩИН В УЗБЕКИСТАНЕ ТИПОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ, ОБНОВЛЕНИЕ  
МАСШТАБА ТЕМ**

**EDITIONS OF WOMEN IN UZBEKISTAN: TYPOLOGICAL ASPECTS, UPDATING THE  
SCALE OF TOPICS**

**Зокирова Гулнора Воҳид қизи**

*Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ходими*

## PEDAGOGIKA

**Таянч сўзлар:** хотин-қизлар, таҳлил, жамият, муаммолар, ижтимоий фаоллик, танқид, сиёсий ва маданий ҳаёт, оммавий нашрлар, ахборот бозори, демократик янгилашиш.

**Ключевые слова:** женщины, общество, социальные проблемы, общественная активность, критика, политическая и культурная жизнь, публикации для общества, информационный рынок.

**Key words:** women, analysis, society, issues, social activeness, criticism, political and cultural life, mass publications, information market, democratic renewal.

*Мақолада хотин-қизлар мавзусининг бугунги кундаги газета ва журналларимизда ёритилиши, уларнинг шакли ва услуги мавзулар кўлами ҳамда танлашиш методи хусусида сўз юритилган. Шунингдек, аёлларимизнинг бугунги кундаги фаолияти ва улар эришаётган ютуқ ва муаммолари атрофлича таҳлил этилган.*

*Статья посвящена анализу публикаций в республиканских СМИ, связанных с деятельностью женщин в нашей стране: их успехи, проблемы, с которыми они сталкиваются; кроме этого представлен стилистический анализ форм и жанров публикаций.*

*This article discusses various publications in our newspapers and magazines that are devoted to women and their activities in our country, and analyzes the forms and styles of these publications. At the same time, we analyze the current activities of women, their successes and the various problems they face.*

**Кириш.** Ўзбекистонда хотин-қизлар нашрлари деярли бир асрли тарихга эга. Айнан ушбу нашрлар жамиятнинг “нозик хилқати”, деб анъанавий тарзда баҳоланган Ўзбекистон хотин-қизларининг ижтимоий фаоллигини оширишда, жамиятдаги “аёллар масаласи” ҳал этилишига катта ҳисса қўшган ва кўшиб келмоқда. Рус тадқиқотчиси Е.А.Соколова тўғри таъкидлаганидек, “аёлларнинг дунёдаги ўрни, уларнинг эркалар билан тенг имкониятга эга бўлишига интилиши муносабати билан юзага келган гендер масалалари гуманитар соҳа ва ижтимоий онгга мустақкам кириб борди. Шу боисдан ОАВнинг гендер тафаккури шаклланишига таъсири йўллари ва шартларини илмий мушоҳада қилиш долзарб” илмий масалага айланган[1].

Мустақиллик йилларида “миллий матбуот таркибида хотин-қизлар нашрларининг кўпайиши ахборот бозоридаги бундай турдаги газета-журналларга бўлган эҳтиёжнинг ўсиши ҳамда жамиятда хотин-қизлар ижтимоий фаоллиги ошгани билан изоҳласа бўлади. Айнан аёллар учун мўлжалланган нашрлар сони республика миқёсида 30 тага яқинлашди. Улар асосан 2006-2010йилларда ташкил топди”[2]. Миллий матбуотда аёллар мавзусига сиёсат даражасида ёндашиш ҳам айна шу йилларга тўғри келади. Уларнинг каттагина қисми Республика хотин-қизлар Қўмитаси ҳамда унинг вилоятлардаги бўлимлари томонидан таъсис этилган.

**Асосий қисм.** XX асрда республикаимизда фаолият кўрсатган ва бугун республика аёлларининг ижтимоий сиёсий фаоллигини оширишга бевосита таъсир кўрсатаётган “Саодат” журнали” ушбу типологик йўналишдаги нашрларнинг тўнғичи ҳисобланади.

“Саодат” журнали Ўзбекистон хотин-қизлар Қўмитаси муассислигидаги нашр бўлиб мамлакат миқёсида тарқатилади. Журнал 1925йилдан (илк сони “Янги йўл” деб номланган) буён чоп этиб келинмоқда. 1936йилда “Ёрқин турмуш”, 1938йилда “Ёрқин ҳаёт” номи билан юритилган. Ҳозирга келиб мазкур нашр 34 саҳифада чоп этилади, адади 8000 нусха атрофида.

Журналнинг янги рукнлари таркибида “Аёл ва сиёсат” рукни алоҳида ўрин тутди. Бу рукнда асосан сиёсат доирасидаги аёллар фаолияти, уларнинг оилавий ҳаёти ҳақида суҳбат, эсселар бериб борилади. Мисол тариқасида журналнинг 2018 йил 7-сонида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, юридик фанлар номзоди Муҳтабар Ҳусанованинг “Оила-қонунларимиз марказида”, - деб аталган мақоласини келтириш мумкин. Ушбу мақолада асосан хориж тажрибасидан келиб чиққан ҳолда юртимиз аёллари ҳаётига доир давлат сиёсатини олиб бориш, унга янгича ёндашувда қараш, фарзандларимизни етуқ

## PEDAGOGIKA

инсон қилиб тарбиялаш ҳақида бугунги кунда олиб борилаётган ислохотлар ҳақида айтиб ўтилган. Муаллиф бугунги кунда хорихда етакчи саналган аёллар олиб бораётган сиёсатлари нақадар тўғри экани ва керак бўлса, биз ҳам ўрганишимиз, олдимизга қўйилган мақсадларимизни, яъни ишлаб чиқилган қарор лойиҳалари, фармон ва фармойишларни ижро этиш юртимиз келажаги учун барчамиз бирдек ҳаракат қилишимиз зарурлигини эътироф этади. Бу каби чиқишлар республикамизда сиёсий етакчилик қилишга барча сифатлари мавжуд аёлларни ижтимоий-сиёсий майдонда ўзига ишониш ҳиссини шакллантиради. Қолаверса, ушбу рукнда чоп этиладиган бошқа суҳбат, портрет ва эсселарда замонамизнинг етук олимлари, турли вакиллик органларида фаолият юритаётган аёл-депутатлар, халқ хўжалигининг турли жабҳаларида меҳнат қилиб, эл хурматиغا сазовор бўлган таниқли хотин-қизлар ҳақида қизиқарли материаллар бериб борилади.

Журналнинг бошқа рукнларида ҳам “ўқишли” материаллар учрайди. Масалан, журналнинг 2018 йил 5-сонида чоп этилган “Она сути энг камёб дори” сарлавҳали мақолада қизиқарли маълумотлар берилган. Хусусан, она сутининг гўдак саломатлигига таъсири, қолаверса унинг келажақдаги соғлиги билан боғлиқлиги ҳақида фикр юритилган. Бугун экологик хавфлар кун сайин кўпаяётган даврда инсон саломатлиги масаласига бундай ёндашув, албатта, аёл муштарийлар диққатини ўзига тортади. Ушбу сонда яна “Иўқдан бор бўлади” сарлавҳали мақолада Андижон вилояти, Қўрғонтепа қишлоғида яшовчи Муҳаббат Йўлдошеванинг ҳаёт йўли, унинг тадбиркорлик соҳасига кириб келиши ўз ғояларини амалга ошириш йўлида қандай қийинчиликларни бошдан кечиргани, кредит маблағларини жалб этгани ҳолда бугунги кунда ўз яқинларига, оила аъзоларига қолаверса Андижон вилоятининг катта қисмига ўзининг соф меҳнати ва олиб бораётган ишлари билан ўрناق бўлиб келаётгани ҳақида ҳикоя қилинади. Бугунги кунда шундай аёлларимиз борки ҳақиқатдан ҳам “Иўқдан бор қилиб” Ўзбекистонимизнинг келажаги унинг эртанги кунини ёшларимизнинг келажаги учун ўзларининг залворли ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Албатта, бундай аёллар ҳақидаги материаллар аудиторияга ижобий таъсир этиши аниқ[3].

Журналнинг ҳар бир сонидagi рукнлар, турли ҳил мавзулар ва услуб кўринишига қараб ўзгариб боради. Ҳар бир чоп этилаётган материал учун унга ҳамоҳанг кўринишда маъноли рукн танланади.

“Саодат” аёллар борасидаги ягона давлат сиёсатини кенг тарғиб қилади. Унинг қаторида ахборот бозорида нодавлат нашрларининг ҳам фаоллиги ошмоқда. Мисол тариқасида “Суғдиёна”, “Саодат”, “Тадбиркор аёл”, “Мўминалар” каби аёллар нашрлари фаолиятини келтириш мумкин. Хусусан, “Суғдиёна” аёллар ҳафтаномаси уй бекалари ахборот эҳтиёжларига тўла жавоб бера олади дейилса, хато бўлмайди. Уй бекаларини қизиқтирадиган саломатлик, болалар тарбияси, оилавий муносабатлар, руҳшунос маслаҳатлари, пазандачилик, орасталик сирларига оид турли-туман мақола, суҳбатлар ва маслаҳатлар мунтазам чоп этилади[4].

Аммо шу билан бир қаторда айтиб ўтиш керакки, мавзулар долзарблиги билан ўқувчиларни ўзига жалб этиши мумкин бўлса ҳам, аммо материаллар кўнгил очар мазмунда бўлгани сабаб ушбу нашр ўз типологик жиҳати билан “жиддий” масалаларни сифатли тарзда таҳлил этиб бериш фаолиятдан йироқда. Бу эса ушбу нашрнинг потенциал аудиториясига эга бўлишини кескин чегаралайди.

“Гулчеҳралар” газетаси “Саодат” журнали қошида 1991 йил апрелдан 13 минг нусха атрофида ойда 1 марта чоп этилади. Газетанинг асосий майдонида ижодкор аёллар асарларидан намуналар берилган. Ибратормуз ҳаётий воқеалардан хабар берувчи эсселар, мақола ва очерклар чоп этилади. “Мутолаа” рукнида ўзбек ва жаҳон адабиётидан намуналар берилади. Сўнгги саҳифа мухлислар минбари бўлиб, унда таҳририятга келган “Офтобойимга мактублар” рукни ҳам бор. Унда муштарийлардан келган хатларга атрофлича, таҳлилий руҳдаги жавоблар ўрин олган. Айтиш мумкинки, типологик жиҳатдан ушбу нашр хотин-қизларнинг адабий бадиий оммабоп нашрига айланиб улгурган.

Интернет оламида ҳам республика аёллари ҳаёти ва фаолиятини ёритиб борувчи ресурслар мавжуд бўлиб, улар асосан қоғоз кўринишдаги анъанавий хотин-қизлар газета



## PEDAGOGIKA

ва журналларининг интернет версиясини ташкил этади. Улар яна facebook каби ижтимоий тармоқларда ҳам ўз саҳифаларида тезкор тарзда энг янги хабар ва мақолаларни чоп этишга интилади ва бу билан ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдалана оладиган қизлар ва аёллар ахборот эҳтиёжларига ҳозиржавоб бўладилар. Мисол тариқасида facebook.com/sugdiyona.uz ресурсини келтириш мумкин. Ушбу сайт ҳам аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги тутган ўрнига оид материаллар билан бир қаторда уларни қизиқтирадиган барча саволларга жавоб топишлари мумкин. Бироқ, бугунги муштарийлар республикамизнинг ушбу иккита етакчи нашрининг бирлашган **saodat-gul.uz** сайтига кўпроқ мурожаат этадилар. Ушбу интернет-нашри 2014 йилдан буён фаолият олиб бормоқда. Унда қоғоз кўринишидаги иккала нашрнинг етакчи рукнларида чоп этилган энг сара материаллар бериб борилади. Сайтнинг янгиланиб бориши ҳам мунтазам асосга қўйилган. Албатта, **saodat-gul.uz** камчиликдан ҳам холи эмас. Унда интернет-журналистикага хос бўлган мультимедиа жанрлари, инфографика ва бошқа имкониятлар тўла тўқис ишга солинмаган. Шундай бўлса-да, ушбу ресурс аудитория орасида ўзининг доимий ўқувчиларига эга. 2018 йилдаги сонларини бирма бир кўздан кечирар эканман улар анча мукаммаллашган десак бўлади. Ҳар бир чоп этилган журнални харид қилишнинг албатта имкони бўлмаслиги мумкин. Аммо айнан шу веб-сайт орқали журналнинг барча сонини электрон кўринишда кўришимиз мумкин. Аёлларимиз ўз ўрнини топиши учун уларга руҳий кўмак ва тўлақонли тушунтириш ишларини олиб бориш учун ҳам ушбу журнални ўқиб боришлари ва атрофдаги аёлларимизнинг олиб бораётган ислохотларини кўриб ўзларига бўлган муносабатларини, фикрларини, қолаверса дунёқарашларини ўзгартириб боришлари мумкин. **saodat-gul.uz** сайтида электрон журналнинг “Бекаларга”, “Жаҳонга машҳур аёллар”, “Кўнгилга ташриф”, “Белгиланмаган мақолалар”, “Наср”, “Спортимиз маликалари”, “Шифокор маслаҳати”, “Юрак ҳаритаси”, “Руҳият”, “Чевархона” каби рукнларида материаллар бериб борилади. Унга бир кунда тахминан 193-200 га яқин муштарийлар кириб ўзларига керакли ва қизиқ бўлган маълумотларни кўриб чиқишади.

“**Оила даврасида**” газетаси 9 та муассис томонидан таъсис этилган. Уларнинг орасида Хотин-қизлар қўмитаси ҳам бор. Ҳафтанома 2012 йилдан буён чоп этилади. Ҳафтаноманинг асосий материаллари “Долзарб мавзу”, “Бугуннинг гапи”, “Даромад манбаи”, “Мустаҳкам оила”, “Инсон ўзинг”, “Соғлом ҳаёт”, “Беғубор болалик”, “Оила шифокори” каби рукнларда бериб борилади. Типологик жиҳатдан ушбу нашр оилавий сифатида баҳоланса-да, ундаги материалларнинг учдан бир қисми, албатта, аёллар мавзусига бағишланган. Шу боисдан ушбу нашрни ҳам аёллар нашрлари таркибига киритиш мумкин.

Шу ўринда вилоятлар хотин-қизлар қўмиталари муассислигида чоп этиладиган аёлларга мўлжалланган нашрларни ҳам тилга олиш мумкин.

“**Иқбол**” газетаси Андижон вилояти хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий нашри бўлиб, 1997 йил 1 ноябрдан чиқа бошлаган. Саккиз саҳифадан иборат мазкур ҳафтанома 3 минг нусхада чоп этилади. Газета ранг-баранг мавзуларни ёритади, танқидга ҳам кенг ўрин ажратади, “Бугуннинг гапи” “Дил тугёни”, “Ҳидоят нури”, “Қадриятларимиз” рукнларида долзарб мавзуда мақолалар, маънавий-тарбиявий мазмундаги материаллар бериб борилади. Газетанинг яна бир жиҳати – маҳаллий матбуот кўтармаган, лекин ўта долзарб, “теша тегмаган”, баҳс-мунозараларга сабаб бўладиган мавзуларни кўтаради. Газетанинг 2018 йил, 20 сентябрдаги сониди “Коррупция илллати-аср муаммоси” номли мақолада бугунги куннинг долзарб масаласи, яъни асримиз вабосига айланиб бораётган порахўрлик иллатларини унинг олдини олиш чоратадбирлари юртимизда бунга нисбатан олиб борилаётган ишлар кўлами ҳақида тегишли соҳа вакиллари билан суҳбат ўтказилгани ёритилган.

2018 йил 8 ноябр куни Ўзбекистонда “Мамлакатнинг демократик янгиланиши ҳамда модернизациясида аёлларнинг роли: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт” номли халқаро конференция БМТ ва бошқа қатор халқаро ташкилотлар кўмагида бўлиб ўтди. Республика ОАВ таъкидлаганидек, давлат бошқарувида аёлларнинг роли ва имкониятларини кенгайтириш ҳамда гендер тенглигини таъминлашнинг аҳамияти, аёллар бандлиги ва тадбиркорлиги, уларни ижтимоий ҳимоялаш ва уларнинг саломатлигини қўллаб-қувватлаш каби масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Бугунги кунда аёлларимизни

## PEDAGOGIKA

онгли равишда сиёсат оламига олиб кириш уларни қўлларидан ушлаб етмаган билимларини бериш, қолаверса нафақат Ўзбекистонда, балки Афғонистон, Тожикистон, Қозоғистон аёллари билан қиёслаган ҳолда уларни тарбиялаш ҳақида айтиб ўтилди.

Республикаимиз аёллар нашрлари фаолиятини ўрганиш давомида бир нечта қонуниятлар аниқланди. Биринчидан, ҳамма нашрлар ҳам хотин-қизлар мавзусига ихтисослашган, деб бўлмайди. Иккинчидан, ҳам хусусий, ҳам давлат органлари тасарруфидаги нашрларда хотин-қизларнинг кундалик турмуши ва фаолиятига доир таҳлилий, танқидий, мунозарали материаллар сони 2017 йилгача анча кам бўлган. Охириги 2 йил давомида танқидий ва таҳлилий материаллар сони кўпайган, аммо сифат жиҳатидан ҳали талаб даражасида эмас. Учинчидан, аксарият материаллар расмий мазмунда бўлиб, аёлларнинг инсоний фазилатларига деярли урғу берилмайди. Тўртинчидан, аксарият нашрларда жанрлар ва мавзулар кўламини кенгайтириш, хотин-қизларнинг ички оламини тасвирловчи материалларни кўпайтириш мақсадга мувофиқ.

Ушбу нашрлар гендер муносабатларини тўлиқ ёритмоқда деб бўлмайди. Бунинг асосий сабаблари журналистларнинг гендерга доир билимлари етарли эмаслиги, улар “гендер” истилоҳи мазмунига фақат хотин-қизлар мавзусини киритиши, жамият тараққиётида, оила фаровонлигида эркак ва аёлларнинг тенг равишда масъул эканини охиригача англаб етмаганлари сабаб бўлмоқда. Шу боис гендер масалаларини асосий ҳолатларини ёритиш бўйича миллий матбуотимиз олдида қуйидаги вазифалар кун тартибига қўйилган:

1. Изчил равишда хотин-қизларнинг ҳақ-хуқуқларига оид қонунчиликни такомиллашуви жараёнларини кенг ёритиб бориш ва тарғиб этиш;

2. Ўзбекистон хотин-қизларининг сиёсатга кириб келиш жараёнларини изчил ва мунтазам ёритиб бориш;

3. Етакчилик борасида илғор тажриба тўплаган хотин-қизлар фаолиятини кенг тарзда аҳоли ўртасида тарғиб этиш;

4. Тадбиркорлик жабҳасида, шу жумладан инновацион технологиялар асосида тадбиркорлик билан шуғулланувчи аёллар фаолиятини кенг ёритиш;

5. Оиладаги зўравонлик масалаларида ҳуқуқшунос ва руҳшунослар иштирокидаги материалларни кўпроқ чоп этиш, бу борада журналист суриштируви материалларини бериб бориш;

6. Оммавий аудиторияга жонли мулоқот, хотин-қизларнинг кундалик талаб эhtiёжларини қондириш мақсадида савол-жавоб, мутахассислар маслаҳати каби ихчам материаллар бериб бориш;

7. Хотин-қизларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлардаги фаолиятини кенг ёритиш.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Ўзбекистон жамият тараққиёти жараёнларида хотин-қизлар фаоллигига катта эътибор қаратмоқда. Республикаимизда мустақиллик йилларида ушбу йўналишда давлат сиёсати даражасидаги қатор махсус дастур ва лойиҳалар амалга оширилган. Уларнинг ечимини топишда, хотин-қизларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётдаги иштирокини таъминлашда матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари ўсиб бормоқда. Хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва турли жабҳалардаги фаолиятини ёритишда ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам ихтисослашган аёллар нашрларнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Аёлларимизнинг бугунги кундаги тутган ўрнини ёритиш бўйича миллий матбуотимиз изчил равишда хотин-қизларнинг ҳақ-хуқуқларини, уларнинг сиёсатга кириб келиши жараёнларини, тадбиркорлик жабҳасида, шу жумладан инновацион технологиялар асосида тадбиркорлик билан шуғулланувчи аёллар фаолиятини изчил ва мунтазам ёритиб бориши зарур.

### АДАБИЁТЛАР

1. **Соколова Е.А.** Гендерные стереотипы в современных СМИ как инструмент коммуникации// Известия Уральского федерального университета. Сер. 1. Проблемы образования, науки и культуры. — 2013. — № 1 (110). — С. 71-77.

2. **Маматова Я., Сулаймонова С.** Олтин ўрталик сари. – Т.: Экстримум пресс, 2017. – Б. 41-45.

3. Saodat журнали. 2018/№5.

4. Мисол учун “Сўғдиёна” газетасининг 2018 йил сонлари.

УДК: 6.07

**ЯҚҚОЛ ТАСВИРЛАР ҚУРИШДА ҚИЙШИҚ БУРЧАКЛИ АКСОНОМЕТРИК  
ПРОЕКЦИЯЛАРДАГИ ЎЗГАРИШ КОЭФФИЦИЕНТЛАРИНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ  
ВЗАИМОСВЯЗЬ КОЭФФИЦИЕНТОВ ИСКАЖЕНИЯ В КОСОУГОЛЬНЫХ  
АКСОНОМЕТРИЧЕСКИХ ПРОЕКЦИЯХ ПРИ ПОСТРОЕНИИ НАГЛЯДНЫХ  
ИЗОБРАЖЕНИЙ**

**THE RELATIVE RELATIONSHIP BETWEEN THE DISTORTION COEFFICIENTS IN OBLIQUE  
AXONOMETRIC PROJECTIONS FOR THE POSTURE OF THE ARCHED IMAGES**

**Мурадов Шмидт Каримович**

*ТошДПУ техника фанлари номзоди, профессор*

**Кўкиев Бобурмирзо Баходир ўғли**

*ТошДПУ магистри*

**Облоқулова Лайло Ғанишер қизи**

*ТошДПУ магистри*

**Таянч сўзлар:** аксонометрия, ўзгариш коэффициентлари, изометрия, диметрия, триметрия, аналитик геометрия, қийшиқ бурчакли, тўғри бурчакли, чизма, яққоллик.

**Ключевые слова:** аксонометрия, коэффициенты искажения, изометрия, диметрия, триметрия, аналитическая геометрия, косоугольная проекция, прямоугольная проекция, чертёж, наглядность.

**Key words:** axonometry, conversion coefficients, isometry, dimethyria, trimetry, analytic geometry, angled corners, flat corners, draft, sharpness.

*Ушбу ишда қийшиқ бурчакли аксонометрик проекцияларда ўзгариш коэффициентларининг ўзаро ўзвий боғланганлиги ҳақидаги назарий тадқиқотлар келтирилган. Ҳамда қийшиқ бурчакли аксонометрияда проекциялаш бурчаги билан боғлиқ бўлган ўзгариш коэффициентларининг изометриядаги, диметриядаги ва триметриядаги ҳолатлари берилган.*

*В настоящей работе рассматривается взаимосвязь коэффициентов искажения в косоугольных аксонометрических проекциях по аксонометрическим осям. Установлена зависимость угла проектирования и коэффициентов искажения аксонометрии.*

*In this paper, the interrelatedness of the distortion coefficients in oblique axonometric projections along axonometric axes is considered. The design angle and distortion factors in axonometry will be set depending on the angle.*

**Кириш.** Маълумки, ортогонал проекциялар усули техникада, қурилиш иншоотлари ва бошқа турли чизмаларни тузишда кенг қўлланилади. Бирор буюм проекциялар текисликларига нисбатан қулай ҳолда жойлаштирилгани учун унинг ортогонал проекциялардаги чизмаларини чизиш қулай бўлиб, буюмнинг метрик характеристикалари сақланади. Бунда ортогонал проекциялаш усулида тузилган чизмаларда қирқим ва кесимлардан фойдаланиб, буюмнинг ички ва ташқи кўринишини етарлича аниқлаш мумкин. Аммо ортогонал проекциялардаги чизмалар етарли яққолликка эга бўлмайди. Айниқса мураккаб буюмлар, машина деталлари ва қурилиш иншоотларида ишлатиладиган турли конструкцияларнинг ортогонал чизмаларига кўра уларнинг фазовий шаклларини тасаввур қилиш анча қийинчилик туғдиради. Бундай ҳолларда буюмнинг чизмасини унинг яққол тасвири, яъни аксонометрик тасвирлар билан тўлдириш эҳтиёжи туғилади. Лекин аксонометрик проекцияларнинг ҳаммаси ҳам яққол бўлавермайди. Яққоллик проекциялаш йўналиши ва проекциялар текислигининг вазиятларига боғлиқ бўлади.

**Асосий қисм.** Декарт координаталар системасида жойлаштирилган бирор буюмнинг шу система билан биргалликда берилган / йўналиш бўйича бирор Р текисликда бажарилган параллел проекцияси аксонометрия деб аталади. Р текислик аксонометрия текислиги дейилади.

Параллел аксонометрик проекциялар тўғри бурчакли ва қийшиқ бурчакли бўладилар.

Агар  $I$ -проекциялаш йўналиши билан  $P$ -проекция текислиги орасидаги бурчак  $\varphi^0 = 90^0$  бўлса, тўғри бурчакли параллел аксонометрик проекция,  $I$ -йўналиш билан  $P$ -проекциялар текислиги орасидаги бурчак  $90^0 < \varphi < 90^0$  бўлса уни қийшиқ бурчакли параллел аксонометрия деб юритилади.



Агар бирор буюмнинг яққол тасвирини қуриш талаб қилинса, унинг ортогонал проекцияларини яшаш унча қийинлик туғдирмайди. Аммо унинг аксонометрик проекциясини чизишда, аксонометрия текислиги қандай ҳолда проекциялаш йўналиши ва унга нисбатан аксонометрия текислиги қандай ҳолда берилганлигига боғлиқ бўлади.

Декарт координат системасидаги учала координата ўқи учун умумий бўлган узунликни масштаб бирлиги сифатида  $e$  ни қабул қиламиз. Натурал масштаб бирлик  $e$  кесмани  $Ox, Oy$  ва  $Oz$  ўқларига қўямиз. Уларни  $P$  текисликка проекцияласак  $e_x, e_y$  ва  $e_z$  кесмалар ҳосил бўлади. (1-расм) Бу кесмалар аксонометрик масштаб бирликлари бўлади. Уларни натурал масштаб бирлиги  $e$  га нисбати  $e_x : e = K_x, e_y : e = K_y$  ва  $e_z : e = K_z$  лар аксонометрик ўқлар  $O_p, X_p, O_p Y_p$  ва  $O_p Z_p$  бўйича ўзгариш коэффициентлари деб юритилади.

Буюмларнинг аксонометрик проекцияларини яшашда аксонометрик ўқлар бўйича ўзгариш коэффициентлари тушунчаси киритилган.

Маълумки, аксонометрик проекция ўқлари ва улар бўйича ўзгариш коэффициентларини ихтиёрий қилиб олиш мумкин. Аммо улар бир-бири билан узвий боғлиқликда бўладилар.

Агар Декарт системасидаги координатлар билан аксонометриядаги координатларни боғлиқлиги солиштирилса  $\frac{X_p}{x} = K_x, \frac{Y_p}{y} = K_y$  ва  $\frac{Z_p}{z} = K_z$  каби ёзиш мумкин. Уларнинг узвий боғлиқлигини қуйидагича исботлаш мумкин.



1-расм. Тўғри бурчакли ва аксонометрик проекциялардаги нуқтанинг проекциялари

2-расм. Қийшиқ бурчакли аксонометрик проекциялашнинг чизмаси

$P$ -аксонометрия текислигини  $OXYZ$  координаталар системасига жойлаштирилса, бу текислик координата ўқлари билан келишиб,  $ABC$  излар учбурчагини ҳосил қилади. (2-расм).

$P$ -аксонометрик проекциялар текислигига  $Ox, Oy$  ва  $Oz$  координаталар ўқларини ихтиёрий  $I$ -йўналиш бўйича проекциялаймиз. Бунда  $O$  координаталар бошининг проекцияси  $O_p$  бўлсин.  $O$  нуқтадан  $P$  текисликка  $OO_p$  перпендикулярни туширамыз. Бунда  $OO_p$  ва  $O_p O_x$  тўғри чизиқлар орасидаги  $\varphi$  бурчак проекциялаш бурчаги бўлади.

Қийшиқ бурчакли аксонометрияда ўқлар бўйича ўзгариш коэффициентлари ҳақидаги қуйидаги хулосани келтириш мумкин.

## SAN'ATSHUNOSLIK

Теорема: Қийшиқ бурчакли аксонометрияда ўқлар бўйича ўзгариш коэффициентлари квадратларининг йиғиндиси 2 сони билан проекциялаш бурчаги котангеси квадратларининг йиғиндисига тенг бўлади.

Исбот:  $OO_p$  проекциялаш йўналиши билан  $OX$ ,  $OY$  ва  $OZ$  ўқлар орасидаги бурчакларни мос равишда  $\alpha$ ,  $\beta$ , ва  $\gamma$  билан белгилаймиз.  $OO_p$  перпендикуляр тўғри чизик билан бу ўқлар орасидаги бурчакни эса, мос равишда  $\alpha_1$ ,  $\beta_1$ , ва  $\gamma_1$  билан белгилаймиз. Бунда  $OO_pA$  учбурчакдан косинуслар теоремасига асосан қуйидагича ёзиш мумкин.

$$(O_p A)^2 = (O_p O)^2 + (OA)^2 - 2(O_p O)(OA)\cos\alpha \quad (1)$$

Бу тенгликнинг иккала томонини  $(OA)^2$  га бўлганда

$$\frac{(O_p A)^2}{(OA)^2} = \frac{(O_p O)^2}{(OA)^2} + 1 - 2 \frac{(O_p O)\cos\alpha}{OA} \quad \text{бўлади.} \quad (2)$$

Бунда  $\frac{(O_p A)^2}{(OA)^2}$  нисбатни  $O_p X$  ўқ бўйича ўзгариш коэффициенти  $K_x$  деб белгиланса

унинг квадрати  $K_x^2 \equiv \frac{(O_p A)^2}{(OA)^2}$  га тенг бўлади.

$OO_pO_o$  ва  $OO_oA$  тўғри бурчакли учбурчаклардан  $\sin\varphi = \frac{OO_o}{OO_p}$  ва  $\cos\alpha_1 = \frac{OO_o}{OA}$  эканини эътиборга олиб, буларни (2) га қўйиб ва керакли соддалаштиришларни бажарилса,  $K_x^2 = 1 + \frac{\cos^2 \alpha_1}{\sin^2 \varphi} - 2 \frac{\cos \alpha_1}{\sin \varphi} \cdot \cos\alpha$  (3) ҳосил бўлади.

Худди шу йўл билан  $O_p Y$  ва  $O_p Z$  ўқлар бўйича ўзгариш коэффициентлари  $K_y$  ва  $K_z$  лар квадратларининг қийматларини қуйидагича ёзишимиз мумкин:  $K_y^2 = 1 + \frac{\cos^2 \beta_1}{\sin^2 \varphi} - 2 \frac{\cos \beta_1}{\sin \varphi} \cdot \cos\beta$

$$\frac{\cos \beta_1}{\sin \varphi} \cdot \cos\beta \quad (4) \quad K_z^2 = 1 + \frac{\cos^2 \gamma_1}{\sin^2 \varphi} - 2 \frac{\cos \gamma_1}{\sin \varphi} \cos\gamma. \quad (5)$$

(3), (4) ва (5) тенгликларни чап ва ўнг томонларини қўшганда  $K_x^2 + K_y^2 + K_z^2 = 3 +$

$$\frac{\cos^2 \alpha_1 + \cos^2 \beta_1 + \cos^2 \gamma_1}{\sin^2 \varphi} - 2 \frac{\cos\alpha \cos\alpha_1 + \cos\beta \cos\beta_1 + \cos\gamma \cos\gamma_1}{\sin\varphi} \quad (6)$$

ҳосил бўлади.

Аналитик геометриядан маълумки, йўналтирувчи бурчаклар ( $\alpha_1, \beta_1$  ва  $\gamma_1$ ) косинуслари квадратларининг йиғиндиси 1 га тенг бўлгани учун  $\cos^2 \alpha_1 + \cos^2 \beta_1 + \cos^2 \gamma_1 = 1$  (7) бўлади. Ҳамда  $\cos\alpha \cos\alpha_1 + \cos\beta \cos\beta_1 + \cos\gamma \cos\gamma_1 = \cos(90^\circ - \varphi)$  (8) бўлади. Ўз навбатида  $\cos(90^\circ - \varphi) = \sin\varphi$  га тенг бўлгани учун (6) ифодадаги баъзи соддалаштиришлардан сўнг у қуйдаги кўринишда ёзилади  $K_x^2 + K_y^2 + K_z^2 = 1 + \frac{1}{\sin^2 \varphi}$  бўлади. (9)

Бунда  $\frac{1}{\sin^2 \varphi} = 1 + \operatorname{ctg}^2 \varphi$  бўлгани учун  $K_x^2 + K_y^2 + K_z^2 = 2 + \operatorname{ctg}^2 \varphi$  (10) бўлади.

Қийшиқ бурчакли аксонометрияда аксонометрия текислиги  $P$  ни проекциялар текисликларининг бирортасига параллел қилиб олинса, ишлаб чиқариш чизмаларида қўлланиладиган стандарт аксонометрия ҳосил бўлади.


3. Масалан, буюмнинг яққол тасвирини яшашда қийшиқ бурчакли аксонометрияда  $P$  аксонометрия текислиги  $XOZ$  координата текислигига параллел қилиб олинган бўлсин. (3-расм)

Бунда  $O_p X // OX$  ва  $O_p Z // OZ$  бўлиб,  $O_p Y$  ўқ эса,  $O_p X$  ва  $O_p Z$  ўқларга нисбатан ихтиёрий вазиятда бўлиши мумкин. Бундай вазиятда  $O_p X$  ва  $O_p Z$  ўқлар бўйича ўзгариш коэффициенти  $K_x = K_z = 1$  бўлиб  $K_y$  эса  $OO_p B$  тўғри бурчакли учбурчакдан  $K_y = \frac{OO_p}{OB} = \operatorname{ctg} \varphi$  орқали аниқланади.


## SAN'ATSHUNOSLIK

Агар  $\varphi^0=45^0$  бўлса,  $K_y=\text{ctg } 45^0=1$  бўлиб, аксонометрия ўқлари бўйича ўзгариш коэффициентлари  $K_x=K_z=K_y=1$  бўлади. Бунда қийшиқ бурчакли фронтал изометрия ҳосил бўлади. Амалда  $O_p Y_p$  ўқининг  $O_p X_p$  ўқининг ўнг томони бўлган горизонтал тўғри чизиқ билан ҳосил қилган бурчакнинг қийматлари  $30^0, 45^0, 60^0$  вазиятларда бўлади. Агар буюмнинг яққол тасвирини ясашда  $K_x = K_z = 1$  ва  $K_y=0,5$  бўйича чизилган аксонометриялар қийшиқ бурчакли фронтал проекциялар деб юритилади.

Қийшиқ бурчакли фронтал диметрияда аксонометрик ўқларнинг вазияти  $\angle X_p O_p$  ва  $Z_p=90^0$  қилиб олинади.



**3-расм. Аксонометрик ўқларнинг  $XOZ$  текислигига параллелиги.**



**4-расм. Аксонометрик ўқларнинг  $XOY$  текислигига параллелиги.**

2. Агар  $P$  аксонометрик проекциялар текислиги  $XOY$  координата текислиги параллел бўлса, у ҳолда ҳосил бўлган тасвир горизонтал изометрия деб юритилади (4-расм). Бунда проекциялаш йўналиши ихтиёрий бўлиши мумкин.  $O_p X_p$  ва  $O_p Y_p$  ўқлар бўйича ўзгариш коэффициентлари  $K_x = K_y=1$  бўлиб  $O_p Z_p$  ўқ бўйича ўзгариш коэффициенти  $K_z$  ни 0,7 дан 1 гача деб олиш мумкин. Кўп ҳолларда стандартда  $K_z=1$  қилиб олинади.

Иншоотлар аксонометрияси жуда катта қурилиш майдонида жойлашган бинолар, йўллар, аэродромлар ва ҳоказоларнинг ўзаро жойлашувини кичик масштабда кўрсатиш учун фойдаланилади. Чунки бундай аксонометрияда бинолар, йўллар, аэродромлар умуман фигураларнинг планлари ўзгармасдан тасвирланади.

3. Буюмнинг яққол тасвири қийшиқ бурчакли триметрик проекциялаш йўналиши ва проекциялаш текислиги ихтиёрий бўлгани учун уларда ўзгариш коэффициентлари  $K_x, K_y$  ва  $K_z$  ларнинг жойлашишларини ихтиёрий танлаш тавсия этилади.

### АДАБИЁТЛАР

1. Бубенников А.В., Громов М.Я. Начертательная геометрия – М.: Высшая школа, 1973. – С. 307-308.
2. Виницкий И.Г. Начертательная геометрия.– М.: Высшая школа, 1975.– С. 68-69.
3. Глазунов Е.А., Четвдухин Н.Ф. Аксонометрия.– М., 1953. – С. 90-94
4. Гордон В.О., Семенцов-Огиевский М.А. Курс начертательной геометрии. – М.: Наука, 1988.– С. 238-239.
5. Кузнецов С.Н. Начертательная геометрия.– М.: Высшая школа, 1981. – С. 344-345.
6. Муродов Ш ва б. Чизма геометрия. Олий педагогика укув юртлари учун дарслик. – Т.: Иктисод-молия, 2008. – Б. 256-258.

УДК: 373:371. 036:371, 71/76

**АНТИК ГИПСЛИ БОШ ВА БЮСТЛАРИНИНГ ПЕРСПЕКТИВ ТАСВИРЛАШ МЕТОДЛАРИ  
МЕТОДЫ ПЕРСПЕКТИВНОГО ИЗОБРАЖЕНИЯ ГИПСОВЫХ АНТИЧНЫХ ГОЛОВ  
ИБЮСТОВ**

**METHODS OF PERSPECTIVE IMAGE OF GYPSUM ANTIQUE HEADS AND BUSTS**

**Абдуллаев Сайфулла Файзуллаевич**

*Бухарский инженерно - технологический институт к.п.н. доцент*

**Ядгаров Уктам Турсунович**

*Бухарский инженерно - технологический институт к.т.н. доцент*

**Таянч сўзлар:** антик гипсли бош расми, Италия Ўйғониш даври, меъмор, йўналишга мос ўқитиш, бадий идрок, чизиқли перспектива, картина текислиги, кесик бош, натура ҳолати, ёруғ-соя, тус, композиция.

**Ключевые слова:** рисунокантической головы, итальянское Возрождение, зодчий, профилированное обучение, художественное восприятие, линейная перспектива, картинная плоскость, обрубковка, ракурс, светотень, тон, композиция.


**Key words:** image of an antique gypsum head, Italian Renaissance, architect, profiled learning, artistic perception, linear perspective, plainliness of picture, a bust head, tone, composition.

*Мазкур мақолада “Архитектура” (турлари бўйича) таълим йўналиши талабаларига антик гипс одам боши ва бюст перспектив ҳолатларда тасвирлашнинг ўргатиш хусусиятлари қўриб чиқилган.*

*В данной статье рассмотрены особенности изображения античных гипсовых голов и бюстов в перспективных ракурсах.*

*This article describes the features of the image of antique gypsum heads and busts in perspective angles.*

Учебный предмет «Рисунок» считается одной из основных дисциплин в отрасли знаний «Архитектура и дизайн». Соответственно академическая подготовка бакалавра повсем видам правлений образования «Архитектура» вобрала в себя модуль обучения рисунку начиная от простых геометрических форм до изображения наиболее сложной формы – изображения человека [1, 5]. Исходя из этого, основное место в программе обучения академическому рисунку бакалавров занимает рисование гипсовых античных голов и бюстов в различных перспективных ракурсах. Основу составляют известные своим совершенством и красотой конструкции и пропорции античные образцы - Аполлон, Давид, Геракл, Зевс и др. - являющиеся сами по себе ценным методическим пособием. И здесь перед педагогом – художником стоит ярко выраженная профилированная задача обучения бакалавров архитектуры академическому рисунку с учётом их будущей специальности. Особенно большое место в решении задачи профилированного обучения рисунку принадлежит науке о перспективных закономерностях изображения, т.е. линейной перспективе. Однако существующие в настоящее время методы преподавания гипсовых античных моделей, заложенные в учебной программе «Рисунок головы человека», еще не достаточно обеспечивают необходимый уровень исполнительского мастерства студентов на данном этапе обучения. Как правило, у значительной части студентов пассивно осуществляются процессы восприятия визуальной информации в рисунках. На начальном этапе обучения у студентов возникают трудности в анализе сложных форм головы и передаче перспективного положения в пространстве. И здесь очень важен метод «обрубковки», т.е. метод обобщения, схематизированного упрощения формы в процессе восприятия и изображения. Такое «членение» сложных геометрических форм на более простые помогает правильно воспринимать общий объём и конструкцию, развивает пространственные представления рисующего (рис. 1).




**Рис. 1. Альбрехт Дюрер. Обрубковка**

Данный метод «членения» сложной формы на ряд относительно простых невозможен без практических навыков линейной перспективы.

Рассмотрим некоторые аспекты линейной перспективы применительно к изображению головы человека в пространстве. Необходимо отметить, что теория линейной перспективы и основной метод центральной проекции возникли из творческой практики художников и зодчих и развились в точную науку, дающую возможность современным архитекторам и дизайнерам строить изображения, совпадающие в достаточной степени со зрительным восприятием.

Perspective – французское слово, что значит видеть насквозь, т.е. приём созерцания окружающих предметов через прозрачную картинную плоскость, на которой фиксируются все перспективные изменения (рис. 2).



**Рис. 2. Проекционный аппарат перспективы**

Особенно большое развитие учение о перспективе получило в эпоху Высокого Возрождения, в частности в трудах итальянских художников и архитекторов Филиппо Брунеллески (1377-1446), Пьеро дела Франческа (1416-1492), Леона Баттиста Альберти (1404-1472), Леонардо да Винчи (1452-1512) и Альбрехта Дюрера (1471-1528).

Наиболее значительный вклад в историю искусства и архитектуры внес Леон Баттиста Альберти, который был прекрасным математиком, поэтом, музыкантом, философом и замечательным архитектором раннего Возрождения. Ему принадлежит капитальный труд «Десять книг о зодчестве», в которой изложена теория перспективы, пропорций в рисунке. Гениальный мастер пишет: «...имена наши заслуживают тем большего признания, что мы без всяких наставников и без всяких образцов создаём искусства и науки неслыханные и невиданные» [2, 8].

И если основы теории и практики науки о линейной перспективе и пропорций были заложены в эпоху Возрождения (XV-XVI вв.), геометрическая теория перспективы, тональная перспектива (теория светотени, воздушная перспектива) получила своё



## SAN'ATSHUNOSLIK

развитие начиная с конца XVIII века, особенно в трудах основоположника современного понимания науки «Начертательная геометрия» Гаспара Монже (1795). Теория собственных и падающих теней получила наконец своё логическое воплощение в графических изображениях и рисунках. Именно научные основы линейной перспективы, перспективная передача линий и формы на картинной плоскости, познание трехмерной формы в пространстве с передачей всех градаций собственных и падающих теней легли в основу обучения рисунку, в частности рисунку головы человека.

Методическая последовательность в работе над рисунком головы должна строго соблюдаться, так как нарушение её замедляет усвоение учебного материала. Нельзя перескакивать через отдельные этапы в работе над рисунком: не найдя, например, основных форм объёма, переходить к рисованию деталей; не поняв конструкцию предмета, переходить к светотеневой проработке. Студенты должны последовательно закреплять отдельные этапы и разделы учебного рисунка, так как каждый предыдущий этап подготавливает последующий. Последовательность выполнения рисунка приучает студентов учеников к рассуждению, к осмысленному построению изображения на плоскости.

### **Первый этап. Размещение изображения маски на листе бумаги**



На первом этапе построения рисунка от студентов требуется найти общий характер формы головы и её размер по отношению к листу. Размер рисунка определяется пропорциями головы – отношением высоты к ширине. Студенты должны научиться красиво заполнить плоскость листа бумаги. Нельзя, чтобы изображение «теснилось» на листе или «плавало» в большом пространстве. Если гипсовая маска или голова изображается в профиль, то перед линией лица поля листа должны быть шире, чем за линией затылка.

### **Второй этап. Определение характера формы головы, её пропорций и перспективного наклона**



Разместив изображение головы на плоскости, студенты намечают размеры основных частей лица: от теменной кости до надбровных дуг (высота лба), от надбровных дуг до основания носа, от основания носа до нижнего края подбородка – нижняя лицевая часть.

При рисовании головы в ракурсе задание усложняется, выполнить его может только подготовленный рисовальщик, хорошо представляющий, как происходит сокращение плоскостей формы в глубину или как увеличиваются их размеры по мере приближения к зрителю. Поэтому при постановке гипсовой маски или головы для начинающих рисовальщиков нужно избегать ракурса.

Студенты знакомятся с особенностями конструктивного строения формы человеческой головы, более глубоко изучают анатомию.

Рассматривая объёмные формы, в том числе и голову человека, следует обратить внимание на то, что они ограничены в пространстве поверхностями. Для определения поверхностей, образующих объём, нужно научить студентов пользоваться линиями, которые как бы расчерчивают форму головы на планы, раскрывают конструкцию объёма.

Линейно – конструктивная схема построения формы головы человека очень хорошо видна на рисунке немецкого художника эпохи Возрождения А.Дюрера (рис. 3). На этом схематическом рисунке можно проследить не только общие закономерности конструктивного строения формы головы, но и закономерности пропорционального членения головы на части, анатомического строения.



**Рис. 3. Альбрехт Дюрер. Конструкция и перспектива головы**

Далее студент учится разбираться в пластической форме головы, закрепляет свои знания по перспективе. Особое внимание следует обратить на правильность перспективного построения формы на плоскости, на убедительное выражение объёма средствами светотени. При работе над длительным рисунком точка зрения студента должна остаться неизменной на протяжении всего процесса рисования.

Приступая к детальной проработке формы, начинающим рисовальщикам не следует бездумно перескакивать от одной части рисунка к другой. Студенты должны уметь увязывать одну форму с другой, все время проверять, как они согласуются друг с другом. Например, рисуя нос, надо следить, как он располагается по отношению к слезникам, скуловым костям, уху, уголкам губ.

Рисуя пряди волос, нужно следить за тем, чтобы они располагались по форме головы. Прорабатывая отдельные локоны волос, студенты не должны пассивно срисовывать их, не думая о форме. Вначале надо наметить общую форму всего локона а затем можно переходить к уточнению.

### Третий этап. Работа над деталями



На этом этапе работы студенты окончательно отделяют рисунок каждой детали, следят за плавностью переходов тоновых отношений, выявляют рефлексы и материальность предметов. Педагог знакомит их с техникой рисования, показывает образцы, дает упражнения по техническим приемам работы. Он более подробно раскрывает законы распределения светотени, законы контрастности (при выделении блика на кончике носа), явление воздушной перспективы (передача пространства с помощью тоновых отношений).

Цвет, собственные и падающие тени на модели по мере удаления от освещения ослабевают в тоне, приближаясь к источнику света, в соответствии с законами контраста света и тени усиливаются [3, с.31]. По тому же закону у освещенной части гипсового слепка головы фон (плоскость стены) смотрится темнее, а с теневой стороны той же модели он светлее.

### Четвертый этап. Моделировка формы



На последнем этапе студенты подводят итоги проделанной работы – обобщают рисунок. Обобщение начинается с проверки и уточнения пропорций головы, затем проверяются остальные отношения и подчиняются детали целому. Здесь необходимо еще раз отметить самое темное и самое светлое место в натуре и, сопоставляя полутона, привести рисунок к целостному решению.

## SAN'ATSHUNOSLIK

Исходя из вышеизложенного, можно констатировать – современные методы обучения студентов архитектурных направлений образования перспективному рисунку предполагает соблюдение следующих педагогических условий:

1. Научно обоснованное применение педагогических установок помогает активизировать художественное восприятие студентов, способствует выработке у них навыков осмысленного анализа строения формы головы, использование закономерностей линейной перспективы в практике работы.

2. Качество повышения эффективности обучению перспективному рисунку может быть повышено благодаря применению различных упражнений и заданий, направленных на развитие зрительной памяти, воображения и пространственного мышления.

3. Разнообразие содержания и методов руководства изобразительной деятельностью студентов способствует активному, целенаправленному развитию художественного восприятия студентов.

### ЛИТЕРАТУРА

1. Қаламтасвир, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик фан дастури. (тузувчилар: З.Р. Бобомуратов, Н.В. Гильманова, Ж.Т. Ишматов, Ч.Ж. Бектаиров). – Т.: ТАҚИ, 2017. – 12 б.
2. В кн. **Непомнящий В.М., Смирнов Г.Б.** Практическое применение перспективы в станковой картине. – М.: Просвещение, 1978. – 119 с.
3. Гипсовый портрет маски /Авт.-сост.: А.Ф. Конев, И.Б. Маланов. – М.: АСТ, Мн.: Харвест, 2006. – 32 с.

## БОЛТАЕВ ТЕЛЬМАН БАКАЕВИЧ 60 ЁШДА



БухДУ “Ахборот технологиялари” кафедраси доценти Тельман Бакаевич Болтаев 60 ёшга тўлди.

Т.Б. Болтаев 1959 йил 27 июнда Вобкент туманида зиёлилар оиласида туғилган. Тумандаги 25-сон ўрта мактабни аъло баҳоларда тугатиб, шу йили Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)га “Амалий математика” ихтисослиги бўйича ўқишга кирди. 1981 йилда ўқишни битириб, Республика бош ҳисоблаш маркази Бухоро филиалига муҳандис-дастурчи лавозимига ишга қабул қилинди.

1987 йил май ойидан бошлаб Бухоро давлат университети ҳисоблаш маркази муҳандис-дастурчиси лавозимига ишга қабул қилинган Тельман Бакаевичдаги илмга бўлган иштиёқини сезган кафедра мудири Т. Шарипов тавсиясига кўра 1988 йилдан бошлаб Новосибирск давлат университети стажёр-

тадқиқотчиси, сўнг аспиранти бўлиб, 1994 йилда “Анализ и интерпретация незавершенных программ при структурном конструировании” мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Унинг дастурий маҳсулотлар яратишдаги салоҳияти Бухоро давлат университети ҳисоблаш маркази директори бўлиб ишлаган 1994-2005 йилларда яққол намоён бўлди. Бу йилларда талабаларнинг билимини баҳолаш тест дастури ва унинг асосида тест саволларини, талабалар ўзлаштиришини таҳлил қилиш компьютер дастури яратилди. Университетга биринчи интернет сервислар, электрон почта ва локал компьютер тармоғи жорий қилинди, университет информацион тизими яратилди.

Т. Болтаев университетдаги фаолияти давомида информацион технологиялар соҳасидаги ўзининг тўплаган билимларини талабаларга ўргатиб келмоқда. 2012 йилда доцент лавозимига эга бўлди, 2012 йилнинг сентябр ойидан 2018 йилнинг декабр ойигача “Ахборот технологиялари” кафедраси мудири лавозимида фаолият кўрсатди, ҳозирги вақтда шу кафедра доценти лавозимида ишлаб келмоқда.

Т. Болтаев 2013 йилда республикадаги таълим муассасалари ичида биринчилардан бўлиб университетда ўқув жараёнини қўллаб-қувватловчи электрон таълим тизимини яратиш ва уни амалда жорий қилишда бош-қош бўлди, бу тизим деканатлар ва ўқув бўлимлари ўртасида электрон ҳужжат алмашинувини йўлга қўйиб, вақтни тежаш ва турли сарф-харажатларнинг олдини олиш имконини берди. Ҳозирги вақтда бу тизим самарали фаолият кўрсатмоқда.

Шунингдек, Т. Болтаевнинг бошчилигида жорий қилинган масофадан туриб ўқитишнинг MOODLE тизими яхши натижа бермоқда ҳамда ҳозирги пайтда университетда жорий қилинган барча тизимлар интеграцияси устида иш олиб борилмоқда.

Тельман Бакаевичнинг оиласи ҳам ибратли оилалардан биридир. Унинг икки фарзанди ҳам отанинг изидан бориб, дастурий маҳсулотлар яратиш бўйича етук мутахассис бўлиб етишишган.

Бағри кенг, камтарин, мурувватли, талабчан ва қатъий фикрли, моҳир педагог ва устозайни кучга тўлган, баркамол ёшда. Ҳамкасбимиз, дўстимиз Тельман Бакаевич ҳали кўп йиллар дастурий маҳсулотлар яратиш, ёшларимизга бу соҳанинг сир-асрорларини пухта ўргатиб, университет шуҳратини янада юқори кўтарадиган ишлар қилишига ишонамиз ва келгусидаги илмий ҳамда педагогик фаолиятига зафарлар тилаб қоламиз.

**Жумаев Жўра**

*Ахборот технологиялари кафедраси доценти*

**“BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIIY AXBOROTI” JURNALIDA MAQOLA E'LON QILISH TALAB VA SHARTLARI**

**Hurmatli mualliflar!** Mazkur ilmiy jurnalda maqola e'lon qilish uchun Siz shaxsan o'zingiz yoki elektron pochta orqali maqola matnini hamda muallif(lar) haqidagi quyidagi ma'lumotlarni jo'natishingiz kerak: muallif(lar)ning ism-sharifi (to'liq), ilmiy darajasi, ish joyi va lavozimi, e-mail, aloqa telefonibo'lishi lozim.

**Maqolani rasmiylashtirishga oid talablar**

Maqola tahririyatga Arial shrifti 11 o'lchamida, 1 interval oralig'ida, MS Word formatida 2 nusxa (bosma va elektron variant)da yuboriladi. Taqdim etiluvchi maqolalarning **hajmi 4** betdan kam bo'lmaligi kerak. Shuningdek, maqolada UDK raqami, maqola nomi, muallif(lar) haqidagi ma'lumotlarni, tayanch so'zlar va annotatsiya (o'zbek, rus, ingliz tilida) berilishi lozim.

УДК: 81`373.2:821.512.133(092)

**СИНТАКТИК ҚУРИЛМАЛАРНИНГ СУБСТАНЦИАЛ АСОСЛАРИ  
СУБСТАНЦИАЛЬНАЯ ОСНОВА СИНТАКСИЧЕСКИХ КОНСТРУКЦИЙ  
SUBSTANSIAL BASIS OF SYNTACTIC CONSTRUCTIONS**

**Абузалова Мехринисо Кадировна**

*доцент кафедры узбекского языкознания БГУ, д-р филол.наук*

**Таянч сўзлар:** лексик валентлик, семантик валентлик, лексик-семантик валентлик, семантик-синтактик валентлик, /Wp/, содда гапларнинг минимал шакли, рамзий белги, эга, ҳол, кириш бирликлар.

**Ключевые слова:** лексическая валентность, семантическая валентность, лексико-семантическая валентность, семантико-синтаксическая валентность, /Wp/, минимальная форма простого предложения, символический знак, подлежащее, обстоятельство, вводные единицы.

**Key words:** lexical valency, semantic valency, lexico-semantic valency, semantic-syntactic valence, /Wp/, symbolic sign, subject, circumstances, introductory units.

*Ушбу мақолада /WF/ W/(атов бирлиги) мансуб бўлган ССГ(семантик-синтактик гуруҳ)нинг семантик валентлиги ва F/(шакл) грамматик валентлигининг ўзаро таъсири ҳамда уйғунлашишдан иборат бўлган бутунлик эканлиги, барча турдаги гапларда имконият даражасида туриши асосланган.*

*В данной статье разъяснена степень возможной общности языковой синтаксической модели словоформы (WF) во всех типах предложений; обоснована валентная способность /WF/, возникающая в результате взаимодействия и гармонирования семантической валентности ССГ(семантико-синтаксической группы), к которой относится W/ (единица называния) и F/ (формы), в определении структуры синтаксической конструкции и её роли в предложении.*

*In this article the degree of potential unity of a wordform syntactic model (WF) in all types of sentences has been defined; it has been proven that the valency potential of /WF/ which has been formed as a result of mutual influence of the semantic valency of SSG(semantic-syntactic groups) belonging to W/ and F/ grammatic valency can establish the contents of a semantic structure and its status in the sentence.*

**Кириш. Асосий қисм. Хулоса.**

Аниқ ва табиий фанлар руки остида журналда чоп этиладиган мақолаларда охириги 10 йил ичида Scopus.com, Web of know ledge.com, Science direct.com маълумотлар базасидаги юқори импакт факторли илмий журналларда чоп этилган илмий мақолаларга ҳамда “Бухоро давлат университети илмий ахбороти” журналидаги мақолаларга ҳаволалар берилиши зарур.

**ADABIYOTLAR**

1. **Yo'ldoshev M.** Badiiy matn va uning lingvopoetik tahlili asoslari. – T.: Fan, 2006. – 76 b.
2. **Fitrat A.** Adabiyot qoidalari. Tanlangan asarlar. V jildlik. – T.: Ma'naviyat, 2006. – IV jild. – B. 11-88.
3. **Muxamedov A.** O'zbek kompyuter lingvistikasi: rivojlanish tarixi, buguni va kelajagi //O'zbektili va adabiyoti. – Toshkent, 2001. – № 3. – B. 37-41.
4. **Rustamov Sh.** Kuzgi bug'doy begona o'tlari va ularni yo'qotish omillari //Agrar fani: yutuqlari va istiqbollari /SamQXI ilmiy ishlar to'plami. – Samarqand, 2001. – B. 27-30.
5. **Küpper H.** Wörterbuch der deutschen Umgangssprache. – 3 Bände. – Hamburg, Classen Verlag, 2003. – 964 p.

**Maqolalar, tahrir hay'ati tomonidan ko'rib chiqiladi.** Maqolaga salbiy taqriz berilganda, nashr etmaslik to'g'risidagi xulosa beriladi va maqola muallifga qaytarilmaydi. **Maqolada plagiatlar 70%danoshmasligilozim.Maqolada keltirilgan ma'lumotlar uchun muallif javobgar.**

Materiallar quyidagi manzil bo'yicha qabul qilinadi: [tahririyat12@umail.uz](mailto:tahririyat12@umail.uz) (savollar bo'yicha ham shu manzilga xat yozishingiz yoki **0 (365) 221-30-32** raqamiga murojaat qilishingiz mumkin). Shuningdek, batafsil ma'lumotlarni [www.almamater.uz](http://www.almamater.uz) saytidan olishingiz mumkin.

## ОБЪЯВЛЕНИЕ

## ПЕРЕЧЕНЬ ТРЕБОВАНИЙ И УСЛОВИЙ ПУБЛИКАЦИИ СТАТЕЙ В ЖУРНАЛЕ “НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК БУХАРСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА”

**Уважаемые авторы!** Чтобы опубликовать статью(и) в данном журнале, Вам необходимо прислать по электронной почте **текст статьи, сведения об авторе(ах):** ФИО, ученая степень, ученое звание, место работы и должность, *e-mail*, контактный телефон.

**Требования к оформлению статьи**

Текст статьи представляется в редакцию в двух экземплярах (в печатном и электронном виде) в формате MS Word, шрифт Arial, размер 11 (межстрочный интервал - одинарный). **Объем представляемой статьи** – не менее 4 страниц. Текст статьи должен включать номер УДК, название статьи, сведения об авторе, ключевые слова и аннотации (узбекском, русском и английском языках).

**Образец оформления статьи**

УДК: 538,1:548

СПИН-ҚАЙТА ОРИЕНТАЦИЯ ПЛАНУВЧИ ФАЗАВИЙ ЎТИШЛАР ҲАРОРАТИ ЯКИНИДА  $Tb_{0,2}Y_{2,8}Fe_5O_{12}$   
ФЕРРИТ-ГРАНАТИНИНГ МАГНИТООПТИК ХУСУСИЯТЛАРИМАГНИТООПТИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА ФЕРРИТА-ГРАНАТА  $Tb_{0,2}Y_{2,8}Fe_5O_{12}$   
ВБЛИЗИ ТЕМПЕРАТУРЫ СПИН-ПЕРЕОРИЕНТАЦИОННОГО ФАЗОВОГО ПЕРЕХОДАMAGNETO-OPTIC PECULIARITIES OF FERRITE GARNET  $Tb_{0,2}Y_{2,8}Fe_5O_{12}$ **Джураев Даврон Рахмонович***Профессор кафедры физики БухГУ, проф., д-р физ.-мат.наук***Шарипов Мирзо Закирович***Доцент кафедры физики БухИТИ, канд. физ.-мат.наук***Хайитов Дилшод Эргашович***Ассистент кафедры физики БухИТИ*

**Таянч сўзлар:** магнитооптика, домен тузилиши, фазавий ўтишлар, феррит гранат, Фарадей эффекти, гистерезис илмоғи.

**Ключевые слова:** магнитооптика, доменная структура, фазовые переходы, феррит-гранат, эффект Фарадея, петля гистерезиса.

**Key words:** magneto-optics, domain structure, phase transitions, ferrite garnet, Faraday effect, hysteresis loop.

*Мақолада нодир ер феррит-гранати  $Tb_{0,2}Y_{2,8}Fe_5O_{12}$  нинг магнитооптик қабул қилувчанлигининг ҳароратга боғлиқлиги ва Фарадей эффектнинг майдонга боғлиқликлари экспериментал тарзда тадқиқ қилинди.*

*В статье приведены результаты экспериментальных исследований температурной зависимости магнитооптической восприимчивости и полевые зависимости эффекта Фарадея редкоземельного феррита-граната  $Tb_{0,2}Y_{2,8}Fe_5O_{12}$ .*

*The results of experimental studies of the temperature dependence of the magneto-optical susceptibility and the field dependences of the Faraday effect of the rare-earth garnet ferrite  $Tb_{0,2}Y_{2,8}Fe_5O_{12}$  have been presented in the article.*

**Введение. Основная часть. Заключение.**

За последние 10 лет статьи, были опубликованы в журнале под лозунгом «Точные и естественные науки», опубликованы в сайтах Scopus.com, Webofknowledge.com, Scindirect.com, и должны опубликоваться в научном журнале “Бухарского государственного университета”.

## ЛИТЕРАТУРА

1. Романов В.Г. Обратные задачи математической физики. – М.: Наука, 1984. – 264 с.
2. Седов Л.И. Механика сплошной среды: В 2-х т. – М.: Наука, 1983. – Т.1. – С. 114-125.
3. Кузнецов Ю.И. Построение информативного базиса в задачах общей циркуляции атмосферы: Дисс. ... канд. физ.-мат. наук. – Новосибирск: ВЦ СО РАН, 1997. – 134 с.
4. Бахвалов Н.С. К оптимизации методов решения краевых задач при наличии пограничного слоя // Журнал вычислительной математики и математической физики. – Москва, 1969. – №4 (9). – С. 841-859.
5. Панов В.Ф. Модели частиц сильной гравитации. – Томск, 1982. – 7 с. – Деп. В ВИНТИ 27.05.82. – № 2641.
6. Пушков Ю.Г. О нормировании качества жидких электратов при их производстве методом реперколяции // Научно-технический прогресс и оптимизация технологических процессов создания лекарственных препаратов: Тез. докл. Всесоюз. научн. конф. 21-22 мая 1987. – Львов, 1987. – С. 282-283.
7. Kürper H. Wörterbuch der deutschen Umgangssprache. – 3 Bände. – Hamburg, Classen Verlag, 2003. – 964 p.

**Тексты статей подлежат оценке редакционной коллегии.** В случае отрицательной рецензии направляется мотивированный отказ в публикации. Представленные материалы авторам не возвращаются. **Ответственность за содержание статьи несет автор.** Степень уникальности текста не должна составлять менее 70%.

Материалы принимаются по электронной почте: [tahriryat12@umail.uz](mailto:tahriryat12@umail.uz). С вопросами обращаться по тому же адресу, а также по телефону: **0 (365) 221-30-32 (офис)**. Более подробную информацию можно получить на сайте [www.almamater.uz](http://www.almamater.uz).

**MUNDARIJA**